



САИД АХМАД




*танланган
асарлар*

—◆—
III жилдлик

**III
ЖИЛД**

—◆—
**Хотиралар
Адабий ўйлар**



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2000

Ушбу китоб муаллифи — Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ҳозирги кунда унутилмас хотираларга айланган атоқли адабиёт арбоблари билан узоқ вақт бирга бўлган. Уларга сафарларда ҳамроҳлик қилган. Халқимиз ардоғидаги бу беназир инсонларнинг нурли кунларида ҳам, алам-изтироб чеккан онларида ҳам ёнларида бўлган. Хотираларда адабий тўқималар йўқ. Тасвирланган воқеалар синчковлик билан кузатилган, ёзувчининг ўткир нигоҳидан ўтган соф ҳақиқатдир.

Китобнинг биринчи бобида тилга олинган ва ажиб меҳр билан тасвирланган устозлар энди йўқ. Улар халққа, ватанимиз бадий ҳазинасига қимматбаҳо гавҳарлар қолдириб йўқлик сари кетганлар.

Китобнинг иккинчи бобида ҳозирги кунда ижод қилаётган ва бугунги кунда етук ёзувчи бўлган, халқ ҳурматига сазовар бўлган ёзувчилар, китоб муаллифи шогирдлари тўғрисида қайноқ фикрлар баён қилинади.

Учинчи бобда гоҳ нурли, гоҳ нурсиз кунларни бошидан кечирган муаллифнинг изтироблари, қўп машаққатлар билан топган икболи тўғрисида таъсирли фикрлар баён қилинади.

Ўйлаймизки, бу асар ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди. Уларни ўйлашга чорлаб, бу ёруғ кунларда яшаш бахти қанчалар машаққатлар ҳисобига келганини баён қилади.

Саид Аҳмад.

Танланган асарлар: III жилдлик. — Т.: «Шарк», 2000.
Жилд III: Хотиралар. Адабий ўйлар. — 336б.

Ў32

© «Шарк» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳририяти,
2000

ЙЎҚОТГАНЛАРИМ



ШУЪЛА

Ўтди даврон,
Кетди карвон,
Энди карвонлар қайдадир.

Қ ў ш и қ

Устоз Ойбек тўғрисида билганларимни ёзмоқчиман. Аммо ҳар гал жазм қилганимда журъатсизлик қўлимни қайтаради. Буюк одамлар ҳақида гап айтиш балки осондир, қовозга тушириш эса ниҳоятда қийин. Айтилган гап ўша жойда қолиб кетиши мумкин. Қовозга тушгани тарих мулкига айланади. Ана шунинг учун ҳам журъатсизлик кўпинча хоҳишдан устун келади.

Шундай ҳолни ҳатто буюк Навоий бобомиз ҳам бошидан кечирган. У «Хамса»нинг бағишлов қисмида шундай ёзади:

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,
Низомий панжасига панжа урмоқ.

Ойбек «Навоий» романининг биринчи сатрларини ёзаётганда қандай ҳолга тушган, буни билмайман.

Шуни биламанки, Навоий даҳосининг салобати, қудрати, буюклиги олдида Ойбекдек мумтоз ёзувчида ҳам қўрқув, журъатсизлик бўлган.

Энди мен Ойбек даҳоси олдида «Борса гумон» йўл бошида ҳайрон турибман. Умуман Ойбек тўғрисида бирон нима ёзишга ҳаддим сиғадими? Унинг ўзига муносиб гаплар топа оламанми?

Навоий Низомий даҳосидан, Ойбек Навоий қудратидан истиҳола қилган бўлса, энди мен Ойбекнинг буюклиги қаршисида довдираяпман.

Ҳаётнинг минг бир чиғиригидан омон ўтган, тухматларга, маломатларга бир эр киши бўлиб чидаган, соғлиғини душманлари йиллар бўйи емирган бир сабр-бардошли ўғлон тўғрисида устозларнинг руҳи мададкор бўлсин, деб ёзишга журъат қилдим...

Минг тўққиз юз ўттиз саккизинчи йилнинг авжи баҳор пайти эди. Ёш-ялангнинг қулоғида қўшалоқ гилос. Қулупнайдан кип-қизил доғ ўтирган қовоз бўлақларини шамол уёқдан-буёққа учиради. Дунёни сув босса тўпифига

чиқмайдиган ўспиринлар бодрингпуруш олдида тик туриб «учирик» ўйнашади.

Хадрадан Эски Жўва томон озроқ юрсангиз чапдаги човроқ кўча олдидан чиқасиз. Кўча бошида Ҳамза театрининг биноси бор. (Ҳозир бу бинода А. Ҳидоятлов номидаги театр жойлашган.) Тунука бозорига борилади. Ўнг томондан катта бозорга йўл тушган.

Жами бозорлар ичида сершовқини шу тунука бозори. Тунукага урилган болғаларнинг овозидан қулоқларингиз битади. Бунда пақир, обдаста, самовар карнайи, хокандоз, патнис, тоғоралар ясалади.

Шу ердаги банк ва омонат касса биносининг зинасида Ойбек олдида янги картошка, бодринг, гилос солинган саватчани қўйиб, газета ўқиб ўтирибди. У газета ўқишга шунчалик берилиб кетган эдики, тунука бозорининг шовқини ҳам қулоғига кирмасди. Ёнидан қўчат судраган, қўй сгаклаган, қоп орқалаган кишилар ўтади. У буни сезмайди.

Ойбек бундан саккиз ой олдин Ёзувчилар уюшмасидан ўчирилган.

Ботуни Самарқандда ҳибсга олишди. У бир неча йилдан бери қамоқда ётибди. Санжар Сиддиқни Қибрайдаги дам олиш уйидан, Қурбон Берекин билан Анқабойни Ёзувчиларнинг IV пленуми президиумидан ижод аҳлининг кўзи олдида қўлларига кишан солиб олиб кетишди. Ўша пленумда Ойбек билан Ҳамид Олимжон уюшмадан ўчирилди. Шу жойнинг ўзида аъзолик ҳужжатлари тортиб олинди.

Киоскалар олдида одам кўп. Газеталар ҳар куни «халқ душманлари» тўғрисида қулоч-қулоч мақолалар босиб чиқаради.

Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Ғози Юнус, Элбек, Усмон Носирларни фош қилувчи мақолаларнинг кети узилмайди. Улар бу хил ҳужумлардан қамалганларидан кейин ҳам қутилишмади.

Ойбек тунука бозорининг даранг-дурунгига парво қилмай, мук тушганича газета ўқияпти. Мақолалардан ўз номини ахтаради. Хайрият, бу гал номи йўқ экан.

Уч-тўрт боғ редиска кўтариб хотини Зарифахоним келди.

— Юринг, кетдик, — деди у. — Газетада нима гап? Сизни нима дейишяпти?

— Отажон Ҳошимни ёзипти.

Отажон Ҳошим тил ва адабиёт институтининг директори, таниқли адабиётшунос олим эди.

Иккови то трамвай бекатига етгунча индамай бо-ришди.

Зарифахоним эрини сира ёлғиз қолдирмасди. Қаерга борса бирга борарди. Нашриётларга, тахририятларга борганда эшик олдида кутиб ўтирарди. Ёнида бўлсам олиб кетишолмайди, деб ўйласа керак.

Ойбек ўша пайтларда болалари билан тор бир уйда яшарди. Ижод қилиш учун мутлақо шароит йўқ эди. Эр-хотин ўйлаб-ўйлаб яшаб турган хонанинг шифти билан поли оралиғида болахона қилишди. Ойбек унга нарвонда чиқар, то сахаргача мук тушиб ёзарди. Ёзиб чарчаган пайтларда қаддини ростласа боши шифтга тегарди. Кундузлари баъзан Эски Жўвадаги «Октябр» кутубхонасига бориб ёзарди.

Бу кутубхона илгари «Турон» номи билан аталган. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Фафур Фулом, Ойбек, Миртемирлар бу ерга тез-тез келиб туришган.

«Турон» сўзини эшитганда Шўро ҳукуматининг лаби-га учуқ тошарди. Ҳамзанинг «Яша Турон» шеъри ҳам «Яша Шўро» қилиб ўзгартирилди. Илгари Турон замонга қофия эди. Энди Шўро замонга қофия бўлибди. Бечора шеърни куппа-кундузи қароқчилар ечинтириб, қофияси-ни ўғирлаб кетган эдилар.

Уюшмадан Ойбекка уч хонали яхши бир уй беришди. Эр-хотиннинг қувончлари чексиз эди. Юкларини ортиб янги уйнинг ҳовлисига туширишди. Бироқ бу юкларни уйга олиб кириш насиб қилмади. Ойбекни уюшмадан ўчиришди. «Буржуа миллатчиси» сифатида уюшмадан ўчган Ойбекка янги уйнинг калитини беришмади. Юклар-ни қайтариб олиб кетди.

Зарифахоним қишлоқ хўжалиги институтида, медици-на институтида кимёдан дарс берарди. Олган маошини тежаб-тергаб рўзгор қиларди.

Ҳамид Олимжон билан Ойбекни дўстлар Ўқув-педа-гогика нашриётига ишга жойлаштирадидлар. Икковлари ҳам нашриёт ишларини уйда бажаришарди. Ойбек тиним билмай ишларди. У нашриёт учун қадимги дунё адабиёти тарихи дарслигидан Юнон адабиёти қисмини таржима қилди. Айни пайтда бошлаб қўйган романини давом эт-дирди.

Бу пайт қама-қамалар сал-пал босилган, Ойбекни таъкиб қилмай қўйгандилар. Газеталарда шеърлари боси-ла бошлади. Достонлари яна дарсликларга киритилди.

1938 йилнинг кеч кузи эди. Акам кечқурун Ойбек, Миркарим Осим, Ҳомил Ёқубов ва Ҳоди Зарифларни

уйга бошлаб келди. Ойим ош дамлади. Озрок вино ичиб кайф қилишди. Патефон қўйиб Бобораҳим Мирзаевнинг ўша пайтда жуда машҳур бўлган «Фирон» қўшиғини қайта-қайта қўйиб эшитишди. Вақт алла-палла бўлганда меҳмонларни Раис кўчадан Пушкин парки дарвозасигача кузатиб чиқдик. Бирдан Ойбек безовталаниб қолди. У ҳаяжонланганида озрок дудукланиб қоларди.

— Роман қани? Роман, роман...

Аввалига нима деяётганига тушунмай бир-биримизга қарадик. Боя дераза раҳига омонат қўйилган қоғоз папка эсимга келди. Ҳозир олиб келаман дедиму лой кечиби, уйга югурдим. Зум ўтмай оғир, қалин папкани олиб келдим. Ойбек қувониб кетди. Бағрига босиб, елкамга қоқди.

— Раҳмат, раҳмат, — деярди у тутилиб. — Бу роман, роман...

Болалигимда китобга жуда ўч эдим. Қодирий, Қахҳор романларини берилиб ўқиганман. Фафур Фулом ҳикояларини ёд билардим. Ойбекнинг дostonларини, шеърларини ўқигандиму аммо бирон ҳикоясига кўзим тушмаган эди. Демак, у роман ёзган.

1939 йилнинг баҳорида Давлат нашриётида Ойбекнинг романи ўқилипти, деб эшитдим. Мен у пайтда «Муштум»да ишлардим. Таҳририят ҳам, нашриёт ҳам тўртинчи қаватда эди. Илгарилари ҳам уюшмада бўладиган муҳокамаларга катнашиб турардим. Уюшмада Чўлпоннинг «Аваз» деган пьесаси ўқилиб, муҳокама қилинганди. Негадир пьесани Чўлпоннинг ўзи эмас, Аброр Хидоятлов ўқиганди. У ўқиёлмай қийналган ёки тўғри ўқимаган жойларини ундоқ эмас, бундоқ деб Чўлпоннинг ўзи тузатиб турарди. Кейинчалик нима сабабдан «Аваз» Аброр Хидоятлов номи билан саҳнага қўйилди.

Нашриёт директорининг кабинетига ёзувчилар, муҳаррирлар тўпланиб туришган экан. Ўртадаги столда ҳу ўша, бизнинг уйда қолган папка. Унда «Ойбек. Қутлуғ қон, роман», деган ёзув бор эди.

Қўлёзма араб алифбосида ёзилгани учун шу алифбони биладиган муҳаррир Маъруф Ҳаким ўқийдиган бўлди.

Менимча роман ўн кунга яқин ўқилган бўлса керак. Мен тўрт марта катнаша олдим, холос.

«Қутлуғ қон» муҳокамада жуда яхши баҳо олибди. Босиб чиқаришга тавсия қилишибди, деб эшитдим.

Баъзи қитмирлар роман албатта Ёзувчилар уюшмасида муҳокамадан ўтиши керак, нашриёт муҳокамаси етарли эмас, деб туриб олишди. «Қутлуғ қон» яна муҳокама

қилинди. Китобдан анча «сиёсий хатолар» топишди. Туркистон халқларининг революцион онгини ўстиришда рус пролетариатининг роли кўрсатилмаган. Асар қаҳрамони Йўлчи улуғ рус халқининг илғор фикрли вакиллари фаолиятдан баҳраманд бўлмаган. Китобга албатта улуғ рус халқининг вакиллари киритиш керак, деган фикрлар муаллифга зўрлаб тиқиштирилди.

Яқиндагина ўттиз етти, ўттиз саккизинчи йилларнинг олатўполонидан бир амаллаб ўтиб олган Ойбек учун китобда кўрсатилган «нуқсонлар» яна янги айблар қўйишга баҳона бўлиши мумкин эди. Начора, уларнинг айтганларини қилмаса бўлмайди. Акс ҳолда роман босилмай қолиб кетади.

Романнинг охирида Ойбек ўзини зўрлаб бўлса ҳам рус инқилобчиси Петров образини киритади. У қамоқда Йўлчининг онгига инқилобий рух сингдиради. Мутлақо саводи йўқ Йўлчини ўрисча китоб ўқишга ўргатади. Йўлчи ундан зулмга қарши террор йўли билан эмас, онг билан, тактика билан курашиш йўллариини ўрганади. У ёзиб берган хат орқали инқилобчи Андреев билан танишади.

Ойбек Йўлчи нутқига ҳам унча-мунча ўзгартишлар киритади. У энди оддий, содда қишлоқ йигити эмас, оқу қорани таниган, ҳар бир гапни ўйлаб гапирадиган «инқилобчи» даражасига етади.

Ана шундан кейин «Қутлуғ қон» нашр қилинади.

«Ўтган кунлар» дан, «Меҳробдан чаён»дан, «Кеча ва кундуз»дан жудо бўлган ўзбек китобхони романни ниҳоятда қувонч билан кутиб олди. У қўлма-қўл бўлиб ўқилди.

Илгари бирон ҳикоясини ўқимаган китобхон Ойбекнинг бирдан шундай мукамал роман ёзганига ҳайрон эди.

Ойбекнинг ўлиmidан кейин Зарифахоним ёзувчининг архивидан бир неча ҳикоясини эълон қилди. Биз Ойбекнинг мухлислари устозимизнинг роман ёзишдан олдин ҳикоялар ёзиб, машқ қилганини билдик. Ўша эълон қилинган ҳикоялар жиндек ўзгаришлар билан «Қутлуғ қон»га алоҳида боб қилиб киритса бўладиган даражада эди. Улардан «Қутлуғ қон»нинг хиди келиб турарди.

Романнинг бунчалик доврўғига сабаб нима эди? Унда акс эттирилган воқеаларнинг шохидлари ҳали ҳаёт эдилар. Инқилоб бўлганига атиги йигирма йил бўлган. Ёзувчининг жиндек уйдирмасини ўқувчининг синчков назари

дарров илғаб оларди. Ойбек воқеаларга ёлғон аралаштирмади. Рост гапни ёзди.

Ҳақиқий рассомлар одамнинг ўзига қараб суврат ишлайди. Бундай сувратда чинакам инсон қиёфаси тўғри акс этади. Ойбек ҳам ўз қахрамонларини ўтқазиб қўйиб, сўз билан сувратини ишлагандек. Ҳаким бойвачча, Танти бойвачча, Олимхон эликбоши, Ёрмат, Нури, жадид Абдушукур... Буларнинг ҳаммаси ўзига қараб чизилган қиёфалар.

Ёки Тошкентнинг инқилоб арафасидаги кўринишини олайлик. Худди ўзи. Унда тахминан тасвирланган жойлар йўқ. Ҳаммасини Ойбек кўрган, неча марталаб кезиб чиққан кўчалар, гузарлар, расталар...

Роман тили ниҳоятда ўзбекона.

«Қутлуғ қон»нинг муваффақияти Ойбекка қанот берди. Кўп йиллардан бери дилига тугиб қўйган, унча-мунча бобларини хомаки ёзиб қўйган «Навоий» романига тайёргарлик кўра бошлади.

Навоийга алоқадор нимаики бўлса барини синчковлик билан ўрганди.

Хирот харитасини олдиға қўйиб, кўхна шаҳар кўчаларини хаёлан неча марталаб кезиб чиқарди. Навоий замондошлари, уларнинг шоир ҳақида айтган гаплари, сарой зиддиятлари, дўстлари ва душманлари, подшоҳнинг беқарор ўйлари, бари-бари Ойбек хотирасига ўрнашиб қолди. Буюк шоир ёзган жами асарларни қунт ва сабот билан ўрганиб чиқди.

Ана шундан кейингина Навоий қиёфаси бир бутун холда кўз олдида пайдо бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида шиддатли жанглар кетаётган пайт. Радио ҳар тонг дилларни вайрон қилгувчи хабар тарқатади. Киев қўлдан кетди. Смоленск остоналарида шиддатли жанглар давом этмоқда. Ленинград ҳамон қуршовда. Почтачилар «қора хат» тарқатиш билан банд.

Ойбек Навоий романи устида тинимсиз ишлайди. Кечаси ҳам, кундузи ҳам ёзади.

Тошкентда одам кўпайиб кетган. Уруш бўлаётган жойлардан қоп орқалаб келаётганларнинг сон-санови йўқ. Москва ҳамда Москва остоналаридаги заводлар кўчириб келтирилган. Нон етишмайди. Электр энергияси ҳам камайган. Ҳарбий заводлар электр қувватини сўриб қўймоқда. Ҳатто трамвайлар ҳам кеч саоат ўн бирдан кейин юрмайди. Тошкент кўчаларини кечалари чароғон қиладиган лампочкалар қисқартирилган.

Ойбек керосин лампа ёқиб, оч-наҳор роман ёзпти. Тезроқ романни тугатишга шошади. Ҳамма галаба учун кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлаётган бир пайтда беш юз йил нарёкдаги воқеалар билан ўралашиб қолганидан хижолат бўлади. Нима бўлса ҳам китобни тугатишим керак, деб уриниб ётибди.

Зарифа Саидносирова ўша дамларни эслаб «Ойбегим менинг» китобида шундай ёзади:

«Бир кеча ёдимда. Ойбек ёзиб ўтирарди. Мен ҳам ёзибми, ўқибми ўтирибман.

— Зарифа, қорним оч, жуда очикдим, — деб қолди Ойбек.

Мен нима дейишни билмайман, индамадим. Жавоб қилолмадим. Негаки уй қуп-қуруқ эди.

— Бирор нарса йўқми? — сўради Ойбек.

Ўрнимдан туриб шкафни ахтардим. Ҳужрадаги хурмача, халталарни текширдим. Бир ҳовуч йирик кепак, бир-икки қошиқ шакар топдим, сўнг хурмачанинг тагини сидира-сидира бир қошиқ ёғ олдим. Примусда кепакни қовуриб, сўнг унга шакар аралаштириб дастурхонга тортидим. Билмадим, бу қандай таом бўлди экан? Ойбек ҳазратлари номи менга ҳам номаълум бўлган бу таомдан бир-икки марта қошиқ учида олган бўлди. Сўнг «сен ҳам егин» деб мени қистади.

— Йўқ, очикмадим, ўзингиз еяберинг, — дедим унга.

Менинг қурсоғимда ҳеч нарса йўқ эди. Фақат қаноат бор, холос.

Ойбек озгина еди. Озгинасини қолдириб деди:

— Эрталаб болаларга берарсан.

Менга боқиб жилмайди-да, тагин ёзувга киришди...»

Москва хавф остида. Пойхтахтга яқин келиб қолган фашистлар дурбинда Москвани бемалол кўриб турардилар.

Ойбек тиним билмай ишларди. Рўзгор ишлари Зарифахонимнинг гарданида. Ишдан келибоқ тунука банка кўтариб керосин топиб келишга чиқиб кетади. Чунки бу уйда тонг отгунча чироқ ўчмасди. Ойбек кечаси билан ишлаб, тонг ёришгандагина чироқни пуфлаб ўчиради.

Ўша пайтларда Ойбек озиб, кўзлари киртайиб қолганди. Шундоқ бўлса-да у ишлаб чарчамасди. У «Навоий»ни тугатаману уруш тўғрисида зудлик билан янги роман бошлайман, деб дилига тугиб қўйганди. Унда бошқа ёзувчиларда учрамайдиган бир одат бор эди. Бирон асар устида ишлаётган пайтда бошқа яна бир асарни пишитиб борарди. «Қутлуғ қон»ни ёзаётганда «Навоий» романи

хам етилиб қолган, энди у «Навоий»ни тугатаётганда уруш мавзуидаги романни қўнглида пишитарди.

Нихоят уруш олови чақнаб турган бир пайтда романга нуқта қўйилди.

Ўша йиллари мен Бекобод шаҳридаги Фарҳод қурилишида мухбир бўлиб ишлардим. Ойда бир Тошкентга келиб «Қизил Ўзбекистон» таҳририятига ҳисоб берардим. Бир гал келганимда янги шаҳардаги китоб дўконида одамларнинг навбатда турганларини кўриб ҳайрон бўлдим. Одамлар нон, керосинга навбатда туришарди. Не-чукки, улар китоб дўконида навбатда туришади? Яқин келиб суриштирсам, Ойбекнинг «Навоий» романи сотилаётган экан. Навбатда туриб биттасини сотиб олдим. Варақлаб кўрдим. Беш юз йигирма беш саҳифа. Унга марҳум Ҳамид Олимжон муҳаррирлик қилган экан. Номни қора рамкага олинган. Демак, у ўзи муҳаррирлик қилган бу китобни кўролмаган. Ҳамид Олимжон шу йили баҳорда ҳалок бўлган эди.

Китобни Бекободга олиб кетдим. Уни қўлимдан қўймайман. Қурилиш трассаларига борганимда ҳам, ертўла «квартирам»да ҳам ўқийман. Ўқиганларимни қурувчиларга гапириб бераман.

Романни ҳали ўқиб тугатмаган эдим, ғалати бир хабар эшитдим ҳайрон бўлиб қолдим. Ойбекни армия сафига чақириб, фронтга жўнатиб юборишибди. Тавба, бу қанақаси бўлди? Бозор тўла савдогар, чайқовчи. Арзимаган ишлар билан ивирсиб юрган сўлақмондек йигитлар қолиб, ўзбекнинг фаҳри, гурури, номдор ёзувчиси Ойбекни жангга жўнатишадими? Наҳотки раҳбарларимиз бунга йўл қўйишди экан?

Бу гапнинг қанчалик рост-ёлғонлигини билиш учун Тошкентга — таҳририятга телефон қилдим. Муҳаррир ўринбосари Рихси Сахибоев, Ойбекнинг ўзи марказқўмга ариза бериб, янги романга материаллар йиғиш учун бир муддат фронтга юборишларини сўраганини, уни фронтдаги ўзбек жангчиларига концерт қўйиш учун кетаётган артистлар билан фронтга юборишганини айтди. Мен унга:

— Фарҳод қурилишига республиканинг жами областларидан минг-минглаб қурувчилар келган. Бу гап тез орада ҳамма областларга тарқаб кетади. Ойбекнинг нима мақсадда фронтга кетгани тўғрисида кичкинагина бўлса ҳам хабар берсанглар яхши бўларди, дедим. Бу гапим унга маъкул тушди.

Қўлимдаги китобни Ойбек кўрганмикан? Ё китоб бос-

мадан чиккунча сабри чидамай кетавердимикан, деб ўйлайман.

Ойбек жанг майдонларида окопма-окоп юриб ўзбек жангчиларини қидирди. Ўқлар ёғилиб турган, ҳаёт-мамот жанглари бўлаётган пайтларда улар билан гаплашди. Исм-фамилияларини ёндафтарга ёзиб олди. У бомба самолётдан ташлангандан то ерга тушиб портлагунча қанақа овоз чиқазишини, замбарак залл берганда неча қарич орқага сурилишини ўз кўзи билан кўрди. Санитар қизларнинг ўқ ёмғири остида ярадорларни қандай олиб чиқишларини кузатди. Душман вайрон қилган шаҳарларда кезди. Асир олинган фашистларни хайдаб келаётганларини кўрди, уларнинг жирканч афт-ангорларига нафрат билан қаради.

Унинг бу жойларда кўрган-кечирганлари бўлғуси «Қуёш қораймас» романи учун детал вазифасини ўташи керак. У нимаики кўрган бўлса барини ёндафтарига ёзиб қўйди.

Ойбек уруш тугагандан кейин ҳам Сталинград тикланмай туриб, шаҳар вайронларини ўз кўзи билан кўриш учун «Қахрамон шаҳар»га бориб келди. Ана шундан кейин у роман устида муқим ўтириб иш бошлади.

Михаил Шолохов ҳам ҳали «Очилган кўрик»нинг иккинчи китобини тугатмай туриб «Улар Ватан учун жанг қилганлар» романини бошлаган эди. У ёзган бўлимларини «Известия» газетасида давомли бостириб турди. Кейинчалик иши юришмадими, ё бирон нимадан қўнгли тўлмадими «Очилган кўрик» устидаги ишини давом этдирди. «Инсон тақдири» қиссасини, «Нафрат илми» асарларини ёзди. «Улар Ватан учун жанг қилдилар» қолиб кетди. Урушдан кейин ҳам романни давом этдирмади. Пешма-пеш матбуотда эълон қилинган бобларни китоб ҳолида нашр қилиб қўяқолди. Аммо Ойбек «Қуёш қораймас» романини охирига етказди.

Ойбек «Навой» учун биринчи даражали Давлат мукофотига сазовор бўлди. Ўзбекистонда ташкил қилинган Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзолари қаторидан жой олди. У Иттифоқ Олий Кенгашига депутат қилиб сайланди.

Унинг бу муваффақиятларидан дўстлари шод бўлдилар. Душманлари асабийлашдилар.

Ойбек лауреат, Ойбек депутат, Ойбек академик, Ойбек Ёзувчилар уюшмасининг раиси...

У шунча унвонлардан ҳаволанмади. Аввал қандай бўлса ўшандай яшади. Ўшандай меҳнат қилди.

Ижодда омади келмаган рақибларининг ичлари қуйиб кетди. Унга очикдан-очик ҳужум қила бошладилар. Улар нима бўлса ҳам Ойбекнинг асабига тегиш, шу йўл билан уни ижоддан узиб қўйишлари керак эди. Мажлисларда, матбуот саҳифаларида очикдан-очик тухмат қила бошладилар. «Навоий» романидан хато кидириш асосий вазифалари бўлиб қолди.

Собиқ Ўзбекистон Компартиясининг биринчи котиби Ниёзов партиянинг 1952 йил февраль пленумида қилган докладынинг асосий қисмини Ойбек шу пайтгача нимаики ёзган бўлса, ҳаммасини миллатчилик руҳида ёзган, феодал тузумини қўмсаган, тарихий жараёни марксистик нуқтаи назардан таҳлил қилмаган, деб айблади.

Унинг бу докладыдан илҳомланган олим Абдуғани Мирзаев ўша йилнинг 7 декабрида «Коммунист Таджикистана» газетасида «Тарихий воқеаларни бузиб кўрсатишга қарши» деган катта бир мақола бостирди.

Мақолада Ойбекка шундай айблар қўйилган эди:

«Навоийнинг ватанпарварлиги фақат Хиротни севиш билан чегараланган. Биноий шахсида у тожик ва ўзбек халқининг маданий ҳамкорлигини атайин бузиб кўрсатган. Навоий ижодига марксистик нуқтаи назардан ёндошмагани жиддий идеологик хатоларга олиб келган. Бу ҳол буржуа миллатчиларининг бир вақтларда Ойбекка ўтказган таъсири шу кунларгача сақланиб келаётганидан дарак беради».

Ўша давр нуқтаи назаридан қараганда бу мақола Ойбекни қамоққа олиш учун асос бўла оларди. Қодирий, Чўлпон ва Фитратлар айнан шу айб билан қамалган эдилар.

Мирзаев шу мақоласи учун раҳбарларнинг илтифоти-га сазовор бўлди. Яъни, у «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвони билан тақдирланди.

Орадан беш ярим ой ўтиб «Қизил Ўзбекистон» газетаси Ботир Файзиевнинг «Навоий» романи тўғрисидаги ачимсиқ мақоласини эълон қилди. Ундаги гаплар Абдуғани Мирзаев фикрлари билан ҳамоҳанг эди.

Мақолада, Ойбек ўтмишни сохталаштирган, Навоийни идеаллаштирган, Биноий камситилган, бунда Ойбекнинг миллатчилик кайфияти сезилиб туради, дейилган эди. Файзиев романдаги «Тўғонбек қимиз ичган козоқдек ҳузур қилди», деган жумлага қаттиқ ёпишиб олади. Ойбек бу ерда қардош козоқ халқини ҳақорат қилган, деб туриб олади. Хўш, козоқлар маза қилиб қимиз ичса бунинг нимаси ҳақорат экан? Мабодо Ойбек

кўк чой ичган ўзбекдек ёки вино ичган грузиндек, пиво ичган немисдек маза қилди, деса шу халқлар хафа бўлишадими?

Ойбек бу хил бачкана, куракда турмайдиган гаплардан баъзан асабийлашар, баъзан кулибгина кўяқоларди.

Бу хил мақоладарнинг кўпини Зарифахоним Ойбекка кўрсатмай архивга ташлаб кўярди.

«Навоий» метин қоядек бу хил бўронларни писанд қилмас, аксинча минг-минглаб ўқувчи меҳрини тортарди. Ойбек эса бир дам бўлсин ижоддан тўхтамасди.

Эллигинчи йилнинг апрел ойида Ойбекнинг рақиблари ташкил қилган бир муҳокама мажлисида қатнашган эдим.

Китоб ҳолида босилиб чиққан «Олтин водийдан шабадалар» романи муҳокамага қўйилган эди. Қанча гап бўлса қўлёзма пайтида айтмайсизларми, китоб ўқувчилар томонидан қизиқиб ўқиладиган бир пайтда муҳокама қиласизларми, деб айтадиган азамат топилмади. Бу йиғинга асосан Ойбекнинг рақиблари тайёрланиб келишганди. Муҳокама хабарини эшитиб келган китобхонлар адабиётчилар уйини тўлдириб ўтиришарди.

Сўзга чиққан Назир Сафаров шундай дегани кечагидек эсимда (жумлаларни, сўзларни айнан келтираман):

— Ойбекнинг бу романи аригинал асар эмас, плагат. Сиймон Бобоевсканинг «Коволерия золотой звезда» китобидан кўчириб олинган.

Залда гуррос кулги кўтарилди. Сафаров одамларнинг нимага кулаётганига ҳайрон эди. Ойбек ҳам силкиниб-силкиниб, мириқиб куларди. Сафаров унга ўқрайиб қаради.

— Нега куласиз?

Ойбек ўтирган жойида жавоб қилди:

— Сиз умуман ўрисча билмайсиз. Бу роман ҳали ўзбек тилига таржима қилинмаган. Ўқимагансиз. Китобнинг номини ҳам, авторининг фамилиясини ҳам билмайсиз. Ундан кўчириб олганимни қаёқдан билақолдингиз. Дўстларингиз дурустроқ ўргатишмабди-да...

Пастдагилар чапак чалиб юборишди. Айниқса студентлар жон-жаҳдлари билан қарсақ уришарди.

— Бу шунақа, — деди Сафаров чапак босилгандан кейин. — Бу кишининг танқидга тоқатлари йўқ. Бетимнинг қалини — жонимнинг ҳузурни, дейдиганлардан у.

Пастдан, «ҳой, ҳой, оғзингизга қараб гапиринг», деган овоз чиқди.

Сафаров шовқин-суронда гапиролмай тушиб кетди.

Ана шундан кейин романи оёқости қилишга келганлар минбарга чиқмай жойларида бўшашиб ўтиравердилар.

Романининг ютуқлари тўғрисида, йўл қўйилган хатолари тўғрисида очиқ-ойдин гаплар бўлди.

Бу йиғинда Ойбек билан Абдулла Қаҳҳорнинг жиндек чўқишиб қолганликлари эсимда. Одатда Абдулла Қаҳҳор сўзга чиққанда зал жим бўлиб қолар, чеккани коридорга чиқиб кетганлар ҳам оёқ учида юриб жойларига келиб ўтирардилар. Абдулла Қаҳҳор романининг қайсидир қаҳраонини ўта силлиқ, хаддан ташқари ижобий бўлиб қолганини айтганда Ойбек сапчиб ўрнидан туриб кетди.

— Сизга ўхшаб «совет кишилари»ни шафтолиқоқига ўхшатиб тасвирламайман.

Абдулла Қаҳҳор шафтолиқоқи ҳам ёмон нарса эмас, деб кулиб қўяқолди.

Муҳокама мажлиси «Олтин водийдан шабадалар»ни асосан ижобий баҳолади. Ниятлари амалга ошмаган рақиблар бўшашиб чиқиб кетишди.

«Олтин водийдан шабадалар» романининг муҳокама-сидан кейин Ойбек домлани кўчагача кузатиб чиққан эдим. У машинага ўтираркан, эплашолмади-я, деб қўйди. Кейин орқа ўриндикдан битта романи олиб тиззасига қўйди-да, авторучка билан қуйидаги сўзларни ёзди. «Ёш дўстим ва ҳамкасбим Саид Аҳмадга юракдан ёдгорлик. Ойбек. 18.IV.50».

Шу йили собиқ Марказ Давлат мукофоти комитети «Олтин водийдан шабадалар»ни мукофотга лойиқ асар деб баҳолайди, тезда мукофотга тавсия қилинганлар, деб уюшмага телеграмма юборади. Уюшмадан жавоб бўлмайди. Яна телеграмма келади. Уюшма раиси яна жавоб бермайди. Ойбек ҳадеб мукофот олаверадими, деб ғайирлик қилади. Комитет Ойбекнинг ўзига телеграмма юбориб романдан ўн нусха юборишини сўрайди. Зарифахоним бу илтимосни бажонидил бажаради.

Уюшма раҳбарлари Москва бизнинг розилигимизни олмай мукофот бериб юбориши мумкин, деган ташвишда, зудлик билан романга қарши мақолалар уюштирадилар. Воҳид Зоҳидов «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 50-йил, 15, 16, 17 февраль сонларида романга қарши узундан-узоқ мақоласини бостиради. Ва уни Давлат мукофоти комитетига юборади.

Рақиблар ниятларига етадилар. Ўша йили Ойбек ўрнига туркман ёзувчиси Берди Кербобоевга «Ойсултон оқ

олтин водийсидан» деган қиссаси учун иккинчи марта Давлат мукофоти берадилар.

Ойбек кечиримли одам эди. У ҳеч қачон рақибларидан ўч олмасди. Худога солиб кўярди. Ўзига ёмонлик қилган дўстларига ҳам яхшилик қилаверарди. Дилига кўп озор берган, уни бадном қилишга уринган, асабларини ишдан чиқарган уюшма раиси қарз сўраб келганда йўқ демай, ўн минг сўм пул берганига ўзим гувоҳман.

Ҳамма вақт йўлига тўғаноқ бўладиган Воҳид Зоҳидов докторлик диссертациясини олиб келганда Ойбек ёзиб турган романини тўхтатиб, 1200 саҳифали қўлёзмани синчковлик билан ўқиб чиқади. Унга қимматли маслаҳатлар беради. Атайин Москвага бориб ҳимояга бағишланган илмий йиғинда нутқ сўзлаб, уни ёқлайди. Москва олимлари унинг нутқини тинглаб Навоийни яна бир бор кашф қилганликларини узоқ вақт гапириб юришади. Мана шу одам миннатдорчилик ўрнига «Олтин водийдан шабадалар»га тухмат қилди.

«Навоий» романига хужум қилган, уни бадном қилишга уринган Ботир Файзиев номзодлик диссертациясини ҳимоя қилаётганда хаста ётган Ойбек йиғинга бориб, гина-кудуратларни унутиб, уни ҳимоя қилди ва овоз берди.

Ойбекка қарши курашиб тўймайдиган уюшма раиси яна бир пасткашликка қўл уради. Ойбек устидан 22 саҳифалик тухматдан иборат хат тайёрлаб унга ўзи, Шевердин, Ойдин, Мильчаков ва яна кимдир имзо чекадилар.

1950 йилнинг 1 феввалида партбюро мажлисида шу хатни муҳокама қиладилар. Ойбек бу гаплар тухмат эканлигини айтиб, раис билан санманга боради ва мажлисни ташлаб чиқиб кетади.

1959 йилнинг мартада Москвада ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлиги бўлган эди. Ёзувчилар, бастакорлар, рассомлар, театрлар бу издиҳомга янги асарлар билан боришган эди. Адабиётчилар уйида ўзбек ёзувчиларининг асарлари муҳокама қилинарди. Ўша пайтда Ўзбекистон Олий Совети президиуми раиси бўлган Шароф Рашидов литфондимизнинг директори Шомил Алядинга бир папка берди.

— Тезда Тошкентга жўнайсиз. Шу қўлёзмани уч кун ичида китоб қилиб, олиб келасиз, — деди. — Матбуот бошқармасидагилар сизни аэропортда кутиб олишади.

Бу рус тилига таржима қилинган «Қуёш қораймас» романининг қўлёзмаси эди.

Уч кун эмас, беш кун ўтиб Ш. Алядин янги босмадан

чиққан «Солнце не померкнет» китобидан 20—30 нусхасини олиб келди.

Бу қадар тез китоб чиқиши мумкинлигини бировга айтса, ўлай агар, ишонмайди. Аммо бу ҳақиқат эди. Рашидов романнинг бир неча нусхасини Марказ ёзувчилари олдига қўйди. Бундан беш кун олдин картон папка ичидаги қўлёзма чиройли китоб бўлиб келганига ҳайрон эдилар.

Шу пайт Ўзбек ва Туркман адабиёти бўйича мутахассис, москвалик кинодраматург Кладо ўзбек драматургияси ҳақида гапираётган эди. У бир дам сўзини тўхтатиб, ҳали муқовасининг елими қуримаган китобни қўлига олиб варақлади. Кейин Зарифахоним билан ёнма-ён ўтирган Ойбекка қараб икки панжасини жуфтлаб «Қутлуг бўлсин» маъносида эгилиб қўйди.

— ... Шундай қилиб, — дея сўзини давом этдирди у. — Ўзбек драматургияси йилдан йилга куч йивяпти. Ўнқунликка олиб келинган асарлар бунга мисол бўлаолади. Бироқ шу яхши асарлар орасида хом, ниҳоятда дидсизлик билан ёзилган саёз драмалар ҳам борлигини очикойдин айтишимиз керак. Ўзингиз биласиз, йигирманчи, ўттизинчи йилларда дехқоннинг ер ҳайдаш қуроли омоч эди. Ҳозир қудратли тракторлар билан ер ағдаряпти. Муқимий номидаги музикали драма ва комедия театри сахнасида қўйилган «Олтин кўл» пьесаси ҳатто омоч даражасида ҳам эмас.

Ойбекнинг рақиби, номдор ёзувчининг ранги қув ўчди. Нотикқа газаб билан тикилди.

Ана шу муҳокамадан кейин орқаворотдан уни омоч, деб атайдиган бўлишди.

Ойбек тантана қилиш ўрнига, «омоч»нинг олдига бориб, қўяверинг, айтаверади, деб юпата бошлади.

1949 йилнинг июл ойида Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг пленуми бўлган эди. Унда Марказқўмнинг уюшма фаолиятини умуман ёмон баҳолаган қарорининг муҳокамаси бўлганди. Қарорда янги гап йўқ. Аввалги йилда бўлиб ўтган февраль пленумида биринчи котиб Ниёзов қилган нутқ қарорга асос қилиб олинган. Уч кун давом этган пленумда Ойбекнинг рақибларига худо берди. Улар яйраб-яйраб гапиришди. Ойбекка тақалмаган айб қолмади. Пленумнинг учинчи куни Ойбекни вазифасидан озод қилишди. Илгари «Қизил Ўзбекистон» газетасида муҳаррир бўлиб ишлаган Шароф Рашидовни раис, Уйғун билан Шейвердинларни раис ўринбосарлари қилиб сайладилар.

Орадан бир йил ўтмай Рашидов Ўзбекистон Олий Совети президиумига раис бўлди. Энди уюшма Уйғун билан Швердинлар қўлида қолди.

Рашидовнинг бошқа ишга кетиши Ойбек рақибларини фаоллаштирган эди.

Рашидов Ойбекни ниҳоятда ҳурмат қиларди. Ўзбекнинг шундоқ мумтоз ёзувчиси борлигидан қувонарди. «Олтин водийдан шабадалар» романига ўзи муҳаррирлик қилганди. У уюшмага раислик қилган вақтда романга хужум қилишга ботинмагандилар. Рашидов бундай қилишга йўл қўймасди ҳам.

Ойбекни унвонлардан маҳрум қилиш қўлларидан келмасди. Академик унвони унга умрбод берилганди. Аммо депутатлик ваколати атиги беш йил. Унга қарши курашнинг энг яқин йўли уни бадном қилиш. Асарларидан хато топиш.

Ойбек рақибларининг илҳомчиси, «сардори» тўғрисида Абдулла Қаххор шундай деганди: «Хаммаёққа ўт тушсаю, ёнган уйнинг мўрисидек бўлиб бир ўзи қолса».

Ойбек Украина ёзувчиларининг съездига вакил бўлиб борганда «Навоий» ва «Қутлуғ қон»ни ўқиган бир рус аёли билан танишади. У аёл айниқса «Навоий» романини хузур қилиб ўқиганини, шу роман орқали Навоий ижоди-га қизиқиб қолганини айтади. Тошкентга борганингизда Навоийнинг рус тилига таржима қилинган шеърларидан юборсангиз, деб илтимос қилади.

Ойбек ижод билан, академия ишлари билан банд бўлиб, Киевга Навоий шеърларини юборишни унутди. Киевлик хонимда Ойбекка нисбатан қандайдир муҳаббатга ўхшаган бир ҳис пайдо бўлганга ўхшарди. Ҳам ошиқона, ҳам таъналарга тўла хат юборади. Бу хат Ойбекка келиб тегмайди. Уюшмадаги рақиблар хатни очиб ўқиб, уни Ойбекка қарши қуролга айлантирадилар. Партия мажлиси чақириб Ойбекни ахлоқсизликда айблайдилар. Пок рус аёлини алдаган, деб таъналар қиладилар. Мажлисда ундан хотинингни қўйиб, ўша аёлга уйланасан, деб туриб оладилар. Хотининг туркистонлик капиталист Саидносир бойнинг қизи. Сен коммунистсан. Совет тузумига ёт оилада тарбия кўрган аёл билан яшашинг мумкин эмас. Агар рус аёлига уйлансанг сендаги миллатчилик кайфияти ҳам ўз-ўзидан йўқ бўлади, — дейдилар.

Бу пайт Ойбекнинг уч ўғил, бир қизи олдинма-кетин вояга етиб келаётган эди.

Ойбек бу гапга кўнмайди. Киевлик рус аёли мен учун оддий бир китобхон, холос, дейди.

Ойбек хотиндан ёлчиган одам эди. Зарифахонимдек фидоий аёлни китобларда ҳам учратмаганман. У бутун умрини Ойбекка бағишлади. У Ойбек деб яшади.

Икковлари қовушган кунларидан бошлаб, Зарифахоним Ойбек ёзган ҳар бир варақ қоғозни кўз қорачиғидек эҳтиёт қилади. Ҳозир Ойбек архивга кўз ташласангиз унинг жамики матбуотда эълон қилинган шеърлари алоҳида конвертда, қайси газетада, қайси куни босилгани ёзиб қўйилган. Юзлаб шунақа конвертлар Ойбек меросини ўрганувчиларга хизмат қиляпти.

Ойбек умрининг охирги йилларида гапиролмай қолди. Бармоқлари қалам тутолмасди. Бўлғуси асарларини бировга айтиб ёздиришнинг ҳам иложи йўқ. Ўзим ёзай, деса бармоқлари қалам тутишга ярамайди.

Эр-хотин бир-бирларига шунчалик ўрганиб кетишган эдики, бир имо билан Ойбекнинг нима демоқчилигини Зарифахоним билиб оларди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, профессор Зарифа Саидносирова уйда Ойбекнинг шахсий котибаси ва хонадон соҳибаси эди. Ойбекнинг кейинги ўн йил ичида яратган роману қиссаларини, дostonу шеърларини, мақолаларини Зарифахоним унинг имо-ишораларидан, кўз қарашларидан, қўл ҳаракатларидан сезиб қоғозга туширганди.

Бир хотин бўлса шунчалик бўлади-да!

Сароймулкхоним бобомиз соҳибқирон Амир Темурнинг содиқ рафиқаси, доно кенгашчиси, таянчи, буюк Туроннинг гўзал маликаси Бибихоним эди.

Вафо ва садоқат тимсоли бўлган Моҳларойим Фаргона хони шоир Амир Умархоннинг умр йўлдоши, беназир маслаҳатчиси, шеърят осмонида чақнаган юдуз Нодирабегим эди.

Қозоқнинг тенгсиз шоири Абайнинг севгилиси сулув Айгерим (Ўзбекчада Ойқарам) ҳамиша илҳом париси бўлиб, уни ижодга ундарди. Айгеримнинг ҳусну малоҳатидан, пурмаъно сўзларидан, ноз-қарашмаларидан шеър тўкиларди. Абай табиатнинг бу ноёб мўъжизаси олдида ҳайрону лол бўлиб, қалами учига шеър қўйилиб келаётганини сезмай қоларди.

Адабиётимиз хазинасига мумтоз асарлар қолдирган, халқнинг фахри, гурури бўлган Ойбекка бутун меҳрини, муҳаббатини бағишлаган, ўзлигидан, роҳат-фароғатдан кечиб устозимизга ижод имкониятларини яратиб берган Зарифахоним ўша Сароймулкхонимнинг, ўша Моҳларойимларнинг, ўша Айгеримларнинг бири эди.

Ойбек ишлаб чарчаган пайтларда уйидан чиқиб, дарахтлар куюк соя ташлаган кўчасида қўлини орқасига олиб айланиб юрарди.

Дарвозадан ўнг томонга юрса Уста Ширин кўчасидаги бекатга чиқади. Бу жой жуда гавжум. Кўчанинг икки бетида автобус, троллейбуслар бекати. Тўғрида озик-овқат дўкони. Одам кўп. Учраган одамки бор унга салом бериб, хол-аҳвол сўраб ўтади. Шундок буюк одамнинг суҳбатидан бахраманд бўлай, деб атайин эзмаланиб гаплашадиганлар ҳам кўп бўлади. Бу жойда Ойбек фикрини бир жойга тўплаёлмайди. Кўпинча у уйидан чиқиб, чап томонга юради. Сал нари борса ўша катта йўлга олиб чиқадиган кўча бор. Бу жой Уста Ширин бекати билан Янгиариқ бекати оралиғида. Деярли одам учрамайди. Учрашганлари ҳам шошиб-пишиб саломлашади-да, автобусдан қолиб кетмай, деб бекат томон чопади.

Ойбек дарахтга суяниб ўй ўйлайди. Унинг қизиқ одади бор эди. Ўйлаганда албатта Навоийнинг ўзи севган мустазодини овоз чиқариб ёд ўқирди.

Дин офати бир муғбачайи мохи ликодир,
майхорау бобок.

Ким ишқидин оний ватаним дайри фанодир,
сармасти ёқам чок.

Ҳам куррасининг дуди вара белига зуннор,
мен кофири ишқи.

Ҳам юзи маъжус ўти киби шуъла сизодур,
мен ўртанибон пок.

Қирк етти, қирк саккизинчи йилларда «Шарқ юлдузи»да ишлаган пайтларимда Ойбек уюшмамизнинг раиси эди. Баъзан кабинетдан чиқиб хоналарни айланар, бирон сўз демай яна чиқиб кетарди. Ўшанда ҳам Навоийнинг шу мустазодини овоз чиқазиб ўқиб юрарди. Шунақа пайтда унга салом берсангиз, худди уйқудан уйғониб кетгандек чўчиб тушарди, чунки сиз салом берган пайт у ёзаётган асарининг қахрамонлари билан гаплашиб турган пайтга тўғри келиб қоларди.

Назаримда, улуг бобомизнинг бу газали Ойбек учун ижод тилсимини очадиган сеҳрли калит эди.

Худди шу жойда, 1966 йилнинг кузида Ойбек менга, Фафур ҳақида ёзинг, уни яхши биласиз, деган эди.

Ёзадиган гап кўп. Ҳаммасини ёзиб бўлмайди. Ойбекнинг мотами куни газетада эълон қилинган таъзияномага асосан унга озор берган, унинг ўлимини тезлаштирган

кишилар имзо чеккан эдилар. Бу нима? Бу уларнинг таъзиясими ё қувончими?

Ойбекнинг ўлиmidан уч-тўрт ой олдин Зарифахонимни дўконда учратиб қолдим. Сут олгани чиққан экан.

— Бизникага бир киринг, домла шу кунларда сал тажанг бўлиб юрипти, сизни кўриб зора ёзилса, — деб қолди.

Ўша куни домланинг уйига чиқдим. Ойбек дарахт соясида чирманда чалиб ўтирарди. Кулгим қистадию ўзимни босдим. Шундоқ буюк одамнинг чирманда чалиши менга ғалати туюлди. Зарифахоним жуда хушёр аёл эди. Дарров изоҳ берди:

— Докторлар буюрган. Чирманда чалсанг, бармоқларинг ҳаракатга келади, деган.

Дарҳақиқат, Ойбекнинг бармоқлари қалам туюлмади. Ёзадиган асарлари дилида тайёр турипти. Қани эди, бармоқлари ишлаб кетсаю дилдаги асарларини қоғозга тўкса. Хеч бўлмаса ярим-ёрти бўлса ҳам гапиролса, оғзидан чиқмай туриб Зарифахоним ёзиб оларди. Афсуски кейинги пайтларда на тил ишлайди, на қўл. Дилида пишиб турган шеърлар, дostonлар, романлар ғалаён қиляпти.

Зарифахоним айтган «бир оз тажанглиги» ана шундан эди.

Салом-алиқдан кейин Ойбек қўлидаги чирмандани менга узатиб, чалинг, деди. Чалишни билмаслигимни айтдим. Икковимиз ҳам жимиб қолдик. Чой олиб чиққан Зарифахоним менга, қизиқ-қизиқ гаплардан айтинг деб ошхонага кириб кетди.

Мен Мирзақалон Исмоилийнинг 60 йиллик юбилеида саҳнада шимининг тугмаси узилиб кетганини, икки қўли совға-саломлар билан банд бўлганидан тиззасига тушиб қолган шимини кўтаролмай кўзлари жовдираб қолганини айтганимда Ойбек қарсиллаб кулиб юборди. Қўлидан чирмандаси тушиб, ерда вилдираб кетди. У қотиб-қотиб куларди, силкиниб-силкиниб куларди. Зарифахоним нима гап, деб ошхонадан чиқди. Ойбек, сен эшитма, дегандек ишора қилди.

Ойбек тагин, тагин деб қистайди. Мен нима дейишимни билмайман. Охири Ғафур Ғуломнинг бир раис ошнасиникига Ҳабибий домлани Навоий деб олиб борганини, раис қўй сўйиб, меҳмон қилганини, «Навоий»га тўн кийдирганини айтганимда Ойбек боягидан ҳам қаттиқ кулди. У кулгидан тўхтаб тагин, тагин дерди.

Ойбекнинг ғалати одати бор эди. Қўлига қоғозми,

гугурт чўпими тушса, бир чеккасидан тишлаб узиб ташлайверарди.

Энди Фафур Фуломнинг Ойбек тўғрисида тўқиган латифаларидан айта бошладим.

— Бир куни Ойбек хотини билан кинога боришти. Билет олишипти. Кинохона эшигидаги хотин улардан билет сўрапти. Билет йўқ. Ойбек билетни ямлаб қўйган экан.

Ойбек ёлғон, ёлғон, деди қийналиб. Латифани эшитиб турган Зарифахоним рост, деди.

— Нашриёт бухгалтери пул ёзиб берган қоғозни кассага боргунча «еб» қўйганингиз эсингиздан чиқдими, — деди Зарифахоним.

Икковлари маза қилиб кулишди.

Ойбекка оёқ кийим чидамасди. Икки ойга қолдирмай қийшайтириб, жағини айириб ташларди. Шу тўғрида Ғайратий тўқиган латифани айтдим.

Ойбек Катта Фарғона канали қурувчилари тўғрисида очерк ёзгани борганди. Унинг «Оқсоқоллар» деган очерки ҳам газетада босилганди.

Ойбек канал қурувчиларидан бир чол билан гаплашиб қолибди. Чол унга разм солиб:

— Зап коматдор, файзли йигит экансизу, аммо оёқдан ёлчимаган экансиз-да, — депти.

— Э, э, ёл-роон, — деди Ойбек қийналиб.

Кейин оёғига қараб, жағи айилиб, бир томонга қийшайиб кетган ковушини кўриб, кулиб юборди.

— Прооост, — деди у бўйнига олиб.

Ўша куни кечгача Ойбекнинг уйида кулишиб ўтирдик.

Ана шундан кейин сал вақт ўтмай Ойбек бу ёруғ оламни ташлаб кетди.

Унинг шодон кулгилари ҳамон қулоғимдан кетмайди.

«Сиз Фафурни яхши биласиз, ёзинг», деганди.

Энди унинг ўзи тўғрисида ёзиб ўтирибман.

Одамлар бор, ўлгандан кейин унутилиб кетади.

Одамлар бор, ўлгандан кейин ҳам яшайверади.

Ойбек эса қанча узоқлашса шунча яқинлашапти. Узоқлашган сари кадри ошапти. Узоқлашган сари одамлар меҳри уни бағрига тортяпти. Узоқлашган сари овози тиник, ёрқин эшитиляпти...

Олимларнинг далолат беришларича, ҳозир осмонда чақнаб турган сонсиз юлдузларнинг кўпи минг йиллар олдин сўнган, аммо уларнинг шуъласи халигача келиб турибди.

Ойбек жисмонан сўнди, Лекин унинг даҳоси таратган
шуъла дилларимизни ҳамон ёритиб турибди.

Мен ана шундай буюк зот билан кўп суҳбатларда
бўлганимдан ғурурланаман, шундай алломанинг назари
тушганидан қувонаман.

30 ноябрь, 1996 йил.

ҚУТЛУҒ ДАРГОҒ

Фурсат ғаниматдир, шох сатрлар-ла
Безамок чоғидир умр дафтарин.

Ғафур Ғулом

Ойбек домла билан бир маҳаллада турамыз. Баъзан Ойбек ака ишлаб чарчаганда дарахтлар куюқ соя ташлаган сокин кўчада қўлини орқасига қилиб ўйланиб юради. Бир гал у кишига рўпара келиб қолдим. Шунда Ойбек домла бир гап айтди:

— Сиз Ғафур билан жуда узоқ вақт бирга бўлгансиз. Ёзинг! Нимаики билсангиз ҳаммасини ёзинг. Шеърларининг маъносини чақаман, деб уринманг. Бу гапларни адабиётшуносликка қўйиб беринг. Ғафурнинг ўзи қанақалигини ёзинг. Гапи қанақа, юриши қанақа, қилиғи қанақа, шуларни ёзинг. Агар Ибн Сино, Рудакий, Беруний каби алломаларнинг ёнида юрган дўстлари хотиралар ёзишганда, тарихчилар қийналиб ўтиришмасди. Бизда ҳатто кечагина ўтган Муқимийнинг сурати ҳам йўқ. Агар шу ишни қилсангиз, Ғафур тўғрисида ёзилган илмий асарлар қаторига яхши бир хайрли иш қўшган бўласиз. Ёзинг. Албатта, ёзинг!

Ойбек домланинг бу гапидан кейин Ғафур ака тўғрисида жуда кўп ўйлайдиган бўлиб қолдим. Бисотимни титкилаб қарасам, ёзса арзигулик анчагина хотиралар бор экан. Қанчадан-қанча сафарларда бирга бўлганман. Юзлаб латифалар, ҳикоялар эшитганман. Қувнаган, руҳан эзилган онларида ёнида турганман. Азиз фарзандидан жудо бўлиб, ўкириб йиғлаганини, қиз узатиб, ўғил уйлаган саодатли дақиқаларини кўрганман. Қизалоғининг сочига лента такқандан тортиб, невараларини опичлаб юрганларини кўрганман.

Арманистонда, Туркменистону Тожикистонда бутун бир халқ адабиётининг обрўси бўлиб, бахтга тўлиб юрганларига гувоҳман. Мана шу кўрганларим, учрашганларим қоғозга тушса Ғафур Ғулом қиёфасини оз бўлсада баҳоли қудрат акс эттирар, деган ният билан ёзишга киришдим. «Вақт» шеърининг туғилиши ҳақидаги биринчи хотирам эълон қилинганда Ойбек ака бу ёруғ оламда йўқ эди.

Тошкентнинг Арпапоя маҳалласидаги биринчи уй Ғафур Ғуломники эди. Бу ҳовлида бутун дунё шоиру адибларининг йўллари кесишган. Бу уйда ҳинд, араб, италян, турк, чех, афғон, олмон, инглиз, куба, поляк, покистон, фаранг шоирлари мушоира тузишган. Бу уйда ўтмиш, бугун, эртанги адабиёт ҳақида қизгин бахслар бўлган. Ўрта Осиё ва Қозоғистон, Кавказ адиблари бу уйни ўз уйларидай билишарди. Бу уйда мен Петр Павленкони, Луговскойни, Вера Инберни, Якуб Коласни, Микола Бажан, Николай Тихонов, Константин Симонов, Николай Погодин, Мухтор Аvezов, Собит Муқонов, Берди Кербобоев, Самад Вурғун, Севунц, Жалол Икромий, Абашидзе, Турсунзода, Лохутий, Айнийларни кўрганман.

Бу давраларда Ғафур Ғулом тўлиб-тошиб шеърлар ўқирди. Нимаики бисотида бўлса барини дастурхонга тўкарди. Ҳовлисида пишиб ётган гилосларни сават-сават қилиб ўртага қўярди. Ўфил-қизлари одоб билан хизмат қилишарди.

Бу уй Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Туроб Тўла, Асқад Мухтор, Рамз Бобожон, Шухрат каби шоирлар учун билим юрти эди.

Ана шунинг учун ҳам унга бағишланган хотираларим номини «Назм чорраҳасидан репортаж» деб атадим.

Мени ёзувчи қилган, адабиётнинг сирли-сеҳрли кўчаларидан омон олиб ўтган, хатойимга қуйиб, ютуғимга қувонган устозим Ғафур Ғулом хотирасига ушбу битикларимни бағишладим. Ва унинг ўз сатрлари билан ҳурматли ўқувчиларимизни назм чорраҳасига таклиф қилман.

Олам билар, Фурқат кўча йўли бор
Беруний майдони, ёшлар қўли бор.
Муқимий биносин худди сўли бор,
Кўрсатувчи милиционер қўли бор.

Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим.

Ҳар китобдир оиламиз офтоби,
Тирсиллайди кутубхона шкафи.
Кимники, деб сўрса меҳмон арбоби,
Ғафур деган бир Насриддин китоби.

Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим.

НАЗМ ЧОРРАҲАСИДАН РЕПОРТАЖ

«ЙИГИТЛАР» ТУФИЛГАН ТОНГ

Ғафур ака сира одамсиз туrolмасди.

Ҳамма вақт уй тўла одам бўларди.

Қирқ олтинчи йилнинг эрта кўклами эди. Ғафур ака редакцияга телефон қилиб кечқурун келишимни сўради.

— Бизникида ётиб қоласан, ойингга айтиб кел.

Мен Ғафур аканинг бунақа эркаликларини яхши билардим. Унинг қайсарлиги-ю, жиндек мақтанганнамо гаплашишлари, ҳар бир тўртлик кетидан мақтаб турадиган битта одам зарурлигини биламан. Бошқалардан кўра у кишини мен келиштириб мақтардим. Ўзи ҳам бунга тан бериб:

— Мақташни сенга-ю, ёзишни менга чиқарган, — дерди.

Кечқурун бордим. Шеър ёзамиз деган одам бир уй меҳмон йиғиб улфатчилик қилиб ўтириптилар. Келин аямга: — Бу қанақаси бўлди? — дедим.

Муҳаррам опа кулди.

— Акангизнинг касалларини биласиз-ку. У кишининг «бер-бер» касаллари бор.

Бу касални ҳам билардим. Уруш йиллари Ғафур ака ўзига теккан озиқ-овқат улушини олиб келганда бизга ўхшаган камхарж ёшларга бўлиб берарди. Қўшниси, жуда ҳам яхши кўрган дўсти Мирзаабдулла ака ҳам қуруқ қолмасди. Муҳаррам опа нолиб: «Болаларга ҳам қолсин», деганда у кулиб: «Бер-бер» касалим борлигини биласиз-ку», дерди. Ҳозир Муҳаррам опа ўша воқеаларни эслатган эди.

— Бугун нашриётдан пул олган эканлар, «бер-бер» касаллари тутиб қолиб одам бошлаб келганлар. Бекор келибсиз, шеър бўлмаса керак.

Болохонадаги кабинетга чиқсам, полга жой қилинган. Дастурхон атрофида машҳур шоир, Бедилни ёд биладиган, ажойиб навоийшунос Боқий домла, Ғафур Фуломнинг дўсти, яқинда Тошкентга кўчиб келган андижонлик шоир Сайфий, Ҳабибий домла ўтиришипти. Жами машшоқларнинг пири Юнус ака тақсимчага чертиб, хониш қиляпти.

Улфатларни кўриб бугун шеър бўлмаслигига астойдил ишондим. Ғафур ака мени кўриб, хижолат тортганидан «лаганбардорлик» қилиб меҳмонларга мани таништирди:

— Танишиб қўйинглар. Бу менинг шогирдим. Ўзимдан ўтиб кетган. — Шундан кейин у менга қаради. — Бўлдими ё яна мақтайми?

Мулзам бўлиб бир чеккага ўтирдим.

Кунни кеча Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати деган номга сазовор бўлган Мирзо Улуғ у пайтда ёш бола эди. Ҳабибий домлага кўк чой дамлаб чиқаман деб дадасининг яхши кўрган кўк чойнагини синдириб қўйди. Шундан кейин Фафур ака менга: «Чой-пойга ўзинг қараб тур», деб буюрдилар. Бу пайт Боқий домла Умархон саройидаги шуаронинг пешқадам шоири Адо тўғрисида, унинг «Адо қаддини дол этмиш» сатри билан тугайдиган тўртлиги хусусида кўзларини юмиб гапираётган эдилар.

Боқий домла кексайиб қолган, қувват бўлади, деб жиндек-жиндек коньяк хўплаб турардилар. Фафур ака ҳазил қилиб:

— Шоирнинг сиёҳдони ичкарида бўлади. Домланинг сиёҳдонларига тез-тез шароб қўйиб турмаса қуриб қолади, — деди.

Боқий домла кулиб Фафур акага бир қарадилар. Тилларига қандоқ гап келганини сезган Фафур ака у кишидан олдин гапириб қўя қолди:

— Албатта, биз ҳам шу неъматдан бебаҳра эмасмиз.

Бирдан кулги кўтарилди. Эшик гичиллаб очилиб, Мирзо Улуғ мени имлаб чақирди. Кетидан пастга тушдим.

Дарвоза олдида Ғайратий домла билан Фафур ака хуш кўрмайдиган, жиндек ичкилик оғзига тегса ҳеч кимга гап бермайдиган, ўзини-ўзи шоир атаб юрадиган танишимиз турипти. Бошлаб кирай десам бу одам улфатларнинг суҳбатини совутади. Ғайратий домлага кўзимни қисиб:

— Фафур ака уйда йўқлар, — дедим.

— Кираверайлик, келиб қоларлар, — деди Ғайратийга эргашиб келган шоир.

— Ҳаливери келмайдилар. Дўрмондаги Ёзувчилар боғига кетганлар, — дедим.

У тураверди. Мен Ғайратий домлага:

— Фафур ака сизга бир хат ташлаб кетган эдилар. Шунни олиб тушай, — дедим.

То болохонага чиққунимча мабодо турки совуқ кириб қолса, одам борлигини билмасин, деб Фафур ака остонадаги кавуш, калишларни йиғиб ичкарига опкириб қўйган экан. Уйдагилар жим. Биронтасидан садо чиқмасди. Овозимизни чақирилмаган меҳмон эшитиб қолмасин, деб бир-бирлари билан имлашиб гаплашишяпти.

Фафур ака тиззасига қоғоз қўйиб, кўз юмиб очгунча нималарнидир ёзиб қўлимга берди.

Ўқидим:

«Ғайрато, ёнингдаги шилқимни барбод айлагил,
Адресимиз Арпапоя, сен буни ёд айлагил.
Хам Юнус, Боқий, Ҳабибий тўти қушдек интизор,
Тез келиб суҳбат аро базмимни обод айлагил.

Сайфий домланинг исм-шарифларини шеърга қўшмадим. Бунга сабаб у киши заёмдан юз минг сўм ютганлар, ёмон ниятли одамлар сезмаслиги керак. Ҳозирча Сайфий домла секрет.

Сенга хурмат ила Мирза Абдул Фафур Шоший, собиқ Қоратоший».

Хатни Ғайратийга бердим. Ўқиб чўнтагига солди-ю, «меҳмон»ни бошлаб кетди. Ярим соатлардан кейин кулакула қайтиб келди.

Меҳмонлар ётиб қолишди. Мухаррам опа то ярим кечагача ошхонада куймаланиб қозон осди. Фафур ака эрталабга сомса қилишни буюриб болахонага чиқиб кетди.

Соат учлардан ошганда Фафур ака мени уйғотди. Қўлида қоғоз, кўзойнаги пешонасида.

— Тур, илҳом париси. Шеър туғиляпти, доялик қилиб юбор.

Дарров турдим. Кичик кабинетга кириб стулга ўтирдим. Уйқум қочмаганидан икки марта эснаган эдим, Фафур аканинг жаҳли чиқиб кетди. Шунини ҳам айтиб қўяйки, Фафур аканинг жаҳли чиққанда қочишдан бошқа илож қолмасди. Дарров тавба қилдим. Кўрққанимдан уйқум ҳам қочиб кетди.

Фафур ака тўртта тўртликни ёзиб бўлган экан. Кўкрагини кериб, худди радио дикторларига ўхшаб тантанали овозда ўқиди.

Бу унинг ҳозирда жуда машхур бўлиб кетган «Йигитларга» деган шеърининг бошланиши эди.

Роса мақтадим. Фафур ака суюниб кетиб:

— Юр, опангга ўқиб берамиз, — деб қолди.

Мухаррам опа хамир қориб ҳозиргина ётгани, то ярим кечагача меҳмонларга овқат пишириб чарчаганини айтдим. Фафур ака ўйланиб туриб қолди. Унинг шеър ёзганда бировга ўқиб бермаса туролмайдиган, дарров фикр эшита қолсам, деган одати бор эди. Секин кириб чироқни ёқмай Ғайратий домлани уйғотиб чиқдим. Домла ўзига келмай анча пайтгача кўзини ишқаб ўтирди. Фафур ака битта шарт қўйди.

— У ери ундок, бу ери мундок, дейдиган бўлсанг, кириб ёта қол.

— Фафур, мактов масаласида мендан хотиржам бўла-вер.

Фафур ака болалигидан дўсти, аччиқ-чучукни бирга татиган, шеър азоби-ю, роҳатини бирга баҳам кўрган ўртоғи олдида ёйилиб кетди. Эркаланиб шеърни ўқий бошлади.

Ҳозир худди кўриб тургандайман. Фафур ака шеър ўқияпти. Файратий домла хўнг-хўнг йиғлаяпти.

Шеърнинг таъсири қай даражага етганидан ҳаяжонланиб кетган Фафур ака шифтга анча вақтгача тикилиб турди-да, бирдан кўлига ручка олиб араб алифбосида ўнгдан чапга қарата ёзиб кетди. У гоҳ шифтга тикилар, гоҳ менга, гоҳ Файратийнинг тугмаси солинмаган ёқасига қараб қоларди. У қарарди-ю, кўрмасди. Хаёли, фикри бошқа ёқда. Домла билан икковимиз қилт этмай ўтириб-миз.

Фафур ака бир соатча гоҳ ёзиб, гоҳ ўчириб икки саҳифани тўлдирди.

Кейин кўзи очиқ бўлса ҳам тимириланиб столдаги «Казбек»ни қидириб топди. Гугурт чакиб ўт олдирди, шу топда у папирос олганини ҳам, чекканини ҳам билмайди. Бу ишларни беихтиёр бажаряпти. Шеър битганди. Энди оққа кўчириш қолганди. Ўтириб чиройли қилиб оқ қоғозга кўчирди. Кўзи ёриган хотиндай чарчаб ўзини стулга ташлади.

— Бўлди. Бўлди, оғайни, — деб шеърни Файратийга узатди. — Ўқи. Овоз чиқариб ўқи. Бир эшитай.

Домла иккита тўртликни ўқигандан кейин Фафур ака сапчиб ўрнидан туриб кетди.

— Овзингда нос борми, нима бало. Буёққа бер!

Шеърни унинг кўлидан юлиб олди-ю, тик турганча маяковскийчасига қилиб оёғини икки томонга кериб, кўлини ҳавода силкитиб ўқий бошлади:

...Бир йигит хижрони баъзан отанинг
Бағрини, дўстларим, доғ-доғ ўртар...
Расо қоматингиз бизга асодир,
Уфуринг, боғимиз бўлсин муаттар...

Фафур ака шеърни ажиб бир шавқ билан ўқиди. Ҳам-мамиз жимиб қолдик. Фақат Файратий домла бир оғизгина гап айтди:

— Саломат бўл, ўрток. Жонинг омон бўлсин.

Эрталаб нонушта пайтида Фафур ака меҳмонларга шеърни ўқиб берди. Ҳаммага маъқул бўлди.

Тарқалиш пайти келди. Меҳмонларни кўчагача кузатиб чиқдик. Эрталабки тўй ошидан қайтиб келаётган чоллар кўчадан ўтишарди. Муқимий театри тарафидан устига кўмир ортган иккита арава келарди. Кўмирчи аравакашлар кора телогрейкаларини елкаларига ташлаб, эгарда қийшиқ ўтиришарди. Радиодан «Чоргоҳ» ашуласи янграб қолди.

Фафур ака кўча ўртасига тушиб аравакашга кичқирди:

— Тўхтат аравангни! Биласанми, ким ашула айтяпти. Мулла Тўйчи акам айтаптилар.

Ошдан келаётган чоллар тўхташди. Ҳамма жим. «Чоргоҳ»нинг мунгли, юракни ўртовчи оҳангларига тўлган бугун кўча жимиб қолганди. «Чоргоҳ» тугади. Дикторнинг овози янгради.

— Сиз Ўзбекистон халқ артисти Юнус Ражабий ижросида...

Фафур ака хижолат бўлиб Юнус акага қаради.

— Э, ўлинг, сизмидингиз. — Кейин у аравакашларга кичқирди: — Ҳайда отингни!

Чоллар ҳам, шоир меҳмонлар ҳам кулиб юборишди.

«Йигитлар» шеъри туғилган кечанинг тонги шу зайлда ёришган эди.

ТОШКЕНТ ТАРОНАСИ

Шоирликни ҳавас қилган ёшлар Фафур акадан шеър қандоқ қилиб ёзилади, деб кўп сўрашарди. Шунда Фафур ака ҳазил қилиб жавоб қайтарарди:

— Шеър ёзиш учун аввал қўлни яхшилаб атир совун билан ювиш керак.

Фафур ака ҳазилни жуда яхши кўрарди. Бир кун ундан, сиз ўз тенгдошларингиздан қайси ёзувчининг асарларини яхши кўрасиз, деб сўрадим. У кулмай, жиддий туриб жавоб қилди:

— Ўз тенгларимдан Фафур Фуломнинг шеърларини яхши кўраман, ўзимдан кичиклардан сенинг шеърларингни яхши кўраман.

— Ахир мен шеър ёзмайман-ку, — дедим кулиб.

Фафур ака ҳам кулиб жавоб қилди:

— Фафур Фулом ёзган энг яхши шеърлар туғилаётганда сен ёнида тургансан. Ёзмаган бўлсанг ҳам Фафур Фуломниқига шериксан.

Мен яна бўш келмадим.

— Тўғриси айтиш, қайси бирининг ёзганлари сизга ёқади?

Фафур ака бу саволга жавоб беришга ўнғайсизланди. Кўзига тикилиб тураверганимдан кейин айтишга мажбур бўлди.

— Ука, ҳаммамиз ҳам яхшимиз, ҳаммамизда ҳам озми-кўпми нуқсон бор. Тенгдошларимнинг бирини яхши, бирини ёмон дейишга сира тилим бормади. Айт дединг, айтаман. Ойбекнинг кенглиги, Абдулланинг сиқиклиги, Шайхзоданинг чуқурлиги, Миртемирнинг эркалиги менга жуда ёқади.

Кейин у бу гапни кенгроқ қилиб тушунтирди:

— Ойбек фикрни кенг қамраб олади. Айниқса «Навой» романи Ойбек ижоди ширага, ўзи ақлга тўлганлигини кўрсатади. Абдулла бошқалар бир саҳифада айтадиган гапни битта гапда айтади қўяди. Шайхзода шеърлари виж-виж ақлга тўла, Миртемирнинг шеърларини ўқисам яйраб кетаман. У шошилмай, эркаланиб ёзади.

Фафур ака дўстларининг шеърятдаги топқирлигини яхши сезар, фахрланарди.

Фафур ака шеър ёзадиган куни сира жиддий гап айтмасди. Кечгача ҳазил қилар, ҳазилвон одамлар билан гаплашарди.

— Нега унақа қиласиз, ахир бугун шеър ёзмоқчисиз, жиддийроқ ўйласангиз-чи. Билиб қўйинг, эртанги газетадан шеър учун жой олиб қўйганмиз.

Фафур ака кулади.

— Шеър ёзишдан олдин каллага дам бериш керак. Кулги, ҳазил дам олишнинг энг яхши усули. Ундан ташқари кулги шоирда яхши кайфият уйғотади. Хурсанд бўлсам, шеър ўзидан ўзи қуйилиб келаверади.

Фафур ака тўғри айтаётган эди. Кайфияти яхши чоғларда катта шеърларни бир ўтиришда ёзганини ўз кўзим билан кўрганман. Бирор нарсадан диққат бўлиб қолса, битай деб турган шеър ҳам қолиб кетарди. Унинг «Тошкент тонготари» деб аталмиш беқиёс гўзал шеъри ана шундай бир зарб билан ёзилган эди. Бу шеърни ўқиган ҳар бир киши шоирнинг қандай кайфиятда эканини ҳар бир сатрдан пайқаб, ҳис қилиб туради. Тошкентда тонг отаётганини, пойтахтнинг ғира-шира тонг палласидаги манзараси, уйғониш товушлари шоир юрагидан оқиб чиқиб ўқувчи қалбига киради. Бу шеър худди расмом ажиб бир манзара қаршида туриб бўёқлар билан чизган суратга ўхшайди. Эсимда бор, Фафур аканикига минг тўқ-

қиз юз қирқ олтинчи йилнинг ўн биринчи ноябрида кеч-қурун боргандим. Фафур ака дераза олдига ойна қўйиб юзига совун суртиб соқол олаётган экан. У ойнадан мени кўриб, жиндек сабр қил, деган ишора қилди. Фафур ака сира уйда соқол олмасди. Доим сартарошхонага кирарди. Хайрон бўлдим. У бетини артиб жавоб қилди:

— Соқол олдирай десам, икки-уч хира ошнам магазин олдида кутиб туришипти. Зиёфатга судрашмоқчи. Зухур полвон норин қилиб чақиряпти. Боргим йўқ. Чақириб келишган эди, опанг йўқ деворди. Ўзинг биласан, шеър ёзаётганда иягимга қўлимни қўйиб ўйлайман. Соқол ғашимни келтирмасин, деб ўзим опташай қолдим.

Унинг бу гапидан бугун албатта шеър ёзиб беришига ишондим. Бундан беш кун олдин у «Бахт тонготари» деган шеър ёзиб редакцияга олиб борган, шеър еттинчи ноябрь куни газетамизда босилиб чиққан эди.

Бугун у байрам кайфиятида, кечагина чиққан шеър тўғрисида ёр-биродарларидан, қаламкаш дўстларидан илиқ-иссиқ гаплар эшитган эди.

Ўша кеч Фафур ака худди сафарга отланаётгандек тайёрланарди.

— Бедилнинг китобини топиб қўй, электр плитани юкорига опчиқиб қўй. Дутор мана бу ёкда турсин, шахматни столга қўй. «Вокруг света» журнали юзарокда турсин, хуррак отадиган бўлсанг нариги уйга чиқиб ёт. Опангга айт, янги рўмолча берсин...

Фафур аканинг рафиқаси Муҳаррам опа кулади.

— Биров келса жуда суюлиб кетасиз-да. Хеч ким бўлмаса ўзлари ўтириб шеър ёзаверадилар. Биров келди-ми, тамом, уни у ёкқа қўй, буни бу ёкқа қўй. Операцияга ётадиган одамдай бесаранжом бўлиб қоладилар.

Сир очилиб қолганидан Фафур аканинг ўзи ҳам кулади.

— Мана кўрдингми, бечора Фафур Фуломнинг аҳволини кўрдингми. Менга азоб бергани берган. Тагин ҳам бир амаллаб шеър ёзаман-да. Шунинг учун ҳам Навоий билан Муқимий бечоралар хотин олишмаган-да.

Фафур ака ўз гапидан ўзи қотиб-қотиб кулади. Мен ҳам гап кистираман.

— Шунақа дейсизу келин аямга бағишлаб нечта шеър ёзгансиз?

— Қўрққанимдан, лаганбардорлик қилиб ёзганман.

Муҳаррам опа кулиб чиқиб кетади.

Ўша тун Фафур ака дутор чалиб, то ярим кечагача «Тановар»ни бир неча марта айтди. У бу қўшиқни жуда

севарди. Баъзан секин хиргойи қилиб кўзидан милт-милт ёш тўкарди. Бундай пайтларда ундан гап сўраб бўлмасди. Дуторни қўйиб Тўйчи ҳофизни эслади. Тўйчи ака билан қилган суҳбатлари, унинг ижрочилик маҳоратидан анча гапирди. Гапни тошкентлик машҳур Сайдахмат аскияга улади. Ўз даврининг машҳур сўзамоли бўлган бу одамни Фафур ака ажиб бир завқ билан гапирарди. Ундан кейин Абдулла фонусчи деган кишини, Тошкентда биринчи граммафон олиб келган, биринчи фотосуратчи бўлган Илҳом самоварчининг қилган ишлари, Тошкентда от қўшиладиган конкага тушганини, колизейда Юпатов циркини томоша қилганини айтиб берди.

Бу гаплардан мен Фафур ака Тошкентнинг ўтмиши тўғрисида, Тошкентда ўтган машҳур кишилар тўғрисида бирон нима ёзса керак деб ўйладим.

Фафур ака ўзига ерга жой солиб, стол лампасини ёстиғи ёнига қўйиб, «Вокруг света» журналини ўқишга тушиб кетди. Чарчаган эканман, ухлаб қолибман. Бир маҳал уйғонсам тонг отай деб копти. Фафур ака ўрнида йўқ.

Фафур аканинг ҳозирги икки қаватли уйининг тепасидаги хоналардан бири кабинет, бири меҳмонхона, ярми очик шийпон эди. Бу шийпондан бутун шаҳар, айниқса Бешёғоч гузари, Ёшлар кўли, мутахассислар уйи кўриниб туради.

Ўрнимдан туриб столга қарадим. Лампа стол четида, ўртадаги ялтироқ оқ қоғозга икки варақ тўла шеър битилган. Аммо сарлавҳаси йўқ. Фафур ака ўзи ўқиб бермаса, битмаган қўлёзмани бировга ўқитмасди, балога қолмай деб ўқимай шийпонга чиқдим.

Фафур ака панжарага бағрини бериб қўл тарафга қараб папирос тутатиб ниманидир ўйлапти. Шу кўйи ярим соатча мен ҳам қимирламай туриб қолдим. Кўчалардан ҳали байрам шиорлари, байроқлар йиғиб олинмаган. Сарғайган барглар орасида турли рангга бўялган лампочка шодалари ҳали ўчирилмаган эди. Энди тонг ёришяпти.

Фафур ака папиросни кўчага қараб улоқтирди-ю, шўшиб ёнимдан ўтиб ичкарига кирди. Орқасидан кирдим. У столга ўтирмай тик турганича энгашиб ёзяпти.

У ҳеч нарсани кўрмас, ҳеч қандай товушни эшитмасди.

Шу кўйи у ярим соатдан ортиқ тик туриб ёзди. Кейин икки тўртликни ўчириб гижимлаб ташлади. Бир оздан кейин энгашиб олиб кўзойнак тақиб ўқиди. Столга қўйиб худди дазмоллаётгандек қўллари билан текислади. Бошқа

қоғозга ўша иккала тўртликни чиройли қилиб кўчириб олди. Гижимланганини бурда-бурда қилиб йиртиб ташлади, уёқдан-буёққа юриб қозикдаги дуторнинг битта ипини чертди. Уй ичида овознинг тарқалишини билмоқчи бўлиб бирпас кулоқ солиб турди. Яна чертди. Овоз айланмади шекилли, ҳафсаласи пир бўлиб битта-битта юриб ташқарига чиқиб кетди.

Уй ичи тартибсиз бўлиб кетган эди. Гилам устида журналлар, чойнак ўртада, пиёла тўнкарилиб қолган, ўзи билан ўзи шахмат ўйнаган шекилли, доналари сочилиб ётибди. Уй ичи папирос тутунига тўлиб кетганидан кўзим ачирди.

Кийиниб орқасидан чиқдим. У бояги жойда яна ўшандоқ турибди. Энди тонг ёришган, анҳор четидаги теракларнинг учи шам пилигидек кип-қизил бўлиб турарди.

Ғафур ака менга қарамай қўл силтади:

— Бирпас сабр қил!

У гапини тугатмаёқ шарт бурилди-ю, ичкарига кириб кетди. Зум ўтмай тўрт варақ қоғоз кўтариб чиқди.

— Бўлди. Ғафур Ғуломнинг шеъри битди.

Унинг юзида шундай ғалати қувонч бор эдики, ҳеч қачон уни бунақа кайфиятда кўрмаган эдим.

Кўп донолар шоиру ёзувчиларни ҳомиладор хотинга ўхшатишади. «Агар ҳомиладор хотин тўққиз ою тўққиз кунга етказмай туғса, бола майиб туғилади. Шоир ё ёзувчи ҳам калласидаги гапини меъёрига етказмай ёзса майиб асар туғилади», дейишади.

Ғафур ака кечаси билан уриниб кўзи ёриганга ўхшарди. Унинг кўзларида ҳам қувонч, ҳам чарчок бор эди.

У ўзини тетик тутишга уринарди. Янги тувилган шеър қувончи уни тутиб турарди.

Пастда Муҳаррам опанинг оёқ товуши эшитилди. Бу шеърнинг ҳам ҳар галгидек биринчи ўқувчиси шоирнинг энг яқин дўсти Муҳаррам опа бўлди.

Ғафур Ғуломнинг бу шеъри пойтахтимиз шаънига айтилган энг яхши шеърий тарона эди.

ИЖОДКОР ОБРЎСИ

Қирқ еттинчи йилнинг февраль ойи бўлса керак. Ердан ҳали қор кетмаган. Ўзбекистон Олий Советига сайловлар гарадуси қизгин тус олган пайт эди.

Эрталаб радиодан яхши бир хабар эшитиб қолдим. Ғафур акани Самарқанд область Ургут районидаги Қора-

тепа сайлов округидан Ўзбекистон Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишибди.

Бу хушxabар билан табриклагани Фафур аканикига бордим.

— Жуда вақтида келдинг-да, уйингга одам юбормоқчи эдим. Хамидга одам кетди, ҳозир келади. Кечкурун учтовимиз Самарқандга кетадиган бўлиб қолдик. Уругутда сайловчилар билан учрашув ўтказилар экан. Бирга ҳамроҳ бўласизлар. Ҳозир поездга билет буюриб қўйишимиз керак.

Самарқандга кетаётганимизни эшитиб «Ўздавнашр»-даги ўртоқлар Садриддин Айнийнинг янгигина босмадан чиққан «Судхўрнинг ўлими» китобидан бир неча нусхасини домлага топиришимизни сўраб қолишди. Йигирма нусха китобни чамадонга солиб қўйдим. С. Айнийнинг бу асари урушдан олдин ёзилиб «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журналида босилган, китоб ҳолида энди нашр қилиниши эди. Домла мендан икки-уч марта «китоб чигдими?» деб сўраган эдилар.

Ўша куни учовимиз кечки поездга чиқдик. Купенинг иккита пастки, битта юқори полкаси бизга теккан эди. Юкларни қўйиб энди ўтирган ҳам эдикки, бўйнига бут осган бир поп кириб келди. У юкни юқори полкага ташлаб қайтиб ташқарига чиқиб кетди.

Уруш тугаган бўлса ҳам ҳали тирикчилик яхши изга тушмаган, нон карточкаси тугатилмаган пайтлар эди. Шунинг учун Муҳаррам опа йўлда ейиш учун у-бу пишириб берган эди. Хамид Фулом билан мен ҳали ёш, унча-мунча ичкиликдан қайтмайдиган пайтларимиз эди. Йўлда эрмак бўлади деб бир-икки шиша ичкилик ҳам олган эдик. Купемизга бегона кишининг киргани бизга унчалик ёқмаган эди.

— Қўяверларинг, — деди Фафур ака, — бунақаларнинг қўни билан гаплашганман: поплар жуда ичадиган бўлади. Бир-икки пиёлани босиб-босиб берсак, ухлайди-қолади.

Гап гапга уланиб Иван Грознийга бориб қадалди. Грозний Қозонни босиб олгани шарафига «Василий Блаженний» ибодатхонаси қурилганини, Пушкин «Гаврилиада» дostonи учун монастирь судига тушишига оз қолганини Фафур Фулом айтиб берди.

Бу оддий чуст дўппили кишининг шунчалик билимдонлигига поп ҳайрон эди.

Вақт алламаҳал бўлиб қолган, ётиб ухлаш керак эди. Аммо икковининг гапи сира тугамасди. У Фафур аканинг

кимлигини билгиси келарди-ю, шунча вақт ўтиб энди сўрашга ийманарди. Хуллас, у билан Самарқанд вокзалида ажрашдик. Очиғи уни станцияда йўқотиб қўйдик. Чунки самарқандлик шоирлар устозни кутишга кўпчилик бўлиб чиқишган эди. Улар билан овора бўлиб полни унутиб қўйган эдик.

Учрашувга яна икки кун бор экан. Самарқанд ёзувчилари шу яхши фурсатдан фойдаланиб Фафур ака ижодига бағишлаб, область театрининг кишки биносида катта адабий кеча ташкил қилишган экан. Кўчаларда «Академик, Давлат мукофотининг лауреати, орденли шоир Фафур Гуломнинг ижодий кечаси бўлади» деган катта босма афишалар ёпиштирилган эди.

Юқларимизни обком боғидаги хонага жойлаштирган-нимиздан кейин Фафур ака бир гап айтиб қолди.

— Кечқурун театрда бўламиз, эртага яна бирон иш чиқади, индинга Ургутга кетамиз. Ҳозир бир-икки соат вақтимиз бор экан, бир этиб бориб Айний домлани зиёрат қилиб келайлик. Борсак, у киши кўп хурсанд бўладилар. Шундай қилайлик, Ҳамид, сен икки шиша коньяк топ. Бурунбой, сен беш-олтита лимон топиб кел. Домланинг унча-мунча коньяк отиб турадиган одатлари бор. Лимонга ҳам ўчроқлар.

Ҳамид Гулом билан икковимиз магазинлардан айтилган нарсаларни тополмай охири ресторандан топдик. Учовлон пиёда Регистон тарафга йўл олдик.

Садриддин Айнийнинг ховлиси шундоққина Регистон тагида эди. Дарвозаси ҳам Шердор мадрасасига қараб турарди.

Домла уйда эканлар. Бизни кўриб жуда қувониб кетдилар. Фафур ака билан бел олиб кўришдилар.

Домлани пулга, харжга анча пишиқроқ дейишарди. Биз кечгача домланинг уйларида меҳмон бўлиб, бу хусусиятларни сезмадик. Дастурхон ноз-неъматларга тўлиб кетган эди. Фафур аканинг бунақа пайтларда жиндек «шайтонлик» қилиш одати бор эди. Боя биз ресторандан олган нарсаларни дастурхон устига қўяркан, бизга кўзини қисиб қўйиб деди:

— Домла, сизнинг оз-оз коньяк нўш қилишингизни биламан. Аэропортда летчик укаларим кўп. Домланинг олдида кетяпман, қайси бирларинг Кавказга учсаларинг иккитагина коньяк билан беш-олтита лиму опкелларинг, деб тайинлаган эдим. Кеча уйга ташлаб кетишипти. Иккита лимуни болалар еб қўйишипти, кечирасиз.

Домланинг кўзларидан ёш чиқиб кетгудек бўлди.

– Барака топинг, мулла Абду Фафур. Лиму кўп ши-
фоли нарса бўлади. Буни бировга бермай эҳтиётлаб ей-
ман.

Домла севиниб кетганларидан шошиб ўринларидан
гурдилар.

– Сиз мулла Абду Фафур, бозорнинг нишоллосидан
сманг. Қаллоб улар. Сизга мен ўзим нишолло қилиб
бераман.

Домла шундай деб ташқарига чиқиб кетдилар. Хамид
Ғулом билан иккаламиз ялт этиб Фафур акага қарадик.

– Домлани алдадингиз-а.

– Бировни хурсанд қила олса, ёлғон гап ҳам яхши
бўлади. Кўрдингми, домла эриб кетдилар. Хозир чилчўп
ошқелиб ўзлари нишолда қилиб берадилар.

Дарҳақиқат, домла кичкинагина мис қозон, чилчўп
билан кириб келдилар.

Китобни домланинг олдиларига қўйдим. Шошиб кич-
кинагина пичоқча билан боғичларини кесиб биттасини
олдилар-да, кўзларига яқин келтириб varaқладилар. Ке-
йин менга қараб: «Хайрият чигибди, раҳмат, болам», деб
қўйдилар.

Ана шундан кейин учовимизга биттадан китобга даст-
хат ёздилар. Менга ёзганларида шундай сўзлар бор эди:

«Ўртоқ Саид Аҳмадга дўстлик эсдалиги. Айний.
4.17».

Фафур ака менга секин қараб: «Домла сени дўстим
деди», деб қўйдилар. У кишининг ёшларига нисбатан
мени дўстим дейишлари Фафур акага эриш туюлган эди.
Кейинчалик қаерда Айний ҳақида гап кетса, «Саид Аҳ-
маднинг дўсти», деб кулиб юрарди.

Нишолда тайёрлаш асносида суҳбат қизиқ кетди. Гап-
ни Фафур ака бошлаб қўйган эди.

– Домла, анчадан бери битта гапнинг маъносини
чақолмай юраман. Эрталабки таомни нонушта дейишади.
На форсда, на арабда бор бу сўз. Туркий халқларда ҳам
бунга маъни бериб бўлмайди. Сал-пал форсга яқин бора-
ди-ю, маъни ажратиш бўлмайди.

Домла қўлларига чилчўпни қозончада қолдириб,
тегина кийдирилган чойнақдан пиёлага чой қуйиб, ўйла-
ниб қолдилар.

Биз бу икки буюк шахснинг суҳбатига жимгина кулок
салиб ўтирдик. Айний домла чойни ичиб бўлиб пиёлани
эҳтиётлик билан дастурхон четига қўйдилар. Узоқ ўйла-
дилар.

Менимча ҳам форсий маъни топиш қийин. Лекин

барибир топамиз. Икковимиз бир бўлиб битта гапга маъни беролмасак ёзувчилигимиз қаёққа борарди.

— Тўғри айтдингиз, домла. Но қўшимчаси форс сўзларида ишлатилади. Менимча, нонушта бузиб айтилган форсий сўз бўлиши керак.

— Тўғри мулла Абду Фафур. Нонуштанинг маънисини шуки, оч қоринга ейилган таом. Нонушта эмас, ношиито дейиш керак.

Форс тили баҳона бўлиб Бедил ижоди ўртага тушиб қолди. Домла Айний шу кунларда Иброҳим Мўминовнинг Бедил фалсафасига бағишланган диссертациясига оппонентлик қилаётганларини айтдилар.

Фафур ака Ўзбекистондаги бедилхонларнинг энг зўри ҳисобланарди. Кулфи дили очилиб кетиб домла билан форсигўйлик қилиб кетди.

У Бедил шеърларини ёд айтар, форс тилининг ажаб бир гўзал оҳанглари жуда нозик ўқирди. Айний домла унга махлиё бўлиб ора-сира «балле», «балле», деб қўярди.

— Хой, менга қаранг, диссертация куни чакиртирайми сизни? Хоҳласангиз диссертация билан танишишингиз мумкин. Зиён қилмайсиз.

Фафур ака шу кунларда иши жуда кўплиги, академия бир нечта аспирантни боғлаб қўйганини айтиб, узр сўради.

Фафур ака табиатан бетоқат одам бўлганидан кетишнинг пайига тушиб қолган эди.

— Хай, энди нишоллони емай кетасизми, болалар ҳозир қиёмини келтиради.

Домланинг қизлари кострюлкада буғи чиқиб турган қиёмни олиб кирди. Бирпасда нишолда ҳам тайёр бўлди. Очигини айтсам, умримда ҳали бунақа хуштаъм нишолда емаганман. Домла ҳақиқатан ҳам нишолдага уста эканлар.

— Э, сиз мени бухорча мойли ҳолвамни емабсиз.

Вақт пешиндан оққанда домла бизни Регистон майдонига олиб чиқдилар. Фафур ака, сиз қолинг, уриниб қоласиз, дейишига қарамай, домла биз билан Регистон айлангани чиқдилар. Фафур ака қадамни катта-катта ташлаб тез юрадиган одати бор эди. Домланинг ҳасса билан имиллаб юришларига тоқати етмас эди.

— Э, дўстингга айт, қола қолсинлар.

Фафур ака рост айтган эканлар, домла чарчаб қолдилар.

— Хай, майли. Энди мен оркамга қайтай. Кетгунингизча яна бир келинг. Энди ҳалво пишириб бераман.

Домла Тошкентдаги ёр-биродарларига салом айтишимизни тайинлаб орқага қайтдилар.

То ётоқхонамизга келгунимизча бўлган суҳбатнинг таъсиридан чиқолмасдик. Борган сари Ғафур аканинг билимдонлиги, ҳозиржавоблигига қойил қолардим. Бу китобларни қачон ўқиган? Форс тилини қачон ўрганган? Ундоқ десам, қозоқ билан қозоқча, татар билан татарча, уйғур билан уйғурча тутилмай гаплашади. Фақат тилларнигина билиб қолмай адабиётлари, урф-одатлари, қўшиқларини ҳам яхши билади. Уйғурча «Садр полвон» қўшигини айтиб бир сомсапаз уйғурни йиғлатганини ўз кўзим билан кўрганман. Ўша қўшиқ шундай бошланарди:

«Ёвмилдан қочган чоғда
Сочим бир кучоқ ўлди.
Ёвмилдан қочган чоғда
Ковурғам пичоқ ўлди».

Кечаги поездда бўлган суҳбатга нима деса бўлади? Динларни билиши, уларнинг моҳиятини ўртага қўйиб, бир дин арбобини мот қилиши.

Бу нарсаларга ажабланмай бўлмас эди.

Мана ҳозир Регистон ансамбли олдидан ўтяпмиз. Олдинда Ғафур ака Ҳамид Фулом билан гаплашиб кетяпти. Орқада мен уларнинг гапларига қулоқ солиб бораман.

Ғафур ака Самарқанд тарихи, айниқса тарихнинг Алишер Навоий ҳаётига боғлиқ томонларидан гапириб берарди. Баъзан тўхтаб, кўзойнагини қўлига олиб, пештоқлардаги араб, форс тилларида ёзилган шикаста хатларга тикилиб қоларди.

Регистон майдонига кирдик. Ғафур ака жимиб қолганди. У гўё улуг боболар босган тупрокни оёқости қилишни истамагандек, авайлаб юраётганга ўхшарди. Гапирганида илгаригича баланд овоз билан эмас, шивирлаб гапирарди.

— Мана шу ердан неча марта Навоий юрган. Мана шу пештоқларга тикилиб не-не хаёлларга борган. Манаву тўғридаги нақшин эшиқдан Улуғбек неча бор кириб, неча бор чиққан. Ажаб!

Ғафур аканинг бола табиатини яхши билардим. Сал нарсадан қувониб, сал нарсага мўлт-мўлт ёш тўкканини ҳам кўп кўрганман. Оббо, шу топда йиғлаб юборса нима қиламиз, деб ўйлаб унга қарардим. Ўйлаганим тўғри чиқди. Ғафур аканинг икки кўзи жиққа ёш эди. Шундай пайтларда уни алаҳситиш керак эди.

— Менга қаранг, Ғафур ака, бунақа қиладиган бўл-

сангиз эртага сайловчилар билан бўладиган учрашувда, йиғлоқи депутат олиб келдик деб айтаман.

Ғафур ака дарров хушини йиғди.

— Ҳа, шайтон сезиб қолдинг-а. Шу топда хаёл ўлғир олиб қочган экан. Навоий билан гаплашаётган эдим. Сухбат жуда ширин жойига келганда хаёлни бўлиб қўйдинг. Шеър туфилаётган эди-я?!

Дурахшон юлдузлар сари
ўқирган,
Бўйнида занжиру қалби озод
шер.
Инсоний муҳаббат меҳри-ла
вафо,
Эрку бахт тимсоли улғу
Алишер.

Албатта битта зўр шеър ёзаман. Ёзиб қўй, кейин эсимдан чиқиб қолмасин.

(Орадан бир йил ўтиб Навоийнинг беш юз йиллик юбилеи кунларида Ғафур ака Навоийга бағишлаб шеър ёзди. Шеърнинг олтинчи тўртлиги бўлиб юқоридаги сатрлар шундоқлигича киритилган эди.)

Самарқанд сафаримиз ниҳоятда қизиқ воқеалар, айниқса буюк шоирнинг ҳали мен учун очилмаган томонларини кўрсатадиган воқеалар билан тўлиб-тошган эди. Театр саҳнасида шоир шаънига айтилган қайноқ сўзлар, унга бағишланган шеърлар сира эсимдан чиқмайди.

Ургутдаги сайловчилар билан бўлган учрашувларда сайловчилар олдида унинг ажойиб сўзларини, ўқиган шеърларини ўз қулоғим билан эшитиб ҳақиқатан ҳам Ғафур Фуломнинг халқ билан бирлигига, ижодининг нақадар халқчиллигига тан берган эдим. Самарқанд сафари тугаб, қайтишимиз илғор дахтакорларнинг республика курултойи очилиши арафасига тўғри келган эди.

Биз тушган поезд состави Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд области вакиллари билан тўлган эди. Ҳар бир вагонда зиёфат.

Ғафур Фулом номини эшитиб, ўзини кўришни орзу қилган узоқ қишлоқ дехқонлари вагонимизга келиб ўтириб олишар, илтимос қилиб бизни ўз вагонларига олиб кетишарди.

То Тошкентга етиб келгунимизча сухбат, ўйин-кулги давом этди.

Сафардан қайтишимиздаги сухбатлар менга Ғафур аканинг яна янги бир томонини очиб берди.

Домла Зарафшон водийсини ҳам ниҳоятда яхши билар экан. Бухоролик билан гаплашганда қишлоқлардаги танишлари, борган тўйлари, ўша ердаги илғор чорвадорларни номма-ном айтиб берарди. Хатто қайси шевада гапиришини айтиб уларни кулдирадди.

Сал фурсат ўтмай сайлов бўлди. Фафур Фулом Ўзбекистон Олий Совети депутати деган юксак шарафга муяссар бўлди...

«ШУМ БОЛА»НИНГ ДАВОМИ

Ўттизинчи йиллар Фафур аканинг ижоди авжи ширага тўлган пайт эди. Адабиётнинг деярли ҳамма жанрларида тинмай ёзарди. «Қизил Ўзбекистон»да шеър босилган бўлса, ўша куни Ёшлар газетасида ҳикояси ҳам босиларди. Фельетон, очерк, публицистик мақола, Маяковский ё Асеевдан таржима, ёки бирон областдаги янги тузилган колхоздан хабар...

Хуллас, Фафур ака ўйин-кулгига ҳам, ёзишга ҳам, Инжиқободдаги боғига бориб, дехқончилик қилишга ҳам вақт топарди. Бирон кун ҳам тек турмасди.

Газетада ҳикояси босилган куни Фафур ака албатта эски шаҳар расталарини, гузарларини айланиб юрарди. Ҳикояси одамларга қандай таъсир қилганини билгиси келарди.

Бу пайтларда Фафур ака кулги ҳикоялари устаси сифатида ном чиқарган эди. Ўттиз иккинчи йилда «Нетай» қиссасини ёзди. Ана шундан кейин унинг фақат кулгили воқеаларни тасвирлаш билан чегараланмай, инсондаги кучли психологик ҳолатларни тасвирлашга ҳам ниҳоятда уста эканлиги маълум бўлди. «Соялар» ҳикояси ундаги шу хусусиятини янада яққол кўрсатди.

Фафур ака ёзишдан тинмасди. Хамманинг оғзига тушган «Қўқан»дан кейин «Икки васиқа», «Тўй» деган дostonларини ёзди. Адабиёт ишқибозлари бу дostonларнинг мағзини чақиб улгурмаёқ, Фафур ака ўнлаб ҳикоя, очерк, фельетонлар ёзди. Ўттиз олтинчи йилга келиб у бирдан икки катта қиссани эълон қилди. Бири «Ёдгор», бири машҳур «Шум бола».

«Гулистон» журнали «Ёдгор»ни боса бошлади. «Муштум» эса бутун йил давомида «Шум бола»нинг саргузаштларини босди.

Бу журналларнинг навбатдаги сонлари чиққанда газета киоскаси олдида узундан-узоқ навбат пайдо бўларди.

«Шум бола»нинг учинчи қисми ёзилаётганда мен Фафур аканинг ёнида эдим. Қиссани тезроқ ёздириб учун «Муштум»дан мени Фафур аканинг уйига «командировка» қилишган эди.

Уйига борганимда Фафур ака йўқ, қўлэзма стол устида тахланганча турарди. Фафур ака менга қўлэзмасини ишонарди. Чунки араб алифбосини билганим учун унинг бир нечта шеър ва ҳикояларини машинисткаларга диктовка қилганман.

Стол устидаги қўлэзмаларни варақлай бошладим. Шунинг ҳам айтиб қўяйки, журналимиз қиссани битмаёқ эълон қила бошлаганди. Фафур ака навбатдаги бобларни пешма-пеш келтириб турарди. Бирон сабаб бўлиб Фафур ака командировкага кетиб қолса, журналхонлар олдида хижолат бўлиб қолишдан қўрқарди. Шунинг учун ҳам Фафур акани ҳол-жонига қўймай, саҳарлаб уйига борардим. Мен борганимда қисса охирига қолган, шум бола Тошкентга қайтиб Кўса Маддох ҳикояларини тинглаб турган пайтда тўхтаган эди.

Домла Шоаҳмад акани кузатгани чиқиб кетган эканлар. Келиб сал хижолат чеккандек бўлдилар.

— Битказолмадик, укажон, нима қилсанг қил, вой деган номард!

— Шу бугун олиб кетмасам, мени «Муштум»дан ҳайдаб юборишади.

Домла кўчага чиқиб кетиш учун ўзини уёқ-буёққа ташлаб баҳоналар қидира бошлади. Эпложмади. Охири ўтирди.

— Бўпти. Шу бугун «Шум бола»га нуқта қўйиб берман. Сен чиқиб Эски Жўвадан битта «Казбек» опкелиб бер. Мен ёзиб тураман.

Фафур ака мени ишга буюриб, қочиб қолишини билиб турибман. Мухаррам опа: «Хушёр бўлинг, акангиз Мирза Абдулла ака билан аллақайқа кетишмоқчи», деб айтиб қўйган эди. Нима қилишимни билмай қолдим. Ховлига чиқсам, Жўрахон шимини чўткалаётган экан.

— Жон ука, битта папирос опкелиб беринг, — деб ялиндим. Жўрахон пулни олиб, зинғиллаганча кетди.

(Жўрахон Фафур аканинг фронтда ҳалок бўлган ўғли. Қирқ биринчи йили «Соғиниш» шеърини унга бағишлаган эди.) У Мирза Абдулла аканинг ўғли Фатхулланинг велосипедада кетган экан, бирпасда папиросни олиб келди. Фафур ака энди ҳеч қандай баҳона тополмай қолди.

— Қув бола экансан. Мени енгдинг.

Ана шундан кейин Фафур ака озги ён тарафдан қўйил-

ган сиёҳдонга ручкани тикиб ўйлаб кетди. Ручкани сиёҳдондан чиқармай турибоқ ҳиринглаб кула бошлади.

— Қизиғи келди. Антикаси келди. Агар эртага ёзсам бу гап ё келарди ё келмасди.

Ғафур ака ручкани қитирлатиб ёза бошлади.

Ҳожи бобо Шум болага иссиқ нонни орқалатиб, эзмаланиб гапириб кетаётган жойи эди. Қоғозга шундай сўзлар ёзилди.

«Ҳа, шунақа, болам. Ота-она дунёга мўрт келади. Энди битта она топсанг бўлди. Ота ўз оёғи билан келади...»

Бу ёзилаётган сатрлар қиссанинг учинчи қисмига хотима бўлиши керак. Ҳожи бобо образи бутун қисса давомида учрамаган, бутунлай янги персонаж эди. Воқеа Тошкент четидаги такалардан бирида ўтяпти. Бунда кўкнори балосига учраган турли табақага мансуб кишилар иштирок этади. Ғафур ака икки образни фавкулудда бир маҳорат билан чизарди. Ҳожи бобо билан ҳинд саррофи санъаткорона чизилган портретлар эди.

— Ҳожи бобога марҳум даданинг кўп қизиқ хислатларини, сўзларини шундоқкина ёзиб қўя қолдим. Дадам ҳам кўчада юрганларида хассаларининг учи билан йўлдаги қоғозларни титиб кўрардилар, нон тушиб қолган бўлса олиб ўпардилар, кўзларига суртиб, кейин девор қавағигами, баландроқ жойгами қўярдилар. Ҳожи бобо ҳам шунақа қилади.

Шу баҳона бўлиб, Ғафур ака Тошкент бозорларида одамларнинг пулларини майдалаб фойда кўрадиган ҳинд саррофлари тўғрисида гапириб берди.

— Ҳинд сурмасидек яхши сурма дунёда бўлмайди. Буни Тошкент қизлари, келинчаклари яхши билишарди. Ҳинд саррофлари ўтадиган кўча тупроғига бармоқлари билан кўндаланг чизик тортиб қўйсалар ҳинд ундан ўтолмасди. Сурма бергандагина улар чизикни кафтлари билан ўчириб ташлардилар. Шундан кейингина ҳинд ўтиб кетарди. Умуман, ўша пайтларда хина, сурма сотадиган ҳиндлар, қоғоз гул сотадиган, фокус кўрсатадиган хитойлар кўп бўларди. Қиссага киритилган ҳинд саррофи ўшаларнинг умумлашган образи бўлди...

Хуллас, ўша куни мен ҳовлида қоровул бўлиб ўтирдим. Ғафур ака гоҳ мени сўқиб, гоҳ мактаб, қиссага охириги нуқтани қўйди.

Умуман, Ғафур акани ёзув столи ёнига ўтириши кийин эди. Бир ўтириб олгандан кейин эса турмасди. Айниқса, шеър бўлса битта тўртлик, ҳикоя бўлса биринчи

сахифа тўлгандан кейин ўзи қизиқиб кетиб, то асар битмагунча ўрнидан турмасди. Аввалига хиралик қилиб, кўзига ёмон кўринардик. Битгандан кейин эса ўзи миннатдорчилик билдирарди.

— Хўп иш қилдинг-да. Баҳона билан қисса битиб қолди. Маладес.

Бу қиссанинг дунёга келишида Ғафур аканинг болалик ўртоғи, журналист уста стенограф Шоаҳмад Шораҳмедовнинг хизматлари катта бўлган. У биринчи бўлиб, шу қиссани ёзишга ундаган, ўзи стенографлик қилиб, адибнинг оғзидан чиққан жумлаларни сўзма-сўз ёзиб борган. Қиссанинг ҳамма қисмларини ўша киши ёзиб олганлар.

Ғафур ака билан ҳамиша ёнма-ён бўлган таланти таржимон Ваҳоб Рўзиматов ҳам Ғафур аканинг жуда кўп ҳикоя, шеър ва фелъетонларини ёзиб олган эди.

«Шум бола»нинг учинчи қисми ҳам «Муштум»да давомли босилиб, журнал қўлма-қўл бўлиб кетди.

Бу эса Ғафур Фулом шуҳратига яна шуҳрат қўшди.

Кейинчалик, уруш йиллари ҳам, урушдан кейинги йилларда ҳам Ғафур ака «Шум бола»ни қўлига олиб варақлар, ўқиб кулиб-кулиб кўярди.

1947 йилнинг охирларида Ғафур ака яна «Шум бола»ни кўп гапирадиган бўлиб қолди.

Бир куни Ғафур ака ўзи туғилган Қўрғондаги маҳалласига бир ўртоғининг тўйига бориб келди. У ерда бирга ўсган ўртоқларини учратганини, кўчаларда айланганини, онасини танийдиган кампирлардан бир-иккитасини кўрганини айтди.

Ғафур ака икки-уч кун хаёлчан бўлиб юрди...

— «Шум бола» яна тинч қўймапти. Бир балоларни ёзворгим келяпти. — Шундан кейин Ғафур ака қиссанинг тўртинчи қисмини ёзмоқчилигини, ҳатто баъзи бир бобларини ўйлаганини айтди.

Ўйлаган бобларидан баъзилари эсимда қолган.

Ҳинд саррофи Шум болага Ҳиндистонни кўп мақтарди. «Ҳиндистонда қўй текин, она-бола фил биттанга, нон дарахтда пишади», дерди. Шум болада Ҳиндистонга бориш иштиёқи туғилиб қолади. Тақядан орттирган чақаларини эҳтиёт қилиб Ҳиндистон сафарига тайёрланиб юради. Эрмакталаблар уни лақиллатишади. Ҳиндистонда фил бўлгани учун занжир етишмас эмиш, кўпроқ занжир олиш керак. Ҳиндистонда илон ўйнатадиганлар хуштакка зор. Йигирма-ўттизта чулдироқ хуштак ола кетиш керак. Иложи бўлса, Тўйчи ҳофизнинг пластинкасидан элликта-

ча, самовар карнайдан қирқтача ола кет, деб маслаҳат беришади.

Шум бола бу гапларга ишонади. Занжир, хуштак, пластинка, самовар карнайларни орқалаб пиёда йўлга тушади.

Қисса сюжети тайёр эди. Аммо Фафур ака ёзишга шохмасди. Сабабини сўраганимда, у киши шундай деб жавоб берган эдилар:

— Айнидим. «Шум бола» ёзилганига ўн йилдан ошди. Мен ўн йил олдинги Фафур Фулом эмасман, ҳозирги билимим, маҳоратим билан қиссани бошқатдан ёзиб чиқишим, ундан кейин давомига ўтиришим керак. Барибир таҳрир қилмаганимда ҳам Ҳиндистонни кўрмай туриб қандай қилиб қахрамонимни уёққа олиб бораман.

Шундай қилиб, қиссанинг ўртинчи қисми қолиб кетди.

Аммо Фафур ака уни ёзмаганидан афсусланган пайтлари ҳам кўп бўлган.

— Муни қара, ёзаверсак бўларкан. Барибир «Шум бола» Ҳиндистонга бормасди. Шунча юк билан бориб бўлармиди, Ўратепада қолиб кетарди. Аттанг. Ўшанда сен бўшлиқ қилгансан, хиралиқ қилганимда шу қисса дунёга келиб қоларди.

Минг тўққиз юз олтмиш иккинчи йили Фафур ака «Шум бола»ни қўлига олди. Шу қиссанинг биринчи сатрларидан бошлаб стенография усулида ёзиб олган Шоаҳмад Шораҳмедов Фафур акани ишга солди. Қисса бошдан-оёқ таҳрир қилинди. Янги боблар киритилди. Ҳожи бобо образига жуда кўп деталлар қўшилди.

Айниқса, қиссанинг боши, охири, ўрталарида ўзгаришлар бўлди. Фафур Фулом «Шум бола» қиссасини салкам йигирма беш йил ишлади, деса янглиш бўлмайди. Қиссанинг биринчи ва иккинчи қисмлари 1936 йилда ёзиб тугатилган. Учинчи қисми қирқинчи йилларнинг охирида тугатилган. Олтмишинчи йилларнинг бошларида қайта таҳрир қилинган.

Фафур ака ҳаётлигида босилиб чиққан охириги нашрини ўпиб кўзига суртганди.

— Тамом, энди бўлди, — деди кўзлари яшнаб.

— Нега? — дедим. — Бир қизиқиб кетсангиз, буёғини ҳам ёзворасиз.

— Йўқ. Буёғини энди сизлар ёзасизлар. Сен ёзасан. Шум бола энди академик, лауреат, депутат...

Фафур ака «Шум бола»нинг ойнаи жаҳон орқали намойиш қилинган телестановкасини кўролмади. У ора-миздан кетган эди.

Кўрганда қандай севинарди.

Хар гал «Шум бола»ни қўлимга олганимда устозимни ўйлаб кетаман. Бу қисса ёзилаётган пайтдаги унинг кулгилари қулоғимга эшитиларди. Бир кўзини қисиб «қотирдимми!» дегандек, мақтанганнамо қарашлари шундоққина кўриниб кетади.

Бу юк қаламқаш билан қилган суҳбатларимиз, биргалликдаги сафарларимиз, ижодхонасидаги сокин, фақат ручканинг китирлашигина эшитилиб турадиган дақиқалар хотирамда жонланаверади, жонланаверади...

ШОИРНИНГ РАФИҚАСИ

Бағишлов

Ховлимизда икки туп гилос бор. Менимча, Тошкентда бу гилосдан олдин пишадигани бўлмаса керак.

Минг тўққиз юз олтмиш олтинчи йилнинг ўн саккизинчи апрель куни эрталаб эшик тақиллаб қолди. Чиксам Фафур Фулом турипти. Ичкарига таклиф қилдим. Бундан уч кун аввал Фафур аканинг биздан икки ҳовли нарида турадиган бир таниши вафот қилган эди. Бирга бориб, кўнгил сўраб чиқамиз, деб азонлаб келган экан.

Ичкарига кирдик. Ҳовлида гилоснинг пастки шохлари пишганини кўриб Фафур ака ҳайрон бўлди.

— Шу пайтда ҳам гилос пишар эканми?

Мен у кишининг табаррук қилиб биринчи узиб беришларини сўрадим. Фафур ака чўзилиб бир-икки дона узган бўлди. Кейин мен кичкина шотича қўйиб савагчага териб тушдим-да, тақсимчага солиб, дастурхонга қўйдим. Фафур ака бир-икки донани овзига солиб, энди бас, деди.

— Агар шуни мен учун узган бўлсанг, битта қоғозга ўраб бер. Опангга омонликка олиб бораман, — дедилар.

Ҳазиллашгим келди.

— Хотинингизни мунча яхши кўрмасангиз!

Фафур ака кулди.

— Сен нима деб ўтирибсан. Опангни менинг кўзим билан кўр. Шундоқ ўрилларимнинг онаси-я.

Мен у кишига қараб галати кулиб қўйдим. Фафур ака бу кулгининг маъносига етди.

— Нима демоқчилигингни билиб турибман. Фафур Фуломдек бесаранжом, мулойимлигидан тажанглиги кўп, ёш боладек инжиқ одам билан бир умр яшаб келаётгани учун ҳам яхши кўрасиз, демоқчимисан, топдимми?

— Қойилман! — дедим.

— Бараккала. Дунёда шоирга хотин бўлишдан қийин нарса йўқ. Опанг шунга чидаяптими, тасанно!

Ғафур ака ҳақиқатан ҳам рафиқаси Мухаррам опани жуда яхши кўради.

Кўп сафарларда бирга юрганман. Ғафур ака бирон яхши нарса кўрса опага илинади.

Минг тўққиз юз олтимиш биринчи йилнинг октябрь ойида Арманистонда эдик. Декада қатнашчиларига жуда кўп ёдгорликларни кўрсатишди. Икки-уч минг йиллик иморатлар, тошга айланган неча минг йиллик китобларни кўрганимизда Ғафур ака: «Аттанг, опангни ҳам олиб келсам бўларкан, кўради», деб ўқинади.

Сафарларда юганда Мухаррам опани тез-тез тилга олиб қоларди. Самарқандга борганда албатта бозорга тушиб жувоз ёғи қидирарди.

— Опанг жувоз мойидан қилинган ошни яхши кўради.

Ёки Марғилонга бориб қолса, ўзи машинада келган бўлишига қарамай, Марғилон луччагидан бир сават тўлдириб олиб, самолётда учиб келарди.

— Опангни оғзи тегсин.

Марғилон сафаридан албатта Мухаррам опага атлас олмай қайтмасди.

Аввал Москвада бўлган бир воқеани айтай.

Ғафур аканинг олтимиш йиллик юбилеи Москвада ҳам ўтган эди. Адабиётчиларнинг Марказий уйига Ғафур аканинг ихлосмандлари йиғилган эди. Машхур турк шоири Нозим Ҳикмат ҳаммадан олдин келиб Ғафур акани бағрига босди. Николай Тихонов назокат билан аввал Мухаррам опа билан кўришиб, қўлини ўпди-да, кейин Ғафур аканинг олдига келди.

— Олтимишга кирибди-ю, қирчиллама йигит-а! Хотини яхши бўлса керак бунинг! — деди кулиб. Мухаррам опа мени туртиб қулоғимга шивирлади:

— Хайрият хотини яхши дейдиганлар ҳам бор экан.

Шундан кейин Ғафур аканинг шаънига, ана ундоқмана бундоқ деган мактовлар ёғилди. Ғафур ака суйилиб, бизни унутиб қўйиб, ўртоқлари билан гапга тушиб кетди.

Мухаррам опа эрининг бу қувончига ич-ичидан севинарди. Зал одамга тўлиб, собиқ Иттифоқ шоирлари, артисту рассомлари бу оташин шоирнинг муборак олтимиш ёши билан чин юракдан табрикладилар. Концертдан кейин Ёзувчилар союзи катта зиёфат берди. Зиёфат-

да ҳам яна Ғафур ака шаънига чиройли гаплар бўлди.

Сергей Васильев деган атоқли рус шоири Ғафур аканинг «Бизнинг уйга кўниб ўтинг, дўстларим» деган шеърини ўз таржимасида ўқиб берди-да, кейин Мухаррамхоним саломатлигига қадаҳ кўтаришни таклиф қилди.

Мухаррам опанинг юзидаги, кўзидаги аллақандай ийманишни кўриб турардим. Ортиқча ҳашамларга кўникмаган, шундоқ буюк бир шоирнинг рафиқаси бўлишига карамай жуда оддий, тортинчоқ бу аёлнинг қалбида нималар бўлаётганини сезиб турардим. Кечқурун меҳмонхонага келганимизда опадан:

— Боя мажлисда ўтирганингизда нималарни ўйладингиз? — деб сўрадим.

— Акангиз кўп ичиб қўймасинлар-да, деб ўйлаб ўтирдим, — деб жавоб қилди.

— Йўқ, тўғриси айтинг, — дедим.

Мухаррам опа жилмайди.

— Очигини айтсам, кўп нарсалар хаёлимдан ўтди. Акангиз шеър ёзадиган кечаси ўзлари ҳам ухламайдилар, мени ҳам ухлатмайдилар. Икки сатр ёзсалар ҳам дарров чиқиб, ўқиб берадилар. Агар ухлаб қолгудек бўлсам уйғотиб ўқиб берадилар. Мажлисда мақталаётган шеърлар қандоқ ёзилганини ўйлаётган эдим. Ростини айтсам, битта шеър битгунча нечта папирос чекканларидан тортиб, неча марта чой дамлаб берганимгача хаёлимдан ўтди.

Ҳаммамизда ҳам ўзимизга яраша жаҳл, инжиқлик бор. Аммо Ғафур аканики бошқаларникидан сал ортиқроқ юрарди. Умуман, Ғафур аканинг шодлиги ҳам, жаҳли ҳам баландроқ пардада юрарди.

Мана шунақа инжиқликларга фақат Мухаррам опа чидарди. Ғафур аканинг бир яхши одати бор эди. Жаҳл устида кимни хафа қилса, эртасига ё уйига бориб, ё чакиртириб ундан узр сўрарди. Кечгача машинасида олиб юриб кечаги хафагарчиликни кўнглидан чиқариб юборарди.

Мухаррам опага эса Ғафур ака бир қошини бармоғи билан кўтариб учирган бўларди-да, жилмайиб:

— Сиз ўзимникисиз, — дерди.

Ғафур ака Мухаррам опанинг елкасига қўлини ташлаб кулади.

— «Қаҳрамон она» деган унвон чиққан. Ўшандан биттасини олиб бераман. Ғафур Фуломга мард хотин тега-

ди. Инсоф билан айтинг, сизга нечта шеър бағишлаганман?

Дарҳақиқат, Фафур ака бу жафокаш, ҳеч қачон нолишни билмаган хотинга қанчалаб қайноқ шеърлар битган. Бу шеърлар шоирнинг ич-ичидан қўшиқдек отилиб чиққан мисралар эди.

Жонланиб ўзинг айт, қайси сўз билан,
Сенинг мактовингни қуйлайин, қоғоз!
Дўстим Муҳаррамга ошиқ кўз билан
Бир умр термулдим, икковинг мумтоз.

Қалба муҳаббат бўлмай туриб, бирга кечган умридан рози бўлмай туриб бундай сатрларни битиб бўладими?!

Олмос бетоб. Москва касалхонаси палатасида кўкка боқиб ётибди. Муҳаррам опа бемор бошида, мижжа қоқмай оппоқ тонглари оттиради. Ўзининг ҳам, бировнинг ҳам дардига тоб беролмайдиган Фафур ака озиб, юзида ажинлари кўпайиб қолди. Москва билан Тошкент орасида безовта қатнай бошлади.

Шоир учун оғир бўлган ўша олтмиш иккинчи йилнинг ёзида икковимиз почтага бордик. Фафур ака Москвага посылка жўнатар эди.

Яшиқда турли мева-чевалардан ташқари сув пуркалган ток баргига ўралган икки сиқим ўсма ҳам бор эди.

— Хотин киши ҳар қандай шароитда ҳам хотин. Шунини унутмаслик керак. Она-бола палатада ўтириб бир ўсма кўйишсин, дедим-да.

Фафур ака сермеҳмон одам эди. Эртадан то қора кечгача меҳмон кутиш осон эмас. Бу қийин иш аёллар зиммасида бўлади. Муҳаррам опанинг оёғи ошхонадан, қўли капгирдан узилмасди. Меҳмонларни назокат билан кутиб, назокат билан кузатарди.

Фафур ака серхарж, кўча-кўйда улфатчиликка ишқибоз одам эди. Аммо асло рўзғорни кам қилмасди. Эрта билан Кўкча бозорига бориб болаларга қатиқ, қаймоқ, иссиқ нон харж қилиб келарди. Уйидан мева-чева узилмасди.

Фафур аканинг ўзи шунчалик шўх, шунчалик ўйинқароқ бўлгани билан болаларига қаттиқ турарди. Шунча болани вояга етказиб биронтасининг орқасидан ёмон гап эшитмади. У болаларини эркалатишни ҳам биларди, ортиқча шўхлик қиладиган бўлса, танбех беришни ҳам биларди.

Ғафур ака кўпдан бери бир нарсани орзу қилиб юрарди.

— Опанг бир этак бола билан ўралашиб қолди. Мана, буёғига неваралар ҳам кўпайяпти. Куч-қуввати бор вақтида бир узоқ жойларни айлантирсам.

Ғафур ака бу ниятини ҳам амалга оширди. Опа билан иккови бутун Европани айланишди. Улар сузмаган денгиз қолмади.

Бу шоирнинг ўз рафиқасига, қатор-қатор болаларни меҳр билан тарбиялаган, бирга кечган энг ширин, энг бахтиёр кунлар учун миннатдорчилиги эди. Шунда беихтиёр шоирнинг ушбу сатрлари қулоғинг остида жаранглагандек бўлади:

Яшаш орзусини синашга атай,
Ўртоқ туғиндиму уйландим, аммо,
Бадавлат чўнтақдан сўм санагандек,
Чуғурчук киз-ўғил туғинг, тасанно...

Мен Ғафур акани сўнгги марта «Муштум» редакцияси жойлашган иккинчи қават зинасида учратдим. Мирмуҳсин билан тушлик қилиб чиқаётган эдик. Ўша куни биз овқат қилаётганимизда олти баллдан ортик куч билан ер қимирлаган эди. Ҳаммамиз овқатни ташлаб ховлига тушган эдик. Қайтиб кираётган Ғафур ака пиллапоя панжарасига суяниб турибди. Мирмуҳсин:

— Қўрқинғизми, домла? — деб сўради. Ғафур аканинг ранги оқарган эди.

Дарров кўшни хонадан стул опчикиб қўйиб бердик. Ғафур ака нафасини ростлаб менга деди:

— Опанга телефон қил. Акам тинч, деб айт, ўзи тинчмикин. Болалар қўрқмадимикин, шуни билиб бер. — Кейин у Мирмуҳсиннинг саволига жавоб берди. — Қўрқдим, акаси. Нега қўрқмас эканман. Болаларим бор. Опанг бор. Невараларим бор. Албатта қўркаман-да.

Унинг бу гапи шоирона кўтаринкиликдан холи, ўзини ботир кўрсатишга бегона самимий инсонча гап эди.

Бу сўнгги учрашувимиз эканини мен қайдан билай.

Шоирнинг дилкаш қалами энди ёзув столи устида қимирламай мунгли ётибди.

Шоирнинг иш кабинети энди жимжит.

Муҳаррам опа «Қазбек» тутунининг ҳиди ўрнашиб қолган бу хонада аста-секин қадам босиб юради. Жавондаги китоблар, чала қолган саҳифалар олдида узоқ-узоқ

туриб қолади. Қулоғига шоирнинг овози эшитилгандек бўлади:

Ўғлимнинг тароғи кўкрак чўнтакка
Янглишиб тушибди: мендек бўйи бор.
Оёғи мандан-ку бир номер ортиқ
Жаҳонга қадамни қўймоқ эътибор.

Узр этди Мухаррам соч ювар чокда:
— Янглишиб кийибди костюмингизни.
Ўттиз йил хидладим мен сочингизни
Хиди анқиб кетди нечун бу боғда.

Шоирнинг рафиқаси хонада ҳамон кезади. Кўз олдига биринчи фарзанд қувончи келди. Жўраҳоннинг шаҳид бўлгани тўғрисидаги қора хат пайдо бўлди. Шоирнинг изтироблари, Академияга сайланган кундаги шодликлар, «Шарқдан келаётирман» китобининг довуғи, Давлат мукофоти эълон қилинган кундаги дўстлари қутлови. Халқ сийлаб Олий Советга сайлаган кундаги қувончи. Хозир ойнабанд шкафда осиглиқ турган костюм ёқасидаги қатор орденларнинг ҳар бири эълон қилинган кун, дўстлар, ёр-биродарлар тўпланган зиёфатлар, ҳаммаси, ҳаммаси худди кечагина бўлиб ўтгандек...

Радио хушxabар келтирди. Фафур Фуломга энг юксак халқаро мукофот берилди. Афсус, минг афсус, ўзи ҳаёт бўлганда бу тонгни қандоқ кутиб оларди. Уй одамга тўларди. Даврада эркаланиб, ҳар бир меҳмонга биттадан матал тўқиб кутиб оларди.

Шоирнинг рафиқаси Кремль саройида. У Халқаро мукофот комитети раисининг қўлидан олтин медални қабул қилиб олар экан, бир қалқиди. Мижжалари орасида ёш йилтираб қолди. У ҳаяжонда эди. Ҳам қувонч, ҳам ўкинч бор эди унинг дилида.

У зарҳал билан битилган дипломни бағрига босганича саройдан чиқар экан, кўзидан дув ёш оқиб кетди.

У Майдон оралаб меҳмонхонага қайтганда номерда яна бир хушxabар кутиб турарди. Столи устида телеграмма: «Ойижон. Улуғ акамга Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти берилди. Табриклайман. Олмос».

Мухаррам опанинг кўзидан ёш қуйилиб келаверди, келаверди...

Бир кун туз ичган уйга қирқ кун салом бер дейдилар.

Ҳурматли Мухаррам опа! Мен уйингизда устоз таълимини олганман. Дастурхонингиздан нон ушатиб еганман.

Нону туз ҳурмати ушбу сатрларни битдим.

«ВАҚТ»НИНГ ТУФИЛИШИ

(*Бир шеър тарихи*)

Бутун илҳомини, талантини, билиму билафонлигини халқига, халқининг орзу-умидларига бағишламаган ёзувчи чинакам халқ ёзувчиси бўлолмайди.

Ажойиб сўз санъаткорлари қолдирган мерос — бадий адабиёт хазинасига кўз ташласак, бутун умрини халқ манфаатлари йўлига сарфлаган катта талантларни кўрамиз.

Ғафур Ғулум ана шундай беназир санъаткор эди. У бирон дақиқа халқидан четда, халқининг ниятларидан узилиб қолмади.

Мен мана шу ҳамиша фахр-ғурур билан тилга олинган зукко санъаткор билан ўттиз йилдан ортиқ бирга бўлганимдан ҳамиша фахрланиб юраман.

Ғафур Ғулум менинг кўзим олдида жуда кўп шеърлар ёзган. Фақат ўзбек адабиётидагина эмас, Умумитифок адабиётида ҳам фахрли ўрин олган етук шеърлар ёзилаётганда ёнида эдим.

Адабиётимиз тарихини яратишда ҳар биримиз, улук воқеалар гувоҳи бўлган кишиларни, қайтариб бўлмас дақиқаларни қоғозга тушириб қолдиришимиз керак.

(Бу ўринда ўзбек романчилигини бошлаб берган Абдулла Қодирий романлари қай тариқа яратилгани ҳақида шу адибнинг ўғли Ҳабибулла Қодирий мақолалари жуда яхши иш бўлганлигини эслатиб ўтмоқчиман).

Биз ёш ёзувчилар Ғафур Ғулумдан, Ойбекдан, Абдулла Қаҳҳордан, Шайхзодадан таълим олганмиз. Улар билан бирга сафарларда бўлганмиз, уларнинг ижодхоналарига кирганмиз. Сухбатларида қатнашганмиз.

Демак, биз шу мухтарам адибу шоирларимизнинг хотираси олдида қарздормиз. Уларнинг ижод жараёнларини, хусусиятларини, халқ оғзига тушиб кетган қўшиқларини, ҳар бир хонадоннинг мулки бўлиб қолган китобларини қай тариқа яратилганлигини тарихга қолдиришимиз керак.

Мен Ғафур ака билан узок йиллар ота-боладек бирга бўлганим, беқиёс гўзал, сермаъно шеърларининг ёзилишида ёнида бўлганим учун ҳам бу зукко шоирнинг ижод жараёнини яхши биламан.

Маълумки, ҳар қандай ўткир шоирнинг ҳам ҳамма ёзган яхши, аъло шеърлари орасида унинг бутун ижодий кучини, санъаткорлик чўққисини белгилаб берадиган бир неча шеърлари бўлади.

Мен Фафур Фуломнинг ана шундай шеърларидан «Турксиб йўлларида», «Соғиниш», «Сен етим эмассан», «Вақт», «Қозоқ элининг тўйи» ва «Алишер» деган шеърларини биламан.

Бу шеърлар ҳақида вақти-соати билан гаплашамиз. Ҳозир мен жуда машхур бўлиб кетган «Вақт» шеърининг ёзилишини айтиб бермоқчиман.

Уруш тугаган йилнинг куз ойлари эди. 1945 йилнинг ўн саккизинчи сентябри бўлса керак. Ўша пайтларда мен «Қизил Ўзбекистон» газетасида фельетончи эдим. Ўша куни эрталаб ишга келишим билан редактор чақирди. У мендан, Фафур акадан бир шеър ундиришимни тайинлади.

— Фафур ака билан гаплашдим, илҳом париси келса, ёзаман, деяптилар.

Фафур ака мени «илҳом париси» деб атарди. Чунки мен редакция топириғи билан у кишидан кўп шеърлар ундирганман. Икковимиз ҳам тез тил топишиб кетардик. Бошқа одам борса, гап гапга қовушмай, шеър унмай коларди. Шунинг учун ҳам шеър зарур бўлганда мени юборишарди. Дарров Фафур аканинг уйларига телефон қилдим.

— Хабарим бор, — деди Фафур ака. — Пешиндан кейин кел. Кечгача мен билан валақлашиб юрсанг, шеър бўлади, бўлмаса йўқ.

Мен рози бўлдим. Тайинланган вақтда уйга бордим. Домла уйда йўқ эканлар. Кабинетларига кириб бирон нима ўқимоқчи бўлдим. Стол устидаги бир тахта қоғозга менинг суратимни чизиб икки елкамдан кемтик қанот чиқариб қўйиптилар. Тагида шундай ёзув бор:

— Илҳом париси, мен аптекага чиқиб кетдим. Келгунимча учиб кетмагин деб қанотларингни қирқиб қўйдим. Фафур аканг».

Шуни ҳам айтиб қўяйки, Фафур ака унча-мунча ўртоқлик ҳазили суратларини чизиб турардилар. Айниқса Шайхзода, Туроб Тўла, Темур Фаттоҳ, Маннон Уйғур, кейин ўзларининг суратларини жуда қулгили қилиб чизардилар. Менинг суратимни бўлса кўз юмиб чизардилар.

Домла ўша куни мени кечгача овора қилдилар. Феълларини билганимдан халақит бермадим. Кеч бўлди. Қоронғи тушди. Домланинг шеър ёзиб бериш нияти йўққа ўхшарди.

— Менга қара, — дедилар. — Ке, шу ишни эртага қолдирайлик.

Мен қўнмадим. Эртага эрталаб шеърсиз редакцияга борсам, редактор хафа қилишини айтдим.

— Азонда ёзамиз. Бўнтими? Фафур Фуломнинг гапи битга бўлади. Тамом. Яхши шеър ёзаман, деган шоир кечкурун палов еб ётиши керак. Ҳозир икковимиз ош қиламиз.

Кўнмай иложим йўқ эди. Ошдан кейин то ярим кеч-гача Бедил ўқиб маъносини тушунтириб берар, афанди айтиб куларди. Билиб турибман, домла шеър ёзиш олди-дан руҳини енгиллатмоқчи, ўзига яхши кайфият яратмоқчи. Ётиш олдидан билагидаги соатни ечиб, кўзойнак тақиб қаради.

— Бўлди, — деди домла, қайта ўрnidан туриб. — Шеър тайёр. Комил Алиев шундай деган эди: «Сарлавҳаси билан тагига ёзиладиган ўз номинг нақд бўлса, асаринг битди деявер». Шеърнинг номи билан тагидаги Фафур Фулом битди.

У кишига савол билан қарадим.

— Жияним Ҳамидулла ўтган куни шу соатни совға қилган эди. Шу соатга бағишлаб шеър ёзаман.

Бошқатдан кийиниб ўтириб олдик. Мен пастга тушиб чой дамлаб чиқдим. Столга чойнакни қўя туриб қарасам, шеърнинг икки сатри ёзилиб қопти.

Ғунча очилгунча ўтган ғурсатни
Капалак умрига қиёс этгулик.

Ҳаёлини бузмаслик учун чой қуйиб стол қирғоғига қўйдим. Қараб турибман, Фафур ака ўйлаяпти. Кўзи гоҳ шифтга тикилар, гоҳ қошлари чимирилиб худди уришмоқчи бўлгандек менга ёмон қараб қоларди. Биламан, бунақа пайтда Фафур ака қарагани билан мени кўрмайди. Ҳаёлида яратаётган нарсасинигина кўради. Ручкани сиёҳдонга зарда билан ботирди-ю, ёза кетди:

Ғоҳида бир муддат олгулик нафас...

Бу сатрни шошиб ўчирди-ю, бошқатдан ёзди:

Баъзида бир нафас олгулик муддат
Минг юлдуз сўниши учун етгулик.

Шундан кейин ўчиб қолган папиросни сўрди. Гугурт чақиб қайта ўт олдирди-да, менга қаради.

— Қалай? Мана бунини Фафуровский шеър дейилади.

Фафур аканинг бутун хусусиятларини яхши билиб олган эдим. Шунанга пайтда мактаб қўйсанг руҳи кўтарилиб кетадию ажиб бир ғайрат билан ишга тушади.

— Э, қойил қивордингиз, Фуломуп ака.

— Жим тур, аралашма. Келиб қолди.

Яна ручкани олиб бир оз ўйлади-ю, жуда ҳам тез ёза бошлади. Сўзлар қофияси билан, вазни билан, маъноси билан куйилиб келарди. Ручкани тез-тез сиёҳдонга ботирар, биронта сўзни устидан ўчирмай кетма-кет ўн икки сатрни дам олмай ёзиб бўлди. Энди дам олади деб ўйлаб нимадир демоқчи эдим, қўлини силтаб гапиртирмади. Ўрнидан туриб у ёқ-бу ёққа юрди. Яна ўтирди, яна ёзди. Бу гал иккита тўртлик ёзди. Қимирлагани қўрқаман. Фафур аканинг ёмон одати бор эди. Бирон нарсани ўзи бузиб қўйса ҳам, аламини бошқа одамдан оларди.

Стол устидаги соат чиқиллаб турибди. Секин қарадим. Тўрт ярим. Тонг отишга ҳали анча вақт бор. Ишқилиб шеър чала қолмасин-да, деб қўрқаман. Буёғига чарчаб қолди шекилли, бармоқларини шақирлатиб менга қаради.

— Энди бўлар-а?

— Йўғ-е, — дедим, — Фафур Фулом бўлатуриб шунақа калта шеър ёзасизми? Шеър деган газетада битта қараганда кўринадиган бўлиши керак.

— Шошма, ҳали айтадиган гап кўп.

Уй тутун бўлиб кетган эди. Деразани очиб шамоллатдик. Ўзимиз болохонадан пастга тушиб ҳовлида айланиб юрдик.

Шаҳар жимжит. Трамвайлар ҳам ётган. Фафур ака папирос тутатиб қулди:

— Бу шоирлик ҳам ажиб ғалати ҳунар экан-да. Одам боласи борки, ҳаммаси маза қилиб ухляпти. Биз магазин қоровулидек кўз юмаймиз.

Домланинг ҳазилига ҳазил қилдим:

— Хўп, шеърни-ку сиз ёзасиз, эртага пулини ҳам сиз оласиз, мен нима қилиб юрибман.

— Сенми, сен, — деди бир оз ўйланиб Фафур ака. — Сен бир вақт келиб Фафур Фулом қанақа қилиб шеър ёзишини мақола қилиб пул оласан. Менданам сенга маза.

Тонг ёришай деб қолди. Индамасам шеър қолиб кетадиган. Юқорига чиқишни қистадим. Фафур ака анча совуб қолган экан, кўнгли тилар-тиламас юқорига чиқди.

— Илхом париси бўлгандаям жудаям хира илхом париси экансан.

Аччиқ чойдан кейин мен яна қимирламай ўтираман. Фафур ака ручкани қитирлатди.

Тонг ёришиб биринчи трамвай ўтганда шеърнинг

охирги сатри ёзилаётган эди. Фафур ака аллақандай маза қилиш билан тагига чизди-ю, ўрнидан турди.

— Мана ўқи.

— Ёзаётганингиздаёқ ўқиб қўйганман, — дедим.

— Бўлди, тамом!

— Йўқ, — дедим. — Тамом бўлгани йўқ. Менга қаранг, Фафур ака. — Домлани жиндек мактаб ишга солмоқчи бўлдим. — Навоий ҳам, Машраб ҳам, умуман илгариги шоирлар шеърларининг охирига «кетур соқий» деган гап қўшиб қўярдилар. Нима, Фафур Фуломнинг ўшалардан камлиги борми?

Фафур ака ўйланиб турди-да, дарров ручкани олди.

— Фафур Фуломники бошқача бўлади. Фафур Фуломники Фафуровский бўлади. — У шундай деб ёзишга тушиб кетди. Бирпасда охирги тўртлик битди.

Хаёт шаробидан бир қултум ютай,
Косани тўлдиргин, умрзоқ соқий.
Қуёш-ку фалакда кезиб юрипти,
Умримиз боқийдир, умримиз боқий.

Шу билан тонг отар пайтда Фафур Фулом номини жуда узоқ элларга олиб борган шеърга нуқта қўйилди. Бу шеър улкан шоирнинг фалсафий қудратини, сўз санъат-корлигини, хаёт ҳодисаларини ниҳоят чуқур билишини намоён қилган эди.

Шуни ҳам айтиб қўяйки, бу шеърни биринчи ўқиган киши Маннон Уйғур эди.

Ўша кунни шеър завқи билан Фафур ака эрталаб ҳам жиндек мизғиб олмади. Наридега чой ичишиб қўчага чиқдик. Ҳали воҳли, идоралар очилмаган. Бешёғочдан пиёда кетяпмиз. Ўқчига яқин қолганда мутахассислар уйи олдида тўхтаб, балконда папирос чекиб ўтирган Маннон Уйғурни чақирди. Оға пастга тушиши билан салом-алик қилиб ўтирмай ёнидан шеърни олди-ю, ўқиб берди.

Уйғур оға Фафур аканинг феълени яхши биларди. Мўлжалдан ўтказиб мақтади. Унинг мақтовини эшитиб хотиржам бўлдик.

Редакцияга шеърни топшириб тинчиган Фафур ака трамвай бекатига келганимизда қўлимни қаттиқ қисдилар.

— Раҳмат, ука. Агар сен хиралик қилиб туриб олмаганинга ким билади, бу шеър ёзилармиди, йўқмиди.

Сал кунда шеър рус тилига таржима бўлиб, «Правда»да босилди.

Ғафур Ғулом номини яна бир поғона юқорига кўтарган «Вақт» шеъри шу тариқа минг тўққиз юз қирқ бешинчи йилнинг ўн тўққизинчи сентябрь тонготарида дунёга келганди.

1969, 5 февраль.

СЕВИНЧ КЎЗЁШЛАРИ

Минг тўққиз юз қирқ учинчи йилнинг куз кечаларидан бирида «Қизил Ўзбекистон» редакциясига Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети раисининг ўринбосари Султон Умаров кириб келди. Ўша кеча мен редакцияда навбатчилик қилардим. У пайтларда газета жуда кеч босмага бериларди. Кўпинча Олий Бош қўмондоннинг биронта шаҳарни душман панжасидан озод қилган қўшинларга буйруғи кечаси радио орқали эълон қилинарди. Бу хушxabар газетанинг биринчи саҳифасида эълон қилиниши шарт эди.

Султон Умаровнинг бемахалда, кечаси соат ўн бирдан ошганда келиши кутилмаган хол эди. Умаров редактор кабинетида узоқ қолиб кетди. Бир маҳал қабулхона эшиги тепасидаги қўнғироқ жиринглаб қолди. Кирдим. Редактор қизил папкадан уч-тўрт варақ қоғоз олиб менга берди.

— Таржимон Шербек Алиев кетиб қолган. Рихсивой билан икковинглар зудлик билан таржима қилинглари. Хозирок теришга тушириш керак.

Ташқарига чиқиб бу муҳим ҳужжат нима эканлигини билиш учун варақлаб қарадим. Бу Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Советининг республикада Фанлар академиясини ташкил қилиш тўғрисида ва ҳамда биринчи академикларни белгилаш тўғрисидаги иккита қарори эди. Шошиб рўйхатга қарадим. Академиклар ичида менга таниш кишиларнинг ҳам номлари бор. Фахрий аъзолар қаторида Садриддин Айний, ҳақиқий аъзолар орасида Ойбек, Ғафур Ғулом, мухбир аъзолар рўйхатида Ҳамид Олимжон билан Олим Шарафиддиновлар бор эди.

Мухаррир ўринбосари Рихси Соҳибоев билан иккимиз қарорни таржима қилиб редакторга олиб кирдик. Султон Умаровнинг ўзи таржимани диққат билан кўздан кечириб бир хўрсиниб қўйди. Кейин Ражабовга қараб хасрат билан деди:

— Агар Азиз тирик бўлганда албатта академиклар сафида бўларди.

У киши айтган Азизни мен танирдим. У урушдан олдин узоқ йиллар Самарқанд Давлат университетига раҳбарлик қилган ва урушнинг бошларида собиқ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида фан бўлимининг бошлиғи бўлган, кейин ўз аризаси билан фронтга жўнаб кетган Азиз Валиев эди. Қирқ учинчи йилда политрук майор Валиевнинг Украинани озод қилиш учун олиб борилган жангларда мардларча ҳалок бўлгани ҳақида қора хат келган эди. Шу топда Умаров билан Ражабов бу истеъдодли олимни эсга олган эдилар.

Ўша кечаси Олий Қўмондон буйруғи келмай газета тонгга яқин босмага олинди.

Нима бўлса ҳам бугунги хушxabарни Фафур акага вақтлироқ етказиб хурсанд қилмоқчи эдим.

Газета босила бошлаши билан икки-уч нусхасини олдиму биринчи трамвай билан Фафур аканикига жўнадим. Ҳали тонг отмаган, кўчада биринчи сменага кетаётган ишчилардан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

Фафур ака ўша вақтда Кадовотдаги уйда яшарди. Ҳали кўча эшиги очилмаган экан. Узоқ тақиллатдим. Мухаррам опа уйқули кўзини ишқаб эшикни очди. Бемаҳалда келишимдан ташвишланиб олазарак бўлиб қолди.

— Тинчликми? Нима гап бўлди?

— Э, хурсандчилик. Акамни чақиринг.

— Кечаси ишлаган эдилар. Тонготарга яқин ётганлар. Агар жуда зарур гап бўлмаса уйғотмай қўя қолайлик. Озрок ухласинлар.

Мухаррам опага газеталарни кўрсатиб Фафур аканинг академик бўлганларини айтганимдан кейин шошиб уйга кириб кетди. Бирпасдан кейин Фафур ака тамоман уйқуси қочган ҳолда чиқди. У мен томон келаркан, йўл-йўлакай хотинига гапирарди:

— Опчиқинг, бирон нима севинчига опчиқинг.

Фафур ака қўлимдан газетани юлиб олди-ю, саҳифаларини оча бошлади. Шошганидан кўзойнагини олиб чиқмаган экан, ўқиёлмади.

— Ўки, ўзинг ўки!

Мен иккала қарорни ҳам тик турганча ўқидим. Фафур аканинг кўзидан ёш чиқиб кетди.

— Академик. Фафур Фулом академик. Етти ухлаб тушга қирмаган гап бу.

Мухаррам опа таҳи бузилмаган янги чуст дўппини тиззасида кериб, бошимга кийдириб қўйди.

— Сизга ҳам акангизнинг йўлини берсин, укам.

Фафур аканинг уйи орқасида майдонча бўларди.

Майдончадан кўшниси Мирза Абдулла аканикига эшик очилган, кеч пайтлари Фафур ака шу майдончадаги супа-чада Мирза Абдулла ака билан чойхўрлик қилиб ўтиришарди. Майдончага иккалалари ҳафсала билан гул экишган, Тошкентда Пушкин номли парк бўлгани сабабли бу майдончани Пушкинча деб аташарди. Ҳозирда тонг маҳалдаги ғовур-ғувурдан уйғониб кетган Мирза Абдулла ака чиқиб қолди.

— Э, ана Ҳожи қийкирик ҳам чиқиб қолди, — деди Фафур ака. — Яхши бўлди чиққанинг. Ҳозир бориб Саъдини уйғотиб, икковинг бозор қилиб чиқинглар. Хали замон уйни меҳмон босади.

У пайтларда радиоприёмник йўқ эди. Девордаги радиокарнайини Мухаррам опа баланд қилиб қўйди. Аллақандай куй янграрди. Мирза Абдулла ака халта кўтариб чиқиб кетди. Сал ўтмай радиода Халқ Комиссарлари Советининг академия тузиш ҳақидаги ва биринчи академикларни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори рус ва ўзбек тилларида ўқиб эшиттирилди. Фафур ака менга қаради.

— Газета дежурлиги қанақа бўлишини биламан. Сен болохонага чиқиб жиндек мизғиб ол. Хали келди-кетдига хизмат қиласан, — деди.

Индамай болохонага чиқиб кетдим. Билмадим, қанча ухлаганимни, Мухаррам опа уйғотиб юборди.

— Меҳмонларга шу ерга жой қиладиган бўлдик.

Шундан кейин ухлаёлмадим. Уйга бирин-кетин меҳмонлар кела бошлашди. Энг аввал Ҳомил Ёқубов билан Фафур аканинг энг яқин ўртоғи Шоаҳмад Шорахмедов кириб келди.

Шийпон олдидаги айвонда Мирза Абдулла ака газак тайёрлар, Фафур аканинг кадрдони Саъдулла Абдуллаев жаз-буз қилиб ошхонада қозонга сабзи-пиёз босарди.

Саъди ака нашриётларда узоқ йиллардан бери кассирлик қилар, Тошкентдаги ошга усталардан бири эди. Фафур ака бўш вақтларини шу киши билан бирга ўтказарди. Улар бир-бирини сенлаб гапиришар, уйларида бирон тансик овқат бўлса бир-бирларига илинишарди. Соатлаб пичирлашиб гаплашиб ўтиришарди. Саъди ака қаерда янги латифа эшитса, оқизмай-томизмай Фафур акага етказарди.

Эшикдан бошлашиб Ҳабибий домла билан Юнус Ражабийлар кириб келишди. Фафур ака уларни кучоқ очиб қарши олди.

— Окагинанг айлансин, — деди Юнус ака соф тошкентча қилиб, — академик ўзимиздан чиқиб қолди.

Ҳабибий домла қўшимча қилди:

— Мулла Абду Фафур, академик дегани олий маълумотдан юқори деганими? Шайнингизга битта ғазал ёзай деб шунча уриндим, эплотмадим. Академик сўзи арузга тушмас экан.

Фафур ака хахолаб кулиб юборди.

— Уринманг, домла. Хоразмлик шоир Қурбон ота ҳам мотоциклни арузга туширолмайд хуноб бўлган.

Ҳамза театридан Уйғур, Етим Бобожон, Аброр Хидоят, Сайфи Олимов келишди. Улар орасида Фафур аканинг супургичи ўртоғи Ҳожи ака, олтига седанали нонни қийиққа тугиб чегачи Тоға лақабли чол, улардан кейин халқ ҳофизлари Жўраҳон Султонов ва Маъмуржон Узоқовлар кириб келишди. Болохона одамга тўлиб кетди. Республиканинг атоқли арбобларининг деярли барчаси жам бўлган эди. Олимлар йўқ эди. Чунки улар орасидан ўнга яқин киши академик унвонига сазовор бўлиб, улар ҳам келди-кетдини кутиш билан банд эдилар.

Базм авжга чиққан, аския, ҳофизларнинг хониши, шеърхонлик бир-бирига уланиб кетарди.

Ўша куни гўё уруш бўлмаётгандек, бомбалар портламаётгандек, худди урушдан олдинги тинчлик йилларининг байрам кунларига ўхшарди.

Кечгача табриклаб келувчиларнинг оёғи узилмади. Ўша куни мен Фафур аканинг халқ орасида қанчалик эътибор қозонганини, республикада номи чиққан алломалар унинг талантига қанчалик юксак баҳо бериб эъзозлашларини ўз кўзим билан кўрдим.

Кеч кириб қолган эди. Кўча тарафда машина гуриллагани эшитилди. Сал фурсат ўтиб остонада Усмон Юсуповнинг салобатли гавдаси кўринди. Уни Собир Абдулла бошлаб келарди. Мен Усмон Юсуповни фақат президиумларда кўрганман, яқиндан кўрмаган эдим. Ўзимни йўқотиб қўйдим. Фафур ака уларга пешвоз чиқди.

— Фафурвой, — деди Усмон Юсупов, — кадрдоним, буюк унвон муборак бўлсин!

Икковлари кучоқ очиб кўришишди. Фафур ака уларни ичкарига бошлади. Дастурхон атрофида ўтирганлар гур этиб ўринларидан туришди.

— Эҳ-хе, жами уламолар шу ерда экан-ку, — деди Усмон Юсупов кулиб. — Хозир Ойбекникидан келяман. Қори Ниёзийни табрикладим. Уста Ширинни, Ҳамидни табрикладик. Бугун чинакам байрам, биродарлар. Фафур, ўзинг ёзгансан-ку, «Бизнинг кўчада ҳам байрам бўла-жак», деб. Ана ўша сен айтган байрам кўчанга келди. Арзийсан, кадрдоним.

Ғафур ака қўлини ковуштириб тик турарди.

— Э, ўтир, — деди кулиб Юсупов. — Қўл ковуштириб куллук қилиш сенга ярашмас экан.

Ғафур ака дарров жавоб қилди:

— Ота, хали академикликнинг машқини олганимча йўқ. Ҳозирча бошловчи академик бўлиб ким эшикдан кирса, куллук қилиб турамиз-да.

Ўтирганлар гурра кулиб юборишди. Юсупов кулгидан тўхтаб:

— Сенга бир гап айтиш керагу қочиш керак, — деди.

Кечаси билан ухламай навбатчилик қилиб, куни билан Ғафур ака меҳмонларини кутиб чарчаб қолдим. Юрган йўлимда мудрардим. Ахволимни кўриб Ғафур ака: «Майли, уйингга кета қол, жуда адойи тамом бўлдинг», деди.

Кетаётганимда Муҳаррам она газетага ўроғли бир нарсани узатди. Унда назаримда ё сомса, ё варақи бўлса керак. Олмайман деб қайтарган эдим, Ғафур ака жеркиб берди:

— Эси йўқ, сенга эмас, ойингга. Қутлуғ уйдан насиба...

Орадан икки-уч кун ўтиб академиянинг биринчи таъсис мажлиси бўлди. Ғафур ака редакцияга телефон қилиб, дарров «Националь» меҳмонхонасига боришимни сўради. Бордим. Меҳмонхона олдида Айний домла билан икковлари туришарди.

— Танийсизми, домла, менинг шогирдим, — дея Ғафур ака таништира бошлаган эди, Айний домла танийман, дея кўришгани қўл узатди.

Хар гал редакция ишлари билан Самарқандга борганимда, Айний домлани зиёрат қилиб чиқардим.

— Сен бундай қил, — деди Ғафур ака, — биз домла билан уйга кетдик. Сен союзга бориб менга келган телеграммаларни олиб бор, хўпми?

Шу гапдан кейин икковлари машинага ўтириб жўнаб кетишди.

Союзга бориб телеграммаларни олдим. Олмаотадан Собит Муконов, Қозондан Аҳмад Ерикеев, Тожикистондан Турсунзода, Лохутий, Озарбайжондан Самад Вурғун, Қирғизистондан Тўқимбоев, Туркманистондан Берди Кербобоев, Ленинград қамалидан чиққан Николай Тихонов, Фарғонадан Бузрук Усмонхўжаев, Андижондан Тешавой Мирзаев, Жўра полвон Ғойибов, Фарход ГЭСи қурилишининг бошлиғи Саркисов ва ҳозир ёдимда қолмаган аллақанча кишилар юборган табрик телеграммалари эди.

Ғафур аканинг уйига борганимда икки буюк аллома — икки академик ёстикни бағрилариға босиб бедилхонлик қилишарди. Мен уларға чой қуйиб бериб, жимгина кулок солдим.

Адабиётимизга, маданиятимизга буюк ҳисса қўшган ажойиб шоир ҳаётидаги энг қувончли дақиқаға шерик бўлганимдан ҳалигача гурурланиб юраман. Ўша куни шоирнинг кўзида йилтираган қувонч ёшларини ҳам ўз кўзим билан кўрганман.

1979 йил 25 апрель

ҚОРХАТ

Бирон минг киши иштирок этаётган базмда ногаҳон чирок ўчиб қолди, дейлик. Шу қоронғиликда Ғафур Ғулом ҳам базмга келди ва бир чеккага жимгина ўтирди. Уни ҳеч ким кўрмади, овозини ҳам эшитмади. Барибир шу базмга бирдан файз кириб кетди. Сал ўтмай қоронғиликнинг у ер-бу еридан гурра-гурра кулги кўтарилди бошлади. Бир зумда Ғафур Ғулом базмга келгани сезилиб қолади.

Ғафур Ғулом ана шундай файзли одам эди. У қирган уйга кулги эргашиб келарди. Хар қандай тунд одамнинг ҳам юзига табассум югурарди.

Мен бу улдуғ зот билан кўп давраларда, сайлу базмларда бўлганман. Бирон қизиқ латифа ва ё хикоя эшитиш илинжида унинг оғзига интиқ тикилган юзлаб кишиларни кўрганман.

Унинг топағонлиги, бир зумда шеър тўқий олиши ҳаммани хайрон қолдирарди. Эсимда, минг тўққиз юз қирқ олтинчи йили биринчи май арафасида Ёзувчилар союзида Ойбек ака бошчилигида зиёфат бўлганди. Шунда Ғафур ака қоғоз-қалам олмай тикка турганича ўтирганларнинг ҳаммасига тўрт сатрдан лапар тўқиди. Аммо шунча ёзувчи, шоирлар унга жавоб қилишолмади. Биз бир тўда ёш ёзувчилар шивир-шивир қилиб атиги икки тўртлик тўқидик. Аммо тўқиган лапарларимизга ҳеч ким кулмади.

Элик еттинчи йили янги йилни жами ёзувчилар болачақалари билан бирга қутган эдик. Ғафур ака нотоб эди. Қасалхонадан олиб келишди. Шунда ҳам у йигирмага яқин лапар тўқиб ҳаммани хайрон қилиб қўйган эди. Ўшанда ҳам бирорта шоир унга жавоб қилолмаганди.

Ғафур Ғулом бекиёс талант эгаси эди. У баъзан тўлиб кетган пайтларда «Муштум»га кириб келарди. Тўқиган латифаларни бирпасда айтиб хаммани кулдирадди. Кейин бир чеккага ўтириб бирон хикоя ё бўлмаса ҳажвий шеър ёзиб берарди.

Худди кечагидек эсимда. Қирқ биринчи йилнинг февраль ойи бошларида Ғафур ака «Муштум» редакциясига кириб келди. Биз журналнинг март сонига гайёргарлик кўраётган эдик. Ғафур акадан Халқаро хотин-қизлар кўни муносабати билан бирор қувноқ шеър ёзиб беришни сўрадик. Ғафур ака шеърга тўлиб турган экан, дарров кўна қолди. Донгдор хотин-қизларга шеърый ҳазил ёзиладиган бўлди. Бир хонани бўшатиб бердик. Мен битта аччиқ чой дамлаб олдига кирдим жимгина ўтириб, ёзишини томоша қила бошладим. Бор-йўғи ярим соат ичида ўнга яқин шеърый ҳазилни ёзиб қўйди. Ойдин опа, Халима Носирова, Сора Эшонтўраева, ўша пайтларда машҳур бўлган хотин-қизлардан Тожихон Асқарова, «Муслимка» буғдойининг ижодкори Муслима Бегимова, Чирчиқ кимё заводининг инженери Шарифа Ҳамидхонова сингари ўнга яқин аёлга жуда самимий, жуда қувноқ ҳазил ёзилганди. Бу ҳазиллар журналнинг тўртинчи сонидан эълон қилинди.

Қирқ олтинчи йилнинг кеч кузида Туроб Тўла икковимиз Ғафур аканинг уйига шеър ёздириш учун боргандик. То Ғафур ака шеърини тугатгунча қор ёғиб юборди. Бу биринчи қор эди. Ғафур ака деразадан бирпас қараб турди-да, ўзича нималарнидир шивирлади.

— Менга қараларинг, қазили палов егиларинг келяптими?

Биз хайрон бўлдик.

— Мен ҳозир Собир Абдуллага қорхат ёзаман. Шунини қўлга тушмасдан топшириб келасизлар. Қазили паловни ана ўшанда ёйсизлар. Агар қўлга тушиб қолсаларинг паловни ўзим қилиб бераман.

Ғафур ака қоғоз-қалам олиб шеърый қорхат ёза бошлади.

«Қорхат» шундай чиройли, шундай қувноқ ва айни пайтда шеърятнинг энг гўзал намунаси бўлган эди. Хатда зиёфатда иштирок этадиган шоирларнинг сифатлари, исмлари қофия билан ниҳоятда нафис тасвирланган эди. Хатни Туроб икковимиз қўлга тушмай омон-эсон топшириб келдик. Орадан беш кунлар ўтгандан кейин Собир ака зиёфат қилиб берди. Бу зиёфатда Уйғун, Миртемир, Яшин, Шайхзода, Ғафур аканинг ўзи ва ўша кезлари

армиядан қайтиб келган Эминжон Аббос ҳам иштирок этди. Бу зиёфат чинакамига мушоира кечасига айланиб кетган эди. Фафур ака бу ерда ҳам улфатнинг гули бўлди.

Собир Абдулла «Қорхат»да айтилган шартларнинг ҳаммасини бажо келтирган эди. Мана ўша қорхат.

«Азиз дўстимиз Собиржон ибн Абдуллога етиб маълум бўлсинким:

Қўлингиздаги яркираб турган бу хат — қорхат, укам,
Қўлга тушдингиз иложсиз белни боғлайсиз маҳкам.

Бисти панжум йиғилурмиз улфати чор ўргилай,

Ҳар неки топган-таянган бўлса ночор ўргилай.

Ўн қадок гўшт, бир қази,

Тошкентча «норин» дейдилар.

Қўлга тушгач хоҳ ранжи, хоҳ оғрин дейдилар,

Битта хуш хониш дуторчи қизгина бўлса фаранг,

Ғозадин юзларда тобу ўсмадин қошлар таранг.

Мен-ку ичмайман, арокхўрнинг арокдир шеvasи,

Менга басдир бир яшиқ Жигулевский пивоси.

Иссиқ уйда сиз мулозим, биз таралло қилғумиз,

Мияни қўлга қоқиб бергунча ялло қилғумиз,

Воқеан, ёддан чиқай дебдир талабнинг тантиси,

Яхна гўшт, япроқ қази, закускамизнинг мانتиси,

Ким келар эркан, десангиз, сақлабон эски удум:

Мен бўлурман, мавлави Шайх, мулла Уйғуни Фўрум.

Миртемир хушқайфлиги гоят тамошо бўлғуси,

Қаҳқаҳа авжга чиқиб, совсем хорошо бўлғуси.

Ёз ҳам ўтди, куз ҳам ўтди, қорга чўмди боғлар,

Боғингиздан бир ғужум ҳам тотмади ўртоқлар.

Собиро тан бер ўзинг ҳам, биз каби меҳмон қани,

Борми инсофинг, орамизда ушалган нон қани?

Анча гина-кудратингиз бор эмиш мендан, укам,

Парво қилманг, кори олам доимо бир мири кам.

Балки бу суҳбат аросида ечилғуси тугун...

Хулласи, манярғабу, бўлсин зиёфаглар тўкин».

Фафур аканинг андижонлик дўсти Омонулла Валихоннов юборган посилкасига ёзилган жавоб хати ҳам ҳажвчиликнинг энг гўзал намуналаридан бири эди.

Мен Фафур аканинг ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган қўлёмалари, одамлар қўлида қолиб кетган шеърлар тўғрисида кўпроқ гапирдим.

Эълон қилинган шеърларни ўқувчилар яхши билишади. Улар адабиётимизнинг бебаҳо мулкига айланиб кетган.

Одатда Фафур Фулом шеър ёзгандан кейин қўлёмасини дўстларига тақдим қиларди. Бу сенга қарз, катта тўйда қайтарасан, дерди. Бу унинг: «Мен дунёдан ўтиб кетганимдан кейин ўқувчиларимга қайтарасан», дегани эди.

Менимча, Ғафур ака айтган вақт келди. Шоирнинг дўстлари шу қўлэмаларини адабиётимиз хазинасига қайтаришлари керак.

Устозимиз Ғафур Фуломнинг ҳали хазинага тушмаган шеърий бойликлари кўп. Унинг шогирдлари шоир хазинасини тўлдиришда жонбозлик кўрсатишларига ишонман.

Ғафур Фулом шеъриятда, ҳажвчиликда ўзига хайкал ўрнатиб кетди. Биз, унинг шогирдлари, шу хайкал пойига гулчамбарлар қўямиз.

«ЗАНЖИРЛАНГАН ҚУЁН»

Бир минг тўққиз юз эллик саккизинчи йилнинг июль ойида Ғафур ака мени Пскент районига олиб борган эди. У пайтларда Пскент йўли яхши асфальтланмаган, ўнқир-чўнқир эди. Ғафур аканинг «Москвич» машинаси бор эди. Тўйтепадан сал нари ўтганимиздан кейин, филдирагига миҳ кириб, бўшашиб қолди. Биз тўхтаган йўлнинг ёқасида ҳосили хазанак бўлган хандалак полизи бор экан. Шофёр то янги филдирак қўйганча полиз оралаб кетдик. Мен ейишга арзийдиган биронта хандалак тополмадим. Ғафур ака суви қочиб буришиб қолган битта сўпоқ хандалак топиб чиқди.

— Шошмай тур. Ҳозир сенга бир нарсa кўрсатаман, — дея у хандалакни тиззасига қўйиб, у ёк-буёғига қаради. Кейин ёнидан папирос олиб тутатди-да, хандалакни тешиб тиқиб қўйди, унга кўзойнагини тақди. Кейин ариқ бўйидан бир тутам ажриқ юлиб, тепасига қўйди. — Ким бўлди? — деди у илжайиб.

Хандаликка қараб туриб бирдан кулиб юбордим. Бу худди шоир Шайхзоданинг ўзи эди. Кўзойнак, папирос, жингалак сочлар, қийшиқ бурун қуйиб қўйгандек Шайх аканинг ўзи эди.

Ғафур ака бирон нарсани кимгадир ўхшатишга уста эди. Қопдаги картошкаларни титкилаб Темур Фаттоҳга ўхшаганини топар, бодрингдан Собир Абдуллани ясар эди. Бир куни сабздан Ҳабибий домлага ўхшаганини топиб кўрсатгани шундоққина эсимда турибди.

Ғафур ака билан кўз юмиб расм чизишни кўп машқ килардик.

Туроб Тўланинг расмини у кўз юмиб чизарди. Менинг расмимни бўлса қоғоздан қаламни кўтармай туриб чизиб қўя қоларди.

Мажлисларда кўпинча тўғрима-тўғри ўтиришимни тайинларди. Эзмароқ одам сўзга чиқиб қолгудек бўлса, мудраб кетмаслик учун расм чизиб, бир-биримизга узатиб ўтирардик. Мажлисадагиларнинг расмини биттама-битта ишлаб чиқардик.

1942 йилнинг қайси ойи ҳам эди. Ҳозир эсимда йўқ: машҳур ёзувчи Алексей Толстой Союз биносида ўзининг «Иван Грозний» драмасини кўпчиликка ўқиб берди. Муҳокамада мен Фафур акадан узоқроқда ўтириб қолган эдим. Кўпинча Фафур ака мажлисда бетоқат ўтирар, чиқиб кетишнинг пайдан бўлар эди. Фафур ака пьесани аввал ўқиган бўлса ҳам, Толстой асар ўқиётган мажлисдан чиқиб кетиш ўнғайсиз туюлиб, ўзини босиб ўтирди. Каттакон блокнотига нималарнидир берилиб ёзар, ўтирганларга тикилиб-тикилиб қараб қўяр эди. Автор пьесани ўқиб бўлди. Фафур ака менга қараб ғалати илжайди-ю, қўлидаги блокнотдан бир варафини йиртиб, узатди.

Одамларнинг диққатини тортмай аста очдим. Бир саҳифанинг бошидан охиригача турли расмлар ишланган, тагига: «Буни топинг, дилбарим», деб ёзилган эди. Биринчи расмда каттакон қулоқ, ёнида чакнаб турган иккита кўз. Ундан кейин каттакон буруннинг расми. Пастрокда кўзойнак билан тутун чиқиб турган папирос, ундан кейин хасса. Тагига учта савол аломати.

Бу расмларда кимлар тасвирланганини тагига ёзиб, қайтариб беришим керак эди. Шундай қилдим.

Қулоқнинг тагига «Ҳамид Олимжон» деб ёздим. Чунки Ҳамид аканинг қулоғи каттароқ эди. Кўзнинг тагига «Ойбек», буруннинг тагига «Собир Абдулла», кўзойнак тагига «Шайхзода», хассанинг тагига «Шевердин» деб ёздим. Аммо учта савол аломати кимлар эканини билолмай ўйланиб қолдим. Охири тахминан бўлса ҳам ёздим.

Фафур ака жуда кўп уринса ҳам Уйғун, Яшин ва Абдулла Қаххорнинг расмларини чизолмасди. Жуда кўп уринган, ўхшатолмаган. Ўша муҳокама мажлисида улар ҳам бор эди. Таваккал деб учовларининг ҳам номларини ёзиб қўйдим.

Варақнинг энг тагига худди Навоийнинг ўзи ишлаган «Занжирланган шер» расмига ўхшатиб занжирланган қуён расми чизилган эди. Дарров тушундим. Фафур ака мажлисдан чиқиб кетмоқчи бўлса, имларди. «Бошқалар билмасин, секин қуён бўламыз», дерди.

Демак, Фафур ака бу йиғиндан «қуён» бўлолмай занжирлангандек ноилож ўтирибди. Қуённинг тагига «Бу – Фафур Фулом» деб ёздим.

Боя учта савол аломатига ёзганларим тўғри чикмаса, қизикчиликка олиш учун икки оғиз гап ҳам ёздим: «Ғафур ака, бу суратлар Менделеев жадвали. Ҳамма элементлар топилиб жойига қўйилган. Ўша учта бўш қолган катак — энди топиладиган элементлар». Қоғозни Ғафур акага узатдим. Бир қаради-ю, кулиб юбормаслик учун дарров букламай блокнотининг орасига солиб қўйди.

Чекиш учун танаффусга чиқишганда, қоғоз қўлма-қўл бўлиб кетди.

Ғафур ака мени ёнига чақириб: «Қойил, ўйлаганимни топибсан, боқса одам бўласан», деб турган эди, Ҳамид Олимжон келиб қолди.

— Муҳокама мажлисида шунақа ишлар қилиб ўтирибсанми, уялмайсанми? — деб Ғафур акага таъна қилган бўлди.

— Пьесани бундан уч кун олдин Алексей Николаевич менга берган, ўқиб роса мақтаганман.

Бир-бирига ҳадди сизгадиган бу икки кадрдон дўст сенлашиб гаплашишарди.

— Шундай бўлса ҳам-да...

— Кетиб қолмаганим у кишига бўлган ҳурматим, буёғини айлантирма. Бўлмаса, у қулоғингни ҳам расмини чизиб қўяман.

Тошкент Инқилоб хиёбонида бир рассом одамларнинг суратини қайчи билан қора қоғоздан қийиб ишлаб беради. Бир кун ўтиб кетаётганимизда менинг суратимни ишламоқчи бўлди. То рассом менинг суратимни ишлагунча Ғафур ака унинг суратини ишлаб қўяди. Рассом расмни кўриб ҳайрон бўлди. Ғафур акадан кимлигини сўради. Ғафур ака: «Мен Самарқандда яшайман, сенга ўхшаб хиёбонда шунақа сурат қийиб тирикчилик қиламан», деди.

Ғафур Фулом буюк шоир эди. Адабиётнинг ҳамма жанрларида ажиб бир маҳорат билан қалам тебратарди. Шеър, наср, таржима, адабиёт масалаларидаги муҳим муаммолар ҳақида пухта мақолалар ёзарди.

Бу оташин шоир шарқ алломалари анъаналарини чуқур ҳурмат қиларди.

У доимо: «Ибн Сино фақат табиб эмас, тарихчи, табиатшунос, каттакон шоир, ҳатто жаҳонда биринчи бўлиб нотани ижод этган зўр бастакор. Беруний буюк олимгина эмас, у каттакон шоир, тарихчи...» дерди.

Ғафур аканинг ўзи ўша буюк устозлар изидан боришга интиларди. Шунинг учун ҳам у тарихимизни мукамал билар, расмлар чизар эди. У рақс тушганда даврадан зўр

раққосалар ҳам чиқиб томоша қиларди. Қўлига тақсимча олиб, халқ термаларини айтганда, ҳамма жимиб қоларди. Дутор чертганда, тингловчилар бош эгиб тебранишарди. Фафур ака Юсуф қизиқлар билан тенг келиб аския айтишарди. Латифа айтишда унга ҳеч ким тенг келолмасди. Халқ дostonларини бахшидек оҳанги билан, ифодаси билан бошдан-оёқ айта олар эди.

Фафур Фулом Москва ва қардош республикаларда чиқадиган журналларнинг деярли ҳаммасини оларди. «Вокруг света» журналининг бирон сонини қолдирмай ўқирди. «Техника молодёжи» журналинини олиб турарди. «Муштум» редакциясига келиб қардош республикалар сатирик журналларини ўқиб чиқарди. Улардаги карикатураларни завқ билан томоша қиларди.

Фафур ака редакциядаги ёш рассомлар олдига кириб, соатлаб улар билан расм тўғрисида гаплашарди. Уларнинг тайёр бўёқларидан фойдаланиб қизиқ-қизиқ суратлар ишлаб кетарди. Фафур ака журналнинг кекса рассоми Владимир Рождественский билан қалин ўртоқ эди. Умуман, бу талантли рассомнинг карикатуралари унга ёқарди. Рождественский ўзбек урф-одатларини яхши билар, расмларида ҳаётий деталлардан жуда усталик билан ишлатар эди. Кекса рассом Михаил Воробейчиков асарлари унга завқ берарди. Ўзбеклардан етишиб чиқаётган ёш карикатурачиларнинг бирорта асарини қолдирмай кузатар, семинар эди. Айниқса, Тельман Мухамедовнинг карикатурачиликдаги ажойиб маҳорати унга завқ берарди.

Шу пайтгача яратилган Насриддин Афанди портретлари ичида у Уста Мўмин ишлаган портретни маъқул кўрарди. «Жуда ёқимтой образ топган», деб қойил қоларди. Ўзи ҳам Насриддин образини яратишга кўп уринган эди.

1947 йилда бир ҳайкалтарош Фафур аканинг уйига келиб бир ойча уриниб бюстини ишлади. Бюст Фафур акага унча ёқмаган эди. Ҳайкалтарош кечкурун кетганда Фафур ака бюстнинг баъзи жойларини ўзи ишлаб кўярди. Ҳайкалтарош Фафур ака тузатган жойларини сезмасди.

Ҳайкал битиб, гипсга қўйилганда, ҳайкалтарош Фафур акага бир нусхасини совға қилди. Аммо уни Фафур ака бировга кўрсатмасди, «менинг характеримни топмаган», дер эди.

Фафур ака босилиб чиқадиган китобларининг муқовасини албатта хомаки пайтида кўрарди. Кўпинча ёқмай, бошқатдан ишлатарди. Нашриёт директорлари унга тегишишарди:

— Корректурани ўқиб бергингиз келмайди-ю, муқованинг жанжалини қиласиз.

— Навоий шундай деган экан: «Китобни муқовасига қараб оладилар, ичига қараб баҳо берадилар». Муқова — реклама. Шунисига эҳтиёт бўлиш керак.

Умуман, Фафур Фуломни қанча вақт таниган бўлсам, деярли ҳар учрашганимда албатта сурат чизганини кўрганман. Ҳатто ўзи айтарди:

— Шоирлик ишқи дилимга тушмаганида, албатта рассом бўлардим.

— Борди-ю рассом бўлолмаганингизда-чи? — деб сўрардим.

— Унда ё ҳофиз, ё дуторчи бўлардим, — деб жавоб берарди.

Фафур Фулом санъатнинг барча турларига интилган сержавқ истеъдод эгаси эди.

Унинг қўлёзма шеърлари хошиясида илҳом кайфиятида чизилган қанчадан-қанча расмлар қолди.

1973 йил.

ЕЛКАСИНИ ПАЙҒАМБАРЛАР СИЛАГАН ШОИР

(Ушбу хотираларни Ойбек домланинг маслаҳати билан ёза бошлаганман)

Вилоятма-вилоят санкиб, туман газеталарига шеър сотадиган бетайин шоирни Фафур Фулом учратиб қолди:

Ғ. Фулом: Ҳозир шеър қанчадан кетяпти?

Шоир: Ҳар хил. Туман газеталарида икки сўмдан беш сўмгача. Вилоят газеталарида олти сўмдан ўн сўмгача кетяпти.

Ғ. Фулом: Бир йилда неча сўмлик шеър сотасан?

Шоир: Уч минг сўмга етиб қолар.

Ғ. Фулом: Менга қара. Агар мутлақо шеър ёзмайман, шеър ёзсам палон бўлай, деб тилхат берсанг, ўзим сенга йилга беш минг сўмдан бериб тураман. Хўпми?

1939 йилнинг декабрида уч буюк воқеа кутилмоқда эди. Бири «Халқлар отаси, жонажон йўлбошчимиз» Иосиф Сталиннинг 60 ёшли юбилеи. Иккинчиси — Ўзбекистон шўролар жумҳуриятининг ўн беш йиллиги. Учунчиси — асримизнинг оламшумул иншооти Катта Фарғона каналига сув очиш.

Баланд иморатларнинг пештоқларига: «Улуғ дохий юбилейини меҳнат галабалари билан кутиб олайлик!», «Жонажон жумҳуриятимиз, сенга шон-шарафлар бўлсин!», «Канал қурувчиларига болшевиклик саломи!» деган шиорлар осилган.

Газеталарнинг ҳар кунги сониди шу уч воқеага бағишланган мақолалар, шеърлар, фотолавлар босиларди.

Кулоллар дохий сиймоси туширилган сопол товоқлар ясашарди. Мактаб болаларига «Менинг дадам иккита» деган қўшиқ ўргатишарди. Шу йил туғилган қизларга Сталина, ўғил болаларга Мелс, Марлен деган номлар қўйиларди. Йигитлар дохийникига ўхшатиб мўйлов ўстиришарди. «Қизил майдон»даги ҳукумат уйи биноси олди-га томдан то ерга теккунча қилиб оқ сурупга ишлаб осиб қўйилган дохий сувратини одамлар тўхтаб томоша қилишарди.

Театрларда Сталин ролини ижро этиш учун танловлар бошланиб кетганди.

Марказий комитет идеалогия бўлимига, талантли шоирлардан битта гуруҳ тузиб, ўзбек халқи номидан улуғ дохийга шеърий мактуб тайёрлашни топширди. Марказқўм ходими Сотти Хусайн шоирлардан Ҳамид Олимжон, Уйғун, Эминжон Аббос, Ҳасан Пўлат, Амин Умарий, Холид Расул ва Владимир Лишқоларни чақириб биринчи қотиб Усмон Юсуповнинг шу топширигини етказди.

Сотти Хусайн билан Ғафур Ғулумнинг ораларидан қора мушук ўтганди. Шунинг учун ҳам уни шеърий хат ёзадиганлар рўйхатига киритмади.

Бу гаплардан беҳабар Ғафур Ғулум ижод билан овора эди. Ўтган йили Ғафур Ғулумнинг орден билан мукофотланиши мукофотга илинмаган бир неча шоирларнинг ичини куйдирган эди.

Орденли шоирнинг шухратдан маст, учиб-қўниб юрган пайтлари. Орден ҳали у костюмнинг, ҳали бу костюмнинг ёқасига тақиларди. Руҳи тетик, ижодга иштиёқи оловдек ёниб турган пайтлар. Қандоқ ишга қўл урса яшнаб кетарди.

У шу пайтларда Алишер Навоийнинг 5758 байтли (11516 сатрли) «Фарҳод ва Ширин» достонининг насрий баёнини тайёрлаб нашрга топширган. Достоннинг минглаб сатрларига яширинган фалсафий фикрларни бугунги ўзбек китобхонига тушунадиган тилда сўзлаб бериш осон иш эмасди. Шу билан бирга насрий баёнда шеърий руҳни сақлаб қолиш учун ғоят катта маҳорат ва шоирона тафак-

кур эгаси бўлмоқ керак эди. Бу вазифани Фафур Фулом муваффақият билан адо этди.

Бундан ташқари Фафур Фулом Вильям Шекспирнинг «Отелло» фожеасини таржима қилиб, «Хамза» театрига топширди. Кунора театрга бориб асар репетициясини кузатарди. Баъзи сўзларни айтишга қийналаётган артистларга ўша сўзни бошқасига алмаштириб берарди. Айниқса бош ролни ижро этаётган Аброр Ҳидоятовга унинг овоз имкониятларини ҳисобга олиб янги жарангайдиган, ҳаракатларига мос сўзлар ёзиб берарди. Асар шеърий бўлгани учун у Аброр Ҳидоятовга вазини сақлаш, шеърий оҳангни бузмаслик кераклигини тушунтирарди.

Шу ишлар орасида у машҳур «Шум бола» қиссасининг иккинчи бўлимини менга диктовка қилиб, пеш ёзилганини пеш «Муштум»да давомли эълон қиларди. Шеърлари эса ҳали у газетада, ҳали бу газетада босиларди. Ҳатто мактаб ёшидаги болалар учун «Мукофот» деган шеърий тўпламни ҳам шу йили бостирган эди. Катта Фарғона каналига бориб қурувчилар тўғрисида очерклар ёзар, қурилиш трассаларида уларга шеърлар ўқиб берарди.

Икки-уч ой ўтиб шеърий хат тайёр бўлди. Сотти Ҳусайн шоирларни Усмон Юсуповнинг олдига олиб кирди. Шеърий хат ўқилди. Биринчи котибга маъқул бўлди. У хатни қўлга олиб, нега Фафурнинг номи йўқ, деб сўрайди. То жавобини кутмай шоирлар рўйхатига Фафур Фуломнинг номини ўз қўли билан ёзиб қўяди. Сотти Ҳусайн, бунда Фафурнинг битта ҳам сатри йўқ, қандоқ бўларкин, дейди.

Усмон Юсупов жаҳл билан дейди:

— Билиб қўйинглар, Фафур бугунги ўзбек шеърятининг байроқдори. Фафурсиз шеърятимизни тасаввур қилиб бўлмайди.

Орадан сал фурсат ўтиб шеърий хат «Правда» ва «Қизил Ўзбекистон» газеталарида бир кунда босилиб чиқди. Шеърий хатда ниҳоятда гўзал битилган сатрлар кўп эди.

Сен Шариф бобонинг соқолига бок,
Қорли тоғлар каби бўлибдир оппок...
...Қутайба отининг босган тақаси,
Топтади Жайхуннинг зумрад ёқасин.

«Муштум»да адабий ходим бўлиб ишлардим. Жуманиёз Маҳмудов деган ювошгина хоразмлик бир киши муҳаррир эди. У бечора илгари матбуотда ишламаган бўлса керак, ўша пайтларда «Пастдан юқорига кўтариш» деган шиорга жавобан уни бизга муҳаррир қилиб юборишган эди. У «Крокодил» деёлмасди. «Қарқадил» дерди. Цека деёлмасди, сека дерди. У эрта билан келиб нима иш қилишини билмай зерикар, кабинет эшигини ичидан беркитиб озроқ ухлаб ҳам оларди. Тушликка чиқиб кетганича иш соати тугашига яқин қайтиб келарди. Қайқанда эдингиз, деб сўрасак секада эдим, деб жавоб қиларди. Сизни икки марта цекадан сўрашди, десак, қайси секадан, деб сўрарди.

Фафур Фулом унинг содаллиги тўғрисида ҳар хил латифалар тўқирди. Уни ҳар кўрганда, «Усмон Юсуповнинг олдиларида эдим, столларига «Муштум»ни қўйволиб, тинмай куладилар. Нуқул Жуманиёз Маҳмудов маллес, яхши ишлапти, дейдилар», дерди. Бу гаплардан кейин Маҳмудов яйраб кетарди. Қачон цекада мажлис бўлса, у Усмон Юсупов атрофида гирдиқапалак бўларди. Шундай йиғинларнинг бирида Усмон Юсупов уни олдига чақириб гапга салади. Қараса, «Муштум»га муҳаррир бўладиган ҳоли йўқ. Идеология котибини чақириб, қўйинлар, бу бечорани қийнаманлар, ҳажвчиликни билладиган бирон ёзувчини муҳаррир қилинлар, дейди.

Шу билан муҳарриримиз «Қарқадил» деганича кетди. Қирқинчи йилнинг каттиқ совуқ куни эди. (Саккизинчи декабр бўлса керак). Эрталаб ишга келаётганимда киоскадан газета олдим. Ишга келиб варақласам, «Совет ёзувчисининг қиёфаси ҳақида» деган каттагина редакция мақола чиққан экан. Муқ тушиб ўқий бошладим. Мақолада урилмаган ёзувчи қолмаган эди. Бирини маиший бузук, бирини ижодий саёз, яна бирини ғоясизликда айблаган эди. Айниқса ёш шоирлар ғоявий саёз, сиёсий жиҳатдан бугунги кунга хизмат қилмайдиган ночор, ҳатто зарарли асарлар ёзмокдадир. Фафур Фуломдек катта ёзувчилар уларга йўл-йўриқ кўрсатиш ўрнига ўзлари маишатга берилиб кетдилар. Фафур Фулом кўп вақтлардан бери жиддий бир асар яратмади. Ичкилик билан, маишат билан овора, деб савалаган эди.

Мақоладан ўттиз еттинчи йилнинг қўланса хиди бурқиб турарди. Фафур Фуломнинг кейинги пайтларда ҳар қачонгидан ҳам фаол ижод қилганини ҳамма, ҳатто шу газета ўқувчилари ҳам яхши билишади-ку. («Қизил

Ўзбекистон» газетасининг 1940 йил 8 декабр сонини тополмадим. Мақола мазмунини хотиримда тиклашга ҳаракат қилдим). Ана шуларни ўйлаб ўтирган эдим, эшик очилиб асабий бир ҳолда Фафур Фулом кириб келди. У маъсул котиб столидаги ойна тагига бостириб қўйилган телефонлар рўйхатини кузатди-да, трубкани кўтариб қаёққадир телефон қилди. У тарафда трубкани кўтаришганидан кейин ҳар бир сўзини силтаб-силтаб гапира бошлади.

— Менга қара. Ҳикоя ёздинг, эплолмадинг, пьеса ёздинг, шарманда бўлдинг. Илм қиламан деддинг, чоғинг келмади. Энди ниначининг ишини қилмоқчимисан? Библия қўй, мен темирчиман. Ниначининг минг ургани — темирчининг бир ургани. Сен ҳали менинг совунимга кир ювмабсан. Сен билан ўша, ўзинг ишлайдиган катта идорада гаплашаман...

У трубкани шарақлатиб ташлаб, чиқиб кетди.

Фафур Фуломни ҳеч вақт бундай аҳволда кўрмагандим. Уни ҳамиша кулиб, кулдириб юрадиган қувноқ одам деб билардим. Демак, унинг қувноқлиги қай даражада бўлса ғазаби ҳам ўшандоқ баланд даражада эканига беихтиёр гувоҳ бўлиб қолдим.

Фафур аканинг ҳозир гаплашгани қандоқ одам бўлди экан, деб ўйладим. Бу сир эртасига маълум бўлди. Фафур Фулом уйига бориб, кейинги икки-уч йилда ёзган асарлари ва таржималарининг қўлёзмасини иккита қийиқчага тугиб, тепасига сиёҳдон билан ручкасини қўйиб, собиқ Марказий комитетга олиб борган, кўпдан унинг живига тегиб юрадиган Сотти Ҳусайннинг столига қўйган.

— Бўлди, ёзувчиликни ташладим. Адабиёт сенга ўхшаган талантсизларга қолди. Энди сен ёз. Мана ручкам, мана сиёҳдоним...

У бошқа гап айтмай чиқиб кетган.

Одамлар бу воқеанинг ёнига қўшиб, чатиб, болалатиб тарқатиб юборган эдилар. Бу гап биринчи котиб Усмон Юсуповнинг ҳам қулоғига етган. У Сотти Ҳусайнни чақириб унга танбех берган:

— Қаерда ишлаётганингни биласанми? Марказқўм ходими бундай тухмат гапларни ёзиши мумкинми? Гижинглама, суриштирдим, мақолани ўзинг ёзган экансан. Сен бизларга ҳам, партияга ҳам доғ туширяпсан. Ҳозир бориб Фафурдан узр сўра. Фафурни оқламоқчи эмасман, бунақа енгиллик қилмаслиги керак эди.

Сотти Ҳусайн Фафур Фуломнинг уйига бориб узр сўраб қўл узатади. Фафур ака унинг қўлини олмайди. Буёқ-

қа кир ҳам демайди. Эшикни қарсиллатиб бетига ёпиб кириб кетади.

Ўша йиллари Усмон Носир кетидан адабиётга кириб келган жуда талантли шоир Султон Жўранинг шеърларини ёшлар талашиб ўқишарди. Айниқса унинг «Бруно» достони машҳур бўлиб кетганди. Кечагина мукофотланган ёзувчилар орасида у ҳам бор эди.

Мукофотга илинмаганлар Фафур Фуломни енголмагандан кейин Султон Жўрага ёпишдилар. Ҳар мажлисда уни тошбўрон қилишар, газеталарда арзимаган баҳоналар билан катта-катта мақолалар бостиришарди.

Ҳужумлардан тинкаси қуриган Султон Жўра ўзини отиб қўяди. Ҳайрият, жароҳати оғир эмас экан, уни даволайдилар.

Барибир ҳужум тўхтамайди. Охири, Султон ўз ихтиёри билан фронтга жўнаб кетади. Бир муддатдан кейин «Султон Жўра қаҳрамонларча ҳалок бўлди» деган хабар келади.

Ана шундан кейингина тушида ҳам орден кўрадиганларнинг овози ўчади.

* * *

Фафур Фулом этагини силкитса кулги тўкиларди. У кирган хонадонда бир ҳовли кулги қоларди. У ҳар бир хонадоннинг кўпдан кутган азиз меҳмони эди. Қаерга борса атрофини ёшу қари ўраб оларди.

У донолар даврасида доно эди. У Бедилни, Ҳофизни, Жомийни севиб ўқирди. Озарбойжон, тожик, туркман, уйғур, козок, татар, қирғиз тилларда бемалол гаплаша оларди.

У жуда ҳозиржавоб одам эди. Душанбедаги бир даврада айтган гапларини ҳалигача қойил қолиб эслайман.

— Сиз мени ўзбек, Турсунзодани тожик деяпсизлар. Тожикнинг оти Турсун бўлса, ўзбекнинг оти Фулом бўлса, унинг тожиклигию менинг ўзбеклигим қаёққа боради. Йўқ, биродарлар биз ҳаммамиз бир халқмиз. Миллий айирмачиликни ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Қаранг, хатто исmlаримиз ҳам айқаш-уйқаш бўлиб кетган-а!

Фафур Фулом ҳар қандай мураккаб ҳолатдан осон йўл топиб чиқиб кета оларди.

Эллик иккинчи йилда Абдулла Қаҳҳорнинг отаси темирчи уста Абдуқаҳҳор вафот қилади. Уста Сангин бошчилигида Тошкентда яшайдиган аштлиқ темирчилар, Абдулла Қаҳҳорнинг ёр-биродарлари, ёзувчи ва журналист-

лар жанозага келишади. Хамманинг хаёлида битта савол айланарди. Жаноза ўқитармикан, ўқитмасмикин?

Замон нозик эди. Аллақанча ёзувчилар қамалган. Қанчаси кўчага чикмай уйида пусиб ётарди. Фафур Фулом Абдулла акани четга чақириб «Нима қиласан, жаноза ўқитасанми?» деб сўради.

— Хайронман. Қандок бўларкин.

— Жаноза ўқитмасанг бўлмас. Отанг мўмин-мусулмон, меҳнатқаш, ҳалол одам эди. Агар ўқитмасанг, бир умр тушларингга киради. Умринг пушаймонларда ўтади.

— Аштга олиб бориб ўша ерда жаноза ўқитиб, қариндошларнинг хилхонасига кўмсақмикин?

— Бўлмаган гапни қўй, — деди Фафур ака, — Тошкент қайдаю Ашт қайда. Мурдани уринтириб нима қиласан. Менга қара, агар отанг, полон жойга пул яшириб қўйганман, жанозамга сарфла, деб васият қилган бўлса айтганини қилармидинг. Албатта, шундай қилардинг. Хозир мен одамларга, уста Абдуқаххор ўлганимда жаноза ўқит, деб васият қилган. Бу гапни уста бобо менинг олдимда айтган, дейман. Гап тамом!

Фафур аканинг шу гапидан кейин ота васияти вожиб, деб жаноза ўқитилган эди.

Шухрат қамалишидан олдин ёзувчилар уюшмаси партия бюросининг аъзолари Зоя Милчакова билан Роговалар унинг уйига бориб ҳовлида ўйнаб юрган боланинг иштонини тушириб қарашган. Суннат қилинганини билиб ҳобор идорага, Шухратнинг ўғли суннат қилинган, деб хабар қилишган. (Милчакова билан Роговалар қама-қама пайтидаги энг ашаддий сотқинлардан эдилар. Абдулла Қаххор Роговани шўро ҳукуматининг онаси, деб атарди.)

Кейинчалик Абдулла Қаххор билан Фафур Фулом ўша воқеани эшлаганда Абдулла ака унга тан бериб, орқангни пайғамбарлар силаган, ҳар қандай мушкул пайтда ҳам ўзингни ўнглай оласан. Самолётдан ташлашса ҳам оёғинг билан тушасан, деганди.

Сотти Хусайн билан иккови ўртасидаги можарони эшлаганда Ойбек домла: «Фафурми, ия, Фафур лўли-ку, лўли. Бировга ўзини талатиб қўймайди. Унга қойил қолиш керак», деганди.

Эллигинчи йилларнинг бошларида Фафур Фуломнинг Башар деган беш яшар ўғли вафот қилади. Фафур ака шу ўғлига сира танбеҳ бермасди. Нима қиламан, деса қилаверарди. Унга ўзининг тенгдош ўртоғидек муомала қиларди. Башар жуда сўқонғич эди. Каттами, кичикми, бўралаб сўқаверарди. Мен Фафур акага, домла, уни бир ури-

шиб қўйинг, ёмон сўкяпти, деганимда, «қўявер, сўкавер-син, ўзим рухсат берганман», деган эди.

Ўшанда устознинг бу гапига хайрон бўлгандим. Нахотки, шундоқ доно, шундоқ обрўли одам болага тарбия бермаса.

Башар айвонда нимадир қилаётган эди. Фафур ака тепасига келиб «нима қияпсан, унақамас, бунақа қил» деди. Бола бошини кўтариб дадасига қаради-да, «Фафур Фулом бўлсанг ўзингга, билдингми, ярамас», деди. Фафур ака тиззаларига уриб қотиб-қотиб кулди.

Бир куни домланинг уйига борсам сўконғич ўғлини койияпти.

— Эй хайрият-е, — дедим. — Унга биринчи марта танбех беришингиз бўлса керак.

— Бунинг сабаби бор. Эртага уйга Усмон Юсупов келмоқчилар. Ўзинг биласан, у киши гавдали, қорин солган одам. Боласи тушмагур у кишини ҳам хў, қорнингга... деб қолмасин. Эртага опасиникига бир кунга обориб қўймоқчиман.

Шу бола вафот қилганда Фафур ака жанозада олдинга ўтиб, қўл қовуштириб турди. Шу куниек алам-изтироб билан шу сатрларни битди:

Осмон тўла юлдузлар,
қани сенинг юлдузинг,
Қани сен ваъда қилган
келажагинг, кундузинг?
Осмон тўла варрақлар,
қани сенинг варрагинг,
Томдан йиқитди сени
ўзингдек шўх юрагинг.
Қўлинг чизикларидан
очар эдим баъзан фол,
Сочинг ўрайларидан
кутар эдим истикбол.
Нахотки бу ниятлар
тўсатдан топди завол.
Осмон тўла юлдузлар,
қани сенинг юлдузинг,
Қани сен ваъда қилган,
келажагинг, кундузинг?
Бизнинг оилада ҳам
бўлиб ўтди киёмат,
Шўрликкина жонингни
сақлаш учун саломат,
Нахотки мен қалб билан
беролмадим ҳарорат,

Осмон тўла варрактлар,
қани сенинг варрагинг,
Томдан йикитди сени
тўпалончи юрагинг.

Маросимлар ўтиб кетган бўлса ҳам Фафур ака ух тортар, мўлт-мўлт кўзёши тўкарди. Ховлининг этагига бориб дастрўмоли билан кўзёшларини артиб келарди.

Шундай кунларнинг бирида Фафур ака менга ёрилди.

— Укагинам, бу бола сўккан пайтларда нега танбех бермайсан, дердинг. Уни уришолмасдим, танбех беролмасдим. Чунки у бу дунёда беш кунлик меҳмон эканини билардим. Шунинг учун майли, сўкаверсин, армонда қолмасин дердим. Бу бола юрак ўйноғи билан туғилган, шунақа дард билан туғилганларнинг тақдири нима бўлишини билардим. Шунинг учун ҳам сафарларда узок юролмасдим. Мен йўғимда болам бир нима бўлиб қолмасин, деб доимо хавотир олардим. Кечалари уйғониб тепасига келардим, кўкрагига қулоғимни қўйиб юрак уришини эшитардим. Мана, ўша, докторлар айтган машъум кун келди.

У гапни тугатмай оҳ уриб юборди. Аттанг, аттанг, дея ховлининг этаги томон кетди. Бироздан кейин кўзлари кизариб қайтиб келди.

* * *

Фафур Фулом табиати равшан пайтларда ҳаддан ташқари қувноқ бўларди. Шеър ҳам, сўз ҳам қўйилиб келаварди. Ёзувчилар уюшмаси ҳиммат қилиб, янги йилга дастурхон ёзди. Фафур ака шифохонада даволанаётган эди. Машинада олдириб келишди. У эшикда кўриниши билан базмга бирдан файз кириб кетди. У ўтирганларга шеър тўқий бошлади.

Ойбек аканинг ёнида кўҳликкина жувон ўтирарди. У аёлга гоҳ чой, гоҳ вино тутарди. Фафур ака кузатиб турган экан, дарров шеър тўқиди:

Андижонда олов ёқсам Ўшда тутун,
Ойбеквойим ўтирипти бағри бутун.
Қўлтиғида иссиққина сулув жонон,
Бир қарашда бўйдоқлардан қочар имон.

Яшин, Воҳид Зоҳидов, Иззат Султонлар ёнма-ён ўтиришарди, бўйларига ишора қилиб Фафур ака уларга ҳам шеър тўқиворди:

Юртимизнинг девлари, давлатлари, совлатлари,
Телпагу қалпоқда ўсган баччажиш авлодлари,
Яшин шеру, Воҳид зўру, Иззат дароз шашқатор,
Иккиси дулдулга минган, биттасида зулфифкор.

Темур Фаттоҳнинг машина авариясида лаби, пешона-
си чандиқ бўлиб қолган, унинг устига бошида сочи ҳам
қолмаганди. Фафур ака галдаги ҳазил шеърни унга ба-
ғишлади:

Давра ахли сўзларимни тинглаганда,
Темур Фаттоҳ шеърин сақлар танглайинда.
Бойнинг ўғли бўлса ҳам шу гапирсин,
Қуёш пардоз қилар унинг манглайинда.

Энди навбат менга келди:

Сайдахмадир ҳам ёзувчи, ҳам ўспирин,
Бўйдоқликда қилар иши шўрин-бурин.
Бурнидане, кўринади Ўринбурун,
Ош келганда қошиқ солар элдан бурун.

(Ўринбурун Русия шаҳри Оренбург. Мутойибаларда
аскияларда уни бурунга киёс қилиб шундай дердилар.)

Эминжон Аббос ёзувчилардан биринчи депутат бўл-
ган. Биринчилардан бўлиб орден олган. Хатто собиқ
Олий совет президиумига котиб ҳам бўлган. Яқинда у
вазифасидан бўшатилиб ўзимиз қатори бўлиб қолганди.
Фафур ака илгарилари ҳам унга ҳазил шеърлар тўқиб
юрарди. У масъул котиб бўлганда, неча йиллардан бери
нашриётда чиқмай ётган китоби уч кунда чиқазилган эди.
Ўшанда Фафур ака шундай деганди:

Уч йилга кесилганни тўрт кунда итоб этма,
Эминжонни ёзганини бир кунда китоб этма.

Фафур ака меҳмонлар орасида Эминжон Аббосни кўр-
дию яна шеър тўқиди:

Эминжонга дунё вафо қилмади,
Трамвай ҳам ўтди, дўстлар хотинсиз.

Ўша куни Фафур ака Абдулла Қаҳҳор, Хомил Ёқубов,
Қуддус Муҳаммадийларга ҳам ҳазил шеърлар тўқиганди.

Озроқ ширакайф бўлиб қолган ёшларга ҳам ҳазил
қилгани эсимда:

Безобразний ўзни тутар ёшларимиз,
Чимрилмакда президиумда қошларимиз...

Бу шеърлар қоғозга туширилмаган. Экспромт тарзида тўқилган эди. Шунинг учун улар сақланмаган. Орадан эллик тўрт йил ўтиб баъзи сатрлари ёдимда қолмапти. Эсимда қолганларини эплаб қоғозга туширдим, холос. (Туроқ ҳамда вазн бузилган жойлари бўлса, айб менда).

Ғафур аканинг девонафеълликлари кўп бўларди. Бировни ногоҳ хафа қилиб қўйса, то узр сўраб кўнглидан чиқариб юбормагунча тинчимасди.

Урушдан олдинги қайсидир йил эди. Икковимиз гап талашиб қолдик. Мен ҳақ эдим. Ғафур ака сира айбини бўйнига олмасди. Баланд келишга ҳаракат қиларди. Мен ҳам бўш келмадим. Охири шу бўлдики, ундоксан, бундоксан, одам бўлмайсан, деб дилимни оғритди. Мен бор-е, дедиму уйимга кетиб қолдим. Саратон иссиғи авжида эди. Бугун уйда маза қилиб ётаман, деб ўйладим. Қўшнимизнинг боласи кириб, сизни кўча бошида Ғафур Фулом кутиб турибди, деб қолди.

Шундоқ одам атайин келган бўлса, бормасам айб бўлади. Кийиниб кўча бошига чиқдим. Ғафур ака машина олдида папирос чекиб турарди.

— Вой тентаг-е, мендан хафа бўлиб ўтирибсанми? Жаҳлим чиқиб турганда кўзимга кўринмасанг, олам гулистон. Бўлди, айда кетдик. Гортга чиқиб маражний еймиз.

Икковимиз машинага чиқдик. Скверда морожний едик. Кейин, вокзалга бордик.

— Менга қара, машинада маза қилдинг. Гуноҳимдан кечдинг-а. Бўпти. Энди уйингга кетавер. Мен Қўйликқа тўйга кетдим. — У шундай дедию мени ташлаб жўнаб қолди.

Боя Ғафур Фулом чақиряпти, деганда шошиб чиқаверган эканман. Пул олишни ҳам унутибман. Энди нима қилдим. Вокзалдан Лабзакка пиёда келиш осонми? Саратон офтоби миядан уриб турипти. Лўкиллаб сквергача келиб, сояда бир оз дам олдим. Ундан кейин Ўрда анхори бўйида озроқ салқинландим. Шайхонтохурда ҳам бир дам хордиқ олиб орқа кўчадан уйга келдим. Келдиму ечинмай ётиб олдим.

Ғафур Фуломнинг узри менга ана шунақа қимматга тушганди.

* * *

Ғафур ака икки нарсадан кўрқарди. Бирини ер қимирлаши, бирини самолётда учиши.

Арманистонда ўзбек адабиёти ўн кунлиги бўлди. Ар-

манлар Фафур акани ниҳоятда сийлашди. То Ереванга боргунимизча унинг шеърларини арман тилида алоҳида китоб қилиб чиқаришган экан. Фафур ака китобни кўлига олиб нотаниш ҳарфларга қараб: «Китобга қайси шеърим кирган, ўқиёлмасам, ҳей менга қара, — деди шоира Силва Капутикянга. — Менга арман қизларидан бирини олиб бер. Умрининг охиригача шу китобни менга таржима қилиб юради. У Ширин бўлади, мен Фарҳод бўламан».

Силвахоним ҳам ҳазилни ўрнига қўяркан. Мариетта Шагинян деган таҳминан тўқсондан ошган машҳур ёзувчи бор эди.

— Бўпти, — деди кулиб. — Мариетта опани Тошкентгача ўзим ёр-ёр айтиб кузатиб қўяман.

Ленинакан билан Кировакан шаҳарлари оралиғидаги даштликда зиёфат тайёрлашган экан. Майшат энди авжига чиққанда узокда сурнай билан чирманда овози эшитилди. Бу овоз борган сари яқинлашарди. Бир маҳал адир ортидан извош кўринди. Уни икки отлик кўриқлаб келарди. Извош олдимизга келиб тўхтади. Ундан Алишер Навоий тушиб, тўппа тўғри Фафур Фуломнинг ёнига келди. Бағрини очиб Фафур акани кучоқлаб олди.

— Жигарим, жигарим Фафур, сени излаб 500 йилдан бери йўл юраман. Мана, ниятимга етдим. Сени топдим, жигарим.

Фафур ака ҳам бўш келмади.

— Устоз, 500 йилдан бери йўлингизга кўз тутаман. Худо дийдорингизни кўришни насиб қилди. Энди армоним қолмади. Табаррук овозингизни эшитдим. Мен учун бундан ортиқ бахт йўқ.

Шундан кейин Навоий билан Фафур Фулом апоқ-чапоқ бўлиб битта шишани бўшатишди.

Ереван аэропортида самолётга чиқиш олдидан арман дўстларимиз уч юлдузли, беш юлдузли коньякларни дарёдек оқишишди.

Самолётда кайф билан ҳар хил латифаларни айтиб одамларни кулдириб келяпман. Фафур ака жимгина ўтирипти. Стюардессага жовдираб қараб қўяди. Одамларнинг кулиши жонига тегдими, менинг махмаданалигимдан энсаси қотдими, чайқала-чайқала менга яқин келди.

— Ҳой, Додахўжа дўманинг невараси, бачканаликни йиғиштир. Биласанми, икки йўлнинг ўртасида кетяпмиз. Жимгина ичингда дуо ўқиб ўтир. Бир томонинг Каспий денгизи, бир томонинг Эрон, ўртада адоғи йўқ тоғлар. Бирон фалокат бўлса, жавраганингча кетасан.

Олдимдаги ўриндикда ўтирган Абдулла Қаҳҳор кулди.

— Кўрқяпсан-а, Гофир, мунча жонинг ширин бўлма-са, — деди. — Кўркма, бу жуда пишиқ самолёт.

— Тўғри, кўрқяпман. Нима, сен кўркмайсанми?

Самолёт Тошкент аэропортига келиб кўнгунча Фафур ака ўрнидан турмади. Ёш боладек мўлтираб ўтираверди.

Ёзувчилар уюшмаси биносининг иккинчи қаватдаги залида қандайдир мажлис бўлаётган эди. Бирдан ер қимирлаб қолди. Ҳамма ўз жойида ўтирибди. Аммо Фафур ака ўқдек отилиб, ташқарига чиқиб кетди. Зиналардан ниҳоятда эпчиллик билан тушиб уюшма ҳовлисидаги кекса эманни кучоклаганча ранги қув ўчиб дуо ўқирди. У қайтиб мажлисга кирмади. Бола-чақаларидан хабар олгани уйига кетиб қолди.

Қуддус Муҳаммадийнинг одатларини Фафур ака яхши биларди. Қуддус ака самолётда учмасди. Ер босиб қолади, деб метрога тушмасди. Лифтдан ниҳоятда кўрқарди. Ўн қаватли иморатларга ҳам зинадан пилдираб чиқиб кетаверарди.

Фафур акага Қуддус Муҳаммадийнинг метрога тушмаётганини айтган эдик, уни менга қўйиб беринглар, метрога ўзим олиб тушаман, деб қолди.

— Йўқ, эплаёлмайсиз, — дедик унга.

Фафур ака агар уни метрога олиб тушолмаса бизга икки шиша коньяк олиб берадиган бўлди.

Москвада бўлаётган ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлиги қатнашчиларининг кўпчилиги «Украина» меҳмонхонасига жойлашган эди. Икки кундан буён Адабиётчилар уйида ўзбек адиблари ва шоирларининг асарлари муҳокама қилинаётган эди. Меҳмонхонанинг биринчи қаватидаги кенг залда тўпланиб турибмиз. Биз Қуддус акани кутяпмиз. Ундан ҳамон дарак йўқ. Тоқати тоқ бўлган Фафур ака Ваҳоб Рўзиматовга:

— Чақириб тушақол. Балки хали ҳам ухлаб ётгандир, — деди.

— Хотиржам бўлинг, Қуддус ака лифтда тушмайди. Ўн бешинчи қаватдан зинада тушиш осонмас. Ҳозир тушиб қолади, — деди Ваҳобжон.

Унинг айтгани рост чиқди. Сал вақт ўтмай Қуддус ака пастга тушди. Кечикканига узр сўради.

Йўлга тушдик. Қор бўралаб уриб турипти. Фафур ака Қуддус Муҳаммадийни қўлтиқлаб олган. Метро станциясининг дарвозаси олдига келганимизда Қуддус ака тўхтади.

— Сизлар кетаверинглар, мен бир оздан кейин бораман.

— Нега? — деди Ғафур ака.
— Магазинга кириб ўғлимга шим олишим керак.
— Қизикмисан, Қуддус? Ёзувчилар уюшмасида шим кўлтиқлаб юрасанми? Қайтишда оласан. Мен болаларнинг ҳаммасига шим олганман. Ортиқчаси ҳам бор. Биттасини сенга теппа-текинга бераман. Қани, кетдик, — деди Ғафур ака уни юришга кистаб.

— Ўзимга ҳам битта жун пайпоқ олишим керак, оёғимдан совуқ ўтяпти.

— Менга қара, сенга қанча пайпоқ керак? Кеча тўртта пайпоқ олганман. Биттасини сенга берганим бўлсин.

Қуддус ака домланинг бу хил меҳрибончилигидан сал шубҳаланиб турарди. Бу меҳрибончиликлар бекорга эмасдир-ов, — деб дилидан ўтказарди.

Ғафур ака унинг кўлидан тортиб судради. Биз орқасидан итардик, аммо жойидан жилдириб бўлмади.

— Тихирлик қилма, муҳокамага кечикамиз.

— Э, нима қиласиз, домла. Мен метрога тушмайман. Бола-чақам бор, мусофирликда бегона шаҳарда тупрок тагида қолиб ўлиб кетишни истамайман.

Ғафур ака сиёсий томондан хужумга ўтди.

— Ия, «жаҳон пролетариатининг орзу-умидларини бағрига жо қилган жонажон пойтахтимиз буюк Москва» сизга бегона шаҳар бўлиб қолдими? Сиёсий хато қилаётганингни билиясанми?

— Йўқ, гапни уёққа бурманг-да...

— Жон дўстим, ҳеч бўлмаса ўзи юрадиган зинасига оёғингнинг учини тегизиб қўй. Йўқ, дема. Қасам ичиб қўйганман, Қуддусни метрога олиб тушолмасам палон бўлай, деб оғзимга сўз олиб қўйганман.

Уни итар-итар қилиб ичкарига киритмоқчи бўлдик. Қани энди жойидан жилдириб бўлса. У бир силтаниб кўлимиздан чиқди-кетди. Оломон орасида ғойиб бўлди.

— Қани, домла, ютқаздингиз, коньяк олиб беринг, — дедик, қолибона бир оҳангда.

Ғафур ака яна сиёсатни ўртага солди.

— Москва қанақа шаҳарлигини биласанларми? Бу кўчаларда «улуғ дохиймиз Владимир Ильичнинг, онахонимиз Надежда Крупскаянинг муборак излари қолган». Бу кўчаларда Пушкин юрган, Гогол юрган... Шундоқ табаррук жойларда ичкилик ичиб юришга уялмайсанларми? Тошкентга борганда захри-маргингга ичарсанлар, — деб коньякни нася қилди.

Муҳокамадан қайтиб келсак, Қуддус ака Ғафур Ғулломнинг эшиги олдида бўғирсоқ еб турипти.

Қуддус Муҳаммадий ошхоналарда овқатланмасди. Чўчка гўшти пиширилган қозондан овқат емайман, деб уйдан бўғирсок, толқон, қовурилган гўшт олиб келарди.

— Эшигимнинг тагида нима қилиб турибсан? — деди Фафур ака.

— Проводник қўшнимизни кўриб қолдим. Шундан болаларга у-бу бериб юбормоқчиман. Боя шим билан пайпоқ бераман дегандингиз. Ўшаларни берсангиз, уйга жўнатиб юборардим.

Унинг гапи оғзида қолди. Фафур ака бошмалдоғини иккинчи, учинчи бармоқлари орасидан чиқариб кўрсатди.

— Мана шим, мана пайпоқ!..

Роса кулги бўлди. Қуддус аканинг ўзи ҳам кулиб юборди.

Ун кунлик дастурида атоқли ўзбек адиблари билан китобхонларнинг учрашувлари режалаштирилган эди. Абдулла Қаҳҳор билан Салтиков-Шедрин номидаги кутубхонада, Фафур Фулом билан политехника музейида учрашув бўлиши керак.

Учрашувга қуруқ бормаи, деб Фафур Фулом янги шеър ёзди. Шеър чинакамига ўзбекона шеър бўлганди. Сарлавҳасиданок уни ўзбек шоири ёзгани билиниб турарди. Унда шундай сатрлар бор эди:

Фафур Фулом кимлигини биласиз,
Адресимдир Ўзбекистон шубҳасиз.
Қисталанг гап, бизниқига келасиз,
Ташриф этиб мени хурсанд қиласиз.
Бахт уйда тунаб ўтинг, дўстларим.
Олам билар Фурқат кўча йўли бор,
Беруний майдони, ёшлар кўли бор.
Муқимий биносин худди сўли бор,
Кўрсатувчи милиционер кўли бор.
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим.

Фафур ака шеър ёзганда тингловчига қандай таъсир қилишини билиш учун қай маҳал бўлишидан қатъий назар, кимнидир топиб, ўқиб берадиган одати бор эди. Вақт алламаҳал бўлган. Мехмонхонада ҳамма ухляпти. Қаватлардаги навбатчилар ўзбекчани тушунмайди. У ўйлаб, ўйлаб камуйқуроқ шогирдларидан бирини топмоқчи бўлди. Лоп этиб хаёлига Лазиз Қаюмов келди. У шеърга тушунади. Ундан ташқари ўрисчага уста. Шеърни сўзма-сўз ўрисчалаб бериши мумкин. У Лазизхоннинг хонасига телефон қила бошлади. Анча вақтгача трубкани ҳеч ким олмади. Узоқ гудокдан кейин Лазизхоннинг уйқули овози эшитилди.

— Ухлаётганмидинг? Мен Фафур акангман. Бетингни «азиз пойтахтимизнинг пок ва муздек суви»да яхшилаб ювиб, олдимга чиқ. Шеър турдим, ўзинг йўргаклаб ол.

У шундай деб трубкани жойига қўйди. Уйғониб кетган Мухаррам опа:

— Бола бечоранинг уйқусини буздингиз-да! — деди норози оҳангда.

— Академик Фафур Фулом ухламасину, фан кандидати Лазиз Қаюмов ухласинми? Бунақа номардликка чидаб бўладими? Дастурхон тузатинг, қазилардан кесиб қўйинг, ўзим Бухородан олиб келган пашмаклардан қўйинг...

Сал ўтмай эшик тақиллади. Фафур ака эшик очаркан, соф тошкентча қилиб, «Окагинанг айлансин, бир девонафеъл окангни кечириб қўясан-да, бир эркалик қилдим», — деди.

Лазизхоннинг уйқуси қочган, янги узилган бодирингдек эди.

Фафур ака унга кўп лаганбардорликлар қилгандан кейин шеърни кўрсатди.

— Ўқиб берайми, ё ўзинг ўқийсанми? Ке, ўзим ўқиб берақолай.

У кўзойнагини тақмай тик турганча ўқий бошлади. Ўқиб туриб, шеър қандай таъсир қилаётганини билиш учун унга қараб-қараб қўярди.

— Қалай, бошлабманми? Фафуровский шеър бўптими? Тўғриси айт, унчалик яхши чиқмаган бўлса, бировга кўрсатмай қўя қолайлик.

— Эй, нима деб ўтирибсиз. Жуда зўр. Энг яхши шеърларингиз қаторига киради. Жуда ўзбекона бўпти. Ўқувчининг юрагига жаз этиб ёпишади.

— Менга қара, укам, текинга шеър ўқиб кетаман, деб ўйлама. Шу шеърни ўрисчага сўзма сўз ағдариб берасан. Эрталабгача сен ҳам ухламайсан, мен ҳам. Анаву патирлардан, қазилардан еб қорнингни тўйдириб ол. Қорнинг тўқ бўлса, калланг яхши ишлайди.

Хуллас, бу кеча шоир ҳам ухламади, шогирд ҳам. Тонг ёришмай туриб таржима тайёр бўлди.

— Энди сен хонанга чиқиб бирпас мизғиб ол. Соат тўққизларда ўзим уйғотаман.

Лазизхон чиқиб кетди. Синкага солинган докадек бўлиб тонг ёришиб келаётган эди. Барибир Фафур ака ухлаёлмади. Кийиниб, пастга тушиб кетди. Жимжит, сокин шаҳар ҳавосидан нафас олиб, меҳмонхона атрофида айланиб юрди.

Политехника музейидаги учрашувда атоқли рус шоири Сергей Василев китобхонларга бу шеърни ўз таржима-сида ўқиб берди.

Шундай қилиб, «Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим» шеъри ҳали ўзбекчаси босилмай туриб, рус китобхонлари ҳукмига ҳавола қилинган эди.

* * *

Фафур аканинг шогирд танлашда ўзига хос усуллари бўларди.

Ёшларнинг газета ва журналларда босилган шеърларини диққат билан ўқирди. Ўз таъбири билан айтганда, бокса одам бўладиганларини уйга чакириб шеър ўқитиб кўрар, гапга солиб, билими, одоби, юриш-туриши, фахм-фаросати қанақа, обдон кузатарди. Дидига ўтириб қолганларини сафарга ўзи билан олиб кетарди. Қайтиб келгандан кейин у билан борди-келди қилмай қўйдими, билингики, нимасидир ёқмаган ёки адабиёт юқини кўтаришга чоғи келмайди. Мабодо, маъқул бўлган бўлса, у билан ота-бола бўлиб кетарди.

Биз тенги шогирдларнинг ҳаммаси шу имтиҳондан ўтган. Ҳамид Фулом, Шухрат, Туроб Тўла, Ваҳоб Рўзиматов ва мен у билан кўп сафарларга бориб, унга бир умр боғланиб қолган эдик.

Кейинги пайтларда у янгигина пайдо бўлган Эркин Воҳидовни кўп гапирадиган бўлиб қолганди. Эркиннинг аруздаги муваффақиятлари уни қувонтирарди.

— Биласанми, бу бола мудраган арузни уйғотиб юборди. Ивирсиқ шоирлар арузни адоий тамом қилган эдилар. Аруз баайни пати юлинган товук бўлиб қолганди. Эркин уни араб, форс сўзларидан тозалапти. Соф ўзбек ғазалини яратяпти. Яқинда бир папка ғазалларини олиб келди. Жуда чиройли, маъноли, маҳорат билан ёзилган ғазаллари кўп экан. Бу боланинг ёзган нарсаларини эълон қилишга шошилмаслиги менга маъқул бўлди. Олиб келган ғазалларининг кўпи бир-икки йил олдин ёзилган. Ҳалигача қайта-қайта ишлаб, тузатиб, яна ташлаб қўйяпти.

Дўст билан обод уйинг,
Гар бўлса у вайрона ҳам.
Дўст қадам қўймас эса,
Вайронадир кошоно ҳам.
Интизор ҳар уй қадрдон
Дилкушолар базмига,
Гар оёқ қўйса қабоҳат
Йиғлагай остона ҳам...

...Дўст кидир, дўст топ жаҳонда,
Дўст юз минг бўлса оз,
Кўп эрур бисёр душман
Бўлса у бир дона ҳам.
...Дўсти содик йўқ экан, деб
Ўртаниб куйма ва лек,
Меҳр уйин кенг очсанг, Эркин,
Дўст бўлур бегона ҳам.

Буни қара, қайта-қайта тузатилган бу ғазалда биронта араб, биронта форс сўзи йўқ. Манави шеърни тўрт йил олдин ёзган. Халигача бирон жойда босилмаган.

Барг остидан мулойим
Бокқан иболи ғунча,
Не сирни сақлагайсан,
Бағринг нечун тугунча?
Пинҳон сиринг баён эт,
Кўксингни қилма кўп қон,
Бу ёки ишқ аталган
Бизга аён тушунча?
Севмоқ уят эмасдир,
Хар кимда бор бу савдо,
Қўй, кўп қизарма, ғунча,
Бошингни эгма бунча...

Мана шу ғазаллар дафтар қатида ётибди. Қачон бос-тирасан, десам, яна озроқ туратурсин, дейди. Мана буни чинакам шоир деса бўлади. Шу болага ихлосим ошиб кетди. Биласанми, Эркин шеърятда тақлид давридан сакраб ўтиб кетди. Навойга ҳам, Бобурга ҳам, Машрабга ҳам тақлид қилмади. Уларга асир бўлиб қолмади ҳам. Ўша мумтоз шоирларнинг шеър санъати сирларини ўрганди. Ўрганганда ҳам қайта-қайта ўрганди. Ниҳоят ўз йўлини топди. Шеър ҳам куй, ҳам фикр, ҳам суврат, ҳам туйғу. У йиғи, у фарёд, у қувонч, у нур...

Ғафур ака тўлиб-тошиб гапирарди.

— Домла, бу гапларингиз оғзаки мақола бўлиб кетди-ку. Қоғозга тушириб қўяқолмайсизми?

— Сен ёз, мана тайёр фикр!

Бир куни Ғафур аканикига борсам, айвонда чамадонига тирсагини қўйиб, ўй ўйлаб ўтирибди.

— Йўл бўлсин, устоз? — дедим чамадонга ишора қилиб.

— Тожикча гаплашишни совиниб қолдим. Душанбега бориб тожик оғайниларим билан кужо-кужо, қилиб келай. Унинг оғайниларим, дегани Боки Раҳимзода, Турсун-

зода, Жалол Икромий, Улуғзодалар эди. Улар Фафур аканинг иззатини ўрнига қўяр эдилар. У дўстлари билан фақат тожикча гаплашарди. Сафардан қайтиб келганда ҳам Тошкентдалигини унутиб бизга ҳам тожикча гапириб юборарди.

— Бир ўзингиз кетяпсизми?

— Йўк, Эркинни олиб кетяпман. Унга машина юбордим, ҳозир келади. Тожикистондаги аруз усталари билан бир ҳамсухбат бўлсин.

Фафур ака Душанбедан Эркинга бўлган бир ҳурмати ўн ҳурмат бўлиб қайтиб келди. Умрининг охиригача унга раҳнамолик қилди.

1966 йили апрел ойининг охирлари эди. Фафур ака билан радиокомитет ҳовлисида учрашиб қолдим. Адабий драматик редакция унинг ўз овозида шеърларини лентага тушириб олиш учун чақирган экан. Ҳали озроқ вақт борлиги учун бемалол гаплашиб қолдик.

— Халфа бир болани мактаб қолди. (Абдулла Қаҳҳорни тенгдошлари Халфа деб аташарди.) Қашқадарёлик студент экан. Танийсанми?

— Танийман, — дедим.

— Шу болани бизникига олиб кел. Бир гаплашай. Халфа шеърни жуда нозик тушунади. Бекорга мактамагандир.

Фафур акага бу бола билан учрашиш насиб қилмади. Мана шу суҳбатимиздан икки кун ўтиб Тошкентда кучли зилзила бўлди.

Ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб қолди.

Фафур Фулом олам гулга бурканган, булбуллар чахчахи авжига чиққан баҳор куни оламдан ўтди.

Бир дам гулларнинг чиройи ўчгандек, бир дам булбулларнинг овози тингандек бўлди.

Устоз шоир юз минглаб ихлосмандларини, минглаб шогирдларини доғда қолдириб кетди.

Пушкин ўлганда рус шеърятининг қуёши ботди, деганларга жавоб ўлароқ ўша куни Лермонтов шеърят дунёсига келганди.

Фафур Фуломнинг мотами куни устознинг ўзидек оташин бир шоир пайдо бўлди. У даврага чиқиб алам, фарёд билан шеър ўқиди:

Сўқир, ёвуз ўлим, минг дод дастингдан,
Зулматдай кирдингми, шеър майдонига.
Ажал, сен найзангни санчдингми чиндан
Ўзбек шеърятин паҳлавонига.

Олис фазоларга кетган ҳам қайтар,
Ботувчи қуёш ҳам чиқар билмай ҳад.
Наҳот она халқим алвидо айтар
Бугун Ғафур Ғулом бошида абад?
Дардли мусиқалар, ингрангиз бир бор,
Ўзинг ҳам йиғла, эй дилда қотган ғам,
Ёруғ бу оламда бормикан, ахир
Шоир ўлимидан ортиқрок мотам!..

Бу Ғафур Ғулом орзу қилган ва лекин суҳбати насиб қилмаган ёш Абдулла Орипов эди.

Қаранг, нақадар буюк ўхшашлик. Пушкин оламдан ўтган куни Лермонтов, Ғафур Ғулом кўз юмган куни Абдулла Орипов шеърятга кириб келди ва шеърят занжирига битта олтин ҳалқа бўлиб уланди.

1996 йил, декабрь.



ЕЛКАСИНИ ҲАҚИҚАТ СИЛАГАН ИЖОДКОР

I

Бундан эллик йил олдин энди ўн олти ёшга кирган ғўр бола эдим. Ҳар куни бир касб танлардим. Артист бўлсаммикин, деб Ҳамза театрининг остонасида кунни кеч қилардим, рассом бўлсаммикин, деб Ҳамдамий деган машхур рассомнинг устахонасини супуриб, ҳар хил сувраглар чизардим. Рассомлар мактабига кириб, бирон йил ўқиб ҳам кўрдим. Кал Одил деган фотографага шогирд тушиб хизматини қилдим. Доктор бўлсаммикин, деб медтехникумда озроқ таълим олдим. Қурилиш техникумига қатнадим. Солиҳ дарбознинг арқонларини судраб юрдим. Бу ҳам етмагандек, Карим қизиққа тақлид қиламан, деб бетимга минг хил бўёқлар суртдим.

Қайси касбни танламай, сал кунда ундан кўнглим совиб, бошқа касб пайига тушардим.

1936 йили қўлимга Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоялар китоби тушиб қолди. Ўқиб кўрдим... Яна ўқидим. Ўқийвердим. Бирдан ёзувчи бўлиш ҳаваси дилимга тушди. Ёзиб кўрдим. Сира ҳикояга ўхшатолмадим. Э, бу ҳам бўлмади, деб қаламни улоқтирдим. Эртасига яна ёзувчи бўлгим келаверди. Яна ёздим. Яна бўлмади, индинига яна ёзувчи бўлгим келди. Бу галги қарорим катъийроққа ўхшарди. Кечаси ҳам, кундузи ҳам ёзавердим. Беш-ўн кун машқ қилгандан кейин, энди ёзувчи бўлдим деб, «Ишқивоз» деган ҳикоямни қўлтиқлаб «Муштум» журнали редакциясига бордим. Ўша пайтларда жуда машхур бўлган фельетончи Комил Алиев журналда ишлар экан. Ҳикоямни ўқиб туриб, тез-тез менга қараб қўярди. Охири ўқиб бўлгандан кейин папирос тутатиб, тутунини осмонга пуфлади-да, менга синовчан тикилиб қолди.

— Агар манави иккита журнални Фафурнинг уйига обориб берсанг, ҳикоянгни яхшилаб тузатиб бераман, — деди.

Фафур Фуломнинг шеър ва ҳикояларини ўқиган эдим. Хўп дейиш ўрнига, Абдулла Қаҳҳорга обориб берадиган

нарсангиз йўқми, деб юборганимни ўзим ҳам билмай қолибман.

— Журналнинг бу сонида Абдулланинг нарсаси йўқ. Фафурники бор. Оборасанми?

Мен хўп дедиму, иккита журнални қўлтиқлаб йўлга тушдим. Фафур Фуломнинг уйи қайдалигини биламан. Икки марта орқасидан эргашиб, қорама-қора юриб уйига-ча боргандим.

Фафур Фулом уйда экан. Деворга тираб қўйилган велосипедга қараб ниманидир ўйлаб турарди. Нима учун келганимни, ким юборганини айтдим-да, иккита «Муштум»ни қўлига бердим. Йўлда кетаётганимда журнални варақлаб кўргандим. Унда Фафур Фуломнинг «Довди-раш» деган қиссасининг бошланиши босилган эди. У қўлимдан журнални олди-ю шошиб кўзойнагини тақаркан:

— Ҳой бола, филдиракка қиттайгина ел уриб юбор, — дея супа даханига ўтириб ўқишга тушди. То филдиракка ел бергунимча терлаб кетдим.

— Комил ака давомини бериб юборсин, деб тайинлаган эдилар. Жуда зарур экан, — дедим юзимдан терни артарканман.

— Э, шунақа демайсанми, — деди Фафур ака ва жадал уйга кириб, арабча ҳарфда чиройли қилиб ёзилган тўрт-беш саҳифани буклаб қўлимга берди.

— Йўқотиб қўймайсанми? Эҳтиёт бўл, бола!

Қўлёмани олдим у орқага қайтдим. Трамвайда, бир чеккада ўтириб, қўлёмани ўқий бошладим. Жуда қизиқ экан. Афсуски, бошида нима бўлишини билмас эдим.

Келсам, Комил Алиев ҳикоямни таҳрир қилиб, машинкадан чиқазиб қўйган экан. Ё тавба, ҳақиқатан ҳам шунақами ё севинганимдан шунақа туйилдим, ҳикоям Абдулла Қаҳҳорникидан ҳам, Фафур Фуломникидан ҳам зўр чиқибди.

Орадан йигирма кунлар ўтиб, журналда бир бет бўлиб ҳикоям чиқди. Киоскадан беш нусха сотиб олдим. Ўртоқларимга тарқатиб, яна бешта олдим. Эртасига яна олдим. Сочларимни «поправка» қилиб, галстук тақиб, кечаси билан тўшак тагига бостирилган шимни кийиб кўчага чиқдим. Назаримда, ҳамма, ана, ёзувчи келяпти, деётганга ўхшарди. Юрганда оёғим ерга тегмаётгандек. Гапларим ҳам ғалати. Биров билан гаплашганимда ҳар бир сўзнинг охирига «нинг» қўшиб гапирман. Масалан, «Овқатнинг едингизми?», «Товуқнинг ҳайданг», «Газитнинг ўқинг»

деб гапира бошладим. Биров кулади, биров шунақа бўлса керак, деб эътибор бермайди. Илхомим жўш уриб, ҳар куни биттадан ҳикоя ёзаман. Журналдаги ҳикоямни бошқа редакциядагилар ҳам ўқишган экан, оборган нарсамни тўхтатмай босадиган бўлиб қолишди. «Ёш ленинчи»да «Дайди ошиқ», «Чарлстон», «Муштум»да «Севинчи» деган ҳикояларим босилди. Бир-икки ой ичида китоб қилса бўладиган ҳикоя йиғилиб қолди. Тўплаб нашриётга обордим. Ўша пайтда нашриётда китоб чиқариш имкони бор экан. Уч ой деганда «Тортиқ» деган китобим босилиб чиқди.

Ёзувчилар союзи атрофида ўралашадиган бўлиб қолдим. Одамлар билан: «ёзувчи Саид Аҳмад» деб кўришаман. Тошкентда нечта китоб дўкони бўлса, ҳаммасидан беш-ўнтадан сотиб олавердим. Тарқатдим. Ўзимдагилар эскиб қолаётгандек, яна янгисини олардим. Шундай қилиб, учиб-қўниб бирон йилни ўтказдим. Бирданига бошимга чақмоқ урилгандек гангиб қолдим. «Ўзбекистон адабиёт ва санъати» журналида китобим тўғрисида Абдулла Қаҳҳорнинг мақоласи босилибди. Ўқиб, кўзларим тиниб кетди! Бошим айланиб, ўтириб қолдим.

Абдулла Қаҳҳор китобдаги биронта ҳикояни кўнгил учун ҳам дуруст демаган. Ҳаммасини бракка чиқарган. Кошки эди, айтадиган гапларини илиқ-иссиқ қилиб айтган бўлса, ачитиб-ачитиб айтган.

Ҳозирги савиям билан ўқисам, у кишининг айтган гаплари юз фоиз ҳақ эканига тан берардим. Аммо мен ўша пайтларда ғирт гўдак «ёзувчи» эдим. Адабиёт-ҳақидаги илмим Фафур Фуломнинг тўртта, Абдулла Қаҳҳорнинг олтита ҳикояси берган илм эди. На роман ўқиганман, на адабиёт назариясини биламан. Қизиқ бир воқеани олиб, охирида қизиқ қилиб тугатсам ҳикоя бўлади, деб ўйлардим. Мақолани ўқиганимдан кейин ҳар хил ўйларга бордим. «Абдулла Қаҳҳор мени кўролмайди: ўзидан ўтиб кетишимни хохламаяпти, икки кўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас», деб шуни айтишади-да, деб ўйладим.

Нашриёт кассасидан пул олгани борган эдим. Абдулла Қаҳҳор ҳам журналдаги ўша мақоласига пул олаётган экан, аччиқ-аччиқ гапириб бир аламдан чиқайми, деб ўйладим.

— Домла, — дедим. — Ўша мақолага неча пул беришти? Ўзимга айтсангиз кўпроқ берардим-ку, — дедим.

Абдулла ака менга бошдан-оёқ қараб чиқди, нимадир демоқчи бўлиб ўйланиб қолди, кейин индамай кетаверди.

Унинг жавоб бермаганидан икки маъно англадим. У ё «нодон» деди, ё «шу эси йўқ бола билан таллашиб ўтирамми, садқайи гапим» дегандек эди.

Бир йилга яқин ҳеч нарса ёзолмадим. Қўлимга қалам олишим билан кўзимга домланинг чимирилган қоши кўринаверади. Шундай алам ўтгандики, сира-сира чидаёлмадим. Ҳатто, бирон мажлисда битта-яримта ҳикоясини танкид қилсаммикан, деб ҳам ўйладим. Аммо нима деб танкид қиламан? Бунга қанақа асос топаман? Домла икки ямлаб бир ютиб қўяди-ку.

Ўша кезлари домлани жинимдан ҳам ёмон кўрардим. Илгарилари бўлар-бўлмасга атрофида ўралашавериб, кунига етти-саккиз марта салом берардим. Энди рўпара келганда салом бермай, индамай без бўлиб ўтиб кетавераман. Менинг бу қилигимга Абдулла ака мийиғида кулибгина қўя қолади.

Профессор Муҳаммаджон Ўрозбоев бизга почча бўларди. Унинг тўйида Абдулла ака билан учрашиб қолдим. Домла кўк чой ичар экан. Менга чой буюрган эди, суюқ қилиб памилчой дамлаб келдим. Атайин шундай қилганимни домла сизди. Бошқа одамга айтиб, кўк чой дамлатиб ича бошлади.

Абдулла ака менинг гўдакларча жириллашимга эътибор бериб юрган экан. Ўша тўй кунини ёнига чақириб насиҳат қилди.

— Сиз фалати одам экансиз-ку. Шу билим, шу савия билан ёзувчи бўламан деб юрибсизми? Биронта роман ўқимай, адабиёт назариясини мутлақо билмай, атрофда бўлаётган воқеаларни таҳлил қилмай ёзувчи бўлмоқчимисиз? Ўқинг, кўп ўқинг. Чеховни ўқинг, Мопассанни ўқинг, Шchedринни ўқинг. Русча биласизми? Ана, билмайсиз. Маълумотингиз ҳам ўрта экан. Шеърда бахши бўлиб ўрға маълумот билан кун кўрса бўлар-ку, аммо прозада бахшилик кетмайди. Ҳатто кўчалардаги вивескаларни, кино афишаларини ўқиб русчани ўрганса бўлади. Майли, ёзинг. Аммо ўйлаб ёзинг. Ёзганларингизни менга опкелинг. Ўқиб, қўлимдан келганча тушунтириб бераман.

Ўша кундан бошлаб икковимиз яқинлашиб қолдик. Нимаики ёзсам, олиб бораман. Домла, бўлмайди, деб қайтариб беради. Етти-саккиз марта шундай қилгандан кейин домладан ҳафсалам пир бўлди. Бўлмайди, деб қайтиб берган ҳамма ҳикояларни уёқ-буёғини сал-пал тузатиб, газеталарга чиқаравердим. Ҳаммага ёқади. Аммо домлага ёқмайди.

Абдулла аканинг ўзи ўша кезларда ниҳоятда гўзал ҳикоялар ёзарди. Ўқиб қойил қолардим. Қандоқ қилсам ўшанақа ҳикоя ёзаман, деб ўйлардим. Чеховнинг ҳамма китобларини йиғиб келдим. Хижжалаб ўқидим, барибир ҳеч нарсага тушунмадим. Русча билмагандан кейин нима-сига ҳам тушунардим.

Қирқинчи йилларнинг бошида Абдулла Қаҳҳор Чехов ҳикояларини таржима қила бошлади. Пеш чиққанини пеш ўқийман. Ҳикоя қанақа бўлишини ўшанда билганман. Аммо меники сира уникага ўхшамасди. Чехов таъсирини ё кўп ўйлаганиданми, бир зўр ҳикоя ёздим. Очиғини айтсам, жумлаларини ниҳоятда чийратма қилиб юбордим. Персонаж тили худди ўзига мос, табиат манзаралари ҳам аниқ, қаҳрамон худди олдингизда тургандек.

Абдулла Қаҳҳорни бир қойил қолдирай, деб қўлтиқлаб журнал редакциясига бордим. Абдулла ака ишлаб ўтирган экан. Ҳикояни қўлига бердим. У қўлёзмани ва-рақларкан, пичинг қилди:

— Яна ўша илгаригидақа чала-чулпа ҳикоями?

— Ўқиб қўринг-чи, қойил қоласиз, домла.

— Бўлмасам, бир айланиб келинг, ўқиб қўяман. Бировнинг олдида ўқиёлмайман. Айниқса, сизнинг нарсангизни ўқиётганда оғзимдан бирон ноҳўя гап чиқиб кетса, хафа бўласиз.

Ёзувчилар союзи ҳозирги Сулаймонова кўчасида эди. Журнал союз биносининг икки хонасига жойлашганди. Ҳовлига чиқиб, ўқиб бўлишини кута бошладим. Назаримда, Абдулла ака ҳикоянинг ҳар бир жумласини ҳаяжон билан ўқиётганга ўхшайверди. Ҳикояда ер қимирлашдан кўрқадиган одам тасвирланган эди. У ҳамма вақт ана зилзила бўлади, мана зилзила бўлади, ҳаммани ер ютади, деб ташвишланади. Ҳикоя қаҳрамони уйланмаган, оила қурмаган. Барибир зилзила бўлса ҳаммаси йўқ бўлиб кетади, деб ўйлайди. Унинг эртадан умиди йўқ. Емиши-ичишни ҳам бир кунлик харид қилади. Ҳовли-жойига ҳам қарамайди. Эртага зилзила бўлса оворагарчиликнинг нима кераги бор, деб ўйлайди. Ҳикоя нима билан тугаши ҳозир эсимда йўқ. Хулласи, жуда бошлаб ёзганман. Ҳозир кирсам домла бағрига босиб табриклайди. Етук ёзувчи бўлганингиз қутлуғ бўлсин, дейди. Ана шундай хаёллар билан банд эканман, домла папирос чеккани ҳовлига чиққанини билмай қолибман.

— Шоир, ҳикоянгиз стол устида турипти. Индамай олиб кетаверинг. Бўлмайди, — деди.

Ҳазиллашяпти деб ўйлаб кабинетга кириб, стол усти-

да турган хикояни қўлимга олдим. «Зилзила» деб сарлав-
ха ёзилган жойнинг тагига: «Хикоя қахрамони жинни.
Рухий касал одам. Адабиётга жинниларни масхара қилиш
хуқуқи берилмаган» деб ёзиб қўйибди. Ўқидиму оёқла-
рим қалтираб кетди. Бўшашиб ҳовлига чиқдим. Домла
скамейкада хотиржам ўтириб папирос чекарди. Унга ни-
ма дейишни билмайман.

Безрайиб қараб турибман.

— Домла, — дедим алам-изтироб билан. — Шуни ҳам
ёмон дедингизми-а? Нахотки бирон жойи сизга ёкмади?

— Ўтиринг, — деди у ёнидан жой кўрсатиб, — хи-
коянгиз менга мутлақо ёкмади. Аммо бир нарсадан жуда
хурсанд бўлдим. Хикоя ёзиш техникасини пухта ўрганиб-
сиз. Жумлаларингизга, диалогларингизга, қаҳрамон
портрети тасвирига қойил қолдим. Аммо нимани ёзишни
ҳалиям билмайсиз. Хулосаларингиз чатоқ. Айтадиган га-
пингизнинг тайини йўқ. Хикояни нима мақсада ёзгансиз,
билиб бўлмайди. Ёзишдан аввал нима демокчиман, деб
мақсадни аниқ билиб олиш керак. Сизда мутлақо мақсад
йўқ. Қани энди илмингиз бўлса, адабиётнинг буюк мак-
садларидан бохабар бўлсангиз, катта ёзувчи бўлиб кетар-
дингиз. Ҳали ҳам кеч эмас, ўқинг. Олий мактабга кири-
нгиз. Ёзишга қўлингиз жуда келишади. Тилни биласиз. Озрок
рассом бўлганингиз иш беришти. Персонажлар портрети-
ни аниқ чизяпсиз. Тасвирларингиз рангли. Афсус, илмин-
гиз йўқ.

Домладан аразлаб, уч-тўрт ой кўринмай юрдим.

Қаттиқ хафа бўлгандим. Умуман кўринмайман, деган
ниятда эдим. Бирдан «Ёш ленинчи» газетасида «Сароб»
романи ҳақида икки подвал танқидий мақола босилди.
Мақола романи мутлақо яроқсиз, ҳатто зарарли асар деб
баҳолаганди.

Гапнинг очигини айтсам, «Сароб» менинг энг севикли
китобим эди. Бу китоб мени адабиётга бошлаб кирган
устозим эди. Менинг учун гўё бутун дунёда «Сароб»га
тенг келадиган китоб йўқ. Уни ёмон дейдиган одамни
бўғиб ташлашга тайёр эдим!

Мақола босилгандан уч кун ўтиб, собиқ Иттифок
Фанлар Академиясининг Ўзбекистон филиали ҳовлисида
муҳокама мажлиси бўлди. Муҳокамага жамики катта
ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, юздан ортиқ китобхон
келган. Кўпчилик жой тегмаганидан тик туриб қолган
эди.

Ҳозиргидек эсимда. Ҳаво иссиқ. Муҳокама бўлаётган
ҳовлининг орқасида катта дарахтзор боғ бор (ҳозирги

Гагарин парки). Шу пайт бирдан булбул сайраб қолди. Одамлар булбул наъмасидан завқланиш ўрнига баравар кулиб юборишди. Роман қахрамони Саидийнинг қайнона-сини автор Булбулигўё деб тасвирлаган. Президиумда ўтирган Фафур Гулом: «Ана, мақола булбулгаям, Булбулигўёга ҳам ёқмапти», деб юборди. Яна кулги бўлди.

Бир адабиётшунос (у кишининг номларини айтмайман, кейинчалик бу фикрларидан қайтганлар), «Абдулла Қахҳор миллатчи Саидий орқали ўз ўтмишини ёзган, у ўз ўтмишига тупуриши керак эди», деб даъво қилди. Бу гап ҳеч кимга ёқмади. Фафур ака, «хой-хой, оғзинга қараб гапир, ука», деб танбех берди.

Сўзга чиққанларга ҳадеб лўкма ташлаб ўтирган мақола автори Х. Мусаевнинг қилиқларига гаши келган Фафур ака қайириб ташлади.

— Менга қара, укам. Битта саволимга жавоб бергин: сунбул деб нимани айтади?

Ҳамма жимиб қолди. У жавоб беролмасди. Билса ҳам эсанкирадими ё чинакамига сунбулнинг нималигини билмайдими, ҳарқалай, жавоб беролмай, ўсал бир ҳолатда жойига ўтирди.

Ракиби паст келган пайтларда Фафур ака жуда бийрон бўлиб кетарди. Ўрнидан туриб энди бизга навбат, деган-дек, президиум столининг олдига чиқди.

— Романни мен ҳам ўқиганман. Ўқиганда ҳам мазза қилиб, яйраб-йайраб ўқиганман. Битта-яримта жузъий нуксони бўлса бордир. Лекин халқ севиб ўқиётган яхши бир китобга сиёсий айб қўйиб, ўқувчини чалғитиш яхши эмас. Бунақа танқид адабиётга фойда эмас, зарар келтиради. Ундан ташқари укажон, сунбулнинг нималигини билмайсан-у, романга баҳо берасанми? Бу мақола хато. Гапим тамом!

Муҳокама охирида Абдулла Қахҳорнинг ўзига сўз берилди, у айтилган гапларга ортиқча ҳаяжонланмай, босиқлик билан ўз муносабатини билдира бошлади. Аммо «Абдулла Қахҳор ўз ўтмишини ёзган, у ўз ўтмишига тупуриши керак эди», деган гапга жавоб қайтараётганда бир оз қизишиб кетди:

— Мен бир темирчининг ўғлиман. Болалигим дам босиш билан ўтган. Менинг тупурадиган ўтмишим йўқ. Оғзимда қанчаки тупук йиғилиб қолган бўлса, шу гапни айтган одамнинг башарасига тупураман!

Муҳокамада қўпчилик Абдулла ака томонига ўтди, «Сароб» яхши асар деб баҳоланди.

«Сароб»нинг оқланишига Абдулла акадан кўра мен

кўпроқ севинган эдим! Орадан сал вақт ўтиб энг яхши бадий асарлар учун эълон қилинган республика конкурсида, Садриддин Айнийнинг «Куллар» романи билан «Сароб»нинг мукофотга сазовор бўлиши кенг китобхонлар олдида Абдулла Қаҳҳорнинг юзини ёруғ қилди.

«Сароб»дан икки нусха сотиб олдим. Биттасини кўлимдан қўймай ўқирдим. Бу нусхада ўзимга ёққан чиройли жумлалар, ўхшатишлар, ҳолатларнинг тагига чизиб қўйгандим.

«Мухторхондан офтобда қолган чўмичнинг ҳиди келади, у ўпганда калтакесакнинг чиркиллашига ўхшаган товуш чиқади», «Муродхўжа домланинг пешонаси янги мойланган қизил этикнинг тумшугига ўхшарди», «Сиз Москвани кўрмагансиз. У ёшлигимизда чойкутилар устидан сувратини кўрганимиз Москва эмас...»

«Саидий Мунисхоннинг ёнида юриб, кечаси чирок билан юрган кишидай бўлиб қолди: у ҳеч кимни деярли кўрмайди, уни ҳамма кўради», «Муродхўжа домла ўзининг юриши билангина эмас, бошқа яна бирмунча сифатлари билан ҳам ўрдакка ўхшайди. Ўрдакнинг уч хислати бор: ҳавода — учади, ерда — юради, сувда — сузади. Домла мактабда — муаллим, кишлокда — ер эгаси, мехмонхонасида, гарчи ошқора бўлмаса ҳам, — савдогар», «...У ўтираётиб «хи» деди-да, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ Саидийга «сиз товуксиз» деди. «Ёқубжон ҳамма вақт бир нарса демокчи бўлса аввал шундай бир нотайин ва кўпинча совуқ гапни айтиб, изоҳини кечиктиради. Буни ҳамма жумладан Саидий ҳам билар эди. У то изоҳ бергунича Саидий товук бўлиб туратурди».

Бир вақтлар мен «Сароб»ни ёддан айтиб бера олардим. Сўзма сўз, жумлама-жумла, бирон сўзини тушириб қолдирмай айта олардим. Мана, романи ўқиганимга қирқ тўққиз йил бўлди. Юқорида мисолга келтирганим жумлаларни китобга қарамай ёзганман. Баъзи жумлаларда сўзлар жойини алмаштириб юборган бўлсам, ҳурматли ўқувчилардан узр сўрайман.

Мен умуман Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги хотираларимни бирон ҳужжатга қарамай, мисолларни китобдан кўчирмай жонлантирмақчиман.

Ўттиз беш йил орқасидан соядек эргашиб юриб, эллик йил китобини қўлдан қўймай ўқиб, сафарларда ҳамроҳ бўлиб, ҳаётида юз берган ҳам қувончли, ҳам кўнгилсиз дамларга гувоҳ бўлиб юрганимдан хотирамда ҳамма-ҳаммаси муҳрланиб қолган экан.

Хотираларимни адабиётшунос олимлар Қаҳҳор ҳақи-

даги илмий ишларига бир ҳужжат деб билсалар асло хато қилмаслар.

Ушбу сатрларни унинг боғида, менга ундан мерос бўлиб қолган боғининг айвонида ўтириб ёзяман. Ҳамма воқеалар кўз олдимдан ўтяпти. Бу айвонда тонготар суҳбат курган Ҳабиб Абдуллаев, Хадича Сулаймонова, Константин Симонов, Берди Кербобоев, Муҳаммаджон Ўрозбоев, Фафур Фулом, Халил Раҳматуллин, Собит Муқонов, Алексей Сурков, Степан Шчипачев...

Шу топда мен ана шу буюк алломалар, адибу удаболар даврасида ўтиргандекман. Овозлари қулоғим остида жаранглаб турибди. Абдулла ака меҳмонлар билан гоҳ қизгин баҳсга киришади, гоҳ назокат билан меҳмоннавозлик қилади.

У жуда чиройли кулади. Қулгиси ҳам ҳикоялари каби қисқа ва маъноли эди.

Устозни эслаб қўлимга қалам олдим, хотираларни ўзи ўргатгандек, ўзи таълим бергандек қисқа ва ифодали ёзишга ҳаракат қиламан.

II

Минг тўққиз юз эллик еттинчи йилнинг ёз кунларидан бирида Абдулла ака «Муштум» редакциясига кириб келди.

— Ишни вақтлироқ тугатинг, шоир, боққа кетамиз. Кибриё Самарқандга, Аний куёвиникига кетган, — деди. — Саидага, бугун келмайман, деб телефон қилиб қўйинг.

Саидахон ўша пайтдаги «Совет Ўзбекистони маданияти» газетасида ишларди. Телефон қилиб, розилигини олдим.

Абдулла аканинг бирон зарур гапи бўлса керак, деб ўйладим. У кишининг «Победа» машинасида боққа қараб йўл олдик.

Абдулла ака рулда. Мен ёнида ўтирибман. Орқа ўриндиқда Абдулла аканинг эллик йиллик юбилейига атаб чиқарилаётган уч томлик «Танланган асарлари»нинг биринчи томи.

Жуда ҳавасим келди. Қаранг, ўз машинасида ўз боғига кетяпмиз. Орқада биринчи томи. Кўксиди «Олий Совет депутати», «Давлат мукофоти лауреати» деган нишонлар. Мен ҳам шунақа мартабага эришармиканман, деган гап кўнглимдан ўтди.

Орадан қанча йиллар ўтиб, менинг ҳам бир томлик «Хазина» деган китобим босилиб чиқди. Кичикроқ бўлса

хам «Москвич» машинали бўлдим. Атайлаб Абдулла аканинг уйига бориб, юринг, гап бор, дедим.

Одатда нимага, қаёққа, деб суриштирадиган Абдулла ака жиддий бир гап бўлди шекилли деб, индамай «Москвич»га чиқиб ўтирди. Абдулла ака ёнимда ўтирипти. Машина ўзимники. Орқа ўриндиқда бир томлик китобим.

— Домла, — дедим. — Эсингиздами, эллик ёшли юбилейингиз арафасида машинангизда бофингизга борганмиз. Ўшанда уч томлигингизнинг биринчи томи орқада силкиниб келган эди. Жуда-жуда ҳавасим келганди. Мен қачон шунақа бўламан, деб орзу қилган эдим. Мана, бугун сизчалик бўлмасам ҳам, ҳар қалай, ниятимга етдим.

Абдулла ака мулойим илжайди.

— Барака топинг. Одамзот ҳасад қилмаслиги керак. Ҳавас қилиши керак. Ҳавас қилган одам муродига етади.

Абдулла ака ҳавасли, инсофли одам эди. Мол, давлат кетидан қувмасди. «Синчалак» қиссаси рус тилида Москванинг «Знамя» ҳамда республикамизнинг «Звезда Востока» журналларида босилди. Икки тилда китоб бўлиб чиқди. Аммо «Шарқ юлдузи» журналига бермади. Нега ундай қиласиз, деб сўраганимда, одам боласида инсоф бўлиши керак. Бу журналда асари навбат кутиб ётган қанча ёзувчилар бор. Ушаларники чиқсин, деди.

«Синчалак» фильми учун ёзган сценарийсига жуда катта пулга шартнома тузилганди. Домла пулини ҳам олди. Боққа келсам, юринг, шаҳарга тушиб чиқамиз, деди. Киностудияга бордик, директордан шу пулнинг икки минг сўмини қайтариб олишларини талаб қилди. Директор, договорни Москвада тасдиқлашган, қайтариб олишга ҳаққимиз йўқ, дейишига қарамай бухгалтерияга кириб пулни топшириб, кассирдан тилхат ёздириб чиқди.

Қайтиб келаётганимизда нега ундай қилдингиз, деб сўрадим.

— Бошқа авторлар билан олти мингга шартнома тузишар экан. Нима учун менга саккиз минг беради? Бунақа пулга муҳтож эмасман.

Домла Москвага пленумларга борганда албатта ўша ерда таълим олаётган аспирантларга, студентларга баҳоли қудрат моддий ёрдам кўрсатарди. Москвада ўқиб олим бўлиб келганлардан биттаси Абдулла аканинг «Синчалак» қиссасини асосиз танқид қилиб чиқди.

— Мана, — дедим Абдулла акага. — Шу нонкўрга ёрдам бергандингиз. Яхшиликка ёмонлик деб шуни айтадилар-да.

Абдулла ака бу гапимга қўшилмади.

— Нима, ўқиб олим бўлгандан кейин мени мақтасин, деб ёрдам берибманми? Илм олсин, мухтож бўлмасин, деб ёрдам берганман. Энди ўз ақли, илми буюрган ишни қилаверсин.

Эллигинчи йилларнинг охирларида уй-жойдан тан-кислик сезардик. Буни Абдулла ака билиб юрган экан. Бир куни мени чакириб, ер олиб берсам уй кура оласизми, деб қолди. Саидахон билан маслаҳатлашиб жавоб беришимни айтдим. Эртасига Саидахон билан икковимиз ғамхўрлиги учун Абдулла акага миннатдорчилик билдиргани уйига бордик. Устоз машинасига ўтқазиб, ишчилар шаҳарчасидаги Янгиариқ кўчасидан ер кўрсатди. Жой бизга ёқди. Кейин билсак, бу жой Абдулла акага ажратилган экан. Шаҳар советига мени етаклаб бориб, номинга қарор чиқаздириб берди. Шу жойга уй қурдик. Дарахт эдик. Эккан гилосимиз нишонага биттагина ҳосил қилди. Пишганда узиб, оппоқ қоғозга ўраб Абдулла акага олиб бордим...

Нимагаки эришган бўлсам, ҳаммасига Абдулла ака сабабчи. У кишига берилган ерга уй қурдим. Мехр қўйиб парвариш қилган боғини ҳам менга ташлаб кетди. Ҳозир шу боғда устоз чироғини ёқиб ўтирибман.

Илгаригидек, худди Абдулла Қаҳҳор ҳаёт пайтидагидек бу боғдан ижод аҳлининг қадами узилмайди. Шоирлар, ёзувчилар келишади. Ва албатта Абдулла ака тўғрисида, унинг таланти тўғрисида соатлаб гап бўлади.

Бу боққа келиб, у кишини ёдга оладиганларнинг ҳаммаси устоз ҳимматини кўрган ижодкорлар.

Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Уткир Хошимов, Учкун Назаров, эндигина қўлларига қалам олиб ижод чорраҳасида ҳардамхаёл бўлиб турганларида устоз Абдулла Қаҳҳор уларнинг қўлларидан тутиб, ижоднинг нурли йўлига олиб чиққан эди. Бугунги етук шоир, ёзувчи бўлиб етишган бу ижодкорлар устозни ёдлаб боққа келишади.

Абдулла Қаҳҳор чинакамига сўз заргари эди. Кичик бир ҳикояси ҳам соат механизмидек аниқ деталлардан ташкил топарди.

Кремлдаги «Оружейная палата» музейида фил суяги ва биллурдан ишланган шаршара макети бор. Битта тугмани боссангиз, биллур худди шаршарадек ҳаракатга келади. Музей ходимининг айтишига қараганда, агар шу шаршара деталларидан бирини олиб қўйса, юзга яқин деталь сочилиб кетар экан. Ўша шаршарани кўриб, Аб-

дулла аканинг ҳикояларини эсладим. У кишининг ҳикояларидан биронта вергулми, сўзми олиб ташланса, ҳикоя сочилиб кетади.

Устоз асарларида ҳар бир сўз ўз ўрнида. Персонаж ҳолати ҳам, тавирланган буюм ҳам, жумлаларнинг узун ё қисқалиги ҳам асар мақсадига аниқ хизмат қилади. Асарнинг биронта сўзига тегиб бўлмайди.

Мен тажриба учун устознинг «Ўғри», «Бемор», «Анор» ҳикояларидан баъзи сўзларни олиб ташлаб кўрдим. Бўлмади. Ҳикоя бир устуни олиб ташланган айвонга ўхшаб, лапанглаб қолди.

Олтмишинчи йилнинг йигирма саккизинчи апрель куни Абдулла акага кўрсатиш учун «Турналар» деган ҳикоямни олиб бордим. Ҳикоя у кишига ёқди. Бир жумлани ўчириб ташлаб, «ана энди яхши бўлди», деди.

— Э, яхши бўлмай ўлсин. Барибир битта бўлса ҳам ёқмайдиган жойи чиқди-ку, — дедим.

— Асарингиз бенуқсон бўлиб босилса қандок яхши. Битта сўз учун ҳам, битта жумла учун ҳам ёзувчи танқид бўронига учраши мумкин. «Тўлқинлар» деган ҳикоянгизни эсланг. Газетага бостирмасдан олдин менга бир кўрсатиб олганингизда бунақа бўлмасди.

Дарҳақиқат, «Тўлқинлар» деган ҳикоям «Совет Ўзбекистони»да босилгандан кейин Абдулла ака ўқиб, бош чайқаган эди.

— Биттагина жумла шундоқ яхши ҳикояни хароб қипти. Нахотки ҳайвон учун одам ўлса. Одам одам учун ўлиши керак.

Ҳикояда колхоз раиси бўлган бир аёл селда қолган молларни қутқараман деб, дарёга чўкиб кетарди.

— Ҳикоянинг ҳамма жойи мукамал. Тили ҳам, тасвир ҳам, ҳолат ҳам ниҳоятда яхши. Манаман деган ёзувчи ҳавас қилса арзийдиган ҳикоя. Афсус, битта жумла шунча меҳнатни йўққа чиқазган.

Барибир устознинг бу гапидан ҳам дилим оғриди. У кишининг ҳақ эканликларини орадан уч-тўрт ой ўтиб тушундим. «Литературная газета»да Чингиз Айтматовнинг «Адабиётда инсонпарварлик» деган мақоласи босилди. Унда менинг ҳикоямдаги ҳайвон учун одам ўлиши ғайри инсонпарварлик деб баҳоланган.

Шунда зўр санъаткорлар бир хил фикрлашларига тан берганман. Абдулла ака нима деган бўлса, Чингиз ҳам худди шундай депти.

Олтмиш иккинчи йили союз борида «Уфк»нинг биринчи китобини тугатиш арафасида эдим. Кунлардан

бир кун Абдулла ака, шоир, нима ёзясиз, деб сўраб қолди. Мен роман ёзаёганимни, бугун-эрта тугатишимни айтдим.

Абдулла аканинг роман ёзишимга ишонмагани кўзидан билиниб турарди. Унинг бу хил қарашига гашим келди, бир кўрсатиб қўяй, деб кечаси билан ухламай романнинг қолган охириги бобини ёзиб тугатдим.

Эртасига, тушликдан кейин липа тагида ўтирганимизда Абдулла ака роман нима бўляпти, деб яна сўради. Тугатганимни айтдим.

— Қани бўлмасам, юринг буюкка.

Домла кетидан эргашиб, шийпонга чиқдим.

— Романда бўладиган воқеани эринмай бир айтиб беринг-чи. Чатоғи бўлса машинкага бермай тuzатасиз.

Мен бир чеккадан айтиб бердим. Охирида Икромжоннинг қочоқ ўғлини тўкайда ов милтиғи билан отиб ўлдирши у кишига ёкмади.

— Зинҳор-базинҳор бундай қила кўрманг. Ўз боласини ўлдирган отани ўқувчи лаънаглайди. Одам ўлдирган киши ижобий қахрамон бўлолмайди. Йўк, бошқа йўл тутинг!

Ҳайрон бўлиб қолдим. Қаёқдан ҳам домлага айтиб берибман. Хали битгани йўк, деб қўяқолсам-ку бўларди-я. Энди қандоқ қилиб тuzатаман? Роман бошидан Турсунбойнинг ўлимига тайёргарлик кўриб келганман, қанчалар деталлар, гаплар шу мақсадга бўйсундирилган. Яна бошқатдан ёзиб чиқаманми?

Кечаси билан ўйлаб чиқдим. Тuzатишнинг сира иложи йўк. Бола ўладими, йўкми, отаси отиши шарт. Отмаса бўлмайди, роман бузилади. Тонготар пайти калламга ялт этиб бир фикр келди. Юзлаб саҳифаларни тuzатмай, сўнгги саҳифаларни бошқатдан ёзмай, бир овиз сўз билан устоз айтган гапни қилиш мумкин экан. Икромжон ўғлини отади. Аммо ўк тегмайди. Шунда у «хайрият, тегмади», дейди. Вассалом.

Абдулла акани эрталаб йўқлаб чиқсам, шаҳарга тушиб кетган экан. Кечгача кутдим. Ўша кунни боққа қайтиб келмади. Эртасига келиши билан романи қандай қилиб тuzатганимни шошиб-пишиб гапириб бердим.

— Мана бу бошқа гап. Иккита сўз билан бир дунё иш қилибсиз! Энди сизга оқ фотиҳа бердим. Романи бира тўла босилиб чиққанда ўқийман.

Юриб эмас, учиб шаҳарга жўнадим.

«Шарқ юлдузи» журналида роман босилиб чиққанда анча вақтгача Абдулла акага кўринмай юрдим. Бу инжиқ

одам албатта битта-иккита хато топади, деб рўпара келгани юрагим дов бермасди.

Абдулла ака «Муштум»га телефон қилиб, Саид Аҳмад келса, албатта менга учрашсин, деб тайинлаган экан. Бормай иложим қолмади. Шелковичная кўчасига бурилганимда юрагимни ваҳм боса бошлади. Эшик ёнбошидаги кўнғироқ тугмасини журъатсизгина босарканман, Абдулла аканинг чимирилган қошлари кўзимга кўриниб кетди.

Хайрият, устоз яхши кутиб олди.

— Кўркманг, романингиз жуда яхши. Ҳатто аъло деса ҳам бўлади. Менга жуда ёқди. Кўпдан бери бунақа роман ўқимаган эдим. Ўтиринг, шоир. Гаплашамиз.

Оббо, дедим ичимда. Ёққан бўлса бўпти-да, яна нимасини гаплашарканмиз?

Чой устида романинг фазилатлари тўғрисида узок гапирди. Бу гаплар қулоғимга кирмасди. Қачон ўша «гаплашамиз»ни бошларкин, деб тоқатсизланаман. Асабларимни танбур симидек таранг қилиб қўйиб, ўша «гаплашамиз»ни бошлади.

— Охири чатоқ. Романда айтилган гапларнинг ҳаммаси бу боланинг ўлими билан яқунланяпти. Бундоқ бўлмаслиги керак.

— Домла, роман журналнинг икки сониди босилиб, таркаб бўлди-ку, нимасини тузатаман?

— Тузатинг деяётганим йўқ. Алоҳида китоб бўлиб чиқишига битта чиройли боб қўшинг. Икромжонни яхши кайфиятда бир кўрсатиб қўйинг. Ўқувчи сал эркин нафас олсин.

Айтмоқчи бўлган гапини тушундим. Дарров хўп, деб ваъда қилдим. Уйга келиб ўйлаб-ўйлаб Икромжоннинг ёғоч оёғини ечиб қўйиб, Дилдорнинг ўғлини тиззасига олиб ўтирганини, болани онаси олиб кетганда тўнининг барида гўдак ҳиди қолганини, бу хиддан гангиганини ёздим.

Союз клубида қандайдир мажлис бўлаётган эди. Абдулла ака президиумда ўтирарди. Юраги сал безовта бўлди шекилли, менга бир букловлиқ қоғоз туширди. Ўқисам: «Биринчи уйдаги вешалкада менинг пальтом бор. Шунинг чўнтагидан калитни олиб, машинанинг кармашкасидан дорини келтириб берсангиз. Юрагим оғрияпти», — деган ёзув.

Дорини олиб келиб, президиумга чиқиб қўлига бердим. Ёнидан жой кўрсатиб, ўтиринг, деди. Тилининг тагига валидол ташлаб бирпас жим ўтирди. Кейин сал чехраси ёришиб, романини нима қилдингиз, деб сўради.

Ёзганимни олиб келган эдим. Қўлига бериб, пастга тушиб жойимга ўтирдим. Икки кўзим домлада. Кўзойнак тақиб қўлёмнамни ўқияпти. Юзидан ёққан-ёқмаганини билиб бўлмасди. Ҳаммаси бўлиб машинкада тўрт саҳифа бобни Абдулла ака шошилмай ўқиди. Охири қоғоздан бош кўтариб бирпас ўйлашиб туриб қолди. Кейин залдан мени қидириб майин илжайиб қўйди. Хайрият-э, деб юборибман!

Ёнимда ўтирган танқидчи Умарали Норматов, нимага унақа деяпсиз, деб сўраб қолди. Кейин айтаман, деб тирсагидан босиб қўйдим.

Мажлис тугагандан кейин Абдулла ака чиройли боб ёзганимни айтиб, бу китобни Ҳамза мукофотига қўйиш керак, деди.

Ўша куни мен дунёдаги жамики ёзувчилар ичида энг бахтлиси эдим!

Қувончим танамга сирмасди. Ёзувчилар союзига борганимда Абдулла ака билан учрашиб қолдим. У киши бир гап айтди. Дунё кўзимга қоронғи бўлиб кетди.

— ТошДУнинг филология факультетида романингизни муҳокама қилишмоқчи. Бир-иккита қитмир олимчалар романни йўққа чиқазилмоқчи, хушёр бўлинг. Бунга йўл қўймаслик керак.

Нима қилишимни билмай ҳайрон бўлиб турган эдим, Абдулла аканинг ўзи менга далда берди.

— Ҳафа бўлманг. Муҳокамага мен ҳам бораман. Қани, улар билан бир беллашиб кўрайлик!

Мажлисга табиатим тиррик бўлиб бордим. Уч-тўрт кишининг романни бадном қилиш учун жиддий тайёргарлик кўргани билиниб турарди. Зал тўла одам. Студентлар ҳам, ўқитувчилар ҳам кўп. Йиғилган студентлар Абдулла акани асарлари орқали билишарди. Кўпчилиги ўзини кўрмаган, овозини эшитмаган эди. Студентлар шовқин кўтариб, муҳокамани Абдулла Қахҳор бошлаб берсин, дейишди. Факультет декани Абдулла Қахҳорга сўз беришга мажбур бўлди.

Абдулла Қахҳор ўзига хос қисқа-қисқа жумлаларда, аниқ ва таъсирли қилиб романинг фазилатларини гапирди. Роман бугунги ўзбек адабиётида ижобий бир воқеа деб баҳолади. У ўз фикрини романдан мисоллар олиб исботлаб берди.

Шундан кейин яна бир икки одам сўзга чиқиб романга яхши баҳо берди. Китобни бадном қилишга уринганлар қилчи синиб, қалқони тешилган сарбоздек бўшашиб қолди. Сўзга чиқишга журъат қилолмай рўйхатдан ўз

номларини ўчиртириб қўйишни сўрашди. Аммо баъзи танқидчилар ҳарқалай романга бир-иккита кесак отиб қолишди.

Шундай қилиб, устоз адиб аралашиб, «Уфқ»ни маломатдан қутқариб қолди.

Сал кун ўтмай роман Ҳамза номидаги Давлат мукофотига номзод қилиб кўрсатилди. Шу муносабат билан Абдулла Қаҳҳор газетага роман номзодини қувватлаб бир мақола ёзди. Мақолада айтилган гаплар ўша муҳокама мажлисидаги нутқининг тартибга келтирилган нусхаси эди.

Ўша йили Ҳамза мукофоти ҳеч кимга берилмади. Бунга менинг китобим ва мақола ёзган Абдулла Қаҳҳор сабаб бўлганди.

Мақола «Яхши ёзувчиларимиздан Саид Аҳмаднинг «Уфқ» китоби тенгқурлари орасида ярқираб турибди» деб бошланарди.

Юқори лавозимда ишлайдиган бир ёзувчи ўртоғимизнинг романи ҳам «Уфқ» билан тенг ёзилган эди. Абдулла ака «тенгқурлари» деб ўша романга шама қилган эди. Абдулла Қаҳҳорнинг номини ҳам эшитишни истамайдиган бу одам мукофот тақдирини ҳал қиларди. Шундай қилиб, «Уфқ» баҳона Асқад Мухтор ҳам, Шайхзода ҳам мукофотдан қолиб кетишди.

Барибир орадан ўн тўрт йил ўтиб, «Уфқ» шу мукофот билан тақдирланди. Афсуски, Абдулла ака мен лауреат унвонини олганимда оламда йўқ эди.

Устоз адиб ўзига хиёнат қилган одамни асло кечирмасди. Улардан нафратланарди. Ўз тили билан айтганда, ўшанақаларни «бошидаги шапкасининг тугмасидан оёғидаги ботинкасининг учигача» ёмон кўрарди.

Умуман Абдулла ака тенги устозларнинг ҳар бири ўзига хос бир олам эди. Бири ҳазилга мойил, бири ниҳоятда жиддий, бири бепарво, бири зукко.

Масалан, Ғафур ака катта-кичikka хафа бўлмасмикин, деб ўтирмай, ҳазил қилаверарди. Ҳазилни оғир ботганини билса, эртасига уйига бориб бўлса ҳам узр сўраб, кўнглидан чиқазиб юборарди. Ойбек ака бачканаликни суймасди. Жиддий, доно гапларга ўч эди. Шайхзода бировдан хафа бўлганини сира сездирмай ичига ташларди. Миртемир ака олдин яхшилаб узр сўраб кейин ҳазил қиларди.

Абдулла ака билан Ғафур Фулом кўпинча гапи-гапига тўғри келмай «жиқиллашиб» қолишарди. Иккови ҳам пичингга уста, гапни яхши мергандек аниқ мўлжалга урадиганлардан. Ғафур аканинг ҳазили меъёридан ош-

ганда Абдулла ака «жирилларди». Абдулла аканинг ҳазили меъёрига етмаёқ Фафур ака «лўлилик» қиларди. Шундай қилиб, улар бир-бирлари билан тез-тез аразлашиб, маълум вақтгача ораларидан «қора мушук» ўтиб, бордикелди қилмай юришарди.

Минг тўққиз юз олтмиш иккинчи йилнинг тўққизинчи май куни ёзувчилар боғида маёвка бўлиши керак эди.

Фафур Фулом негадир эрталаб соат тўққизлардаёқ боққа келиб олган эди. Ижодий уй ходимлари икки туп азамат липа тагига жой қилиш билан банд. Боғ директори Сергей Айрапетянц Фафур акага дастурхон ёзиб, бир ликопчада янги чиққан қулуннай, яна бир ликопчада эртапишар гилос қўйди.

Ўша кезларда мен боғда яшаб, Азиз Несиннинг ўзбек тилида чиқадиган ҳикоялар тўпламини таҳрир қилаётган эдим. Фафур акага чой олиб келиб ёнига ўтирдим. У мен қўйиб берган чойни истар-истамас хўплаб, Абдулла Қаххорнинг боғига ҳадеб қарайверди.

Бундан икки ой олдин Фафур ака билан Абдулла ака гап таллашиб, бир-бирлари билан аразлашиб қолишган эди. Абдулла аканинг айвонидан Маъмуржон Узоқовнинг лентага ёзиб олинган қўшиғи баралла эшитилиб турарди.

— Домланг нима иш қиляпти? — деб сўради Фафур ака ногаҳон.

Фафур акага алам қилсин деб, атайин ошириб гапира бошладим.

— Э, иш катта, домла Маёвкага келган меҳмонлар кириб қолиши мумкин, деб дастурхонни ноз-неъматларга тўлдириб ташлаган. Қазии дейсизми, сомса дейсизми, ҳасип дейсизми, варақии дейсизми...

Фафур ака қўл силтаб, гапимни бўлди.

— Мунча эзмаланасан! Гапни чўзмай тўғрисиини айт. Мени ҳам дастурхонга чақирармикин?

— Билмасам, — дедим. — Аразлашиб қолгансизларку. Чақирмаса керак.

Ана шу кейинги гапим мўлжалга бориб тегди. Ҳамма вақт, ҳар қандай тўқин дастурхоннинг азиз меҳмони бўлган Фафур Фуломдек бир одам буёқда қолиб қаёқдаги «қаланғи-қасанғи ёзувчилар» меҳмон бўладими, деб ўйлаётгани шундоққина кўзидан билиниб турарди.

— Чақирмайди-я, чақирмайди! — деди ўз гапи ўзига наша қилиб. — Минг йиллик кадрдоним бўлатуриб чақирмайдимми?

— Шунақа экан нега аразлашасиз? Уришманг эди-да!

— Домлангни тили ёмон. Турган-битгани захар.

Ғафур ака шундай деятуриб, патнисдаги ликопчаларни дастурхонга зарда билан қўйди-да қани тур, ол буни, деди.

Патнисни қўлимга бериб, ўрнидан турди.

— Сен буни чирманда қилиб чаласан, мен ўйинга тушиб, боғига кириб кетаверамиз.

Мен патнисни черта бошладим. Ғафур ака ярим тожикча, ярми ўзбекча ашула бошлаб ўйинга тушди-да, бокқа йўрғалиб кета бошлади.

Абдулла ака Тожикистоннинг Ашт қишлоғида, рафиқаси Кибриёхоним Самарқандда турилган. Иккови ҳам тожикчани яхши билишарди. Ғафур ака атайин уларга тегажоглик қилиб шунақа ашула бошлаган эди.

Қанд есанг киссамга-ё
Қандалатига қарзим бор.
Шер Абдулла жоно,
Шер Абдулла жон!..

Ногоҳон ашуладан ҳайрон бўлиб, ичкаридан чиққан Абдулла ака шох ташлаб ўйнаб келаётган Ғафур акани кўриб кулиб юборди. У кичкинагина пичоқча билан апельсин арчиб турган эди. Ғафур ака атайин буралиб-буралиб шох ташлаб, минг хил мукомлар қиларди.

— Бўлди, бўлди, ярашдик. Ўйинни тўхтат, жинни! — деди Абдулла ака.

Ғафур ака ўйинни тўхтатмай, деди:

— Кечирдим, деб айт. Бўлмаса, шу ўйнаганимча ўйнаб, қайтиб чиқиб кетавераман.

— Бўлди, кечирдим, — деди Абдулла ака.

Иккови кучоқлашиб кўришиб кетишди. Униси, вой соғинтирдинг-ку, деса, буниси кечадан бери тушимга кираётган эдинг, деди. Ораларидан худди ҳеч гап ўтмагандек, апок-чапоқ бўлиб шийпонга чиқишди. Айтганимча, дастурхон ниҳоятда безатилган эди. Ўтиришди. Ғафур ака менга имлади.

— Ҳой, бола, ишинг битди, энди сен кетавер.

— Нега кетарканман? — дедим. — Бу уйда мен ҳам меҳмон, сиз ҳам меҳмон. Кетмайман!

Шийпондан Чимён тоғлари аниқ кўриниб турарди. Хаво тоза, заррача губор йўқ. Девор тағларига экилган смородина гуллаган. Хиди боғ ичида айланиб юрипти. Чирчиқ тарафдаги боғлар оппоқ гулларга бурканган. Шийпон шифтига уя қураётган икки қалдирғоч тинимсиз келиб-келиб турибди.

Икки дўст бир-бирини жуда соғинишган экан. Гап-лашмаган гапи қолмади.

Икковининг сирлашадиган гапи бор шекилли, менинг ўтиришим малол келгандек, тез-тез қараб қўйишди. Фафур ака жаҳл билан деди:

— Қанақа боласан! Единг-ичдинг, бўлди-да. Бор, Кибриёхонга қараш. Нима қиласан, ўзингдан катталарнинг гапига қулоқ солиб?!

Фафур ака, қаттиқрок гапириб юбордим, хафа бўлди, деб ўйлаб, гапнинг буёғини қизикчиликка буриб юборди.

— Сен ҳам катта ёзувчи бўлганингда ёш ёзувчи шоғирдларингга шунақа зарда қилиб, хумордан чиқарсан, — деб, бир қошини учуриб қўйди.

Ўша куни икки дўст ўзгача бир яйраб, кулишиб ўтиришди.

Соат ўн иккидан сал ошганда липа тагига одамлар йиғилиб бўлди. Яшин ака, Фафур билан Абдуллани чақир, деб одам киритди.

Чиқиб кетишаётганда Фафур ака менга қараб: «Маза қилдинг-а», деди. Мен нега маза қиларканман, деб ҳайрон бўлдим.

Маёвка жуда яхши ўтди. Санъаткорлар ҳам таклиф қилинган экан, қўшиқлар авжга чиқди.

Фафур ака давранинг гули бўлиб, ҳаммани оғзига қаратиб ўтирди. Ашула айтди, ўйинга тушди, аскияга қўшилди. Бир қанча ёзувчиларга ҳазил шеърлар тўкиди.

Ўша куни шийпонда икки дўстнинг бир-бирини ялаб-юлқаб ўтказган дақиқаларини эсдалик учун суратга тушириб қўйдим.

Китобларда, журналларда тез-тез босилиб турадиган икковининг суратини минг тўққиз юз олтмиш иккинчи йили тўққизинчи май — Ғалаба куни плёнкага туширган эдим.

Ўша куни кечкурун суратни ишлаб, қоғозга кўчириб Абдулла акага икки нусхасини бердим. Кейин шу сурат ҳақиқа битта китобингизни эсдаликка ёзиб беринг, деб сўрадим.

Абдулла ака китобини бермади.

— Биз ҳар куни кўришиб турадиган кишилармиз. Эсдалик ё узок одамга берилади ё ўладиган одамдан олинади. Ҳозирча тирикмиз. Эсдаликнинг ҳожати йўк, — деди.

Бу гапнинг маънисига ўша вақтда тушунмаган эканман. Орадан беш йил ўтгандан кейин тушундим. Бир умр дилимда армон бўлиб қолган бу воқеани ҳаяжонсиз гапириб бўлмайди.

Кейин гаплашамиз.

III

Мархум бўлиб кетган устозлар ҳақида хотиралар ёзарканмиз, биз ҳам шу зотлар сафида эдик, деган маънода иш тутмаслигимиз керак. Фафур Фуломлар, Ойбеклар, Абдулла Қаҳҳорлар олдида биз қўл қовуштириб турадиган шогирдбаччалар эдик. Шу устозларнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир сатри мўътабар дарслик бўлганини мутлақо инкор қилиб бўлмайди. Уларнинг обрўсига, тутган мавқеига шерик бўлишга асло ҳаққимиз йўқ.

Абдулла Қаҳҳор ана шунақа иш тутадиганлар тўғрисида, «Ўз фойдасини кўзлаб менга меҳрибончилик қиляпти», деб айтарди.

Хотирани бичиб-тўқимасдан, йўқ фазилатларни бор қилмасдан аниқ ва рост ёзиш керак.

Устозларимизнинг умри фақат минбарларда, олқишу гулдирос қарсақлар остида ўтган эмас, оддий бир инсон сифатида ғам-андух чеккан пайтлари ҳам, дилига озор берган дўстларидан ранжиган дамлари ҳам кўп бўлган.

Устоз Абдулла Қаҳҳор ўта таъсирчан одам эди. Жиндаккина илиқ гапдан кўнгли тоғдек қўтариларди. Кичкинагина ноҳақ гапдан пинҳоний азоб чекарди. Кўпинча у аламларини ичига ташларди. Шундай аламлар йиғилиб қолганда ҳаммасини жамлаб, қаҳр-ғазаб билан кўпчилик ўртасида тўқиб соларди.

Абдулла ака шодлигини ҳам, аламини ҳам оддийгина қилиб айтиб қўяқолмасди. Фақат Қаҳҳоргагина хос бўлган, эшитган одам бир умр эсидан чиқазолмайдиган қилиб айтарди.

Яхшиликни билмайдиган бир ёзувчи тўғрисида шундай деган эди: «Бу одам тўнқарилиб қолган кўнғизга ўхшайди, ўнглаб қўядиганларнинг қўлини саситади». Журнал ёки газетани ўз савиясига мослаб олган редакторлар тўғрисида бундай деганди: «Редакция эшигини ўз бўйига мослаб қуриб олган, катта ёзувчилар бу эшикка сизмайди». Талантсиз ёзувчилар тўғрисида: «Бу одам адабиётга эшикдан эмас, ўғри мушукка ўхшаб туйнукдан тушган», «Манавуниси кўчадан ўтиб кетатуриб, оёғи тойиб союз эшигининг ичкарасига йиқилган. Ҳалигача чиқиб кетолмайди», «Ўзи ёзолмайди, адабиётда мен ҳам борман, деб мажлисларда овоз чиқазиб туради», дерди. Адабиётга ҳадеб аралашаверадиган баъзи бир лавозимли кишилар тўғрисида куйиб гапирарди. «Нима учун жароҳга, беморнинг у еридан эмас, бу еридан кес, демайди. Нима учун учувчига, самолётнинг у мурватини эмас, бу

мурватини бура, демайди, нима учун арқондаги дарвозга, манавунақа юриш керак, деб кўрсатмайди. Адабиётни осон иш деб ўйласа керак, хадеб, анаундоқ ёз, манавундоқ ёз, деб ўргатаверади».

Баъзан мажлисларимиз эзма нотиклар ҳисобига чўзилиб кетарди. Кўпчилик чекиш баҳонасида чиқиб кетарди. Абдулла Қаҳҳорга сўз берилиши билан ҳамма гур этиб яна залга кирарди. Ўша йиғинда энг керакли гапни Абдулла ака айтарди. Айтганда ҳам ўзига хос, қаҳҳорона қилиб айтарди.

Абдулла ака фикрини ҳеч ким айтилмайдиган, ҳеч кимнинг эсига келмайдиган образли қилиб айтарди.

«Толстой бобонинг асарлари қазига ўхшайди, чайнаган саринг мазаси чиқаверади», деган гап ҳам Абдулла акадан қолган.

Ҳамза номидаги академик театрда бир пьеса қўйилди. Асар ҳеч кимга ёкмади. Абдулла ака бу тўғрида бундай деди:

— Бу асар театрни бой қилиши мумкин. Томошабиндан киришига ҳам, чиқиб кетишига ҳам пул олиш керак. Айниқса, томоша тугамасдан ташлаб чиқиб кетадиганлардан ҳар қанча сўрасанг беради.

Ўлмас Умарбеков ёшлар орасида кўзга кўриниб қолган ёзувчилардан эди. Республика газета-журналларида яхши-яхши ҳикоялари босиларди. Абдулла Қаҳҳор ҳам унинг ҳикояларини кузатиб юрган экан. Бир куни боғда айланиб юрганимизда: «Шу бола анча пишиб қолди. Келгусида дурустгина ёзувчи бўлади», — деди.

Союз секретариатининг навбатдаги йиғилишида бир неча ёш ёзувчилар союз аъзолигига ўтади, деб эшитдимда, Ўлмасга телефон қилиб, союздан анкета олиб, аъзоликка ўтиш ҳужжатларини тайёрлашини айтдим. Ўзим тавсия ёздим. Иккинчи тавсияни Абдулла акадан оламиз, деб, у кишининг боғига бордик.

Абдулла ака очик чехра билан кутиб олди. Ўлмасга ҳикояларини ўқиганини, ўқиганлари асосан маъқул бўлганини айтди. Бир қанча маслаҳатлар берди. Қайси классикни кўпроқ ўқиш кераклигини, умуман ҳикоячи бўлман, деган ёш ёзувчи албатта ва албатта Чеховни астойдил ўрганиши кераклигини тайинлади. Кейин ҳозир қанақа ҳикоя ёзмоқчилигини сўради.

Ўлмас Умарбековнинг фикр доираси кенглиги, кўп ўқиганлиги, ўзини тутиши, одоби унга ёқди.

Мен домлага Ўлмасни Союзга ўтказсак, атайлаб сиздан тавсия олгани келдик, деб айтдим. Абдулла ака ўйла-

ниб қолди. Унинг ҳозирги ҳолатидан тавсия ёзиб бермаслиги шундоққина билиниб турарди.

— Ҳозир ёзиб беролмайман. Майли, ўн беш кундан кейин ёзиб беришим мумкин.

Қизиқ гап бўлди-ку. Ўн беш кунда камчилиги бўлса тузалиб, таланти бўлмаса талантли бўлиб қолармиди? Гапни ҳазилга бурдим:

— Домла, ёзишга ҳозир қоғозингиз йўқмиди? Бирон жойдан ўн беш кундан кейин қоғоз берамиз, деб ваъда қилишганмиди? Агар ҳўп, десангиз, бир-икки пачка қоғоз бериб туришим мумкин.

Абдулла ака кулиб юборди.

— Э, шоир-е, қоғоз кўплигидан ёзувчи кўпайиб кетяпти-да. Қоғоз кўп, деб ёстиқдек-ёстиқдек романлар пайдо бўляпти. Гап қоғозда эмас. Гап Ўлмасни эҳтиёт қилишда. Уни ёмон ёзувчилар сафига эмас, яхши ёзувчилар сафига кўшайлик.

Домланинг жумбоққа ўхшаган гапларига Ўлмас иккимиз тушунолмадик. Ўлмас икки қулоғигача қизариб, бурнининг учи терлаб, ҳижолатдан ўзини қаёққа кўйишини билмасди. Абдулла ака бир сўзли одам бўлганидан гапидан қайтмади. Ўлмас икковимиз ўсал бўлиб қайтиб кетдик. Орадан роппа-роса ўн беш кун ўтганда Абдулла ака «Муштум»га телефон қилди:

— Ўлмасга айтинг, келиб тавсияномасини олиб кетсин.

Абдулла Қаҳҳор «Ўлмас Умарбеков яхши ёзувчи бўлиб етишди, уни Ёзувчилар союзи аъзолигига ишонч билан тавсия қиламан», деб ёзган эди.

Орадан бир ойча ўтиб, Ўлмас Союз аъзолигига қабул қилинди. Қабул пайтида Абдулла ака сўзга чиқиб, адабиётимизга пишиқ, билимли, маданиятли бир адиб кириб келганини ишонч билан айтди.

Мажлисдан кейин домла Ўлмасни табриклар экан, ўша кунни нима учун тавсия ёзиб бермаганини айтиб берди.

— Секретариатнинг ўша йиғилишида тўртта ниҳоятда талантсиз қаламкашни Союзга олишмоқчи эди. Ҳарчанд қаршилик кўрсатсам ҳам, гапим ўтмади. Уларнинг бири театрда пьеса қабул қиладиган, бири грампластинка идорасида шоирларнинг овозини ёзиш бўйича редактор, яна бири нашриётда бўлим мудирини, бири киностудияда ёзувчиларга таржима берадиган бошлиқ экан. Уларнинг биронтаси адабиётда из қолдирмайдиган «ўлик жонлар» рўйхатини тўлдиришдан бошқага ярамайдиган кишилар

эди. Мен Ўлмас ўшалар билан Союзга кирмасин, таржимаи ҳолида «шундоқ талантсиз кишилар билан союзга ўтган» деган хотира қолишини истамагандим.

Абдулла ака башорат қилган экан. Ўша кишилар адабиётга иш бермади. Ўзидан-ўзи сирғалиб, Союз аъзолари сафидан чиқиб кетди.

Орадан шунча йиллар ўтса ҳам, Ўлмас ўша воқеани тез-тез эслаб туради.

Олтмиш бешинчи йил бўлса керак. Ўзбекистон радиоси Бухоро областига бағишлаб каттагина эшиттириш қилди. Бухоро радиосининг ходими ёш ёзувчи Неъмат Аминов бир ҳажвий ҳикоясини ўзи ўқиди. Ҳикоя қаҳрамони орқада қолиб кетган, ўтмишда ҳам дурустгина иш қилмаган, лекин ўзини «хукумат учун катта ишлар кўрсатган» деб билади. Унда на илм, на ҳунар бор. Қандайдир кичкинагина архив идорасида қоровуллик қилади. Ёзувчи унинг портретини ниҳоятда жонли қилиб тасвирлаган.

Абдулла ака ҳам радиодан эшитган экан. Мендан автори ким, қанақа одам, деб сўради. Айтиб бердим.

— Кўп йиллардан бери Бухородан проза ёзадиган чикмаётган эди. Энди чиқибди. Чикқанда ҳам, ярқ этиб, бирдан кўпчиликнинг кўзига тушадиган бўлиб чиқибди. Ҳикояси шунчалик пишиқ-ки, ҳар бир сўзи орасидан Бухоро кўриниб туради. Бутун бир Бухорони буклаб-буклаб битта ҳикоянинг ичига жойлаб қўякопти. Тилини қаранг, жумлаларнинг оҳангига эътибор беринг. Бу бола-нинг кўзи ҳам, қулоғи ҳам ўткир экан. Ўзбекларнинг Зошченкоси бўлиб кетиши мумкин. Тошкентга келса бир олиб келинг, ўзини кўрай. Билими қанақа, савияси, маданияти, одоби қанақа...

Неъмат Тошкентга келганда Абдулла ака Москвага кетган эди, кўришолмадик. Янаги келганида дам олишда эди. Хуллас, Неъмат Аминов ажойиб инсон, бетакрор санъаткор устози Абдулла Қаҳҳор билан юз кўришолмай армонда қолди.

Абдулла ака олтмиш саккизинчи йилда бизни доғи хасратда қолдириб ташлаб кетган эди.

Абдулла Қаҳҳор жуда яхши таржимон эди. У таржимачиликни касб деб билмасди. У рус классик ёзувчиларининг асарларини тезроқ ўзбек ўқувчисига бир бутун ҳолда етказиш учун таржималар қиларди. Н. Гоголь, А. Чехов, Л. Толстой асарларидан намуналар таржима қилганди. Абдулла ака таржима жараёнида ўзи ҳам ўрганади. Барибир у таржимон эмас, ёзувчи эди.

Олтмиш бешинчи йили боққа домладан хабар олишга келган эдим. У қаёққадир чиқиб кетган экан. Стол устида битта дафтар тўла қорақалпоқча сўзларга луғат ёзилган. Хайрон бўлдим. Қорақалпоқлар ҳаётдан бир нима ёзмоқчи шекилли, деб ўйладим.

Абдулла ака Қибрайдаги хозтовар магазинига лампочка олгани чиқиб кетган экан, қайтиб келди. Гапдан-гап чиқиб, «луғат»ни кўрсатдим.

Абдулла ака бир ёш қорақалпоқ ёзувчисининг қиссаси кўлига тушиб қолганини, қисса унга жуда ёққанини айтди.

— Шунини ўзбекчага таржима қилмоқчиман. Қиссада жиддий гаплар бор. Йўлида тўсиқлар пайдо бўлиши мумкин. Кўп сўзларга тушунмаяшман. Шунга алоҳида луғат тузиб, биладиганлардан сўрамоқчиман.

Бу Абдулла Қаҳҳор таржима қилиб, ўзи аралашиб нашр қилдирган Тўлепберган Қаипбергенонининг «Бир совуқ томчи» қиссаси эди. Қисса ўзбек китобхонларининг эътиборини қозонди. Адабий танқид ҳам унга юқори баҳо берди.

Абдулла Қаҳҳор баҳона бўлдию Қаипбергенонининг кўзи битиб қолган булоқдек димиқиб турган ижоди ярк этиб юзага чиқиб олди.

Абдулла ака озиқ-овқат ва кийим-кечак магазинларига деярли кирмасди. У киши кўпинча маданий моллар магазинидан қоғоз, машинка лентаси ва авторучка харид қиларди. Ҳар кўчага чиққанда албатта темир-терсак дўконига кирарди. Машинага ҳар хил ключлар, катта-кичик болғаю арралар, сув тортадиган, дарахтга дори пуркайдиган моторлар харид қиларди. Боғда шунақа насосу пуркагичларнинг аллақанчаси бузилиб ётганини ўз кўзим билан кўрганман. Ҳозир ҳам боғдаги гаражда Абдулла акадан қолган уч-тўртта пуркагич, учта бузуқ насос ва аллақанча темир асбоблар бор.

«Ота касби ҳам қондан ўтади шекилли, — дерди Абдулла ака. — Отам темирчи эдилар. Мен ҳам темирни кўрсам, кўзларим яшнаб кетади. Уйга судраб келаверман».

Абдулла ака сира бекор турмасди. Ёзиб ёки ўқиб чарчаганида машина моторини кавлаштирарди. Уйга электр қўнғироқларини, розеткаларни ўзи ўрнатарди. Қачон боққа борсам отвертками, омбирми кўтариб юрганининг устидан чиқардим.

Бир куни борсам, қоғозга аллақандай схемаларни чизиб ўтирипти. Бу нима, дегандек унга қарадим.

— Менга қаранг, битта патрондаги лампочкани икки-та включатель билан ўчириб-ёндирса бўладими?

Буни сира ўйлаб кўрмаган эканман. Хайрон бўлдим. Йўқ, дедим. Биттасида ўчирилса, лампочкали патронга ток келмайди. Иккинчисини қанча бураманг, узилган симдан ток ўтмайди, дедим.

— Менам шунақа деб ўйлагандим. Бир танишимники-га борганимда айвон шифтидаги лампочкани ҳам ҳовлидаги, ҳам уйдаги включательдан ёкиб ўчирадиган қипти. Сирини сўрасам, айтмади. Ҳозир шунга бош қотириб ўтирибман.

Кибриё опа гапга аралашди:

— Домлажон, бўлмаган ишга бошингизни қотириб нима қиласиз. Шунақа майда, кераги йўқ нарсаларга ўралашиб, ёзишдан қолиб кетяпсиз...

Домла, сиз аралашмай туринг, дегандек бир қараб қўйди-да, яна гапини давом эттирди:

— Мен шу сирни билишим керак. Союзга, нашриётларга борганимда машина соатлаб кўчада қолиб кетади. Бегона одам калит солиб юргизолмайдиган секрет ясамоқчиман.

У киши гапидан қайтмайдиган одам эди. Ўша айтган «секрет»ни ясаб, машинага ўрнатди. Ўрнатди-ю кетидан ишқал чиқиб қолди. Синов пайти электр токи замыкание бўлиб, машина мотори гурр этиб ёниб кетди. Устига эски қоп, клёнқалар босиб, капотини ёпиб зўрға ўчириб олдик.

Мен ҳазиллашиб, яна «секрет» ясайсизми, деб сўрадим.

— Албатта ясайман. Машинанинг ҳаммаёғи ёниб кетса ҳам, барибир ясайман.

Абдулла ака айтганини қилди. Машина моторини ўт олдирадиган калитдан бошқа яна бир жойга включатель ўрнатди. То ўша ўрнатган нарсасини бурамаса, калит солган билан мотор ўт олмайди.

Домла магнитофонга ишқивоз бўлиб, эртадан-кечгача чувалашиб кетган ленталарни гилдиракка ўраб кунини кеч қилади. Фотографияга ишқивоз бўлиб, бир дунё ашқол-дашқол сотиб олди. Икковимиз бир бўлиб, кўш фотоаппарат билан кўринган нарсанинг суратини оламиз. Сурат бузилавергандан кейин ҳеч ким бизга сурат олдирмайдиган бўлди. Қушларнинг, қўй-қўзиларнинг суратларини олиб юрдик.

— Шуни яхши ўрганишим керак, — деди Абдулла ака. — Узоқ-яқин юртларга, чет элларга бораман. Билиб қўйган яхши-да!

Абдулла ака фотога астойдил қизиқиб, охири ўрганиб олди.

Домла Тошкентнинг энг интизомли, яхши шофёрларидан бири эди. Радиоприёмникни, қулфларни ўзи тузатарди. Фақат рўзғор ишларига қарашмасди. Нега ундай қиласиз, деб сўраганда ҳазилга оларди. «Мен қадимги замон эркаклариданман. Эркак одамнинг вазифаси — топиб келиш, хотин кишининг вазифаси — куйдириб-пишириш», дерди.

Аслини олганда, Кибриё опа у кишини анчагина «эрка» қилиб қўйганди. Опа ниҳоятда қўли ширин пазанда эди. Пиширган таомини еб тўймасдик. Абдулла акани чақмоқдек қилиб кийинтириб кўярди. Аммо у киши машинага уриниб, кунига икки-уч марта кўйлак алмаштирдилар. Опа кийимларни ювиб, дазмоллашдан сира эринмасди.

Сафарларда юрганимизда ҳам Кибриё опа бозор қилиб, «ошхона»ларнинг қозонида бирпасда бирон нима пишириб чиқарди. Боғ ишларига ҳам ўзи одам топиб келарди.

Кибриё опа Кисловодскка кетганда Абдулла ака ўт босиб кетган гулзорни кетмонлайман деб, уч-тўртта яхши атиргулнинг томирига кетмон уриб юборибди. То Кибриё опа келгунча ўша гуллар қуриб қолди.

Абдулла ака уйда ҳам, боғда ҳам меҳмонга ўхшаб юрарди. У фақат ёзарди, ўқирди, машина тузатарди.

Хотини уёқ-буёққа кетган пайтларда у киши худди етим болага ўхшаб, бўйнини қисиб юрарди.

Очигини айтганда, Абдулла акага жуда рўзғорбоп, уйим-жойим дейдиган, эрни кафтида кўтариб юрадиган ажойиб хотин учраган эди. Кибриё опани мактаб қолган пайтларимизда у тўппа-тўғри, гапинг рост демай, ўзига хос жавоб қайтарарди.

— Хотин олишга уста бўлиб кетганмиз-да, — дерди.

Эр-хотин янги келин-куёвлардек бир-бирини ялаб-юлкаб яшашарди. Уларнинг ораларида «қора мушук» ўтишига Кибриё опанинг баъзан ательега бориб туриши сабаб бўларди.

У кишини ательега Абдулла ака машинада олиб борарди. Опа бир кириб кетганича бир-икки соат қолиб кетган пайтлари ҳам бўлган. Шунинг учун опа машина ичига ўн-ўн бешта «Огонёк» журналини ташлаб қўярди. Барибир Абдулла ака бу журналларни ўқиёлмасди. Бунга сабаб қоп орқалаган, чамадон кўтарган, бола опичлаган эркагу хотинлар келиб, уни тинч қўйишмасди.

- Хой шопир, вокзалга неча пулга оборасан?
- Шопир болам, Чуқурсойга обормайсанми?
- Абай бозоригача қанча оласан?

Абдулла ака шунақалардан безор бўлиб, машинани кулфлаб йўлгага чиқиб, бетоқатлик билан Кибриё опани кутарди.

Ана шунақа ателье сафарларидан иккови жиқиллашиб, «пўм» бўлиб қайтишарди.

Барибир, улар бир-бирларига жуда меҳрибон эдилар.

Абдулла аканинг қанд касали бор эди. Кейинги пайтларда оёғи оғрий бошлади. Бир куни уйига борсам Кибриё опа Абдулла аканинг оёғини силаб, бир қўли билан китоб варақлаб, овоз чиқазиб ўқияпти. Ўшанда Абдулла ака мендан хижолат бўлиб, ҳазил килди: «Яхши эркак хотинидан 100 процент фойдаланади». Боғдаги уйнинг орқасига икки-уч жўяк қовун экишган эди. Дурустгина ҳосил берганди. Шу қовунлар пишганда Абдулла ака мени чакириб, келинг, бир қовунхўрлик қилайлик, деб қолди.

– Эти сеники, суяги меники, деган гап бор-а. Бугун шунга амал қиламиз. Бир чеккадан қовун узиб сўяверасиз. Ширини сизники, бемазаси меники.

У кишининг бундай дейишига сабаб, қанд касали бор одам ширин нарса емаслиги керак. Ўша куни тўртта қовун сўйдим. Тўртгови ҳам ширин чиқди. Абдулла акага роса алам қилди.

Ҳозир боғда тўрт туп Абдулла акадан қолган анор бор. Ҳаммаси аччиқ. Атайлаб қидирсанг ҳам бунақа аччилигини тополмайсан. Эрта баҳордан парвариш қилиб кузда ҳар бири чойнакдай-чойнакдай келадиган анорларни узаман. Еб бўлмайди. Азбаройи Абдулла аканинг ҳурмати учун бу анорларни кавлаб олиб ташламайман.

Бу боғда ажойиб шафтолилар бўларди. «Лола», «Нектар» деган луччак шафтолилар энди пайдо бўлаётган пайтлар эди. Бу боғда етти-саккиз туп шафтоли ҳосилини кўтаролмай эгилиб ётарди. Абдулла ака деярли ҳар куни шафтолихўрликка шаҳардан меҳмон бошлаб келарди. Кетишида битта пақирни тўлдириб шафтоли солиб беради.

Бир куни магазиндан янги олиб келган, зангламасин, деб салидол суртиб ташланган пақирларни бензин билан юваркан, жаҳл билан деди:

– Энди бўлди. Ҳеч кимга шафтоли бермайман. Еганча еб кетаверсин. Аммо уйига обкетишга бермайман. Шу шафтоли пишгандан бери йигирматача пақир сотиб олиб, мана шунақа қилиб мойини тозаладим. Ҳам шафтоли бер,

ҳам пақир бер. Пақирнинг ўзи-ку, майли-я, арзон нарса. Тозалаши ўлгурнинг қийинлигини айтмайсизми?!

Хар куни эрталаб тагига тўкилган шафтолиларни то-
борага териб, липа тагига опчиқиб қўяман. Ижод уйида
дам олувчилар нонуштадан чиқиб шафтоли ейишади.
Қанчаки одам бўлса, ҳаммасининг овзи тегади.

Абдулла Қаҳҳор «Тобутдан товуш» ҳамда «Аяжонла-
рим» асари Хамза театрида қўйилганда, театр ижодий
коллективига шу боғда дастурхон ёзган эди.

Мен ҳам устоз анъанасини давом эттириб «Келинлар
қўзғолони»нинг олти юзинчи спектаклидан кейин худди
ўша коллективга шу боғда дастурхон ёздим.

Меҳмонларнинг ҳаммаси Абдулла аканинг кадрдонла-
ри, дўстлари эди. Улар устозни эслаб, кўп гапларни
айтишди.

Мухтор Авезов номидаги Қозоғистон Давлат акаде-
мик театри Тошкентга гастролга келганда «Келиндер кў-
тарилиси»ни қўйди. Уларга ҳам шу боғда зиёфат бер-
дим. Шунда театр бадиий раҳбари, собиқ иттифоқ халқ
артисти Озарбойжон Мамбетов қадах сўзи айтиб шундай
деди.

— Биз биргина «Келиндер кўтарилиси» учун бу ерга
келмадик. Бизнинг театримиз Абдулла Қаҳҳорнинг «Оф-
риқ тишлар», «Шоҳи сўзана» пьесаларини ҳам сахнага
олиб чиққан. Бугун биз икки авторнинг дастурхонида
ўтирибмиз.

Кўп атоқли кишиларнинг қадами теккан бу муборак
боғ ҳали ҳам гавжум. Устоз Абдулла Қаҳҳорнинг дўстла-
ри, шогирдлари, ижодини кадрлайдиган ихлосмандлари
келиб-кетиб туришипти.

IV

«Унинг жони битта эмас, минг
битта! Ҳозир тугаб колган шамдай ли-
пиллаб ёнаётган жони башарти сўнган
тақдирда ҳам колган мингтасини
ёқиб, кейин сўнади».

А. Қаҳҳор

Олтмиш еттинчи йилнинг сентябрь бошлари эди. Ус-
тоз Абдулла Қаҳҳорнинг олтмиш йиллиги сабабли Фар-
ғона водийси китобхонлари билан учрашувга боришимиз
керак.

Эрталаб Союз биноси олдида тўплана бошладик. Бу

учрашувга Абдулла акага Лазиз Қаюмов, Матёқуб Қўш-
жонов, Одил Ёқубов, Пиримқул Кодиров, Эркин Вохи-
дов, Абдулла Орипов ва Озод Шарафиддинов ҳамроҳ
бўлиб борадилар.

Ёзувчилар союзи бир енгил машина ва бир микроавто-
бус бериши керак эди. Негадир микроавтобуснинг ўзи
келди.

Абдулла Қаҳҳор ўша кезларда қанд касалининг дар-
дини тортарди. Оғриги оёғига ўтган, юраги ҳам тез-тез
безовта қилиб турарди. Узоқ сафарга автобусда бориш-
нинг сира иложи йўқ эди. Ҳаммамиз ҳайрон бўлиб қол-
дик.

Абдулла ака индамай Союз қоровули ёнида ўтириб,
чой ҳўпларди. Унинг кайфи жойида эмас. Бирин-кетин
йиғилаётганлар билан нохушгина салом-алиқ қиларди.
Аста ёнига бориб, юпатмоқчи бўлдим.

— Домла, диққат бўлманг. Ҳозир машинамни олиб
келаман. Шу машинада бутун водийни айлантираман.

— Чарчаб қолмасмикансиз? — деди у миннатдорлик
сезилиб турган бир оҳангда.

Кичкина автобусда уйга бориб «Волга»ни миниб кел-
дим.

— Домла, машинага кимлар чиқсин? — деб сўрадим.

— Фақат икковимиз. Уларни бир-биридан ажрат-
майлик. Ўйнаб-кулиб кетишсин.

Йўлга тушдик. Абдулла ака машинанинг орқа ўринди-
гида мен уйдан олакелган ёстиққа бошини қўйиб, инда-
май ўй ўйлаб келяпти. То Оҳангарон тоғларига яқинлаш-
гунимизча ундан бирон оғиз гап чиқмади.

Куёш тоғ чўққисидан ошиб, машина ойнасига урил-
ганда йўлни кўриш қийинлашди. Абдулла ака ўтириб
олди-да, менга раҳми келгандек деди:

— Секинроқ ҳайданг, йўл кўринмаяпти. Бунақа пайт-
да битта қора кўзойнак керак бўлади. Чарчаган бўлсан-
гиз, бир оз дам олинг.

— Э, домла, бу йўлларда юравериб, ҳар бир сўқмоғи
менга ёд бўлиб кетган. Қор босиб, машина қатнови тўхта-
тилган пайтларда ҳам довон ошганман.

Баҳайбат тоғларнинг терскай томонига ҳали офтоб
тушмаган. Чўққилардан ҳатлаб ўтган қуёш нурлари тонг
туманларига қоришиб, водийни аллақандай сирли парда-
га чулғаб олган. Эрта куз нафаси теккан ўрик туплари
елкасига қизил тўнани ташлаб улгурган. Улар офтоб
тигида гулхандек ял-ял ёнаётганга ўхшайди. Пастликлар-
да нимранг туман папирос тутунидек судралади. Саҳарги

шудринг намлаган сертупроқ йўлларда кетаётган пода орқасидан тўзон кўтарилмайди.

Ҳаво тоза ва тиниқ.

Хайратомуз манзаралар ҳар қандай тунд одамнинг ҳам бахридилини очиб юборади. Лекин, Абдулла ака очилмади.

Ойнадан жимгина қараб келаркан ўзича гапирарди:

— Ўрол Тансиқбоевнинг қанчалик реалист рассом эканига энди тан бердим. У чизган тоғ манзараларида худди шунақа салқин шамол эсиб туради.

Абдулла аканинг нима учун бундай деяётганини билиб турибман. Унинг уйида Тансиқбоевнинг ўзи 1957 йили совға қилган бир пейзаж бор. Унда худди ҳозир кўриб турган жойларимизга ўхшаш кенгликлар тасвирланган. Абдулла Қаҳҳор баъзан шу суратга узоқ тикилиб, хаёлга толарди.

Санъаткор чизган сурат билан ҳақиқий манзара ўрта-сида деярли тафовут йўқлигидан ҳайратланаётган эди.

Устоз Абдулла ака ўз одати бўйича ҳар қандай жиддий гапни ҳам ҳазилга олиб, образли қилиб айта оларди.

— Тавба. Бундоқ ўйлаб қарасам, бизнинг уйдагиларнинг ҳаммаси қарибди. Кўриб турибсиз, мен бу ахволдаман. Кибриё операциядан кейин ҳалимдеккина бўлиб қолди. Аний судралиб юрипти. Ҳатто итимиз Жул ўлгур ҳам вовуллашга дармони келмай, иягини қимирлатиб қўяколадиган бўпти.

Унинг бу гапларида қандайдир бир умидсизликка ўхшаш мунг бор эди.

— Нима бўлди, қариликни бўйинга оляпсизми? — дедим гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлиб.

— Рост-да. Манави тоғларга қараб туриб, одам боласининг умри нақадар қисқа эканига ҳайрон бўляпман.

Ростини айтсам, хасталик у кишини анчагина енгиб қўйганга ўхшарди. Лекин домла ниҳоятда иродаси мустаҳкам одам эди. Ҳозирги ҳолати ўткинчи бир кайфият эканини ҳам билардим.

— Ҳали қиладиган ишларим кўп. Авжи кучга тўлган пайтларимда ёзиб қолишим керак эди. Мажлисларда гап талашиб умрни ўтказиб қўйибман. Шунинг ўрнига ёзсам бўлмас эканми? Илгари ёзиб бўлганимдан кейин қўлёзма-ни фақат қисқартирардим. Энди ёзганимни қисқартиролмаяпман. Гап қўшиб, шишириб юборяпман. Бу қариликдан дарак. Одам қариганда эзма тортади. Менга қаранг, сиз билан танишганимизга неча йил бўлди?

— Ўттиз бир йил, — дедим орқага ўгирилиб.

— Вой-бў. Шунча йил бўптими, а? Сизни кўп хафа қилганман. Ҳаммаси эсимда. Чидадингиз. Бошқа одам бўлса ташлаб кетарди. Мана шу иродангиз учун ҳам сизни ҳурмат қиламан. Лекин ҳеч қачон сизни бекорга хафа қилган эмасман. Яхши ёзувчи бўлсин, адабиётда ўз овозини топсин, ўқувчи ордирсин, дедим.

Абдулла ака шундай деб туриб аллақандай бир гапни айтишга қийналиб, бир оз жимиб қолди.

— Юбилейни ўтказиб олайлик, ундан кейин мен билан борди-келди қилманг. Уйимга ҳам келманг. Шундай қилсангиз, ўзингизга фойда. Сиз ҳали яшашингиз керак. Менинг ёнимда бўлсангиз, буёғига косангиз оқармайди. Мен кетиб қолсам, сизни турткилаб кун беришмайди...

Абдулла ака томоғига бир нима тикилиб қолгандек гапиролмай, елкамга беозор уриб қўйди.

Кўнглим бузилиб кетди. Наҳотки домла рози-ризолик қиляпти? Наҳотки бу гаплари васият бўлса?!

Абдулла аканинг гапида жон бор эди. Домлага кейинги пайтларда тез-тез «хужум» бўлиб турарди. Асарларига ноҳақ танқидлар босиларди. Мен у кишининг шогирди бўлганим учун танқидларнинг бир учи менга ҳам тегиб ўтарди. Хикояларим газета редакцияларида ойлаб туриб қолар, номим рўйхатлардан ўчириларди. Бунини Абдулла ака ҳам сезиб юраркан.

Ўттиз бир йил ёнида юриб, ҳеч қачон бунақа кайфиятда кўрмаган эдим. Бир нима қилиб алаҳситиб юбормасам бўлмайдиган эди.

— Шу дейман, домла, дарров хотинингизни соғиниб қолдингиз шекилли?

— Гап соғинишда эмас-ку, аммо Кибриёсиз якка ўзим ҳеч қаяққа бормаганман. Ҳаммавақт носқовоқдек ёнимда олиб юрганман.

Автобус орқада қолиб кетди. Бир оз тўхтаб кутмасак бўлмасди. «Тангатоппи» қишлоғида, бурилишда тўхтадим. Абдулла ака ҳам машинадан тушиб, оёғининг чигилини ёзиш учун уёқдан-буёққа юра бошлади. Юриб туриб, бояги узилиб қолган гапини давом эттирди:

— Қанд касали энг расво касаллардан. Ўн беш йилдан бери кунига неча мартадан ўзимга ўзим инсулин укол қиламан. Шу Кибриёнинг парвариши билан яшаб келаман. Толеимга яхши хотин учради. Баъзан уни бекордан-бекорга хафа қилиб қўяман. Қандай қилай, ҳар тўқисда бир айб дегандек, феълим шунақа.

Автобус етиб келди. Тоза ҳаводан бир оз нафас олиш

учун ҳамроҳлар ҳам пастга тушишди. Мен Абдулла акадан, то Кемшик довонига кўтариладиган жойгача Эркин билан Абдуллани ёнимизга олсак қандок бўларкин, деб сўрадим.

— Кўйинг, бошқалар хафа бўлишади. Сизни зериктириб кўйдим шекилли. Энди унақа бўлмайди. Кўнглим тўлиб турган эди, бир айтдим-кўйдим-да. Назаримда, худди бу томонларга охириги марта келаётганга ўхшайман. Шунга сал кўнглим бузилиб турганди.

Довонга кўтарилиш жойида Адҳам Ҳамдам бошчилигида фарғоналик ёзувчилар бизни кутиб туришган экан. Ҳаммамиз ўтириб, Кибриё опа тугиб берган овқатларни ўртага кўйиб, баҳам кўрдик.

Йўлнинг буёғига машинага Адҳамни чиқазиб олдик. У ниҳоятда қувноқ, ўзига тортимли одам. Абдулла ака ҳам баъзи-баъзида Адҳам айтган латифаларни эслаб кулиб юарди.

Адҳам йўл-йўлакай аллақанча латифаларни айтиб ташлади.

Абдулла ака яйраб-ййраб кулди. Баъзан менга қараб:

— Шоир, кўп кулманг, йўлга қаранг, пастликда ер кўринмай кетган, бошимиз булутга тегиб турипди. Эҳтиёт бўлинг, — деб таъкидлаб кўярди.

Довон ошишимиз билан Ўрол Тансиқбоев картиналарига ўхшаб, хира туман пардаси ичиди Фарғона водийси манзаралари кўрина бошлади.

Ўқ изидек текис йўлнинг учи кўм-кўк боғлар орасига санчилиб, кўринмай кетган. Сирдарёнинг ёйилиб оқадиган жойлари дарахтзорлар орасида ойна парчасидек ялтираб қолади.

— Дарёга етмай, ГАИ пости олдида бирпас тўхтанг, — деди Абдулла ака.

Машина тезлигини пасайтира бошладим. Пост олдида келиб тўхтатдим. Абдулла ака пастга тушиб «Ашт — 40 км» деб ёзилган ўнг томондаги йўл бошига бориб, ўтиришга жой қидирди. Автобус бекатидаги офтобда қовжираб, қийшайиб кетган скамейкага ўтириб, атрофни гамгин кузатди.

Шу йўл Абдулла ака туғилган, болалиги ўтган Ашт кишлоғига олиб борар эди. Адҳам билан иккимиз халақит бермаслик учун машинани нарироққа обориб, гаплашиб ўтирдик. Орқада қолиб кетган автобус келганда, кетаверинглар, етиб оламиз, деб уларни ўтказиб юбордик.

Чамаси йигирма минутча Абдулла ака скамейкада ўй ўйлаб ўтирди. Кейин аста юриб машинага чиқаркан, мен-

дан битта сигарета сўради. Домла чекмасди, хайрон бўлдим.

Йўлга чиққанимизда Абдулла ака шивирлагандек деди:

— Мана шу йўлдан дадамга эргашиб Қўқонга кўп келганман. Онам билан аравада ўтганман. Ёшлигим шу йўлларда қолиб кетган...

Кейин Абдулла ака қишлоғини эслаб, яна баъзи гапларни айтиб берди:

— Ашт — темирчилар қишлоғи. Бу ерда яшайдиганларнинг ҳаммаси темирчи. Болалари ҳам, неваралари ҳам темирчи бўлади. Албатта битта қишлоққа шунча темирчи кўплик қилади. Аштликлар ўғлини уйлагандан кейин, темирчилик асбоблари билан бошқа шаҳарга кузадади. Бутун Фарғона водийсидаги, Тошкент, Мирзачўл тарафлардаги жамики темирчилар Ашtdан. Бу хунарни эгаллаган болалари бошқа юртларда дўкон очадилар. Менинг дадам ҳам отасидан хунар ўрганиб, Бувайдага кўчиб келган экан. Йигирма еттинчи йилмиди, hozир аниқ билмайман. Рўза айни саратон пайтига тўғри келганди. Темирчиларга бунақа пайтларда қийин бўлади. Шундай иссиқда олов олдида ишлаш осонми. Тез-тез сув ичиб турмаса бўлмайди. Рўза тутишнинг сира иложи йўқ. Дадам вужудидан тер қўйилиб, дам-бадам сув ичиб турарди. Мачитнинг имоми: уста Абдуқаххор кофир, рўзанинг куниди сув ичяпти, деб Оқсоқолга хабар берипти. Оқсоқол тўрт-беш одам билан келиб, дўконимизни буздириб ташлаган эди. Ўшанда онамнинг овоз чиқармай йиғлагани сира кўзимдан кетмайди...

Қўқонда нечундир адабий кеча планлаштирилмаган экан. Абдулла ака бир-икки соат Қўқонни айланишимизни айтиб, ҳамроҳларимиздан узр сўради.

Икковимиз машинада Қўқоннинг эски маҳаллаларини айландик. Бир вақтлар яшаган уйини топдик. Нураб, қаровсиз бўлиб кетган эди. Қийшайиб қолган гувала деворга аранг илиниб турган бир табақали эшикнинг суратини олиб қўйдим. Кейин «Қайнарбулоқ»қа бордик. Кўпдан сайилга чиқилмаганидан қаровсиз қолган толзор оралиғидаги сон-саноксиз булоқлар бетида чириган хазонлар сузарди.

— Бу жойда жуда катта базмлар, сайиллар бўларди. Юсуф қизиқлар, Эрка қорилар сайилларни гуллаштишарди. Манави томонга дор тикиларди. Тонг отгунча мушак-бозлик бўларди. Жой ҳам одамга ўхшаб қариб қоларкан. «Қайнарбулоқ» ҳам менга ўхшаб қариб қопти.

«Ойдинбулоқ» деган сайргоҳга ўтдик. Бу жой озода.

Хаммаёқ супурилган. Икки-учта чойхона самоварчилари бир-бири билан бас бойлашгандек сўриларга чўгдек гиламлар, атлас якандозлар тўшашган эди. Учта чойхонада баробар учта магнитофон қўйилган. Бирида Таваккал, бирида Муроджон, бирида Маъмуржон Узоқов қўшиқ айтяпти. Уларнинг овозлари бир-бирига аралашиб кетарди.

Абдулла аканинг чехраси ёришди. Чой буюриб, бирпас самоварчини гапга солиб ўтирди. Мен Абдулла акага, ҳали кўп йўл юришимиз кераклигини, уёқда ҳамроҳларимиз кутиб қолганини айтганимда, истамайроқ ўрнидан турди. Назаримда, шу жойда яна бир оз ўтиргиси бор эди.

Қайтиб келганимизда Фишткўприк ёнбошидаги чойхонада Қўқон шоирлари, артист ва созандалари Абдулла ака билан дийдор кўришгани тўпланиб туришган экан. Чархий домланинг илтимоси билан Муқимий хужрасига бордик. Домла ошга тайёргарлик кўриб қўйган экан. Боришимиз билан гуруч солди. То ош дам егунча Абдулла ака ҳамроҳларимиз номидан эсдалик дафтарига истакларини ёзди. Хаммамиз имзо чекдик.

Шу кундан бошлаб Абдулла акани сира ғамгин ҳолатда кўрмадим. Ҳамма вақт қувноқ, ёр-дўстлари билан ҳазил қилар ёки Қўқонда яшаган пайтларида бўлиб ўтган кизик воқеаларни айтиб, ҳаммани кулдирадди.

Фарғона ҳам Андижону Наманганда учрашувлар жуда самимий, жуда чиройли ўтди. Эркин Воҳидов билан Абдулла Орипов энди адабиёт майдонига кириб келаётган талантили ёшлар эди. Улар учрашувларда шеър ўқиб, қарсақларга кўмилиб кетишарди. Шундай тантаналарнинг бирида Абдулла ака икки ёш шоирнинг шеърларидан завқланиб шундай деган эди:

— Навоий ҳам шу ёшида Эркинчалик бўлгандир-да. Пушкин ҳам Абдулланинг ёшида бундан ортиқ бўлмагандир.

Абдулла ака чарчаб қолди, Намангандан самолётда учириб юбориб, ўзимиз яна тоғ довони орқали қайтдик.

Абдулла Қаҳҳор олтмиш йиллик юбилеи муносабати билан учинчи марта «Меҳнат» орденига сазовор бўлди. «Ўзбекистон Халқ ёзувчиси» деган шарафли унвон олди.

Лекин... Лекин, кундан кунга соғлиғи ёмонлашиб борарди. Олтмиш саккизинчи йилнинг мартада анча оғирлашиб қолганди. Врачларнинг маслаҳати билан Москвага даволанишга бормаса бўлмайдиган эди.

Даволангани эртага Москвага кетишини эшитиб, ет-

тинчи апрель куни Ўлмас Умарбеков билан кўргани бордик, Кибриё опа йўлга у-бу харид қилишга кўчага чиқмоқчи, ammo Абдулла акани ёлғиз ташлаб кетолмай хайрон бўлиб турган экан.

Абдулла ака бизни кўриш билан:

— Кибриё, юқорига чиқиб китобни олиб тушинг, — деди.

Ўша кезлари Абдулла аканинг олти томлик танланган асарлари босила бошлаган эди. Кибриё опа «Танланган асарлар»нинг биринчи жилдини олиб тушиб берди.

— Шоир, — деди Абдулла ака менга қараб. — Бундан олти йил олдин мендан «бирон китобингизни ёзиб беринг», деб сўраган эдингиз. Ўшанда бермаган эдим. Мана, энди олинг.

У шундай деб, китобни қўлимга берди. Нима ёзган экан, деб дарров очиб ўқидим.

«Яхши, лекин мени кўп куйдирадиган шўх ва бевош шоғирдим Сайдахмадга А. Қаҳҳор».

Китобга дастхат ўтган йилнинг ўнинчи октябрида ёзилган эди. Нима учун шу пайтгача менга бермаган экан? Кунда бўлмаса ҳам кунора кўришиб турган эдикку! Шунда бирдан Абдулла аканинг бундан олти йил олдин айтган гаплари эсимга тушди. Ўшанда ҳазилми, чинми: «Ўладиган — фанимат одамдан эсдалиқ олинади» деган эди.

Наҳотки «соғлиғим ёмонлашса бераман, ахволим дурустлашса бермайман», деб сақлаган бўлса?!

Кўнглимдан ўтган гапни сездирмай китобни эҳтиёт қилиб, папкага солиб қўйдим.

Саккизинчи апрель куни Абдулла ака самолётда Москвага кетди. Уни самолётга носилкада олиб чиққан эдилар. Кибриё опа: «Домлажон, туфли олишни унутибмизку», деганда Абдулла ака: «Қайтишда оёқ кийими керак бўлмас», денти.

Кейинги икки-уч ой давомида Абдулла аканинг гапсўзлари умри тугаб бораётган одамнинг пинҳоний видолашишига ўхшарди.

Ўша куни Абдулла ака менга бир гап айтган эди:

— Энди сизга қийин бўлади. Минбаъд хато қила кўрманг. Оёқостида қолиб кетасиз...

Бу менга ўттиз йил таълим берган, ўттиз йил хатоларимга қуйиб, жиндаккина ютуғимга қувонган, ниҳоятда каттиққўл устозимнинг охириги сўзлари эди.

Абдулла ака ўша сўнги учрашувда бир илтимос қилган эди. Йўқ, илтимос эмас, васият экан.

— Абдужамил аканинг ўлим олдидан қилган илтимосини бетоб бўлиб қолганимдан бажара олмадим, шуни сизга топшираман.

Абдужамил ака «машхур қолхоз раиси, Меҳнат Қаҳрамони, Абдулла аканинг энг қадрдон дўсти Матқобулов эди. У киши ҳам қанд касалига мубтало бўлиб, охири қорасонга айланиб кетганидан икки оёғи кесилган эди. Абдужамил ака ўлими олдидан Абдулла акага юз сўм бериб, Бешариққа борганингизда гўрковга беринг, даданинг қабрини тузаттириб қўйсин, энди мен у томонларга боролмайдиган бўлиб қолдим, деб тайинлаган экан. Абдулла ака қиёмат қарз бўйнимда қолиб кетмасин деб, ўша пул солинган конвертни қўлимга берди. Конверт устига «Абдужамил ака, 100 сўм» деб ёзиб қўйилган эди.

— Сиз Бешариқдан кўп ўтасиз. Энди икки киши бўлиб илтимос қиламиз, шу васиятни сиз бажаринг.

Мижжамга йиғилиб қолган кўзёшларимни ютиб: «Хотиржам бўлинг, домла, албатта айтганингиздек қиламан», деб сўз бердим...

Устоз Абдулла Қаҳҳор билан қайта юз кўришиш насиб қилмади.

Боғу роғлар гулга бурканган, қушлар нағмаси авж пардаларга чиққан баҳор кунларининг бирида Абдулла акадан айрилиб қолдик.

1988 йил.

МИНГ БИР ЖОН

Жаҳон хикоячилигининг бетакрор усталаридан бири Антон Чехов инсоннинг қиёфаси ҳам, либоси ҳам, қалби ҳам чиройли бўлиши керак, деган. Назаримда, Чехов шу сўзлар билан бўлғуси садоқатли шогирди Абдулла Қаҳҳорнинг суратини чизиб кетгандек эди.

Абдулла Қаҳҳор чинакамига чиройли одам эди. Унинг қалбида инсонга, табиатга, жамики мавжудотга буюк муҳаббат жўш уриб турарди. Қўшиқ тинглаганда сەя бўлиб тебранарди. Адабиётимизда пайдо бўлган яхши китобларни кўлига олганда юзлари нурланиб кетарди. Фандаги ҳар бир ютуқ уни ҳаяжонга соларди. Эсимда, Гагарин фазога учган кун иёзувчилар боғидаги кекса чинор тагида кўпчиликка ош тортган эди. Ва, шунда у «бу инсон заковатининг бекиёс валабаси», деган иборани биринчи бўлиб айтган эди.

Олтмиш еттинчи йилнинг эрта кузида Фарғонада Абдулла Қаҳҳорнинг олтмиш йиллигига бағишланган адабий кеча бўлди. Ўша пайтда адабиётимизга эндигина кириб келган Эркин Воҳидов билан Абдулла Орипов шеър ўқиди. Шунда яхшилик кўзига қўша кўринадиган Абдулла ака бу икки ёш шоирнинг шеърларидан завқланиб кетиб, уларни дилдан табриклади.

Бекиёс рассом Ўрол Тансиқбоев яратган манзаралар олдида узоқ хаёлларга толарди. Фарғона аскиячилари қатнашган давраларда мириқиб, яйраб куларди. Юзлари, кўзлари кулиб турарди.

Абдулла Қаҳҳор инсонни бевурд қиладиган, обрўсини тўкадиган, кадр-қимматини ерга урадиган жамики нарсалардан ҳазар қиларди. Билибми, билмайми хиёнат қилиб қўйган, дўстига ёмонликни раво кўрган кишиларни ҳеч қачон кечирмасди.

У ниҳоятда жасоратли одам эди.

Эллик саккизинчи йили союзимизда «Бўрондан кучли» деган бир роман номигагина муҳокама қилинмоқчи бўлди. Шунда авторнинг баланд лавозимдаги киши бўлишига қарамай Абдулла Қаҳҳор асарнинг хомлигини очиб айтганди. Асар ланж, дам емаган ошга ўхшайди, еган одамнинг қорнини оғритади, деди. Ўшанда бир ёзувчи: асарнинг нуқсонини ҳам ўзига ярашиб турибди, деди. Бошқа бир ёзувчи дўстимиз «Асар хом бўлса бордир, аммо тагига иккитагина тараша ёқиб дағни етқазвориш мумкин», деди.

Абдулла Қаҳҳор раҳбар автор олдида ялтоқланаётган дўстларимиздан ниҳоятда ранжиган эди.

Муҳокамада айтган кичкинагина ҳақиқати учун Абдулла Қаҳҳор узоқ вақт тазйиқ остида қолди.

Худди ўша пайтда Абдулла Қаҳҳор машҳур «Синчалак» қиссасини ёзиб тамомлаган, нашриёт уни босиб чиқаришга тайёрлаётган эди. Ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлигига «Синчалак»ни олиб бормаслик ҳаракатига тушишди. Қисса нашриётдан қайтариб олиб келиниб муҳокамага қўйилди. Турли баҳоналар, китобдан нуқсон топишга уринишлар беҳуда кетди. Атоқли совет ёзувчиси Константин Симонов аллақачон қиссани таржима қилиб «Знамя» журналида эълон қила бошлаган эди.

Декада кунларида «Бўрондан кучли» танқидга учради. Машҳур ёзувчи Мухтор Аvezов бу романи ҳали поёнига етмаган, яқунланмаган хом асар, деб атади. Москва ёзувчилари «Синчалак»ка жуда юқори баҳо бердилар. Орадан сал фурсат ўтиб, «Синчалак» «Роман-газе-

та» да бир неча миллион нусхада босилиб чикди. Бу қисса Абдулла Қаҳҳорга катта шухрат келтирди.

Олтмишинчи йилларнинг бошларида Абдулла Қаҳҳор «Тобутдан товуш» деган сатирик драма ёзди. Ҳаётимизда авж олиб кетган порахўрликни фош қилувчи бу асар то сахнага чиққунча турли вийбатлар, миш-мишлар бошланди. Ниҳоят бир қанча жойига тиф тегиб асар сахнага чиқди. Томошабин уни қувонч билан кутиб олди. Аммо баъзилар «порахўрлик ҳаётимизга типик эмас», деб даъво қилдилар. Асарнинг номини «Сўнгги нусхалар» деб ўзгартиришни талаб қилдилар. Ва ниҳоят, ниятларига етдилар.

Қўкон драма театри ҳам бу асарни сахнага қўйди. Театр коллективи юқоридагиларнинг тазйиқи билан асар кучини сусайтирадиган йўл топди. Яъни бир одам томошадан олдин сахнага чиқиб: «Бугунги кўрсатадиган томошамизда бўладиган воқеалар ҳозир ҳаётимизда йўқ. Жуда узоқ замонларда бўлиб ўтган воқеалар», дейди. Ана шундан кейин томоша бошланади.

Яқин, орадан йигирма йил ўтиб, «Тобутдан товуш» республика Сатира театрида сахна юзини кўрди.

Ошкоралик, қайта қуриш даври билан бу асарнинг ҳамоҳанглигини кўриб, адиб талантига, даҳосига тан бердик. Бу асар худди шу бугун ёзилгандек, хали сиёҳи қуримагандек бўлиб туюлди.

«Порахўрлик ҳаётимизга типик эмас» деганларнинг қанча-қанчаси пора билан қўлга тушиб жазоланиб кетди.

Устозимизга ноҳақ жабрлар қилган ёзувчи эл-юрт олдида юзи қора бўлди. Абдулла Қаҳҳорни эса бугун халқимиз меҳр билан эъзозламоқда.

Эллик тўққизинчи йилнинг январини эди. Адабиёт ва санъат нашриётида бир группа ёзувчилар тўпланишиб турган эдик. Ўша куни Абдулла Қодирийнинг узоқ вақтдан бери босилмаган «Ўтган кунлар» романининг янги нашрини олиб келишмоқчи эди. Ҳаммамиз шу китобдан биттадан олишни ният қилиб техредакторни кутардик. Шу пайт Абдулла Қаҳҳор келиб қолди. Тўпланганларни кўриб, нима гап, деб сўради. Мен унга «Ўтган кунлар»ни олиб келишади, шуни кутяпмиз, дедим. Шунда у: «Кўрдингизми чинакам ёзувчини тупроққа кўмиб бўлмайти, у албатта гўрини тешиб чиқади» деб айтди.

Унинг шу гапларини ўзига қиёс қилиб айтса арзийди. Мана бугун у сафимизда турибди. Асарлари халқимизнинг муқаддас мулки бўлиб яшаяпти. Ўз халқининг шаънини улуғлаган кишилар тақдири шундай бўларкан. Мен бунга амин бўлдим.

Абдулла Қаҳҳор ёшларнинг гамхўр, меҳрибон устози ва том маънодаги тарбиячиси эди. Бугунги кунда муваффақият билан қалам тебратаётган Одил Ёкубов, Пиримқул Қодиров, Ўлмас Умарбеков, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Учқун Назаров, Худойберди Тўхтабоев, Ўткир Хошимов сингари кўплаб ёзувчилар, адабиётчилар устоз Абдулла Қаҳҳорнинг меҳридан, панд-насиҳатларидан баҳраманд бўлганлар. Уларнинг ҳар бири тўғрисида устоднинг алоҳида-алоҳида фикри бор эди.

Абдулла Орипов шеърларини ўқиганда, чўлда туғилган бу болада шунчалик эҳтирос, шунчалик қудрат қайдан пайдо бўлдийсини, деса, Эркин Воҳидов шеърларидан Фарғона водийсининг сарин шабдалари эсиб туради, бу бола адабиётимизнинг бахти, деярди.

Неъмат Аминовнинг энди бир-икки ҳикояси эълон қилинган, аммо ўзи устозни кўрмаган эди. Унинг ҳажвияларини ўқиганда, бу боланинг кўзи ўткир, қулоғи ҳамма гапни эшитар экан, ҳикояларида ҳатто Минорайи калон ҳам қулиб турганга ўхшайди, деган эди.

Яхши ижод қилиб келаётган ёшларнинг бепарволигини, йўл қўйган хатоларини сира кечирмасди. Қаттиқ, сира эсидан чикмайдиган аччиқ танбеҳлар берарди. Шунинг учун ҳам қўлига қалам олган ҳар бир ёш ижодкор «шу ёзганларимга домланинг кўзи тушиб қолса таънага қолмай», деб мумкин қадар жиддий ишлашга мажбур бўларди. У доим ёшларга: адабиёт кўнгил хуши эмас, адабиёт касб эмас, адабиёт ниҳоятда нозик хунар, деб таълим берарди. Яна у: ёзувчи жуда катта машаққатлар билан ўқувчи орттиради, у биргина хом асари билан ҳамма ўқувчисини бирданига йўқотиб қўйиши мумкин, шунга эҳтиёт бўлиш керак, деб тайинларди.

Абдулла Қаҳҳор ҳеч қачон шошиб ёзмасди. Узоқ ўйларди, узоқ ёзарди. Ёзганини қайта-қайта кўчириб, ўзгартишлар киритаверарди.

Эллик саккизинчи йилда устод менга бир қўлёзмасини совға қилган эди. У ҳеч қачон қоралама қўлёзмасини сақламасди. Нимадир бўлиб «Большевиклар» деган ҳикояси сақланиб қолган экан. Уни менга берган. Ана шу қўлёзма менинг ўқиш китобим бўлиб қолган. Кичкина ҳикоянинг ҳар бир саҳифаси уч мартадан йигирма икки мартагача кўчирилган. Ҳаммаси бўлиб беш саҳифали ҳикояга юз эллик саҳифа қороз қораланган.

Ана шунинг учун устоз ёзган асарларидан бирон вергулни олиб ташлаб бўлмайди. Бирон сўзни ўзгартириб бўлмайди. У ҳар бир сўзни заргардек эринмай, ҳафсала

билан меъёрига етказарди. Ўзининг икром бўлишига кўра, ҳикоя битгандан кейин асосий иш бошланар экан. У ёзганларини қисқартириш учун бор кучини сарфлар экан. То ҳикоя бир зарб билан, бир оҳанг билан ўқилмагунча жумлаларининг олдиндан охиригача, охиридан олдингача ўқиб таҳрир қилаверар экан.

Ана шундай жуда катта меҳнат билан ёзилган ҳикояни нашр қилишга ҳам шошмасди. Ташлаб қўйиб бирон ой ўтгандан кейин яна бир кўздан ўтказиб, баъзи жойларига қалам уриб, кейин редакцияга олиб борарди. У бизга ҳам, шошилманглар, укалар, шошилманглар, шошган ўрдак ҳам боши билан, ҳам думи билан сузади, сиз ўрдак эмассиз-ку, деярди.

Эллик еттинчи йилнинг эрта кузида ёзувчилар боғида дам олаётган эдим. Абдулла ака ўша кезлари «Синчалак» устида ишларди. Ҳар куни олдига кирганимда стол устида қиссанинг саксонинчими, тўқсонинчими (ҳозир эсимда йўқ) саҳифаси турарди. Қачон кирмай ўша саҳифага кўзим тушаверарди. Чой томиб, чанг ўтириб, офтоб тушиб саҳифа кирланиб кетарди-ю Абдулла ака ҳар куни уни янгитдан оқ қоғозга кўчириб қўярди. Мен у кишидан: мунча энди, тез-тез ёзиб ташлайвермайсизми, деганимда бунақа ишни сиз қиласиз, мен тез ёзолмайман, умуман, тез ёзадиганларни унча хуш кўрмайман ҳам, деганди.

Бир куни домладан:

— Нега қўлёзмаларингизни сақламайсиз? — деб сўрадим.

Абдулла ака нима дейишини билмай туриб қолди.

— Иложи йўқ. Бир ҳикояга икки, уч юз саҳифа сарфласам, бир қиссага минглаб саҳифа сарфласам, шунча қоғозни қаерда сақлайман. Уйимда нечта хона бўлса фақат қўлёзма билан тўлиб кетади-ку. Қаерда ётиб, қаерда ёзаман.

Олтмиш саккизинчи йилнинг март ойлари бўлса керак, Абдулла ака бетоб эди, кўргани шаҳардаги уйига бордим. Ахволи анча дуруст экан. Сухбат орасида сўрадим:

— Бирон нима ёзаяпсизми, домла?

— Ёзаяпман. Ёмон қисса ёзаяпман.

— Емон бўлса нега ёзасиз! — дея ажабланиб сўрадим.

— Ёзувчилигим тамом бўпти. Илгарилари ёзганларимни обдон қисқартирдим. Энди қисқартириш қаёқда, ҳар ўқиганимда гап қўшяпман. Эзма бўлиб қопман шекилли. Эзмалик — адабиётнинг офати!

Устоз адибнинг машҳур «Минг бир жон» ҳикоясида

шундай сўзлар бор: «Бу хотиннинг жони битта эмас, минг битта эди. Ҳозир тугаб қолган шамдек липиллаб ёнаётган жони башарти сўнган тақдирда ҳам қолган мингтасини ёқиб, кейин сўнади».

Абдулла Қаҳҳорнинг ҳам чироғи сўнди. Лекин у минг-минглаб ўқувчилари, ихлосмандлари, шоғирдлари юрагига чироқ ёқиб кетди.

Бу чироқ сира завол билмайди. Бу чироқ сира ўчмайди.

1987 йил 22 сентябрь

ЙЎҚОЛГАН КИТОБ

Эллик саккизинчи йилнинг ёз ойлари эди. У пайтда мен «Муштум»да ишлардим. Кундуз соат бирларда Абдулла ака кириб келдилар.

— Юринг шоир, гап бор.

Орқаларидан эргашиб коридорга чиқдим.

— Кибриё машинада бизни кутиб ўтирипти. Ёшлигимда фотога ҳам қизиққан эдим. Фоточилик ишқи яна қўнглимга тушиб қолди. Ҳозир «Динамо» магазинига кириб фотога алоқадор ашқол-дашқолларни оламиз. Илгари мен ишқибоз бўлган маҳалимда суврат шиша пластинкага олинарди. Ҳозир бошқача бўлиб кетган. Сиз буни яхши биласиз. Суврат олишни ҳам, чиқаришни ҳам ўргатиб қўясиз.

Хўп, дедиму биргалашиб кўчага чиқдик. Абдулла аканинг кулранг «Победа» машинаси бўларди. Кибриё опа ичида журнал варақлаб ўтирган экан...

— Абдулла акангиз сизга адабиётда йигирма йил устозлик қилдилар, энди сиз у кишига суврат олишда устозлик қилинг, — дея кулди.

«Динамо» магазинига кириб керакли жами нарсаларни олдик. Ўша пайтларда энг яхши, деб саналган «Зенит» аппаратини ҳам олдик. Пулини тўлашга навбат келганда эр-хотин тортишиб қолишди. Кибриё опа пулини мен тўлайман, деса Абдулла ака йўқ, ўзим тўлайман, дейди. Шу орада Кибриё опа аразлаб қолди. Шундан кейин Абдулла ака ён берди.

— Бўпти, тўлайқолинг. Аммо вақти келиб шу аппаратни мен олиб берганман, деб гапирмайсиз.

— Хўп, домлажон, — деди кулиб Кибриё опа.

Машинага юкларни ортаётганимизда Абдулла ака шундай деди:

— Ҳозир «Ўзбекистон маданияти» редакциясига кириб Саидадан рухсат олайлик, икки кунга сизга жавоб берсин.

У пайтларда редакция ҳозирги «Детский мир» магазинининг тўғрисидаги бинода эди. Кириб Саидахонни чақириб чиқдим.

— Саидахон, — деди Абдулла ака, — чолингизга икки кун отпуску берасиз. Менга фоточиликни ўргатади.

— Э, чакки қиласизлар. Шу фото ўлгир жонимга тегиб кеткан. Шогирдингиз куни билан кўчаларда юриб суврат олиб келади. Кечаси билан қизил чироқ ёкиб суврат ишлайди. На ёзади, на ўқийди. Бу фото ўлгир фирт вақт оладиган нарса экан. Сиз ҳам энди ишдан қолиб кетасиз, домла.

Хулласи Абдулла аканинг боғида икки кун қолиб суврат олишни, ишлаб, кўчиришни ўргатдим.

Орадан бирон ой ўтиб Кибриё опа Саидахон билан учрашиб қолади. Ҳасратидан чанг чиқиб нолийди.

— Айтган гапингиз бўлди. Ҳамма ишни йиғиштириб қўйиб, суврат олишдан бўшамай қолдилар. Ҳатто итимиз Дозорнинг ҳам сувратини беш-ўн марта олдилар. «Уруш ва тинчлик»нинг таржимасини ҳам ташлаб қўйганлар. Қисса ҳам ярмида тўхтаб ётибди. (Абдулла ака ўша пайтда «Синчалак»ни яримлатиб қўйган эдилар) «Темир оқим»ни янгитдан таржима қилган эдим. Устидан бир кўриб беринг деб, шунча тавалло қиламан, суврат олишдан бўшамайдилар. Бу фото бошимизга бало бўлди.

Олтмиш биринчи йили Абдулла ака телефон қилиб, нега дарагингиз йўқ, боққа бир келинг, шафтолилар фарк пишиб, тагига тўкилиб ётибди, деб қолдилар.

Эртасига борсам Абдулла ака бир тегирмон сув оқадиган ариқ бўйидаги сўрида чалқамча ётиб қалин бир китобни ўқияптилар. Баъзан қора қалам билан китоб саҳифаларига қандайдир белгилар қўядилар. Оёқ шарпасини сезиб китобни ёнларига қўйиб, ўрниларидан турдилар.

— Зап келдингиз-да, дунёда чалқамча ётиб китоб ўқишдан ортиқ азоб йўқ экан. Айниқса манавунақа қалин китобни. Қўлларим толиб кетди-я!

— Ўқимай қўяқолинг эди-да, — дедим кулиб.

— Жуда яхши китоб-да. Дунё халқларининг мақоллари жамланган бунга.

Абдулла ака гапини тугатмаган ҳам эди, Кибриё опа фотоаппаратни тасмасидан кўтариб келиб қолди.

— Аппарат офтобда қопти-ку. Қаранг, филофлари офтобда қизиб, буришиб кетибди.

Абдулла ака менга қараб ғалати кулиш қилди.

— Эсингиздами, бошида пулини ўзим тўлай, деганим. Ўзимники бўлса хоҳлайман офтобга қўяман, хоҳлайман сувга ботираман. Пулини хотиним тўлаган, деб эҳтиёт қилганим-қилган. Биласизми, хотин кишининг харжлаган пули латтага тугиб, эшик тепасига осиб қўйилгандек гап. Кирсанг ҳам бошингга тегади, чиқсанг ҳам. Мендан сизга насихат, асло хотин кишининг пулига нарса олманг.

Бу гапларни Абдулла ака албатта ҳазил қилиб айтаётган эди.

— Боя манаву китобни гапираётган эдим. Жуда нодир китоб, ўқиган сарим ажабланаман. Жанубий Америка халқларининг мақоллари ўзбек мақолларининг айнан ўзи. Ахир, бу халқлар ўтмишда бир-бирларини мутлақо билмаганлар. Аммо мақоллари бир хил. Бизнинг йигирмага яқин мақолимиз Африка халқларида ҳам бор экан. Тил бошқа, дин бошқа, урф-одатлар бошқа. Икки ўртада ҳеч қандай алоқа бўлмаган. Аммо мақоллари бир хил. Бу китобни ҳафсала билан ўқияпман. Бошқа халқлардаги бизникига ўхшаганларини териб чиқяпман. Мақол ҳақида каттагина бир мақола ёзиш ниятим бор. Фольклорчилигимизга фойдаси тегадиган мақола бўлиши керак деб ўйлайман.

Шу йилнинг кузида Абдулла ака шамоллаб қопти, истимаси баланд эмиш, деб эшитдим у шаҳардаги уйига бордим. Истимаси тушиб, анча дуруст бўлиб қолган экан. Аммо ўзи ниҳоятда тажанг эди. Нима бало, эр-хотин ўртасидан қора мушук ўтдимикин, деган ўйда Кибриё опага қарадим. Юзида ғашлик аломатини кўрмадим.

— Нима гап бўлди? Домла сал ғалати роқмилар?

— Э, сўраманг, — деди у. — Эрталабдан бери мени ҳам диққат қилиб юбордилар. Ху, ёзда кўрганингиз «Дунё халқлари мақоллари» китобини тополмаяптилар. Уйни йиғиштирганда бирон жойга тиқиб қўйгансиз, деб мендан кўряптилар. Уйдаги китобларни бир-бир қўлдан ўтказдилар. Йўқ.

Абдулла ака шприц кўтариб кирдилар. У киши узок вақтдан бери қанд касалининг азобини тортардилар. Фақат ўзларигина ишлатадиган шприц билан ўзларига ўзлари укол қилардилар.

Гап нима тўғрида кетаётганини билган Домла шприцни никел қутичага жойлар экан ўзича ғудранди:

— Кеча кечқурун бор эди. Манаву стулда эди. — У диваннинг бош томонига қўйилган юмшоқ стулга ишора қилди. Эрталаб қарасам йўқ. Ўғри келса китоб оладими?

Кеча уйга Хамза театридан меҳмонлар келишган экан. Абдулла ака уларга шу китобдан баъзи мақолларни ўқиб берган экан.

— Ўртоқларингиздан биронтаси кайфда олиб кетгандир, — деди Кибриё опа.

Абдулла ака хотинига зардали бир қараб қўйди.

— Уларга тил тегизманг. Хаммаси дуруст одамлар. Бунақа китобни артистларга кераги ҳам йўқ. Чой опкелинг.

Кибриё опа чиқиб кетгандан кейин у:

— Гапи тўғри. Ўшалардан бири олган. Биладан, қайси бири олганини биламан... — У машҳур бир артистнинг номини айтди. — Биз шунақа китобларни ҳам ўқиймиз, деб мақтаниш учун олган.

— Қўйинг, домла. Академкнигада танишим бор, шу китобдан битта топтириб бераман.

— Энди кераги йўқ. У китобда юзлаб белгиларим бор эди. Қайта ўқиб белги қўйиш учун икки-уч ой керак. Э, аттанг, бугун-эрта мақолани бошлайман, деб турган эдим.

Хали-бери унинг тажанглиги босиладиган кўринмасди. Бирон гап билан чалғитмоқчи бўлдим. Домланинг Дозор деган ити бор эди. Бегона одамнинг шарпасини сезиши билан вовуллаб хабар қиларди.

— Домла, Дозорнинг овози эшитилмаяпти? — дедим.

Абдулла ака айтмоқчи бўлган гапи ўзига нашъа қилди шекилли кулимсиради.

— Нимасини айтасиз, бошимизга жудолик тушди. Шоир рихлатга равона бўлдилар.

— Ия, — дедим хайрон бўлиб. — Дозор ҳам шоирмиди?

— Ха, у итларнинг шоири эди. Хатто тахаллуси ҳам бор эди. Дозориддин Дўрмоний номи билан машҳур эди. Марҳум қофияси билан вовиллаб, вазни билан увилларди. Кибриё, тунов кунги лавҳани олиб чиқинг.

Абдулла аканинг тажанглиги бироз ёзилганидан севиhib Кибриё опа зинадан лапанглаб иккинчи қаваатга, Абдулла аканинг иш кабинетига чиқиб кетди. Зум ўтмай тахта зинани вичирлатиб қўлида бир фото суврат билан тушди.

Домла ишлаб чарчаган пайтларида эрмак учун қизиқ-қизиқ ишлар қиларди. У бир тахта қоғозга худди қабр тепасига қўйилган мрамар лавҳага ўхшатиб суврат чизибди. Унда араб алифбосида ёзувлар бор эди: «Дозориддин Дўрмоний, таваллуди 1953, вафоти 1961. Бир гуруҳ сакбаччалардан ёдгорлик» деб ёзилган эди.

Домла шу лавҳани гараж деворига ёпиштириб суврагини олган экан.

Бунақа ҳазиллар бошқа буюк шахсларда ҳам бўларди. 1948 йилда Ғафур Ғуллом ҳам касал тегиб ўлган товугини ховли этагига қўмиб, шогирдлари билан мотам маросими ўтказган эди. Аввал ўзи товукнинг таржимаий ҳолини айтиб, марсия ўқиганди. Бизлар мотамсаро қиёфада мархумнинг тухумини, тухумидан бўлган қуймоқларни эслаб, жўжаларидан пиширилган қовурдоқларни, табакаларни армон билан ёдга олгандик.

Дозорни эслатиб яхши қилган эканман. Домла китобни унутиб, уёқ-буёқдан гаплашиб ўтирдик. Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Трубкани домланинг ўзи кўтарди. Ким биландир гаплашиб майли, майли келинг, деди.

— Ким экан? — деди Кибриё опа қизиқиб.

— Ким билан гаплашганимни билишингиз шартми? Хотиржам бўлинг, эркак киши билан гаплашдим.

— Вой, домлажоне, сўрасам нима қипти. Кел, дедингиз. Келса овқат-повқат қилайми, деб сўраяпман-да.

Абдулла ака қўл силтади.

— Овқат қилишга арзимайдиган одам. Қисса ёздим, оборсам ўқиб берасизми, деб сўраяпти. Қандоқ йўқ деб бўлади.

Домла билан хайрлашиб чиқиб кетдим. Эртасига редакцияга бир бола кириб, пастда сизни Абдулла Қаххор кутиб турипти, деди. Шошилиб тушсам домла «Волга»сига суяниб турипти.

У мен билан салом-алик қилиб ўтирмай, туғилган кунингиз қачон бўлади? — деб сўради. Туғилган куним ўтиб кетган, дедим қулиб.

— Кечикиб бўлса ҳам табриклайман. Манаву совғаларни олинг, шоир. Шундай деб машина эшигини очдилар. Орқа ўриндикда битта каттакон оқ қовун. Қоғоз халтада яна нималардир бор эди. Нима қилишимни билмай туриб қолдим.

— Ҳайрон бўлманг, шоир. Кечаги телефон қилган киши қўлёзмасига қўшиб битта қовун, саккизта кабоб, тўртта нон олиб кепти. Дили оғримасин деб қайтариб беролмадим. Ҳаром нарса уйимда турмасин, дедим. Кўнглингиз тортса ўзингиз ерсиз, тортмаса битта-яримтага берарсиз.

Бундан илгари ҳам шунақа ишлар бўлганди: бир нўноқ драматург пьесага қўшиб бир тоғора манти, бир шоир шеърый тўпламига қўшиб пакет тўла сомса таъшлаб кетган-

ди. Ўшаларни ҳам Домла «Муштум»га келтириб берганди. Шундан бери «Муштум»чилар Абдулла акани кўрган-да тамшаниб кўйишарди. Мен ҳам ҳазил қилиб, қўлёзма келмаяптими, деб сўрардим.

Хуллас китоб йўқолиб, ёзилиши керак бўлган зарур бир мақола қолиб кетди.

Ўша «Динамо» магазинидан олган фотоаппарати билан Абдулла ака Европани айланди, Ҳиндистону Бирмаларни кезди. Қанчадан-қанча республикаларга борди. Тоғларга чиқди, денгизларда сузди. Хатто кемада сузиб Ҳинд океани тагидаги гиёҳларнинг, жонворларнинг сувратини олди. Шу аппарат билан адабиётимизнинг турли маъракаларига қатнашган адибу-удаболарни сувратга туширди.

Устоз Абдулла Қаҳҳордан каттагина фотоархив қолди. Ҳали оққа кўчирилмаган, кўчирса қанчадан-қанча альбомга етадиган нодир негативлар қолган.

Устоз адибнинг уй музейи деворларидаги кўпгина сувратларни унинг ўзи тасвирга туширган эди.

Ўзи кетди. Китоблари қолди. Сувратлари қолди.

1992 йил 18 сентябрь

ИЖОД ВА ЖАСОРАТ ДАРСИ

Ўттизинчи йилларга келиб адабиётимиз ғариблашиб, китоб жавонларимиз ҳувиллаб қолди.

Адабиётимиздан файз кетди, шира қочди.

«Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Кеча ва кундуз» романлари тақиқланди. Уларнинг муаллифларига «халқ душмани» тамғаси босилди. Қанча китобхонлар шу таъқиқланган асарларни ўқиганлари учун озодликдан маҳрум қилиндилар.

Камина ҳам шу ёзуқдан бенасиб қолмади. Уйим тинтилганда «Обид кетмон» романидан парча босилган тўп-лам топилгани учун «Таъқиқлаган адабиётни сақлаган» деган модда билан айблаган эдилар.

Ўша йилларда нашр қилинган китобларни, газета ва журналларни варақласангиз қуруқ мадҳиябозликка тўлиб тошган асарларни кўрасиз. Уларда очни тўқ, яланғочни усти бут, деб тасвирланди.

Ўз халқиға, маданиятиға лой чаплаш мусобақаси бўлаётганга ўхшарди. Бу мусобақанинг ўз қолиблари, ўз «чемпион»лари бор эди. Адабий асарнинг қиммати Ста-

линнинг номи неча марта такрорланганига, улур оғамизнинг вакиллари қандоқ ёрқин бўёқларда тасвирланганига қараб баҳоланарди.

Ўша асарлар чин кўнгилдан эмас, илҳомсиз, завқсиз, сабаби тирикчилик деб ёзилгани шундоққина билиниб турарди.

Ким эдик тарихда биз,
Номи йўқ қашшоқ гадо, —

деган шеърлар ўша даврнинг гимни, таронаси эди.

Хатто Ойбекдек инсофли, покиза бир ижодкорни ҳам таъйиқ остида «Қутлуғ қон» романининг охирига «улур оғамиз» образини киритишга мажбур қилган эдилар.

Қўлига эндигина қалам олган ёш ҳикоянавислар йўл бошида ҳайрон турар эдилар. Қайси йўлдан бориш керак, кимга эргашиш керак, билмасдилар.

Кодирий кетди, Фитрат кетди, Чўлпон кетди, оловдек ёниб турган Усмон Носирнинг алангаси ўчирилди. Ойбек Ёзувчилар союзи аъзолигидан қувилди.

Ўша йилларнинг байроқдор ёзувчилари, тўлиб-тошиб ижод қилаётган Хусайн Шамс, Ойдин, Шокир Сулаймон, Сотти Хусайнларнинг ёзганлари ёш ижодкорларга дарслик бўлолмасди. Уларнинг ёзганлари социалистик тузумни улурғловчи, бадииятдан маҳрум, ночор асарлар эди.

Бу ночорлар қаторига Фафур Фуломни қўйиб бўлмасди. Унинг ажойиб таланти ўша пайтлардаёқ ўз ўқувчисини ром қилган эди. Унинг ҳажвий ҳикоялари, «Шум бола», «Нетай» қиссалари қўлдан-қўлга ўтиб ўқиларди. Бирок, бундай ёзувчилар бармоқ билан санарли эди. Таъқиқланган китобларнинг хувиллаб қолган ўрнини Абдулла Қаҳҳор, Фафур Фулом, Ойбек асарлари эгаллай бошлади.

Ўзбек ҳикоячилигининг оёққа туришида жуда катта хизмат қилган Абдулла Қаҳҳорни шу ўринда қанча хурмат билан тилга олсак ҳам кам.

Устоз ёзувчининг ўттизинчи йиллар бошида ёзган «Қишлоқ ҳукм остида», «Қотилнинг турилиши» қиссалари китобхонлар томонидан қизғин кутиб олинган эди. У йиғитлик йилларида ёзган шу асарларини «Сайланма» китобига киритмади. Адабиёт ҳақида гап кетганда, у ўзини ҳам аямасди. Бошқа ижодкорларга қандай талаб қўйса, ўзига ҳам шундай талаб қўярди. У ўша асарларига «Болалик машқларим» деб қарарди.

Абдулла Қаҳҳор шогирдларига, «асло хато қила кўрманглар, ёзувчининг битта хатоси уни умр бўйи таъқиб

килади, у ижодий биографиясининг бир четида доғ бўлиб тураверади», деб тайинларди. «Адабиётда конфликтсизлик балоси авж олган пайтларда мен ҳам чалғиғанман. «Ҳамқишлоқлар» деган нарсам ўша пайтларда замонасозлик билан ёзилган ночор, завқсиз, рангсиз «ижод» маҳсули эди. Уни ижодий таржимаи ҳолимдан чиқазиб ташлаёлмай доғдаман. Ҳар гал архивимни титкилаганимда ўша ҳикоя лоп этиб чиқиб қолар ва мени кўп хижолат қиларди», деб афсусланарди.

Абдулла Қаҳҳор сўз устаси, тасвир устаси эди. «Қишлоқ ҳукм остида» қиссасини бир эслаб кўринг. Ёзувчи ёнғин пайтини худди рангли фотосувратга олиб кўйгандек. Ўша саҳифалардан юзингизга аланганинг кайноқ тафти урилиб туради. У ёнғинни шунчаки тасвирлаб қўяқолмайди. Ёнғин баҳонасида қишлоқ одамларида туғилаётган янгича муносабатларни кўрсатади. Қиссани ўқиётганингизда ёнғинни ўчираётган одамларнинг бақириқ-чақириқлари қулоғингизда эшитилиб туради.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу қисса адабиётимизда Абдулла Қодирий бошлаб берган реалистик наср энди шаклланиб, тетапоё бўлаётган пайтда ёзилган. Шу нуқтаи назардан қарасак, Абдулла Қаҳҳорнинг бу қиссасини ўша даврнинг энг яхши асарлари қаторига қўйса бўлади.

Орадан бир йил ўтиб у «Қотилнинг туғилиши»ни эълон қилди. Ёзувчи бу асарларида бошқа ёзувчиларга насиб қилмаган йўлдан юрди. Ўз қаҳрамонининг ички дунёсига назар ташлади.

У асар қаҳрамони Сатторни сўкмайди, ҳақорат қилмайди. Уни изчил тасвирлайди. Ҳар бир қадамини санаб боради. Жамият учун ёт бўлган бу чиқинди одамдан ўқувчи нафратланади. Саттор ҳар қандай пасткашликдан тоймайдиган, ҳаромдан ҳазар қилмайдиган бир кимса. Қиссада бир манзара бор. Саттор қабристонда эрининг гўрини кучоклаб, хушидан кетиб ётган мотамсаро хотинни зўрлаб, калиш-маҳсисини олиб кетади. Қандай жирканч манзара бу!

Қиссада бундай маҳорат билан топиб-топиб кўрсатилган манзаралар кўп. Ўқувчи Сатторнинг пасткашликларини нафрат билан кузатиб боради.

Даврнинг буюк чақириқларига лаббай, деб жавоб бермаган бу қиссани танқид гурзи билан кутиб олди. Салбий қаҳрамон асарнинг бош персонажи бўлишга ҳақсиз, дедилар.

Шундай қилиб «Қотилнинг туғилиши» олтмиш йил давомида қайта нашр қилинмади. Ҳозирги китобхонлар Абдулла Қаҳҳорнинг шунақа қиссаси борлигини билмайдилар.

Мен бу қиссаларни илмий таҳлил қилмоқчи эмасман. Бундай ниятим ҳам йўқ. Фақат Абдулла Қаҳҳор ижодининг дастлабки даврларида ҳам жуда пишиқ, маҳоратли ёзувчи бўлганини айтмоқчиман, холос.

Эллигинчи йилларга келиб Абдулла Қаҳҳор Осиё ва Оврупо мамлакатларидаги энг яхши ҳикоянавислардан бири экани тан олинди.

Вьетнам Халқ Республикасининг президенти Хо Ши Мин Абдулла Қаҳҳорни менинг ҳикоячиликдаги устозим, деб атади. Машҳур ёзувчилар Чингиз Айтматов, Константин Симонов, Николай Погодин ва Борис Полевой Абдулла Қаҳҳорнинг қисса, ҳикоя ва пьесаларига юқори баҳо бердилар. Симонов унинг «Синчалак», «Ўтмишдан эртақлар» қиссаларини, «Тобутдан товуш» комедиясини рус тилига таржима қилди.

Шахсга сиғиниш йилларининг даҳшатларини ўз кўзи билан кўрган Абдулла Қаҳҳор, албатта, жим туролмасди. Сталин шахсининг жирканч манзараларини кўрсатувчи бир қисса дилида юярди.

Хрущёв бу мавзунинг устидан пардани олиб ташлади. Солженицин «Иван Денисовичнинг бир куни», Алдан Семенов «Қоядаги барельеф» қиссаларини эълон қилдилар. Абдулла Қаҳҳор ҳам тўлиб турган эди. «Зилзила» деб аталмиш қиссасини бошлади. Аммо асар битаёзган пайтда яна шахсга сиғиниш мавзунининг устига ҳашақ бостирилди. Шу мавзудаги барча асарлар босишдан тўхтатилди. Абдулла Қаҳҳорнинг қиссаси ҳам сўнг бобларига етганда тўхтаб қолди.

«Зилзила» биринчи марта адиб вафотидан йигирма уч йил ўтгандан кейин (1990 йил) «Шарқ юлдузи» ойномасида дунё юзини кўрди.

Бу қисса адибнинг адолатсизликка, зўравонликка, қонунсизликка қарши кўтарган исёни эди.

Адибнинг дастлабки қиссалари неча ўн йиллар давомида эълон қилинмади. Абдулла Қаҳҳор бунга кўпам афсусланмасди. Сўнгги пайтларда ижодий камолоти олинди бу қиссалар кўзига ғариб кўрингандек бўларди. Шунинг учун ҳам, уларни эълон қилишни унчалик истамасди.

Менимча, бу Абдулла Қаҳҳорнинг ўз ижодига жуда қаттиққўллик билан қарашида эди. У бундан йигирма-

Ўттиз йил аввалги бошловчи ёзувчи Абдулла Қаҳҳорни ижоди ширага тўлган етук ёзувчи Абдулла Қаҳҳорга тенглаштирилмасди.

Албатта, «Зилзила» чўккисидан туриб қараганда, ўспиринлик йилларида ёзган асарлари кўзига нурсиз, ҳароратсиз кўрингандир. Балки «Қишлоқ ҳукм остида»ни «Синчалак», «Муҳаббат» қиссалари қаторига қўйишга иймангандир. Ҳар қандай ҳолатда ҳам у инсофли бир ижодкор сифатида кўнгли унчалик тўлмаган қиссаю хикояларини томликларига киритмади.

Унинг «Сароб» романи ўттизинчи йилларда бир марта босилганича қолиб кетди. 1957 йили «Сароб» кўп қийинчиликлар билан уёғи ўчирилиб, буёғи ўчирилиб нашр қилинди. Ўша йили ёзувчининг эллик йиллик юбилейига тайёргарлик кетаётган эди. Шунда Абдулла Қаҳҳор «Энди юбилей қилмасак ҳам бўлади. «Сароб»нинг босилиши мен учун ўнта юбилейдан ортиқдир», деб айтган эди.

Унинг деярлик ҳамма асарлари ана шундай қийинчиликлар билан босиларди. «Синчалак» қиссаси, «Тобутдан товуш» комедиясига оммавий хужумлар уюштирилганини ҳамма билади.

Ўша пайтда қанчадан-қанча енгил-елпи, юки йўқ, шираси йўқ асарлар қайта-қайта нашр қилинарди. Ҳаёт муаммоларини теран акс эттирган, катта маҳорат билан ёзилган асарларнинг бошида калтаклар синарди.

Ажойиб санъаткор ёзувчи Абдулла Қаҳҳор энди орамизда йўқ. «Зилзила»га отиладиган тошлар энди кимга тегади?

Менимча, «Зилзила» ҳар қандай таъна тошларига дош берадиган, ўзини-ўзи ҳимоя қилишга қодир асардир.

Йигирма беш йил ёруғ кунларни кутиб ётган бу қисса ҳалигача китоб бўлиб чиқмади. У ҳамон нашриёт папкасида. Лекин бир кун китоб бўлиб чиқишига ишонамиз. Бунга ишончимиз комил. Сиз уни, албатта, ўқиб чиқасиз. Ўйга толасиз, таҳқирланган, қувғинга учраган, қамок камераларида хор-зор бўлиб умрини поёнига етказган, олис юртлар тупроғида қолиб кетган жигарбандларингизни эслайсиз. Рухингизни алақандай мунг чулғаб олади.

Ёзувчилар союзи партия ташкилотининг секретари Мильчаков деган чекист ўзбек ёзувчиларини истаганча ҳақорат қиларди. У кўп ёзувчиларнинг бадном бўлишига, қамалишига бош-қош бўлди. Ёзувчиларнинг катта бир йиғинида Абдулла Қаҳҳор уни ёзувчиларнинг жаллоди,

деб атади. Унинг Ўзбекистондан бош олиб кетишига сабабчи бўлди.

Метин продали ижодкор замона зўрларига эгилмади. Хеч қандай зўравонлик уни курашдан тўхтага олмади. У курашиб яшади ва курашиб оламдан ўтди. Энди унинг асарлари ана шу ҳақиқат учун курашмоқда.

Абдулла Қаҳҳор қаҳри қаттиқ, меҳри юмшоқ устод эди. Ижодга бепарво шогирдларини аямай саваларди. Илҳомсиз, завқсиз асар ёзган катта ёзувчими, бошловчи ёзувчими, барибир унинг қамчисидан бенасиб қолмасди.

Биз адабиёт дарсини Ғафур Ғулом билан Абдулла Қаҳҳор хонадонига, Миртемир билан Ғайратий тўғаракларида олганмиз.

Абдулла Қаҳҳор икки жиҳати билан бошқа ижодкорлардан ажралиб туради.

Биринчидан, у ҳеч қачон замонасозлик қилмади. Оқни қора, қорани оқ, демади. Бошига болта келганда ҳам ростини ёзди.

Иккинчидан, у партияга ялтоқланмади. Адабиётнинг партиявий бўлишини тан олмади.

«Қаҳҳорнинг даври энди келди», деган гаплар тўғри эмас. У ўша турғунлик йилларида, цензура қиличини қайраган, ГПУ мамлакатни даҳшатга солган, партия уёқка эмас, буёққа юр, деб турган пайтда сув ва ҳаводек зарур эди. У бугунги мустақиллигимиз уруғини сочиш учун қаҳҳорлар керак пайтида яшади.

Мустақиллик ўқ отилмай, қон тўкилмай қўлга киритилди, дегувчилар хато қиладилар. Ахир шу мустақиллик учун юз қирқ йилдан бери асл фарзандларимизнинг қони тўкилди-ку. Мустақиллик қонлар эвазига, жонлар эвазига келди.

Абдулла Қаҳҳор ҳаёт бўлганида бугун 85 ёшга кирарди. Қанчадан-қанча асарлар ёзарди.

Биз унинг садоқатли шогирдлари буюк бир ҳурмат билан уни эсга оламиз. Асарларидан ижод сирларини, ҳаётидан яшамок, курашмоқ сирларини ўрганамиз.

САБОҚ

Инсон боласи оёққа туриб нимагаки биринчи марта дуч келса ва бу унинг ҳаётида ҳал қилувчи бирон ҳодисанинг дебочаси бўлса умр бўйи ёддан чиқмайди.

Биринчи муҳаббат, биринчи сафар, биринчи калтак ва ниҳоят, биринчи танқид...

Биринчи марта калтак еганим эсимда, ўқишга бормай кўчада юрганымда акам кўриб қолиб урганди. Биринчи муҳаббатим ҳам эсимда. Лекин кимни яхши кўриб қолганлигимни айтмайман. Ўша қиз ҳозир ҳалимдек юмшоққина кампир бўлиб, неваралари даврасида қарилик «гашти»ни суриб ўтирипти. Биринчи сафарим менга дунёни кашф қилиб берган унутилмас сафар эди. Гова деган жойга борганман. Гова дегани Чуст районининг тоғли ажиб бир сўлим маскани. Пионер лагерига боргандим.

Бу биринчи, биринчиларнинг ҳаммаси кўз олдимда турипти. Аммо бу биринчилар орасида танқид ўқишга нишон бўлганим ўлсам ҳам суягимдан кетмаса керак.

Кейинчалик кўп танқидларни кўрдим. Бирига бепарво бўлдим, бирига жирилладим, бирига қарши важ топдим, бирига ган бердим. Лекин биринчи танқиднинг «захри» танамни узоқ йиллар зирқиратиб юрди.

1940 йилда «Тортиқ» деган бир кичкинагина ҳикоялар тўпламим босилиб чиққанди. Бу менинг биринчи китобим эди. Бошим осмондаю оёғим ерга тегмай учиб-қўниб юрибман. Ахир, китоби чиққан ёзувчи бўлдим. Китоб чиқазиш ҳазил гап эмас-да!

Эндигина йигирма ёшга кирганман. На дурустгина китоб ўқиганман, на адабиёт назариясини биламан. Китоб ёзишдан мақсад нима, маҳорат нима, назария нима, бунақа гаплардан мутлақо хабарим йўқ.

Қизиқ-қизиқ воқеалар ўйлаб топаман, биров ўқиса куладиган қилиб ёзаман. Газета ва журналлар индамай босиб чиқаверишади. Шундоқ бўлгандан кейин мен ховлиқмай, ким ховлиқсин!

Ана шундай еру кўкка сиғмай юрган пайтимда Абдулла Қаҳҳордек машҳур ёзувчи менга қаратиб ўқ узиб қолди. Пагларим тўзиб, дунё кўзларимга қоп-қора бўлиб кетди.

Орадан салкам эллик йил ўтиб дунё кўрган бир одам сифатида ўйлайман. Абдулла Қаҳҳор-ку ўша пайтларда машҳур ёзувчи эди. «Сароб» романи қўлма-қўл бўлиб ўқиладиган, газетада ҳикояси босилган кун киоска олдида навбат кўпайиб кетадиган, Ёзувчилар союзидаги йиғинларда адабиётнинг энг чирсиллаган масалалари тўғрисида энг жўяли гап айтадиган бир ёзувчи келиб-келиб мендек энди қўлига қалам олган ҳаваскорнинг китобига мақола ёзадими?!

Бу унинг ёш, ҳаваскор ёзувчига меҳрибончилигимми? Ё адабиётга ҳар хил қаланғи-қасанғиларнинг кириб қоли-

шидан ташвишланишими? Менингча, бу устоз адибнинг адабиётимиз тақдиридан безовталаниши бўлса керак.

Бундай ўйлаб қарасам, ўттизинчи йилларда дурустрок биронта ҳикоя яратилмапти. Фақат Фафур Гулом билан Абдулла Қаҳҳор ҳикояларидан бошқа биронта ҳикоя қиркинчи йилларга ўтолмай ўша ўттизинчи йиллар газеталари саҳифаларида қолиб кетган эди. Менинг тўплашим ҳам ўзига йўл тополмайдиган ночор китоблардан бири эди, холос.

Устознинг танқиди менга қор қилдими? Йўқ! Танқиддан хулоса чиқармоқ учун ҳам савод керак. Мен қандай хулоса чиқаришим мумкин. Адабиёт назариясини билмасам, бунақа қўлланманинг ўзи бўлмаса! Устоз ёзувчиларнинг асарлари билан таниш бўлмасам. У пайтларда на Чехов, на Мопассан, на Тургенев таржима қилинган. Аслидан ўқий десам, рус тилини билмасам. Хўш, қандок қилиб танқиддан тўғри хулоса чиқараман. Менингча, унинг танқиди мендан кўра «Ўздавнашр» раҳбарларига, редакторларига тааллуқлироқ эди. «Хўш, бу бола-ку энди атак-чечак қилиб довдираб юришти, сизларга нима бўлган, ким нима кўтариб келса китоб қилиб чиқараверасизларми», дегани бўлса керак.

«Муштум» редакцияси олдида мунғайиб турган эдим, Фафур Гулом келиб қолди. Аҳволимни кўриб ачинди шекилли, елкамга қоқиб бир гап айтди. «Қўй, укам, хафа бўлма, битта танқидга шунча қуясанми, эҳ-хе, мен эшитган танқидларни илон эшитса, пўст ташларди. Биласанми, ўттиз еттинчи йилда ҳатто лўлиларнинг «Қизил Лўли» деворий газетасида ҳам «Ғапир Филом вараг народ» деб уриб чиқишган. Қўй, хафа бўлма, ёзувчи бўламан десанг, ҳамма вақт танқидга тайёр тур». У шундай деб ичкарига кириб кетди. Эшик қия очиқ қолгандан ичкаридаги гаплар эшитилиб турарди. Фафур ака Абдулла Қаҳҳорга нималардир деяпти. Яқинроқ бориб қулок солдим.

— Абдулла, бола бечорани адои тамом қипсан-ку. Икки оғиз яхши гап билан кўнглини кўтариб қўй.

— Сен аралашма, Фафур. Айб сенда, ёшларни суйилтирворяпсан. Қаттиққўл бўлиш керак. Адабиёт кўнгил хуши эмаслигини олдиндан айтиб қўйиш керак уларга. Ўқисин, ўргансин. Агар кўчадаги вивескаларни ўқиб юрса ҳам русчани билиб оларди. Шу билим билан қаёққа боради?

Йиллар ўтаверди. Мен ёзишдан чарчамадим. Абдулла ака «ёмон» дейишдан чарчамади. Бу орада унча-мунча

русча ўргандим. Чеховни мук тушиб ўқидим. Мопассанни ёд олдим. Тургенев ҳикоялари, қиссалари. О' Генри ҳикоялари ёд бўлиб кетди. Ёзганларимни уларникига солиштираман.

Меники рангсизгина бўлиб кўринади. Яна ёзаман, яна солиштираман, анча қўлим келишиб қолгандек бўлди. Бир даста ҳикояни қўлтиқлаб Абдулла аканикига бордим. Домла эринмай ўқиди.

— Дуруст, — деди кўз ойнагини қўлига олиб. — Энди ёзувчи бўлсан. Лекин ёзувчи бўлдинг деганим яхши ёзибсан деганим эмас. Ҳалиям нимани ёзишни билмаяпсиз-ку. Тўғри, жумлалар силлиқ, образлар пишиқ. Сюжет тараф, манзаралар ярқ этиб кўз олдинга келади.

— Бўпти-да, — дедим дадиллашиб. — Яна нима керак!

— Ахир классиклардан ўрганиш бунақа бўлмайди-да. Сиз уларнинг маҳоратини ўрганинг, қаҳрамонларни ҳаётдан қидиринг. Чехов даври қаҳрамонлари аллақачон ўлиб кетган.

— Оббо, — дедим тутақиб. — Йигирма йил бўптики, домла, хатойимни топасиз.

— Сиз ундан кейин ҳам хато қиласиз. Умр бўйи хато қилишингиз ҳам мумкин. Сиз Толстойнинг адабиёт тўғрисидаги гапларини биласизми? Ҳозирги адабиётнинг катта арбобларини биласизми, ўқиганмисиз? Йўқ, ўқимагансиз. Шуларни ўқинг, ҳозирги давр кишилари Чехов, Тургенев замонасининг кишиларига асло ўхшамайди. Курашчан, давлат миқёсида фикрловчи кишилар пайдо бўлган. Сиз буларни кўрмайсиз. Кўриш учун кўп кезиш керак. Кўп ходисаларнинг иштирокчиси бўлиш керак. Газетада ишланг. Мухбир бўлиб бутун республикани кезасиз. Хилма-хил одамларни кўрасиз. Ана ўшанда ҳикояларингизга ранг қиради.

Абдулла акага зарда қилиб, «Ёш ленинчи» газетасига ишга кириб кетдим. Бу орада Хоразмда Тошсоқа канали бошландию, редакция биратўла икки ойга командировкага жўнатиб юборди. Хоразмдан туриб канал қурувчилари тўғрисида репортажлар, хабарлар, ҳатто бир-иккита ҳикоя ҳам ёздим. Ҳикояларимдан бири, агар эсимда турган бўлса, «Паҳлавон чоллар» деб аталарди.

Ўзбекистонда қанчаки канал қазилган бўлса, ҳаммасига бордим. Ҳикоя ёзишга ҳам қўлим тегмай қолди.

Уруш йиллари Фарҳод ГЭСи қурилишида мухбирлик қилдим. Кўп тақдирларнинг гувоҳи бўлдим. Қора кийинган келинчакларнинг жимгина кетмон чопишларини, ўғлидан жудо бўлган чолларнинг унсиз йиғиларини, бир

кечадаёк сочлари оқариб кетган оналарни кўрдим. Очлик нима, юпунлик нима ўз бошимдан кечирдим.

Бу кўрган-кечирганларим бир кун келиб «Иқбол чироқлари», «Онажонларим», «Турналар», «Тўлқинлар» деган ҳикояларга айланишини ҳали билмасдим. Уруш оёқлаб қолган кезлари редакция ишлари билан Фарғона томонларга бордим. Далалар хувиллаб қолган. Яқиндагина юз минглаб одам қирқ беш кунда ажиб бир шижоат билан қазиган Катта Фарғона канали Ёзёвон чўллари оралаб азамат йигитларни қидиргандек тўлғаниб-тўлғаниб оқади. Ёш болалар, чолу кампирларга қолиб кетган бефайз далалар ҳалигача кўз ўнгимдан кетмайди.

Ердан эндигина қор кетган қишнинг сўнгги кунлари эди. Эгасиз қолган кўрғонларнинг деворлари нураган. Қори куралмай қолган баъзи уйларнинг томи ўпирилиб кетган. Қамишлари очилиб ётибди. Пайкаллар четида ўтган йили пиллачилар каллаклаган тутлар...

Бу меҳнатқаш, сабр-бардошли кекса тутлар неча ўн йиллардан бери қўлларини болтага тутиб беради. Кесилган новдалардан эсдалик бўлиб қолган тўмтоқ «бармоқ»лари бирлашиб, йўғонлашиб кетган. Узоқдан бу тўмтоқ тут таналари худди мушти тугилган одамга ўхшаб кўринади.

Ҳазин ва бефайз қиш охири...

«Қизил Ўзбекистон» газетасида Абдулла аканинг «Асрорбобо» деган ҳикояси босилди. Бу ҳикоя уруш йиллари яратилган ҳикояларнинг энг яхшиси эди. Бундай ҳикояни ёзмоқ учун фақат ва фақат Абдулла Қаҳҳор бўлиши керак эди. «Асрорбобо» кўнглимга яна ҳикоя ёзиш ҳавасини солиб қўйди. Энди нимани ёзсам экан, қандоқ ёзсам экан, деб ўйлаб ўтирмадим. Илимлик сандалга оёғимни тикиб, мис баркашнинг орқасига қоғоз қўйиб зангор сиёҳ билан ёза бошладим. Сарлавҳа: «Мастонбиби»...

Ҳикоя ўз-ўзидан, қийналмай келаверди. Тонг отар пайти муздек баркашга бошимни қўйиб ухлаб қопман. Онам аллақачон мойи тугаб, пилиги сўхта бўлиб қолган лампани ўчириб қўйибди.

Кўзимни очсам тонг ёришган. Ярим очик деразадан ажиб бир ёқимли кўклам ҳавоси кириб турипти. Ўрнимдан турмай яна ёзишга тушиб кетдим. Билмадим, бундай шижоат менга қайдан келди? Абдулла акани қойил қолдириш истагимиз? Ё «Асрорбобо» кўзгаб қўйган ички бир туйғунинг турткисими? Билмайман. Ўша кун кечгача ўтириб ёздим. Каттагина ҳикоя бўпти.

«Мастонбиби»ни «Қизил Ўзбекистон» газетаси тўрт сониди давомли босиб чиқарди. Ўша кезларда қоғоз тах-

чиллигидан газета бир вараққина босиларди. Фақат дам олиш кунларигина тўрт саҳифа бўларди. Саҳифаларнинг деярли ҳаммаси уруш ва меҳнат хабарлари билан тўлиб чиқарди. Ана шундай шароитда менинг ҳикоямни газета тўрт сониди босиб чиқарганидан бениҳоя хурсанд эдим. Ўқиган ўртоқлар ҳикоя маъқул бўлганини айтишди. Хатто Фафур Фулом: «Дуруст, Асрорбобони уйлантирибсан», деб ҳазил қилгани эсимда.

Ёзувчилар союзида қандайдир бир йиғин бўлди. Абдулла Қаҳҳор сўзга чиқиб «Мастонбиби» ҳикояси уруш йиллари аёлларининг ҳаётини жуда ихчам ва таъсирчан ифодалаб берган, деб айтди. Бу устоз ёзувчининг мен тўғримида айтган биринчи илиқ гапи эди.

...Минг тўққиз юз қирқ биринчи йилнинг ноябрь бошлари эди. Ўша кезларда Абдулла ака немис фашистларига нафрат кўзгатувчи фельетонлар ёза бошлаган эди. Газетада босилган «Ҳи-хи», «Бос тепкини», «Барон фон Ринг» каби фельетонларини одамлар қизиқиб ўқишарди. Редакциядаги ўртоқлар: сен ҳам шунақа бирон нима ёзсанг-чи, деб қолишди. Нимани ёзсам экан, деб ўйлай бошладим.

Ёшлик пайтларимизда томоғига тепки келган болаларни остонага бошини қўйиб эгизак туққан хотинга тептиришарди. Шу воқеадан бирон нима тўқисаммикин, деган ўй келди. Пушкин кўчасидан то Лабзакка келгунимча калламда бўлғуси сатирик ҳикоянинг воқеаси пишди.

Гитлернинг томоғига тепки келганмиш. Бутун Германияда бу дардни даволайдиган доктор топилмаяпти. Кимдир бунинг давоси Москвада депти.

Гитлер Москва остонасида тепки епти, Киев остонасида тепки епти. Бу ҳодисани кузатиб турган жаҳон аҳли шундай депти:

— Яна битта катта тепкидан кейин фақат Гитлернинг ўзигина эмас, бутун Германия бу дарддан қутулади. Бу катта тепки яқин кунларда Берлин остонасида бўлади.

Бу фельетонми, ҳикоями, ўзим ҳам билмайман, редакцияга олиб бордим. Фафур ака ўша ерда экан. У кишига ўқиб берган эдим, маъқул бўлди. Қўлимдан олиб, эринмай таҳрир қилди. Анча қизиқ гаплар қўшди.

— Ана энди босса бўлади, — деди.

Кейин редактор Ҳожиакбар Фуломовнинг олдига мени етаклаб кириб, ёзганимни ўзи ўқиб берди.

«Тепки» 1942 йилнинг 7 ноябрь байрам сониди босилиб чиқди. Хуллас, Абдулла ака қайси жанрга қўл урса мен ҳам орқасидан эргашавардим.

Хикоячиликда анчагина қўлим келишиб қолган эди. Абдулла ака барибир ҳамон қаттиққўл эди. Хикояларим маъқул бўлса ҳам барибир бирон чатоқ жойини топарди.

1961 йил бўлса керак. Абдулла аканинг «Победа» машинасида Қўқонга бордик. Қариндошларидан бири бизни меҳмонга чақирди. Устоз ёзувчи кепти, деб қўни-қўшнилари ҳам зиёфатга чиқишди. Шу пайт лоп этиб телевизорда менинг «Меҳрибон» деган хикоям асосида тайёрланган инсценировкани кўрсата бошлади. Ҳамма жим ўтириб томоша қилди. Абдулла ака ҳам индамай ўтириб кўрди. Меҳмонлар мени табриклашди.

Абдулла Қаҳҳор ҳали ҳам ўша талабчанлигини кўймасди.

— Ҳа, энди жўнгина бир нарса экан, — деб қўя қолди. Кибриё опа дарров гап қайтарди.

— Домлажон, инсоф ҳам керак-да, кўриб ўтириб икки-уч марта кўзингиздан ёш чиқиб кетди-ку. Хеч тан бермас экансиз-да.

Домла хикоядан таъсирланганини бўйнига олгиси келмасди, нима деди денг: «Раҳматли онам эсимга тушиб кетди, шунга йиғлаган бўлсам йиғлагандирман».

Абдулла Қаҳҳорнинг шогирдларига қаттиққўллиги то умрининг охиригача давом этди.

1965 йилда «Дружба народов» журналида домла менинг бир хикоямни ёмонлаб чиқди. Мен у кишининг танқидига қўшилмадим. Гапнинг очигини айтсам, домла тўғри танқид қилганди. У киши билан учрашганда лўлилик қилдим.

— Токайгача мени буйдалайсиз. Фақат сизга ёқадиган хикоя ёзишим керакми? Хикоячиликнинг сиздан бошқа ўлчови йўқми?

Абдулла ака илжайиб ўтириб, гапларимга жимгина кулоқ соларди. Унинг кулишидан баттар туюқдим.

— Ахир инсоф ҳам керак-да. Бўйнимдан арқонни ечиб юборасизми, йўқми? Қачонгача сизга маъқул бўлиш учун ёзаман.

Гапиравериб чарчадим.

— Гапириб бўлдингизми, — деди домла босиқлик билан. — Энди мендан эшитинг. Хикоянгиз маҳорат билан ёзилган. Жуда ўйноқи, жуда фавқулодда деталларга бой. Қизиқиб ўқилади. Нуқсони йўқ хикоя. Аммо...

Домланинг ана шу «аммо»сига токатим йўқ. «Аммо» дедими, жуда асосли, асло рад қилиб бўлмайдиган бир гап айтади.

Хикояда бир ишѐқмас, текинхўр одам тасвирланган эди. У то тайлоқдек бўлгунча онасини эмган. Биринчи синфда ўқиётганда ҳам катта танаффусда келиб онасини эмиб кетади. Онаси меҳмонга борса, орқасидан эргашиб бориб, уни йўлакка чиқариб миқ-миқ эмади. Далаларда болалар билан мол бокиб юрганда сигирларни эмиб кўяди.

Шу одам катта бўлганда ҳам сигирларнинг елинидан кўз узолмайди.

Хозир ҳикоянинг ҳаммаси эсимда йўқ. Аммо Абдулла Қаҳҳорнинг сўзлари сира эсимдан чиқмайди.

— Менга қаранг, адабиётнинг одамлар шахсиятига тегишга ҳаққи йўқ. Адабиётга жисмоний камчиликларни масхара қилиш ҳуқуқи берилмаган. Одамларнинг патологик камчилигини, бефарзандлигини, ногиронлигини, хасталигини, телбалигини масхара қилиш ўта кетган даражада одобсизлик саналади. Сиз ана шуни тушунмагансиз...

Яна мот бўлиб, сўлжайиб чиқиб кетдим.

Абдулла Қаҳҳорнинг баъзи доираларда: «Саид Аҳмад яхши ҳикоянавис бўлиб қолди», деган гаплари қулоғимга чалиниб қолди. Аммо ўзимга бунақа гапни сира айтмаган.

«Уфк» романини ёзганимдан кейингина у ўз фикрини очиқ-ошкора айтди. Домла романимга жуда катта баҳо берди. Қувончини яхшигина бир мақола билан изҳор қилди.

Мен ҳам Абдулла Қаҳҳордек буюк устознинг мақтовига сазовор бўлганимдан беҳад шод эдим. Унинг бу хил илиқ гапини ўттиз йилдан ортиқ кутгандим. Қаранг, домла нималар деб ёзипти:

«...Бунда ёзувчининг «ошиб-тошиб» айтган «қўшимча» сўзлари, юракка таъсир қилмайдиган, демак, ақлда из қолдирмайдиган «оташин чекинмалари» йўқ. Бу — соф ҳаёт, ёзувчининг қалбини ўртаган, ардоқлаган, унга илҳом берган ҳаёт тасвири. Оғир ва шу билан бирга гўзал, мунгли ва шу билан бирга фарахбахш, мусибатга тўла ва шу билан бирга одамга қувват берадиган умид, унинг бошини «тошдан» қиладиган ишонч барқ уриб турган ҳақиқий ҳаёт манзарасидир».

«Тортик»дан «Уфк»қача домланинг этагидан ушлаб бордим. Бу олис, машаққатли йўлда неча марта қоқилиб, неча марта қаддимни ростладим. Мақтовлардан кўра таъналарни кўпроқ эшитдим.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Уфк»қа берган баҳоси мен учун катта адабиёт йўлига берган оқ фотиҳаси эди.

Устод Абдулла Қаҳҳор ниҳоят мени шогирдим, деб атади.

Бу мен учун ҳеч бир бойлик билан ўлчаб бўлмайдиган бебаҳо шарафдир.

Ҳар гал ёзув столим ёнига ўтирарканман, қўлимга қалам олиб биринчи сатрларни битарканман, ҳамон Абдулла Қаҳҳор елкамдан қараб турганга ўхшайверади. Унинг синчков нигоҳи умр бўйи мени таъқиб қилиб келади. Мен ҳам ёзганларимнинг ҳаммасини хаёлан унинг назаридан ўтказиб тураман.

ДИЛБАР ШОИР ЭДИ У

У олим шоир эди.

У шоир олим эди.

Иккаласи ҳам бир эмасми, дерсиз. Йўқ, ундай эмас. Унинг шеърларида ақл устунлик қиларди. Сатрлар орасида одамни ўйлатадиган, олам сирларидан вокиф қиладиган ноёб фикрлар барқ уриб турарди. Бу олам жаҳонда инсон бўлиб яшаш одоби, инсон ва табиат, инсон ва гўзаллик фалсафаси уфуриб турарди. Шу жиҳатдан у олим шоир эди.

Унинг мақолалари шеърдек ўқиларди. Улардан шеър ҳиди келарди. Бу мақолаларни ўқиган одам толиқмасди. Ундаги чуқур фикр, фалсафа қандайдир ички оҳанг, шеърий ранг билан жилоланиб турарди.

У дилбар шоир эди.

У омадсиз инсон эди.

Уни ҳамма яхши кўрарди. Ажойиб шеърлари учун, унга етолмаганлари учун уни ёмон кўрадиганлар бор эди.

Унинг дўстлари, шогирдлари, мухлислари бениҳоя кўп эди. У билан бир марта гаплашган одам бир умр боғланиб қоларди. Шундай зукко одам суҳбатидан баҳраманд бўлганлигини ифтихор билан бошқаларга гапириб юрарди.

У ҳеч кимнинг дилини оғритмасди. Аксинча, унинг дилини оғритардилар.

Уни шундай ночор ва забун одам бўлган экан-да, деб ўйламанг. У ҳеч қачон пасткашлар ва тубан инсонлар билан пачакилашмасди. У аламли гапларни ҳам ажиб бир назокат билан изҳор қила оларди. Шунда унга қарши тугилган муштлар беихтиёр ёзилиб кетарди.

Уни кўп мақтадилар.

Уни кўп хафа қилдилар.

Минбарга чикиб шеър ўқиганда бошқа шоирларга чалинмаган қарсақларни ҳам йиғиб тушарди.

Ойбек унинг маслаҳатларидан бахраманд бўларди. Уни хурмат қиларди.

У Фафур Фуломнинг кадрдон дўсти эди. Улар ҳам ижодда, ҳам ҳаётда ҳамдарду ҳамфикр эдилар. Бир-бирларига ҳазиллари ботмасди. Гап ким тўғрисида кетаётганини билиб турган бўлсангиз керак.

Ҳа, шундай, севикли шоиримиз, домламиз, кадрдонимиз, ёқимтой инсон Мақсуд Шайхзода тўғрисида гап боряпти.

Шайхзода ўзоқ йиллар давомида Тошкент Давлат муаллимлик олийгоҳида домлалик қилди. Минг-миңглаб талабаларга ўзбек адабиёти тарихидан маърузалар ўқиди. У сўзларни ўз ўрнига қўйиб гапирадиган гўзал нотик эди. Озарбойжончага жиндек менгзаб келадиган ширин тили ҳаммани меҳрлаб қўярди. Бу олий даргоҳни битириб кетганлар устознинг бир умр унутиб бўлмайдиган сиймосини ўзлари билан олиб кетардилар.

Шайхзода домла қийналган талабаларга ўзига сездирмай моддий ёрдам берарди.

Домла жуда кўп чекарди. Тутунни тутунга улаб чекарди. Олийгоҳда фақат у кишига ректор маъруза пайтида чекишга руҳсат берганди. Домла моддий жиҳатдан қийналган талабаларни кузатиб юрарди. Шулардан бирига 30 сўм бериб (у пайтда ўттиз сўмлик пул бўларди) битта қути «Казбек» папироси олиб келишни буюрарди. Талаба папирос билан қайтимини («Казбек» икки сўм эди) олиб келганда у фақат папиросни олиб қайтимини «ўзингизда туратурсин» деб олмасди. Эртасига папирос олиб келишни бошқа талабадан сўрарди. Ва ундан ҳам қайтимини олмасди. У ҳар куни бир қийналган талабага 28 сўм ёрдам пули берганини талабанинг ўзи ҳам сезмай қоларди.

Дарсдан кейин домла шогирдларини эргаштириб олийгоҳнинг ёнбошидаги қўл хиёбонига жойлашган ошхонага олиб кирарди. Майда пуллар кўпайиб кетди, шуни бир харжлайлик, дерди. Узоқдан келган талабаларни шу тариқа тез-тез меҳмон қиларди.

Қийналган ёш шоирлар домладан баъзи-баъзида пул қарз сўрардилар. Уларнинг ҳали-бери қарзини узишга кўзи етмаган домла, майли... майли, Нобель мукофотини олганда қарз узишни унутмасанглар бўлгани, деб ўша заҳотиёқ қарзни кечиб юборарди.

Кўп ичадиган бир шоир дўстимиз домладан тез-тез қарз сўраб турарди. Лекин қарз узишни сира ўйламасди. Яна сўрайверарди. Бир кечаси келиб домладан қарз сў-

райди. Домла кўнгилчан одам бўлганидан йўқ деёлмай 500 сўм беради. Шоир, домла хотиржам бўлинг, бир ҳафтада пулингизни қайтиб бераман, дейди. Шунда домла, майли, майли, ишқилиб ўлгунигизча берсангиз бас, дейди.

Мана, Шайхзода домла ҳам оламдан ўтиб кетдилар. Аммо дўстимиз бўйнида қиёмат қарзи билан ҳалигача тирик юрибди.

Уруш йиллари Шайхзода домла жуда фаол ижод қилди. «Жалолиддин» шеърый драмаси Ҳамза номидаги академик театрда муваффақият билан сахналаштирилди. Ҳар бир томоша қарсак билан кутиб олинди. Саҳна гулларга тўлиб кетди. Шукур Бурҳон, Ҳикмат Латиповлар гулларга кўмилиб кетдилар.

Урушнинг биринчи кунларидаёқ домла «Кураш нечун» деган шеърини эълон қилди. Бу шеър уруш мавзуйда яратилган шеърларининг энг сараларидан бири эди.

Булардан ташқари, у фронтдаги ўзбек жангчиларига ота-оналари ва жумҳурият аҳли номидан ёзилган хатларнинг муаллифи эди.

Ўша пайтларда ҳукуматга раҳбарлик қилган Усмон Юсуповнинг унга меҳри тушади. Катта-катта йиғинларда унга сўз беради. У ўзининг ниҳоятда ширин сўзлари билан ҳаммани лол қолдирарди. Ўша йилларда Шайхзода домла Ғафур Ғулом ва Ойбеклар қаторида кадрланди.

Унинг бу обрўсидан қуйиб кетган рақиблари уни кавлаштиришга тушдилар. Ҳар бир сўзидан, ҳар бир асаридан хато қидирадиган бўлиб қолишди.

Домла Маяковскийнинг Ленин достонини ўзбек тилига таржима қилган эди. Улар таржимадан ҳам хато қидирдилар. «Темирдек мустаҳкам» деган сўзга ёпишиб олдилар. «Бу миллатчи шоир буюк Ленинни «босқинчи» амир Темурга ўхшатган» деб сиёсий айб қўйдилар.

Ойбек домла уюшмамизнинг раиси эдилар. У киши москвалик ёзувчилар билан Лондонга борадиган бўлиб қолдилар. У пайтларда Оврўпонинг бу машҳур шахрига Тамарахоним билан Уста Олимдан бошқа бирон ўзбекнинг қадами етмаган эди. Ойбек домла Шайхзодани чақириб, ундан то қайтиб келгунимча уюшмани бошқариб турсанг, деб илтимос қилдилар. Шайхзода уюшма ҳайъатининг аъзоси эди. Раис йўқ пайтларда ҳайъат аъзоларидан бири раҳбарлик қиларди. Ойбек сафар олдидан хонасининг калитини Шайхзодага бериб, хонага ўзингдан

бошқа ҳеч кимни киритма, янги роман учун йиққан хужжатларим шу ерда, деб тайинлади. Шайхзода уруш йилларида Навоий номидаги опера ва балет театрига директор бўлган, молиявий ва хўжалик ишларини бошқара оларди. Шунинг учун у Ойбекнинг илтимосини рад қилмади.

Ойбек кетгандан уч кунми, тўрт кунми ўтиб партия ташкилотининг котиби Милчаков, шу хонада партия мажлиси ўтказамиз, калитни бер деб талаб қилади. Шайхзода калитни бермайди.

Ана шундан кейин Шайхзодага яна сиёсий айб қўйдилар.

Шайхзода коммунистик партияни тан олмайди. Ленин партиясини ҳурмат қилмайди, деб юқорига хабар қиладилар.

Бу ҳам етмагандек, «Жалололиддин» пьесасидан ҳам сиёсий хато топадилар. Бу асар халқлар дўстлигига раҳна солади. Бу зарарли асарни тезда сахнадан олиб ташлаш керак, деб талаб қиладилар.

Ўша пайтларда «халқ душмани» бўлиш учун шу айбларнинг биттаси кифоя эди. Бу айблар шишиб, семириб кетди. Охири Шайхзодани қамокқа тикдилар, 25 йилга озодликдан маҳрум қилдилар.

Шайхзода тутқунлик пайтида ҳам унинг рақиблари ҳужумни тўхтатмадилар.

Бир вақтлар «Жалололиддин» пьесаси учун, фронтдаги ўзбек жангчиларига атаб ёзган хатлари учун ҳукумат раёбатлантириш ниятида шаҳар марказидан кичкинагина ҳовлиси бор уй берган эди. Шайхзода оиласини шу уйдан маҳрум қилиш нияти уларга уйқу бермади. «Халқ душмани»нинг хотини бундай уйда туришга ҳаққи йўқ, деб унинг минг-минглаб ноёб китобларини, рўзгор ашёларини, хатто ювиб дорга ёйилган кийим-бошларини юк машинасига улоқтирдилар. Уйни ўзлари эгаллаб олдилар.

Шайхзода беш йил азоб-уқубатларда яшади. Хрушчев даврида минг-минглаб одам қамокдан озод қилинди. Шайхзода ҳам озиб-тўзиб қайтиб келди. Келди-ю уйини тополмади...

Мана шу ўтган беш йил давомида ҳукумат ордендан мўл ҳосил олган экан. Шайхзодани бадном қилган, уйини тортиб олган, унга чексиз азоб берганларнинг кўкси орденларга тўлиб кетибди.

У қайтиб келгандан кейин ҳеч кимга таъна қилмади. Нолимади. Ўзига хос қувноқлик билан ижодга шўнғиди.

(Ким билади ичида қанча аламлар, тортган жабру жафолар очган яра зирқираб оғриб тургандир.)

Аста-секин унинг мавке, обрўси тиклана бошланди. Унинг ютуқлари рақибларини ташвишга солиб қўйди. Жумхурият фаоллари йиғинида уйини босиб олган, хотинини ҳақоратлаган, уни бадном қилишда энг фаол «меҳнат» қилган рақибни сўзга чиқиб ҳукумат раҳбари Усмон Юсуповга хужум қилди.

— Усмон Юсупов халқ душмани, миллатчи Шайхзодани қамоқдан чиқарган.

Унинг гапи оғзида қолди. Жумхурият прокурори унга зарба берди:

— Шайхзодани Усмон Юсупов эмас, биз озод қилдик. Ноҳақ жабрланган, ноҳақ қамалган бу пок одамдан узр сўрадик.

Ана шундан кейин рақибларнинг қиличи синиб, қалқони тешилди.

1959 йилнинг март ойида Москвада ўзбек адабиёти ва санъати ўнқунлиги бўлди. Бу маъракага ижодкорлар баҳоли қудрат янги асарлар билан қатнашдилар. Шайхзода «Тошкентнома» деган дoston қасидаси билан қатнашди. Ўнқунликдан қайтиб келганимиздан кейин Шайхзода, Шухрат, Асқад Мухтор, Туроб Тўла, Мирмуҳсин, Анорбоев ва мен ижодий ҳисоб бериш учун Фарғона водийсига бордик. Водий аҳли бизни очик кўнгил билан кутиб олди. Учрашувлар жуда самимий ва қизиқарли ўтди.

Ўн саккизинчи март кечқурун меҳмонхонада дам олиб ўтирганимизда радио хушхабар эълон қилди. Ўнқунлик қатнашчиларидан катта бир гуруҳи орден ва медаллар билан мукофотланибди. (У пайтларда орден олиш жуда катта бахт ҳисобланарди). Ҳаммамиз жимиб қолдик, ҳар биримизнинг хаёлимизда рўйхатда мен ҳам бормикинман, деган ўй бор эди.

Кимдир, Тошкентга телефон қилиб билайлик, деб қолди. Туроб Тўла билан икковимиз шаҳар телефон станциясига бориб ЎзТАГга (Ўзбекистон телеграф агентлигига) қўнғироқ қилдик. Телефон гўшагини дўстимиз Сахибоев кўтарди. У илтимосимизга кўра рўйхатни ўқиб, Асқад Мухтор, Туроб Тўла ва мен мукофотланганлар рўйхатида бор эканимизни айтди. Ундан, яна бир қаранг, Шайхзода домла бордир, деб илтимос қилдик. Домла рўйхатда йўқ эканлар. Меҳмонхонага қайтиб келиб, Тошкентга қўнғироқ қилиб бўлмади, деб ёлғон гапирдик.

Эртага газета келади. Домла ўқийди. Энди у кишини совутиш керак.

— Домла, — дедим, — сиз билан менга мукофот беришармиди! Шу ёруғ жаҳонда юришимизнинг ўзи мукофот эмасми?

— Йўқ, — деди Шайхзода ишонч билан. — Сизнику билмайман, аммо менга бериши керак.

— Орденни шунчалик яхши кўрасизми? — дедим ҳазил қилиб.

— Гап унда эмас. Орденсиз ҳам яшаш мумкин. Орден олмаганлар ўлиб қолаётгани йўқ. Аммо менинг ўн мингдан ортиқ талабам шу топда радио карнайига кулок тутиб ўтирибди. Шулар олдида хижолат бўлмай дейман.

Эртаси куни Адҳам Ҳамдам газета олиб келди.

Домла рўйхатни ўқиб чиқди. Юзида, кўзида бирон ўзгариш сезмадим. Албатта, рўйхатдан ўз номини топмади. Газетани столга қўйиб кўз ойнагини дастрўмоли билан артаркан, Шухратга қараб, қани шоир, картани олинг, бир ташлашайлик, деди.

Билиб турибман, унинг дили оғриди. Лекин бизга сездирмасликка уринарди.

1964 йилда Шайхзода билан Шукур Бурҳон «Улуғбек» пьесаси учун, мен «Уфқ» романим учун Ҳамза номидаги Давлат мукофотига тавсия қилиндик. Икки собиқ «Халқ душмани» рўйхатга кириб қолгани учун ўша йили ҳеч кимга мукофот берилмади. Келаси йили икковимизни ўчириб ўша эски рўйхатдагиларга Ҳамза номидаги Давлат мукофоти берилди. «Улуғбек» драмаси учун фақат Шукур Бурҳон рўйхатга кирган эди.

Бошимизга тушган қора кунлар бизни ўн йиллаб таъқиб қилди. Айниқса, Шайхзода домла кўп азиятлар чекди.

Буюк устозимиз Фафур Фулом оламдан ўтганда Шайхзода оғир касал билан шифохонада даволаниб, Дўрмондаги ёзувчилар боғига дам олишга юборилган эди. Аввалига Фафур аканинг ўлимини ундан яширишди. Кейинчалик оғир йўқотишдан хабардор бўлган Шайхзода «Фафурга хат» деган ажойиб, жуда таъсирли шеър ёзди. Шу шеър унинг энг сўнгги шеъри эди. У ҳам Фафур Фулом ортидан оламини тарк этди.

Жаноза куни шахар ижроия қўмитасидан орденларни кадаш учун ўнта бахмал ёстикча олиб келишипти. Қайтариб юборишди. Чунки домла бирон марта орден билан мукофотланмаган эдилар.

Унга чексиз азоблар берган рақиби жанозага киришга юраги дов бермай марҳумнинг уйи атрофида кўзини ер-

дан узмай айланиб юарди. Мен унга, ичкарига кир-
майсизми, домла, дедим.

— Кирсам, хотини юмдаламасмикин, — деди паст
овоз билан.

Йўк, у ичкарига киролмади. Домлани тупроққа қўяёт-
ганимизда одамлар орқасида шумшук бўлиб турарди.

Шайхзода бу дунёдан роҳат кўрмай ўтиб кетди. Лекин
у барибир бахтли инсон эди. Уни эл шоирим дерди.
Шайх акам, дерди. Ёшлар уни устозим дерди. Ёш шоир-
лар тўда-тўда бўлиб унга эргашиб юардилар.

У олим эди. У муҳтожларга ёрдам қўлини чўзган
сахий инсон эди. У ғамда қолганларга ғамгузор эди. У
сухбати жонон одам эди. У нолишни билмасди. Тақдир
зарбаларига сабот билан туриб берарди. Бир сўз билан
айтганда у дилбар инсон эди.

Бир одамда шунча фазилат бўлиши мумкинлигини
Шайхзода тимсолида кўрганман.

У олим шоир эди.

У шоир олим эди.

Бундай инсонлар дунёга камдан-кам келади.

1996 йил 31 октябрь

УЙҚУДАГИ МАЛИКАЛАР

Мажнунтол тагига
Ўтказинг мени,
Энди у йиғласин,
Мен йиғлаб бўлдим.

Миртемир

Минг тўққиз юз етмиш бешинчи йилнинг эрта баҳори эди. Ердан қор кетмаган. Девор соясида қолган увада қор уюмлари кулранг тусга кирган.

Ҳозир эсимда йўқ, қандайдир юмуш билан Миртемир домланикига чиқдим. (У киши билан бир маҳаллада турардик.) Эшикларига яқинлашганимда ёшгина бир жувон ҳовлидан чиқди-ю, орқасидан биров қувлаётгандек шошиб, ёнимдан ўтиб кетди.

Унинг ёши ўттизлар атрофида бўлса керак, ўзи кўхликкина. Пардоз-андози жойида. Домланинг қариндошуруғларидан бўлса керак, деб ўйладим.

Ҳовлига кирдим. Миртемир домла елкасига тўн ташлаб, офтоб-шувоқда газета ўқиб ўтирибди. У бошини кўтариб саломлашди-да, ёнидан жой кўрсатди.

— Келинг, бўтам, бир савобли иш қилдим. Умуман, савобли иш қилсам, уч-тўрт кун табиатим равшан бўлиб юраман. Эшикдан чиқиб кетган жувонни кўрдингизми? Шўрлик кийналиб қопти. Эридан келган қорахат ер қимирлаган йили йўқолган экан, военкомат асл нусхасини топиб кел, деб қайтариб юборибди. Пенсия ололмай сарсон бўлиб қопти. Шунақаларни кўрсам эзилиб кетаман. Бева боши билан тўрт болани қандок боқади? Фронтда ҳалок бўлган солдатнинг оиласига шунақа муомала қилишадими?!

Мен кулдим. Домла бу бемаврид кулгидан ғазабланди.

— Нега куласиз!

— Э, домласи тушмагур, бу хотин сизни тузлаб кетибди-ку!

Домла ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Қанақасига? — деди у хайрон бўлиб.

— Жувоннинг ёши нечада экан?

— Ўттизларда бўлса керак, — деди домла нима гапличига тушунмай.

— Ахир, уруш тугаганига ўттиз йил бўлди. Демак, у

ғалабадан кейин туғилган. Нима, туғилмасдан олдин эрга теккан эканми? Тўрт болани қачон туккан...

Домла бармоқларини букиб йил санаркан, бирдан қах-қах уриб кулиб юборди.

— Вой, занғар-э, боплабди-ку! Мен буёғини ўйламаган эканман. Хулласи, икки минг сўмга тушириб кетди. Илло ўзи жуда кўхлик экан. Чақмоқдек қилиб қийинтириб қўйсанг, ҳар қандай йигитнинг ҳам кўзини ўйнатади.

Домла, умуман, кўхлик аёлларни кўрганда махлиё бўлиб қоларди. Жувоннинг қош-кўзига махлиё бўлиб, ёнидан икки минг сўм чиқиб кетганини билмай қолган эди.

Домла шунақа ишонувчан, содда, лақиллатиш осон одам эди. Бу жиҳатдан у қўшниси Ойбек домлага ўхшарди. (У кишини ҳам кўп марта пулга тушириб кетишган эди.)

Миртемир жуда кучли шоир. Буни билардик. У 1937 йили шахсга сивиниш балосидан заҳа бўлган одам эди. Ўзининг чинакам талантини намоён қилишдан ҳадиксирарди.

Ўша йилларда кўп ёзувчилар қамалган. Қолганлари ҳам ана, олиб кетади, мана олиб кетади, деб кечалари мижжа қоқмай чиқишарди. Ўзларини сақлаш учун Сталин, партия тўғрисида кучаниб бўлса ҳам шеърлар ёзишарди.

Шеърый шовқинлардан гаранг бўлиб қолган ўқувчи яхши шеър билан ёмон шеърни фарқ қилолмай қолди. Табиийки, соф муҳаббатни, инсоний туйғуларни куйлайдиган Миртемирга йўл йўқ эди. Охири у ҳам карнайчи шоирлар сафига қўшилишга мажбур бўлди. Юрагини ўртаган, тўлқинлатган, ларзага солган туйғуларни дафтар қатларида «уйқу»га кетди.

Фақат кейинги омон-омон замонидагина қирқ йилдан бери дафтар қатларида «ухлаган» шеърлар кўзини очди. Миртемир уларнинг баъзиларини эълон қилди.

Биз унинг партия, Ленин, Сталин ҳақида ёзган шеърларини билардик. Уларга кўникиб қолгандик.

Ҳақиқий шоир Миртемир хали дафтар қатларида пайт пойлаб ётганини билмасдик.

Партия бир марта заҳа бўлган одамни ҳеч қачон паноҳига олмасди. Миртемир домла қамалиб «Москва-Волга» канали қурилишида Берия қамчиси остида ишлаб қайтгандан кейин ҳам косаси оқармади.

То умрининг охиригача совуқ муносабатлар унга соя ташлаб турди.

Олтмишинчи йилларда уюшмамизда катта йиғин бўлганди. Миртемир домла сўзга чиқиб, тахририятлардан нолиб қолди. Тахририят бўлим мудири бизга тўғри кел-

Долазор яратгайман.
 Қахратонда ел бўлиб
 Гул атрин таратгайман.
 Йўл юриб чўллаб қолсанг,
 Шилдирагум булоқдай,
 Ёки даштга йўл солсанг,
 Ястангайман ўтлоқдай.
 Истаб қолсанг соябон,
 Мен дарров чинор бўлгум.
 Чўмар бўлсанг ногаҳон,
 Мен дарров анҳор бўлгум.
 Кезар бўлсанг боғингда,
 Пичирлагум мисли барг.
 Куйиб сенинг доғингда,
 Бўлмасайдим жувонмарг...
 Бу дунёда ҳеч ким йўқ сенга мендай махлиё,
 Умидим бор, қарагунг ахийри қиё-қиё...
 ...Насим каби сездирмай,
 Кипригинга тўқингум,
 Озор бермай бездирмай,
 Сувратинга чўқингум.
 Қуш бўлиб учар бўлсанг, тарлон бўлиб қувгайман,
 Тоғларда шаршарадек губорингни ювгайман.
 Ҳар мушкул, ҳар хатарда ҳар балодан асрагум,
 Қайрилсанг-қайрилмасанг, ўлгунча ардоқлагум.
 Тонг пайти юлдуз мисол оқ сийнангда ёнгайман,
 Ёмғирда камалақдай юз рангда товлангайман.
 Кўркиннга тикилгайман то кўзимда бор зиё,
 Ўзинг билмайсан сенда шунчалар меҳригиё!
 Мен сени тинчитмайман...

Яна қарсақлар янгради. «Яшанг, домла, қойил!» деган овозлар эшитила бошлади. Президиумда ўтирган Асқад Мухтор домланинг қўлидан шеърни олди:

— Барака топинг, домла, яқин ўртада бунақа гўзал шеърни ўқимаган эдим. Ким ёмон деган бўлса, номаъқул бузокнинг гўштини епти. Бу шеърни мен журналда чиройли қилиб бостираман.

Домла ўқиган бу икки шеърда компартия ҳам, коммунизм ҳам, улуг оғамиз ҳам мадҳ қилинмаган эди. Уларда соф инсоний туйғулар, кечинмалар барқ уриб турарди.

Бу хил шеърларга кўникмаган эдик. Шиор шеърлари бизни гаранг қилиб қўйган эди.

Ана шундан кейин домланинг қирқ йиллик дафтари очилиб кетди.

Миртемирнинг гапларига қараганда, у киши қирқ йилдан бери дафтар тутар экан. Унга ҳар хил кайфият, манзаралар, кўнглида шеър қўзғайдиган сўзлар, номлар,

ҳикмат гаплар, қизик-қизик воқеалар қофияланмаган, вазнга солинмаган шеърлар ёзиб қўйилган экан. Бу дафтар тўғрисида домланинг ўзи шундай деган эди:

— Бу битикларнинг менга қимматли жойи шундаки, уларнинг орқасида таржимаи ҳолим яшириниб ётибди. Болалигим, қувончларим, аламларим шу битиклар тагида ухляпти. Уларда одамни ўйлатадиган, мувозанатини бўзадиган оҳанг, кайфият яширинган. Қўлга олиб кўз югуртиришим билан неча йиллардан бери сокин ухлаб ётган шеърлар уйғониб кетади. Бу битиклар менинг уйқудаги маликаларим, дерди у дафтарини силаб, — Уйғониб кетса, бутун жамолини, зеб-зийнاتини кўз-кўз қилади.

Евтушенко билан Вознесенскийларнинг овози чиқиб қолди. Партия яна сергакланди. Ҳар бир республикадан Евтушенко, Солженицин каби оғзи ботир ижодкорларни қидира бошлашди. Абдулла Ориповни «Тилла балиқча» шеъри учун нари обориб, бери олиб келдилар.

Миртемир моҳир таржимон эди. Пушкин дostonларини биз ёшлар асосан Миртемир таржимасида ўқиганмиз. У Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» дostonини, қорақалпоқларнинг «Қирққиз»ини, Абай, Маҳтумқули, Абдилда Тожибоев, Самад Вурғун каби қардош халқларнинг етук шоирлари яратган дурдона асарларини таржима қилди.

Агар Миртемир таржима қилган шеърларни жамлаб нашр этса, эҳ-ҳе, неча том бўларкин?

Миртемир қирғизларнинг «Манас» эпосини таржима қила бошлади. У таржимага шу қадар берилиб кетдики, бола-чақаларининг тирикчилигини ҳам унутди. Ва ниҳоят, бир неча йиллик машаққатли меҳнат охирига етди.

Фафур Гулом номидаги нашриёт «Манас»ни сабрсизлик билан кутарди. Домла олиб борди. Ўқишди. Ҳатто чапак ҳам чалганлар бўлди. Ва ниҳоят бу неча юзлаб бедор тонглар гувоҳи бўлган меҳнатга газ сув баҳосида ҳақ тўлайдиган бўлишди.

Домла жуда хафа бўлди. Қўлёмани қайтариб олиб кетди. Уйга келиб юзлаб саҳифаларни битталаб йиртиб, бундан ҳам таскин топмагач, мана, мана, деб, бурда-бурда қилиб ўт ёнаётган ўчоққа ташлади.

Ўзбек китобхони гўзал бир асардан жудо бўлди.

Фақат шу таржима билан банд бўлиб бошқа иш қилолмаганидан табиийки, рўзгорнинг таги чиқиб қолган эди. Бор умиди шу таржимага олинадиган қалам ҳақида эди. Бола-чақасининг ризқи ҳам шу қўлёммага қўшилиб қуйиб кетган эди.

Худо урганни пайғамбар хассаси билан туртади, деган гап бор. Юқоридаги раҳбарлар уни писанд қилмай қўйишганидан фойдаланган кичик раҳбарчалар уни хасса билан турта бошладилар.

Ёзувчилар қурултойнинг охирида Москвада бўладиган қурултойга вакиллар сайлаш керак эди. Миртемир домланинг тенгдошлари, шогирдлари вакилликка кўрсатилди (юқорининг қатъий рўйхати бўйинча). Улар орасида Миртемир домла йўқ эди. Бу адолатсизликка чидамаган Озод Шарафиддинов рўйхатга Миртемир домлани ҳам киритишни талаб қилди. Ўша пайтдаги Марказқўм котибларидан бири, кимнинг ўрнига, деди. Биз қурултойга йигирма битта вакил юборишимиз керак. Бошқа ўрин йўқ, деб силталади.

Озод нима дейишни билмай бир дам эсанкираб туриб қолди. Кейин мажлисни бошқараётган шу котибнинг қариндошини айтди.

— Бу ўртоқ бундай улўф маъракага қатнашишга лойиқ шоир эмас.

Қурултой қатнашчилари уни қувватлашди. Миртемир домла вакиллар рўйхатига киритилди.

Москвада ҳам домланинг иши юришмади. Вакилларга меҳмонхонада яхши хоналар беришди. Ҳаммамиз чамодонларимизни кўтариб хонамизга кириб кетдик. Туроб Тўла билан буфетда чой ичиш учун чиққанимизда Миртемир домла меҳмонхонага қираверишдаги жойда ҳали ҳам чамадонини тагига қўйиб ўтирибди.

У кишидан нима қилиб ўтирибсиз, деб сўрадик.

— Менга жой йўқ экан. Беришмади.

— Ўзбекистонликларнинг рўйхатини кўрмадингизми?

— Кўрдим, — деди у қўл силтаб. — Йўқ, номим йўқ.

Маълум бўлишича, Тошкентда Қурултой бошланмасданок, вакиллар сайланмасданок рўйхат юборишган экан. Миртемир ака қўшилган рўйхат Москвага юборилмаган.

— Энди нима қиламиз? — деди Туроб. — Яшин акани топиш керак...

Домла қўл силтади.

— Тошкентга қайтиб кетақолай. Катталарнинг кўзига хунук кўриниб нима қиламан!

Туроб Яшин акани қидириб топди, аҳволни тушунтирди. Бироздан кейин раисимизнинг ёрдамчиси пастга тушиб, Миртемирнинг чамадонини лифтда олиб чиқиб кетди. Кейин билсак, Яшин ака уёқ-буёққа телефон қилиб, домлага жой олиб берибди.

Миртемир домланинг ҳаётида қувончли кунлар ҳам кўп бўлган. Уни Фарғона, Андижон, Сирдарё вилоятларига кўп чақиришарди. Дала шийпонларида деҳқонларга шеърлар ўқиб берарди. Гердаишни билмаган, гапи ҳам, муомаласи ҳам бениҳоя самимий бу шоир дала заҳматкашлари билан тез тил топишарди. Ўзидек содда, дўлвор миришкорлар суҳбатида яйраб кетарди.

У деҳқон билан деҳқон бўлиб, зиёлилар билан зиёли бўлиб, талабалар билан талаба бўлиб гаплашарди. Уларнинг дилларидаги гапларини тона оларди.

Мен Миртемир билан кўп сафарларда бўлганман. Фарғона водийсини пиёда кезганмиз, деса мунчалик муболага бўлмас.

1960 йили Марғилонга борганимизда шаҳарнинг эски маҳаллаларини пиёда айлангимиз, Отабек юрган йўлларни кўргимиз келган эди.

Шундай кезишларимизда паранжи ёпиниб, чачвони билан ўзини елпиб келаётган ниҳоятда кўҳлик жувонга рўпара келдик.

— Ана, — деди Миртемир домла. — Кумушбиби келяпти.

У Абдулла Қодирий тасвирлаган Кумушбибининг худди ўзи эди. Жувон бизга яқинлашганда бетига сачвон тутиб олди.

Шу дақиқадан бошлаб домла камгап бўлиб қолди. Гап сўрасак, узук-юлуқ жавоб беради. Ҳаёли нима биландир банд...

Бу сир эртаси куни нонушта пайтида аён бўлди. Домла кеча бизга рўпара келган жувон тўғрисида «Пардалик» деган шеър ёзишти.

Шеърда шундай сатрлар бор эди:

...Ҳа, сен безаксиз ҳам шундоқ сулувсан,
Сен баҳорги тушсан, булоқда сувсан.
Бунақа чиройга арзир чўқсанг тиз...
Сен ўзинг одамзод кўрки безаги,
Фақат, нетай, хануз кўркинг пардалик,
Салом берар бўлсам олмасдинг алик,
Эй, олтин водийнинг жаннат чечаги!
Хатто қуёшга ҳам севги солгудай
Жамолинг, эсизки, булутда хануз.
Ҳаёлинг, эсизки, булутда хануз —
Юз шоир ҳаёлин бандга олгудай...
Мен хануз куйингда саргардон овчи,
Сен асов жайрондай ғойиб бўлдинг
Ҳамон сўроқлайман: қайдасан, сулув?

Ўша сафаримизда Чустнинг Олмос қишлоғига ҳам бордик. Акбарали деган Алпомиш келбатли қишлоқ оқсоқоли билан учрашдик. У жуда дилкаш, ёқимтой, суҳбати ширин киши экан. Домла кулоғимга: «Олмоснинг қиз-жувлари чиройли бўлади, дейишарди. Эркаклари ҳам жуда кўркем бўлар экан», деди.

Кейинчалик Миртемирнинг деярли барча тўпламларига кирган «Оқсоқол» шеъри шу ерда, Олмоснинг ўзида ёзилган ва Акбарали оқсоқолга бағишланган эди.

Домла сафардан ажиб таассуротлар билан қайтди. Унинг кейинчалик қўшиққа айланиб кетган «Дейдиларки, шаҳримда бир гўзал бормиш» деган жуда чиройли шеъри ҳам водий таассуротларидан бири эди.

1978 йилда менга «Уфқ» романи учун Ўзбекистон Давлат мукофоти берилди. Ёр-биродарлар «қуллук бўлсин»га келишди. Миртемир домла ҳам бир даста гул билан икки шиша коньяк кўтариб кирдилар. Ҳарчанд қистасам ҳам меҳмонлар ўтирган хонага кирмай, айвонда акам билан гаплашиб ўтирдилар.

Домла анча ўзини олдирган. Озиб, ранглари кетиб қолганди.

Шухрат дастурхон ёзилган уйдан чиқиб домлани ичкарига киришга ундади. Домла кўнмади. Абдулла Орипов домла билан гаплашиб ўтираман, деб айвонга чиқди. Мен жуда-жуда хижолат эдим. Уйғун, Сафаров, Бородинлар элдан бурун мукофот олиб бўлганлар. Энди Одил Ёқубов билан мени лауреат қилишди. Аммо Миртемир деган зўр шоир бор, мукофотни шунга бериш керак, дейдиган мард топилмасди.

Орадан икки-уч ой ўтиб, Миртемир оламдан кўз юмди. Армон билан, кўкси тўла аламлар билан жимгина бизни ташлаб кетди.

Билмадим, катталаримиз хатоларини тузатмоқчи бўлишдими, адабиёт аҳлининг маломатидан қутилиш учунми, Миртемирга ўлимидан кейин Давлат мукофоти бердилар. Шу ишни тириклигида қилсалар бўлмасмиди? Қандоқ қувонарди. Менинг ҳам қадримга етишар эканку, деб кўкси товдек кўтарилмасмиди!

Шу пайтларда Шайхзоданинг «Улганда юз соат йиғлаб тургандан, уни тиригида бир соат йўқланг» деган сатрлари ёдга тушади.

Тоголнинг «Шинел»идаги Акакий Акакиевич дунёга келади, ҳеч ким билмайди. Акакий Акакиевич бу дунёда яшайди, ҳеч ким билмайди. Акакий Акакиевич ўлади, ҳеч

ким билмайди. Гогол алам билан, кесатиш билан, «Петербург Акакий Акакиевичсиз қолди» дейди.

Миртемир қанча изтироблар чекди — билмадик, камситишлардан дили вайрон бўлди — билмадик, маъракаларда пойгакда қолиб кетди — билмадик.

Мана энди, Миртемирсиз қолдик...

Дўппини бошдан олиб кўйиб, яхшилаб ўйлаб кўрсак, ўша пойгакда қолган Миртемир шеъриятнинг энг гўзал намуналарини яратиб кетган экан.

Шеърий шовқинлар тиниб, кўнгил ором истаган шу кунларда Миртемирнинг эрка, назокатли, ифбатли шеърларини кўмсаб қолдик.

Миртемир жон-тани билан, вужуд-вужуди билан, сабр-бардоши билан, ўй-туйғулари билан шоир эди. Чинакам шоир эди.

Тургенев сафдош ёзувчилар номидан «Биз ҳаммамиз Гоголнинг «Шинели»дан чиққанмиз, дегандек, Эркин Воҳидов билан Абдулла Орипов, Омон Матчон билан Халима Худойбердиева, Носир Фозилов билан Азиз Абдураззоқ, Юсуф Шомансур билан Хайриддин Салоҳлар Миртемирнинг тўнидан чиққан, десак хато бўлмас.

Устоз ёзувчиларимиздан Фафур Фуломнинг, Абдулла Қаҳхорнинг, Шайхзоданинг шогирдлари кўп бўларди.

Айниқса, Миртемир домланинг шогирдлари бениҳоя кўп эди. Вилоятлардан келиб ундан таълим олишарди. Андижондан Тўлан Низом, Олимжон Холдор, Фарғонадан Йўлдош Сулаймон, Намангандан Хабиб Саъдулла, Сирдарёдан Тўра Сулаймон, Самарқанддан Борот Бойқобилов, Бухородан Тошпўлат Ҳамид, Қирғизистондан Турсунбой Адашбоев... бу шогирдларнинг сон-саноғи йўқ эди.

Эркин Воҳидов билан Абдулла Ориповга у алоҳида меҳр қўйган эди. Улар тўғрисида гапирганда оғзидан бол томарди. Домла оғир дамларда суянчик бўлган шогирдлари Носир Фозилов билан Наим Каримовдан миннатдор эди.

Миртемирнинг уйи баъзи пайтларда ёзувчилар уюшмасининг филиалига ўхшаб кетарди. У шунчалик бағри кенг, шунчалик кўнгли кенг инсон эди.

У меҳнат билан яшади. Катталарга суйкалмади. Ҳеч нарсани тама қилмади. Сафларни ёриб олдинга интилмади. Мукофотларга, обрўларга, амалга қўл чўзмади.

У биргина қаламу оппоқ қоғоз билан тиллашди.

Йиллар ўтяпти. Борган сари Миртемирнинг қадри ортяпти. Китоблари қайта-қайта ўқияпти. Бугунги куннинг шоири уни янгидан кашф қияпти.

Туркистон шаҳрига йигирма чақирим қолганда йўл Миртемир туғилган Иқон қишлоғининг қоқ ўртасидан ўтади. Шу йўлнинг ўнг томонида Миртемир уй-музеи бор. Иқонликлар юртдош шоирни эъзозлаб, музей олди-га унинг бронза бюстини ўрнатишган.

Хайкал пойидан гул аримади. Музейдан зиёратчиларнинг қадами узилмайди. Қаердандир, туғилган уйданми, ўйнаб, кўча чангитиб юрган йўлларданми, адирларданми унинг овози келаётганга ўхшайди:

Ўзимга хиёнат қилдим аксар,
Халқимга хиёнат ўйлаганим йўқ.
Менинг юрагимни тешиб ўтдилар
Халқимга отилган талай-галай ўқ.

Қанча йўллар босдим, гоҳида толдим,
Лекин халқ номига юқтирмадим гард.
Фарёд солар чоғи жим бўла олдим,
Халқим дарди эди дил ўртаган дард...
...Бу йўлдан ҳар замон ўтганинг маҳал,
Бир жилмайиб қўйгин, савоб бўлади.

1996 йил 30 октябрь

УЧ МУНГЛИ ҚЎШИҚ

СЎНГСИЗ ИМТИХОН

Хама обод бўлди,
Бўлмадим обод дастингдан.

Машраб

Хаёт одамни умр бўйи синайди, деган гапга унчалик эътибор қилмасдим. Бу ҳам бир гап-да, деб қўя қолардим. Янглишган эканман.

Яшаб ўтказган йилларимизнинг энг бахтли дақиқаларини эслаймиз ва уни умр, деб атаймиз. Агар шу умр бўлса, айрилиқлар, махрумликлар, йўқотишлар билан ўтган изтиробли йилларимизни нима деб атаймиз?

Менимча, бахтли дамларда инсон фаолияти бир қадар суст намоен бўлади. Айрилиқ, чекланиш, изтироб дамларига инсон битта мақсад билан яшайди. Тўсиқларни бузиб ўтиш, чекланишларга, тухматларга қарши кураш жараёнида тобланиб боради. Хаётда ўз ўрнини топишга интилади.

Менинг болалик дўстим, олтмиш йиллик кадрдоним — шоир Шухрат етмиш ёштини нишонляпти. Унинг ижод ва кураш, кураш ва ижод билан ўтган етмиш йиллик умри осонликча кечмаганини яхши биламиз.

Хаёт ҳаммамиздан кўра Шухратни кўпроқ ва кескинроқ синади.

Ўттизинчи йилларда у хаётга ташна, бутун вужудини шеърят сеҳри қамраб олган, олам кўзларига алвон рангларга чулғаниб кўринган, дунё тиник, шаффоф нурлардан иборат бўлиб туюлган, эртанги кунни энтикиб-энтикиб кутадиган хаёлпараст, ранглардан кўзи қамашадиган, оҳанглардан май ичгандек маст бўладиган, бир сўз билан айтганда, ер-кўкка сиғмаган шоир бола эди.

Шухрат ўша йиллардаёқ Фафур Фулому Усмон Носирларнинг назарига тушиб қолди. Бу устозлар эртанги куннинг яхши бир шоири дунёга келаётганидан қувонган эдилар.

Республика матбуоти унинг шеърларини тез-тез эълон қиладиган, адабий доираларда у тўғрида илиқ-иссиқ гаплар айтиладиган бўлди.

Ёш, умидли шоир қайнаб-тошиб ижод қилаётган бир пайтда уруш бошланди. Шухрат жангга кетди. Унга шон-

шуҳрат ваъда қилган қалами стол устида мунғайганча қолди.

Кавказ тоғларида шиддатли жанглар кетарди. Немис фашистлари Боку нефтини эгаллаш учун жон-жаҳдлари билан интилишарди. Шуҳрат ана шу энг даҳшатли жангларда қатнашди. Тоғ сўқмоқларида довларда ёвуз душман билан олишди.

Жанглар вақтинчалик тинган, чўққилар тепасида ғарибгина бўлиб яримта ой сузиб юрган саҳарларда Шуҳрат кичкинагина дафтарчасини харсанг устига қўйиб, шеърлар битарди.

Мен у пайтда «Қизил Ўзбекистон» газетасида адабий ходим бўлиб ишлардим. Шуҳратнинг жангдан юборган шеърлари менга келарди.

Шуҳрат оғир жангларда кўп қатнашди, шундай жангларнинг бирида яраланиб, беҳуш госпиталга тушди. Узок даволаниб, охири қадрдон она шахри — Тошкентга қайтиб келди. Қасрдон қаламини яна қўлига олди. Ўзини яқодга урди. Душманга нафрат қўзғайдиган ғазабли сатрлар қўёзга тўкила бошлади. Вафо, садоқат, муҳаббат ҳақидаги шеърлари газеталарда босила бошлади. Тошкент радиоси кунора унинг шеърларини эшиттирарди. У Тошкентга қўчиб келган ҳарбий госпиталларга бориб, ярадор жангчиларга шеърлар ўқиб берарди. Қишлоқларга бориб, фарзандларини соғинган чолларга, кампирларга, эрларидан хат кутиб, интизор яшаётган келинчакларга уларни юпатадиган, кўнгилларини кўтарадиган шеърлар ўқиб берарди.

Худди ҳозиргидек эслайман. 1945 йили Ҳамид Фулом, Шуҳрат, Туроб Тўла, Мирмуҳсинлар билан Тошкент радиосидан республика аҳлини Ғалаба байрами билан табриклаган эдик.

Ўша куни Тошкент кўчалари одамга лик тўлиб кетганди. Одамлар бир-бирларини қутлашарди. Бирови кулган, бирови йиғлаган, бирови энг яқин кишисидан жудо бўлган... улар мунғайиб бир чеккада мотамсаро туришарди.

Шундай қилиб, Шуҳрат уруш йилларининг оғир синовидан сабот билан ўтди.

Тинч, ижодий йиллар бошланди. Шоир Шуҳрат қаламкаш дўстлари билан адабиётимиз ривожига яхши-яхши асарлари билан ҳисса қўша бошлади. Урушда кўрган кечирганларидан баҳс очувчи «Шинелли йиллар» романи устида жиддий ишлади. У ижодга шунчалик берилиб кетган эдики, ҳафталаб кўчага чиқмас, кечасию кундузи ухламай ёзарди. Баъзан учрашиб қолган пайтларимизда

унинг ҳорғин, лекин қандайдир қувонч акс этиб турган юзларидан қилаётган ишидан ўзи мамнунлигини билиб турардик. Аммо унинг бу қувончи узокқа бормади. Ҳаёт уни яна бир синовдан ўтказмоқчи бўлди. Шуҳрат шахсга сиғиниш офатига учради. Ҳали сўнгги боблари битилмаган роман ёзув столи устида қолиб кетди. Бу унинг ҳаётидаги энг дахшатли синов эди. Шуҳрат букилмади. Тиканли симлар орасида сабот билан, сабру қаноат билан яхши кунларни кутди. Битмай қолган «Шинелли йиллар»нинг сўнгги бобларини кўнглига ёзди. «Олтин зангламас» романининг воқеаларини бобма-боб дилида яратиб қўйди.

Ниҳоят, у кутган кун келди. Беш йил сарсон-саргардонлик, хўрликлар тугади. Шуҳрат дилида икки романини пишитиб она-юртига қайтди. Чинакам ижодкор ҳар қандай шароитда ҳам ижод қилади. Шуҳрат ниҳоятда қийин дамларда ҳам қалами билан дардлаша олди. Чунки у яхши кунлар келишига ишонарди. Ана шу яхши кун учун ўзини тайёрлаш кераклигини биларди. Ана шундай қилмоқ учун одамнинг дилини буюк эътиқод, ҳақиқат тантанасига чексиз ишонч ёритиб туриши керак. Шуҳрат ана шундай эътиқод билан яшаганди.

Шуҳрат мана шу энг дахшатли синовдан ҳам эгилмай, бутунлай ўта олди.

«Шинелли йиллар» китобхон қўлига тегди. У қўп вақт ўтмай «Воениздат» нашриёти томонидан рус тилида 100000 нусхада босиб чиқарилди. Оғир ва машаққатли меҳнат тантана қилди.

Шуҳрат қанчалаб шеъррий тўпламлар нашр қилди. Қўшиқлар ёзди. Бу қўшиқларни атоқли хофизлар ҳамон тўй-томошаларда, байрамларда куйлаб, қўшиқ шинавандаларининг олқишини олмоқдалар. У оғир йилларда дилига битган «Олтин зангламас» романини ёза бошлади. Бу унинг ижодий жасорати бўлмоғи керак эди. Шуҳрат бу масъулиятли ишга жиддий қаради. Тунни тонгга улаб, роман қахрамонлари билан дардлашар, уларнинг кечмиши ва қилмишини сатрма-сатр қоғозга туширарди.

Мамлакат бўйлаб ҳукм сурган турғунлик балоси уни ҳам комига тортди. Редакциялар, нашриётлар эшиги унга беркилди. Ҳаёт уни яна синовга чақирди. Барибир у ижод қилишдан тўхтамади. «Кавказ туркуми» шеърларини тугатди. «Олтин зангламас»га нукта қўйди.

Қисқагина фурсат мобайнида Шуҳратнинг йўлидаги ғовлар олиб ташлангандек бўлди. Янги роман ўқувчи қўлига тегди. «Кавказ туркуми» Тошкент ва Москвада икки тилда нашр қилинди. Аммо... турғунлик фақат киш-

лоқ хўжалигигагина эмас, саноатгагина эмас, ҳатто маданий ҳаётимизга ҳам соя солган, тўсиқлар ташлаганди. Ана шу тўсиққа биринчи бўлиб Шухрат дуч келди. Абдулла Қаҳҳорнинг жанозасидаги нутқи, «Гулистон» журналида босилган мақоласи учун таъқиб остига олинди.

Яна синов, яна имтиҳон...

Романлари босмаҳоналарда, шеърлари редакция папкаларида қолиб кетди. У тенгилар олтмиш ёшларини нишонлаганларида ҳукумат мукофотларига, унвонларига сазовор бўлдилар. Аммо Шухратнинг юбилеи муздеккина бўлиб ўтди. Бундай муносабатларга ўрганиб қолганиданми, ё иродаси кучли эканиданми, харқалай, ўзини тутди. Ичидаги аламларини сездирмади. Нолиб юрмади. Ўзини ижодга урди, қалами билан сирлашди.

Ёш эса кетяпти, умр ўтяпти. Бўлар-бўлмасга куйиб, умрни ўтказиб юбормаслик керак, — деб Шухрат янги — «Жаннат кидирганлар» романини бошлади.

У Ёзувчилар уюшмаси назаридан четда, жим-жит яшади. Лекин бир нафас бўлсин ижод қилишдан тўхтамади.

Турғунлик йиллари ҳам гармселдек ўтиб кетди. Шухрат учун завқ-шавқ билан ижод қиладиган пайт келди, аммо... Ҳаёт уни яна бир оғир, аммо дахшатли синовга тортди. У хасталаниб тўшакка йиқилди. Инсоннинг тани темирдан эмас-ку, ахир! Ўттиз йилдан ортиқ чеккан изтироблари ўз ишини қилди. Камситишлар, унутишлар, назардан четга суришлар Шухратнинг соғлигини сўриб олди. У шу ахволда ҳам қўлидан қаламини қўймади. Титроқ бармоқлари бошқатдан хат ёзишни ўрганди. Шу меҳнаткаш нимжон қўллар шеър ёзишдан тўхтамади. Баъзи адабиётшунослар уни Николай Островскийга ўхшатишарди. Йўқ, биродарлар, Островский бутун мамлакат эътиборида эди. У ғамхўрлик ва эътибор билан ардоқланган эди. Унга барча имконият ва имтиёзлар яратиб берилган эди. Шухратни эса эллик йилдан бери аъзо бўлган Ёзувчилар уюшмаси эътиборига ҳам арзитишмади.

Ошкоралик, демократия тантана қилган бугунги яхши замонимизда Шухратнинг асарлари тез-тез эълон қилинмоқда. Лекин бу асарларни ёзиш шу нимжон қўлларга қанчалик қийин бўлганини бир тасаввур қилиб кўринг-а!

Шухрат катта шоир, моҳир романнавис. У ҳар қандай шароитда ҳам ижод масъулиятини унутмайдиган, ҳалол ёзувчидир.

Шухрат тўғрисида ўйлаганимда, ҳаёт инсонни умр бўйи синовдан ўтказади, деган гапга ишондим.

Кадрдоним, болалик ўртоғим, ҳамтақдир, ҳамқалам,

ижодкор дўстим, бугун сени муборак етмиш ёшга тўлишинг билан қутларканман, кўнглимда, хаёлимда сен юриб келган паст-баланд йўллардан кезиб чиқдим. Бу нурли-нурсиз йўлларда йиқилмай манзилга етиб келиш учун бардош, матонат керак эди. Сен шу йўллардан мардона ўтиб келдинг.

Дўстим, сен адабиётимизга астойдил хизмат қилдинг. Уни яхши асарларинг билан бойитдинг. Бугун сен куда-кудаёйлар, келин-куёвлар, неваралар қуршовида иззат-хурматда яшаяпсан. Инсон боласига бундан ортиқ бахт борми? Айниқса, китобхон муҳаббати чеккан азиятларингга берилган олтинга тенг мукофотдир.

Азизим, бахтли кунларинг кўп бўлсин! Сен билан халқимизга жуда чиройли китоблар совға қиламиз, деган умиддаман.

Етмиш ёшинг муборак бўлсин, қадрдоним!

1988 йил

РЎШНОЛИК КЎРМАГАН ШОИР

Азизим, олтмиш йиллик қадрдоним, наҳотки, энди йўқсан? Наҳотки шу ёруғ жаҳонга ошиқ-сармаст кўзларинг бир умрга юмилди?

Ҳаёт ва ўлим ораллигидаги жуда ҳам қисқа масофани қанчалик машаққат билан босиб ўтганингни қандоқ қилиб унутай?! Ҳаёт бизни ўтдан олиб сувга, сувдан олиб ўтга ташлади. Жазирама саҳроларда сарсон-саргардон кездик. Ер ости қонларида тирноқ билан маъдан қўчиришга мажбур қилишди. Туғилган остонамиздан олисларга ирғитиб ташлашди. Жондан севган қаламимизни қарсиллатиб синдиришди. Лекин иродамизни синдирилмадилар. Қўқсимиздан имонимизни, қон-қонимизга сингиб кетган Ўзбекистон меҳрини юлиб ололмадилар.

Сен ижод учун, адабиёт учун туғилган эдинг. Хеч нарса — айрилиқлар, азоб-уқубатлар шеърят деб аталмиш мўъжизакор кучнинг йўлига гов соллмади. Бир донишманд, қўшиқчининг оғзини бекитсанг, кўнгли билан айтади, деганди. Сенинг шеърларинг қоғозга эмас, кўнглингга битиларди.

Дўстгинам, сен чумолидек меҳнаткаш ижодкор эдинг. Романларингни ҳар гал варақлаганимда игна билан қудуқ қазиган қўлларингни ғойибона силаб қўяман.

Инсоннинг икки умри бор, бири ҳаётлигида, бири оламдан ўтганида, дейдилар. Иккинчи умр асосий умр

эмиш. Билмадим, бу гапни қайси донишманд ўйлаб топ-дийкин? Бу гап биронта қорни тўқ, омади чоған одамдан чиққан бўлса ажабмас. Ахир инсон бу дунёга нима учун келади? Ёруғ жаҳоннинг жамолига тўйсам, роҳат-фароғатда яшасам, Худо берган умримни одамдек яшаб ўтказсам дейди.

Сен адабиётимиз учун тинмай меҳнат қилдинг. Қанчадан-қанча шоғирдлар етиштирдинг. Аммо кадр топмадинг.

Узоқ йиллар интиқ кутган ҳуррият замони келган пайтда яна озроқ яшасанг нима қиларди? Мен ўзбекман дейишга қўрқадиган, Ўзбекистон менинг Ватаним дейишга журъат қилолмайдиган замонлар ўтиб кетганини оз бўлса ҳам ўз кўзинг билан кўрганинг менга таскин беради. Тўлиб-тошиб ёзадиган пайт келганда тилдан қолдинг, ҳеч бўлмаса шунча китоб битган бармоқларинг қалам тута қолса нима қиларди? Армону қувончларинг, ҳасрату надоматларинг ичингда қолиб кетди-ку!

Фашизмга қарши курашда кўксини ўққа тутган қаҳрамон жангчи эдинг. Тиканли симлар орасида лахтақ қоғозларга роман битган сабрли ёзувчи эдинг. Дўст фамига ғамгузор, қувончидан қувонган инсон эдинг.

Қани эди бу гапларнинг биронтасини тирик пайтингда ўзингга айтган бўлсак, бунчалик алам қилмасди.

Бир ўкинчга бир юпанч, дейдилар. Машаққатли бўлса ҳам кечирган умринг бекор ўтмади. Бутун ҳаётингни, уйқусиз тунларингни бағишлаган адабиётимиз хазинасига жуда катта бойлик ташлаб кетдинг.

Бундан кейин ўтадиган ижод гурунгларида бўлмаслигингни, олтмиш йил ўз саҳифасида шеърларингга жой берган кадрдон газеталаримиз таҳририятлари остонасидан ўтмаслигингни, уруш ва урушдан кейинги офир йилларда бизга нон берган Тошкент радиосидан овозингни эшитмаслигимни, «зангори экран»да бошингга эрта қиров тушган нуроний қиёфангни кўрмаслигимни ўйлаганимда бутун вужудимни аллақандай мунг ҳазинлик чулғаб олади.

Бир келмакнинг бир кетмаги бор деган гапга қандок кўникай!

Юрак-бағримни ўртаб кетдинг-ку, азизим!

1993 йил

ТИЛДА ҚОЛГАН НУТҚ

Шухрат каттакон адабиётимизнинг зарғар ижодкорларидан эди.

Эди!.. Бу гапни айтишга тилим айланмайди. Аммо

олтмиш йил ҳар куни ҳеч бўлмаганда бир мартадан кўришиб турган, қувончларингдан қувонган, ғам-андуҳларингдан ўртанган энг яхши кишинг бир умр қайтиб келмас бўлиб йўқлик қаърига сингиб кетса, ўртанган, ўксиган кўнглингга қайдан таскин топасан!

Ич-ичимдан, «Э, Худо, яхши одамларнинг умрини узоқроқ қилиб яратсанг бўлмасдим!» деган аламли бир нидо бўғзимга келиб урилади.

Инсон тирик экан, бу дунёга сира ўлмайдиган бўлиб келгандек, ҳаёт юқини орқалаб юраверади, юраверади.

Ҳаёт бировга узоқ йўлни яқин қилса, бировга яқин йўлни узоқ қилади. Дўстлари уч кунда босадиган йўлни у йиллаб босиб ўтиши керак бўлиб қолди.

У ухлаб тушига кирмаган «гуноҳлари» учун 25 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Энди ижоди кучга тўлган, завқ-шавқ билан, илҳом билан ижод қилиб турган навкирон ёшида туғилган она-юрти — Ўзбекистондан олисларга ҳайдаб кетилди. Урушда кўрган-кечирганларидан баҳс қилувчи «Шинелли йиллар» романи поёнига етмай, нуқта қўйилмай қолиб кетди.

Адабиётда эндигина ўз ўрнини топаётган, битта болага ота бўлган шоир хор-зорликда, азоб-уқубатлар ичида беш йил сарсон-саргардон бўлиб қайтиб келди. Бу азоблар унинг иродасини буколмади. Тушқунлик исканжасига қўлини тутиб бермаган Шухрат гина-кудуратларни унутиб, яна ўзини ижодга урди. «Шинелли йиллар» қайлардадир йўқолиб кетган эди. У кўз нуруни тўкиб романни қайтадан ёзиб чиқди. Ва, ниҳоят, роман ўқувчи қўлига тегди.

Аста-секин фарзандлари ҳам, китоблари ҳам кўпая борди. Роман босилиб чиққанда, ўғли Фикрат тўққиз ёшга кирганди. «Олтин зангламас» дунё юзини кўрганда ўғли Хондамир, «Жаннат кидирганлар» босмага топширилганда ўғли Бобур дастёр бўлиб қолганди.

Унинг уч ўғли уч роман бўлиб дунёга келганди.

Унинг арзандагина қизи Зебо бир эмас, бир неча шеърий гулдаста бўлиб туғилди. У ўз ҳаётидан рози эди. Китоблари севиб ўқиётганидан қувонарди. Бу қувонч уни тинимсиз ижод қилишга ундарди. Аммо... қандайдир бир кўринмас куч уни дўстлари сафидан нари итариб турарди. Нега бунақа бўлаётганини у билмасди. Тенгқурлари тақдирланган пайтларда у дил-дилдан қувонарди. Аммо унинг ўзи... Инсон тани темирданмас, ахир у ҳам вақти келиб емирилади. Бу хил муносабатлар бир куни келиб ўз ишини қилиши мумкинлигини ким ўйлапти, дейсиз!

Ким биледи, ёзадиганини тезроқ ёзиб қол, кейин армон бўлиб қолмасин, деб Худо кўнглига солганми, Шухрат кечаю кундуз тинмай меҳнат қиларди. Охири у тилдан қолди. Бармоқларининг қалам тутишга мажоли қолмади. Энди у на бир сўз айта олади, на дилидаги гапларини қоғозга тушира олади.

Кўксиди қайнаган илҳом тугён урганча қолди. Ақлида галаён қилаётган фикрлар галаён қилганча қолди.

Шухрат ўн йил шу алфозда яшади. Шу ўн йил ичида унинг йил ора янги шеърый тўплами босилиб турди. У то дардга чалингунча бу шеърларни ёзиб қўйган эди.

Шухрат умрининг охириги йилларида ёзни ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод уйида ўтказарди. Бошқа пайтларда келолмасди. Неваралари таътилга чиққан пайтлардагина келарди. Улар боболарини қўлтиғидан олиб, сайр қилишга олиб чиқардилар.

Боғимда авжи луччак шафтолилар пишган пайтда Шухратни олиб келишарди. Бир вақтлар сўзга чечан, суҳбати ширин Шухрат энди мўлтираб жимгина ўтирарди. Ичида тўпланиб қолган гапларини айтолмай асабийлашарди.

Шу хил сўзсиз бир-биримизга мўлтираб қараб ўтиришларимизнинг бирида Шухрат алам билан кўксига муштлай бошлади. Қўрқиб кетдим. Нега унақа қилаётганини билолмай, хайрон бўлиб қараб турардим. Ўрнимдан туриб елкаларидан кучоқлаб, юзларини силадим. Унинг қўзларидан юм-юм ёш оқарди. У ичим куйиб кетди-ку, бағрим ёниб кетди-ку, демоқчи бўлган эди.

Бир кун у пешона терини бармоғи билан сидириб кўрсатди. Бу — пешонам мунча шўр бўлмаса-я, дегани эди.

Шундан кейин у чўнтагидан гижимланган бир қоғоз олиб узатди. Узатган қоғозни тиззамга қўйиб, гижимини ёздим. Унда энди ёзувни ўрганаётган болаларнинг машқига ўхшаш қинғир-кийшиқ ёзувлар бор эди. Ҳарфларнинг бири бутун қоғозни энлаб кетган, баъзилари чумолидек майда, бири нималигини билиб бўлмайдиган ҳарфлар эди. Минг уринсам ҳам ўқиёлмадим. Неварасидан ўқиёласанми, деб сўрадим. Ўқиёламан, деди. У бошқа қоғозга «хат»ни қўчирган бўлди. Бола ҳам унчалик ёза билмас эди. У иккинчи синфда ўқир эди. Ёзувни бир амаллаб ўқидим:

«Меҳнатни ўнг қўл қилади,
Тилла соатни чап қўл тақади...»

Бу икки сатр Шухратнинг йигирма йиллик таржимаи
холи эди.

Бу икки сатр унинг орзу-армонлари эди.

Бу икки сатр ўксик қалбнинг аламли нидоси эди.

Шухрат кетди. Қайтиб бўлмас бўлиб кетди. У хайр
деёлмади.

Хатто қўл силтаб хайрлашолмади ҳам. У сўзсиз, жим-
гина оламдан ўтди.

Кўз ўнгимда у билан соатлаб бир-биримизга жовдираб
қараб ўтирганларимиз қолди.

У дунёдан ном-нишонсиз кетмади. Халқига уч роман,
ўнлаб шеърий тўпламлар ташлаб кетди. Қалб ҳарорати,
юрак қони билан битилган бу китоблар адабиёт хазинаси-
дан муносиб жой олди.

Шухрат баҳона қачонлардир айтишим керак бўлган
гапларни айтиб, ичимни бўшатиб олдим.

Дўстим, сенсиз бағрим хувиллаб қолди-ку!

1997 йил

ШОИРАНИНГ ФЕРУЗА ОЛАМИ

Баъзан хаёл олиб кетади. Ўтган йўллариингга, босган изларингга қарайсан. Кимлар юрган йўллардан келдинг, кимлар босган изларни босдинг, ҳамма-ҳаммасини кўрасан. Қандай яшадинг, кимлар билан бир дастурхондан ризкингни бўлишдинг. Кимлардан меҳрибонлик кўрдинг, кимлардан панд единг, кўз олдингдан бир-бир ўтаверади.

Ёрқин умидлар билан йўлга отланган ҳамроҳларинг қани, деб ўзимдан ўзим сўрайман. Уларнинг кўни энди йўқ. Манзилга етолмай, жуда тиниқ, жуда шаффоф умидларини ўзлари билан олиб йўқлик деб аталмиш мангуликка кетдилар.

Сенга раҳнамолик қилган устозларинг қани? Қўлингдан етаклаб ижоднинг сўнгсиз йўлларига олиб чиққан, табаррук номлари дил қатида умрбод қолиб кетган устозлар қани?

Юрган йўлларида кулги тўкилган, кирган хонадонига бир уй қувонч ташлаб кетадиган Фафур Фулом қани? Чакнаб турган кўзларига олам фалсафаси жо бўлган, хаёллари сўнгсиз уфқлардан ошиб ўтган доно Ойбек қани? Қаҳри метиндан қаттиқ, меҳри каптар кўксидек майин, қалами учидаги чакмоқ коғозни куйдирадиган Абдулла Қаҳҳор қани?

Бу табаррук зотлар юртга берадиганини бериб, элдан қарзларини узиб, шогирдлари калбига нурли ошён куриб, абадият уйқусига бош қўйдилар.

Ана шуларни эслаганимда юрагимда ажиб бир ёрқин хотиралар уйғонади. Саидахонни эслаб кетаман. Йигирма етти йил тирикликнинг гоҳ нурли, гоҳ нурсиз йўлларида бирга ҳамроҳ бўлган, биргина қизини келинлик либосида кўролмаб, ёр-ёрини эшитмай, етдим деганда йиқилган қадрдон кимса тушларимга киради. Жавонларни тўлдирган китоблари қатидан чиқиб, ўзи кўрмаган неваралари бошида ўтириб тонг отдиради.

Бу гапларни ёзиш қанчалик оғирлигини биламан. Шунинг учун ҳам хотира ёзишга қўлим бормасди. Хотиралар

ёзилар, аммо унинг охири Саидахондан айрилиб қолган кун билан яқунланади. Ана шуниси алам қилади. Мен унинг хотира бўлиб қолишини асло истамайман. У менинг онгимда, ҳаётимда ҳамипша тирик қолишини истаيمان. На чора! Ёзмоқ керак.

Вақтики келиб, мен ҳам кетарман. Эсдаликлар ўзим билан кетмасин.

Саидахон баъзи-баъзида ҳазиллашиб, шоирлар хотинларига бағишлаб шеър ёзишади, афсус сиз шоир эмассизда, деярди.

Бу гап юрагимда ўкинч бўлиб чўкиб ётганди.

Мана бугун ўзи чироғини ёқиб кетган хонада китобларию сувратлари куршовида ўтириб хотиралар ёзаяпман. Уч романдан иборат «Уфқ» трилогиямни унга бағишладим, назаримда кўнгли тўлмади. Мана энди ўзини ёзаяпман.

Магнитофонни қўйиб овозини эшитаман. Альбомлар катида ухлаган сувратларига тикиламан. Китобларини варақлаб сеҳрли сатрларини такрорлайман.

Шунда бирдан ўзи жонланиб аста хонамга кириб келади. Елкасида менинг костюмим, қўлида қалам, варақларига ёғ сачраган блокнот билан аста диванга ўтиради.

— Мана, сизга атаб шеър ёздим.

Секин, худди шивирлагандек ўқийди:

.....

Эшик тирқишидан бир чизик ёниб,
Офтоб бўлиб кириб ёритар хонам.
Машинканг чиқиллар, тўхтайти баъзан,
Биламан чекапсан, чекапсан улаб.
Кошки очиб қўйса деб деразани,
Камроқ чекса-чи, деб бўламан хуноб.
Хонангни тутундан поклаш дардида
Бедор ўтираман сендан нарида.

ЙЎЛЛАРДАН ТЕРИЛГАН САТРЛАР

Саидахон уйим-жойим деган аёллардан эди. Қай юртга бормасин бир кундаёқ уйини соғиниб қоларди.

1963 йили бир муддат хасталаниб қолди. Врачларнинг маслаҳати билан Трускавец деган курортда даволаниши керак эди. Бу курортга путёвка топиш жуда мушкул экан. Уёкка югуриб, буёкка югуриб иложини қилолмадик. Охири собиқ Ўзбекистон ҳукумати раҳбарлари аралашиб, Украина Компартияси Марказий Комитети орқали

путёвка олиб берди. Хулласи, кўпчилик бўлиб Саидахонни поездга чиқариб қўйдик. (Самолётда учишга унамади.) Кетар олдидан эндигина уч ёшга тўлган Нодирани бағрига босиб йиғлаб юборди.

— Боламга яхши қаранглар. Иссиқ-совуғига хушёр бўлинглар, — деб қайта-қайта тайинлади. — Ҳиди келиб турсин, деб битта ювилмаган кўйлагини олиб кетяпман, кидириб юрманглар.

Эртасига ишдан келиб дарвоза ёнбошидаги қўнғироқ тугмасини босдим. Эшикни Саидахон очди.

Муни қарангки, поезд Саксовул деган станциясига етганда Саидахон вагондан тушиб қопти. Боласини соғиниб кечаси билан мижжа қоқмапти. Қизининг кўйлагини хидлаган сари баттар соғиниб кетаверипти. Охири Львовгача олинган билетини проводникка бериб орқага қайтипти. Шунча пуллик путёвка ҳам, Тошкент — Москва, Москва — Киев, Киев — Львов поездининг билетлари ҳам қўйиб қолаверди.

— Нега бундай қилдингиз, даволаниб келсангиз қандоқ яхши бўларди, — дедим.

— Қўйинг. Мен курортларда дам олишга, денгиз бўйларида сайру саёҳат қилишга ўрганмаганман. Ҳар қанча дардим бўлса, шу қизимни бир марта бағримга боссам соғайиб кетаман.

Она-бола кечаси билан нималарнидир чуғурлашиб гаплашиб ётишди. Тонг маҳал уйғониб кетдим. Қарасам, Саидахон тиззасига блокнот қўйиб нималарнидир ёзипти. Блокнотга қарадим. Шеър ёзаётган экан. Шеър шундай бошланар эди:

Қизгинам, ишларинг, ташвишларинг кўп,
Менинг бахтим бўлган жанжал, сўроқлар.
Менинг бахтим бўлган эркаликларинг,
Менинг бахтим бўлган хушбўй дудоқлар.

Бирон меҳмонгами, тўйгами боргудек бўлсак, Саидахоннинг томоғидан овқат ўтмасди. Бирон ширинликми, тансиқроқ бирон нарсаними дастурхондан олиб салфетка қоғозга ўраб сумкасига солиб қўйгандан кейин дастурхонга қўл узатарди.

Баъзан унинг бу ишидан хижолат чекардим.

— Битта-яримта кўрса уят қилади-я, — дердим кулогига шивирлаб.

— Қизимга илиндим. Бўлмасам томоғимдан овқат ўтмайди, — деб кулиб қўярди.

Олтмиш еттинчи йили биз ҳам бошқаларга ўхшаб денгиз бўйларида дам олиб келайлик деб ният қилдик. Ригадаги ёзувчилар ижод уйига путёвка олиб айти саратон авжига чиққанда йўлга отланиб қолдик. Саидахон самолётда учиб сира унамади.

— Қўйинг, бир бало бўлиб қолса учовимиз ҳам йўқ бўлиб кетмайлик. Поездда кетганимиз дуруст.

Унинг кўнглига қараб поездда кетдик. Ҳаво иссиқ. Тошкент вокзалида куни билан офтобда тандирдек қизиган вагон то саҳаргача совумади. Йўловчилар иссиқда безовта бўлиб ҳар разъездда сувга югуришади. Чемодан судрашиб Қозон вокзалидан Рига вокзалига ўтдик. Бир сутка йўл юриб Ригага ҳам етиб келдик. Аксига олгандек, ўша кезлари Рига ҳам худди Тошкентдек ниҳоятда исиб кетган экан. У жойларда ўттиз даражали иссиқ Тошкентнинг қирқ беш даражасидан ҳам оғир кўчар экан. Ҳаво нам, атроф қўллардан, денгиздан, ўрмон оралигидаги ботқоқликдан кўтарилган нам ҳаво нафас олишга имкон бермасди.

Бордигу ўша куни ҳафсаламиз пир бўлди. Саидахон кетаманга тушиб қолди. Ригада бир кеча ётдигу эртасига самолётга ўтириб Тошкентга қайтиб келдик.

Бизни кузатиб қўйганлар хайрон. Саидахон уларга:

— Э, ўз уйимдан ўтаверсин, — деб жавоб қиларди.

Орадан уч кун ўтиб Саидахон Рига сафари тўғрисида бир шеър ёзди:

Шовуллаган яшил, чексиз ўрмонлар,
Хуснингизга сира келтирмасман шак.
Лекин не қилайки, олисдан чорлар
Райҳонлар хид сочган торгина эшик.
...Зира, зирк солинган хушбўй паловнинг
Бир чимдими ҳозир қилди хумори.
Милдираб қайнаса шўрва оловда
Жамбилларни солсанг минг дардга дори.
...Кеча кузатишган дўсту кадрдон,
Ногоҳон учратиб қолурлар хайрон:
Баъзида ўзим ҳам ўзимдан хайрон:
Гоҳи фалатиман, ростдан ҳам фалат.

Олтмиш тўрт сатрдан иборат шеър юрт соғинчи, унинг рангин бўёқлари, бекиёс манзаралари тасвиридан иборат эди.

Болтиқ соҳилида жойлашган Райнис номидаги бу ижод уйида мамлакатимизнинг жуда кўп машҳур ижодкорлари ўзларининг элга овоза бўлган асарларини бит-

ганлар. Саидахон бу шеърида ўша ижодхонадан узр сўраётгандек бўлади:

Не-не шох сатрлар битилган бунда,
Аммо илҳом мени қилиб қўйди тарк.
Қўлга ўрганмаган ҳуркак оҳудек
Тартибу столдан чўчиса керак.
Ахир, мен аёлман, бир уй бекаси,
Сатрлар етилса қозон бошида,
Қоғозга тушади ярим кечаси,
Уйқуда жилмайган қизим қошида.
Бир кунда шунчалик соғинч байтлари,
Бир кунда шунчалик дард тўлмиш дилга.
Қошки қанот бойлаб шундай пайтлари,
Одамзод чирмашиб учолса елга.

Олтмишинчи йилларда «Москвич» машинамиз бўларди. Нима бўлдию шу машинада узоқроқ юртларга саёхат қилгимиз келиб қолади. Июнь охирларида шу машинада Иссиққўл томонга йўл олдик. Иссиққўл Тошкентдан тўққиз юз километр нарида. Тонг сахарда йўлга чиқиб кунботар махали Фрунзегга етиб келдик. Қирғиз ёзувчилари келишимиздан хабар топиб меҳмонхонадан жой олиб қўйишган экан. Бир кеча дам олиб, яна йўлга тушдик.

Иссиққўлнинг Рибачий соҳилидан бир уйни ижарага олдик. Йўл юриб чарчаганимизга қарамай Иссиққўлнинг ойдинда қумушдек товланишини томоша қилдик. Эрталаб сайёҳларга қўшилиб чўмилдик. Туш махали Саидахон Нодирахоннинг кўйлақларини ювиш учун ховлига чиқди. Уй эгаси фоз боқар экан, элликтача фоз ховлини тўлдириб ғағалайди. Уларнинг шовқинидан бошларингиз айланиб кетади. Саидахон кир юватуриб узугим бармоғимдан чиқиб кетса мағзавага қўшиб тўқвормай, деб чиқазиб табуретка устига олиб қўйди. У ювилган кирни сиқаётган эди, бир фоз келиб узукни лиқ этиб ютиб юборақолди. Мен узукни ютган фозни қувлаб кетдим. У ўлгир ҳам ўзини фозлар ўртасига урди. Хаммаси оппоқ. Қайси бири узукни юганини билиб бўлмайди. Уй эгасига, фозингиз узукни ютиб юборди, энди нима қиламиз, десак, у ҳам қўрсина экан, мен нима қилай, элликта фознинг хаммасини сўйиб жиғилдонини титкилайми, ё хаммасини бир-бир рентгенга солайми, деди.

Бу узукни мен Саидахон туғилган куни совға қилган эдим. Жуда қиммат узук эди. Француз заргари барг нусха қилиб ишлаган, барг орасига учта бриллиант ўрнатилган эди. Саидахон жуда хафа бўлиб қолди. Иссиққўл

манзараси ҳам, ҳавоси ҳам татимай кетди. Кетгиси келиб ковоғини уйиб олди.

— Нима қилайлик, кетақолайликми, — дедим.

У шу гапни кутиб турган экан, дарров рози бўлақолди.

Тўққиз юз километр йўл босиб борган йўлимиздан яна шунча йўл босиб Олой тизма тоғлари оралиғидаги Туя-ошув довони орқали Андижонга қайтиб келдик.

Беш қисмдан иборат «Йўллар» шеъри ўша сафар таассуротлари маҳсули эди.

Хатто машина ҳам ҳарсиллаб қолур,
Энтикиб сув сўрар бу тоғларда гоҳ.
Терлаган яғриндек ялтиллаб тошлар
Бу ерларда ўтган кураш, бардошлар
Сиридан қилгандек бўлади огоҳ.
Йўллар, йўллар, дoston сатрларидек,
Ҳар қадамда сизни ўқиса бўлур.
Тилакларни улаб тилаклар билан,
Юракларни улаб юраклар билан,
Яна олисларга йўллар йўл олур.

Бу шеърда қирғиз тоғларининг ажиб манзараси чизилади. Ўнгирилларда эримай қотиб қолган асрий қорлар, садафдек ялтираган чўққилар, шовқин соғиб пастга қуйилаётган шаршаралар кўз олдингизга келади.

Бу орада қанча воқеалар бўлиб ўтди. Қанча китоблар ёздик. Нодирани биринчи марта мактабга қузатиб бордик. Саидахон адабиётдаги хизматлари учун иккинчи марта орден билан мукофотланди. Мен эллик ёшга кирганимда юбилей қилдик. Саидахон юздан ортиқ меҳмонга дастурхон ёзиб мезбонлик қилди. Шу шодликлар орасида бирдан ўша роз ютиб юборган узук эсига тушиб қолиб, менга пичинг қиларди.

— Сиз ўша узукни оғриниб совға қилган экансиз, шунинг учун роз ютиб юборди.

Хулласи, ўша узукдан ҳам яхшиisini совға қилиб тинчидим.

Андижонда Қорадарё билан Фарғона канали оралиғидаги оролга ёзда яшаш учун чорбоғ тиклаган эдик. Бир ёнида дарё, бир ёнида канал оқади. Шийпонимиз тўғрисида Катта Фарғона каналининг Қуйганёр тўғони кўриниб туради. Тўғондан қуйилаётган сув тўзонлари шамол эсган пайтларида айвонимизгача етиб келади. Канал бўйида ўсган бир туп заранг дарахти тагига сўри қургандик. Заранг шохлари сўрига тангадек офтоб туширмасди. Саратон қиздирган кунлари кечгача шу ерда дам олардик.

Катта Фарғона канали ҳақидаги «Қирқ беш кун» деган романимни шу ерда ёзаётган эдим. Роман охириги бобларга келиб юришмай тўхтаб қолган эди.

Дарёдан тутган балиқларни тозалаб бердим. Саидахон яхшилаб қовурди. Балиқни еб бўлгач, Саидахон қўллари-нинг ёғини қоғозга артаётганда ўша мен иккинчи марта совға қилган узук бармоғидан чиқиб чўлп этиб сувга тушиб кетди.

Бу жойда сув буралиб-буралиб, қирғоққа сапчиб ўтади. Узукни сувдан қидириб топиш амримаҳол эди.

Бу узук ҳам Саидахонга буюрмади.

— Узукни яна оғриниб совға қилган экансиз. Бундан кейин ҳеч нарса совға қилманг. Керак бўлса ўз пулимга оламан, — деб яна зарда қилди.

Тавба, менда нима гуноҳ.

Саидахон бир нарсани аҳд қилса охирига етказмай қўймасди.

Бошқа ҳамма ишни йириштириб қўйиб аҳд қилган ишига ёпишиб оларди.

Узук каналга тушиб кетган куни шундай деган эди: «Бир дoston ёзайки, сиз совға қилган иккала узукдан ҳам қимматли бўлсин».

Ўша кундан бошлаб камгап, хаёлчан бўлиб қолди. Гапирсам чала-чулпа жавоб қилади. Нодиранинг нонуш-тасига сут қайнатса тошириб юборади, пиширган овқати гоҳ шўр, гоҳ тузсиз бўлади.

Мен боғда экин-текинни сугориш билан овораман. Саидахон заранг дарахти тагидаги сўрига ўтирволиб нималарнидир тўхтамай ёзади.

Шу зайлда ўн беш кунлар ўтиб, қалин бир дафтарни қўлимга берди.

— Ўқинг. Дoston ёздим.

Дафтарни очдим. «Лирик нутқ» деган дoston экан. Кўзойнакни тақиб, ўқишга тушиб кетдим.

Шоира бу дostonда ўз таржимаи холини дарёга қиёслаб, Андижон манзараларига омукта қилиб ёзганди. Дoston боблари турли вазнларда ёзилган. Ўқиганда бир хил вазнда зерикарли бўлмасин, деб, атайлаб шундай қилганди. Яхши кўрган узугини ютган канал шаънига ҳам анча қайноқ сатрлар бағишлаган эди.

Тошкентга қайтиб келганимиздан кейин орадан бирон ойларча вақт ўтиб Куйганёрдаги қўшнимиз Ҳакимбой аканинг хотинидан хат олдик. Канални ремонт қилиш учун суви беркитилган экан. Лойқа аралаш қумлар орасидан узукни топишибди.

— Мана, — дедим хатни унга кўрсатиб. — Бу узук ҳалол пулга келган. Канал экан-ку, денгизга тушиб кетса ҳам йўқолмайди.

Саидахон яна бир-икки кун хаёлчан бўлиб қолди. Бу хаёлчанлик шеър бўлиб қоғозга тушди. Шеърда ўша канал бўйидаги сўри, қирғоққа урилиб оқадиган бўтана сув баҳона бўлиб саратон манзараси тасвирланарди:

Бўтана сувлар оқса ялпизларни тортқилаб,
Қалқиб-қалқиб кўринса қовункоса пўстлоғи.
Қапалаклар учишса алвон рангни орқалаб,
Ҳеч жойдан тополмасман хордиқнинг дурустроғин.

Оқ яқтак, оппоқ соқол чоллар силкиниб кулса,
Лорсиллаб кетгусидир сувга қурилган сўри.
Лабда қимтиб узилган узумдан бол тўкилса,
Соқолларда товланар қуёшнинг етти нури.

Ненидир тутиб кетди қалдирғоч бир шўнғишда,
Анжирга кўзин тикиб, хилват пойлар зарғалдоқ.
Дехқоннинг яхна чойи сувда турар чойдишда
Шимирсангиз бадандан сизиб чиққуси чарчок.

Назаримда, Саидахоннинг бу шеъри узугини қайтиб берган тошқин сувга миннатдорлигининг ифодасига ўхшаб кетарди.

Саидахон ўзи дуч келмаган, ўзи шохид бўлмаган, ўз бошидан кечирмаган воқеаларни қаламга олмасди. Нимаики ёзган бўлса ўз бошидан кечирган ёки ўзи шохид бўлган воқеаларди.

Шеърларида ҳам, ҳикоя ва қиссаларида ҳам ўзи кўри-ниб туради.

Мен унинг сафарлар таъсиридан ёзилган шеърларидан бир нечасини айтиб бердим. Ҳали буёқда айтадиган гапларим кўп.

Ажойиб шоира, гўзал ҳикоянавис Саида Зуннунова ўз халқига каттагина адабий мерос қолдирди.

Шоиранинг олтмиш йиллик тўйида қалбимиз қатида ардоқлаб келган хотираларини ўртага ташлаймиз.

БИЗ ШУНДАЙ ЯШАДИК

Саидахоннинг иш столида ўтириб бирон нарса ёзганини эслаёлмайман. Ошхонада қозон кавлаб туриб, бир кўлида шеър ёзарди. Боласининг беланчагини тебратиб

ўтириб тиззасига дафтар қўйиб ёзган пайтлари кўп бўлган.

Уйда сақланаётган қўлёзмаларининг кўпчилигида ёр сачраганда, сут томганда қолган доғлар бор.

Қаерда илҳоми келиб қолса ўша ерда ёзаверарди. Журнал саҳифаларининг четидаги оқ жойларига жуда майда ҳарфлар билан қора қаламда ёзган шеърларининг қўлёзмалари ҳозир ҳам уйимизда бир ёдгорлик бўлиб сақланади.

Сафарларда юрган пайтларимизда чиройли-чиройли блокнотлар олиб келардим. Уша блокнотларнинг дастлабки саҳифаларига шеър битилардию кейинроқ бориб уларнинг саҳифалари бозорда қилинган харажатлар ҳисоб-китоби билан тўлиб кетарди.

— Нега унақа қиласиз, атайлаб шеър ёзишингиз учун олиб келгандим, — дейман.

— Бозорга бир чангал пул билан кетиб у-бу оламану шунча пул қаёққа кетганини билмай ҳисоблаб ўтираман.

Биламан. Саидахон менинг пулимни харжлагандан хижолат бўлиб шунақа қилади. Ўз пулини харжлаганда ҳисоблаб ҳам ўтирмайди.

— Сиз унақа қилманг. Қачон мен топиб келган пулимга ҳисоб сўрабман?

— Шунақа дейсиз-у, — дейди у хижолат аралаш илжайиб, — умримда бировнинг пулини ишлатмаганман.

Чиндан ҳам Саидахон отадан етим қолган бир этак укаларини боқиш ташвиши билан ёшлигининг хузур-ҳаловатини кўрмаган. Онаси Сабохон кўҳликкина меҳнаткаш аёл эди. Ўқишдан қайтган қизларини ёнига олиб чорси, дўппи тикишарди. Шу арзимаган даромад орқасидан рўзғор тебратишарди. Саидахон Андижон ўқитувчилар институтини тугатгандан кейин Избоскан районининг Тўрткўл қишлоғидаги мактабда ўқитувчилик қила бошлайди. Ҳар ҳафтада тоғанини уйга ташлаб йигирма километр йўл юриб орқасига қайтиб кетарди. Шу ташвишлар орасида тинмай китоб мутолааси билан яшаган Саидахон турмушга чиққандан кейин ҳам эрининг пулини сарф қилишга сира кўниқолмасди.

Китобимга каттароқ пул олган пайтларимда ҳаммасини унинг қўлига бериб қўярдим. Шу пул то тамом бўлмагунча ҳар куни ишдан келишим билан блокнот очиб бугунги харжларни ўқиб берарди. Мен бундан хижолат чекардим. Баъзан жаҳлим чиқиб қўлидаги блокнотни олиб ховлига отиб юборардим.

— Э, пулингиз ҳам қурсин. Магазинга кирсам ҳам,

бозордан бирон нарса харид қилсам ҳам худди орқамдан нима қиялсан, деб қараб турганга ўхшайсиз. Қўйинг, энди менга пул берманг. Рўзғорга керагини ўзингиз олиб келаверинг.

Саидахон ўзи гонорар олганда биратўла ҳаммасини харжлаб ўзига кийим-кечак олиб келарди.

— Хой, инсофингиз борми? — дейман ҳазиллашиб. — Участка бошлаб қўйганмиз-а. Томини ёпишга тунука олишимиз керак, шувовига пул керак.

Шунда Саидахон хандон отиб куларди.

— Эркаклар хотинига тилла узуклар олиб беради. Хотинини қўғирчоқдек ясаиб қўяди. Ўз кийим-бошини ўзи эплайдиган хотинингиз борлигидан сўйинсангиз-чи.

Бу хил гаплар ҳазил-мутойиба йўли билан ўтиб кетарди.

Гап Саидахоннинг столда асар ёзмаганлигида эди.

Уйимизда бир эмас учта ёзув столи бор эди. Бари бир унда ёзишга Саидахоннинг қўли тегмасди. Эртадан кечгача уй ичида ғимирсиб юраверарди. Албатта уйда хотин киши учун ҳамма вақт иш топилади. Кир ювиш, бичиштикиш, уй йиғиштириш, овқат қилиш, келди-кетдини кутиш...

Мана шундай юмушларни бажариб юриб йўл-йўлакай хаёлида шеърини пиширарди-да, дераза раҳига тирсагини қўйиб ё бўлмаса дазмол қиладиган тахтага қоғоз қўйиб етилган сатрларни туширарди.

Баъзи шеърларининг икки сатри журнал муқовасига, тўрт сатри телефон номерлари бор рўйхат тагига ёзиб қўйиларди. Шеърни шу йўсин битказардию, кечга бориб машинкада икки нусха кўчириб оларди.

Табиатимда ўйинқароқлик бўлганидан кечаси ишлардим. Бунга сабаб кўчага чиқиб кетиб бўлмайди. Ҳамма ухлаган. Ўтириб ишлашдан бошқа илож йўқ. Ҳали-ҳалигача кечаси ишлайман. Шунга ўрганиб кетганман.

Мен ҳеч қачон ёзган ҳикояларимни таҳрир қилмай, Саидахонга кўрсатмаганман. Кечаси тонг отгунга қадар ишлаб ҳикоямни битираман-да, бир варақ қоғозга «Саида Зуннунова, ҳикоя битди. Ҳозирча ўқиманг!» деб ёзиб эшикка ёпиштириб қўяман.

Мириқиб ухлаб турганимдан кейин таҳрир қиламан. Саидахонга ўқиб бераман. У ортиқча эътибор бермай шунчаки тинглайди.

— Аллақачон ўқиб бўлганман. Яхши ҳикоя ёзibsиз, — деб мени табриқлайди.

Ана шундан кейин ёзиб бўлган ҳикояларимни таҳрир

қилмай туриб бирон жойга, Саидахон тополмайдиган жойга беркитиб қўядиган бўлдим.

Олтмиш биринчи йили телевизор кўриб ўтирганимизда (қайси фильм эканлиги эсимда йўқ) асар қахрамони «Турналар» деган қўшиқ айтди. Негадир бу қўшиқ менга жудаям таъсир қилди. Фильм тугаганда Саидахонга «Турналар» деган ҳикоя ёзаман, дедим.

Авваллари ҳеч қачон палон нарса ёзаман, деб айтмасдим. Саидахон хайрон бўлди.

Кўпдан бери ҳеч нарса ёзмай ўртоқларимдан дакки эшитиб юрган пайтларим эди. Саидахон ҳар доим овқат махалидаям, бирон иш қилаётган пайтимда ҳам, қачон бирор-та ҳикоя ёзасиз, сиз тенгилар тез-тез ёзиб туришибди, бунақада орқада қолиб кетасиз-ку, деб тинмай гапираверарди. Турна тўғрисида ёзаман деганимдан жуда севиниб кетди.

Хулласи ўша кеча ухламай тонг отдирдим. Ёшлигимда эшитган, ўзим кўрган воқеаларни эсладим. Болалик пайтимда уйимизда битта чўлоқ турна бўларди. Орқамдан эргашиб юарди. Онамнинг айтишларига қараганда бу турна қаердадир яраланиб тонг маҳали тўдасидан ажралиб ховлимизга тушган экан. Ўша турна кўз олдимга келаверди. Бугунги воқеаларга омухта қилиб ўша турнани ҳикояга қахрамон қилдим. Ҳикоя тонготар маҳали битди. «Саида Зуннунова, ҳикоя битди. Қидириб юрманг, сиз тополмайдиган жойга беркитиб қўйганман», деб ёздиму эшикка ёпиштириб уйкуга кетдим. Уйғониб катта уйга чиқсам, Саидахон ҳикояни ўқиб ўтирибди. Хайрон бўлдим.

— Қандоқ қилиб топдингиз. Печканинг ўтхонасига тиқиб қўйган эдим-ку, шуни ҳам топдингизми? — дедим.

— Хотин киши ўз уйидаги ҳамма тешиқ-телиқларни билади. Аёл кишидан нарса беркитиб бўлмайди. Топдим. Жуда яхши ҳикоя ёзисиз. Жумлаларида ғализликлар бор, тузатарсиз.

— Ана шунинг учун ўқимай туринг дейман-да.

— Мен ишлаган қишлоқ манзараларини жуда аниқ ёзисиз. Ўқиб таъсирланиб кетдим. Чолнинг турнаси учиб кетганида кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Мен ҳам бир ҳикояни қоралаб қўйдим. Аввал ўзингизникини таҳрир қилиб бўлинг, кейин меникини ўқиймиз.

Бирон соат ўтириб ҳикоямдаги ғализ жумлаларни таҳрир қилдим. Нонуштадан кейин Саидахоннинг ҳикоясини ўқидик. Яхши ҳикоя ёзибди. Аммо ҳикоя оҳанги менга унча ёқинқирамади. Ҳикоя ёлғиз ўғлини уйлантирган бир бева аёл тўғрисида эди. Кампир тўй куни келинга бармоғидаги узугини чиқариб совға қилади.

Тўй тарқаган уй манзараси ниҳоятда чиройли ёзилган-ди. Кампирнинг портрети ҳам жуда яхши.

— Менга қаранг, ҳикоянинг номини «Қўллар» деб қўйинг. Бутун ҳикоя давомида кампирнинг қўлларини тез-тез тилга олиб туринг. Шунда унинг меҳнати, муҳаббати, меҳри ўқувчи кўз олдига пайдо бўлади.

Бу гап Саидахонга жуда ёқди. Ҳикояни бир ўтиришда таҳрир қилиб, мен айтган гапларни қўшиб ўқиб берди. Ҳикоя ниҳоятда таъсирли чиқди. Икковимизнинг ҳикоямиз олдинма-кейин «Совет Ўзбекистони» газетасида босилди. «Қўллар» рус тилига таржима қилиниб «Правда» газетасида, сал фурсат ўтиб, «Советская женщина» журна-лида босилиб чиқди.

«Қўллар» Саидахонга жуда катта шухрат келтирди.

Негадир мен танқидни унчалик хуш кўрмайман. Танқид эшитган куним қўлим ишга бормади. Бирон ҳикоям-ми, китобимми танқидга учраса ойлаб ёзмай қўяман. Мақтов эшитсам ёзгим келаверади. Шу феълимни билган Саидахон кўчадан гап топиб келади. Ростми, ёлғонми менга ёқадиган гап бўлади.

— Ойбек акани кўргандим. Ҳикояларингизни жуда яхши кўрар экан. Нега ёзмаяпти деб сўрадилар.

Бу гап ёлғон бўлишини билсам ҳам бари бир ёқарди. Балки ростдир, Ойбек ака ўқиса ҳафсаласи пир бўлмасин, деб яхшироқ ёзишга ҳаракат қилардим.

Саидахон, Фафур акани кўрдим, ундоқ деди, бир куни Абдулла акани кўрдим, сизни бундоқ деди, деб мени кизиқтириб қўярди.

Олтмиш бешинчи йилда «Шарқ юлдузи» журна-лида «Уфқ» романининг биринчи китобини қаттиқ танқид қилган мақола босилипти. Почтачи журнал олиб келганда Саидахон варақлаб кўрса шунақа мақола бор. Ўзи ўқиб, ўша саҳифаларни йиртиб олиб қўйибди. Ўша кезларда романининг иккинчи китобини жуда ҳафсала билан бери-либ ёзаётган пайтим эди. Ўқиса қўли ишга борма-й, янги китоби бир-икки ой тўхтаб қолади, деб атайин шундай қилган. Мақолани бошқалардан эшитиб, бирон ойлардан кейин ўқидим.

Биз мана шундай бир-биримизни аярдик. Ёзишга бир-биримизни рағбатлантириб турардик.

Албатта, жанжалсиз уй йўқ, деганларидек орамизда гиди-биди гаплар ҳам бўлиб турарди. Қўпинча бунақа воқеаларга мен сабабчи бўлардим.

Уй қуриб, машина олиб, юбилей қилиб анча чиқимдор бўлиб қолдик. Менинг қўлим очиқлиги, бўлар-бўлмасга

пул сарф қилиб юборишимни билган Саидахон рўзгор бошқаришни ўз қўлига олди. Топганимизни расамади билан билиб-билиб сарфларди. Албатта, бу менга ёқмасди. Эркак одамнинг кўчада озми-кўпми харжи бўлади. Саидахон худди қулоққа ўлчаб бергандек жуда оз пул берарди. Мен ҳам бўш келмай, олган гонорарларимдан ўмариб қолардим. Саидахон буни билмасди.

Миртемир домла менга ўхшаган серсарф одам эдилар. У киши билан бир маҳаллада турардик. Домланинг Туркманистондан, Қозоғистон, Қирғизистондан келадиغان шоир ўртоқлари кўп бўларди. Уларнинг ҳаммасини Тошкент ресторанларида яхшилаб меҳмон қилиб кузатардилар. Баъзи-баъзида кечаси таксида келиб деразамни чертардилар. Форточкани очиб саломлашардим.

— Қорақалпоқдан ўртоқларим келиб қолди. Омонат касса ҳозир берк. Эрталабгача юз сўм бериб тур, аммо Саида билмасин, деб тайинлардилар.

Шунда мен беркитиб қўйган «ўғрилиқ» пулидан юз сўм узатардим. Домла пулни олиб, эртага албатта ўз қўлингга бераман, дердилар.

Эртасига айтган гаплари эсларидан чиқиб, пулни Саидахонга бериб кетардилар. Саидахон, бу пулни қаердан олгандингиз, деб мени қийин-қистовга оларди. Шундай қилиб мен ҳам пулдан ажралардим, ҳам пул «ўғриси» бўлиб қолардим.

Нодира қизимиз тўрт ёшга кирган пайт эди. Машинада далаларга чиқардик. Нодира сут ичиб уни қаердан пайдо бўлишини билмасди. Анор еб, заводдан чиққан, деб ўйларди. Далаларда юрганимизда сигир соғаётган хотинларни, анор гулини, ҳосилини кўриб, қовуннинг марзада палак орасида дўмпайиб туришини, маккажўхорининг попуғини кўриб ҳайрон бўларди.

Саидахон унинг бу ҳолатларини кузатиб юрган экан. Эндигина оламни таниётган гўдак тўғрисида «Ойдан тушган қиз» деган жуда нурли, беғубор хикоя ёзди. Ўқиб жуда таъсирланиб кетдим. Ўша хикоя «Гулистон» журналида босилди. Редакция ходимларидан бири сарлавҳасини «Осмондан тушган қиз» деб ўзгартирибди. Саидахон жуда-жуда хафа бўлиб кетди.

— Ахир, нега сўрамасдан ўзгартиришади. Осмондан тушган сўз салбий маъно англатади-ку. Ғўдайган одамга осмондан тушган бўлсанг ҳам менга хўжайинлик қилма, деган гап бор. Ойдан тушган, деганда қандайдир нурли бир нарсани тасаввур қиламиз.

Саидахон ҳамма вақт ўз асарларидаги хар бир сўз

учун курашарди. Чунки у ҳеч қачон сўзларни нотўғри ишлатмасди.

Ғафур Ғулом вафот этганда унинг мотамига атаб «Шоирни эслаб» деган бир шеър ёзганди. Сарлавҳа тагига «Ғафур Ғулом вафоти кунлари ёзилган» деб қўйилган эди. Шеър босилиб чиққандан кейин афсусланиб қолди.

— Муни қаранг, Ғафур аканинг ўлиmidан қаттиқ куйган эканман. Бир сўзни хато ёзганимни сезмай қолибман. «Вафоти кунда» дейиш ўрнига «Вафоти кунларида» деб ёзворибман. Жуда уятли иш бўлди-да.

Саидахон эллик бир йил умр кўриб бировга бош эгмади. Имонини маҳкам ушлади. Ўзига гард юктирмади. Оламдан ҳалол-покиза яшаб ўтди. Лаганбардорлик, бировга мутелик, ҳасадгўйлик унга бегона эди.

Курашсиз, меҳнатсиз шодлик, кулгини
Ўғрилиқ мол дейман, қилман ҳазар,
Қалбимнинг парчаси сингмаса агар,
Розимасман биров ҳада этса зар.

Бу сатрлар Саидахоннинг шеърда чизилган сувратига ўхшайди.

* * *

Ёмғирдан кейин осмонда пайдо бўладиган камалак жаҳондаги жамики ранглари еттита ипга чийратма қилиб тортиб турганга ўхшайди. Ўша етти ипни ёйиб юборсангиз олам анвойи рангларга тўлиб кетадигандек.

Одам боласи борки, шу ранглардан бирини ўзиники қилиб олади. Бутун тақдирини, таржимаи ҳолини, орзумидларини ва ниҳоят, оламни шу ранг орқали кўради. Табиати ҳам шу ранг таъсирига боғланиб қолади.

Масалан мен гунафша рангини яхши кўраман. Шу рангга кўзим тушиши билан бутун умрим кўз олдимга келади. Яйраб кетаман. Бунга сабаб, ёшлигимда гунафшаранг қоғоздан варрак ясаб учирардим. Кўм-кўк баҳор осмони болалар учирган анвойи ранг варракларга тўлиб кетарди. Улар орасида менинг гунафша ранг варрагим алоҳида ажралиб турарди. Ҳозир ҳам гугурт қутисининг орқа томонига ёпиштирилган гунафшаранг қоғозга қараб ўйга толаман. Болалигим, ёшлик орзуларим бир дам жонлангандек бўлади.

Саидахон феруза рангни яхши кўради. Такси чирогини кўрганда кўзлари яшнаб кетарди. Меҳмонга борга-

нимизда феруза зирак таққан хотиннинг ёнига бориб ўтирарди.

Унинг шеърми, ҳикоями ёзмоқчи эканини дарров билардим. Баъзан бармоғидаги феруза тош қадалган узукка тикилиб жим ўтириб қоларди. Шундай пайтларда Нодирага, юр, қизим, ойингни илҳоми келиб қопти, нариги уйга чиқайлик, дердим.

Чиндан ҳам ўша куни шеърми, ҳикоями албатта ёзиларди.

— Феруза рангнинг нимаси яхши экан? — дейман ажабланиб.

— Э, сиз билмайсиз. Болалигимни эсимга туширади. Сомонли шувок қилинган томимизда баҳор кезлари кўрпадек бўлиб лолақизғалдоқлар очиларди. Атайин томга чиқиб чалқанча ётардим-да, осмонга тикилардим. Осмон сўнгсиз, кўм-кўк. Худди ферузага ўхшарди. Хаёлимга эҳ-хе, нималар келмасди ўшанда. Учиб чиқиб кетгим келарди. Негадир, ҳозирги осмонда ўшанақа тиниқ феруза ранг йўққа ўхшайди.

Биламан, ёшлиқда кўрган ранглар, эшитган говушлар кейин топилмайди. Бунга сабаб табиатда бирон ўзгариш бўлгандан эмас, ёшлиқ ҳисларининг ўта таъсирчанлигидан. Болалик кўзи соф ҳолда кўради, кўради-ю, кўнглида, хотирасида умрбод муҳрланиб қолганини ўзи ҳам сезмайди. Кўнглида туғилиб келаётган умидлар, истаклар шу рангларга қоришиб кетади. Ва болаликнинг узвий бир бўлагига айланиб қолади.

Мен ўқиган мактабнинг биноси жуда катта эди. Синфлар ҳам бениҳоя кенг эди. Яқинда йўлим тушиб мактабим ёнидан ўтдим. Ажаб, жуда ҳам пастак бино экан. Синфлар ҳам ниҳоятда тор. Шунда бу даргоҳни ёшлик кўзлари катталаштириб кўрганини билдим.

Саидахоннинг ҳам ёшлик осмони ана шундай, энди асло қидириб топиб бўлмайдиган феруза осмон эди.

Баъзан Саидахон Андижонни мактаб қоларди:

— Шаҳримизнинг қоқ ўртасидан Андижонсой ўтади. У қирғоғидан бу қирғоғига сузиб ўтиш қийин. Хўтанариқ деган анҳор ундан сал кичикроқ. Болалигимизда шу анҳор бўйида ўйнаб юрардик. Онам, эҳтиёт бўлинглар, сув оқизиб кетмасин, деб тайинлардилар.

Андижонга борганимизда сойни кўриб, Саидахон ҳайрон бўлиб қолди.

— Ия, сой кичкина бўлиб қоптими? Хўтанариқ ҳам...

Саидахон болалигида бу сойларга кичкина кўз билан қарагани учун унга катта кўринганини тан олгиси келмас-

ди. Тошкентга қайтиб келганимиздан кейин ҳам Андижон тўғрисида гап кетса, ўша сойни, Хўтанариқни мактаб коларди.

Гап унинг феруза рангни яхши кўришида эди.

Бу ранг Саидахонга қанчалаб шеърлар берди. Қанчалаб ҳикоялар берди.

Етмиш иккинчи йили Ҳамзаободга бордик. Тошкентда ҳаво жуда исиб кетган пайтлар эди. Ҳамзаобод ниҳоятда салқин. Дам олиш кунларини сайру саёҳат қилиб ўтказишга келган фарғоналиклар, Марғилону қўқонликлар кўп эди. Дам олувчиларнинг аксари аёллар. Ўзингиз яхши биласиз, водий аёллари жуда шўх бўладилар. Ўйин-кулгига ўч бўладилар. Улар тўда-тўда бўлиб сой устига қурилган чорпояларда ўтиришар, чирманда чертиб, қўшиқ айтишарди. Саидахон уларнинг ўйин-кулгиларига қараб завқланарди.

Биз ҳам ўтириш учун бўш сўри излаб аланглаб турган эдик, ўрта яшар бир аёл Саидахоннинг олдига келиб:

— Сиз Саида Зуннунова бўласиз-а?! — деб сўради.

— Топдингиз, — дедим мен Саидахон ўрнига жавоб бериб.

— Сизни кўриб қизлар билан баҳслашиб қолдик. Мен Саида опа десам, бошқаси йўқ, ўхшамайди, деди. Гапим тўғри чиқди, мен ютдим.

— Нимадан баҳслашган эдинглар, — деб сўради Саидахон.

— Ким ютқизса бир шиша духи олиб беришга шартлашганмиз.

Аёл Саидахоннинг қўлидан ушлаб, юринг, ўзингиз тасдиқланг, бўлмаса ишонишмайди, деб туриб олди. Ноилож улар тўдасига қараб юра бошладик...

— Мана, шоира опамни бошлаб келдим. Атирни чўзинглар.

Аёллар дув қўзғалиб, Саидахонни давра тўрига олишди.

Улар Марғилон атлас фирмасининг тўқувчилари экан. Суҳбат кизиб кетди. Мен четда ўтириб уларнинг суҳбатига қулоқ соламан. Ҳаммаси шаддод, бировга гапини бермайдиган «бойвучча» аёллар эди. Ҳатто бирининг кўксига Олий Совет депутати деган нишон бор эди. Бир аёл чилдирмани қўлига олиб қўшиқ бошлайди. Тўрда ўтирган паст бўйли аёл қўл силтаб қўшиқни тўхтатди.

— Сен туратур. Ашулангни кўп эшитганмиз. Шоира меҳмонимиздан эшитайлик. Саидахон, синглим, радиода,

телевизорда сиз ёзган қўшиқларни эшитганмиз. Ўзимизнинг фарғоналик Таваккал Қодиров билан Исроилжон Усмоновлар қўшиқларингизни қойил қилиб ижро этишадди. Айниқса «Хай-хай»ни, «Ёр ўтдиму»ни эшитганимизда мазза қиламиз. Энди ўзингиздан шеър эшитайлик.

Сой шовуллайди. Паст овоз билан гапирсангиз биров эшитмайди. Саидахоннинг овози пастроқ эди. Ўқисам, эшитилармикан, деб андиша қиларди.

— Қанақасидан ўқиб берай. Ишқийсиданми, ўйлатадиганиданми...

Унинг гапи тугамай аёллар чувиллашиб кетишди:

— Ишқийсидан бўлсин, ишқийсидан.

Саидахон баҳайбат тошларга сапчиётган тўлқинларга тикилиб ўйланиб қолди. Кейин ўқийдиган шеърининг дастлабки сатрини эслашга уриниб қўлидаги мошдеккина феруза кўзли узугига қаради.

Ишқ дарсида мени лол айлади Лайло тамом,
Улки устозликда танҳо, мен эдим хатсиз авом.
Чарх зайлининг ҳама хил шевасидан очди сўз,
Сўнг деди: умримни энди сен ўзинг эткур давом.
Билмадим, бу илтифотми, ёки душманнинг иши,
Неки кўйга солса солди мени шу ўтли калом.
Ў ақл солди бошимга ёки олди борини,
Ичкизиб ашки қўшилган бодасидан битта жом.
Қалб хазинанг менга бўлсин, тақдирингни олмагум,
Минг шукр, ёр васлидан обод уйим ҳар субҳи шом.
Посбон бўлсин Саида бу тиник дил мулкига
Бўлмасин нопок пойидан покиза гулзор ҳаром.

Хотинлар чувиллашиб шоирани олқишлай бошладилар. Бу пайт бошқа сўридаги эркагу аёллар атрофни ўраб олишди. Ўша йили янги босмадан чиққан Саидахоннинг «Нилуфар» деган тўплами Хамзаобод китоб дўконига келган экан, кўпчилик қизлар, йигитчалар дастхат олиш учун биттадан китоб олиб Саидахонга яқин келолмай туришарди. Аёллар яна шеър ўқинг, деб қисташди. Саидахон кетма-кет бешта шеър ўқиб берди. Энди бас, деб чой ҳўплай бошлади.

Бутун суҳбат давомида гапга аралашмай кўк чой ичиб ўтирган кексагина аёл ҳамон жим ўтирарди. Саидахон шеър ёкмади, шекилли, деб унга қаради-ю, кўзлари яшнаб кетди. Кампирнинг кўлида феруза тош ўрнатилган зирак йилтираб турарди. Шоира мунча менга тикилиб қолди, деб кампир уёқ-буёғини тузата бошлади.

— Ая, — деди Саидахон. — Зирагингизни менга сотмайсизми?

— Йўқ, қизим. Сотмайман. Бировга ҳам бермайман. Бу зиракни ўлганимда қулоғимдан ювғучи чиқариб олади. Ювғучининг ҳаққи бу.

Орага аллақандай совуқ жимлик тушди. Ўз ўлимини бемалол, сесканмасдан гапираётган кампир ажаб-ғалати бўлиб туюлган эди.

Тўрда ўтирган жўрабоши аёл жимликни бузди. У аскияга ҳам дуруст экан, гапни чийириб, пайровини жойига қўйиб гапирарди.

— Ая, гап деганни қайновини келтириб гапиринг-да, нима қиласиз, илиқ-милик гапларни ўртага тўкиб. Ўн беш йилдан бери ўламан, деб куйдирасиз. Ўламан деганингиз сари рангингиз тиниқиб, ажинингиз тарқаб кетяпти.

Аёллардан бири гап қўшди.

— Иштаҳаларини айтмайсизми!

— Шуни айтаман-да, — деди жўрабоши аёл. — Сиз ўлмайсиз. Двойной пенсия оладиган ёшга етгунча яшайсиз. Кўпчилик бўлиб эрга берамиз, деб тайёргарлик кўр-япмизу, сиз ўламан дейсиз-а.

Давра гуриллаб кулиб юборди. Бошқаларга кўшилиб кампирнинг ўзи ҳам тишсиз оғизини очиб кула бошлади.

Давра яна илгариги қуноқ изга тушиб кетди. Жўрабоши аёл Саидахонга юзланди:

— Феруза зиракни яхши кўрасизми? Сизга ўзим шунақа зирак топиб бераман агар истасангиз.

У гапира туриб ёнида ётган сумкасини оча бошлади. Ичидан тугилган дастрўмол олиб тугунни тиши билан еча бошлади.

— Мана, хоҳласангиз шуни олинг.

Кўп тақилгандан гардиши ейилиб симга айланиб кетган феруза кўзли узукни Саидахонга узатди.

Саидахон олиш-олмасликни билмай хайрон бўлиб қолди. Узукни олиб унга ўрнатилган ўрик данагининг мағзидек ферузага қаради. Кейин ўрнидан туриб мендан машина калитини сўради. Калитни олиб, шовуллаб турган Шохимардон сойи кўпригидан ўтиб машина томон кетди. Сал ўтмай қоғозга ўроғлик бир нарса кўтариб келди.

— Бўлмаса манаву сизга мендан эсдалик бўлсин.

У шундай деб қоғозни очди. Унда Бухорога борганимизда олган, зардўз усталар ясаган кавушни олиб узатди.

Бу кавуш ниҳоятда чиройли, турли зар иплар билан безатилган эди. Кавуш қўлма-қўл бўлиб кетди.

— Синглимжон, — деди жўрабоши аёл. — Кавуш

Ўзингизга буюрсин. Мен узукни кўнглимдан чиқариб бер-
япман.

Хулласи узукка кавуш айирбош қилинди.

— Майли, яқинда келин туширадиганман. Келинимга
атаб яхши ният билан оламан. Шоира опангдан тўёна
дейман, келинимга.

Китоб кўтариб турганлар бирин-кетин Саидахондан
дастхат ола бошладилар.

Саидахон ўша узукни қўлидан қўймасди. Ҳамма вақт
унга тикилиб туриб, кўп нарсаларни ўйларди. Шу узукка
тикилиб ўтириб, «Йўл бошида», «Қарз», «Янги секре-
тарь», «Кечикиш», «Куз ёмғири», «Дафтардаги дард-
лар» каби ўнлаб ҳикоялар, қанчадан-қанча лирик шеър-
лар, дostonлар ёзган.

Ўша узукни оиламизнинг нодир мулки сифатида жуда
эҳтиётлаб сақлаймиз.

Саидахон жийда гулининг хидини бениҳоя севарди.
Ҳар баҳор жийда гуллаганда маст одамдай довдираб
юрарди.

Кўчамизда биздан уч ҳовли наридаги уй дарвозаси
олдида бир туп жийда бор. Шу жийда гуллаганда ҳар
оқшом кўчада айланардик. Жийда гули бутун кўчани
тутиб кетарди. Бизга қўшилиб қўшни хотинлар ҳам жий-
да тагига келишарди. Қайтишда жийданинг гуллаб турган
шохидан синдириб олиб келардик. Шиша банкага солиб
столга қўярдик. Шунда ҳовлимиз жийда гулига тўлиб
кетарди. Саидахон шундай кезларда то ярим кечагача
ҳовлида электр ёруғида нимадир ўқиб ўтирарди. Бирда-
нига стулга букчайиб ўтирганча тиззасига дафтар қўйиб
шеър ёза бошларди.

Саидахоннинг кўп шеърлари баҳорда, жийда гуллаган
пайтда ёзилган эди.

Жийда гулининг умри қисқа бўлади. Бир-икки кунда
ҳаммаёққа атир пуркаб ўтади-кетди. Унинг хидига
тўймай қолган Саидахон келаси баҳордан умид қилиб,
тоқат билан кута бошлайди. Ёзувчилар бовидаги икки туп
липа дарахти май ойининг ўрталарида гулларди. Хиди
айнан жийда гулининг хидига ўхшарди. Атайлаб Дўрмон-
даги ижод уйига липа гулини ҳидлагани борардик.

Етмиш еттинчи йилнинг баҳори эди. Март ойининг
ўрталарида ўрик гуллади. Ҳовлимиздаги ўрикнинг гулла-
ган шохидан синдириб олдим. Гилос тагидаги бўйрадек-
кина жойга гунафша эккан эдик. У ҳам ҳовлининг бир
четига сиёх тўкилгандек бўлиб турибди. Бир даста қилиб
териб олдим-да, янгигина босмадан чиққан «Танланган

асарлар»ининг иккинчи томи билан қўшиб, Саидахонни кўргани касалхонага бордим.

У аввал босмахона бўёқларининг ҳиди келиб турган иккинчи томни шошилмай варақлади. Кейин гунафшани хидлади. Ундан кейин ўрик гулига қаради.

— Ҳовлимиздаги ўригимизнинг гулими? — деб сўради.

— Ха, — дедим бош ирғаб. Кейин у:

— Марғубаларнинг эшиги олдидаги жийда ҳали гуллагани йўқми? — деб сўради.

— Яна бир ойлardan кейин гуллайди, — деб жавоб бердим.

— Мен йўғимда гуллаб қўймасмикин, деб ўйлаб ўтирган эдим. Хайрият гуллаганда уйда бўларканман...

Йўқ. Жийда гуллаганда Саидахон йўқ эди.

Саидахон бизни ташлаб кетганидан бир ой ўтиб ўша жийда қийғос гуллади. Чамандек гуллаган шохидан синдириб қабрига обордим. Яна битта шохини сурати олдиға қўйдим.

Жийда гулларидан ҳаво муаттар,
Табиат кучига ўқийман таҳсин.
Сочим, димоғимга яширгим келар,
Шу жажжи гулларнинг тенги йўқ исин.

Шохин синдиришдан тиёлмам ўзни,
Истамасам ҳамки қилмакни увол.
Баъзан яхши нарса яхшилигидан,
Ўз умрига ўзи бўларкан завол...

Кўчамиздаги бир туп жийда шоирани кўмсаб ҳар баҳор гуллайди. Унинг бегубор ҳидлари шоирани қидириб, ҳовлимизда бир-икки айланиб, яна аллақайларга бош олиб кетади.

ҚАНОАТДА САИДА ФИЛЧА БЎЛУРМИ, ҲАЙ-ҲАЙ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг эллагинчи йилдаги котибият йиғилишларидан бири «халқ душманининг хотини» Саида Зуннуновани уюшма аъзолигида қолдириш ё қолдирмасликка бағишланди. Йиғилишга ўша пайтдаги уюшма раҳбари раислик қилди. У одам оламдан ўтиб кетди. Менинг бу гапларим ўлган одамга тош отиш бўлиб қолмасин. Лекин адабиётимизга тегишли гап бўлгани учун унутилиб ҳам кетмасин.

Раис Саидани тик турғизиб қўйиб, терговчилардек сўроқ қила бошлади:

— Нима учун шу пайтгача халқ душмани — эрингиздан воз кечмадингиз? У Совет ҳукуматининг душмани, аксилинқилобчи, буржуа миллатчиси. Қани, сизнинг коммунистик эътиқодингиз? Қани, сизнинг Совет давлатига садоқатингиз? Шу кунларда сиз орган атрофида айланиб юрибсиз. Ёзувчилар шаънига доғ туширяпсиз. Котибият аъзолари эрингиздан воз кечишингизни талаб қилади.

— Ундай қилолмайман! — деди Саида қатъий қилиб.

— Эрингдан кеч, — деди Фатхуллин.

— Акс ҳолда сиз билан битта уюшмада туролмаймиз, — деди Назир Сафаров.

— Ўзидан сўраб ўтираминми? Уюшмадан хайдаш керак, вассалом, — деди Милчаков.

— Сизлар менга эрингдан кеч, акс ҳолда уюшмадан хайдаймиз, деган шарт қўйяпсизлар. Мен ҳам битта шарт қўяман, хўп десанглар, эримдан воз кечаман.

— Гапиринг, қандай шарт? — деди раис.

— Эримни менга кўрсатишсин. Мен халқ душмани эдим, деб ўзи айтсин. Ана шундан кейин ундан кечаман.

— Бунинг сира иложи йўқ.

Саиданинг ўжарлиги тутди.

— Ҳеч қандай ташкилотнинг, ҳеч қандай кишининг бунга аралашшига ҳаққи йўқ.

— Э, қамалиб кетасан, хоним!

Раиснинг гапи оғзида қолди.

— Мен сизга хоним эмасман. Бу гапни ресторанлардан топган хотинингизга айтинг. Мен шоира Саида Зуннуоваман.

Раис ўрнидан сапчиб туриб кетди.

— Ҳа, қизмисан...

— Одобсиз. Эсиз сенга шоир деган ном.

Саида шундай дедию, шарт ўрнидан туриб эшик томон юра бошлади, Раис орқасидан қичқирди:

— Ушма гувоҳномасини ташлаб кет. Уюшмадан ўчирилдинг...

— Бу гувоҳномани буюк Ойбекнинг покиза қўлидан олганман. Сенинг қўлингга бермайман.

Саида мажлисни ташлаб чиқиб кетди. Почтахонага бориб раис номига аламли хат ёзди. Бошқа бир конвертга уюшма гувоҳномасини солиб, кадрлар бўлимига жўнатди.

Шу билан Саида Зуннуова уюшмадан оёғини узиб кетди.

Биз ҳали никоҳдан ўтмаган эдик. Бу гапни ўша кунги мажлисда айтганда балки бунчалик бўлмасмиди. Саида айтмади. Айтса, ана эридан воз кечди, деб овоза қилишарди. Ё бўлмаса у қонунни бузиб никоҳсиз яшаган, деб гап тарқатишарди.

Биз беш йилдан кейин, мен қамоқдан келганимдан кейин 1955 йилнинг декабр ойида зағсдан ўтганмиз.

Уюшма раҳбари ҳамма ташкилотларга Саида уюшмадан ҳайдалган, ишга олманглар, нашриёт ҳамда редакцияларга Саиданинг шеърларини босманглар, деб хабар юборган эди. У қаерга борса иш йўқ деб жавоб қилишарди. Газета-журналлар шеърларини қайтариб беришарди. Охири, у Ўзбекистон компартиясининг хотин-қизлар билан ишлаш бўлими бошлиғи олдига боради. У «халқ душмани»нинг хотинини совуқ кутиб олади. Гапларини эътиборсизлик билан эшитади. Ишни ўзинг топ, деб гапни қисқа қилади. Шунда Саида иккита дипломни унинг столига отади. (У Андижон Давлат ўқитувчилар институти, Ўрта Осиё Давлат университетини битирган эди).

— Партия ичкарида ўтириб қолган ўзбек аёлларини жамоат ишига жалб қилиш учун, паранжидан озод қилиш учун курашяпти. Майли, ўша, ишга жалб қилинган аёллар ташлаган паранжини мен ёпинганим бўлсин. Икки дипломли шоирани паранжи ёпинишга мажбур қиялмасиз.

Саида шундай дедию, марказқўм биносидан чиқиб кетди. Орқасидан икки киши чиқиб, уни қайтариб олиб кирдилар. Бўлим бошлиғи маориф министрлиги билан гаплашиб қўйган экан.

— Министрликка боринг, тайинлаб қўйдим, иш беришади, — деб айтди.

Саида эртасига министрликка боради. Уни шаҳардан жуда олисда, учта трамвайда борадиган корейслар мактабига рус тилидан дарс беришга йўлланма берадилар. Саида рус тилига нўноқ эди. Айниқса, корейсларга рус тилини ўргатишга чоғи келмасди. У кўчага чиқиб, йўлланмани йиртиб ташлайди-да, уйга келиб марҳум отаси совға қилган тилла соатни бозорга олиб чиқади, уни сотиб, пулига эски «Ундервуд» деган ёзув машинкасини сотиб олади.

Нашриётда ишлайдиган таниш машинисткалар ўзлари пул ишлаш учун олган қўлёмалардан унга берадилар. Саида Мухтор Ауэзовнинг «Абай» романини кўчириб олиб боради. Машинистка унга 600 сўм пул беради.

У уйда, кечалари ухламай қўлёмаларни кўчирар, олган пулига рўзғор қиларди.

У собиқ Марказий комитетнинг партия комиссиясига шикоят ёзди. Комиссия бу шикоятни Ўзбекистон Компартиясига юборди. У шикоят ёзгани учун яна қийновқистовга олинди. Ана қамайди, мана қамайди, деб Тошкентда яшайдиган андижонликларнинг уйларида ётиб юрди.

Саида 1952 йилда бирлашган нашриёт босмахонасига корректор бўлиб ишга киради. У партия аъзолигига номзод эди. Номзодлик муддати ўтиб, энди ҳақиқий аъзоликка ўтиши керак эди. Ёзувчилар уюшмаси партия ташкилоти бирлашган нашриётга хат юборади. Унда Саида Зуннуовани партиядан ўчириш қатъий талаб қилинган эди. Нашриёт директори В. Архангельский уюшма талабини рад қилади. У Саидани кабинетига чакириб, қизим, сени уларга талонга ташлаб қўймаймиз. Ҳозир нашриёт учун янги бино қуриляпти. Сени қурилишга агитатор қилиб тайинлаймиз. Сени ишчилар, қурувчилар кўрсин. Мехри тушсин. Сени шулар ҳимоя қилади, деб тайинлайди. Ана шундан кейин Саида ҳам корректор, ҳам қурилишда агитатор бўлиб фаол ишлай бошлади. Уларга газеталар ўқиб беради, лекциялар ўқийди ва албатта, ўзининг янги шеърларини ўқиб беради. Навбатдаги партия мажлисида бирлашган нашриёт коммунистлари яқдиллик билан уни партиядан ҳақиқий аъзолигига ўтказадилар.

1954 йилнинг бошида Архангельский уни чакириб.

— Москвадан парткомиссия вакили сенинг ишинг юзасидан текшириш ўтказгани келяпти. Ўзинг биласан, Сталин ўлгандан кейин қама-қамалар, одамларга турли тухматлар кескин қамайиб кетди. Билишимча, парткомиссия вакили сени ҳимоя қилса керак. Илтимос, ортиқча талаблар қўйма. Ишни текшириб вакил кетади, рақибларингга танбех беради. У кетадию сенга азоб берганлар шу ерда қолади. Уларга ўчакишма, деб насиҳат қилади.

Биринчи май куни парткомиссия вакили уни марказқўмга чакиради. Ҳамма шод, байрам кайфиятида. Саидага байрамни ҳам татитмайдилар. Ўша куни беш соат тортишувдан кейин, вакил бор ҳақиқатни билиб олади. Тухматчиларга қандай жазо беришимизни истайсиз? Сизга тўрт йил азоб берганлар жазосиз қолмаслиги керак, дейди вакил.

— Ҳақиқат юзага чиққани уларга бериладиган ҳар қандай жазодан ортиқ, — деб жавоб қилади Саида.

Ўша кунларнинг гувоҳи бўлган олим Ҳафиз Абдусаматов «Миллий тикланиш» газетасининг 1996 йил 27

февраль сонида босилган «Вафодор» мақоласида жумладан шуларни ёзади:

«...1953 йиллар эди. Икки масъул ходим фанлар академияси тил ва адабиёт институтининг директор ўринбосари кабинетига кириб келишди ва эшикни ичидан бекитиб қўйишни сўрашди. Улар менга бир катта папкани узатиб, «Бу халқ душмани Саид Аҳмаднинг хотини Саида Зуннунованинг асарлари, уни яхшилаб, синчиклаб ўқиб ўз фикрингизни айтасиз. Шунини ҳам айтиб қўяйликки, душман хотинидан соғлом, ғоявий бақувват асарлар чиқишига ишонмаймиз», дейишди. «Нега бундай хулосага келдингизлар?» — деган саволимга, «Душман хотини душман эканлигига ишонч ҳосил қилдик», деган жавобни олдим. Улар: «С. Зуннуновага эрингдан воз кеч, бундай одам сенга дўст бўла олмайди, иснод келтиради, деб уқтиришимизга қарамасдан ўжарлик қилиб, туриб олди, асло уни «ҳақиқат»га ишонтириб бўлмаётгубди» деб шикоят қилишди. «Биз чора қўришга мажбурмиз»... Улар мендан уч кундан кейин фикр айтишимни талаб қилишди.

Барча ишларимни йиғиштириб бу «топшириқ»ни ўз муддатида бажариб қўйдим. Ўша давр ўлчови билан қараганда С. Зуннунова асарларида сиёсий-ғоявий хато йўқ эди. Бу гапни эшитган бояги икки ходимнинг сочи тикка бўлиб кетди, қовоқлари осилиб тушди. «Биз сизни адолатли, объектив, ёш, таланти олим десак, бизнинг ишончимизни оқлолмадингиз, мабодо Саид Аҳмад ошнангиз эмасми, Зуннунова билан яқинлигингиз йўқми?» деб сўроққа тутишди...»

Сиқувлар, турткилашлар бир қадар пасайгандек бўлади. Архангельский орага тушиб уни «Пионер» журналига ишга оладилар. Мен озод бўлиб келганимда у шу журналда ишлаётган эди.

1959 йилда Саиданинг «Сўқмоқлар» қиссаси «Шарк Юлдузи» журналида эълон қилинади. Бир гуруҳ ёзувчилар қиссага ҳужум уюштирадилар. Уюшма ҳайъатида муҳокама қилдилар. Қиссани совет воқелигига зид, ҳаётни бузиб кўрсатган, деб айблайдилар. Марказқўм ҳайъатида Саида масаласи муҳокама қилинади. Саида ўша кезларда оғир оёқ бўлганидан уни бюро мажлисига чақирмайдилар. Бюро ҳам «Сўқмоқлар»ни зарарли асар деб топади.

Саида учун яна ҳамма йўллар беркилади. Радио, телевидение, матбуот Саидадан юз ўгиради.

Бу хил муносабат менга ҳам таъсирини ўтказди. Асарларим босилмайдиган, телевидение ҳам, радио ҳам асарларимни эшиттирмайдиган бўлди.

Шундай қийин бир пайтда бизни Яшин ака чақириб қолди. Қисқагина учрашувимиздан кейин биз учун матбуот эшиги беркилгани маълум бўлди.

— Мафкура бўлими бошлиғи Нишоновга учрашайлик, аҳволни тушунтирайлик, — дедим.

— Нишонов билан иш битмайди. Энг юқорига чиқиш керак, — деб маслаҳат берди Яшин ака. — Бир уриниб кўраман. Биринчи билан учраштиришга ҳаракат қиламан.

Эрталаб соат тўққиздан то кеч соат бешгача марказқўм эшигида ўтирдик. Тинкамиз қуриб, чарчаб, холдан тойдик. Олим Ҳафиз Абдусаматов ўша ерда ишларди. Эрталабдан бери шу ерда интизор бўлиб ўтирганимизни деразадан кўриб турган экан. Олдимизга чиқиб, нима иш билан келганимизни сўради. Шундан кейин у бутун жавобгарликни ўз бўйнига олиб, биришимизга руҳсатнома олиб берди. Ичкарига кириб, биринчи котибнинг қабулхонасида икки соатча ўтирдик. Котиба кириб биз келганимизни айтганда ҳам, ичкарига чақирмади. Охири унинг ҳам уйига кетадиган пайти бўлди. Аммо бизни кўришга тоқати йўқ эди. На илож, бир умр кабинетда ўтиролмайди-ку. Бизни ичкарига чақиршга мажбур бўлди.

У бизни жуда совуқ кутиб олди. Нима мақсадда келганимизни у албатта биларди. Шунинг учун гапни чалғитиб: кўрик ерларни ўзлаштириш соҳасида қилинаётган ишлар, сув омборлари қурилишлари тўғрисида бир соатга яқин гапирди. У тез-тез соатига қараб қўяр, кетақолсаларинг ҳам бўларди, дегандек бизга алоқаси йўқ гаплар билан тинкамизни қуритарди.

— Гап шундоқ, Сурхондарёга кетишим керак. Бошқа гапларингиз бўлмаса сизларга жавоб, — деди у ўрнидан ярим кўтарилиб.

— Биз учун ҳамма йўллар беркилди. Сабабини билолмаяпмиз, — деди Саида.

— Ўзингиз биласиз, шу адабиётдан бошқа тирикчилигимиз йўқ. Китобимиз чиқмаса, газета-журналлар нарсаларимизни босмаса, тирикчиликни қандай ўтказамиз. Сиздан ёрдам сўраб келдик. Йўлларимизни очиб қўйсангиз.

Бу гап унга малол келгандек бўлди.

— Бу ишларга менинг қандай алоқам бор? Бирон номаъқул иш қилгандирсизларки, йўлингизни беркитишган. Устозингиз ёрдам бермадимми?

У устозинг, деб Абдулла Қаҳҳорни айтаётган эди.

— Биз курортларга бормасак. Сайру саёҳатлар қилма-

сак. Бирдан-бир борадиган жойимиз ёзувчилар боғи. Ўзингиз биласиз, Абдулла Қаҳҳорнинг боғи шундоққина дарвоза олдида, салом бермай ўтишга андиша қиламиз.

Саидахоннинг гапи таъсир қилди шекилли, сал юшадди.

— Кўришманглар демайман, кўришинглар. Аммо у одамдан эҳтиёт бўлинглар. Қаҳҳор яхши одам эмас. Унинг этагидан ушласанглар косаларинг оқармайди. Ўша ерда Уйғун яшайди. Воҳид Зоҳидов яшайди, Шевердин яшайди. Ўшаларникига боринглар. Улар соф инсонлар.

Ўзининг қанчалик ёлғон гапираётганини ўзи ҳам сезиб турарди. Мен ҳам бир-икки оғиз гапириб қолдим.

— Энди мени қамамайдими? — дедим.

— Йўқ, — деди у.

— Тўрт йилдан бери босмага тайёрлаб қўйилган китобим чиқмаяпти. Териб тайёр қилиб қўйилган. Агар шу китобим чиқмаса биз, билмадим, нима еб, нима ичамиз.

— Айтаман, чиқазишади, — деди у.

Тахминан ўн бир соат кутиб учрашганимиз, халоскоримиз деб ўйлаганимиз — раҳбар олдидан қуп-курук бўлиб чиқиб кетдик. Китобим ҳам чиқмади. Матбуот эшиги берклигича қолди.

Украинада бир қиссам босилиб, жонга оро кириб рўзгорни бир нави бутлаб олдик.

Нима учун бунақа муносабат бўлаётганини Саидахон билан икковимиз жуда яхши билардик.

Ёзувчилар уюшмасида Шароф Рашидовнинг «Қудратли тўлқин» романи муҳокама бўлди. Муҳокамага алоҳида рўйхатга киритилган кишиларгина катнашишди. Яшин ака мени ҳам рўйхатда бор, деб ўйлаб ўқиб тайёрланинг, деб қўлёзмани берди. Икки кун ўтириб ўқиб чиқдим.

Муҳокамада биринчи бўлиб Уйғун гапирди. Сўзларидан қўлёзмани чала-чулпа ўқигани билиниб турарди.

— Ўзинглар биласизлар, — деб гап бошлади у. — Уйимнинг шундоққина олдидан трамвай ўтади. Кечасию кундузи уйқу бермайди. Жуда нотинч жой. Сизнинг романингизни ўқиётганимда, ўлай агар, трамвай ўтганини мутлақо билмадим.

Уйғун роман муҳокамаси баҳона раҳбар-авторга тил-ёғламалик қилиб ва шу билан бирга янги уй сўраётган эди.

Шундан кейин Воҳид Зоҳидов сўз олди. Унинг гапларидан романи мутлақо ўқимагани билиниб турарди.

— Сиз чинакам маҳоратли совет ёзувчисисиз. Қаҳрамонларингиз ўзингизга ўхшаган пок одамлар. Ўқиб ту-

риб, нақадар гўзал фуқароларимиз бор, деб қувониб кетасан киши. Бу романингиз ҳам аввалгиларидек қўлма-қўл бўлиб кетишига аминман.

Унинг ялтоқланаётганини, ёлғон гапираётганини авторнинг ўзи ҳам билиб турарди. Аммо Зоҳидовнинг бежама гаплари хуш ёққанидан мамнун қулиб ўтирарди.

Муҳокама охирларида менга сўз беришди. Кўпдан қолмай мен ҳам озроқ мақтаган бўлдим. Кейин қўлёзмада нотўғри ишлатилган сўзларни айтдим. Бунақа нотўғри сўзлар жуда кўп эди. Уларни рўйхат қилиб олган эдим. Шулардан атиги бештасини айтдим. Автор пешонасини тириштириб гапларимни эшитган бўлди.

Охирида авторнинг ўзи гапирди. Ҳаммага миннатдорчилик билдириб, менга таъна қилди.

— Сиз романи бир марта ўқибсиз. Икки марта ўқингиз керак эди.

Ёшлиқ қилибми, гап келганда отангни аяма, деган ақидага амал қилибми, икки марта ўқиганда хато сўзлар тўғри бўлиб қолмайди-ку, деб юбордим.

Олтмишинчи йилларнинг бошида Саидахоннинг «Соч» деган шеъри «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилинди. Шеърда у ўзбек аёлларига соч ярашишини, хуснига хусн қўшишини, баъзи аёллар сочларини кесиб ташлаганликлари тўғрисида ачиниб ёзганди. Шеър охирида у «Э худо, мени соч кесишдан асра» деган сатр бор эди. Шеър кўпчиликка ёқди. Аммо марказқўмдаги масъул бир одамга ёқмапти. Тошкентда чиқади-ган жами газеталарнинг муҳаррирларини чақириб, шеърни муҳокама қилади. Саида коммунист бўлатуриб, худога нола қиляпти, дейди. Ва ҳамма муҳаррирларни хушёр бўлишга чақиради.

Бу гап тез тарқаб кетади. Саида шеърим муҳокама бўладию мен билмайман, деб хуноб бўлади. Уюшмада ўтган очик партия мажлисида алам-ситам билан гапиради. Катта-катта газеталарга муҳаррирлик қилаётган кишилар «Миша ака»га нега зарба бермадилар, деб айтади. Ўша масъул раҳбарни она тилида яхши гапиролмаганлиги учун «Миша» деб чақиршарди.

Минг тўққиз юз олтмиш тўртинчи йили «Уфк» романим Ҳамза мукофотига тавсия қилинди. Рўйхатда Шайхзоданинг «Улуғбек» драмаси ҳам бор эди. Ўша йили икки собиқ «халқ душмани» рўйхатга киргани учун ҳеч кимга мукофот берилмади. Мукофотга қўйилган асарлар тўғрисида матбуотда фикрлар эълон қилинарди. «Уфк» тўғри-

сида Абдулла Қаҳҳорнинг мақоласи босилди. У мақола охирида: «Уфқ» тенгқурлари орасида ялтираб турипти», деб ёзганди.

Романимнинг мукофотдан қолиб кетишига қисман шу жумла ҳам сабаб бўлди. Абдулла Қаҳҳор «тенгқурлари» деганда раҳбарнинг ҳам романини кўзда тутган эди. Бизнинг жаддимизга қолиб, бошқалар ҳам мукофотдан қолиб кетишди. Келаси йили Шайхзоданинг номини ўчириб Шукур Бурхоновга Улуғбек роли учун мукофот берилди.

Олтмиш олтинчи йили Саидахон эллик ёшга тўлиши муносабати билан уюшма унинг юбилейини ўтказишга қарор қилди. Саидахон областларга китобхонлар билан учрашувга бориши керак эди. Ёзувчи дўстлар билан Самарқанд ва Бухорога бордик. Марказқўмдаги бир масъул шахс учрашув қилманглар, деб тайинлаб қўйган экан. Қайтиб келдик. Саидахоннинг туғилган юрти Андижонга бордик. У ерга ҳам телефон қилишиб, юбилей ўтказилмасин, деб тайинлаб қўйилган экан. Андижонликлар барибир ўртачагина бўлса ҳам юбилей қилдилар. Қўйганёрдagi боғимизда Саидахоннинг кўнглини кўтариш учун жуда катта тўй қилдик. Тўрт юздан ортиқ одамга дастурхон ёздик. Тошкентдан дўстларим, Саидахоннинг шогирдлари — қирқ кишига яқин ижодкорлар келишди. Ўша кезлари Саидахон жуда озиб кетганди. Икки йил ичида унинг катта энаси, онаси, синглиси, куёви вафот қилган, булардан ташқари, тинимсиз хужумлардан адои тамом бўлганди. Ана шу кўрган ғамларини унутсин, деб бутун топган-тутганларимни сарф қилиб тўй қилган эдим. Ўшанда унинг узоқ йиллардан бери энди чехраси ёришган эди. Яхшиям шундай қилган эканман, бир йилга қолмай унинг ўзи оламдан ўтди.

Саидахон баъзан эзилиб кетган пайтларда, бу дунёга фақат азоб чекиш учун келган эканман, деб ўкиниб қўярди.

Ҳатто тўйимиз бўлган куни у келинлик либосини мотам либосига алмаштирган эди.

Қирқ тўққизинчи йилнинг 28 ноябрида — тўйимиз куни Саидахоннинг 17 ёшга кирган биттагина ўғил укаси Насибжон оламдан ўтган эди. Онаси Сабохон ая қизининг тўйида яйраб-яшнамай, Андижонга қайтиб кетди.

Ўша куни Сабохон аянинг бир боласига Тошкентда никоҳ ўқилди, бир боласига Андижонда жаноза ўқилди.

Бундан ортиқ даҳшат бўладими?

Мана энди, бирга кечирган кунларимизни, ҳамма кўргилиklarимизни эслаб ўтирибман. Қандоқ оғир мушқул-

ларга бардош берди бу кичкинагина жон. Аёл кишида шунчалик бардош, шунчалик ирода бўлишига ўзим гувоҳ бўлмаганимда ишонмас эдим.

Шунча йиллар ўтиб, ўша бадном бўлган «Сўкмоқлар» қиссасини қайта ўқийман. Дўстларимга сизлар ҳам ўқиб кўринглар, деб илтимос қиламан. Улар қиссани ўқиб, бугунги кунни ўттиз йил олдин кўриб ёзилган гўзал асар, деб баҳолайдилар.

Саидахон вафот қилган куни Шароф Рашидов уйга телефон қилди.

— Қачон, қаерда шундоқ бўлди? — деб сўради.

— Эски шаҳардаги касалхонада, — деб жавоб қилдим.

— Бошқа касалхона қуриб кетганмиди? — деди газаб билан.

— Икковимизни ҳам имтиёзли шифохонадан чиқариб юборишган, — деб жавоб қилдим.

Рашидов анча вақтгача жим бўлиб қолди. Кейин:

— Қандоқ ёрдам керак бўлса олдимга кел, — деб трубкани жойига қўйди.

Энди менга ҳеч қанақа ёрдам керак эмас эди.

Орадан бирон ой ўтиб, мени Рашидов чақирди. «Қирқ беш кун» романим маъқул бўлганини айтди. Фақат, бир кишига кўп ўрин берганим ёкмаганини гап орасида шаъма қилди. Сухбат охирида у Саидахон олдида қарздор эканини, ундан узр сўрамоқчи бўлганини, афсуски, шу нияти амалга ошмай қолганини айтди.

Саидахоннинг бахти ҳам, орзу-умидлари ҳам, қувончи ҳам шу биттаю битта қизи эди. Ухласа бошида ўтирарди. Юрса орқасидан эргашарди. Боғча ё мактабга кетган пайтларда ечган кийимларини хидлаб юрарди. Унга атаб қанчалаб шеърлар битганди:

... Қизим қўшиқ куйлайди.

Ё капалак қанотин ели

тегди юзимга,

Ё ёшлик бағридаги хаёл

аралаш уйқу.

Бир қатра шабнам бўлиб

термуламан қизимга.

Бир қатра шабнам қилиб

қўйганди мени туйғу.

...Биласанми, қизим, бу

қоинотда

Онанинг орзуси қучмаган

бахт йўқ.

Онанинг хаёли етмаган

бўшлик,
 Онанинг хаёли тўхтаган
 вақт йўқ.
 ... Жаҳон менинг
 бағримдами ё мен жаҳон
 бағрида,
 Юз баҳорнинг елларими
 сочларимни силаган.
 Минг гулшаннинг
 гулларида роҳатбахш бу
 кўлчалар
 Бахтга кўмиб
 юрагимни юзларим эркалаган.

Саидахон шу биттагина қизининг бахтини кўролмай дунёдан кетди. Университет дипломини олганини, тўйини, невараларини кўрмади. Ҳаёт уни ёлчитмади. Қисқагина умри курашларда ўтди. Хужумлар, тухматлар, махрумликлар уни буколмади.

Саидахон саранжом-сарипта аёл эди. Ҳамиша рўзғорнинг бут бўлишини истарди. Эшикдан меҳмон кириб келса қувониб кетарди. Топган-тутганларини дастурхонга қўярди. Абдулла, Эркин, Ўлмас, Неъмат, Ўткир, Носир, Худойберди, Анварларни ўз укасидек қўрарди. Улар келганда бутун пазандалигини ишга солиб, ширин таомлар пиширарди. Дастурхон устида янги шеърларини ўқиб берарди.

Ҳалимани, Ойдинни, Мукаррамни жуда яхши қўрарди. Уларнинг шеърларини қувониб-қувониб ўқирди. Булар мендан ўтиб кетди, қандоқ яхши, дерди. У ҳеч қачон яхши шеър ёзганларга ғашлик қилмасди. Худди ўзи ёзгандек қувониб кетарди.

Саидахон оламдан ўтганда эшик олдида бел боғлаб турган Ўлмасни, Эркинни, Неъматни, Ўткирни, Носирни кўрганимда суянсам бўладиган укаларим борлигидан таскин топган эдим.

Алихон Тўра Соғунийни Саидахон ўзига пир деб билганди. Устознинг завжаларини ўз онаси қаторида биларди. Назаримда у Соғунийнинг хонадонига руҳан покланиш учун борарди. Бу даргоҳ сажда қилса арзигулик нурли хонадон эди.

Саидахон хою ҳавасларга берилмади. Минбарларга интилмади. Оташин нутқлар ирод қилмади. Бир чеккада жимгина яшади. Жимгина оламдан ўтди.

Шундай дейману ноҳақликка қарши бош кўтарган, аёл номига доғ туширмай пок сақлаган, жуда кўп аёллар-

га намуна бўлса арзигулик умр кўрган, хўрликларга, ҳақоратларга қарши исён кўтарган, букилмас бир аёл кўз олдимда туриб олади.

Кичкина битта кўчага номини қўйишга арзитмаган ўша пайтдаги раҳбаримиздан ҳафа бўлиб кетаман. Биттагина кўчада поклик тимсоли бўлиб номи турса арзигулик аёл эди-ку у.

У кўрган азобларнинг ўндан бирини ҳам ёзолмадим. Ёзмоқ — яна ўша аламли йилларни хотирада жонлантормоқ демек. Ўзимни ўзим, кечиримли бўлиш керак, деб юпатаман... Кўрган азобларимиз кўз олдимга келиб, нахотки, ёруғ кунларимизни зимистонга айлантирган кимсаларни кечириб бўлса, дейман.

Шундай сиқилиб кетган пайтларимда унинг шеърларини ўқийман. Улардан таскин топаман.

Йиллар хатто сочдан
 рангни ўчирди,
 Хуснга ташлади нурсиз
 бир соя.
 Аммо хаёлингга етмайин
 кучи
 Ўзимга бутунлай берди
 нихоят,
 Лекин сен чўчима,
 ўйларингни мен
 Фақат ўн саккизда
 туриб эслайман,
 Фақат ўн саккизда
 юриб эслайман,
 Ўн саккиз ёшдаги
 йўлларингни мен.

1997 йил февраль-март.

ТАРИХНИНГ ТИРИК ШОҲИДИ

Шоир Тошпўлат Хамид кўпдан бери, «Бухорога бир келинг», деб илтимос қиларди. Кеча яна телефон қилиб, «Домла энди келмасангиз бўлмайди, қора анжир пишди», деб қолди. 1964 йилнинг саратонида йўлга чиқдим. Тошпўлат ўша пайтларда Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимида котиб эди. Дилкаш, суҳбати ширин бу йигит билан соатлаб гаплашсанг ҳам зерикмайсан. Қизиқ-қизик, чети учмаган гапларни топади. Хуллас у мени аэропортда кутиб олди. Эски бир «Москвич» машинасида шаҳарга қараб жўнадик. Мени бир қаватлик пастаккина редакция биноси олдида қолдириб, «Хозир чиқаман» деди-ю бозорга кириб кетди. Саратон жазираси авжга чиққан бир пайтда чўл тарафдан ногаҳон эсанг кучли қайноқ шамол сувга ёлчимаган дарахтларнинг қаддини букиб, гувиллади. Мирараб мадрасасининг олдидаги ялангликда гирдибод айланади, хас-хашакларни, қоғоз парчаларини осмони фалакка учиради.

Кўлтиғига малларанг жойнамоз қистирган девқомат кекса бир киши кимнидир кутарди. Унинг қомати дostonларда таърифланган паҳлавонларни эслатарди. То белбоғига тушган оппоқ соқолини шамол гоҳ ўнг елкасидан, гоҳ чап елкасидан ошириб ўйнайди. Зангор салласининг печини боши устида айлантиради. Астарсиз кулранг тўнининг этакларини бургут қанотига ўхшатиб силкитади.

Назаримда, бу фавқулодда одам эртактлар саҳифасидан уйғониб чиққанга ўхшарди. Оталаримиз ҳикоя қилган паҳлавонлардан бу томонларда ҳали ҳам бор экан-да, деб кўнглимдан ўтказдим.

Тошпўлат елим халтада анжир олиб чиққанда шамол ҳам босилган, «паҳлавон» бир неча кексалар билан пешин намозини адо этгани Масжиди Калонга кириб кетганди.

Қаранг, ажиб бир манзара. Редакция Минораи Калон билан Масжиди Калоннинг пинжига суқилган. Бу жойдан миноранинг учи кўринмайди, кўриш учун сал нарироққа

бориб қараш керак. Мен таърифлаётган чол шу миноранинг томиридан ўсиб чиққан навқирон минорага ўхшарди.

Тошпўлат Лаби ҳовузга олиб борди. Бу жой илгарилар кўп марта кўрганам Лаби ҳовузга ўхшамасди. Қаровсизликдан файзи кетиб, тортими қолмапти. Неъмат Аминов, Жамол Камол, Тошпўлат Аҳмад, Аҳад Ҳасан ва Фулом Шомуродовлар дастурхон тузаб кутиб ўтиришган экан.

Қуриб қолган чинор учидаги арава филдирагидек лайлак уясига қарайман. Лайлак йўқ, келмай қўйипти. Бир оёқлаб туриб, бутун Бухорога эшитгулик қилиб ноғора чаладиган лайлак энди уясини тарк қилган эди.

Бутун дунё матбуоти саҳифаларидан тушмайдиган, кино ленталарига рангли-рангсиз тасвирда туширилган, шимолий кутбдан то Африкагача айланиб чиққан, ҳатто океан ортида неча марталаб намойиш қилинган бу манзаралардан энди қуриб қолган чинору, бўшаб, хувиллаб ётган лайлак уясигина қолганди.

Девонбеги мадрасаси пештокига ўрнатилган кучли радиокарайидан эшиттириладиган беҳаё атеист қўшиқлар Бухороий шарифга кўкламни бошлаб келадиган, оппоқ художўй лайлакларни қувиб юборган эди.

Мана, ҳозир биз дарахт танасига миҳланган, «Дин халқ учун афюндир!» деган ёзуви бор тахтача тагида ўтирибмиз. Бир сап-сарик хотин бўйнига патнис осиб, сосиска сотиб юрипти.

Сухбатимиз қовушмади. Латифага кон Неъмат Аминовнинг тилига гап келмай қолди. Назаримда, кандакорликнинг нодир намунаси бўлган мис баркашдаги қора анжир ҳам ҳижолатдан баттар қорайиб кетган эди. Ўрни-миздан турдик. Машхур Шохруд арифига қарадим. Минг йиллардан бери Бухоронинг чанқоғини босиб келган Шохруднинг ичи вино шишаларига, консерва банкаларига, латга-путталарга тўлиб қолган эди. Биздан наридаги сўрида ўтирган, кўкрагига «Хизмат кўрсатган маданият ходими» нишони таққан киши ёнимизга келди.

— Меҳмонлар хуш келибсизлар, илтимос, кечқурун келинлар, албатта келинлар, Тошкент «Билим» жамиятидан лектор келган. «Ислом динининг реакцион моҳияти» деган мавзуда лекция ўқийди. Жуда кучли олим, фан доктори.

Кўнгилда нохуш юк билан, минг бир афсуслар билан Лаби ҳовуздан узоқлашдик.

Йўлда Тошпўлат ҳижолатда ерга қараб, шундай деди:

— Биз шаккокларни худонинг ўзи кечирсин. Ислом динининг қуввати, қудрати бўлган Бухоройи шарифда уни реакцион, деб ўтирибмиз-а! Халқ учун афюн деб ўтирибмиз-а! Хазрат Баховуддин юрган жойларда, Абдухолиқ Фиждувоний ором олган Лаби ховуз бўйида шу гапларни айтяпмиз-а!

Кечқурун Неъматнинг уйида тўпланадиган бўлдик. Бухоронинг фақат битта арава сифадиган жин кўчаларидан юриб, Неъматнинг уйига бордик. Тепаси болохоналик долонда боя Масжиди калон олдида кўрганам афсонавий паҳлавон тиззасига хассасини кўндаланг қўйиб, курсида ўй ўйлаб ўтирарди. Оёқ товушларини сезиб ўрнидан турди.

Аҳаджон Ҳасан қулоғимга шивирлади:

— Неъматнинг отаси, машхур темирчи Уста Амин бобо шу киши бўладилар.

Чол ҳазилвон, қувноқ одам экан.

— Аҳад болам, шивирламай қаттиқ гапиравер, барибир унча-мунча гапни қулоғим олавермайди.

Усто бобо ҳаммамизни бирма-бир бағрига босиб кўришди. Оппоқ узун соқоли юзларимизни силагандек бўлди.

Билмадим, у неча ёшда экан? Ҳар ҳолда саксондан кам бўлмаса керак. У жуда бақувват эди. Болохона зинасини гичирлатиб зум ўтмай юқорига чиқиб кетди. Биз эса ёш бўлишимизга қарамай бир қўлимиз билан зина туткичига осилиб, бир қўлимиз билан тиззамизга таяниб, аранг болохонага чиқиб олдик.

Дастурхон устида бир суҳбатлар бўлди, бир суҳбатлар бўлди! Ҳар бир сўзи ҳикмат, ҳар бир калимаси тарих бу отахон темирчи бўлиб эмас, тирик Бухоро бўлиб гапирарди.

Кимдир беҳосдан хонтахтани туртиб юборди. Остидаги шишалар жаранглади. Ота хушёр тортди. Неъматга танбехли бир қараб қўйди.

— Ота, «Тошкент суви» бу.

— Худо ҳаром деган нарсани уйга олиб келма. Ё мен чиқиб кетайми? Майли, ўзларинг чақ-чақлашинглар.

Ялиниб ёлвориб уни олиб қолдик.

Рўпарамда ўтирган бу кекса одам Бухорони шон-шухратга буркаган буюк зотлардан бири бўлиб кўз олдимда ўтирарди. Унинг гаплари тиниқ, мантиқи зўр, фикри чуқур, тили равон эди.

— Мен ўзим кўрган, ўзим шоҳиди бўлган гапларни айтаман, Биравдан эшитган гапларни кўтариб юрмайман.

Эҳ-хе, бу бошлар неларни кўрмади. Амир Олимхонни ҳам кўрдим. Отини тақалаган эдим. Фитрат домланинг ҳам суҳбатларида бир-икки марта бўлганман. Чорикулбой Зарафшонга кўприк солганда, ҳашарга акам билан борганман. Кўп ҳимматли киши эди, раҳматли. Ҳукумат чиқиштиради.

Кўприк қурилишига қатнашаётганларга эрталаб дош-қозонда сарёғли ширчай, пешинда палов, кечликка шўрва пиширилди. Кунига ўнлаб қўй сўйиларди. Шу кўприк битганда, шўро болалари, «Бой қурган кўприкдан ўтмаймиз» деб уни буза бошлади. Кўчириб олинган гиштардан қулуб қурамиз, дейишди. Чорикулбой «Бузманглар, клубни ҳам ўзим қуриб бераман» деб худонинг зорини қилди. Дарё бўйига гишт хумдон қурдириб, янтоқ ёқиб, гишт чиқарди. Бир чиройли клуб бино бўлди.

Хонтахта тагидаги шишаларни Неъмат халтага солиб опчиқиб кетгандан кейин Уста бобонинг қулфи дили очилди. У ўғлининг орқасидан, қўлингни совунлаб юв, деб қолди.

Ўша оқшом Уста Амин бобо Чорикулбойнинг ҳукумат мусодара қилган минг-минглаб қўйлари кирилаётгани сабабли уни қамоқхонадан конвой билан олиб келиб, қўйларнинг давосини сўраганларини, у жуда оддий усул билан даволаганини ҳикоя қилди.

Бойни қамаганларида ўғли билан учраштирган пайтларини айтганда тингловчиларнинг қўзлари жикқа ёшга тўлди. Қанча романлар ўқиганман, қанча фожеали саҳифаларни варақлаганман. Аммо Усто бобо ҳикоя қилган воқеа мендек дийдаси қаттиқ одамни ҳам йиғлатиб юборган эди.

Чорикулбойни ўзи қуриб берган клубга қамайдилар. Бир ўзини эмас, қариндош-уруғларини ҳам қамаб қўядилар. Шу жойда, бойнинг яккаю-ягона ўғли билан бетмабет қиладилар.

Бой, «Яхшимисан, болам, эсон-омонмисан, чирим?» — дея унга қулоч очиб келади. Лекин ўғли отасига тесқари қараб: «Нега мен бойнинг ўғли бўлиб туғилдим? Камбағал ёки косибнинг ўғли бўлиб туғилсам бўлмасмиди?» — дейди. Шунда Чорикулбой турган ерида ўтириб қолади. Бир оздан кейин чуқур уф тортиб: «Менга қара, ноқобил фарзанд, — дейди. — Мана бу ерга ўтир, хали бўз бола эдим, ният қилардимки, бир кун келиб, мен ҳам уйланарман, хотиним ўғил туғар, тўй қиларман, деб. Худойи Карим мани ниятимга етказди. Тўй-томошолар

билан онангни олдим. Вақти-соати етиб, онангни бўйида бўлди. Худога илтижо қилардимки, илоё ўғил бўлсин, деб. Онангни еру кўкка ишонмасдим, чунки унинг бўйида менинг зурёдим, мол-мулкимнинг эгаси, гўштдан айирганим — темир тирноғим бор, деб... Ниҳоят сен туғилдинг... Чўлда эдим, суюнчи келтирган чўпонга оқ туя ва уч кишига учта оқ арғумоқ миндирдим, санинг йўлинг оқ бўлсин, деб. Сани йўрғаклаб чиққан доя кампирга бошдан-оёқ адрас-кимхоб ёпдим, бошингдан кумуш, тилла тангалар сочдим, серуруғ, серфарзанд бўлгин деб, бешик тўйи, соч тўйи, суннат тўйларингни ўтказганда ҳам юртга ош бердим. Чавандозлар сани номингни қайта-қайта тилга олиб, давраларда оқ фотиҳа бердилар. Сан ҳамиша бағалимда, тиззамнинг кўзида ўтирардинг. Тўй-томошолар қилиб эшигингни очиб бердим. Яхши кўрган қизингга уйлантирдим. Гўдакликдан санинг номинг бойвочча эди. Қаерга борсанг, иззат-хурматда эдинг. Во, дариг! Энди бойнинг ўғли бўлганингдан ор қиласанми? Отанг ҳаром томчисидан бино бўлган сан ноқобил фарзанд энди отангдан юз ўгирасанми? Шу умидлар билан санга яхши от қўйганмидим? Ўзим шу қоронғу ертўлада ётсам-да, ташқарида чироғим ёниб турибди-ку, деган умидда эдим... Ё парвардигор не гуноҳим бор эдики, ўз пушти камаримдан тўраган фарзанд таънаю маломат чилвири билан мани бўғса!.. Илоё кўкармагайсан, илоё тирноққа зор бўлгайсан», — деганда таниш миршаблар ҳам йиғлаб юбордилар, турманинг тошлари ҳам бу фарёддан эриб кетгандек бўлади... Бойнинг ўғли ҳушини йиғиб, «Тавба қилдим, отажон!» дея ўзини отасининг оёғи остига ташлайди. Юзларини отасининг қавшига суртиб, хўнграб йиғлайди. Шунда Чорикулбой ўғлининг қучоғидан оёғини секин суғуриб олиб: «Тур, ўрнингдан, ноқобил ўғил, энди от кетди, қорда қоп-қора изи қолди!» дея юзини тесқари ўгиради.

Мен сизга айтсам, жўра, Чорикулбойнинг ўша ўғли тирноққа зор бўлиб, хор-зорликда ўлиб кетди.

Отанинг қарғиши ўк! У охирагта эмас, шу дунёнинг ўзида нишонга тегади.

Оқсоқол қахрабо кўк чойни хўплайди. Қошлари чимирилиб, болалик йилларини эслагандек жимиб қолади. Пиёланнинг гулига тикилиб ўтириб бир ух тортади.

— Эргаш амакимнинг пушти камаридан тўраган биттаю битта ўғиллари бўларди. Оти Йўлдош эди. Худонинг кудратидан ўргилай, уям гунггу кар эди. Ўша бола ўн икки ёшида қизамиқдан вафот этувди. Шўрлик Моҳтоб

янгачамнинг, «Булбули гўём бачам» дея соч юлиб йиғлаганлари кечагидай кўз олдимда...

Хозир эшитган хикояни шундоқлигича, бирон сўз қўшмай, биронта сўзини олиб ташламай китобга киритса арзийди. Китобхонга манзур бўлган яхши хикоялар қаторидан жой олишига аминман.

— Ётар пайтингиз бўлгандир, Уста бобо, бир пас дам оласизми? — деди Аҳаджон.

Отахон дераза пардасини кўтариб ташқарига қаради. Хали қоронғу тушмаган эди.

— Хали хуфтон номозини ўқиганимиз йўқ. Йилнинг шу ойларига соати йўқ одам вақтдан адашади. Қудратингдан кетай, Эгам, дехқоннинг экини яхши пишсин, деб ёруф кунни узайтириб қўйган. Эрталаб соат тўртда тонг ёришиб, кеч соат 9 да офтоб ўчади.

— Бўлмасам яна битга хикоя эшитайлик, — деди Тошпўлат Аҳмад соатига қараб.

— Хўп, хўп. Эшитинглар. Манғит хонларидан Аҳадхон замонида Бухорода бир ёлғиз—кимсасиз кампир яшаган экан. Биттагина эчкисини соғиб, сутидан бир миқдор ичиб, қолганини сотиб, рўзғор тебратар экан. Иттифоқо кечаси ухлаб қолганда, шу эчкисини ўғирлаб кетишади. Кампирнинг арз қилмаган жойи қолмайди. Охири Аҳаджон ҳузурига боради. Хон ундан не арз билан келганини сўрайди.

Кампир нима бўлганини айтади.

— Ия, — дейди хон. — Эчкини қўриқламай, донг котиб ухлаган экансиз-да, эна!

Кампир жавоб қилади.

— Ухлаган эдим, хон хазратлари. Сизни ухламаган, деб ўйлаган эдим. Қарангга, сиз ҳам ухлаган экансиз-да!

Хон лолу хайрон бўлиб боши эгилади. Кампирнинг бир оғиз, сиз ҳам ухлаган экансиз-да, деган гапи унинг юрак-юракларига бориб етади. Юртни боқиш, шу юртни қўриқлаш, осойишталигини сақлаш хоннинг вазифаси эканини шу бир оғиз сўз тушинтириб қўйган эди. Хон ўрнидан туриб, чапак чалади. Мулозимлар киради.

— Шу онахонга бир говмуш сигир берилсин! Ем-хашаги ҳам хазина ҳисобидан бўлсин, — деб фармон беради.

Доно гапга тан берадиган хонлар ҳам ўтган, болаларим.

Уста бобо хуфтон номозини ўқиш учун пастга тушиб кетди.

Кечки салқинда шаҳарни томоша қилгани чикдик. Қилт эткан шаббода йўқ. Куни билан офтоб қиздирган

мармар тошлар ҳали совимаган. Мадрасалар, миноралар мудрайбошлаган. Ой фарқ пишган. Оппок, дум-думалок. Пўсти арчилган оқ шафтолидек бўлиб турипти. У бутун Бухорои шариф устидан эринмай кумуш упу сепаетгандек. Фақат девор сояларигина қорамтир тусга кирган халос. Ана шундай сокин, сирли-сехрли тунда ажиб ғалати хаёлларга бериласан. Минг йиллар олдин ўтиб кетган буюк инсонлар Шариф шаҳарнинг жимжит кўчаларида кезиб юрганга ўхшайди. Тарих уйғониб кетгану, юз йиллар оралиғида ўтган буюк зотлар: донолар, алломалар, олиму фузалолар дийдор кўришмакка ер бетига чиққандак. Кўҳна деворлар соясидан уларнинг овозлари эшитилаётганга ўхшайди. Олисдан ҳассанинг тошга ожиз урилаётган товуши элас-элас эшитилади. Ҳазрат Рудакий уйғониб кетдилар шекилли. Пастак уйнинг ёғли қоғоз ёпиштирилган деразасида шам нури липиллайди. Ибн Сино ҳали ухламаган кўринадилар.

Икки соатлик оқшом кезишимда Бухоронинг неча минг йиллик тарихига рўбарў келган эдим.

Эрталабки нонуштада Уста бобо йўқ эди. Ҳали тонг ёришмай, бомдод номозини ўқиш учун чиқиб кетган бўлиши керак. Неъмат бир ғалати гап айтиб қолди.

– Отам ҳар сахар жўраси Уста Нуъмоннинг темирчилик дўконига бориб, тош охурдан бир пиёла муздек сув ичадилар. Нега бундай қиласиз, деб сўраганимда «Болам, дунёда энг покиза, энг тотли сув тош охурнинг суви» деган эдилар. Унга куни билан қип-қизил чўққа айланган теша, кетмон, ўроғу болғалар вашиллатиб чўктирилади. Бу сув кунига неча бор қайнаб, неча бор совуйди. Эрталабга келиб совиб тиникади. У ҳар қандай микробдан холи, унда шифобахш темир моддаси бор эмиш. Отам юз йилга яқин ҳар тонг шу сувдан ичканлар...

Кейинчалик Неъмат Тошкентга кўчиб келди. Отаси уни тез-тез йўқлаб келади. Бу шахри азимдаги олимлар, уламолар билан танишади. Уларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлади. Муфти эшон Бобоҳон хазратлари ҳамда бу зотнинг фарзандлари муфти Зиёвуддинхон хазратларининг суҳбатларини ихлос билан тинглайди.

Уста Амин бобо «Тошкентга Алихон тўра Соғуний кўчиб кептилар» деб эшитиб зиёратларига боради. У зотдан, бу хонадонда бўладиган суҳбатларда сомий бўлишга ижозат сўрайди.

Уста Амин бобо Соғуний билан учрашувини ажиб бир ширин ва эзгу хотира сифатида кўнглида ардоқлаб олиб юради.

— Биласизми, укам, менга Муҳаммад алайҳи вассалам тўғрисида ҳеч ким у кишидек аниқ ва таъсирли қилиб айтиб беролмаган. У кишининг хонадонларига ҳар борганимда поклангандек, кўнглим нурга тўлгандек бўлиб қайтардим. Ҳазрат ўзларининг «Тарихи Муҳаммади» китобларини совға қилган эдилар. Невараларимга қайта-қайта ўқитиб, эшитаман. У кишининг билимларига қойил қоламан.

Уста бобо билан Тошкентда ҳам жуда кўп учрашдик. Бир куни у кишига, ҳикояларингизни Неъматга айтиб турсангиз, ёзиб олса зап иш бўларди-да, дедим.

— Боламнинг иши кўп, ўзининг ёзув-чизувидан бўшамайди. Уни қийнагим келмайди, — деб жавоб қилган эди.

Уста бобо юз ёшда оламдан ўтди. Неъмат отасининг ҳикояларини ёзиб олганмикан, деган ўй хаёлимдан ўтади. Нахотки гўзал бир китоб бўладиган ҳикояларни бобо ўзи билан олиб кетган бўлса! Йўқ, Неъмат у кишига билдирмай ёзиб юрган экан. Мана бугун шу китоб «Бир аср ҳикояти» деган ном билан босилиб чиқди. Унда мен эшитган ва эшитмаган аллақанча гўзал ва жозибали ҳикоялар жамланган эди. Дилимда: «Неъмат, фарзандлик бурчини аъло адо этибсан», деб китобчани силаб қўйдим.

Икки минг беш юз йиллиги нишонланаётган Шариф шаҳар — Бухоронинг кейинги юз йилига жонли гувоҳ бўлган Уста Амин бобо кўз олдимдан ўтади. Тошкент кўчаларида этагининг барини бургут қанотидек силкитиб юрадиган девқомат, оппоқ соқолли фариштасифат бу одамнинг орқасидан сувратчилар, телевизиончилар эргашарди. Мен у кишига ҳазил қилардим. «Уста бобо, Тошкент кампирларининг кўзини ўйнатиб юрибсизми?» дердим. У соқолини силаб илжаярди. Опа-сингил бевалардан топсам божа бўламизми, деб ҳазиллашаман. Бўламиз, дерди отахон. Қани омин, денг, нариги дунёда опа-сингил фаришталардан учрасин, дея хандон отиб куларди.

У чиройли чол эди. Чиройли куларди, чиройли гапирарди.

Бухорога кейинги боришимда ҳам Уста Бобони зиёрат қилдим. Энди у анча қариган, озиб кучдан қолган эди.

— Вашиллаб ёнадиган кўм-кўк оловга тикилиб, кўзни ишдан чиқарган эканман. Қулоқ ҳам унча-мунча гапни олмайди. Хайронман, ҳалитдан шундоқ бўлсам, қариганда нима бўларканман? — дейди бир кам юз ёшга кирган Уста бобо.

У шунча ёшга кириб қариликни тан олгиси келмасди.

Узоқ суҳбатлашиб ўтирдик. Лаби ҳовузга борганим-

ни, у ерда ажойиб ўзгаришлар бўлганини айтдим. Насриддин Афандига хайкал ўрнатишипти. Ҳаммаёқ ораста. Шохруддан айқириб-сув оқяпти. Сўриларда ёш-яланг, қари-қартанглар гурунглашиб ўтиришипти, дедим.

— Э, укагинаме, — деди Уста бобо бошини чайкаб. — Бу шўро дегани Бухорога ишонмасди. Унга Бухоронинг тилласи, қоракўли, шилласи, газии керак эди. Сталин даврида наинки одамлар, ҳатто шаҳарлар ҳам қатағонга учраганиди. У дин ривож топқан шаҳарларни хушламасди. Хориждан келган сайёҳларни Бухорога йўлатмасди. Тарихнинг уйғониб кетишидан қўрқарди. Мана, истиклол бўлиб Бухорони Шариф устидаги чанг ғубор тозаланди. Юз йилга яқин сув кўрмаган Шохруд тўлиб оқяпти. Шинам, сердарахт кўчаларда дунёнинг юз бурчидан келган сайёҳлар чақ-чақлашиб юришипти. Тоқи заргарон, тоқи телпақфурушон, тоқи саррафонлар гавжум. Э, нимасини айтасиз, Бухоронинг хусни энди очилди.

— Саксон етти йил олов олдида меҳнат қилдим, тўппонча ясамадим, қилич ясамадим, ханжар ясамадим, пичоқ ясамадим. Деҳқон ер чопсин, деб кетмон ясадим, буғдой ўрсин, деб ўрок ясадим, отларнинг туёғи оғримасин, деб тақа ясадим. Хотинлар ўчоқ бошида ўтин ёрсин, деб теша ясадим. Палов дамласин, деб кашпир ясадим... Биравни маломат қилмадим, ҳеч кимнинг ҳақини емадим. Бутун умрим бўйи беш вақт намозни қанда қилмадим. Жойномозга бош қўйиб, юртга омонлик бер, деб аллоҳга илтижолар қилдим...

Бу Уста Амин бобонинг менга айтган энг сўнгги сўзлари эди.

У ҳаётдан рози бўлиб, бошқаларни ҳам ўзидан рози қилиб дунёдан кетди. Бу табаррук пок одамдан хотиралар, гўзал ҳикоялар қолди. Уни одамлар қайта-қайта ўқишяпти. Ўқиганлар бошқаларга завқ-шавқ билан гапириб беришяпти. Қўлига қалам ушламаган, хат танимаган оддий темирчининг мўъжаз ва гўзал ҳикоялари адабиётимизга камтарона бир мулк бўлиб қўшилди.

Ҳар нарсадан хато топадиганлар, бу мақола китобнинг ўзидан ҳам катта бўлиб кетмабдимикин, дейишларини биламан.

Биродарлар, бу китоб тўғрисида ҳали кўп ёзилади. Бундан ҳам мукамал мақолалар босилишига ишонаман. Ахир, бу китобчанинг ҳар бир ҳикояси бир роман, ҳар бир лавҳаси бир қисса эмасми?

«Мулоқот», 1998 йил, январь.

АСҚАД БИЛАН ЁНМА-ЁН

Асқад тўғрисида бирон янги гап айтиш қийин. Буни биламан. Қатор романларию қиссалари, драма ва шеърлари, дostonларию таржималари баҳонасида ҳамма гапни адабиётшунослар айтиб қўйишган, айниқса, шу кунларда олтмиш ёшга кириши муносабати билан жамики газета ва журналлар, радио ва телевидение бу заҳматкаш ёзувчини миридан сиригача айтиб бўлди. Унинг ижодига бағишланган китобларда, ёқланган диссертацияларда адабиётимизга қўшган жуда катта хиссаси илмий асослаб берилди.

Лекин эллик йил йўлда ҳамроҳ бўлган, бирга ўй суриб, бирга қоғоз қоралаган дўстнинг ҳам юрагида айтадиган гаплари бордир, ахир.

Асқад болалигида ҳам ниҳоятда жиддий эди. Бора-бора бу жиддийлик ижодига ҳам кўчди. Китобларнинг қахрамонлари ҳам жуда жиддий одамлар. Улар фикр қиладиган, жамият тақдирида катта роль ўйнайдиган қахрамонлардир. Асқад бир романини «Давр менинг тақдиримда» деб атади. Менимча, бу ном унинг ҳамма китоблари учун умумий сарлавҳа бўлса арзийди. «Опа-сингиллар», «Туғилиш», «Бўронларда бордек ҳаловат», «Чинор» романларининг қахрамонлари тақдирида бутун бир давр нафаси гуркираб туради.

Асқаднинг ўзи ҳам шу давр, шу тақдир жараёнининг фарзандидир.

Жуда яхши биламан. Асқад умрида бир марта ариза ёзиб ишга кирган. Шу биргина ариза билан жуда кўп ижодий ташкилотларда турли лавозимларда ишлаб келди. Бу гапнинг маъноси шуки, Асқад ҳеч қачон ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзмаган. Уни юқори ташкилотлар топшириғи билан ишдан ишга кўтаришарди. Асқад ҳали меҳнат дафтарчасини ушлаб кўрмаган. Идораларнинг кадрлар бўлимлари бу дафтарчани ўзлари қўлдан-қўлга ўтказадилар.

У қаерда ишламасин, орқасидан бирон одам «Асқад

ишни чала қилиб кетди» ёки «Ишни хом қилди» деган гап айтмаган. У ҳамиша ўзига юклатилган вазифага виждон иши деб қарайдиганлардан.

Асқад Мухтор «Шарқ юлдузи» журналида бош редактор бўлиб ишлаган пайтларида жуда кўп қўлёзма ўқирди. Катта-катта романлар ўртага қўйилганда энг жўнли гапларни Асқад айтарди. У Ёзувчилар союзи секретари бўлган пайтларда ёш ёзувчиларни кўп қўлларди. Мана ҳозир у бош редактор бўлган «Гулистон» журналининг деярли ҳар бир сониди янги бир ёш шоирнинг шеърини ўқийсиз.

Асқад кўп китоб ўқиган, кўп мушоҳада қиладиган мулло ёзувчи. Адабиётга оид катта илмий баҳсларда Асқад бир олимдек гап айта оладиган, фикри тиниқ ижодкордир. Марказий матбуотда эълон қилинган бир қанча адабий-танқидий мақолалари Асқаднинг нечоғли теран фикрли ёзувчи эканини кўрсатди.

Асқад йирик жанрда ижод қилиш олдидан танлаган мавзу ичига разведка уюштиради. Унинг биринчи йирик насрий асари худди шу тахлит дунёга келган эди. Қирқинчи йилларда у Бекободдаги металлургия заводи тўғрисида бир-икки очерк ёзиб қўрди. Ундан кейин биринчи пўлат қуювчилар тўғрисида цикл шеърлар ёзди. Ундан кейин «Пўлат қуювчи» деган дoston яратди. Барибир, Асқад айтмоқчи бўлган гапларини бу жанрларда тўла айтолмаётганини билиб қолдию насрий асар яратиш пайига тушди. Унинг «Дарёлар туташган жойда» деб аталган биринчи йирик асари саноат мавзуга қилган разведкаси натижаси эди.

Эллитинчи йилнинг январь ойида Асқад икковимиз чўян печка ёнига ўтириб қиссани ўқиб чиққан эдик. Эсимда, ўша қиссанинг қўлёзмаси қалин муқовали «домовая книга»га ўхшаган каттакон дафтарга зич қилиб ёзилган эди. Тахминан тўрт соат давомида ўқиган бу қиссани яна икки соатча муҳокама қилган эдик.

Асқад ўша қисса баҳонасида умуман адабиётда ўз мавзунини топган эди. Кейинги насрий асарларида ана шу мавзунини ривожлантираверди. Деярли ҳамма романлари ишчиларга, қурувчиларга бағишланди.

Асқад ўзи редактор бўлган журналларда бошқа ижодкорларнинг қўлёзмаларини ниҳоятда масъулият билан таҳрир қилади. Унинг бу хусусияти марҳум шоиримиз Миртемир акага жуда ёқарди. «Асқад қўлёзмага билиб қўл уради», дерди.

Асқад таржимачилик соҳасида ҳам анча-мунча иш қилиб қўйди. Унинг Пушкиндан, Лермонтовдан, Блокдан

хамда антик адабиётдан қилган талай таржималари адабиётимизни безаб турибди.

Олтмиш ёшга ҳамма ҳам кириши мумкин. Лекин шу етук ёшга етиб келгунча умрини чойхонада ёнбошлаб ўтказганлар бор, мудраб умрини совурганлар бор. Аммо Асқад олтмиш ёшни қизғин ижод дақиқалари, изланиш, тунни тонгларга улаш билан ўтказди.

Тўрт роман, тўрт қисса, қатор дostonлар, драмалар, том-том шеърлар, ҳисобсиз адабий-танқидий мақолалар мана шу олтмиш йилнинг ижод билан ўтган қирқ йили давомида яратилди.

Дўстим Асқад! Бугун сенинг муборак олтмиш ёшингни нишонляямиз. Бу фақат сенинг тўйинг эмас, сен билан адабиёт остонасига бирга қадам босган, ҳар бир сатрингга қувонган, ҳар бир китобингни ўзиникидек ардоқлаган ҳамкасб дўстларингни ҳам тўйидир.

Фафур Фулом, Ойбеклар назари тушган сендек ижодкор дўстимиз билан фахрланамиз. Ҳали сенинг биздан, китобхонларингдан жуда катта қарзинг бор. Бу қарзларни узмоқ учун яшамоқ керак. Яшаганда ҳам шунчаки эмас, ижод, илҳом, қайнашлар билан яшамоқ керак. Бу иш сенинг қўлингдан келади.

Эртага тонг отиши билан бошланадиган етмиш томон сафаринг беҳатар бўлсин, кадрдоним!

1980 йил

ЕТМИШИНЧИ БЕКАТ

Ижод билан, меҳнат билан етмиш ёшга кирганимизни билмай қолибмиз. Бир пиёла чой ичгунча шунча йил ўтиб кетибди.

Тақдирга минг шукурким, қўлимизда қаламимиз бор экан, бўлмасам шунча йилни ўтказиш осонми? Меҳнатсиз кечган бир кун санаб ўтказилган йилга баробар.

Ёш бир жойга бориб, орқага қайрилиб қарайдиган, нималар қилолганини, нималар қилолмаганини чўтга ташлайдиган пайт келганга ўхшайди.

Кел, дўстим, кексалик бекагида пича нафас ростлаб, босган изларимизга кўз ташлайлик. Тақдир бизни ўтдан олиб ўтга ташлаган кунларни эслайлик, борса келмас, борса гумон йўллардан омон қайтган жонимиз, тошларга тегиб ёрилмаган бошимиз бир дамгина ором олсин.

Сен билан биз устозларимиз етолмаган ёшдамиз. Балки Қодирийлар, Чўлпонлар, Усмон Носирлар дилида армон бўлиб кетган гапларни айтиш учун тақдир бу яхши кунларни бизга раво кўргандир.

Модомики шундоқ экан, биз уларнинг яшамаган умри учун ҳам масъулмиз. Риёкорлик қилишга, виждонга зид иш тутишга, ҳақиқат юзига парда тортишга асло ҳаққимиз йўқ.

Айтилган сўз отилган ўқ, дейдилар. Отилган ўқни қайтиб милтиққа жойлаб бўлмайди. Айтган сўзимизнинг орқасидан қувиб тутиб келолмаймиз. Шунинг учун ҳам ҳар бир сўзимиз, ҳар бир сатримиз учун масъулдирмиз.

Биз бирданига осонгина ёзувчи бўлиб қолганимиз йўқ. Фафур Фуломнинг, Абдулла Қаҳҳорнинг, Миртемирнинг «шапалоғи» бизни ёзувчи қилган. Ҳеч қачон хотираси унутилмас бу устозлар ҳалигача бизни «таъқиб» қилиб келади.

Ўттизинчи йилларнинг ўрталарида бир тўда ҳаваскорлар шу устозлар этагидан ушлаб адабиётга кириб келгандик. Шухрат билан Ҳамид, Асқар билан Мирмуҳсин, сен билан мен адабиёт кўчасига қайтмас бўлиб киргандик.

Мана, эллик йилдан ошибдики, баҳоли қудрат қалам тебратиб келаяпмиз.

Очиғини айтсам, бизнинг авлод яхши ижод қилди. Адабиётимизнинг хазинасига ўнлаб роман, дoston, драма, шеърӣй тўпламлар қўшди. Бу авлод эл олдида юзи шувут бўларли иш қилмади.

Шахсга сивғиниш йилларининг калтаги шу авлоднинг бошида синди. Турғунлик йиллари уларни бир муддат пароканда қилиб ўтди. Лекин сабр-чидам билан яшадик. Адабиётга хизмат қилдик. Шу авлоднинг вакили сифатида сенинг ҳам хизматларинг чакки бўлмади. Бундан олтимиш йил олдин Турбат қишлоғидан бошига тўр дўппи кийиб келган Саидтуроб деган бола бугун халқ ёзувчиси Туроб Тўла бўлиб элга танилди.

Сен ўттиздан ортиқ китоб нашр қилдирдинг. Қанчадан-қанча пьесаларинг сахна юзини кўрди. Кино санъати-га қўшган ҳиссанг ҳам таҳсинга сазовордир.

Сени қўшиқчи шоир сифатида кўпроқ кадрлайман. Устоз Собир Абдулла билан Миртемир домладан кейин қўшиқчилик байроғининг дастасини сен маҳкам ушладинг.

Юзлаб дилрабо қўшиқларингни қанчадан-қанча ҳофизлар завқ-шавқ билан куйлашади. Республикамиздаги жамики бастакорлар сенинг қўшиқларингга куй басталашган. Ўзбекистон радиосида сенинг қўшиғинг аралашмаган концерт йўқ. Халқ сайилларида, тўю-томошаларда қўшиқларинг куйланади. «Борми инсофинг», «Эй гул», «Куйлатиб қўйдинг мени», «Бизга ҳам», «Лайломисан сен», «Ширмоной», «Уч дугона», «Олтин сандиқ» каби санаб адоғига етиб бўлмайдиган даражада кўп қўшиқларинг хонандаларнинг ҳамишалик репертуаридан жой олган.

«Санобар», «Дилором» деган умри боқий қўшиқларинг қирқ йилдан бери куйланиб келади. Қирқ йил. Бу навқирон бир йигит умри.

Мен бу қўшиқларни ветеран қўшиқ дейман. «Мафтунингман» фильми маданиятимиз оламида бир воқеа бўлганди. Бу фильмдаги қўшиқларнинг ҳаммаси сеники. Нақадар гўзал шеърлар. Бу шеърлар бастакорлар юрагидан ўтиб, ажойиб ижрочилар нафаси билан йўғрилиб янада тиниқлашиб кетган. Мана, ўттиз йилдирки, бу қўшиқлар тингловчиларни мафтун қилиб келади.

Бирон сатри ошиқлар дафтарига тушмаган шоирни шоир демайман. Сенинг дил овловчи қўшиқларинг қанчадан-қанча севишганларнинг кўнглига таскин бериб келади.

Қодирийлар, Чўлпонлар, Усмон Носирлар ўзлари тўймаган дунёни, яшолмаган умрларини, ёзишдан мажбуран тўхтаган қаламларини бизга ташлаб кетишган.

Бекатда бир нафас тўхтаб орқангга қарадинг. Энди бас! Ўрнингдан тур! Етмиш биринчи бекатга қараб дарё мавжидек илҳом билан йўлга чиқ. Ахир сени шунча ардоқлаган юртингдан, азиз ўқувчингдан бир роман, катта бир дoston қарзсан. Шу қарз гарданингда қолиб кетмасин. Шошил, дўстим. Ёзадиган, тинмай ёзадиган пайт келди.

Сенга катта ижодий муваффақиятлар, соғ-саломатликлар тилайман. Жонинг, имонинг саломат бўлсин, азизим.



ЁШЛИК КЎЧАЛАРИГА САЁХАТ

Ўлмаснинг бу романини кўлимга олганимда кўнглим алланечук бўлиб кетади. Ўт-олов болалигим, тўполончи ёшлигим, қанотли ўспиринлик йилларим бирдан лоп этиб кўз олдимга келиб, туриб олади. Фақат нурдан, фақат оҳанглардан яралган ишқ деб аталмиш йигитлик тонгла-римни кўраман. Истиқбол дардида ўртанган кечаларим кўз олдимга келади... «Одам бўлиш қийин» китоби менда ана шундай ҳисларни уйғотди.

Ажаб, кексалик бекатидан туриб ёшлик кўчаларига боқиш, олисда қолган туғёнли болаликларни қайта уйғотиш, бир он бўлса-да ўша ёшлик хавосидан нафас олиш, тангадек пошна излари тушган сўқмоқлардан хўрсиниб-хўрсиниб кезиш, кўз ёшлари-ю, ёлворишларни бир дақиқагина тирилтириш... Бу бир орзу, холос. Энди улар китобларда, шоирларнинг назмида, бастакорларнинг дилни ўртовчи куйларида қолган.

«Одам бўлиш қийин» романи ана шундай беғубор туйғулар дostonидир. Кўлимда бу романнинг уч хил босмаси турибди. Бири «Яшил юлдуз» номи билан босилган Москва нашри, бири Болгарияда нашр қилинган «Зелената звезда» нашри. Кеча Белоруссиядан, Украинадан, олдинги куни Латвиядан «Одам бўлиш қийин»ни нашрга тайёрланаётгани тўғрисидаги хабар келди.

Мен романнинг биринчи нашрига кичкинагина сўз боши ёзганимда шарафли унвонга лойиқ эканига қувонган эдим. «Севгим-севгилим» киссаси Ўлмаснинг адабиётимизга дадил кириб келаётганига кафил бўлган эди. Бу орада у «Кимнинг ташвиши йўқ», «Жўра қишлоқ», «Ёз ёмғири» каби ниҳоятда яхши киссалари билан ўз ўқувчисини топди, меҳрини қозонди.

Ўлмас «Ёз ёмғири» киссаси билан яна бир поғона баландга чиқиб олди. Бу қисса кўлма-кўл бўлиб ўқилди.

Бу китоб Ўлмаснинг биринчи йирик асари. Наинки ёш адиб, ҳатто етук, катта-катта асарлар билан ном қозонган адиблар ҳам роман ёзиш олдидан қайта ёш ёзувчи ҳолига

тушадилар. Роман янги олам, янги тўқнашувлар, янги тақдирларга ёзувчини дуч қилади. Адибда журъатсизлик, бир оз қўрқиш табиий бир ҳол. Ўлмас ҳам бу хислатлардан холи эмас, албатта. Бошида андак қўрқоқлик қилиб турган ёш адиб саҳифалар она куч йигади, дадиллашади, яратётган кишиларининг қиёфаларини аниқ кўра бошлайди. Оёқ остига тўкилган тол баргидан тортиб тарновга қўнган мусичанинг эриниб ку-ку-лашигача назаридан қолмайди.

Ўқувчи у ёзаётган манзараларга, одамларнинг хатти-ҳаракатларига ишонади. Чунки Ўлмас ёзаётган объектни кўриб туради. Кўриб, кейин ёзади. «Одам бўлиш қийин» романининг қахрамонлари Ўлмаснинг ўртоқлари, мактабдошлари, курсдошлари. Тасвирланган манзаралар унинг кўчаси, юрган йўллари.

1958 йилда Тошкентнинг ҳозирги «Россия» меҳмонхонаси тушган ерда пасткам бир уй бўларди. Унинг тахта девори орқасидаги ёғочга бир оёғидан бойланган бургут қўниб турарди. Мен трамвайда ўтаётганимда ўша бургутни кўрардим. Ўлмасларнинг уйи шу кўчанинг сал нарироғида эди. Романда оёғидан бойланган бургут тасвирини ўқиб, ўша бургутни эсладим. Кейин билсам, Ўлмас худди ўша бургутни тасвирлаган экан.

Роман қахрамони Абдулла менга Ўлмаснинг марҳум дўсти, талантли режиссёр Дамир Шокировни эслатади. Абдулланинг кўп хислатларини, ташки қиёфасини Дамирдан олганга ўхшайди.

Гулчехра яшаган кишлоқ менга Кўконнинг юқорисидаги Уч кўприк кишлоғини эслатади. Ўлмас шу кишлоққа кўп борарди. Хар йили Фарғона сафарида бу кишлоқлардан ўтаман. Назаримда, шу жойларда Гулчехра қўлтиғида бир ўрам картон билан айланиб юрганга ўхшаб кетади. Ўзбекистон районидан то Фурқат станциясигача кетган асфальт йўл четидаги ажиб хушманзара бинолар Гулчехра тузган лойиха асосида қурилгандек кўринади.

Хуллас, мен Ўлмаснинг бу романидаги барча қахрамонларини танийман, тасвирлаган манзараларини кўраман. Шунинг учун ҳам бу китоб менга кадрдон, севикли, ардоқлидир.

Ўлмас Умарбеков ижод жараёнидаги ўз ҳаяжонларини ўқувчига юктира олган, дардига ҳамдард, қувончига шерик қила олган.

Мен ҳам бу қувончу ҳаяжонлардан бебаҳра қолмадим.

Яхши китоб ёзган талантли укамнинг бахтидан қувонаман. Шу қувончимни сиз билан баҳам кўргим келади, азиз китобхон!

1974 йил.

ТОПГАНЛАРИМ



ИЖОД ВА ЖАСОРАТ

Ўзинга яқин ва қадрдон одам ҳақида бирон гап айтиш шунчалар қийин бўлишини билмас эканман. Ҳар қуни кўришадиган, неча марталаб гаплашадиган дўстингнинг фазилатлари сенга жуда оддий бир нарса бўлиб қоларкан. У саҳийми, бахилми, бағри кенгми, феъли торми, дўстига вафодорми, бировнинг қайғусига қайғудошми, негадир эътибор бермас экансан. Бу ҳаммага хос одат-да, деб қўяқоларкансан.

Кеча жумҳурият Олий Мажлисига номзодлар рўйхатини газетадан ўқиб қолдим. Унда Ўткир Хошимовнинг номини кўриб, кўзларимга ишонмадим. Йўфе, ўша ўзимизнинг қадрдонимиз Ўткирми, дея қайта рўйхатга қарадим. Йўк, янглишмабман. У — қадрдоним, қунига неча марталаб мен билан гаплашадиган ажойиб ёзувчи Ўткир Хошимовнинг ўзи эди.

Шу истеъдодли, аллақачон халқ меҳрига сазовор бўлган ёзувчи тўғрисида бир нима ёзай, деб шунча уринаман, қани бирон сатр ёзолсам.

Бир донишманд агар азамат чинорни бўй-басти билан кўраман, десанг, сал наридан туриб қара, агар ёнидан қарасанг, унинг фақат бир бўлагини кўрасан, узоқдан қарасанг бутун салобати билан кўрасан, деган экан. Бу жуда доно гап. Рассом ҳам яратаётган асарини неча марталаб, орқага бир-икки қадам чекиниб кузатади.

Мен ҳам Ўткирни сал наридан туриб кўрмоқчи бўлдим... Ана шундан кейин мўъжизага ўхшаган бир ҳолатни сездим. Мен унчалик писанд қилмаган, баъзан назаримга илмаган ёзувчи бола кўз олдимда юксалиб, чинакам санъаткорга айланди.

Энди мен уни бор бўйи билан, жами фазилатлари билан, ўзбек адабиёти ривожига, мустақил жумҳуриятимизнинг камолига қўшаётган муносиб ҳиссаси билан аниқ кўра бошладим.

Ўткир қандай китоблар ёзгани тўғрисида гапириб ўтириш ортиқча. Улар ўзбек ва қардош халқлар мулкига

айланиб кетган. Шундоқ бўлса ҳам бу истеъдодли адибнинг асарларини тилга олмаслик инсофдан бўлмас. «Баҳор қайтмайди», «Қалбингга қулоқ сол», «Нур борки, соя бор», «Дунёнинг ишлари», «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар», «Икки карра икки — беш» каби қисса ва романлари, юздан ортиқ дилбар ҳикоялари халқ орасида жуда машҳур бўлиб кетган.

Тоталитар тузумнинг оқоваси бижғиб, оқиб турган бир пайтда «Ўзбек иши», «Давлат сири», «Дўстлик ҳурматдан бошланади» каби ўнлаб мақолаларни ёзиш учун катта жасорат керак эди. Ўткир ҳар қандай зарбадан, ҳужумлардан қўркмай, баъзан ҳатто ҳаётини хавф остида қолдириб, халқ дилида тугён уриб турган гапларни очиқошқора айта олди.

Москва матбуоти тарқатаётган тухмат ва ҳақоратлардан сабр қосаи тошган Ўткир Ҳошимов собиқ Компартиянинг XXVIII съезди минбаридан туриб баралла овоз билан уларни фош қилди.

«...«Ўзбек иши» деган гапни ким ўйлаб топди? Нима учун «Рус иши», «Арман иши», «Молдаван иши» эмасда, айнан «Ўзбек иши»? Ўзбек нима ёмонлик қилди? Қўшиб ёзишлар бошқа жойда йўқми? «Ўзбек иши» туфайли армиядаги қанчадан қанча йигитларимиз нобуд бўляпти. Темир тобутлар фақат Афғонистондан эмас, Совет Иттифоқининг турли чеккаларидан ҳам келиб турипти. Бизнинг фарзандларимизга «босмачи», «қўшиб ёзувчи», «порахўр» деб қарашяпти ва очикдан очик ўлдиришяпти. «Ўзбек иши» деган ҳақоратли гапни ўйлаб топганлар ҳали тарих олдида жавоб берадилар».

Кўряпсизми, қаршисида олтин погонли генераллар, маршаллар шоп-шалопи билан тикилиб турган бир пайтда, уларнинг кўзига қараб туриб, шу гапларни айтиш учун ҳеч енгиб бўлмас ирода, жасорат керак эди. Ўткир бу обрўли шахслар олдида эсанкирамади, чўчимади, халқ дардини бор овози билан айта олди.

Она халқининг дардига ҳамдард, қувончига шерик бўла оладиган, ҳар қандай мушкул шароитда ҳам уни ҳимоя қила оладиган ижодкоргина меҳрга, иззат-ҳурматга сазовор бўлади.

«Шарқ юлдузи» жумҳуриятимизда нашр қилинадиган адабий-бадий, ижтимоий-сиёсий журналлар ичида энг машҳур — оммавий журналдир. Ўткир шу журналнинг бош муҳаррири сифатида актив фаолият кўрсатмоқда.

Улуғ бобомиз Амир Темур шахсига тошлар отилаётган бир пайтда Ўткир у ҳақда қатор мақолалар эълон

кила бошлади. Хужумлардан, дўк-пўписалардан, турли жойларга чақиришлардан чўчимаган бош муҳаррир буюк саркарда фаолиятини изчил ёритишни давом эттираверди.

Бир вақтлар бадном қилинган «Темур тузуқлари», «Зафарнома» асарлари шу журналда эълон қилинди. Хозир Ўткир Хошимов мутахассислар ҳамкорлигида Амир Темурнинг ўз қўли билан ёзган «Мен — фотиҳ Темур» асарларини нашрга тайёрламоқда.

«Қуръони Карим»нинг ўзбекча таржимаси журналда осонликча босилгани йўқ. Ўткир қанча зарбаларга елкасини тутиб берди. Икки йилдан ортиқ вақт ичида журналда «Каломи Алло»ни эълон қилди.

Ўзбекистон телевидениеси ташкил қилган «Баҳс» кўрсатувини Ўткир Хошимов қарийб ўн йил бошқарди. «Баҳс»да ҳаётимиздаги ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий мавзулардан ташқари, оила ва муҳаббат масалалари кенг ва қамровли ёритилди. Хаммани қизиқтирган масалалар унда дадил ва ҳозиржавоблик билан айтилди. Бу ерда ҳам Ўткир Хошимов кимгадир ёқмаслиги мумкин, деган андишага бормай, миллионлаб телетомошабинлар дилидан тилига чиқолмай турган, чирсиллаган гапларни дадил айта олди.

Бу кўрсатувлар Ўткир Хошимовга катта обрў келтирди. Телеэкран олдида ўтирган миллионлаб киши уни адолат учун курашувчи, жасур ижодкор деб баҳоладилар.

Агар сиз унинг китобларини диққат билан ўқисангиз, ижоди халқ ҳаёти билан нақадар ҳамоҳанг эканига, саҳифалар қатидан нечалаб инсонлар тақдири бош кўтариб чиқишига гувоҳ бўласиз. Унинг ёзганлари афсона ҳам, эртақ ҳам эмас. Соф ҳақиқат. Китобхон унда ё отаси, ё акаси ва ёки яқин бир кишиси билан учрашади. Уларнинг кураш ва меҳнатда ўтган тарихларига рўбарў келади.

Оламдан ном-нишонасиз ўтиб кетган, аммо шон-шаараф билан яшаган кишилар кўз олдимизда пайдо бўлади. Уларнинг қувончларидан кўксимиз қалқиб-қалқиб кетади, гаму андуҳларидан кўзларимиздан ёш тўкилади.

«Икки эшик ораси» романи яқиндагина ёзилганди. Шу қисқа муддатда тўрт марта нашр қилинганига қарамай китоб дўконларида туриб қолмади. Талаш бўлиб кетди.

Романда уруш ва урушдан кейинги йиллардаги қишлоқ ҳаёти, урушнинг жами офирликларини, маҳрумликларини азамат елкасида кўтарган, ўзи емай топганини жангчилар овзига тутган, фидойи дехқонлар жасорати

мадҳ қилинган. Никоҳ кечасининг эртасига куёвини жангга жўнатиб келинлик либосини иш кийимига алмаштирган чиллали келинларнинг оғир, машаққатли меҳнатлари, ота ўрнига кетмон кўтариб далага чиққан норасида гўдаклар, ўғли ўрнига ер чопган букчайган чол-кампирлар кўз олдингизда пайдо бўлади. Сиз уларнинг овозини эшитасиз, саратон жазирасида терлаган се-ражин юзларини кўрасиз.

Уларнинг қадини тик ушлаб турган куч ғалабага ишонч эди. Уруш йўлларига нигорон кўз тиккан чол-кампирлар тонг отгунча: э, худо, ўқлар тагида юрган болагинамни ўз паноҳингда асра, дея дуо қилардилар. Очлик, юпунлик, айрилиқлар, эрта ҳазон бўлган муҳаббат аламлари, жудолик, қарғиш, йиғи, ғазаб — ҳамма-ҳаммаси романда ниҳоятда ишонарли тасвирланган.

«Икки эшик ораси» романи ўзбек адабиёти хазина-сидан ўз ўрнини топган асарлардан бири бўлиб қолди. Бу асар халқлар бошига кулфат солган иккинчи жаҳон уруши тўғрисида ёзилган аччиқ ва аламли йилнома-дир.

Ўткир Хошимов халқимизнинг фидойи, ростгўй ёзув-чиси сифатида ҳамиша ўз мавзуи бўлиб келган халқ ҳаётини узлуксиз кузатади ва ундан айтиш ниҳоятда за-рур бўлган нуқталарини қаламга олади.

«Тушда кечган умрлар» романи Ўткир ижодида ало-ҳида ўрин тутаети. Шахсга сифиниш йиллари одамлар юрагида очган яралар ҳамон жазиллаб оғриб турипти. Қўлтиқтаёқда судралиб юрган уруш ногиронларининг ярасидан ҳамон қон томяпти. Қанчалаб азамат ўғлонлар-нинг жасади олис, энди бориб бўлмайдиган чет элларда қолиб кетди. Боласидан, ёридан, оғасидан жудо бўлган-лар ҳамон қора кийимда. Улар ҳалигача йўл пойлайди-лар. Бу даҳшатлар, бу айрилиқлар собиқ совет раҳбарла-рининг кўзини очмади. Генералларнинг маршал бўлгиси, маршалларнинг бош қўмондон бўлгиси, битта «Олтин юлдуз»ини тўрт-бештага етказгиси келиб қолди. Улар-нинг бундай орзулари фақат уруш бўлгандагина амалга ошиши мумкин эди. Етмиш йилга яқин тинч-тоғув қўшни-чилик қилган беозор, бетараф Афғонистон устига қўшин тортиб қонли уруш бошлаганлар ана шу ордену унвон гадолари эмасмиди? Бемақсад-бемаслак бу уруш минг-минглаб жигарларимизнинг ёстиғини қуритди. Қанча бе-гуноҳ йигитларимизнинг нимта-нимта бўлган жасадлари темир тобутларда қайтди...

Роман воқеаларини айтиб ўтирмайман. Ўқиганлар бу-

ни мендан яхши билишади. Фақат ёзувчимизнинг халқ гамига гамгузор, дардига ҳамдард эканини таъкидламоқчиман, холос.

Романни лоқайд — ҳаяжонсиз ўқиб бўлмайди. У китобхонни ларзага солади. Халқ бошига кулфатдан бошқа нарса солмаган қонли урушни бошлаган телба урушқокларга дил-дилидан қарғиш ёғдиради.

Ўткир — сўз санъаткори. Юқорида тилга олганимиз романларида халқ тили шунчалар равон, шунчалар ифодалики, ҳар бир сатри шеърдай равон оқади.

Ўткирнинг атиги учта асарини тилга олдим, холос. Телевидение орқали неча марталаб намойиш қилинган, миллионлаб томошабинларга манзур бўлган «Баҳор қайтмайди», «Нур борки, соя бор», «Инсон садоқати» каби асарлари, ўнлаб дилбар ҳикояларини томошабин ва китобхонлар ҳукмига ҳавола қилдим.

Айниқса, «Дунёнинг ишлари» асарини қисса эмас, дoston деб аташни истардим. У қўшиқдай ўқилади. Уни ўқиб туриб, ўз оналаримизни ўйлаб кетамиз. Шу мушфиқ, шу жафокаш оналаримиз олдидаги бир умр узиб бўлмас қарзларимизнинг ақалли биттасини уза олдикми, деган бир андиша, бир савол кўз олдимизда кўндаланг туриб олади. Қисса бизни инсофга, инсонни кадрлашга, ҳурмат қилишга чақиради.

Ўткир фақат талантли ёзувчигина эмас, ажойиб дилбар инсон ҳамдир.

Мен у билан жумҳуриятимизнинг ҳамма вилоятларини, туманларини неча марталаб айланиб чиққанман. Қасрга бормайлик, уни одамлар ўраб олади, китобларидан олган таассуротларини тўлиб-тошиб гапириб берадилар ва албатта у билан дўст-қадрдон бўлиб қоладилар. Унинг суҳбатига орзуманд бўлганлар доираси борган сари кенгайиб бораверади. Эсдалик учун суратга тушиш ниятида фоточини чақириб келадилар. Айниқса, ёш китобхонларнинг шундоқ машҳур ёзувчи билан суҳбатлашганларидан кўзлари яшнаб кетади.

Ҳар галги сафаримизда дўстларимиз қаторига дўст қўшилади. Улар Тошкентга келиб унинг уйида меҳмон бўладилар. Ўз юртларидаги янгиликлардан гапириб берадилар. Ва шу билан бирга ёзувчининг янги эълон қилинган асарларидан олган таассуротларини ҳам тўлиб-тошиб айтиб берадилар.

1986 йили Ўткир шоир Эркин Воҳидов билан Қашқадарё вилояти туманларида китобхонлар билан учрашувга боради. Шундай учрашувлардан бири Мироқида бўлади.

Кўллари меҳнатда кадоқ бўлиб кетган бир колхозчи аёл ўрнидан туриб, йиғлаб-йиғлаб шундай дейди:

— Ҳозир худодан ваҳий келсаю, «сенинг пешонангда яна йигирма йил яшаш бор, мабодо умрингнинг қолган қисмини бировга беришга тайёرمىсан», деса ўша йигирма йил умримни шу укаларимга бўлиб беришга тайёрман, деб жавоб қилардим.

Ўша аёлнинг қўлида муқовалари қийшайиб, саҳифалари сарғайиб кетган «Дунёнинг ишлари» қиссаси бор эди. Афтидан у қиссани шу бугун ўқиб тугатган. Сўнгги саҳифаларни ўқигану йиғинга келган.

... Кува туманида китобхонлар билан учрашув бўлганди. Ўшанда Мушаррафхон деган қора кийинган бир аёл ўрнидан туриб Ўткирнинг олдига келди.

— Болам, мен ҳу анаву мактабда фаррошман. Гўдаклар ивирситган синфларни ювиб, тозалайман. Сенинг онанг Пошша опа ҳам фаррош бўлган эканлар, илоё жойлари жаннатда бўлсин. Буни мен мактаб кутубхонасида олган манаву китобни ўқиб билдим.

— У қўлида ушлаб турган «Дунёнинг ишлари» китобини кўрсатди. — Инсоннинг боши тошдан бўлар экан, бир ўғлим Аффон урушида нобуд бўлди, чидадим, чидамай иложим қанча, кел болам, ўғлим ўрнига ўғил бўл. Ёзувчи ўғлим бор, деб юпаниб юрай...

У шундай деб нимчасининг қўйнидан марғилон нусха дўппи олиб, кўзида ёш билан, илоё бошинг омон бўлсин, деб Ўткирга кийдирди.

Бир неча йил аввал Фарғона водийси туманларида китобхонлар билан учрашувлар бўлди. «Ўзбекистон» туманининг маркази Яйпандаги учрашувда «Ғаниобод» давлат хўжалигининг пилла бригадаси бошлиғи Жаъфарали Пайғамов деган йигит ҳам сўзга чиқиб Ўткирнинг асарларини севиб ўқишини, китобларининг ҳаммасини авайлаб сақлашини айтди.

У бир адабиёт мухлиси сифатида Ўткир учун пландан ташқари яна бир кути пилла қурти боқишга жамоа олдида сўз берди. Орадан икки ой ўтиб Жаъфаралидан Ўткирга бир хат келди. Конвертда хат билан Ўткир номидан тинчлик жамғармасига 828 сўм пул ўтказгани тўғрисида почта қвитанциясини ҳам юборган эди.

Мен Ўткир Ҳошимовни жасоратли, қўркмас, ҳақиқатни ҳар қандай шароитда ҳам айтаоладиган ёзувчи деб атадим. Бу таъбиримни иккиланмай ҳар ерда дадил айта оламан.

Бор бўйини кўрмоқ учун сал орқага чекиниб туриб

Ўткирга қарадим. Шунда неча йиллар бирга ижод қилган, бирга сафарларда юрган кадрдонимни бўй-басти билан, ўзини ардоқлаган халқига қилган хизматлари билан аниқ кўрдим. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деганларидек шу пайтгача менга оддий ёзувчи бўлиб кўринган бу ижодкор тўғрисида шунча гап биларканман, билганларим шунчалар кўп эканки, сизга фақат бир шингилнигина гапириб бердим холос.

Халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти совриндори Ўткир Хошимовнинг ижоди айни ширага тўлган пайт. У қўлидаги кичкинагина, аммо тоғларни қўпоришга қодир қалами билан она халқига, мустақил жумҳуриятимиз хизматига доим шайдир.

1994 йил 2 декабрь, «Истиқбол» рўзномаси.

3001-СУВАРАК

Уруш арафасида Ўзбекистон Халқ комиссарлари кенгаши майда ўғриликка қарши кураш тўғрисида кескин бир қарор қабул қилган эди. Тикув фабрикасининг ишчиси уйга қайтаётганда беихтиёр халатининг чўнтагига солиб қўйган бир ғалтак ип билан ушланиб қолса, «икки юз эллик метр ип ўғирлади» деб узоқ муддатларга кесиб юборишарди.

Бу «аҳамиятли» тадбир ҳам бир компаниядек ўтди-кетди. Майда ўғри майдақашлигини, катта ўғри катта ўпиришини давом эттираверди.

Агар ўғриларни ақлли, ақлсиз тоифаларга бўлсак, энг ақллиси майда ўғри экани маълум бўлади. Арзимаган ўғриликни прокурор назар-писанд қилмаслигини, судья жазоси бир шапалоқ «иш» учун илмини хор қилмаслигини майда ўғри жуда яхши билади. Умуман олганда майда ўғри ҳамма вақт кўз илғамайдиган, қонуннинг назари тушмайдиган жиноятларни қилади.

Халқда оққандан томган ёмон, деган нақл бор. Томиб-томиб тонналаб ёр оқиб кетганини эгаси сезмайди. У оққанини кўради. Тома-тома кўл бўлур, деб майда ўғри ризқини томчидан топади.

У суваракка ўхшайди. Катта энциклопедияда суваракка шундай таъриф берилади: «... Дунёда суваракнинг 3000 тури маълум. У қоронғуда жуда фаол. Турар жойларда яшаб кўпаяди. Озиқ-овқат маҳсулотларига ўч...»

Ёзувчи Неъмат Аминов мана шунақа суваракмижоз майдақашлар тўғрисида «Ёлғончи фаришталар» деган роман ёзди. Асар ўқувчилар томонидан жуда қизгин кутиб олинди.

Энциклопедияда айтилганидек суварак қоронғуда қандай фаол ҳаракат қилса, роман қаҳрамони Баширжон Зайнишев ҳам одамларнинг кўзи тушмайдиган жойларда, прокурор назарига илмайдиган, судья «илмини хор» қил-

майдиған жиноятчалар қилади. Дунёда муҳим воқеалар юз бераётган бир пайтда Баширжон «рахбарлик» қилаётган ишхона панада бўлгани учун, у дунёдаги ўша 3000 суваракнинг 3001-си бўлиб фаолият кўрсатади.

У туман маданият бўлимида, коммунал хўжалиги идорасида, суғурта идораларида, умумий овқатланиш бўлимида бошлиқ бўлиб ишлаган. Бу ташкилотларнинг биронта ходими «фахрий ёрлик» олмаган, медалнинг қанақалигини билмаган, ҳатто қишлоқ кенгашига депутат ҳам бўлмаган. Лекин бу жойнинг рахбарлик лавозимида харидор кўп бўлади. Запас номзодлар ҳамма вақт тайёр туради. Қайсики ўрта рахбар ишдан олинса, айна шу жойларга лозим кўрилади. Ана шунинг учун ҳам Баширжон Зайнишев бирон рахбар ишдан олинса юраги пўкиллаб, эгаллаб ўтирган стулини омонат сезади. Ўз амалига тиш-тирноғи билан ёпишиб олади.

Романнинг яна бир қахрамони Шамси Тўраевич бутунлай замонавий одам. Амалдан тушиб кетмаслик учун минг бир қиёфага киради. У замондан орқада қолмаслик учун «Қобуснома» ўқийди. Коммунист сифатида «Декамерон»ни ўқимаган. Докладларда, шиорларда, мақолаларда нималар дейилган бўлса, ўзи идрок қилмаган ҳолда дарров мосланиб олади. Кўп гапирмайди. Гапирса, нодонлиги билиниб қолишидан қўрқади.

Шогирдига яраша устоз, дегандек Шамси Тўраевич Баширжоннинг ягона ҳомийси. Баширжон укувсизлигидан, очкўзлигидан тез-тез шарманда бўлиб, жар ёқасига бориб қолади. Ана шундай пайтларда Шамси Тўраевич унинг кунига ярайди. Баширжон қаерда ишламасин, албатта нопоклиги, қўли эгрилиги, лавозимидан ўз манфаати йўлида фойдаланиши туфайли ишдан ҳайдалади. Шамси Тўраевич уни ўнглаб, яна оёққа турғизиб кўяди.

Баширжон қаерда ишламасин ўзига ўхшаган одамларни дарров топади ва улар билан апок-чапоқ бўлиб кетади. Қиёмхон, Қирмизхон, Вафо аттор — булар ёзувчи топган қуйма образлардир.

Вафо аттор нимаси биландир Садриддин Айнийнинг Қори ишкамбасига ўхшаброқ кетади. Мен уларнинг пасткашликларида, очкўзликларида ўхшашлик бор, деяпман.

Баширжон тирноққа зор, хотини ҳар гал ҳомиладор бўлганда худога нола қилиб, хотинининг омон-эсон кўз ёришини кутади. Аммо Зевархон ҳомила етилмай бола ташлайди. Фолбин унга, аёлингизни бир ҳаром, бир ҳалол жониворнинг устидан сакратинг, деб маслаҳат беради. Баширжон унинг айтганини қилади. Ёзувчи ҳаром ва

ҳалол мол устидан сакраш маросимини ниҳоятда чиройли, қувноқ бир кайфиятда тасвирлаб беради. Шу ерда Вафо аттор қиёфаси янада ёрқин намоён бўлади. Баширжоннинг хотини устидан сакраган ҳомиладор эшак майиб бола туғади. Ана энди ёзувчи фантазияси гўзал воқеалар ярата бошлайди. Вафо аттор Баширжондан майиб ҳўтикча учун алимент талаб қилади. У коммунист, агар алимент тўламаса Вафо аттор унинг фолбинларга ишониши, хотинини ҳомиладор эшак устидан сакратганини райкомга айтиб қўйиши мумкин. Шунинг учун Баширжон алимент тўлашга рози бўлади. Бу ҳам етмагандек ногирон ҳўтикчани даволаш учун Вафо аттор ундан дори пули, парҳез пули талаб қилади.

Атторнинг гаплари, ҳатти-ҳаракатлари, қиладиган ишлари китобхонни ҳам қулдиради, ҳам ғазаблантиради. Кўз олдимизда ирқит, исқирт, пасткаш бир кимса пайдо бўлади.

Ёзувчининг ажойиб топилмаларидан яна бири Қиёмхон образидир. У олқинди совундек сип-силлик, хотинчалиш, аммо минг бир тузоқни узган, устомонликда ҳар қандай айёрни йўлда қолдиради. Суғурта идорасидаги жамики ноқонуний ишларнинг ижодкори. Ўзи довдиргина бўлса ҳам фойдасини эсдан чиқармайдиган Баширжон Қиёмхон билан тил топишиб қолади. Икковлашиб ер қимирашидан зарар кўрган хонадонларга бериладиган ёрдам пулларидан жуда усталик билан ўмариб қоладилар. Нобуд бўлган уй ҳайвонлари учун эгаларига ортиқча суғурта пули ёзиб, «арра қилиш» бевосита Қиёмхон ташаббуси билан амалга оширилади. Ундан миннатдор бўлган Баширжон эски жазмани Қирмизхонни унга олиб беради.

Қирмизхон ниҳоятда гўзал, танноз, лекин кўп хонадонларга келин бўлиб тушган, «баданимда нам бор пайтида беш-олти эр кўриб қолай» деган отарчи жувон. Баширжон ҳам бир вақтлар унинг чангалига тушиб, бор-будидан айрилганлардан эди. Тақдир уларни яна учраштирди. Баширжон энди илгариги тўрвасини бир марта йўқотган Баширжон эмасди. Бари бир Қирмизхоннинг ноз-карашмалари кўзини тиндириб, бошини айлантдириб қўяди. Ягона йўл уни Қиёмхонга олиб бериш ва илгаригидек ишқ ўйинларини давом эттириш. У шундай қилди. Уларнинг тўйларига ўзи бош бўлди. Ана шундан кейин учта юлғич бир бўлиб суғурта идорасини хусусий идорага айлантириб оладилар.

Мен романнинг беш нафар қаҳрамони билан сизларни

жиндек таништиришга ҳаракат қилдим. Лекин романда иштирок этадиган аллақанча қиёфалар бөрки, уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхтаб ўтса арзигуликдир. Рассом асарини бўёқлардан, бастакор товушлардан яратади. Рассомга рангларни аниқ кўрадиган кўз, бастакорга товушларни тиниқ эшитадиган қулоқ керак. Ёзувчига-чи? Унга ҳар иккови ҳам ниҳоятда зарур. «Ёлгончи фаришталар»ни ўқиган китобхон Неъмат Аминовда юқорида айтилган ҳар икки сифат ҳам борлигига иқроп бўлади.

— «Қани қаёққа юрамиз?»

Бу Шамси Тўраевичнинг қабристонга келиши. У отасининг гўри қаердалигини билмайди. Кўмиб кетишганларидан кейин бирон марта қадам изи қилмаган. Қабр устидаги сағанани ҳам Баширжон қурдирган.

Шу учта, «Қани қаёққа юрамиз?» сўзи Шамси Тўраевичнинг аниқ чизилган сувратидир. Шу учта сўзда унинг кимлиги шундоққина билиниб турибди.

Шамси Тўраевич отасининг қабрига ўрнатилган мрамр лавҳани бир коммунист сифатида ўқийди.

«— Жойингиз жаннатда бўлғай...» Нима? Жаннат?! Йўқ, бу кетмайди, — деди ўша заҳоти бош чайқаб. — Хим... «Рихлат айлабсиз...» Бу нима дегани?... «Ломакон»...да! «Рўзи қиёмат»... «Дорил фано», «Бақо?» Удивительно... «то қиёмат...» Э, янами? Ким ёзди бунни?

Ёки яна бир мисол: Баширжон Шамси Тўраевичнинг отасини ўзи лаҳадга қўяди. Йўлда қайтишда устозига ялтоқланиб шундай дейди: «Лаҳадга қўйишимни биламан, бошлари ўз-ўзидан «ғир» этиб қиблага қайтди.

— Да, — деди Шамси Тўраевич унга хайрат билан қараб. — Неужели?»

Қаранг, у ҳар бир сўзида кимлигини, қанақа одамлигини ўзи айтиб турибди.

Неъмат Аминов Вафо атторни юзи ундок, қўли бундок деб тасвирлаб ўтирмайди. Уни гапиртиради.

«— Сабур, бўтам, сабур», — деди дағ-дағ титроққа тушган эр-хотинга, — ўшал айёми баҳор мана бу келинпошша камина бобонгизнинг хомилали эшаки устидан хатлагон эрдилар. Ўшанда бу кишини вазминлик ва офирликларидан, яъни бори кароҳатлари эшак устига тўқилфон эркан, шул боис бечора хари бадбахтнинг курраси чухсли туғилди, яъни қўр ва бир орқа оёғи шалпангдур...» У сўзининг охирида шу майиб туғилган хўтикча учун Баширжондан ҳар ойда ўн сўмдан нафақа тўлаб туришни талаб қилади.

«— Ха, майли, акун, савоби-ку тегар, — дея пулни

олиб эски олача тўннинг ичига тикилган, халтамонанд, оғзи кўзмунчоқлик ҳамёнига солди, яна тўғноғичини қадаб қўйди».

Бу парчада Вафо атторнинг пул учун ҳеч қандай пасткашликдан тоймаслиги, унга мол-дунёнинг катта-кичиги бўлмаслиги, ор-номус ёт ҳислат эканлиги ўзига хос бир тарзда чиройли ифода этилган.

Ёки инспектор Қиёмхон тилидан айтилган мана бу сўзлар унинг кимлигини айтиб турмаяптими: «— Меними? — дея ишва билан ўгирилиб сўради йигит. — Исми Қиёмхон, фамилия Муслимов, вазифам старший инспектор, хўш, десангизки, оилавий аҳволим республикада хизмат кўрсатган бўйдоқ».

Тўйдан бемаҳал қайтаётган отарчи Қирмизхоннинг эрига айтаётган баҳонаи сабабларидан унинг нопоклиги, беорлиги шундоққина билиниб туради: «— Эҳтимол ажина тишлагандир, — деди комил ишонч билан, — раҳматли бувимнинг ҳам ажиналари бор экан. У киши хоннинг назари тушган энг чиройли канизларидан эканлар... уларни ҳам ҳар кеча баданларини ажина чимчилаб, кўкартириб кетаркан, ишонмасангиз ойим келганларида сўранг».

Неъмат Аминов тенгқурлари орасида энг тилга бой, тилнинг ранглари-ю, оҳангларини жуда яхши ҳис қиладиган ва уни ниҳоятда маҳорат билан ифодалайдиган ёзувчидир. У адабиётимизга файласуф Бухоронинг сермаъно ва қувноқ, шу билан бирга жуда эрка тилини олиб кирди.

Бир латифани икки кишига айттириб кўринг. Бири жиддий, бири қувноқ одам бўлсин. Жиддий одам латифа айтса тингловчида табассум қўзғатолмайди. У ҳажвнинг ўзига хос нуқталарини тополмайди. Қувноқ одам худди шу латифани бирон сўз қўшмай ёки бирон сўзни тушириб қолдирмай айтса, даврада гуррос кулги кўтарилади.

Ҳажвчи сўзнинг зарбли жойини ва портлайдиган нуқтасини билади. У жумла то охирига етмагунча оҳангни бир маромда ушлаб туриши, бирон сўзни тингловчи (ёки ўқувчи) назаридан четда қолдирмаслиги керак. Отилган ўк нишонга етмагунча йўлда бир тўхтаб олмагандек, ҳажвчининг жумласи ҳам то охирига етмагунча бирон ерда қоқилмай, тўхтамай равон етиб бориши керак.

Бунинг учун ёзувчи сўз жиловини маҳкам ушлаган суворий бўлиши лозим.

Неъмат Аминов ана шундай сўз чавандози. Унинг ҳажвий ҳикояларини (у фақат ҳажв ёзади) китобхон орзиқиб кутади. Китоблари пештахталарда туриб қол-

майди. Ҳикоялари латифага айланиб, оғиздан оғизга ўтиб давраларга қувноқ кайфият бағишлайди.

Бизда Фафур Гуломнинг «Шум бола»сидан бошқа йирик ҳажвий асар йўқ эди. Шунақа асарни узоқ йиллардан бери кутардик. Неъмат Аминов шу орзумизни рўёбга чиқарди. «Ёлғончи фаришталар» ўзбек адабиётидаги маҳорат билан ёзилган тўнғич ҳажвий романдир.

Бухоронинг олис Ромитан туманида турилиб, темирчи отаси билан навбатма-навбат сандонга болға урган бу болада бундай истеъдод қайдан пайдо бўлди? Шу пайтгача китобларимизга қирмаган турли-туман қиёфаларни у қайда кўрган? Улар тилидан айтиладиган, халигача биз билмаган ибораларни у кимлардан эшитган?

Темирчи Уста Аминнинг дўкони олди жуда гавжум бўларди. (Бу табаррук отахон яқинда 100 ёшда оламдан ўтдилар.) Узоқ қишлоқлардан отига, эшагига тақа қоқтиргани, ўроқ, кетмон, капгир, теша харид қилгани келадиганларнинг кети узилмасди. Илондек вишиллаб ёнаётган кўм-кўк аланга тепасига осиб қўйилган, эртаю кеч вақирлаб қайнаб турадиган қумғон чойига мазахўрак бўлганлар дўкон олдида давра қуриб, гурунг қилардилар. Тақа қоқтириш ва ёки ўроқ харид қилиш баҳонаю, асли ниятлари доно Уста бобонинг ҳикояларини тинглаш эди.

Уста бобо болғанинг бирини шогирдига, бирини ўғли Неъматга бериб ўзи даврага келиб қўшиларди.

«Тарақа-туруқ, жаранг-журунг» товушлари остида бир гурунг бўларди денг. Уста бобо хат танимаган, китоб кўрмаган бўлса ҳам шундай ривоятларни айтардики, мадраса кўрганлар ҳам бу билагон чолга ҳайрат билан қарардилар.

Унинг ҳикоялари афсона эмас, эртак ҳам эмас. Узоқ умр кўрган кишининг ўзи кўрган, бошидан ўтказган воқеалар эди. Унинг ҳар бир ҳикояси қисса ёки романга тенг эди. Бу гаплар муболаға эмас, айни ҳақиқатдир.

Генетика деган фан бор. У наслдан-наслга ўтувчи хусусиятларни текширади. Неъмат Аминовга ҳам ижодкорлик хусусиятлари отасидан ўтгани шубҳасиздир.

Мақоланинг бошида Неъмат, бу хилма-хил одамларни қаерда кўрган экан, деб айтган эдик. Энди маълум бўлишича, отасининг устахонаси унга ижод мактаби бўлганини биламиз. Вафо аттор, Баширжон, Шамси Тўраевич, Қиёмхонларни у шу жойда кўрган. Сўзларини эшитган.

Неъматнинг «Айри» деган ҳикоясини ўқиган бўлсангиз, ундаги Ҳалил бобони бир эсланг. Унда Вафо атторга

хос хусусиятларни кўрасиз. Воқеа ҳам худди шу ерда, Уста Аминнинг дўкони олдида содир бўлади.

«Ёлғончи фаришталар» қизил империя гуркираб, совет турмуш тарзи дунёга кўз-кўз қилинаётган, «социалистик реализм адабиёти»да мадхиябозлик, «ура-ура»чилик авж олган бир даврда яратилгани билан ҳам қадрлидир. Зотан, асар қаҳрамонлари ўша давр фарзандлари ҳисобланади.

Бундай ҳозиржавоб, ўлмас асарни ёзиш учун ёзувчидан фақат «уйғоқ виждон»нинг ўзигина эмас, балки катта жасорат ва маҳорат ҳам талаб қилинади.

«Ёлғончи фаришталар» давр синовидан муваффақият билан ўтди. Мен бу истеъдодли ёзувчини узок йиллардан бери кузатаман. Унинг қалами йилдан-йилга қайрилиб, маҳорати борган сари тиниқлашаётганига гувоҳман. Асар ўзбек адабиёти хазинасида муқим туриб қоладиган китоблар қаторидан жой олишига ишонаман.

«Халқ сўзи» рўзномаси, 1995 йил 14 март.

ТОҒАЙ МУРОД ҚЎШИҚЛАРИ

Кечагина ёш ёзувчи, бошловчи ёзувчи, деб юрган қаламқашларимиз эндиликда насримизнинг етакчи ижодкорлари бўлиб қолдилар.

Тоғай Мурод ана шу ижодкор авлоднинг талантили вакилидир.

Тоғай Мурод адабиётга тугаб эмас, ёниб кирди.

Тоғай Мурод қиссалари соф миллий ўзбек қиссалари. Тоғай Мурод қиссаларида тасвирланган одамларга бошқа халқ либосини кийдирсангиз ҳам ўзбеклиги билиниб туради. Уларнинг хулқ-атвори ҳам бошқа халққа асло ўхшамайди.

Шу вақтгача қиёфаси ноаниқ, бири биридан фарқ қилмайдиган, шапка кийдирсанг рус, қорақўл папак кийдирсанг озарбайжон, телпак кийдирсанг қозоқ, ёқасига кашта тикилган кўйлак кийдирсанг украин бўлиб кетаверадиган тахминий одамлар қиссаларимизнинг асосий қахрамонлари бўлиб келди. Бу ўз халқининг миллий урф-одатларини, хис-туйғуларини билмасликдан бўлди, сўқиркўнгиллик, сўқиркўзликдан бўлди.

Биз Абдулла Қодирийни салкам етмиш йилдирки, бошимизга кўтариб келамиз. Бунга сабаб, Қодирий миллий қахрамонлар яратди. Отабек ҳам, Юсуфбек хожи ҳам, Офтоб ойим ҳам, Солиҳ махдум ҳам асло такрорланмас образлардир. Бу кишилар тўғрисида Қодирий таъкидламаса ҳам ўзбеклигини биламиз.

Тургенев, Гоголь, Толстой рус халқини бутун бор бўйи билан тасвирлаган буюк ижодкорлардир. Нехлюдовга дўшпи кийдирсанг, Каренинага паранжи ёпинтирсанг, ўзбек бўлиб қолмайди. Толстой уларни қон-қони билан, ўй-хаёллари билан, гап-сўзлари билан рус қилиб яратди.

Бундай асарлар яратиш учун адиб рассомдек рангларни бир-биридан фарқ қиладиган, бастакордек товушларни аниқ эшитадиган бўлиши керак.

Тоғай Мурод ана шундай рассом адибдир, ана шундай бастакор адибдир.

Мана, у «От кишнаган оқшомда» отни қандай тасвирлайди:

«Биродарлар, ўзи, Бўз от қандай бўлади? Сурпдай оппоқ бўлади. Бордию аждодида бўлса тўққизга тўлганда Тарлон бўлади. Тўққиз ёшида Бўзнинг баданида холдай-холдай қора доналар пайдо бўлади. Шундан бошлаб у Бўз эмас, Тарлон от бўлади. Тарлон — хол-хол от! Тарлон — отлар сараси.

Биродарлар, Тўриқ отнинг юздан бири яхши бўлади. Тарлон отнинг юздан бири ёмон бўлади!

Биродарлар, от танимасанг, Тарлон ол!..»

Талантли адиб қаламидан тўкилган ушбу сатрларни ўқирканман, хаёлимдан бир гап ўтди.

«Дом»да яшаб умрини ўтказган шаҳарликларни ўйладим. Инсон боласининг узоғини яқин, мушкулени осон қилган бу жониворни фақат циркда, кинода кўрган шаҳарлик укаларимизга адибнинг бу сўзлари қанчалик таъсир қилишини биламан. Шаҳар болаларининг табиатдан, жониворлардан қанчалик узоқлашиб қолганликларига ачиниб кетаман.

Тоғай Мурод отни шу қадар меҳр билан таърифлайдики, адиб қўшиқ айтаётибди, деб ўйлайсиз. Адиб кўнгли китобхон кўнглига кўчиб ўтади. От миниб адирларда елдай учгингиз, от ёлларини силагингиз келди.

«Биродарлар, машина деганлари темир! Жони йўқ! Жони йўқ темир одамга эл бўлмайди! Темирнинг юраги йўқ-да! От одамга эл бўлади! Боиси отнинг жони бор, юраги бор-да!»

Тоғай Мурод тасвирлаган чавандозлар хиёнат кўчасига кирмаган, одамларга фақат яхшилик раво кўрадиган асл ўзбеклардир.

Тоғай Муроднинг Тарлони Толстойнинг Холстомери, Айтматовнинг Гулсариси қаторига келиб қўшилди.

Бу гапимга баъзи бир танқидчилар жиндек ғашлик қилар. На илож, олдиндан оққан сувнинг кадри йўқ, дейдилар...

Тоғай Мурод ўз она тилини бениҳоя яхши билади. Билгандаям бутун ранглари билан, оҳанглари билан билади. Шу боис, соф ўзбекча битади.

Тоғай Мурод ўзбек тилини қуйлатди. Ўзбек тилининг жами жилваларини офтобга солиб кўрсатди.

«Аё Тарлон, сен менинг акамсан. Ука деса дегулик мендайин уканг бор, ака деса дегулик сендайин акам бор, нима ғамим бор?

Аё Тарлон, сен менинг биродаримсан, қиёматлик биродарим...»

Ушбу сатрларни ўқиб бўлгач, хаёлга толасиз. Ҳозиргина мунгли бир қўшиқ тинглагандек бўласиз.

Бу қўшиқ олис йўл босиб, Ўзбекистонимизнинг қайноқ, жануб Сурхонидан учиб келди.

Мен Тоғай Муроднинг «Юлдузлар мангу ёнади» қиссида Бўри полвон, Тиловберди полвон, Абил полвонларнинг курашларини завқ-шавқ билан томоша қилдим. Сурхон полвонларининг ҳалолликлари, мард, тантилиқларини кўриб гурурланиб кетдим. Ана, ўзбек полвонлари, ана, дея гурурландим.

Тоғай Мурод тасвирлаган Сурхон полвонлари чинакам ўзбек полвонларидир.

Шарқнинг буюк дostonлари «Лайли ва Мажнун», «Фарход ва Ширин»лар, «Тоҳир ва Зухро»лар неча юз йиллардан бери яшаб келади. Уларда бир-бирига етишолмай, муҳаббат йўлида жон берган бахтсиз ошиқ-маъшуқлар тасвирланади.

Тоғай Мурод ҳам дoston ёзди. Отини «Ойдинда юрган одамлар» қўйди.

Қисса номини ўқишингиз биланоқ сизни аллақандай сирли-сеҳрли ойдин кеча бағрига олади. Ичингизга ажиб бир нур ўрмалаб киради. Дил-дилигизни ёритиб юборади.

Қиссада Қоплон билан Оймомо фарзанд илинжида тунни тонгга, кунни ойга, ойни йилга улаб яшайди. Қоплон хотинини Момоси деса, Оймомо эрини Бобоси, деб чақиради. Улар йўқ боланинг бобоси, йўқ боланинг момоси бўлиб, йилларни йилларга улайди. Бир-бирига мўлтираб яшайди. Улар учрамаган доктор, улар кўринмаган табиб қолмайди. Аммо на доктордан, на табибдан наф кўради.

Тоғай Мурод чол-кампир ҳаётини ғоят нозик, ғоят шоирона тасвирлайди. Чол-кампирнинг ўзаро меҳр-муҳаббатини қўшиқдек куйлаб беради.

Тоғай Мурод бир-бирини Бобоси, Момоси дея атаб умр ўтказаётган бир жуфт покиза инсонни ойдиндаги ой нурига ўраб тасвирлайди. Оқибат, ушбу жуфтнинг ўзи ҳам, сўзи ҳам, туриш-турмуши ҳам ойнинг қумуш нурларига йўғрилиб кетади.

Тоғай Муроднинг куйиб-ёниб, ўртаниб битган, баъзан фарёд уриб битган «Ойдинда юрган одамлар» қиссасини «Муҳаббат қўшиғи» деб атагим келди.

«Момо ер қўшиғи» бошқа қиссалардан фарқ қилади.

Тоғай Мурод бу қиссасида бошқача йўлдан боради. Ўз йўлидан адашиб, оёғи ердан узилиб, Фарб адабиёти сояси бўлиб қолган ижодкорларнинг типик образини яратди. Шу ижодкор образи туфайли қиссага майда-чуйда тошлар отилди. Асар ютуқларидан кўз юмиб ўтилди. Қиссада оригинал бир образ бор, бадий бақувват бир образ бор. Мен сержант Орзиқулов образини назарда тутаяпман. Сержант Орзиқулов ўзбек адабиётида мутлақо янги образ.

Назаримда, Тоғай Мурод қисса битмайди, назаримда, бор овози билан қўшиқ айтади. Бу қўшиқда авж пардалар бор, нолишлар бор, савт бор.

ИККИ ХАЛҚ БОЛАСИ

Талантли ёзувчиларимиздан Носир Фозилов эллик ёшга кирди. Болалигимда кўрган эллик ёшлилар бошқача бўларди. Белбоғига носқовоғу соқолтароқ осган, бўйинлари токнинг зангидек бужмайиб кетган чоллар кўча остонасида иягига хассасини тираб: «Ё, ҳақ» деб ўтиришарди. Ана ўшалар ҳали элликка кирмай чол номини олган кишилар эди.

Нахотки Носир Фозилов ўшанақа чоллардан бўлса? Носир яна эллик йил яшаса ҳам ўша чолларга ўхшамайдиган кўринади. Ияклари биллиард соққасидек сипсиллик, қадди тик, сўзлари бурро...

Соқоли ичига қараб ўсган мана шу ёш чол, чамалаб кўрсам, адабиётимиз учун анча-мунча иш қилиб қўйибди.

Унинг маҳорат билан ёзган қиссаларини, ҳаётнинг бир парчасидек юраги гуп-гуп уриб турган ҳикояларини ёнбошлаб ўқигансиз.

Носирнинг қиссалари кўнгилларимизнинг аллақасерида мудраган болалик хотираларимизни уйғотади. Кўксимизга муздек адир салқинини олиб келгандек бўлади. Ёнбағирларда судралган пода овозини эшитгандек, шу пода орқасидан кўтарилган чанг-тўзонларни кўргандек бўласиз. Гувала девор орқасидаги тандирдан кўтарилган кўм-кўк тутун билан янги ёпилган ноннинг омухта ҳиди димоқларингизни қитиклайди. Яғринини офтоб куйдирган ўроқчининг буғдойзор ўртасида қаддини роз тутиб, қумрондан яхна симираётганини кўриб сиз ҳам тамшанасиз. Уруш даври бирдан улғайтириб қўйган қишлоқ боласининг ўзига ёпишиб тушмаган салмоқли гапларини эшитасиз, беихтиёр юзингизга табассум югуради.

Елини тирсиллаган сигирларни ҳовлима-ховли тарқатиб юрган подачи боланинг «Ош ҳалол!» деб чақирishi шундоққина қулоғингиз остида жаранглаб туради. Қовун пайкали этагидаги чайлада оқшом сукунатига қулоқ тутган қоровул чолнинг ўй-хаёлларига сиз ҳам шерик бўласиз. Саҳар шабнамида тирс-тирс ёрилаётган қовунлар

бир он сизни ҳам сархуш қилгандек бўлади. Бедана пит-пидиғи, чигирткалар товуши, чайла тепасидаги қуриган шох-шаббаларнинг куз шамолида шитирлаши... ҳамма-ҳаммаси ўй-хаёлларингизни аллақандай сирли оламга судраб кетади.

Бу — Носир Фозилов киссаларини ўқиганимда кўнглимда туғилган гаплар.

Носир қишлоқда туғилиб, болалигини, ўспиринлигини адирлар этагида мол боқиб, ўроқчиларга сув ташиб, буғдой гарамларининг соя томонида китоб ўқиб ўтказган. Ўшандай жойларда оламни таниган. Шунинг учун ҳам унинг асарларида қишлоқ манзаралари ниҳоятда тиник, ниҳоятда жозибали тасвирланади. Мен Туркистон яқинидаги у туғилган қишлоқни кўрмаганман. Аммо ҳикояларини ўқиб, у тасвирлаган далаларни, кўчаларни кўриб тургандек бўламан. Чизган манзараларига, тасвирлаган одамларининг қиёфасига ишонаман.

Носир қозоқ овулларида кўп кезган. Уларнинг тўйларини, сайилларини кўп кўрган. Оқинларининг ўланларини, айтишувларини кўп эшитган. Ҳамқишлоқ қозоқ болалари билан бирга мол боққан, бирга машоқ терган. Ана шунинг учун ҳам ҳар бир асарида албатта қардош қозоқ биродарларнинг жуда чиройли, жуда ишонарли қиёфалари тасвирланади.

Бўлажак адиб ёшлигидаёқ китобга ўч эди. Қодирий, Ойбек романлари билан бирга Авезов, Муконов, Мусрепов каби қозоқ адибларининг романларини ҳам кўлидан қўймай ўқирди. Бирданига икки халқнинг ҳаёти кўз олдида ўтмиши-ю ҳозирги билан гавдаланарди.

Носир Тошкент Давлат университетига келгунча анчамунча китобларни ўқиб бўлган, ўзича кичик-кичик ҳикоялар машқ қилиб юрар эди.

Тошкент Носирнинг кўпдан орзу қилган ниятларига йўл очди. Катта адабий ҳаёт ичига олиб кирди. Энди у ўзини адабиётга астойдил бағишлади. Матбуотда илк ҳикоялари кўрина бошлади. Дастлабки машқлари Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби йирик сўз усталарининг эътиборини қозонди. Йирик адиблар билан ораларида ижодий муносабат пайдо бўлди. Энди у ижод оламининг сирларини тинмай ўрганар эди. Устодларнинг «турткиси», танқидчиларнинг «калтаги» Носирга ижоднинг машаққатли сўқмоқларидан ўтишига далда бўлди.

Носир Фозилов гоҳо ўзининг ҳали катта ижод олдида ожизлигини сезарди. Қозоқ адабиётининг нодир намуналарини таржима қилишга киришди. Таржима жа-

раёни унга наср санъатининг сирларини янада кенг очди. Таржима жараёнида у Собит Муқонов, Қалмақон Абдиқодиров, Ғабиден Мустафин, Абдилла Тожибоев каби улкан ёзувчилар билан дўстлашди. Улардан ҳам таълим олди.

Шундай қилиб, Носир Фозилов таржимасида ўзбек китобхони қозоқ прозасининг кўплаб асарларини ўқишга муяссар бўлди.

Икки халқнинг етук адиблари яратган ажойиб роман ва қиссалар ҳам унга устозлик вазифасини ўтар эди. Ўзи ёзган қиссаларида ўша буюк адиблар санъатидан баҳраманд бўлганини сезиб турасиз.

Тез орада унинг қатор қиссалари босилиб чиқди. Адабий танқидчилик бу қиссаларга илиқ-иссиқ гаплар айтишди. Қиссалар рус ва қозоқ тилларига таржима қилинди. Қайта-қайта босилди.

Қозоғистоннинг «Жазуши» нашриёти йил ора Носирнинг китобини чиқаради. Қозоқ Энциклопедияси ҳам Носир тўғрисида каттагина мақола эълон қилди.

Қозоқлар уни «Ўзбеклар билан қозоқлар ўртасидаги кўприк» деб атайдилар. Носирни чиндан ҳам ўзбек адиблари билан қозоқ адибларини бир-бирига боғлаб турган дўстлик занжирининг битта халқаси, деб атаса арзийди.

Мен унинг хонадонида Собит Муқонов, Қалмақон Абдиқодиров, Абдилла Тожибоевлар билан гурунглашганман. Улар суҳбатда Носирдан ниҳоятда миннатдор эканликларини қайта-қайта айтган эдилар. Айниқса, Собит Муқоновнинг бир гапи сира эсимдан чиқмайди. Собит оға Тошкентга охирги марта келганида дастурхон устида шундай деди:

— Сари бола, сендан кўп қарздор бўлиб қолдим. Уйингдан еган тузларимни узганман. Аммо сен менинг кўп романларимни ўзбек тилига ағдардинг. Бу менинг зиммамдаги қарз. Энди сенинг бир-икки қиссангни қозоқчага ағдариб қарзимни узишим керак.

Афсуски, Собит оға бу ниятини амалга ошира олмади.

Ўтган йили биз Носир билан икки марта Олмаотага бордик. Кейинги боришимиз Абдилла Тожибоевнинг емиш йиллик тўйи баҳонаси билан эди. Шунда мен Носирни қозоқ адиблари нақадар яхши кўришларига гувоҳ бўлдим. Ёзувчилар союзида бўлсин, нашриёт ё редакцияларда бўлсин, ёзувчилар, шоирлар уни хурматлаб уйларида таклиф қилишар, яна нималар ёзганини суриштиришар эди. Ўлжас Сулаймонов, Абдижамил Нурпеисов, Анвар Олимжонов, Жубан Мулдағалиев каби етук шоир

ва адиблар уни қанчалик ҳурмат қилишларини кўриб хавасим келди.

Носирнинг эллик йиллик юбилейига Қозоғистон ёзувчилари союзи ҳам тайёргарлик кўраётганини, унинг бир томлик ҳикоя ва қиссалар тўпламини тўёна қилиб нашрдан чиқарганликларини ўз кўзим билан кўрдим.

Мен укам Носир Фозиловнинг ёзувчи бўлиб етишишида, элга танилишида жиндеккина хизматим борлигидан қувонаман. Аммо кечагина қишлоқдан келиб, ёзувчини кўрса анқайиб, орқасидан эргашиб юрадиган боланинг бугун эллик ёшга кириб, кексалар қаторига қўшилаётганига сира ишонгим келмаяпти.

На чора! Носирнинг ўнга яқин романни таржима қилиб, қанчадан-қанча қисса ёзиб, битта токчани тўлдирадиган китоб чиқариб қўйганини унча-мунча эллик ёшлининг қўлидан келмайдиган меҳнат деб тан олмай иложим йўқ!

Носир яхши одам, яхши ёзувчи, яхши таржимон ва мана энди боз устига яхши чол бўлди.

Мен талантли укам Носир Фозиловга Жамбул умридек узоқ умр, Ойбекча донолик, Фафур Фуломга хос қувноқлик, Қаҳҳорча зукколик тилайман.

Эллик ёшинг қутлуғ бўлсин, ўзбекларнинг қозоғи, қозоқларнинг ўзбеги!

Икки онани эмган боланинг умри узун бўлади. Олтиш томонга йўлинг бехатар бўлсин, укам!

1979 йил

ҲАЁТИМ БИТТА ҲАРФ УСТИДА

Энг масъулиятли, энг нотинч, ҳатто хавфли десам ҳам бўлаверадиган касб — газетачилик. Бу касб кишиси биттагина ҳарфни нотўғри қўйса тақдири хавф остида қолади. Мухаррирнинг, масъул котибнинг ҳаёти битта ҳарф устида ё уёқли, ё буёқли бўлиб туради.

Уруш йилларида «Правда Востока» газетасида «главкомандующий» сўзидан «л» ҳарфи тушиб қолгани учун «Халклар отасини ҳақорат қилдинг», деб бир неча ходим қаттиқ жазоланган эди. «Қизил Ўзбекистон»да: «Олий бош қўмондон» сўзидан о ўрнига «Ў» ёзилиб қолгани учун «Буюк доҳийни бўш қўмондон» деб ёзгансан деб, «Сталинград» сўзида «Р» ҳарфи тушиб қолгани учун ўша кезлари марказқўм редакцияни ола калтак, қора калтак қилиб юборган.

Бош муҳаррир кечаси соат бирдами, иккидами газетага имзо чекиб кетгандан кейин ҳам уйда тинч ётолмайди, ҳар уйғонганида редакцияга телефон қилиб, навбатчига саҳифаларни яна бир ўқиб кўр, — деб тайинлайди.

Мухаррир ёстиққа эмас тиканга бош қўйгандек сапчиб туриб кетаверади. Эрталаб ишга келиши билан саломаликни ҳам унутиб, газета ўқишга тушади. Телефон жирингласа трубкани кўтаришга юраги дов бермайди.

Бу сатрларни ўқиб, муаллифларнинг пешонаси тиришиши мумкин. Ҳа, газетачиларга қийину, бизга осонми, дейишлари аниқ. Тўғри, сизга осон. Сиз ёзганингизни редакцияга ташлаб кетасизу, бир кун газетада кўрасиз. Кимга қийин, муҳаррирга қийин, кимга қийин масъул котиб билан, корректорга қийин...

Бу сатрларни битишдан мақсадим, мен азиз укам, олим, журналист, ёзувчи Мақсуд Қориев тўғрисида бир-икки оғиз сўз айтмоқчиман. Бу сабр-бардошли одам сурункасига йигирма бир йилдан ортиқ юрагини ховучлаб «Ўзбекистон овози» газетасига муҳаррирлик қилди. Ўн йилга яқин «Тошкент ҳақиқати»га, тўрт йил «Муштум»га муҳаррир бўлди. Беш йилдирки, «Меҳригиёҳ» газетасининг

бешигини тебратмоқда. Мана энди агар ҳозирги кунда муҳаррир бўлиб ишлаётган «Меҳригиёҳ» газетасини кўшиб ҳисоблаганда, қарийб эллик йилдан бери журналистика соҳасида қалам тебратиб келмоқда. Ўзи асли ҳуқуқшунослик институтини битирган. Касби бўйича олийгоҳларда дарс берганини демасангиз, бир кун юрист бўлиб ишлаган. Умри, ёшлиғи газетада ўтди. Ўзи кўпинча: «Йигитлигимнинг қайморини газета олди», деб қўяди кўнглига қўл солсангиз. «Меҳригиёҳ» газетасини дастлабки даврда чиқара бошлаганда ҳазиллашиб: «Шунча йил муҳаррир бўлиб зерикиб кетмадингизми», дедим. Шунда у: «Газетанинг меҳригиёҳсиз яшай олмайман», деб қолди.

Ҳа, Максуд Қориев умри бўйи масъулиятли вазифани адо этиб газета меҳри билан яшадди. Эллик йилдирки, унинг уйқусида ҳаловат йўқ. Эллик йил телефон трубкасини кўтаришга юрағи безиллайди. Салкам қирқ йил муҳаррирлик фаолиятида хато қилмади. Халқда ҳаётим қил устида, деган ибора бор. Бу иборани муҳаррирлар тилидан ҳаётим ҳарф устида, деса ҳам бўлади.

Одатда ҳукумат раҳбарлари халқни янги йил билан табриклайдилар. Биз Москвага қарам пайтларимизда «зангори экран» орқали Хрушчев ё Брежнев табрикларди. Кремль куранти ўн икки марта занг уриши билан телеэкранда қорақош Брежнев кўринарди. Москва вақти билан соат ўн икки, Тошкентда эса кечаси соат уч. Табрикни ёзиб олиш керак, таржима қилиш керак, машинкада кўчириш керак, босмаҳонага бериб тердириш керак. Ўша кечаси редакцияда ҳеч ким ухламайди. Ҳаммининг уйида базм, ҳамма ширакайф, аммо редакция ходимлари туғуруқхона доясидек ҳушёр туришади.

Ўша табрик босилган газета эртасига пешиндан кейин чиқарди. Айниқса собиқ иттифок даврида газетада ишлаш ниҳоятда оғир эди. Газеталар расмий материаллар, узундан-узоқ нутқ, докладлар, қарорлар билан тўлиб чиқарди. Маҳаллий мақолаларга жой йўқ эди. Ёзган ҳикояларимиз ойлаб ётарди, негаки газета расмиятчиликдан бўшамасди.

Хрушчев деган раҳбаримиз узундан-узоқ доклад қиларди. Унинг нутқи босилган газета саккиз саҳифа бўлиб чиқарди. Миллион ҳарфда терилган газетани қайта-қайта ўқиб чиққунча, уни босишга имзо чеккунча ходимлар кўзи ёриган аёлдек шалпайиб қолишарди.

Мана шу мураккаб, ўта масъулиятли вазифани бажарар экан, Максуд Қориев юридик фанлари номзоди деган даражани олиш учун ҳам вақт топа олди. Гоҳ ошкора, гоҳ

пинҳона хикоялар ёза бошлади. Битта-яримта эълон қилинганлари ўқувчилар назарига тушди.

Етмишинчи йиллари Мақсуд Қориев учун сермахсул йиллар бўлган эди. У ўша йилларда «Ойдин кечалар», «Жийда гуллаганда», «Афросиёб гўзали». «Турналар баланд учади», «Қиз узатиб борганда» киссаларини эълон қилди. Республика радиоси бу киссалар асосида радиопостановкалар тайёрлади. У олим сифатида она юртимиз озодлиги учун курашган аждодларимиз ҳаётига қизиқиб қолди. Тарихий мавзудаги «Спитамен» романи ҳам илмий, ҳам ижодий изланишлар натижаси бўлиб дунёга келди. Муаллифнинг бу китоби ўқувчиларга манзур бўлди. Бошқа тилларга ҳам таржима қилиниб, қардош китобхонлар жавонидан ўрин олди. Кейинчалик ёзувчи бу романни бугунги кун назари билан кўриб чиқди ва «Сувд ўғлони» номи билан қайта нашр қилди.

Истиклолимизнинг беш йиллиги арафасида адиб буюк бобокалонимиз, жаҳон табибларининг отаси, қомусий олим Ибн Сино тўғрисида янги роман яратди.

Мақсуд Қориевнинг киссалари асосида «Ўзбек-фильм»да «Қиз узатиб борганда» ва «Қалдирғочлар баҳорда келади» бадиий фильмлари яратилди.

Мана шу ажойиб инсон билан эллик йилдан бери дўстман. Акаси кўшиқчи шоир Маъруф Қориев билан адабиётга бирга кириб келганмиз. Маъруф ўта камтар, агар қўлидан келса чумолига ҳам озор бермайдиган инсон эди. Фашизмга қарши олиб борилган жангнинг охиригача қатнашиб, кўкраги нишонларга тўлиб қайтди. Уруш йиллари фронт газеталарида, Ўзбекистон матбуотида унинг ватанпарварлик вояси билан суворилган шеърлари, хикоялари босилган. Мен қаламга олаётган укам Мақсудни кўрганнимда акаси билан ҳамдардлашиб юрган ўша саодатли дамлар ёдимга тушади. Маъруфдан ўнлаб ажойиб кўшиқлар қолган. Мамлакатимизнинг энг машхур бастакорлари билан ҳамкорликда яратган дилбар кўшиқларини мумтоз хофизларимиз хали-хали ижро этиб келадилар.

Мақсуднинг машқ хикояларидан то катта романлари, киссаларигача менга таниш. У кўз олдимда ёзувчи бўлиб шаклланди. Унинг ўзи дилбар инсон сифатида ҳурматга лойиқдир. Агар қай бирингизнинг дўстингиз кўп, деб сўрасалар, албатта мен Мақсудни кўрсатардим. Унда қандайдир одамни ўзига тортадиган оҳанграбо бордек.

Қайғунгизга қайғудош, дардингизга ҳамдард бир инсон сифатида ҳам мен уни қадрлайман. Мақсуд Қориев ҳар қандай шароитда суянса бўладиган вафодор дўстдир.

ШЕЪР ҲАВОСИ

Шундай кишилар бўладики улардан биронтаси даврада пайдо бўлса суҳбатга файз киради. Давра кенгайиб бораверади. Бу хил одамларнинг кўксига оҳанграбоси бўлади шекилли. Уларни, тортими кучли, суҳбати жонон, деб атайдилар. Устозларимиз Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзодалар ана шундай файзли инсонлардан эдилар.

Гапни сал олисроқдан бошламоқчиман. Қадим ипак йўли водий оралаб Ёзёвонда чегарани кесиб ўтади. Уёғи Андижоннинг Бўз тумани. Чегаранинг бу томонида менинг ўт-олов ёшлигим қолган. Ўн беш йил шу тўқайларда Сарсонқумнинг аёвсиз бўронларида адашиб, кунига неча бор жойини ўзгартирадиган қум тепаликларида эчкиэмарларнинг совуқ нигоҳидан сесканиб, илонларнинг хунук вишиллашларидан хушёр тортиб «Уфк» қахрамонларини излаганман.

Шу ерда кичкинагина хизматимни қадрлаб ёзёвонликлар чегара остонасидаги ўрта мактабга менинг номимни кўйишган. Қуллуқ, сизларга қадрдон китобхонларим.

Энди чегарадан ўтамиз. Бобуру Машраблар қадам изи қолган, Нодирабегим ажиб хаёлларга толган, Чўлпон кўксига оташин сатрлар гулханини ёққан Андижоннинг пойи остонасига қадам қўямиз.

Бу гўша мен учун бенихоя қадрли, бенихоя ардоқлидир. Чунки чегарадан ўтишингиз билан ипак йўлининг ўнг томонида Саидахоним номидаги билим юртига рўбарў келасиз.

Саидахон билан бу йўллардан йилига икки-уч марта лаб ўтардик. Бу кўҳна карвон йўлида Саидахон қанчалаб шеърлар тўқиган. Мен неча-неча ҳикояларни дилимга тугиб ўтганман. Энди ёлғиз ўзим йўл юриб келяпман. Билим юрти ҳовлисидаги хиёбонда тошга айланган Саидахон мени интизорлик билан кутмоқда. Шоиранинг метин бюсти мени маъюс кутиб олади. Бирдан ўзимни унутаман.

Тошкентдаги ҳовлимизга Саидахоннинг ўзи эккан гуллардан бир дастасини олиб келганман. Уларни хайкал пойига қўяман. Шунда тош қотган лаблари бир жилмайиб қўйгандек бўлади.

Бу жойда шоирлар хиёбони бор. Унда жаҳонгашта шоир шох Бобур, шеърийат маликаси Нодирабегим, истиқлолнинг толмас курашчиси — шеърларини қони билан битган мумтоз шоир Чўлпон, бугунги шоирларимизнинг меҳрибон устози, ҳар бир сатри юрак-юракларга сингиб кетадиган шоир Миртемир бюсти бор.

Улар гўё хиёбонни тўлдирган талабаларнинг қувноқ суҳбатларига жимгина қулоқ тутадилар. Азамат дарахтлар соя ташлаган хиёбонлар, капалаклар лип-лип учиб ўйнаётган гулзорлар уфураётган шеър ҳавосидан нафас олаётгандек бўладилар.

Шундай кишилар бўладики, улардан биронтаси пайдо бўлса даврага файз киради. Бундай суҳбати жонон кишиларни шоир одам деб атайдилар.

Билим юртининг директори шоир Тўлан Низом ана шундай тортими кучли, ҳар қандай даврага сиғиб кетадиган ёқимтой инсондир.

Андижонда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг бўлими бор. Унга расман уюшма раҳбарлик қилади. Аммо Бўзда ўз-ўзидан ташкил топган уюшма бўлимининг муҳри бўлмаса ҳам уни Тошкентда тан оладилар. Ўтказиладиган турли тадбирларга таклиф қиладилар.

Водийга сафарга чиққан шоирлар, олимлар албатта билим юртига бир қўниб ўтадилар. Эркин Воҳидов билан Абдулла Орипов, Озод Шарафиддинов билан Умарали Норматов, Турсуной Содикова билан Носир Фозилов, Абдуқодир Хайитметов билан Бегали Қосимов каби шоир-олимлар билим юртига тез-тез келиб талабалар билан гаштли суҳбатлар ўтказиб турадилар.

Буларнинг бари Тўлан Низомнинг тортимлигидан, одамийлигидан. У бор жойда ижод аҳли ўз-ўзидан тўпланиб қолади.

Тўлан Низом номи чиққан шоир. Унинг йигирмадан ортиқ шеърий тўплами, дostonлари аллақачон ўқувчи қўлига теккан ва зукко шеърхонлар меҳрини қозонган.

Айниқса кейинги ўн йил Тўланбой учун сермахсул ижод йиллари бўлди. Бобур, Чўлпон, Усмон Носир, Саида Зуннунова ҳаётини ниҳоятда гўзал тасвирлаган дostonларни яратди.

Қўлимда Тўланбойнинг қалингина, жуда чиройли нашр қилинган «Ватан сурати» китоби. Унда бир чи-

ройли ғазаллар, рубоийлар, дostonлар бор. Шеърға унча-мунча қўли келишиб қолган ёшлар пойтахтга интиладилар. Пойтахт адабий мухитидан умид қиладилар. Нашриётларга, редакцияларга ва ниҳоят Ёзувчилар уюшмасига яқин бўлиш ижодий ўсишга ёрдам беради, деб ўйлайдилар.

Шу хил ҳали «данак қотирмаган» ёшлар пойтахтга келиб редакциялар, нашриётлар остонасида сарғайиб кунларини ўтказадилар.

Уйқу ўрин танламас, дегандек, ижод ҳам жой танламайди. Хоразмда яшаб ижод қиладиган шоир Матназар Абдулҳакимнинг, наманганлик Ҳабиб Саъдулланинг, самарқандлик Душан Файзийнинг, бухоролик Тошпўлат Аҳмаднинг, фарғоналик Охунжон Ҳакимларнинг пойтахтда ижод қиладиган шоирлардан қаери кам?

Андижоннинг Бўз туманида муқим яшаб ижод қиладиган шоир Тўлан Низомни бунга мисол қилса бўлади. Юқорида номлари тилга олинган шоирларимиз пойтахтга интилмадилар. Туғилган юртларидан кўнгил узмай кадрдон манзараларни, ҳар бир тоши, ҳар бир кўчаси ардоқли бўлган жойларнинг шеърий сувратини чиздилар.

Тўлан Низомнинг каттакон шеърий мажмуасига «Ватан суврати» деб ном қўйиши ҳам бежиз эмас эди.

Ҳозир ҳамма вилоятларнинг ўз телевидениеси, радиоси, нашриёти ва бир нечадан газетаси бор. Демак, ҳадеб пойтахтга ишқаланаверишга ҳожат қолмаган.

Самарқанд, Андижон нашриётларида босилган маҳаллий авторларнинг романларини кўрдим. Кўп вилоят ва туманларда босилган шеърий тўпламларни ўқидим. Вилоят ва туманларда яшайдиган ижодкорлар учун китоб чиқариш муаммоси аста-секин ҳал бўлиб келяпти экан.

Гап Бўз туманида яшайдиган шоир Тўлан Низом тўғрисида кетаётган эди. Тўланнинг китоблари Андижонда ҳам, Тошкентда ҳам бот-бот босилиб туради.

Республикамининг атоқли адабиётшунос олимлари Тўлан ижодига қизиқиб қолдилар. Айниқса профессор Озод Шарафиддинов, профессор Наим Каримовлар унинг ижодини қузатиб турадилар. Ундан дўстона маслаҳатларини аямайдилар.

Озод Шарафиддиновнинг «Ватан суврати» китобига ёзган жуда жиддий мақоласи Тўлан Низом ижоди тўғрисида ҳолисона фикрларни баён қилади. Профессор Наим Каримов эса унинг дostonларини таҳлил қилади.

Тўланбой қишлоқда яшайди. Аммо у водий вилоятларида яшайдиган ижодкорлар билан тез-тез дийдор кўри-

шиб туради. Улар янги шеърларини бир-бирларига ўқиб беришади. Хуллас, мушоира авжига чиқади.

Тўлан шубҳасиз талантли шоир. Баъзи шоирлар тўғрисида гап кетганда: «Ўзи яхши шоиру одамгарчилиги бундайроқ-да, жуда чиройли ёзадию ўзининг тортими йўқроқ, шеърлари гўзалу ўзи файзсизроқ», деган гапларни эшитамиз.

Бу гапларнинг Тўланбойга алоқаси йўқ. У яхши шоир бўлиши билан бирга тортимли, файзли одам.

Бўз тумани Тўлан Низом туфайли вилоятнинг адабий марказига айланиб қолди.

Ўзининг олтмиш ёшини нишонлаётган шоир Тўлан Низомга дил-дилдан ижодий муваффақиятлар тилайман.

Азизим Тўланбой! Сизни яхши инсон сифатида қадрлайман. Бизнинг оиламизга кўрсатган хурмат-эҳтиромингиз учун ҳам чин қалбдан миннатдорчилик билдираман. Саидахоннинг хотирасини абадийлаштиришда кўрсатган саъй-ҳаракатларингиз учун, билим юрти ховлисига ўрнатилган бюст учун сизга чин инсоний ташаккурларимни изҳор қиламан.

ЁҚИМТОЙ ИНСОН, БИЛИМДОН ОЛИМ ОЗОД ШАРАФИДДИНОВНИНГ КИТОБСЕВАРЛИГИ ТЎҒРИСИДА БИЛГАН ВА БИЛМАГАНЛАРИМ

Подшо бир одамни ўлимга буюрибди. Тумонат оломон олдига маҳкумни олиб чиқибдилар. Тахтиравонда ўтирган подшо маҳкумга дебди:

— Подшо боболаримдан бир удум қолган. Ўлимга буюрилган маҳкумга: тила тилагингни, дейилади. Сен ҳозир сўнгги нафасингни олаяпсан, шу дақиқаларда нима истайсан, айт, бажо келтираман.

— Подшойи олам, илтимос, мени шу жаллод сўйма-син. У илмсиз, оми. Маҳкумни қандоқ сўйишни ҳам билмайди. Дуч келган жойидан, оёғиданми, тирсагиданми сўяверади. Жон томири қаердалигини билмайди. Илтимосим шуки, мени тажрибали, истеъдодли, хунарвон жаллод сўйсин.

Подшо бошқа бир суюкли жаллодини чақириб дебди:

— Истагингни бажо келтираман. Сени тишимнинг ковагида асраб юрган, сўйган одами тўппа-тўғри жаннатга тушадиган бир инсонпарвар, қўли гул жаллодим сўяди. Аммо-лекин мазза қиласан...

Агар менга газета мухәррири «Китобингга палон адабиётчи такриз ёзипти», деса, албатта, ранжийман.

— У адабиётчи китобнинг томирини тополмайди, — дейман. — Бир чеккадан варақлаб, тўғрими, нотўғрими, деб ўтирмай ўраверади. Китобни жуда қийнавори. Дурустроқ, тажрибалироқ, китобнинг қон босимини тез аниқлайдиган, китобсевар танқидчи топсанглар дуруст бўларди. Китоб сўядан Худо асрасин.

Унга Озод ёзсин, деб айтолмадим. Айтсам, мени мақтайдиган олимни топинглар, деган маъно чиқмасин, дедим-да.

Ўзингиз биласиз, кўпчилик ёзувчиларнинг ҳусусий машиналари бор. Улар бирон жойга сафар қилмоқчи бўлсалар, Озод уларга ҳамроҳ бўлади. Бу дилкаш, истарали олимнинг ҳамсафар бўлишидан ҳузур қиласиз. Йўл-йўлакай ундан оҳори тўкилмаган гапларни эшита-сиз. Айниқса, жиндек отиб олса жуда қулфи-дили очилиб кетади. Дунёда шу бола ўқимаган китоб қолдимикан, деб ўйлайсиз, Вой, бунинг билағонлиги, вой унинг топағонлиги. Шуни ҳам айтиб қўяйки, Озод билан сафарга чиқиш роҳат, сафардан бирга қайтиш азоб.

Албатта, машинада сафарга чиққан ёзувчига хотин, бола-чақалари Марғилоннинг оқ луччагидан олакелинг, дейишади. Бири Фирвоннинг аноридан кўпроқ олиб келинг, деса, бири Косонсойнинг ноки эсингиздан чиқмасин, дейди. Яна бири Андижоннинг девзирасини биладиган одамга кўрсатиб олинг, деб тайинлайди. Бирови Олтиарикдан фириллаб ўтиб кетмай, турупидан бирон қоп, албатта, олинг, дейди.

Озод билан сафарга чиққан одамга бу гаплар хайф. Чунки сафардан наинки унинг ўзи, хатто уни сафарга олиб кетган машинали дўстлари ҳам икки қўлларини бурунларига тикиб, қуп-курук қайтадилар.

Сабаб?

Йўлда қандокки китоб дўкони кўринса, Озод тўхтат, деб шофернинг билагига ёпишади. У, албатта, дўконга киради: Икки соат чамаси китоб титади. Кейин икки қўлтиғи тўла китоб, орқасида ўшанча китоб қўлтиқлаган сотувчи чиқиб машинанинг юкхонасига тапиллатиб ташлайди. Шунақа дўконларнинг тўрттасига киргандаёқ машина тўлади. Шундан кейин Озод бошқа машинага ўтади. Уни ҳам китобга тўлдиради. Иккала машинанинг филдираги юк оғирлигидан ерга қапишади. Қўзволганда мотор инграб юборади. Нечта машина билан йўлга чиққан бўлсак, ҳаммаси китоб билан банд бўлади.

Бу китоб «жинниси» дўстимиз охирги тийинигача китобга сарфлаб, охири бизга қарам бўлиб қолади. Хотини Шарофатхон билан қизи Муҳаббат атлас олиб келинг, деб берган пул ҳам қуловини ушлаганча кетади. Тошкентда бола-чақалари, келину куёвлари, неваралари дадамиз уни олиб келади, дадамиз буни олиб келади, деб чучварани хом санаб ўтираверишади.

Озод билан сафарга чиқиш бир дунё қувонч. Аммо сафардан бирга қайтишни Худо ҳеч бир мусулмон бандасининг бошига солмасин. Чунки бирга сафарга чиққан ёр-биродарлар машинада жой қолмаганидан қўпчилиги поезд ё самолётда қайтиб кетса, пули қолмаганлари ноилож китоблар орасида бир пой думбаси билан ўтириб, инсон боласи кўрмаган азобларда уйга вергулга ўхшаб кийшайиб етиб келади.

Озод машҳур китобсеварлардан ҳисобланади. Китобсевар бошқа, китобсўяр бошқа, китобсуяр бошқа.

Адабий танқидчилигимизда УЧЧОВИ ҳам бор. Китобсевар китобни муқаддас билади. Унинг муаллифига ҳурмат билан қарайди. Китобсуяр қўлэзмани ўқиб, бунда бир гап бор, сал туртки билан яхши китоб бўлиши мумкин, деб суяб қўяди. Китобсўяр эса китобнинг ичакчавоғини ағдариб сўяди. Унинг маъносини, бадийлигини сариқ чақага ҳам олмайди.

На чора, гул битган жойда тикан ҳам, янтоқ ҳам битади. Янги китоб қўлэзмалари муҳокамаларига Озодни ҳам чақириб туришади. Маълумки, бу китобларни ё бирон врач, ё бирон инженер, ёки бўлмаса пенсияга чиқиб, нима иш қилишини билмай ўтирган, мен ҳам биттагина роман ёзиб қўяй, деган «хаваскорлар» ёзган. Ёзган нарсасини қўпчилик бўлиб эринмай муҳокама қиладилар. Натижада, бўлмайди, бошқа тирикчилик қилинг, деган гап айтилади. Озод ўз фикрини назокат билан, муаллифнинг дили оғримайдиган қилиб айтади. Яъни олдин сўз айтган ўртоқларнинг фикрига қўшилган бўлади. «Лекин дўстларимиз айтган камчиликлар қунт билан тузатилса, жуда яхши асар бўлиши мумкин». Олдинги гапирганлар «асар»нинг турган-битгани нуқсондан иборат, уни янгитдан ёзиб чиқиш керак, деган хулосага келишади. Озод ҳам аслини олганда худди шу гапни айтяпти. Фақат йўли билан, жуда чиройли қилиб айтяпти.

Бир воқеа эсимга тушди.

Девонафеъл шоир бўларди. Бир гапни айтатуриб, бошқа гапларни ҳам аралаштириб юборарди. У ҳар куни редакцияга келиб, битта жойни эгаллаб ўтирар, алмойи-

алжойи гапларни айтаверарди. Бир кун гапи жуда айниб кетганда унга, жиннилик қилманг, дедим. Шунда у мени урганди. Эртасига Фафур Гулом келди. У билан бирпас гаплашиб, унинг мияси айниб қолганини сизди. Елкасига қўлини қўйиб, дўстим, жинни бўлсанг ҳам жуда ширин жинни бўлсан, деди. Бу гап шоирга малол келмади. Қайтага ёқди. «Раҳмат», — деб Фафур аканинг қўлини кисиб қўйди. Қаранг, аслини олганда Фафур ака билан икковимизнинг гапимиз бир маънода эди. Аммо Фафур ака малол келмайдиган, ҳатто унга ёқадиган қилиб «жинни» деди.

Гапнинг йўғон томирини ушлаб туриб гапиришни Фафур акага чиқазганди.

Озод ҳам гапнинг қон босимини томир ушламай туриб билади.

Ёзувчилар уюшмасига китоб олиб келадиганларнинг баъзи «асарлари» бадиийликдан узоқ, тузатиб, эпақага келтириб бўлмайдиган нарсалар бўлади. Аммо уларга тушунтириб бўлмайди. Ўзларича қойил қилганман, деган фикрда бўладилар. Минг марта ишлаган билан эпақага келтириб бўлмайдиган «асар»нинг муаллифини Озод қайта ишласа яхши асар бўлади, деб умидвор қилиб кузатиб қўяди. Нега ундай қилдинг, минг ишлаган билан ундан ҳеч вақо чиқмайди-ку, деганда у, қўявер, дунёйи бо умид, шу билан овора бўлиб кун ўтганини билмай қолади, дейди.

Бир ривоят.

Афанди бас бойлашиб шайтонни енгибди. Шарт бўйича енгилган енганга қул бўлиб хизмат қилиш керак. Шайтон, нима иш буюрасиз, дегандек ишшайиб турганда, Африкага бориб она-бола туяқуш олиб кел, деб буюрибди. Афанди оғзидаги носни тупурибди. Нос ерга тушгунча шайтон она-бола туяқушни ҳовлига олиб кирибди.

— Оббо, — дебди Афанди, — бу бедаво махлук энсамни қотириб қачонгача тўғримда ўтиради. Бирон қийин иш топшириб бироз дам олмасам бўлмайди, — дебди ўзига ўзи Афанди ва бошидаги қоракўл қалпоғидан битта тола юлиб, шайтонга берибди.

— Жуда қийшайиб, буралиб кетибди. Шунни текислаб, тўппа-тўғри қилиб бер, — дебди.

Орадан неча юз йиллар ўтиб кетибди ҳамки, шайтон ҳамон қоракўл тукини тиззага қўйиб, кафти билан ишқаб ўтирган эмиш...

Юқорида айтганим «асар»и муҳокама бўлган йигит соқоли кўксига тушибди ҳамки, бели букчайиб ҳассага

таяниб қопти ҳамки, ёзувчи бўламан, деб шайтонга ўхшаб ҳамон уриниб ётибди.

Озод шунақалар тўғрисида гапирганда, ҳар ким ўзи билган биладиган ишни қилиши керак, дейди. Ёзувчиликни осон иш деганлар, майли, ёзиб азобини татиб кўрсин, адабиёт қанақа мушкул иш эканини билиб қўяди.

Озод ўттиз йилдан ортиқ Тошкент давлат дорилфунунида ўзбек адабиётидан муаллимлик қилди. Мингминглаб шогирдлар тайёрлади. Йигирмадан кўп шогирди унинг илмий раҳбарлигида фан номзоди даражасига эришди. Улар орасида фан докторлари, профессорлар бор. Профессор Умарали Норматов, доцент Ортиқ Абдуллаев, Абдуғафур Расулов, Раҳмон Қўчқоров ҳамон устоз Озод Шарафиддинов билан илмий-ижодий алоқаларини узмайдилар.

Профессор Озод Шарафиддинов илмий педагогик фаолиятдан узилмаган ҳолда адабиётимизнинг чирсиллаб турган масалалари тўғрисида юзлаб мақолалар эълон қилди. У яратган «Замон — Қалб — Поэзия» китоби адабиётшунослигимизга сарин бир шабада олиб келди. «Адабий этюдлар», «Биринчи мўъжиза», «Адабиётимиз байроқдорлари», «Абдулла Қаҳҳор» китоблари унинг нақадар теран фикрли, мулоҳазаси кенг, услуби равон олим ва публицист эканини намоён қилди.

Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, деб шуни айтадиларда.

Озод тиниб-тинчимайдиган, ҳар бир воқеага шахс сифатида муносабатини ўз вақтида билдира оладиган ҳозиржавоб олим, ёзувчи, педагогдир. Шу безовта қалб эгаси, дўстларига меҳрибон, шогирдларига қаттиққўл дўстимиз етмиш ёшга кирди. Ҳаётнинг жами аччиқ-чучукларини татиб кўрган, жарроҳ пичоғига танини мардона тутиб берган дўстим Озод ҳамиша дўстлар ардоғида. Шогирдлар қуршовида. Ихлосмандлар кош-қабовидадир.

Салкам олтимиш йил бирга йўл юрган, бирга ажиб чиройли хаёллар сурган, гўзаллар ҳуснига бирга маҳлиё бўлган дўстим ва укам Озодни шу муборак ёш билан дил-дилдан қутлайман.

Унинг ҳурмати ўз йўлига, у учун ҳамма нарсани қиламан. Аммо у билан сафарга бормайман ва у билан сафардан бирга қайтмайман.

Хафа бўлса бўлар. Гапнинг очигини айтдим.

Менинг ушбу мақолам кимга маъқул келган бўлса қўлини кўтарсин! Раҳмат, туширинглар. Аксарият.

1998

ОҚ ЙЎЛ СЕНГА, ҲОШИМЖОН!

Болаларга китоб ёзмоқ учун болаликка қайтиб бормоқ керак. Бошлаган китобингга охириги нуқта қўйгунингча бола бўлиб яшашинг зарур.

Болалик орзулари бир нуқтада турмайди. Ҳар дақиқада ўзгаради. Бир куни милиционер бўлгинг келса, эртасига учувчи бўлгинг келади. Қўнғилга туккан бу ниятларинг сал фурсатдан кейин ўзгаради-ю, бирдан жосус тутадиган аскар бўлгинг келиб қолади. Полвон бўлиб ҳаммани қойил қолдиргинг, масхарабоз бўлиб циркда юзлаб одамни кулдиргинг, ўрмонлару тўқайларда йўлбарс овлаб терисини шилиб келгинг, сенга икки қўйган ўқитувчингни лол қолдиргинг келади.

Афсуслар бўлсинки, мен мана шундай беғубор болалигимни йўқотганман. Болалигим давр тўлқинларида қирғоқларга урилиб ўтиб кетган. Қулоқларни фош қилиш, уларни туғилиб ўсган юртидан қувиш, қишлоқларни коллективлаштириш, хотин-қизлар бошидан паранжисини тортиб олиб, ўт қўйиш биз болаларнинг «сиёсий» вазифамиз бўлиб қолганди.

Октябрят бўлдик, пионер бўлдик, комсомол бўлдик.

Ўйлаб қарасам туғилибмизу болалигимиз устидан ҳатлаб ўтиб кетибмиз. Ўша давр болалари тўғрисида ёзилган ҳикояларни ўқиганимда гўё бизнинг авлод туғилиб, ўрдакнинг жўжасидек тухумдан чиққану сувда сузиб кетаверган.

«Том Соьернинг саргузаштлари» қиссасини ўқиганимда, нега мен Томга ўхшаган бўлмадим, деб ўзимдан ўзим сўрайман. Мен Томнинг ёшига етганимда тепасида тешиги бор тунука банкани бўйнимга осиб бозорларда, ҳукумат идораларида, магазинларда капитализм исканжасида инграган сиёсий маҳбусларга ёрдам пули йиғардим. Қизил алвонга ёзилган «Ҳамма колхозга, якка хўжаликлар шўро ҳукуматининг душманидир» деган шиорни кўтариб, қишлоқма-қишлоқ кезардим. Қишлоқ хонадонларининг деворларига «Қулоқларга шафқат йўқ, уларнинг жойи узоқ Сибирия» деган ёзувларнинг қанча-қанчасини бўр билан ёзганмиз.

Энди ўйлаб қарасам болалигим сиёсат дарёсида оқиб кетибди.

Пионерлик, комсомоллик бизни «Сиёсий хушёрлик»-ка ўргатиб қўйган экан. Отасини «халқ душмани» сифатида қаматганлар, таълим берган ўқитувчисини фош қилиб, судда гувоҳлик берган «Павлик Морозовчилар» бизнинг авлод вакиллари эди.

Йигирманчи-ўттизинчи йиллар гўё хотинлар чақалоқ туғмаган, овози дўриллаб қолган йигитларни туққан эдилар. Ҳа ш йилларда яратилган адабий асарлар орасидан биронта болаларга бағишланган дурустроқ асар тополмадим. Биргина Фафур Гуломнинг «Шум бола»си нурсиз китоблар орасида яркираб турибди. Бунга сабаб қиссада соф болалик ҳаёти акс этгани эди. Ер куррасининг у томонида Том Соьер, бу томонида давр сиёсатини, партия чақириқларини тан олмаган Шум бола дунёга келган экан. Адабиётимизда болалар ҳаётидан ёзилган ҳикояларни инкор қилмаймиз. Аммо улар партия чақириқларига жавобан ёзилган «қизил» ҳикоялар эди.

«Сабр қилсанг гўрадан ҳолва пишур» деганларидек, эллигинчи йилларнинг охирига келиб болаларимиз бахтига Худойберди Тўхтабоев деган истеъдодли бир ёзувчи адабиётимиз эшигини очиб кирди.

Болалар адабиётига албатта шундай бир ёзувчи келади, деб интиқлик билан кутган эдик. Унинг биринчи ҳикоялариданок болалар оламини яхши билган, улар психологиясини, ўй-хаёлларини, фавқулодда ифодаларга бой бийрон тилини, қилиқларини, хулласи симобдек беқарор ҳаётини синчковлик билан ўрганган, ўзи ҳам боладек ҳар нарсага қизиқадиган меҳнаткаш ёзувчи сафимизга келганидан қувондик.

Худойберди димиқиб қолган болалар адабиётига мусаффо ҳаво олиб киргандек бўлди. Унинг «Сариқ девни миниб» деган туркум қиссаларига дебоҳа бўлган «Сехрли қалпоқча» қиссаси катта шов-шувга сабаб бўлди. У тез кунда болаларимизнинг қўлдан қўймай, севиб ўқийдиган китоби бўлиб қолди.

«Сариқ девни миниб» деган қиссалар туркуми оз фурсатда дунёнинг 22 мамлақатида 22 тилда жуда кўп нусхаларда нашр қилинди. Кейинги маълумотларга қараганда, ҳамон қайта-қайта босилапти. Биргина Германияда 50000 нусхада босилгани синчков немис китобхонларига қиссининг қанчалик манзур бўлганига гувоҳлик бериб туришти. Украина ва Россияда босилган нусхалари миллиондан ҳам ошиб кетди.

Яхши китоб ўзига йўл топади. Қулоғидан чўзиб, бўйнидан ип боғлаб адабиётга олиб кирилган китоблар аллақачон аравадан тушиб қолган.

Машҳур адиб Марк Твен туғилган куни Американинг Миссурий штатида Том Соьер яшаган ҳовлининг тахта деворини оқлаш маросими бўлишини кўпчилик билмаса

керак. Болалар бу маросимни тантанали бир вазиятда нишонлашади. Девор оқлаш мусобақасини ўтказишади. Мусобақа ғолибларига Марк Твен китоблари соврин сифатида топширилади.

Худойбердининг бу ажойиб қиссаси Чипполино ватани Италияда икки бор нашр қилингани жаҳонга буюк ёзувчиларни берган Италия халқи, синчков китобхонлар назарига тушгани адибимизнинг бахти эди. Англияда, Францияда китоб қадрига етадиган зукко китобхонларга манзур бўлган бу асар бутун Ўзбек адабиётининг обрўси бўлганини тан олишимиз керак.

Нима бўлдию, олтмишинчи йилларга келиб Худойберди ёзишдан бир муддат тўхтаб қолгандек бўлди. Қиссалар ёзмай қўйди. Ўзини фельетончиликка урди. Республика газеталарида кунора фельетони босиладиган бўлиб қолди. Мен бу болага меҳр қўйган эдим. Ундан янги-янги қиссалар кутардим. Аммо у фельетон ёзишдан бўшамасди. Бу орада болалар адабиётидан бир қадар файз кета бошлаганга ўхшарди.

Уни қидириб редакцияга бордим, папирос тутатиб аллақандай суд ҳукмлари, милиция тузган актларга кўмилиб фельетон ёзаётган экан.

Худойберди мени устоз деб қўл берган, ёзганларини назаримдан ўтказиб турадиган шогирд эди. Кейинги икки йилда негадир мендан ўзини олиб қочадиган, учрашиб қолган пайтларимизда қандайдир бир гуноҳ иш қилиб қўйган боладек кўзини яширишга жой тополмай қоларди.

Бу ҳолат менга жуда таниш. Чунки менинг ўзим устоз Абдулла Қаҳҳор олдида худди шундай аҳволга тушгандим. Бу воқеа бир умр эсимдан чиқмайдиган сабоқ бўлган эди.

Минг тўққиз юз қирқ олти, қирқ еттинчи йилларда хикоя ёзишни ташлаб фельетон ёзишга берилиб кетгандим. Назаримда, ўша йиллар бутун Ўзбекистонда мендан машхур, мендан обрўли ёзувчи йўқдек эди.

Саргарошхоналарга мени бенавбат киритиб юборишарди, ресторанларда менга мутлако нотаниш кишилар емак-ичмак ҳақини тўлаб қўйишарди. Меҳмон-изломга борсам дастурхоннинг энг тўрига мени ўтказишар, то ўтирмагунимча қўл қовуштириб «одоб» сақлаб туришарди. Ўзимга ўзим «хикоя ёзиб вақтимни ўтказиб юрган эканман, фельетончилик ғирт маза экан», деб ўзимдан кетган пайтларим эди. Ана шундай учиб-қўниб юрган пайтларимда редакцияга Абдуллар Қаҳҳор келиб қолди.

Хе йўқ, бе йўқ, «Ёзувчилар союзидан чиқишга ариза ёзиб берасизми ё ўзимиз ўчириб юбораверайликми?» деб қолди.

Нима учун бунақа деяётганига тушунмай хайрон бўлиб қолдим. Нима учун ариза ёзиб беришим керак? Тилимга гап келмай чайналиб қолдим.

— Нега унақа деяпсиз, домла? — дедим қўрқа-писа.

— Союз аъзоларининг ҳаммаси асар ёзишяпти. Уч йилдан бери биронта ҳикоянгизни ўқимадим. Демак, сиз ёзувчиликни ташлагансиз. Ундай бўлса союзни бўшатиб қўйиш керак.

— Фельетонларимни ўқимаяпсизми?

— Фельетон адабиёт эмас, у журналистикага киради.

— Икки ойча бўлди битта ҳикоям босилганди. Ўқимаганмисиз?

— Ўқиганман, — деди домла. — Ҳикоянгиздан қамоқхонанинг ҳиди келяпти. Фельетон ёзавериш одамлардан фазилат эмас, нуқсон қидирадиган бўлиб қолгансиз. Адабиёт ўқувчи қалбига нур олиб киради. Гўзаллик, одамийлик, раҳм-шафқат, ҳаётга, одамларга муҳаббат туйғуларини уйғотади. Сиз эса одамларда фақат ёмонликни, ёвузликни кўряпсиз. Аттанг, аттанг, сиздан қанчадан-қанча умидларимиз бор эди.

Абдулла Қаҳҳор бошқа гап айтмади. Хайр ҳам демай чиқиб кетди. Ўтирган жойимда бир замбар лой бўлиб қолавердим.

Домланинг гаплари қанчалик аччиқ, қанчалик «сас-сиқ» бўлмасин, ҳақиқат эди.

Бу гап, бу хил муомала жон-жонимдан ўтиб кетди. Фельетончиликни мутлақо ташлаб юбордим. Мана эллик беш йил бўлибдики, домла айтган гапларнинг захри танамдан кетмайди. Шу эллик беш йил давомида атиги учта фельетон ёзибман. Очигини айтсам, ҳикоядан анча қўлим чиқиб қолган экан. Ўзимни ўнглаб олишим анча қийин бўлди.

Шу топда ёшлигим, фельетон «қироли» пайтимга рўбарў келиб турибман.

Худойберди менинг ёшлигим эди, мен қилган хатоларни айнан такрорлаб турган пайти эди. Унда жиндак ҳаво пайдо бўлган, ғурури ҳам анчагина баландда эди.

— Аҳволлар қалай, укам? — дедим нимадан гап бошлашимни билмай.

У стол тортмасидан ўнтача хар хил ёрликларни, дастрўмолга тугилган қўзичоқнинг илигидек бир нарсани аллақандай мақтаниш билан столга қўйди.

— Биласизми, бу нима? Бу кумуш хуштак.

У шундай дея туриб рўмолчани ечиб, ичидан чиндан ҳам кумуш хуштак олиб менга узатди.

— Бунни ички ишлар ходимлари тўғрисида ёзилган энг яхши материал учун эълон қилинган танловда биринчи ўринни олганим учун мукофотлашган. Чалиб кўринг, битта пуфлаб кўринг, овози ҳам бошқача.

Худойберди бир вақтлар яхши ёзувчи бўлишни орзу қилган, ёзган-чизганлари эртага яхши ёзувчи бўлишга кафил бўладиган талантини битта кумуш хуштакка алмаштирмоқчи. У ҳали данаги қотмаган, эртақларда айтилган уч кўча бошида қаёққа боришини билмай ҳайрон турган «ёзувчи» эди.

Унга қанча тушунтирма, қанча насихат қилма ҳамма гапларингдан кумуш хуштак афзалдек эди.

Уни адабиётга қандай қайтариш мумкинлигини ўйлаб ўйимга етолмадим. Бу йўлдан қайтаришнинг бирдан-бир йўли Абдулла Қаҳҳор услуби эди.

Худойберди жуда одобли, маданиятли, майин йигит. Дилини оғритгим келмади. Менда Қаҳҳор домланинг қаҳри йўқ. Боядан бери унинг жон-жонидан ўтиб кетадиган гапларни ўйлаб ўтирган эдим. Айтишга тилим бормади. Узундан-узоқ лекция бошладим.

— Газета бир кунлик ахборот воситаси. Эртасига унинг ўрнига бошқа газета чиқади. Демак, сен ёзган фельетон ҳам бир кунда ўтмишга айланади. Биласанми, мен икки юздан ортиқ фельетон ёзганман. Қани улар? Ҳамманинг ёдидан чиқиб кетди. Фақат фельетонда урилган, журналистлар тили билан айтганда фош қилинган одамлар хотирасидагина қолган. Бадиий асар бутунлай бошқа гап. Юз йиллаб, минг йиллаб яшайверади. Бу гапларим билан фельетонни ёмон демоқчи эмасман. Жамиятни поклаш учун унинг аҳамияти катта. Аммо ҳар соҳанинг ўз мутахассиси бўлиши керак. Ҳаётга мафтун, инсонлардан гўзал фазилатлар қидирадиган, уни завқ-шавқ билан тасвирлайдиган, кўшиқдек куйлайдиган истеъдодли ёзувчиларни йўлдан тойдириши ҳам мумкин. Ҳадеб ўғрилар, порахўрлар, пиёнистлар, хотинбозлар тўғрисида ёзаверсанг, яхши одамлар ҳам кўзингга шубҳали кўринадиган бўлиб қолади.

Ҳали узоқ гапирмоқчи эдим, гапларимнинг даромадини сезган Худойберди безовталаниб қолди.

— Тушундим, домла. Нима демоқчилигингизни тушундим. Фельетон ёзавериб хикоядан қўлим чиқиб ке-

тибди. Бир ҳикоя бошлаган эдим, сира тугатолмаяпман. Фельетонга ўхшаб қоляпти.

— Тушунган одамга тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Энди буёғи ўзингизга ҳавола.

Ўртамизда бошқа гап бўлмади. Совуқкина хайрлашиб чиқиб кетдим. Шундоқ дилбар бир йигитнинг дилини оғритганимдан койиндим. Кимдир бу гапни айтиши керак эди. Мен бўлмасам бошқа бир киши айтарди. Ўзим айтганим дуруст бўлди.

Шу воқеадан кейин газетани кузатиб юрдим. Ўша куни ёзаётган фельетонини газетада кўрмадим. Демак, ярмини ёзганидан кейин бу ёғига қалами юрмаган. Гапларим таъсир қипти.

Кейинчалик эшитишимга қараганда, у газетадан бўшаб кетибди. Менга ҳам кўринмайди, матбуотда ҳам.

Орадан бирон йил ўтиб унинг Фарғона кишиларига бағишланган очерклар туркуми эълон қилинди. Унда «Конизар» қишлоғининг ажойиб кишилари ниҳоятда самимий бир кайфиятда тасвирланган эди.

Мен Конизар қишлоғига икки-уч марта борганман, содда, самимий боғбонлари, деҳқонлари билан кўп гаплашганман. Шунинг учун ҳам очерк қанчалик самимий ёзилгани менга аён эди.

1965 йилда бошлаган олти қиссадан иборат «Сарик девни миниб» романи 1972 йилда яқун топди. Худойберди бу асар устида етти йил тер тўкиб меҳнат қилди. 1975 йилда эса «Беш болали йигитча» романини ёзиб тугатди.

Устоз Абдулла Қодирий бир суҳбатда халқ қаҳрамони Намоз ботир тўғрисида бир роман режалаштириб қўйганини айтган эди. Афсуски ўша даврдаги зиёлиларга бўлган ҳужум, қатағонлар устозимизга бу режасини амалга ошириш имконини бермади.

Худойберди Абдулла Қодирийга насиб қилмаган мавзуга қўл уришга қарор қилди. Самарқанд, Каттакўрғон шаҳарларига бориб Намоз ботирни кўрган кишилар билан суҳбатлашди. Архив ҳужжатларини ўрганди. Охири синчковлик билан қилинган меҳнат ўз самарасини берди. 1981 йили «Қасоскорнинг олтин боши» номи билан ниҳоятда ўқишли бир роман дунёга келди. Кўп вақт ўтмай «Ўзбектелефильм» ижодкорлари роман асосида бадиий фильм яратдилар.

Худойберди ўзини ижодга урди. Йилора биттадан роман ё қисса ёзар, ёзганлари эса нашриётларда туриб қолмасди.

Нашриётлар Худойберди бу йил қандоқ роман олиб келаркин, деб кутадиған бўлиб қолди. Худойберди эса уларни кўп куттирмасди. Нашриётга албатта қуруқ келмасди, қўлтиғида янги романнинг қўлёзмаси билан кириб келарди. 1983 йилда «Йиллар ва йўллар» романини олиб келган бўлса, 1985 йили «Ширин қовунлар мамлақати» романини олиб келди. 1987 йили нашриётга «Мунгли кўзлар» романини топширган бўлса, 1995 йили «Жаннати одамлар» романини топширди.

Шуни ҳам айтиш керакки, унинг романлари бир йил, икки йил ичида бошқа тилларга таржима қилиниб, қардош халқлар болаларининг ҳам севимли китоби бўлиб қолади.

Кейинги ўн беш йил давомида мамлакатда туризмнинг ривожланиши бошқа мамлакатлар ҳаёти билан танишишимизга катта имкон яратди.

Олимлар, ёзувчилар, журналистлар, албатта, борган мамлакатларидаги китоб дўконларига кирадилар. Жаҳон адабиётининг нодир асарларини харид қиладилар. Ана шундай саёҳатларга борган ёзувчи дўстларим, албатта, Худойбердининг романини Римдаги катта китоб мағазинида «Чипполино», «Пиноккио» китоблари қаторида сотилаётганини айтадилар. Ёки Германияда «Сариқ девни миниб» романи «Гулливер», «Мюнхаузен» китоблари қаторида сотилаётганини сўзлайдилар. Бу албатта Ўзбек адабиётининг чет элларда ҳам машҳур бўла бошлаганидан дарак беради.

Худойберди Тўхтабоев бугунги кунда Ўзбек болалар адабиётининг забардаст вакилига айланди. Уни мамлакатимиздаги жамики китобсевар болалар яхши билишади. Унинг катта-кичikka баробар манзур бўлган китобларини қўлдан қўймай ўқийдилар.

Худойберди болалар адабиётигагина эмас, катталар адабиётининг ҳам ривожига қўшган катта ҳиссаси учун «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» унвонига сазовор бўлди. Давлат мукофоти билан тақдирланди. Худойбердининг ижоди, асарлари мактабларда ўрганилмоқда. Ҳозир 5—6—7-синф дарсликларида бир неча соат мобайнида болалар ўзларининг севимли ёзувчилари, унинг ажойиб-ғаройиб қаҳрамонлари билан учрашиб турибдилар. Унинг ҳозир авжи кучга тўлган пайти, у қанчадан-қанча ижодий режалар билан яшаётган истеъдодли заҳматкаш ёзувчидир.

Кўзичокнинг илик суягидек кичкинагина кумуш ҳуштак энди Худойбердига ижодининг бошланиши давридан бир эсдалик бўлиб қолди.

«Сарик девни миниб» асарининг қахрамони машҳур Ҳошимжоннинг бир армони бор. У дунёнинг ярмини айланиб чиқди. Миллион-миллион дўст орттирди. Том Сойер уйини зиёрат қилиш нияти унга кўпдан уйқу бермайти. Томнинг уйи жуда олисда. Ер куррасининг нариги томонида. Ҳошимжон уммонлар ошиб Америка деган сеҳрли мамлакатга бориши керак.

Бу Ҳошимжон учун унчалик қийин эмас. У сеҳрли қалпоғини кияди-ю, сарик девни минади. Кўз юмиб очгунча Қўшма Штатларнинг Миссури вилоятида Томнинг тахта деворли ҳовлисида пайдо бўлади.

Оқ йўл сенга, азамат Ҳошимжон!

КЎЧАНГДАН ЯНА ЖОНОН ЎТЯПТИ

(Ўзбекистон Халқ шоири Ҳабиб Саъдулланинг сўзда чизилган суврати)

Наманган баҳори авжида. Субҳон ўриклар гулини тўкиб бўлди. Хандон писта маъзидек оч яшил ғўралар кўриниб қолган. Ой-куни яқин онадек бодомларнинг кўкси сутга тўляпти. Энди навбат нок билан беҳига. Дилафрўз нокларнинг энг охириги ғунчасигача очилган. Тагидан ўтган одам йўталса ҳам бошига оқ танга сочилади.

Йўл ёқаларида қийғос гуллаган тани чайир беҳиларни асалари жонидан безор қилади. Уларни ҳайдашга имкон йўқ. Сал кимирласа гуллари дув тўкилади. Мажнун толларнинг сочлари ерга етган. Эпкин тегса силкиниб янги қиёқ чўзган майсалар бошини силайди.

Гул юрти Наманганда баҳор авжида. Чумчуқлар чўп тишлаб терак учига интилади. Қиш бўйи пусиб ётган хўрозларнинг овози чиқиб қолган. Тонг отгунча фарёд уриб, маҳалланинг нариёғидаги хўрозга бахтсиз муҳаббатидан ҳасрат қилади.

Йўл ёқасида бир жингала соч йигит паришон турибди. Унинг ҳуши ўзида эмас. Икки кўзи кўчанинг нариги бетидан келаётган келинчақда. Келинчақ икки ўрим сочи ерда судралмасин учун пахта пилик қўшиб ўрилган учини жемперининг икки ён чўнтагига солиб қўйган. Унинг юракка ўт ташлайдиган кўзлари...

Бунақа кўзлар фақат Навоий замонидаги мусаввирлар чизган аёллар сувратидагина бўлади. Сувратдаги аёлларнинг битта кўзига икки жуфт лаб жо бўлади.

Автобус бекатидаги эрмакталаб йўловчилар йигитнинг девонавор туришига ажабланиб қарайдилар.

— Қиличдек икки ўғил кўрган одамнинг аёл кишига тикилишини қаранг! Шунинг учун наманганликлар қизларини кўчага ёлғиз чиқармайдилар-да, — деди бир йўловчи гаши келиб.

— Ундай деманг, биродар, бу йигитнинг аёлларга шунақа тикилиб қарашга рухсатномаси бор. Ёзувчилар уюшмасидан берилган. Шоирларга ҳамма жойда йўл очик. Аёлларга тикилиб қарайдиган бир шоирнинг ғазалидан байт ўқиб берайми? Эшитинглар:

Ул санамким сув ёқосида паридек ўлтирур,
Ғояти нозиклигидан сув била ютса бўлур.

Биласизми, бу ғазал қачон битилган? Ғазал Навоий бобомиздан ҳам олдин ўтган Атоий деган шоирники. У сув бўйида хаёл суриб ўтирган ғўзал аёлга тикилиб ўтириб ёзган. Шу ғазал олти юз йилдан бери одамлар оғзидан тушмайди. Не-не хону беклар, қилич яланғочлаган подшоларнинг номи ўчиб кетди. Аммо сув бўйида ўтирган ғўзал аёл суврати одамларнинг кўз ўнгидан кетмайди. Эркақдир, аёлдир шоирнинг тилига тушдими, тамом, у тарих одами бўлиб қолади. Катта Фарғона канали қурилишига Ғафур Ғулом ҳам қатнашган. У Учқўрғондаги медпунктда бир доктор хотинни кўриб, маҳлиё бўлиб қолган. Унга тикилиб тураверган, тураверган, охири бирдан шеър тўқиб юборган:

Юз қизил, лаблар қизил,
«Бармоқ» учи ҳам қип-қизил.
Қош қаро, кўзлар қаро,
Ҳеч бўлмасин бахтинг қаро.

Шоирнинг шу шеърни тўқиганига олтмиш бир йил бўпти. Уша доктор хотин ҳозир борми-йўқми, худо билади. У тўғрида буюк шоир тўқиган тўрт сатр шеър ҳалигача давраларда ўқилади. Кўрдингизми, шоирларни худо ошиқ қилиб яратган. Ким билади, ҳозир кўча бетидан таманно билан келаётган келинчакка девонавор тикилиб турган шоир йигит ғазал тўқийтгандир. Унинг хусни жамолини дилига кўчираётгандир.

Ҳаммаёқ гулга, қушлар чуғурига тўлган. Уйқуси бузилиб қовоғи салқиган бўй қизлардан муҳаббат хиди келяпти. Айни шундай кезларда шоирларнинг ҳам «мов маҳали» бошланади.

Келинчак шундоққина шоирнинг ёнидан ўтиб, сал наридаги ўнг кўчага бурилиб кетди. Кўчаю бекатда қалампирмунчоқ хиди қолди.

Ушбу тарихга дахлдор санани эслаб қолинг, азиз ўқувчи! Бу 1973 йилнинг авжи баҳори. Пешин пайти.

Орадан тўрт кун ўтиб «Наманган ҳақиқати» газетасида шоир Ҳабиб Саъдулланинг «Кўчамдан жонон ўтганда» деган фазали босилди. Газета кўлма-кўл бўлди. Чойхоналарда, сартарошхоналарда, автобус бекатларида ғазалхонлик қизиб кетди. Туғуруқхонада тўлғоқ тутиб, инграб ётган хотинларнинг газета талашлиларини айтмайсизми! Ҳатто кар-соқовлар мактабида ўқитувчи бармоқ ҳаракатлари билан болаларга шу ғазални ўқиб бераётганини айтсам, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг — ўзингиз биласиз.

Орадан яна бир ҳафта ўтиб шу ғазални Камолиддин Раҳимов телевизорда завқ-шавқ билан куйлаб берди. Ул-гирганлар қўшиқни магнит тасмасига ёзиб олдилар. Шу қўшиқдан кўп нусха кўчириб олган «лентафуруш» уларнинг ҳар биттасига отасининг нарҳини қўйиб Наманган бозорида пуллай бошлади.

Шу тарихий санага бугун йигирма етти йил бўлди. Узоқ сафарга отланган ғазалнинг дастлабки йигирма етти қадами эди бу.

Шоирни маст-аласт қилган, юрагига чўғ ташлаган Наманган гўзали тарих пиллапояларининг йигирма етти поғонасига қадам қўйди.

Бу юрт шеърият майдонида наъра тортган Бобораҳим Машрабнинг юрти. У то дорга осилгунча ғазал ўқишдан тўхтамади. Дор сиртмоғи тортилгандан кейингина бўғзида ғазал узилди. Машраб Наманганни Фазлийга қолдирди. Водий шоирларини лол қилган Фазлий энди шеърият боғини Нодим Намангонийга, Нодим эса олим ва зукко шоир Исоқхон Ибрат қўлига топширди. Неча юз йиллардан бери Наманган шоирлари шеъриятни ерга туширмай, каптарнинг боли паридек авайлаб, унга гард юктирмай бизнинг кунларга етказиб келдилар. Буюк салафларимиз ардоқлаган шеърият муносиб ворис Сўфизода чекига тушди. Сўфизода уни ғуборлардан тозалаб, бутун вужудидан шеър ёғилиб турган оташнафас Усмон Носирга узатди. Ҳар бир сатри ушлаган қўлни куйдирадиган лахча чўғдек шеърлар ижодқори Усмон Носирдан ўзбекистон ёшларининг энг сеvimли шоирига айланди. Ёш умри Сибирь ўрмонларида хазон бўлган шоирнинг етим қолган қаламини буюк ҳурмат ва эътиқод билан ҳамюрти Набихон Чустий қўлига олди.

Чустий қанчадан қанча ўйноқи ғазаллар битди, у хофизлар севиб куйга солган ғазалларининг муносиб давомчисини кутарди.

Учратса Намонгон ила Қашқар йўлагинда

Айлангай эди Машраби девона кўзингдан,
деган бетакрор сатрлар сохибидан мерос олувчи унинг ўзидек истеъдод эгаси бўлиши керак эди.

Оққан дарё оқаверади дегандек, шеърият ўзани қуриб қолмади. Ҳабиб Саъдулла деган дарёдил бир шоир майдонга чиқди.

Бу юртнинг баҳорию олис тарихидан то шу кунгача яшаб ўтган шоирлари тўғрисида шошилмай хўп гапирдим. Энди шу гул юрти, гўзаллар масканининг булбулзабон шоири Ҳабиб Саъдулла тўғрисида гапирмоқчиман.

Ҳабибнинг отаси Сайдуллоҳон почча ҳеч кимнинг эсига келмайдиган ғалати ишларни ўйлаб топадиган жиндак ҳазилкаш, жиндак қувгина одам бўлган.

Ҳабибнинг онаси Мукаррамхон аяни мухбирларга ўхшаб гапга тутаман.

— Аба, почча пича чўтир бўлганлар, дейишади, шу гап ростми? — дейман.

— Раҳматлини чўтир демаса ҳам бўларди. Сал будирроқ бўлганлар. Аммо будирлари ўзларига жуда ярашган эди. Соддалигим курсин, будирликларини бир йилгача сезмабман.

— Почча билан ЗАГСдан ўтмаган экансизлар, деб эшитгандим.

— Мулла ўқиган никоҳ билан яшагандик.

— Сайдуллоҳон почча жуда қизиқчи одам бўлганлар, дейишади.

— Шундоқ, у кишининг қилган ишларини тайёр минатура деса бўлади. Ғирвонлик бир чўтир киши ёнимиздан ҳовли олиб кўчиб келганди. Бечора ғирвонлик бўлганда ҳам ҳаддан ташқари ғирт ғирвонлик эди. Уни ҳатто ғирвонликларнинг ўзлари ҳам, содда бўлмай кетинг, нима бало, ғирвонликмисиз, деб эрмак қилишарди. Бир куни Сайдуллоҳон почча ишга шошилиб кетаётсалар, ғирвонлик эшиги олдида турган экан. Сайдуллоҳон унга, нима қилиб турибсиз, қочмайсизми, дептилар.

— Нега қочаман, кўшни? — дейди у хайрон бўлиб.

— Э, хабарина йўқми, Наманганда жами чўтирларни тутиб, поездга босиб, узоқ юртларга обориб ташлапти. Қочинг, тезроқ қочинг, ҳукуматнинг қўли етмайдиган узоқроқ жойга қочинг. Мен ҳам бола-чақа билан хайрлашиб, бошим оққан томонга қочиб кетяпман, деб йўлла-

рига кетаверибдилар. Бечора кўшнимиз шу кунiek ғойиб бўлади. Бир ярим йилдан кейин неваралари уни Поппинг тоғлар орасидаги Чодак деган қишлоғидан топиб келишади.

Ҳабибулла битта бўлса ҳам ўнта боланинг ўрнини босадиган эсликкина, эркагина, инжиқкина ва лекин қувгина бўлиб вояга етади. Мукаррамхон аба уни ерқўкка ишонмай, кўзига тикилиб ялагандек қилиб ўстиради. Китоб кирмаган шу хонадондан шоир чиққанига ҳеч ким ажабланмади. Чунки отаси Сайдуллохон почча суҳбати ширин, сўзамолгина, ҳар қандай гапга чечан одамни ҳам оғзига қаратадиган, шоир бўлмаса ҳам шоирдеккина одам эди. Бу жиҳатлари билан Ҳабиб отасига тортди. Бўлғуси шоир бутун Наманган вилоятига машҳур 5-мактабда ўқиди. Зехни ўткирлиги, китобга ўчлиги билан ўқитувчилар назарига тушди. Ҳабиб ўқиган мактабни дуо теккан мактаб дейишади. Билимдон ўқитувчилар тасодифан йиғилиб қолганми, ё атайлаб шу мактабга сара ўқитувчилар юборилганми, ҳарқалай бу мактабни битирганлар Наманган вилоятининг кўпчилик шаҳар ва туманларида раҳбарлик лавозимларида ишлаб келмоқдалар. Бу мактабни раҳбар тайёрлайдиган «академия» деб таърифлашади. Қайси туманга борманг ё ҳоким, ё ижроқўм, ё маориф мудир, ё бошқарма бошлиғи 5-мактабнинг собиқ ўқувчиси бўлиб чиқади.

Бу мактабдан бутун мамлакатда ном таратган санъаткорлар, олимлар етишиб чиққан. Шоир Ҳабиб Саъдулла ҳам ана шуларнинг биридир. Мен ижод ишлари билан вилоятларга кўп бораман. У ерларда дўстларим кўп. Айниқса, адабиёт аҳли билан ака-ука, ота-бола бўлиб кетганмиз. Улар орасида ниҳоятда таланти ижодкорлар бор. Эртанги адабиётимизнинг устунлари бўладиган шоирлар, носирлар навбат кутиб турибдилар. Лекин улар орасида адабиёт дастурхонидан ризқ-насибасини териб, ғимирсираб юрганлари ҳам бор. Бунақалар ҳамма вақт бўлган. Навоий бобомиз даврларида ҳам, ундан кейин ҳам адабиётга адашиб кириб қолганлар бўлган. Уларга, сен ёзма, деб бўлмайди. Қалам уники, қоғоз ўзиники, майли, ёзаверсин. Вилоятимизда қалам аҳлига эътибор кам, бизни қадрламайдилар деб нолийдиганлар ҳам шулар.

Гапнинг очигини айтсам, ҳеч бир вилоятда Ҳабиб Саъдулладек ўз юртида шу даражада қадрланган шоирни кўрмадим. Юрт ғамига ғамгузор бўлган, қувончига қувонган инсонгина бундай ҳурматга сазовор бўлади.

Уч келин, икки куёвнинг қайнотаси, ўн неваранинг буваси Ҳабиб рўзгор ишларига ўралашиб хонанишин бўлиб қолмади. У ҳамма вақт халқ ичида бўлди. Унинг ташвишларига шерик, дардига ҳамдард бўлди. Мушкулени осон қилиш учун бир фидойи фуқаро бўлиб хизматини қилди.

1991 йилнинг декабрида бўлган Наманган воқеаларини бир эсланг. Тохир Йўлдош деган бир худо қарғаган боши бузук бола Отавалихон масжидида ғалаён кўтариб, халқ кўнглига қутқу солмоқчи бўлди. Онги етилмаган лақма кишилар унинг ёлғон-яшиқ гапларига ишониб орқасидан эргашдилар. Ўша кунлари Ҳабиб уйида пусиб ётмади. Ҳокимият тепасига чиқиш нияти тушида ҳам, ўнгида ҳам безовта қилаётган телбаларни фош қиладиган дoston ёзди. Шу воқеалар авж олиб турган пайтда «Тазарру» дostonи дунёга келди. Дoston ўша кунгидеки вилоят радиосида, телевидениесида қайта-қайта ўқилди. Вилоят газетасида босилди. Эртасигаёқ алоҳида китобча қилиб тарқатилди. Ҳали қони совумаган, жазаваси босилмаган жангариларнинг муштга айланган панжалари ёзилиб кетди. «Тазарру» бир тиниқ ойна бўлиб ўзларини ўзларига кўрсатиб қўйди.

Ношукурлар қилган бад корлар сабаб,
Кўнгилларга етган озорлар сабаб,
Эътиқодлар тушган бозорлар сабаб,
Ер ютмаса эди бизни, Оллоҳим!

Ё, раб, биз иймонни бозорга солдик,
Диёнат, виждонни бозорга солдик,
Каломинг — Қуръонни бозорга солдик,
Ўзинг кечиргайсан бизни, Оллоҳим!

Оқибат нима бўлди? Тохир Йўлдошга эргашган лақмалар ўзларини четга тортдилар. Қўлда ясалган сунъий «Йўлбошчи» яккаланиб қолди. Тохир Йўлдош аллақайси омбур тешигидан думига бойланган патнисни дарангла-тиб чет элга «сафар қочди» қилди. Унинг ёлғон-яшиқ гапларига ишонганлар уятдан бошларини кўтаролмай, юзлари шувут бўлиб, хамюртлари кўзларига қараёлмай қолдилар.

«Тазарру» дostonи наманганликларни ўзларини ўзлари англаш жараёнига муносиб ҳисса қўшган ва Ҳабиб Саъдулланинг жасур, матонатли шоир эканини намойиш қилган асар эди.

Ҳабибнинг ўтган йили 16 февралда Тошкентда бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеа тўғрисидаги «Жароҳат» достони қурбон бўлганларнинг хонадонларида мотам маъракалари ҳали давом этаётган пайтда яратилган эди.

Ватан, сенга отилган ўк
Менинг кўксим тешиб ўтгай,
Сенинг жисмингдаги оғриқ
Менинг жонимни оғритгай.
Агар ёш оқса чашмингдан
Оқур икки кўзимдан қон,
Оҳ урсанг гар, менинг оҳим
Шарори дунёни тутгай.

Ҳабиб вилоят ижтимоий ҳаётига фаол аралашадиган шоирдир. У қўлга киритган мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси билан ҳам халқ меҳрини қозонган ижодкордир. Унинг турли йиғинларда, маъракаларда ғоятда муҳим масалалар тўғрисида сўзлаган нутқлари чинакам эл шоири эканини намойиш қилган.

Унинг эллиқдан ортиқ бири-биридан таъсирли шеърларига куй басталаниб Камолиддин Раҳимов, Нуриддин Ҳамрокулов, Ўринбой Нуралиев, Боқижон Сатторов, Турдиали Сайдуллаев каби машҳур ҳофизлар ижро қилаётган қўшиқларини халқ жон қулоғи билан тинглаяпти.

У нашр қилдирган ўн бешдан ортиқ шеърый тўпламлари китобхонларнинг жавонларидан ҳаминшалikka жой олган.

Халқимизни буюк келажак томон собитқадамлик билан етаклаётган мухтарам Президентимизнинг қайта сайлови арафасида Наманган вилояти бўйича унинг ишончли вакили бўлиш бахти шоир Ҳабиб Саъдуллага насиб қилди.

Мен боя ҳеч бир вилоятда шу даражада кадрланган шоирни кўрмадим, деб айтган эдим. Ҳабиб бундай иззат-ҳурматга фидойи меҳнати билан, халққа, мустақил мамлакатимизга меҳри-муҳаббати билан эришган ижодкордир. Наманган халқи ўзи ардоқлаган шоирини мамлакат Олий Мажлисига депутат қилиб сайлагани ҳозиргина айтган гапларимизнинг рад қилиб бўлмас исботидир.

Давлатимиз эса суюкли шоиримизни «Халқ шоири» деган шарафли унвон билан тақдирлади...

Яна баҳор келди. Жанубдан қайтаётган лайлақлар омонмисизлар, дегандек Наманган устида бир айланиб, Мингбулоқ тарафга ўтиб кетди.

Бошига каттакон тугун қўйиб мураватдан қайтаётган (никоҳ тўйи арафасида келиннинг уйида ўтказиладиган муборакбод зиёфат) қайвони хотин кўча супуриб турган келинчак олдида тўхтади:

— Баракалла, қизим! Ховли супурган келин қайнота билан қайнонанинг, кўча супурган келин эл-юртнинг дуосини олади. Ия-ия, ёқаси йўқ қўйлак кийибсила-да! Этагинг болага тўлгур, энгашиб кўча супураётганингда бир қўлда супургини, бир қўлда ёқани жуфтлаб ушлана, маммаънага номаҳрамнинг кўзи тушутти. Гапимга хафа бўлмаъсилла. Янги тушган келинга етти маҳалланинг хотинлари қайноналик қилади. Бўлди, бошқа гапирмаъман.

Хотин сал нари кетиб яна тўхтади:

— Энгашиб, кейин қад ростлаганда орқа этакни бир томонга сал тортиб қўйуна. Шунда бегонага кулги бўлмаъсила.

Келинчак унинг орқасидан кулибгина қараб қолди.

Яна ўша бизга таниш автобус бекати. Яна ўша оппоқ бўлиб гуллаган беҳи. Унинг тагида хаёлга толиб яна ўша шоир паришон турибди. Орадан кўп йиллар ўтган. Шоирнинг жингала сочларига оқ оралаган. Лочиннинг кўзи-дек кўкимтир кўзлари атрофга хаёлчан боқади.

Кўчанинг нариги бетидан яна ўша йигирма етти йил аввал шоирнинг шеърига тушган аёл таманно билан, битта-битта босиб келяпти. Ажаб, аёлларни ўттизда ўтин бўлади, дейишарди. Бу аёл ҳамон ўша-ўша. Шеърдек яп-янги.

Шоир устози Миртемирнинг водийда гўзал бир аёлга ногаҳоний рўбару келиб қолганида ёзган шеърини эслади.

Сен баҳорги тушсан, булоқда сувсан,
Бунақа чиройга арзир чўксанг тиз.
Фақат найлай, хануз кўркинг пардалик.
Салом берар бўлсам олмасдинг алик,
Эй, олтин водийнинг жаннат чечаги.
Хатто қуёшга ҳам севги солгудай,
Юз шоир хаёлин бандга олгудай...
Мен хануз йўлингда саргардон овчи.
Сен асов жайрондай ғойиб бўлдинг
Ҳамон сўроқлайман: қайдасан, сулув?

Бу шеър Ҳабиб Саъдулланинг юрагида кўп йиллардан бери муҳрга ўйилгандек қолиб кетган эди.

Аёл кўчанинг бу бетига ўтиб шоир томон кела бошлади. Бекатда ўтирган шумгина бола чўнтагидан совун кутусидек магнитофонни олиб, тугмасини босиб кўйди. Унда Камолиддин «Кўчамдан жонон ўтганда» кўшиғини хониш қиларди. Шоирга яқин келиб қолган жувон ялт этиб бекат томонга қаради. О, унинг кўзлари! Бунақа кўзлар фақат Навоий замонидаги мусаввирлар чизган келинчаклардагина бўлади. У кўзларнинг ҳар бирига икки жуфтдан лаб жо бўлади.

Аёл шоир олдига келиб:

— Фазал учун раҳмат, — деди паст товушда.

— Ўзгармабсиз, ўша кўрганимдексиз, — деди шоир унга.

— Қаримабсиз, демокчисиз шекилли. Энди мен қари-майман. Шеърга айланган аёл асло қаримайди.

У шундай деятуриб кўксига босиб олиб келган чувт дўппини унга кийдирди.

Дўппи иссиқ эди. Унга тенгсиз гўзал аёл кўксининг харорати ўтган эди.

Дўппидан калампирмунчоқ аралаш аёл ҳиди келарди.

2000 йил 7 март.

ЖОМДАН ЧИҚҚАН ЁЗУВЧИ

Ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст 50 ёшга кирибди. Албатта бу — одамни ҳайрон қолдирадиган янги гап эмас. Яшайвергандан кейин элликка эмас, етмиш-саксонга ҳам кираверади. Мана, биз ҳам саксонни уриб кўяй деб турибмиз-ку. Гап унинг қандоқ яшаб, нималар қилиб, юртига, одамларга қандоқ хизмат қилиб эллик ёшга кирганида.

Муродни яхши биламан. У экологик тоза бола. Чаққонгина, гапдонгина, оз-моз «айёргина» укагинам тўғрисида, албатта, яхши гапларимни айтаман.

Менинг ҳам ўзимга яраша дўст-душманларим бор, улар «Қариганинга ўзингдан ўттиз йил орқада қолиб кетган одам (Мурод мендан ўттиз йил кейин туғилган) тўғрисида ёзишинг шартми?» дейдилар. Шарт! Биродарлар, шуни ёзмай, кимни ёзаман. Мен боя Муродни «айёргина» бола дегандим. Айёр бўлмаса, уруш тугасин, шу уруш етказган жароҳатлар битсин, кейин тувиламан, деб пайт пойлаб ўтирмасди. У 1949 йилда, тинчлик замонининг дастлабки фуқаролари қатори дунёга келган.

У пайтларда Сталиннинг чирмандаси роса тобига келган, чертсанг-чертмасанг тараклайдиган пайтлар эди. Мактаб болалари «Сталин менинг дадам» дейишарди. Галатепалик бир мактаб боласи «Менинг дадам иккита» деб шеър ёдлаётганда дадаси эшитиб қолиб, э, ҳали шунақами, деб хотини билан бир ҳафта гаплашмай қўйганди.

Худонинг меҳрибончилигидан ўргилай, Муроднинг тили чиққанда Сталин нариги дунёга равона бўлганди. Омади келган Мурод битта, ўз дадасининг боласи бўлиб катта бўлди.

Мен Мурод туғилган Жомга, у ўйнаб катта бўлган Галатепага ҳам бормаганман. Лекин кўрганман. Галатепалик ажойиб покиза инсонлар билан суҳбатлашмаганман. Аммо танийман. Ўттиз-қирқ одам орасида битта галатепалик бўлса, дарров таниб оламан.

Умрида холва емаган бир одам бозорда холвани татиб кўриб, сотувчига «Жуда ширин экан, эси йўқ, шундоқ нарсани сотиб, пулига нима олиб ейсан» деган экан.

Жомдек, Галатепадек сўлим, жаннатнинг филиалини ташлаб бошқа юртларга қочганларга қараб, шундоқ юртни ташлаб қандоқ юрт топдинг, бу тоғлар, яшил ўрмонлар, шарқираб, тошдан-тошга урилиб тушаётган жилғалар тушларингга кирмайдими, нодон, дегинг келади.

Мурод аввал Тошкентда, кейин Москвада ўқиб юрган кезларида бир он бўлсин қадрдон она қишлоғи кўз олдидан кетмади. Боши булутни салла қилган чўққилари, ҳаммаёқни қор босганда дон тополмай, эшиги очик қолган ошхоналарга, қўйхоналарга емак излаб келган какликларнинг маъюс овозлари, саҳар пайти хонадонларда пиширилаётган сут ҳиди, арча шохлари ёқилган тандирларга ёпилган хамири сутга қорилган нонларнинг димокни қитиқловчи ҳидлари унга уйқу бермасди. Галатепа томон талпинарди. Қувликни билмаган, дўлвор, меҳнаткаш ҳамқишлоқларининг соғинчи... Уни ана шу соғинч ёзувчи қилди. У сўз билан юрт сувратини чиза бошлади.

Шу соғинч «Галатепага қайтиш» деган қисса бўлиб қоғозга тушди. Шу соғинч «Дашту далаларда» бўлиб, «Мустафо» бўлиб, «Галатепа қиссалари» бўлиб адабиёт дарёсига келиб қўйилди.

Машҳур созанда Абдуқодир найчи шогирдларига: най чалаётганингда кўшиқ сўзларини ичингда такрорлаб тур, кўшиқда тасвирланаётган манзараларни кўз олдинга келтир, деб ўргатар эди. Мурод ҳам бу қиссаларни ёзаётганда Галатепа манзараларини, содда, қувликни

билмайдиган ҳамқишлоқларининг чехраларини кўриб турарди. Нон ёпаётган Гулсара момонинг тандир яллиғида кизиб кетган зирагига кафтида тез-тез муздек сув босаётганини, онасини эмаётган бузоқнинг елинни ийдириш учун дўнг пешонаси билан туртишини, йилига энг камидан икки мартадан, керак бўлса-бўлмаса лой қордирадиган, бирон йигирма йил қўйиб берса, бутун бошли қишлоқдан минг-минглаб гувала қуйдириб Галатепани тептекис қилиб қўядиган Мустафони, салтанатини сабабсиз сотиб қўйиб, пулига иккита оқ эшак олганидан пушаймон бўлиб юрган Ғуччи чавандозни, қўчқор сўйганда керакли жойини ўзига олиб қўядиган Болта қассобни, Ибодилла Махсумдан тортиб Пириқул молиягача ҳамма-хаммаси кўз олдида, мени ёз, мени ёз, деб тургандек бўларди.

Буларнинг ҳаммаси тирик одамлар. Улар Галатепа деган мамлакатнинг фидойи фуқаролари эди.

Муроднинг қиссаларини, айниқса Давлат мукофотига сазовор бўлган «Лоззор» деган гўзал романини ўқиганда Галатепа тарафларга қўчиб кетгинг келади. Ибодилла махсум, Мустафо, Райимали оқсоқол, Ғайбаров, Ғуччи чавандозлар билан дўст тутингинг келади.

Адабиётнинг, тўғрироғи ёзувчининг энг буюк вазифаси ўз халқини бошқа халқларга кашф қилиб бериш, уларнинг меҳрини уйғотиш. Агар шу нуқтадан туриб қарасак, Мурод Муҳаммад Дўст ўз вилоятдан нарига йўл тополмайдиган баъзи маҳаллий «классик»лардан кескин фарқ қилади. У мулло ёзувчи, кенг ва қамровли фикр қилади. Зарур гапларни билиб-билиб айтади.

Илгарилари ўрисчага уста ёзувчиларга хавасим келарди. Негадир улар XX аср охирига келиб тутдек тўкилиб қолишди. Чунки улар бошқа тилда ўйлаб, бошқа тилда фикр қилиб ўзбекчага ўхшатиб ёзишарди. Ёзганлари гўё бошқа тилдан ношуд одам таржима қилган жўнгина бир нарса бўлиб қоларди. Ўз халқининг ёзувчиси бўлиш учун Ғафур Ғуломдек сўзни ўйнатадиган, файласуф Ойбекдек ўзбекона фикр қиладиган, Қодирийдек ўз тилининг энг майда зарраларигача қўраоладиган ва уни ўқувчисига рангин бўёқларда етказа оладиган, Қаҳҳордек тўппончанинг ўқидек қисқа ва ўткир тил эгаси бўлиши шарт. Тил билмаган ёзувчи орқа этагини ёпиб адабиётдан ўз ихтиёри билан чиқиб кетгани маъқул.

Бу жиҳатдан Мурод ўта миллий ёзувчи. Айниқса унинг «Мустафо» қиссасида тасвирланган кишилар ўқувчининг хотирасига маҳкам ўрнашиб олади.

Қиссада тасвирланган кишилар бири-бирига ўхшамайди. Ёзувчи уларнинг ҳар бирига алоҳида тил, алоҳида хулқ-атвор берган. Уч ака-ука Пиримкул молия, Эшмамат, Мустафо — улар бошқа-бошқа олам. Пиримкул молиянинг хотини Саломат — ёши анча қайтган хотин. Лекин у чимилдикдан чиққан келинчакдек ясан-тусанни қанда қилмайдиган, андақкина беҳаё жувон. Мустафонинг хотини Гулсара эса фақат, фақат меҳнатни билади. У Мустафо учун яшайди. Ҳар ишда унга тирак. Мол-ҳолга қарайди. Экинларни суғоради. Керак бўлганда чопиқ ҳам қилади. У ҳавойи гапларни билмайди. Уйим, жойим деган хотинлардан.

Муроднинг деярли ҳамма қиссаларида Ибодилла Махсумнинг ҳовузи тасвирланади. Бу ҳовуз ҳаммага керак. Ҳамма ундан бирдек сув ичади. Ҳовуз шундоққина Мустафонинг уйи тўғрисида. Бу ҳовузни Галатепанинг «Оби замзами» деса арзирди. Бу ҳовуз Галатепанинг Қора денгизи, Иссик кўли, Каспий денгизи. Бу ернинг одами қай юртга борса даставвал шу ҳовузни соғинади. Ибодулла маҳсум ҳадеб экинига сув очадиган, бўлар-бўлмасга лой қорадиган Мустафога, ҳой, бу ҳовуз энангни маҳрига тушганми, сувга қачон тўясан, бунақада ҳовузни Оролга ўхшатиб қуритасан-ку, деб ҳазил қилади.

Дарвоқе, Галатепанинг номи тўғрисида. Аслида у Галатепа эмас, бу номни ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст қўйган. Бу жойни биров Галлатепа деса, бошқаси Ғалватепа дейди. Ким қандоқ хохласа, шундоқ атайверади.

Мақоламнинг аввалида Муродни ўттиз йил орқада қолган дегандек гап қилган эдим. Тавба қилдим, хато қилган эканман. Боласи тушмагурнинг оёғи узун экан, ўзидан катта кўп ёзувчиларга етиб, баъзиларидан ўтиб ҳам кетибди. Фафур Фулом айтгандек, «Ҳаётда ташланган қадам эътибор» экан.

Ҳозир Мурод Муҳаммад Дўстда эллик ёшли йигитнинг қуввати, олтмиш ёшли оқсоқолнинг ойнак тақмайдиган синчков кўзи, етмиш ёшли отахоннинг донолиги барқ уриб турипти.

Энди саксон ёш масаласига келсак, мени ҳамма вақт «отахон, отахон» деб юрган Муродга айтишлар, шошмасин. Мендан ўтиб кетаман деб уринмасин, агар шундоқ қилса, илло-билло рози эмасман. Эски китобларда «Атодин олдин юрмоқ хатодир» дейилган. Шу гап эсидан чиқмаса бўлгани.

ФАРФОНАДА БИТТАГИНА

(Кулиб-кулиб, жилмайиб ёзилган мақола)

Қовун танлашни билмасанг, хунугини ол, чиройли қовун кўпинча бемаза чиқади, дейишади.

Мен ҳам шогирд танлашда шу усулни қўлладим. Фарфона томонлардан келган ёзувчи Анвар Обиджон жуда менбоп шогирд чиқиб қолди. Ўхшатмасдан учратмас, деганларидек, ҳуснда ойни уялтирадиган бир чиройли устоз-шогирд бўлдик.

Анваржон — Олтиариқнинг боласи. Бу юрт тўғрисида қанчадан-қанча ичакузди латифалар тўкилган. Футбол ўйинида тўп бегоналар дарвозасида қолиб кетмасин, деб фақат ўз дарвозасига тўп туширадиган, қопимни ўғри олиб кетмасин, деб елкасида бир қоп бодринг билан дарёда чўмиладиган, эшагимни чўмилтираман, деб ҳаммомга олиб кириб, ходимгардан калтак еган, товуқлари тухум туғмай қўйганда хўрозни хезалак, деб сўккан йигит Олтиариқнинг Полосонидан эди. Ана шу хўрозни, қирқта хотинни олиб қўйиб, Худоёрхонга ўхшаб ётаверасанми, жувонмарг, дон топиб келмаганинга яраша анаву очофат товуқларининг кўнглини олсанг-чи, қирилгур, деб қарғаган шу полосонликнинг заифаси эди.

Мен шогирд танлашда худди идораларнинг кадрлар бўлимига ўхшаб иш тутаман. Бўлғуси шогирд қаерда туғилган, қандай муҳитда ўсган, дўстлари ким, қариндош-уруғлари қандоқ одамлар, ҳамма-ҳаммасини билиб олишим шарт.

Шогирдимнинг таржимаи ҳоли билан танишганимда куйидагиларни аниқладим. Анваржон туғилган Полосон қишлоғида сурункасига ҳамма доно одамлар бўлган экан. Шунча дононинг бир жойга тўпланиши кўп безовталикларга сабаб бўларкан. Насихат қиладигани кўп-у, бошини эгиб, қулоқ соладиган кам. Ана шундан жанжал чиқиб, қишлоқ иккига бўлиниб кетди. Наманганнинг Фирвон деган қишлоғидан бир доно вакил келди. Бу одамни бутун Фирвон аҳли астойдил ҳурмат қиларди. У донолиги, билафонлиги билан, одам таниши билан машҳур бўлиб кетган. Худди мана шу доно одам ажралишиб кетган хотинини танимай, унга ошиқи беқарор бўлиб, яна икки марта уйланган, ҳар гал уйланганда, энди хотинга ёлчидим, деб қувонган пишиқ-пухта одам эди.

Шундоқ одамнинг вакил бўлиб келишидан полосонликларнинг бошлари осмонга етди. Шу доно вакилнинг маслаҳати билан ҳар ўттизта донога биттадан нодон қўшиб рўйхат тузилди. Рўйхат ёзилган қоғоз қоқ ўртасидан қайчи билан қийилиб, буниси Шакарқишлоқ бўлсин, мана буниси Ширинқишлоқ бўлсин, деди. Ғирвонлик меҳмон ниҳоятда доно бўлганидан унинг гапини икки қиладиган бошқа доно топилмади. Қўйилган шартга ҳамма жон-дили билан рози бўлди.

Кечқурун ғирвонлик доно эшагини қўйган жойидан тополмайди. У эшагини Олтиариқ-Қўқон йўналишида қатнайдиغان автобуснинг орқасидаги илгагига боғлаб қўйган экан. Шундай қилиб, ғирвонлик доно эшагидан айрилиб, қишлоғига пиёда қайтиб кетади.

Анваржон тўғрисида жиддийроқ бир гап айтишим мумкин эди. Бироқ олтиариқликларнинг жиддий гапга унча ҳуши йўқ. Ушбу мақолани уларнинг илтимослари билан ҳажвийроқ қилиб ёзяман.

Олтиариқда ким кўп, шоир кўп. Улар Тошкент бозорига бодринг олиб борганларида, нашриётларга, редакцияларга шеърий тўпламларини ташлаб келадилар. Кузда турп сотгани борганларида, қўлёмаларини қайтариб олиб келадилар.

Фақат қўлёмалардан иборат бўлган Полосон кутубхонаси жавонларига ана шундай «босиб бўлмайди», деб нашриёт печати босилган қўлёмалар сизмай кетди. Шакарқишлоқ доноларининг маслаҳати билан кутубхона иккига бўлинмади. «Халқ бойлиги» талон-тарож бўлмасин, деб «қўшма кутубхона» номи билан сақлаб қолинди. Кутубхона фонди йилдан-йилга бойиб боряпти. Афсуски, Олтиариқнинг фахри бўлган Анвар Обиджоннинг биронта қўлёмаси фондда йўқ. Фондга олиш учун устида «босилмайди» деган печат бўлиши керак.

Шундай қилиб, келажак авлод Анваржоннинг ижоди билан танишиш имкониятидан маҳрум бўлди.

Ҳозир икки қишлоқ доноларининг келишувига биноан, қўшма кутубхона «Қўлёмалар институти» деб номланади.

Шакарқишлоқ ҳам, Ширинқишлоқ ҳам жуда обод жойга айланди. Агар бу гапларга ишонмасангиз, бориб кўришингиз мумкин.

Кирза этикнинг тагчармини ҳам тешворадиган қиррали шағал тошлар тўкилган йўл бошига «СТОП! ОЕҚ КИЙИМИНГИЗНИ ЕЧИБ КИРИНГ!» деган огоҳландирувчи белги қўйилган бўлса, албатта, Шакарқишлоқ шу жойдан бошланади, деб билинг.

Агар тупроғи тўпикқа урадиган, мусича қўнса қанотининг шамолидан тўзон кўтариладиган йўл бошига «СТОП! ОЕҚ КИЙИМЛАРИНГИЗНИ АРТИБ ТОЗАЛАБ КИРИНГ ВА ЯНА ЭШАГИНГИЗНИНГ ОРҚАСИГА ТЎРВА ОСИБ ҚЎЙИНГ!» деган огоҳлантириш белгиси қўйилган ёзувга кўзингиз тушса, бу, албатта, Ширинқишлоқ бошланиши, деган гап.

Ҳар иккала қишлоқнинг байрамларда кўтариб чиқадиган ўз байроғи бор. Шакарқишлоқнинг байроғи оқ, Ширинқишлоқники оппоқ.

Шакарқишлоқликлар Ширинқишлоқда тўй бўладиган куни уйига меҳмон чақиради ва меҳмонни, албатта, ўша тўйда яхшилаб едириб-ичириб жўнатади. Шакарқишлоқликлар йиғилиб қолган эски калишми, махсими, ковушми, латта-путталарми — барисини шамол Ширинқишлоқ тарафга қараб эсаётганда куйдиришади. Шакарқишлоқликлар гўрковларига тилла тиш қўйдириб беришган. Ширинқишлоқликлар ювғувчилари-ғассолларига японский соат олиб беришган...

Анваржоннинг таржимаи ҳоли ва анкета саволларига берган жавобларидан унинг қандай муҳитда вояга етганини, кимлардан тарбия олганини аниқ билиб олдим. Ва қаноат ҳосил қилдим.

Анвар Обиджон ўзи туғилиб ўсган Олтиариққа шу қадар муҳаббат қўйганки, бутун ижоди давомида ўз юртини эҳтирос билан, буюк ҳурмат билан куйлаб келади. Айниқса туғилиб ўсган Полосон қишлоғи дунёдаги энг гўзал, энг бебаҳо юрт бўлиб туюлади унга. Бу жойнинг хилма-хил қиёфадаги дўлвор, шу билан бирга, танги, ҳар бир гапининг тагига яна бир маъно жойлайдиган кишилари, ниҳоятда ширали, ҳазилга мойил, эшитган одамнинг юзига табассум пуркайдиган образли сўзлари...

Анваржон шу она қишлоғи, қувноқ ва жиндек қув хамқишлоқлари тўғрисида қанчалаб хикоялар, латифалар, ўқиганнинг юзидаги ажинларини дазмоллаб қўядиган серханда ҳажвлар яратди.

Очигини айтганда, Полосон қишлоғи, унинг хилма-хил табиатли одамлари Анваржонни ёзувчи қилган.

Халқда, аравасига тушсанг, ашуласини ҳам айтасан, деган гап бор. Олтиариқ ҳақида ёзаётганимда, ашуласини ҳам айтаётганимни сезмай қолибман. Теша тегмаган латифалар, турли қиёфадаги қувноқ кишилар, бошқа бирон жойда учрамайдиган воқеалар жилмайиб, гоҳо хандон ташлаб кулишимга сабаб бўлди.

Шу хандалардан бир микдори мақолага сачраган бўлса, ажабланманг.

Мана, ниҳоят, Анваржон Тошкент қайдасан, деб йўлга отланди. Повулғону Файзобод, Арабтепаю Қапчиғай, Хонқизу Янгиқўрғон унинг орқасидан мунғайиб қараб қолгандек бўлди.

Назаримда, унинг ижоди буёғига тошкентчасига жиддий бўлди-ёв деб ўйлайман. Унинг кейинчалик жуда машҳур бўлиб кетган ушбу ғазалидан бир нечта байтни эътиборингизга ҳавола қиламан:

Шоирингни йўлга бошла, ямоқ тушган чорикқинам,
Вале, сарой шоиридан пешонаси ёруққинам.
Ўтиб Риштону Бағдоддан Қўқонга шом кириб борсам,
Кутиб олгай Собир малла, соч-соқоли сариққинам.
Беқобод ҳам бўлур ишғол, қолур ортда Бўка, Пискент,
Кирурмиз Шошга биз мағрур, мадор берса холиққинам,
Жангга телба ёғоч отда кирганидек, далли Гулмат,
Кутар ёғоч қаламдан ризқ... хайр, Олтиариққинам.

Юртидан чиқиб кетган шоирларнинг тақдирини жуда яхши биладиган олтиариқликлар:

— Бобур Андижондан чиқиб кетди, қайтмади. Машраб Намангандан чиқиб кетди, қайтмади. Фуркат Қўқондан чиқиб кетди, қайтмади. Ана энди Анваржон ҳам шундай жаннатосо Олтиариқдан чиқиб кетди. Қайтиб келадими, йўқми, бир худонинг ўзига аён. Қозондек қайнаб турган серташвиш Тошкентда бу лаллайган, бўшашган шоир адашиб-улоқиб қолиб кетмаса гўрга эди, деб кўп афсуснадоматлар чекдилар. Шунда олтиариқлик машҳур тадбиркор Маматожи ота Иброҳимов (худо раҳмат қилсин у кишини), хотиржам бўлинглар, ҳақиқий олтиариқлик бўлса, ўтда ҳам қуймайди, сувда ҳам чўкмайди, деб ғамбода бўлган юртдошларини юпатган эди.

Аммо Анваржон пойтахтда доводираб қолмади. Асли киришимли бўлганидан, ижод аҳлига маъқул бўлди. Битта кичкинагина хонани ижарага олиб, ишдан қайтгач, Олтиариқни, полосонлик қадрдонлар соғинчини шеърга солиб, тунни оппоқ тонгларга улади.

Кетганига бирон йил бўлиб-бўлмай, Анваржон телевизорда лоп этиб кўриниб қолди. Сочлари «попиратка» қилинган, икки чаккасига Пушкинникига ўхшатиб пат қўйган, бўйнида галстук, кўзида ойнак, завқ-шавқ билан ғазал ўқиди.

Телевизор кўриб ўтирган полосонликлар, ёпирай,

ўзимизнинг Анваржонга ўхшайдими, деб бир-бирларига қарашди.

У жуда бошқача бўлиб кетибди. Яхшилаб тикилиб қарамасанг, танимайсан. Аммо олтиариқликлигини тасдиқлайдиган испарапкаси, яъни бурни Полосоннинг бодрингидек мағрур кўринарди.

Орадан тўрт ой ўтиб, Полосоннинг қўшма кутубхонасига Анваржондан ўзи ёзган «Безгакшамол» деган китоби келди. Ҳамқишлоқлар бу китобдан ҳайрон бўлишди. Китоб муқовасига Анвар Обиджон деб ёзилган. Ичидаги шеърлари Уста Гулматники.

Олтиариқда Гулмат деган одам ўтмаган. Анваржон ўзига Уста Гулмат деб тахаллус қўйганмикин, деб ўйлашди.

Тошкент Анваржоннинг ижод булогини қайнатди. Саксон учинчи йилдан то тўқсон тўққизинчи йилгача ўн еттита китоби босилиб чиқди. Бу унча-мунча шоирга насиб қилмайдиган бахт эди.

Асли таги олтиариқлик бўлган шоир Эркин Воҳидов нашриётда бош муҳаррир бўлиб ишларди. Полосонлик қитмирлар, бу китобларни Эркин Воҳидов ёзиб берган, деб гап қилишди.

Қитмирларнинг гапи гаплигича қолиб кетди.

Бу орада Анваржон қаторасига учта пьеса ёзиб, республика Ёш томошабинлар театрида қўйдирди. Албатта, телевизорда кўрган одамлар бўлса керак.

Олтиариқликлардан биттаси Анваржонни қидириб Тошкентга борди.

— Укажон, темир йўл бошлиғи билан гаплашиб, битта вагон олиб берсанг. Америкага турп обормоқчиман. Шу бечораларнинг ҳам турпга оғзи тегсин.

— Юкни вагонга ортиб, ундан кейин пароходга юклаб, шунча овора бўлиб борсангиз-у, у олифталар турп емаса, нима бўлади?

— Емаса нима бўлади, дейсанми? — деди у белбоғидаги қиндан пичоғини суғуриб. Шаҳрихон усталари ясаган пичоқ электр нурида ярқираб кетди. — Емай кўрсин-чи, жон керак бўлса, ейди. Емай қаёққа борарди!

Анваржоннинг ҳикоялари, ҳажвлари, фақат ва фақат полосонликлар тўғрисида. Битта кичкинагина қишлоқ одамларининг қанчалаб адабий асарга мавзу бўлиши, шунчалик хилма-хил, бири-бирига ўхшамайдиган характерлар бўлиши мени ҳайрон қолдирди. Балки водийнинг бошқа туман ва қишлоқларида буларга ўхшаган одамлар бордир? Албатта, бор. Лекин, уларнинг Анваржони йўқ-да!

Бу одамларнинг қиёфасини яратиш учун алоҳида кўз, алоҳида қулоқ, алоҳида фаросат керак. Айниқса, Анваржонникидек олисдан ҳид билувчи алоҳида бурун керак. Мана шу шартларга жавоб Анвар Обиджоннинг ўзидан топилади.

Назаримда, Олтиариқда қанча одам яшаса, Анваржон ҳаммасини танийдигандек, уларнинг сувратларини дилига қизиб олгандек.

Унинг «Олтиариқ хангомалари»ни ўқимаган бўлсангиз, албатта, ўқинг. Ҳузур қиласиз. Китобни ўқиб бўлгандан кейин бирдан ўша томонларга боргингиз келиб қолади. Ўша дўлвор, содда, қувноқ одамлар билан бир пиёла чой устида суҳбатлашгингиз келади. Ердан уч марта ҳосил оладиган — кўкламда бодринг, ёзда макка, кузда турп экиб, киссасини пулга тўлдирадиган асл дехқонларнинг қувноқ давраларида бўлгингиз келади.

Ҳар битта донаси курка товукнинг тухумидек келадиган Олтиариқнинг ҳусайни узумини емабсиз, дунёга келмабсиз. Пайкалларда ястаниб ётган, совлиқ қўйдек келадиган, якка ўғри эплаб олиб кетолмайдиган оқ қовунларини, лабидан шарбат томиб турган, гижда нондек қаҳрабо анжирларини, ҳар бири чойнақдек келадиган ёкут доналари ичидан туртиб пўстини ёрворадиган анорларидан татиб кўрмаган одам, шиша банкага қамалган компотни ичиб, оҳ-оҳ, деб юраверсин.

Анваржон торгина ижара хонада мевалари фарқ пишган юртини соғиниб, аламини қоғоз билан қаламдан олади. Ҳазаллар битади.

Уй эгасининг чуғурлашиб, бир-бирини қувлаб ўйнаётган болаларига қараб, ўз болаларини эслаб кетади. Уларга атаб қизиқ-қизиқ шеърлар битади. Қиссалар ёзади.

Соғинч онлари битилган шеърлар нақадар таъсирли. Унинг болаларга атаб ёзган шеърлари нақадар маъсум. Худди капалакка ўхшайди. Қўл теккизсанг, бирон ерига шикаст етадигандек. Унинг «Жуда қизиқ воқеа» деб аталган бениҳоя гўзал, қувноқ, ўйноқи шеърлар китоби болалар адабиётининг энг нодир асарлари қаторидан жой олиб турибди. Беш юздан ортиқ шеър жамланган бу тўплам болаларнинг энг сеvimли китоби, десам, асло адашмайман. Олтиариқлик юртдошларининг ҳаётини акс эттирадиган 300 дан ортиқ катта-кичик ҳажвий ҳикоялари бугунги ҳажвийтимизнинг сара асарлари қаторида ялтираб турибди.

Булардан ташқари, «Мешполвоннинг жанги», «Аламазон ва Гулмат хангомаси» қиссалари, «Қоринботир»

достони ва қатор пьесалари Анвар Обиджоннинг ҳам катталар, ҳам болалар адабиётига меҳр билан хизмат қилаётганига кафилдир.

Анвар Обиджон қўшиқчилигимизга ҳам баҳоли қудрат ҳиссасини қўшмоқда.

Тошкентдаги бир маросимда ҳофиз «Фарғонада биттагина» деган қўшиқни ижро этаётганда, бир шинаванда шеърни оҳангга, оҳангни ҳофиз овозига ниҳоятда мос келганини қаранг, шеърни қайси барака топкур ёзган экан, деб қолди.

Ҳамроҳи имлаб, даврада ўтирган Анваржонни кўрсатди.

— Бай, бай, бай, ўзиям биттагина экан, — деди шинаванда маъноли илжайиб.

Ўзбек адабиётининг ривожига қўшган катта ҳиссаси учун Анвар Обиджонга «Ўзбекистон халқ шоири» деган фахрли унвон берилди.

Ўша куни Олтиариқ бозорларида турп текин бўлди. Қопи билан тўкиб, ким қанча хоҳласа, олиб кетаверсин, биз чойхонада ош дамлаб, Анваржоннинг унвонини юваниз деб, «бит тўкилди» қилиб бир яйрашди олтиариқликлар.

Бир ошпаз ниҳоятда ҳафсала билан дамлаган ошни ўртага қўйганда, ошхўрлардан бири, бу ош маза қилиб ейишдан бошқа нарсага ярамайди, деганини эшитган эдим. Энди шу гапни Анваржонга қаратмоқчиман.

Анваржон ёзган асарлар маза қилиб ўқишдан бошқа нарсага ярамайди.

Ҳазилкаш ёзувчилар биз тўғримизда, шогирди чиройли, устози чип-чиройли, деган гап тарқатишибди. Хайрият, шуни биладиганлар бор экан, деб хурсанд бўлдик.

2000 йил, 15 апрель.

ЖАЖЖИ ВАТАН СУВРАТИ

Ўзбекистоннинг хонадони. Бу нима?

Ўзбекистон деб аталган каттакон мамлакат ичида ихчамгина, ўз қонун-қоидалари, ўз зиддиятлари, оламга кўз-кўз қилса арзигулик урфларию удумлари бор, енг ичида бўлиб ўтадиган тўқнашувларию «жанг»лари бор бир жажжигина мамлакатдир.

Яқинда, атиги саккиз йил олдин ўз хоҳишимиз билан қурган мамлакатимизга фуқаро бўлмоқ учун аввало их-

чам, атир гулининг бағридек пок шу мамлакатчада имтихондан ўтамыз.

Минг йиллаб орзу қилиб, энтикиб-энтикиб етиб келган беҳишт мисол, эрки ўз қўлида бўлган кўздек ватанга қандоқ фуқаро бўлишимиз мана шу она бағридек иссиқ хонадонда қай тариха тарбия топганимизга, унинг жуда жиддий имтихонидан қандоқ ўтганимизга боғлиқдир.

Турсуной Содиқованинг қўлингиздаги китобини ўқирканман, мана шу ўйларимнинг тасдиғини топгандек бўлдим. Аёллар тўғрисида бундай китоб ёзиш учун албатта аёл киши бўлишдан ташқари, албатта, Турсуной бўлиш керак эканига иқрор бўлдим. Қуш тилини қуш билади, дейдилар. Қуш бўлганда ҳам Турсунойдек сайроқи қуш бўлиши керак.

Яқин ўн йил ичида «қора сўз» билан ёзилган иккита шеърый китоб ўқидим. Бири темирчи Амин бобонинг «Темирчидан қолган тиллолар» китоби бўлса, иккинчиси Турсуной Содиқованинг «Ҳазрати аёл» китобидир.

Китоб асосан аёллар тўғрисида. Унда кўздан яширин, бир қарашда кўринмайдиган ойнак бор. Унда эркаклар олами баъзи-баъзида бир ялт этиб кўриниб қолади. Китобнинг шунақа жойларида муаллиф бир кесак билан икки қарғани уради. Ёки «Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит» қабилида иш тутади.

Шоира болалик оламини тарк этиб, дунёни идрок қила бошлаган кунлардан буён ўз хонадонидан кузатган турли аёллар тақдирини, уларнинг эркак зоти ҳеч қачон тушуниб етмайдиган ўй-хаёлларини, баъзан қувонч тўла, баъзан аччиқ аламлар ўртаган ҳаётини хотирида жонлантирган.

Китобни ўқийтуриб, қатрада олам акс этади, деган иборанинг мағзини чаққандек бўлдим. Бир оилада бутун халқ ҳаёти жуда тиниқ акс этиши мумкинлиги зеҳнимга жойлашиб қолди. Турсуной менга ўзбек аёлини кашф қилиб бергандек бўлди.

Қадимда «Қобуснома», «Насихатнома» каби жуда кўп китоблар бўлган. Турсуной ҳам ўша китоблар удумига берилиб жиндек насихат қилишни лозим кўради ва тўғри қилади. Негадир халқимиз насихатни хуш кўради. Ҳатто кексаларимиз тўй-ҳашамларда ҳофизлардан насихат кўшиқларидан айтишини сўрайди. Шоира шу эҳтиёжни зийраклик билан илғайди. У нима тўғрида гапирмасин, айтар сўзини билиб-билиб айтади. Юракка бориб етадиган қилиб айтади.

Бу ажойиб китобдан атайин мисоллар келтирмадим. Ноёб сўзларнинг охорини тўқмоқдан ўзимни тийдим. Уларни ўзингиз ўқиб мағзини чақасиз, деган умиддаман.

Турсуной жуда нотик аёл. Фикрини қоғозга тушириш олдидан уни оғзига солиб мазасини татиб кўради, жумлани ўнгдан чапга, чапдан ўнгга ўқиб, ортиқча жойларини кертиб ташлайди. Овоз чиқазиб ўқийди, бирон жойида оҳанг бузилган-бузилмаганини сезади. Ҳар бир жумласи ўқишли, тинглашли бўлмагунча қоғозга туширмайди.

Китобга кирган мақолами, суҳбатми, ўй-хаёлларими, ички монологими, насихатларию маслаҳатларининг барчаси зукко тингловчилар назаридан ўтган, «тасдиқланган» асарлардир.

Турсуной тингловчиларнинг кўнглини топадиган зийрак шоира. У шеър ўқиётганда ва ё нутқ сўзлаётганда одамлар чехрасига боқиб туриб жўшиб кетади.

Кейинги пайтларда Турсунойнинг мухлислари кўпайиб кетди. Айниқса, радио орқали сўзлаётганида аёллар қилаётган ишларини тўхтатиб, унинг гапларига жон қулоғини тутиб тинглайдилар.

Аввалги йили кўпчилик бўлиб Фарғонага борганимизда икки ойча олдин оламдан ўтган ажойиб хонанда, халқимиз қалбида кўшиқлари муҳрланиб қолган Таваккал Қодировнинг хонадонига кириб фотиҳа ўқимокчи бўлдик. Шунда ҳофизнинг рафиқаси Рисолатхоним бизга пешвоз чиқди. Орамизда Турсунойни кўриб шундай деди:

— Сизни бизга худо етказди. Болаларим дадасига куйиб, эзилиб кетишяпти. Шуларга таскин сўзлари айтиб юпатсангиз яхши бўларди.

Турсунойнинг сўзларини лентага ёзиб олишди.

Қаранг, ҳамда қолган одамлар ҳам унинг сўзларидан таскин топар эканлар.

Бўз туманида адабий кечага ниҳоятда кўп одам йиғилди. Зал гала-ривур бўлиб кетган. Шовқин-суронни босишнинг сира иложи бўлмади. Милиция бошлиғи ҳам, туман ҳокими ҳам шовқинни боса олмади. Учрашувни қолдиришдан бошқа илож йўқ эди. Шунда Турсуной сахнага чиқди. Залга бир зум қараб турди. Айтар сўзи ҳали оғзида эди. Бирдан зал жимиб қолди. Пашша учса овози эшитиладиган сукунат ҳукм сурарди.

Билмадим, бу шоирамизнинг кўзида жоду борми, мингдан ортиқ одамни сеҳрлаб қўйдими — билмадим.

Шоира булбулигўё бўлиб кетди. Бу қуюк, ширага тўлган, бир-биридан маъноли, ҳикматга мойил сўзлар тилига қайдан қўйилиб келяпти, деб ўйлайман.

Шунда ушбу китобга кирган асарлари тўппа-тўғри, тингловчи билан юзма-юз пайтида туғилганига, минглаб одамнинг назаридан ўтиб китобга кириб келганига амин бўлдим.

Жуфтлик ҳаётига отланган қизларим, сингилжонлар, келин аялар, эгачию қайноналар, ушбу китоб сизники, сизга атаб ёзилган. Шуни яхши билингки, бу китоб оёқ чиқазиб уйингиздан қўшиникига, ундан нари томонларга ўтиб бир-икки ойда муқовалари титилиб қайтиб келади. Шунинг учун китобдан икки-уч нусха олиб қўйинг. Биттаси уйчилик, биттаси кишилик бўлади. Яна биттасини қайнонангизнинг ёстиғи тагига бостириб қўйинг. Ўқимаса ҳам ичидаги гаплар зора тушига кирса.

Бу гапларим муболаға эмас. Шоира синглимиз чиндан ҳам ноёб китоб яратган. Уни ўқинг, ўқиб хаёлга толинг.

«Ҳазрати аёл» китоби ҳамишалик ҳамроҳингиз бўлиб қолишига ишонаман.

ЎМИРБЕК ЛАҚҚИНИНГ НЕВАРАЛАРИ

Менга вилоятлардан қўлёмалар келиб туради. Уларнинг кўпчилигини ўз касбидан омади келмай, ҳажвчилик осон ишга ўхшайди, деб қўлига қалам олган кишилар юборган. Бу «ижод» намуналарини босиб бўлмайди. Уларга ҳажвчилик осон иш эмаслигини тушунтириш қийин. Бундай қилмоқ учун ҳажвчилик тўғрисида катта-кон бир дарслик ёзиб юбориш керак. Ойига ўн-ўн бештадан дарслик ёзишга вақт қайда дейсиз. «Асарингиз бўлмайди» деган жавоб билан чекланиб қўяқоламан.

Мана, бугун қўлимда қорақалпоқлик икки ёзувчининг қўлёмаси. Яна ўша илгаригидек илимилиқ гаплар бўлса керак, деб ҳафсаласизлик билан варақлайман...

Муродбек Низанов ҳажвларидан бир-иккитасини ўқишим билан бу «писмиқ» ёзувчига меҳрим тушиб қолди. Тутган жойини қўйвормайдиган, тишлаган жойини узиб оладиган тишли-тирноқли ҳажвчига рўбарў келган-лигимни сезиб қолдим.

Ҳажвчининг қулоғи динг, кўзи рентген бўлиши керак. Муродбой мўлжалга олган бюрократга, порахўрга, ваъдабозга бир кўзини қисиб, мерганга ўхшаб қарайди. Милтиқ тепкисини дарров босмайди, мушкани киндигига

тўғрилаб, кейин босади. Бунақа отилган ўқ хато кетмайди. Муродбойнинг тўпламида хато кетган ўқни деярли кўрмадим.

Менга маъқул бўлган ҳикояларини бирма-бир санаб ўтирмайман. Китобча мана, қўлингизда. Ўзингиз ўқиб баҳо берарсиз.

Иккинчи қўлёзма тўплам эгаси Сайловбой Жумағулов дегани туф деса тупуги чаённи тил тортмай ўлдирадиган, тили «заҳар искалати»га айланиб кетган ҳажвчи чиқиб қолди. Тўпламдаги «Нағал» ҳажвини бир ўқинг. Илтимос, бир ўқинг! Ҳажв дегани мана бунақа бўлади! Битта ҳажв шунчалик бўлади-да! Агар Абдулла Қаҳҳор билан Ғафур Ғулом тирик бўлганида, ҳой, қорақалпоқ болам, бери кел, манглайингни бир силаб қўяй, дерди. Ўлай агар, шундай дерди.

Сайловбойнинг ҳажвларини жуда яхши, десам кўнглим тўлмайдиганга ўхшайди. Сапсем яхши, деганим маъқул.

Қорақалпоқ адабиётида поэзия жуда яхши ривожланган. Проза ҳам баландга чиқиб олган. Аммо ҳажв оёқ остида ўралашиб юрган эди. Энди у ҳам учирма бўлиб келяпти. Сайловбой билан Муродбойлар янги қорақалпоқ ҳажвиётининг икки ишончли қаноти бўлиб қопти. Бу навқирон қанотлар уларни ижодининг баланд чўққиларига учуриб олиб боришига ишонаман.

Қорақалпоқ ёзувчиларининг сув ичадиган булоқлари кўп. Шу шаффоф булоқларнинг бири Ўзбек, бири Қозоқ, бири Туркман ҳажвиётидир.

Ўмирбек Лаққининг бу икки истеъдодли невараси ҳажв майдонида кўп «қиличбозлик»лар кўрсатади деб умид қиламан.

ШЕЪР ВУЛҚОНДЕК ОТИЛСА...

Шеърятга ёниб кирганлар бор, ҳўл ўтиндек тутаб кирганлар бор. Ёниб кирганлар шеърхон бағрини иситиб, дилини ёритиб ижод қиладилар. Тутаб кирганлар умр бўйи тутун қайтариб, шеърхонга игна учидеккина нур беролмай, умрларини зое ўтказадилар.

Ана шундай санокда бор, сонда йўқ «шоирлар» анчагина. Улар ёзувчилар уюшмаси атрофида ғимирсиб юришибди.

Адабиётга кириб келаётган, шоирликдан умидвор ёшларнинг шеърларини кузатиб бораман. Энг аввало, бошловчи шоирнинг юрагида милт этган учқун бор-йўқлигига эътибор бераман.

Машхур актер Аббор Ҳидоятов: «Овозни кекиртақдан эмас, киндикдан тортиб чиқариш керак, шунда пичирлаб айтган гапинг ҳам томошо залининг охиригача етади», — деган эди. Бу гапни шеърятга ҳам алоқадор деб биламан. Шеър шиор эмас. У қувонч, у фиғон, у дилни яйратувчи қўшиқ, у шодлик овози, у йиғи, фарёд...

Шоир қалбидан вулқондек отилиб чиққан шеъргина ўқувчининг юрак-юрагига киради.

Ижод ниҳоятда қийин, мураккаб жараён эканини ёш шоирга олдиндан айтиб қўйиш керак. Навоий бобомиз айтганларидек, «Эмас осон бу майдон ичра турмоқ» лигини билишлари керак.

Бу гаплар эндигина қўлига қалам олган ёш шоирни чўчитиб қўймасмикин, йўлдан қайтармасмикин, деб ўйлашлари мумкин. Йўқ, айтиш керак. Қандай ишга қўл ураётганини, олдинда қанчалар қийинчиликлар борлигини билиши шарт.

Бундан ўнбеш йиллар олдин Паркентга борганимда бир ҳаваскор шоир билан учрашиб қолган эдим. Унинг кўзига ҳар бир шоир авлиё, ҳар бир ёзувчи Ҳазрати Хизр бўлиб кўринадиган шайдойи бир шоирча эди. Ён дафтарига чиройли қилиб ёзилган шеърларини ўқиб берганди. Ҳар тўртликдан кейин қойил қилибманми, дегандек менга қараб қўярди.

Бу шеърлар хали данаги қотмаган шоирчининг машқлари эди. Вазни ҳам, қофияси ҳам тўкилиб кетаман, деб турган шеърнамо нарсалар эди. Шунга қарамай, ёзганлари бағрида қандайдир милт этган учқун кўринарди. Шу ожиз учқун бир кун келиб аланга оламан, шоир юрагини ёритаман, деяётганга ўхшарди.

Кечгача шеър тўғрисида, шоирлар тўғрисида гаплашдик. У Усмон Носир билан Миртемир шеърларини ёд биларкан. Ажиб бир шавқ билан ўқиб берди. Фафур Фуломнинг «Вақт» шеърини жуда паст овозда, сатрларни қўли билан силаётгандек, чирқиллаб сайраб турган қушчани хуркитишдан кўрқаётгандек пичирлаб ўқиди.

Ана шунда бу боланинг шоир бўлишга астойдил киришганига амин бўлганман.

Орадан йиллар ўтди. Онда-сонда унинг шеърлари республика газеталарида кўриниб қоларди. Дарров олиб, етилдимикин, пишдимикин, деб ўқийман. Очигини айтсам, унинг уринишлари бекор кетмапти. Ўрганиш, машқ, ўқишлар уни ҳаваскорликдан шоирлик даражасига етаклаб кепти.

Унинг тўртта шеърий тўплами босилиб чиқди. Муковаси тепасидаги Маҳмуд Тоиров деган ёзувни ўқийман. Шошиб китобни варақлайман. Шеърларини шошилмай, синчковлик билан ўқийман. Ажабтовур шеърлар. У ҳар бир сатрга маъно юклайди. Юк кўтармаган биронта сатрни учратмадим. Уларда ҳам маъно, ҳам шоир нафаси бор эди. Маъно билан нафас, нафас билан маҳорат бир-бири билан топишиб, ўқувчига хуш ёқадиган нима-ларнидир уфуриб турарди.

Инсонсан, ҳар жонга вафолар қилгин,
Тошни тош билмагин, садолар қилгин.
Дуо ол, ўзинг ҳам дуолар қилгин,
Ҳаммадан қолади бу кўхна дунё...

* * *

...Қуёшнинг юзида пардалар,
Чакмоқлар сўзида зардалар,
Капалак лабида хандалар,
Ҳар товушни тинглагим келар,
Дунё, сени англагим келар.

* * *

Қиёсингиз ахтариб дафтарим қаро бўлди,
Жонимни қалам қилдим, минг жойи яро бўлди.
Изингиздан эргашдим, дедилар «гадо бўлди»,
Малагим, шу гадонинг дуолари ёр бўлгай...

Маҳмуд Тоиров тоғ боласи. У тоғлар билан қуршалган Паркент туманида туғилиб шу ерда вояга етган.

Қўлимдаги китоб унинг деярли янги шеърларидан дасталанган. Ўқиб ҳузур қилдим. Азиз китобхон, ўйлайманки шеър сеҳри сизни ҳам бефарқ қолдирмайди.

1997 йил.

БАҒРИМНИ
ЎРТАГАН АЛАМЛАР



ҚИЛМАГАН ИШИМ ҚОЛМАГАН

Мен Тошкентнинг Самарқанд дарвоза маҳалласида 1920 йилнинг 10 июнь куни туғилганман.

Дадамнинг дадаси Дадахўжабой Тошкентнинг энг катта бойларидан бўлган. У бойлигининг кўпчилик қисмини юрт ободонлигига, ўзбек ёшларини ўқитишга сарфлаган.

Онам Зулфияхон саводли, хуснихати чиройли аёл эдилар. Фузулий, Хувайдо, Машраб ғазалларидан ўқирдилар. У кишига негадир Хувайдо ғазаллари кўпроқ ёқарди. Хувайдо бу ғазалларини худонинг жамолига ошиқ бўлиб битган, деб айтардилар.

Бу китобларнинг ҳаммасини 1950 йилнинг 10 май куни мени қамокқа олганларида КГБ ходими йиғиштириб кетганди. Онам йиғлаб-йиғлаб, болам, Каломи Оллога тегманг, унда дадамнинг муҳрлари бор, деб ёлборганларидан кейин Қуръонни ташлаб кетганди.

Дадам Хусанхўжа Дадахўжа ўғли рус тилини мукамал биларди. Русча хатни мутлақо бехато ёзарди. Ҳатто ўрислар ҳам хат ёзсалар дадамга бир кўрсатиб олардилар.

Дадам машҳур педагог олим Исмоилбек Гаспринский билан яқин дўст бўлган экан. Дадахўжабой рус-тузем мактабларини очганда, у билан кўп маслаҳатлашган экан.

Дадам инкилобдан кейин турли Шўро идораларида ишлади. Жумхурият озик-овқат қўмитети раисига ўринбосар бўлди. Марказ Самарқандга кўчганда бир этак болани кимга ташлаб кетаман, деб Тошкентда қолди. Тошкентдаги паровоз-вагон ремонт заводи директориға муовин бўлиб ишлади. Муовиннинг вазифаси маҳаллий ишчилар билан ўрис инженер-техниклар ўртасида таржимонлик қилиш, уларга рус тилида аризалар ёзиб бериш, директор, бош инженер билан маҳаллий ишчилар ўртасида вситачилик қилиш эди.

Ташқари ховлимиздаги меҳмонхонада Бўстонлик томондан кўчиб келган Мирмашиқ Юнусов деган киши

турарди. Элбек деган машхур шоир шу киши эди. Жума кунлари унинг олдига Абдулла Қодирий, Фулом Зафарий, Ғози Юнус, Ғафур Фулом, Ойбек, Хуршид, Комил Алиев, Тавалло, Хислат, Маннон Уйғур, Наби Ғани деган ижодкорлар, расом Искандар Икромов келиб туришарди. Адабиёт, дунё ишлари тўғрисида узоқ-узоқ гаплашишарди. Мен уларга чой таширдим. Бизниқидан граммафон опчиқиб Ҳамроқул қори, Ҳожи Абдул Азиз, Тўйчи хофизларнинг пластинкаларини қўйиб эшитиларди. Ўша пайтда Тошкентда фақат икки кишининг уйида граммафон бўлган. Бири Илҳом самоворчи деган кишиникида, бири бизниқида.

Дадам овга қизиқарди. Жуда яхши овчи эди. Уйимизда икки-учта қўшоғиз милтиқ бўларди. Ҳозирги Чилонзор Оқтепасидан сал нари юрилса, Қангли деган мавзе бўларди. Атрофи тўқайзор эди. Дадам куз пайтларида эрталаб милтиғини елкага ташлаб чиқиб кетиб, кечқурун бир қоп қирғовул, ўрдақ уриб келарди.

Дадам йигирманчи йилларнинг охирида Чорсу кўприги тепасидаги овчилар дўконига мудир бўлганди. Ўттизинчи йилда Тошкентда сув тошқини бўлган. Дўконни сув босмасин, деб кечаси милтиқларни, тўппонча, ўқ-дориларни бир тепаликка ташиб чиқаришган. Ўшанда тўрт-бешга милтиқ, билмадим, нечтаям тўппонча йўқолган. Бунинг учун дадамни қамаб, тўрт ойдан кейин қўйиб юборишган.

1938 йилнинг эрта баҳорида дадамни НКВД қамоққа олиб кетди. Мен ўшанда унинг кўрпа-тўшагини кўча бошигача кўтаришиб чиққандим.

Ана шундан кейин дадамни кўрмадим. Унинг тергов пайтида қазо қилганини йигирма икки йил ўтгандан кейингина билдим.

Бутун умрим халқ душманининг ўғли, деган тамға билан ўтди. Мени пионерликка ҳам, комсомолликка ҳам, партияга ҳам олишмади.

Катта акам Имомхон Ҳусанхўжаев олтмиш йил олий мактабларда педагоглиқдан дарс берди. Ўттиздан ортиқ дарслик ва қўлланма китоблари босилиб чиқди. «Навойнинг педагогик қарашлари» мавзуида кандидатлик диссертациясини ёқлади. У 1926 йилда ўзбек стенография ёзувини ижод қилди. Махсус курс очиб, стенографлар тайёрлади. Шу курсни битириб чиққан ўртанча Зухридин акам билан Аҳмад Шорахмедов («Ота» романининг авторларидан бири) то уруш бошлангунга қадар бўлган жами қурултой ва кенгашлардаги докладларни, нутқлар-

ни ёзиб олишган. Ўзбекистоннинг ўн беш йиллик ҳужжатли йилномасини шу икки киши яратган, десам хато бўлмайди.

Зухриддин акам эллик йилдан ортиқ Тошкент ирригация институтида сув иншоотлари қурилишидан дарс берди. Унинг йигирмага яқин дарслиги ҳозир ҳам олий мактабларда ўқитилади.

Мен дурустгина таълим ололмадим. Қаерга борсам, Дадахўжа дўма билан Гуломхон қозининг невараси, халқ душманининг ўғли, деб кўкрагимдан итаришди. Қилмаган ишим қолмади. Рассомлик қилдим, сураткашлик қилдим, артистликка уришиб кўрдим, биронтасидан кўнглим тўлмади. Дилимга ёзувчилик ишқи тушди. Таржимаи ҳолимни яшириб, газета-журналларда ишладим. Мақола-лар, очерклар, фельетонлар ёздим. Ҳикояларим офизга тушиб қолди. Ғофур Фулом, Ойбек ва Абдулла Қаҳҳорлар ёзганларимга эътибор бера бошладилар. Тўртта китобим чиқди. Шоира Саида Зуннуновага уйландим. Тўйимизга олти ой бўлганда мени қамокқа олишди. Беш йил сарсон-саргардон бўлиб, Жезқозғон деган қонда тош қазиб, силлам қуриб қайтиб келдим. Сталин ўлган бўлса ҳам, Берия отилган бўлса ҳам, хадеганда ишим ўнгланавермади. Мени ҳеч қаерга сайлашмасди. Орденлардан, унвонлардан ўчиришарди.

Саидахонни халқ душманининг хотини деб хор-зор қилганларини айтишга тилим айланмайди. Уни Ёзувчилар союзидан ўчиришди. Икки олий ўқув юртни битирган бўлса ҳам (Саидахон Андижон пединститутини ва Ўрта Осиё Давлат университетини тугатган эди) уни ҳеч қаерга ишга олишмади. Ёзган шеър-ҳикояларини редакциялар, нашриётлар қайтариб беришарди. Олдига битта шарт қўйишарди. Эрингдан кечсанг шеъринг ҳам, китобинг ҳам чиқади.

Саидахон бу шартларни рад қилди. Уйда ўтириб машинисткалик қилди. Икковимиз учун фақат битта йўл бор эди, бу — ёзиш. Яхши ёзиш. Китобхон далдасига таяниш.

Редакциялардан қайтулик бўлмасин, деб ёздим, ўчирдим, ёздим. Танқидчиларнинг, муҳаррирларнинг ғазабига учрамаслик учун ёздим, ўчирдим, ўқидим.

Худога минг марта шукрим, бирон жойдан ҳикоям қайтмади. Нимаyki ёзган бўлсам, ҳаммаси босилди. Аммо... аммо жуда кечикиб босилди. Муҳаррирларнинг қаерларгадир телефон қилиб, боссак майлими деб сўрашаётганларини билардим.

Хрущевнинг отасига минг раҳмат, кофир бўлса ҳам бир мусулмоннинг ишини қилиб кетди. Неча-неча миллионлаб кишининг оёғидан кишанни олиб ташлади. Менга ўхшаганларнинг кўкрагига шамол тегди.

«Халқ душмани»лигим ҳукуматнинг эсидан чиқди. Қатор-қатор китобларим босилди. Ўқувчилардан, адабиётшунослардан яхши гаплар эшитадиган бўлдим, «Жимжитлик» деган романимни жуда катта (150000) нусхада босиб чиқаришди. «Келинлар қўзғолони» комедиям ҳатто чет элларда ҳам намойиш қилиняпти. «Кўёв» комедиям, Худога шукр, ўйналиб турибди. Учта кинога сценарий ёздим.

«Буюк хизматлари учун», «Дўстлик» ва бошқа орденлар билан мукофотландим. Халқ ёзувчиси деган унвонга сазовор бўлдим. «Уфк» учун лауреат бўлдим.

Афсус! Минг афсус! Саидахон бу кунларни кўролмаётган оламдан ўтиб кетди. У менинг юрагимда бир армон бўлиб қолди.

Эҳ, бу мукофоту унвонлар менга жуда қимматга тушган.

» 1992 йил, 26 ноябрь

«ЧЎЛ БУРГУТИ»

Минг тўққиз юз эллик еттинчи йилнинг эрта кўкламида Фарғонага боргандим. Қадрдоним, ёзувчи Адҳам Ҳамдам менга Марказий Фарғона чўлларини кўрсатмоқчи бўлди.

Ўша кезларда водий ўртасида пўстакдек бўлиб, минг-минглаб гектар ерни эгаллаб ётган чўлни ўзлаштириш авж олиб кетган эди.

Бир вақтлар қамишлар орасида пайдо бўлган Эшон тўпи қишлоғи томон борардик. Сарижўга ариғидан отини сугориб чиқаётган бир кишига рўпара келдик. Унинг оти ҳам, кийган тўни ҳам, ўзи ҳам қоп-қора эди. Худди чўяндан қуйилганга ўхшарди. Фақат бошидаги дўпписининг каштасигина оқ эди, холос.

У қамчисини кўксига қўйиб, сал эгилганча салом бериб ўтиб кетди. Мен Адҳамдан бу киши ким, деб сўрадим.

— Уни чўл бўриси дейишади. Бу тўқайларда кечалари ҳам милтиқсиз бир ўзи юраверади. Жуда довиюрак одам. Уч марта бўри билан олишиб бўғиб ўлдирган. «Қора қишлоқ»нинг этагидаги тўқайдан ер очган. Икки йилдан бери шоли экарди. Бу йил пахта экмoқчи...

Адхам билан тўрт кун чўл кездик. Қаерга бормай, нима қилмай чўл бўриси кўзимдан кетмайди. Шу одамни биронта ҳикояга қаҳрамон қилиб олсаммикан, деган ният туғилиб қолди. Номии жуда хунук-ку, дейман ўзимга ўзим. Одамни бўри деб ёзиш қанақа бўларкин? Бирдан миямга лоп этиб, уни бўри эмас, бургут деб қўяқолсам бўлмасмикан, деган фикр келиб қолди.

Ана шундан кейин уни бургут киёфасида тасаввур қила бошладим. Ўзидан ўзи воқеалар, деталлар туғилаверди.

Тошкентга келиб ҳикояни ёздим. «Ўзбекистон маданияти»га бердим. Газетада чиққанда кўрсам, ҳикояга менинг номимни ёзишни унутишипти.

Редакциядагилар, келинг, тузатиш бериб ўтирмайлик, давомини ёзиб бера қолсангиз, боши ўтган сонда босилган, деб чиқамамиз, дейишди. Тўлиб турган эканман, ўша куни кечасиёқ давомини ёздим. Эртасига яна битта, индинига яна битта ҳикоя ёздим.

Ҳикоялар кетма-кет босилаверди. Ким билади, газета хато қилмаганда ўша битта ҳикоядан кейин бошқалари ёзилмай қолиб кетармиди.

Чўл мавзуи мени жуда қизиқтириб қолди. «Саодат» журналининг илтимоси билан «Лочин» деган ҳикоя ёздим.

Адхам Ҳамдам Фарғонада мени бир олим билан таништирган эди. У киши Фарғона пединститутида биологиядан дарс бераркан, ўрик ҳақида кандидатлик диссертациясини ёқлаган экан. Энди калламда ўрик, деган гап айланаверди. Ўша одам тўғрисида нимадир ёзгим келаверди. Ҳикоянинг номи албатта «Ўрик домла» бўлиши керак.

Ўрикнинг турли навлари, қандай пайванд қилиш, найча пайванд, куртак пайвандлар тўғрисида сўраб-суриштириб, анча нарсаларни билиб олдим. Ниятим — бир фидойи боғбон образини яратиш эди. Шу боғбоннинг фаолияти бевосита Ёзёвон чўлларига алоқадор бўлиши керак.

Ҳикоя, менимча, ёмон чиқмади. Ҳам кулгили, ҳам одамни ўйлатади. Уни кўтариб «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газета редакциясига олиб бордим. Ўқиб, тезда чиқаришга ваъда бериб, олиб қолишди. Лекин орадан қанча вақт ўтса ҳам чиқаравермади. Нега бундай бўлаётганини билиш учун редакцияга бордим. Ҳикояни қайтиб беришди. Босиша олмасмиш. Партия матбуотига бунақа кулгили нарсалар тўғри кел-

масмиш. Улар билан сан-манга бориб ўтирмай, ҳикояни қайтариб олиб кетдим. Ўша куниёқ уни «Ўзбекистон маданияти» газетаси редакциясига обориб бердим. Ўқиб, роса кулишди. Редактор ҳикоянинг биринчи саҳифаси тепасига навбатдаги сонда босилсин деб ёзиб имзо чекди. Мен шунда «Совет Ўзбекистони»дагилар ҳикояни тушунмай қайтиб берганини айтиб қолдим. Редакторнинг ранги ўзгарди. Нега, деб сўради. Билмадим, деб жавоб килдим.

— Бўлмасам, мундай қилайлик. Мен улардан нимага босишмаганликларини сўрай.

— Сўраб нима қиласан? — дедим ажабланиб.

Редактор билан бирга катта бўлган ўртоқ эдик. Бир-биримиз билан сенлашиб гаплашардик.

— Сўраган яхши-да, ҳар қалай, отахон газета. Тажрибаси ҳам катта. Балки бирон сиёсий томонини кўзда тутиб босишмаётгандир?..

Кўрқиб кетдим. Сиёсий, сиёсий хато деган сўзлардан юрак олдириб қолган одамман.

— Ундай бўлса қайтариб берақол, — дедиму кулишимни ҳам, йиғлашимни ҳам билмай ҳикояни қайтариб олиб кетдим.

Орадан икки-уч ой ўтиб бахтсиз муҳаббат тўғрисида бир ҳикоя ёздим. Биттагина ҳикояни обораманми, деб ёнига «Ўрик домла»ни қўшиб «Шарқ юлдузи»га олиб бордим. Асқад Мухтор редактор эди. У иккала ҳикояни ҳам ўқиб, маъқул топди. Албатта босамиз, деди.

Мен унга «Ўрик домла» иккита газетадан қайтганини кўрқа-писа айтдим. Агар Асқад ҳам ланжлик қилса, ҳикояни йиртиб ташламоқчи эдим. Йўқ, Асқадга ёқди.

— Уларга ёқмагани бизга фойда бўлди, — деди у жиддий.

Орадан бир ярим ой ўтиб журналда «Икки ҳикоя» умумий сарлавҳаси остида «Пойқадам» ва «Ўрик домла» босилиб чиқди. Ҳикоя кўпчиликка маъқул бўлди.

«Совет Ўзбекистони»нинг адабиёт бўлими мудири Рамз Бобожон телефон қилиб қолди:

— Хў, мен ўқиган ҳикоянг бор эди-ку, опкел босамиз.

— Нега бирдан ўзгариб қолдинглар? — дедим ажабланиб.

— Кечирасан, оғайни, ашипка бўпти. Редакция катталаридан бирининг лақаби «ўрик» деб эшитгандим. Кейин билсам лақаби ўрик эмас, «Луччак» экан. Обкел ҳикояни.

Мен ҳикоя журналда босилганини айтдим.

— Э, аттанг, яхши ҳикоя эди-я...

Ҳикоя тез орада турли тилларга таржима қилинди. Аммо тожик тилидагиси босилмай қолиб кетди. Душанбедаги энг катта тожик ёзувчиларидан бирининг лақаби «Зардолу» (Ўрик) экан.

Шундай қилиб, «Чўл бургути»нинг сўнгги ҳикояси шу тариқа дунё юзини кўрган эди.

«ЧЎЛ ШАМОЛЛАРИ»

Ёзёвон чўллари тўғрисида ҳикояларни кўп ёздим. Олтмиш биринчи йилнинг эрта баҳорида Миртемир домла билан Фарғонага бордик. Дўстим Адҳам Ҳамдам, баҳорда чўл жуда чиройли бўлади, деб бизни яна Марказий Фарғонага олиб борди. Айтганича бор экан. Ҳаммаёқ кўм-кўк. Толларнинг чўғдек қизил наваларида хандон пистанинг мағзидек оч яшил куртаклар ана ёриламаман-мана ёриламаман деб турипти. Тўрғайлар бошингиз тепасида муаллақ туриб чулдирашади. Яланғочланиб қолган сап-сарик тўқайларда ўрдаклар рағиллайди. Бақа қурилламай туриб келган лайлаклар ҳувиллаб қолган шопипоялар тепасида айланиб емак излашади.

Ёзувчи ва журналист Йўлдош Шамшаров билан «Янги ҳаёт» колхозида учрашиб қолдик. У тугилган қишлоғи Олмосга олиб бораман деб туриб олди. Олмосни парилар юрти деб эшитардик. Бу ерликлар бошқа томонга қиз беришмасди. Ёзувчилик экан, париларни кўргимиз келиб қолди. Олмос бутунлай тесқари томонда, Чустнинг тоғли қишлоғи.

Адҳам билан шу ерда хайрлашиб, йўлга тушдик. Боришимиз билан Миртемир домланинг инжиқлиги тугиб қолди. Қарасам, иситмаси баланд. Доктор чақирайлик, десам кўнмайди. Кетаман, Тошкентга кетаман, деб икки оёғини бир этикка текиб туриб олди. Бир пиёла чой ичиб-ичмай орқага қайтдик. Попдан ўтиб Сирдарё кўпригига яқин қолганимизда бўрон бошланди. Қўқоннинг машхур тўнка кўчирар шамоли авжига чиқди. Машинанинг орқа эшиги қулфланмас экан. Ҳадеганда очилиб кетаверди. Бир қўлим билан тортиб ушлаб келаяпман. Кўприқдан ўтишимиз билан қум бўрони бошланди. Чала ёпилган эшикдан шитир-шитир қилиб ичкарига қум киради. Ташқарида бўрон қумларни шопириб гувиллайди. Қоронғи тушган, учаётган қумлар қуюнидан йўл кўринмайди. Мақсадимиз — тезроқ Қўқонга

етиб олишу домлани Андижон — Тошкент поездига ўтқазиб юбориш. Машина эмакляётгандек имиллайди. Бу имиллашда поездга илинмай қолиб кетишимиз мумкин. Моторнинг шовқинига бўроннинг гувиллаши қўшилиб бўридек увиллайди.

Домла иситма аралаш инқиллайди. Данғара гузаридан тахминан беш километрларча ўтганимиздан кейин қум ҳамласидан кутилдик.

Қўқон станциясига минг азоб билан етиб келдик. Хайрият, Андижон поездга ҳали кетмаган экан. Йўлдош ака билан Миртемир домлани поездга ўтқазиб, ўзим Қўқонда қолдим.

Қўқон театрида менинг «Ҳасан билан Ҳусан» деган комедиям қўйилаётган эди. Премьерага чақиришганда келолмаган эдим. Шуни кўриб кетмоқчи бўлдим. Меҳмонхонадан театрга телефон қилган эдим, эртага уни Ганжиравон қишлоғининг маданият саройида кўрсатишларини айтишди.

Ганжиравон. Шу сўзни эшитганимда болалигим эсимга тушади. Ён қўшнимиз қўқонлик эди. Хотини — ёшгина келинчак, бостирма йўлакка шолча тўшаб, тиззасида кашта тикиб ўтирарди. У жуда шикаста овозда, ғалати бир қўшиқ хиргойи қиларди.

Қўшни хотинларнинг гапига қараганда, у қишлоқи бир йигитни яхши кўриб қолган экан. Отаси бошқа бир кишига эрга берган, эри уни Тошкентга кўчириб олиб келган экан.

Мен унинг қўшиқларига қулоқ солиб, хайрон бўлиб ўтирардим.

Мен сени кўрдим бугун
Ганжиравон кўчасида...

Театр эртага Ганжиравонда томоша кўрсатишини билганимдан кейин келинчак ошиқ бўлган йигитнинг юртини кўргим келди. Бироқ меҳмонхонада етиб ётолмадим, туриб туролмадим. Ёзёвон тўғрисида ҳамма нарсани ёзиб бўлдим, деб ўйлаганим бекор экан. Эрталабгача у ёнбошимдан бу ёнбошимга ағдарилиб бугун чўлларда кўрган кишиларни, манзараларни ўйлаб кетдим.

Бояги қум бўрони қаттиқ таъсир қилган экан, сира кўз олдимдан кетмади. Шу бўрон тўғрисида бир нима ёзсам бўлмасмикин, деб ўйладим.

Шошма, дедим ўзимга ўзим, инсон ва стихия деган мавзуни олсам қандай бўларкин. Ахир, Ёзёвон чўлларида

дўл-селлар кўп бўлади. Бўрон турганда кўчма кумлар ҳар куни неча марталаб жойдан-жойга кўчиб юради. Чўлнинг хали у ерида, хали бу ерида қум тепалар пайдо бўлади. Ҳозирги дўмпайиб турган кумтепа бирпасда кайгадир ғойиб бўлади.

Бўлғуси ҳикоянинг мавзуи топилгандек бўлди. «Одам ва бўрон». Қаҳрамоннинг номини Қўзивой кўяман, деб мўлжалладим.

Чўл ўртасида қурилган янги уйлардан бири яқинда армиядан қайтиб келган Омонтой деган йигитга берилди. У ҳомиладор хотини, яқинда йўлга кирган ўғли билан шу уйга келади. У хотини билан боласини шу ерда қолдириб, юкларини олиб келгани Чустнинг Симсор қишлоғига кетади.

Қолхоз раиси Қўзивой қоқ ярим кечада бўроннинг гувиллашидан уйғониб кетади. Симсорга кетган Омонтой келдимикин? Хотини кимсасиз чўлда ёш боласи билан не ахволга тушаётганикин, деб хавотир олади.

У шошиб кийинади. Отни эгарлайди. Хотини Кокила уни ёлғиз юборгиси келмай отга мингашиб олади...

Ҳикоянинг бу ёғида эр-хотин икковининг қум бўронида бўриларга йўлиқиб, минг хил азоблар билан чўлдаги янги уйга келиши тасвирланади.

Эрталабгача ўйлаб, ҳикояни калламда пиширдим. Нонуштадан кейин ёзишга ўтирдим. Ўйлашдан ёзиш қийин. Ёзаман, ўчираман. Кечгача овора бўлиб, охири ҳикояга нуқта қўйдим. Қолган қинғир-қийшиқ жойларини Тошкентда таҳрир қиламан, деб ҳикояни чамадонга ташладим.

Театр Ганжиравонга кетиб бўпти. Э, аттанг. Неча йиллардан бери орзу қилиб хаёлимда эртаққа айланган бу гўшани кўролмайдиган бўлдим. Бир томондан бундан севиным ҳам. Чунки хаёлимда ўзим яратган Ганжиравоним бор эди-да. Унда адирларга чинакам яшил бахмал ёпилган, сойларидаги тошлари садафдан, қизлари париларга ўхшайди, йигитлари тулпор миниб, учиб юради.

Агар борсаму ҳозиргина тасвирлаб берган манзараларни тополмасам, тасаввурим яратган оламдан айрилиб қоламан, деб кўрқдим.

Кечки поездга ўтириб Тошкентга қайтдим. «Одам ва бўрон»дан кейин ҳикоя сандигим очилиб кетди. Қўзивой, Омонтой, Кокилалар тўғрисида анча ҳикоялар ёздим. Бирининг номи «Бўстон», бирининг номи «Ер уйғонди» бўлди. «Тўйбоши» ҳам шулар жумласидан.

«УФҚ» ТРИЛОГИЯСИ

«Уфқ»ни ёзишдан олдин «Чўл ҳикоялари»ни яна бир марта ҳафсала билан, синчиклаб ўқиб чиқдим. Адабий асар талабларига жавоб бера оладиган дуруст асар бўпти.

Бирданига хаёлимга, ахир бу ҳикояларда инсон дарди, изтироблари йўқ-ку, деган ўй келди.

Биз ҳаммамиз, жами ижодкорлар офтобда куйиб, кечалари чивинга таланиб, қум бўронларида юз-кўзини дока билан ўраб ишлаётган юпун одамларни юрак амри билан, ватанпарварлик бурчини адо этгани келган, чинакам фидойи, онгли, илғор совет граждандари, азамат чўлқуварлар, деб таърифладик.

Аслида шундаймикин? Дўппини олиб қўйиб, бир ўйлаб кўрсам, уларни бу худо қарғаган чўлларга эҳтиёж, мухтожлик бошлаб келганлиги маълум бўлмайдими? Ким бекордан-бекорга иссиқ ўрнини совутади? Ха, улар ўзим емасам ҳам, болаларим нон есин, усти бут бўлсин, велосипед минган болаларга қараб ўксинмасин, бу ҳам «морожний» есин, магнитофони бўлсин, телевизор кўрсин... деган илинжда бунда ишламоқда-ку!

Бу тўғрида бирон дақиқа бўлсин ўйлаб кўрмадик. Қайтага уларни бахтиёр, тўкин совет оиласи, деб таърифладик. Ҳатто чўл шамолларидан қорайиб сополга ўхшаб кетган юзларини гўзаллик тимсоли деб тасвирладик. Кетмондан қадоқ бўлиб кетган қўлларини олтин қўллар дедик.

Ичингда шунча гап бор экан, нега миқ этмай юрибсан, деб ҳеч ким сўрамади.

Бизга Гоголлар керак, Шchedринлар керак дейишди. Ўша Гогол бўладиган, Шchedрин бўладиганларни бешигдаёқ гумдон қилишарди.

Ижоднинг онаси изтироб. Ижод изтироб фарзанди. Биз буни жуда яхши билардик. Билиб туриб куймай, ёнмай ёзардик. Чунки пролетар адабиётига шеър эмас, шиор керак эди. Социалистик реализм методи қўл оёғимизни, ҳатто тилимизни ҳам боғлаб қўйганди. Бизда очлар йўқ, очлар чет элда, деса ишонганмиз. Бизда камбағал йўқ, камбағал инқилобнинг нариёғида қолиб кетган, деса чиппа-чин ишонганмиз. Уғрилиқка, талончиликка мухтожлик сабаб эканини очиқ айтишга тилимиз боғлиқ эди.

Етмиш йил мобайнида қайси валлават ёзувчи халқ дардини, изтиробини ёзипти, Ўққа учганлар, ертўлалардаги яккахоналарда офтоб кўрмай оламдан ўтганлар, Си-

бир қахратонларида умрини поёнига етказганлар тўғриси-
ни ёзган ҳақгўй ижодкор эканини жуда яхши билардик.

Ҳурматли ўқувчиларимиз бизни кечирингиз. Биз ана
шунақа забун ижодкорлар эдик.

Энди мен бўлғуси «Уфқ»ни бошқача ёзишим керак.
Одамларнинг ичидаги дардини, юрагини ўртаётган ар-
монларини рўй-рост кўрсатишим керак.

Ёзаётганимда темир қишанлар суяк-суякларигача эзиб
ташлаган қўлларим қалтирамасмикин? Ёзаётганимда беш
йил кийимларимнинг беш жойига ёзиб қўйилган «СЯ-
928» рақами кўзларимга кўриниб турмасмикин? Сут ичиб
оғзи куйган қатикни ҳам пуфлаб ичади қабилдан бўл-
масмикин? — деб қўп ўйладим.

Биринчи саҳифанинг бошига, бисмиллаҳир роҳманир
роҳийм деб ёздиму, негадир атрофга бир аланглаб ол-
дим...

Романда нималар ёзилганини, азиз ўқувчи, ўзингиз
яхши биласиз. Дунёга фақат азоб чекиш учун келган
Икромжоннинг ҳаёти сизни жиндак ўйлантириб қўйдими,
йўқми, шуни билмоқчиман. Оғир меҳнатдан ўзининг бут-
тун аёллик хислатларини йўқотиб қўйган, эркакка айла-
ниб кетган, Иноят оқсоқол «от қиз» деб атаган Асрора,
ёлғиз фарзандининг доғида куйиб, ёниб, ўртаниб, фарёд
уриб жон берган Жаннат хола, халқ ризкидан юлиб
йиққан бойликлари алангасида ўзи ёниб жизғанақ бўлиб
ўлган Иноят оқсоқол, севгилисини тортиб олган сурбет
акасидан безган, туғилган уйдан мосуво бўлган, ота
қарғиши бир умр қулоғида қолган Низомжон, балоғат
ёшига етиб, бутун вужудидан муҳаббат ҳиди анқиб турган
ва лекин севгиси саробга йўлиққан Дилдор, йигитлик
умрининг сўнги тўқайларда бир ваҳшийдек яқунланган,
бу ҳам етмагандек, шон-шарафсиз кўмилган гўри ловил-
лаб ёнган Турсунбой...

Кимсасиз сокин кечада ана шуларни ёзаётганимда гўё
елкамдан орган вакили қараб турганга ўхшарди. Гўё у:

— Икромжон коммунист, ўғлининг хоин бўлиши мум-
кин эмас. Коммунистни ҳақорат қилма. Она деганда Ва-
тан тушунилади. Жаннат холада ватанпарварлик туйғуси
йўқ. Хоин боласидан юз ўгирсин. Шу жойларини қайта-
дан ёзасан. Асрорани Ленин комсомоли тарбия қилган. У
Ленин партияси ғояларига содиқ комсомол. Сен уни ҳа-
қорат қиляпсан. Нега китобингда улур рус оғамизнинг
вакиллари кўринмайди? Фронтда жанг қилиб келган
Аъзамжонни нега бетайин одам қилиб тасвирляпсан, уни
ҳаммага намуна қилиб кўрсат. Низомжон «Пўлат қандай

тобланди» китобидаги қахрамонлардек бўлиши керак. Хушёр бўл, келган жойингга яна обориб қўймайлик... — деяётгандек бўларди.

Шундай пайтларда бир вақтларда кишан сиққан билакларимнинг суяклари зирқираб оғриб кетади.

Кўпинча роман ва қиссаларнинг воқеалари боғларда, шарқираб оқадиган сой бўйларида, гулзорларда ўтади. Роман қахрамонлари гуллар хидидан маст бўладилар, булбуллар хонишидан хаёлларга толадилар.

Мен тасвирлаётган жой тақир чўл. Бунда эчкимарлар вишиллайди, чиябўрилар увиллайди. Инсон кўзини яшнатадиган бирон нарса йўқ.

Бунда фақат осмону сап-сарик ер.

Гулсиз, булбулсиз романимда гўзалликни одамлар юрагидан топишим керак эди. Кучим борича шундай қилмоқчи бўлдим. Қандоқки детал топсам Икромжоннинг руҳий изтиробларини кучайтиришга сарфладим. Романда бир детал бор. Бир одам Икромжоннинг деворига оҳак билан «хоиннинг уйи» деб ёзиб кетади. Икромжон аввал кўрса ҳам сезмайди. Хўл оҳак аста-секин қуригандан кейин ёзув оппоқ бўлиб кўриниб қолади. Икромжон ўзини тутати. Аммо ичида унсиз йиғлайди. Военком тумонат одамлар олдида орден топшираётганда кимдир уни, хоиннинг отаси, деб овоз беради. Икромжон бир қалқиб кетади. Кейин машаққат билан ўзини ўнглаб олади. У қамишлар орасида ваҳшийга айланган ўғли билан учрашган пайтидаги ҳолатини ёзаётганимда ўзим ҳам титраб кетгандим. Ҳар жумлани ёзганимда ўрнимдан туриб кетардим.

Турсунбойнинг гўри ёнаётган тўқай тасвирини роман битганда бошқатдан ёзганман. Ростини айтсам, аввал қамишзорларнинг ёнишини сира кўрмагандим. Шу бўлимни тахминан ёзгандим. Журнал романни боса бошлаганда Мирзачўлдаги Крупская номли колхозга бориб тўқайга ўт қўйганман. Қайтиб келиб, ўша бобни қайтадан ёзиб чиққандим.

Ўқувчилар нега романинг биринчи китобини кейин ёздингиз, деб сўрашади.

Катта Фарғона канали қурилиши худди плакатга ўхшаш тантанали бир ходиса эди. Унда инсон изтиробларини, алам-андуҳларини топиб бўлмасди. Гўё қирқ беш кун давомида Фарғона водийсида Ленин айтган коммунизм қурилган эди. Ҳамма нарса бор. Ҳеч ким ҳеч кимга ишла, деб айтмайди. Ҳар ким ўз хоҳиши билан ишлайди. Ишлаганда ҳам қотириб, қойил қилиб ишлайди. Хатто кечала-

ри ҳам машъал ёқиб ишлашади. Бу ерда пул ҳеч кимга керак бўлмайди. Ҳамма нарса текин. Одамларга зўрлаб овқат едиришаётганга ўхшаб кетарди. Водийликлар арваларда қўй, қонда гуруч, сабзи-пиёз, сават-сават нон олиб келиб трасса бўйларига ўчоқ қуриб, дастурхон ёзардилар. Чоллар ўғилларини, невараларини эргаштириб келиб, одамларга аралашиб кетмон чопаверадилар. Чанг-тўзонлар орасида раққосалар ўйинга тушардилар. Кечалари минг-минглаб машъалалар ёруғида Халимахонлар, Жўрахону Маъмуржонлар патнис ашула қилардилар. Бир томонда аския, бир томонда қўшиқ.

Шу воқеалардан роман чиқазиб бўладими? Ҳадеб ер қазиди, ҳадеб план бажарди, деб ёзган билан роман бўлмайди-ку. Бунда инсон тақдири, изтироблари бўлиши керак. Ҳатто фожеалар содир бўлиши керак.

Ана шунинг учун ҳам трилогиянинг икки китобини ёзиб озроқ тажриба орттиргандан кейин бунисини ёзмакчи бўлдим.

Роман воқеасидан қандайдир кўринмас чизик ўтиши керак эди. Шунини кўп ўйладим, Норин дарёси жуда асов дарё. Далаларга сув бермай пастликларда оқади. Бир жини кўзиганда тошиб далаларни пайхон қилади.

Ана шу дарё инсон ҳукмига бўйсунуши керак. Роман учун бу етарлимас. Ўйлаб-ўйлаб, худди шу дарёдай ўжар бир қахрамон яратишим керак, деган фикрга келдим. Бу — Азизхон.

Унда енгиб бўлмас бир ёввойи куч бор. У ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини оладиган бежиллов дулдул.

Мен уни Норин билан параллел тасвирламоқчи бўлдим. Норин инсон иродасига бўйсунуши керак. Азизхон фойдали меҳнат оқимига тушиши керак.

Фожиасиз роман бўладими? Албатта, уни сунъий равишда яратиб бўлмайди. Каналда биронта ҳам одам ўлмаган, биронта ҳам одам қамалмаган, биронта ҳам маст тўполон қилмаган.

Хужжатлар билан танишганимда, канал иштирокчилари билан гаплашганимда Тошкент театрларининг биридан келган артисткани эри рашқдан сўйиб қўйгани маълум бўлди.

Мен уни артистка деб тасвирладим. Азизхоннинг севгилиси, қишлоқдаги тўйдан олиб қочиб келган Лутфиниса деган келинчак, деб тасвирладим. Азизхон билан икковлари ўртасидаги ишқ можароларини бутун роман оқимига ёйиб чиқдим. Лутфинисодан ажралиб қолган

куёвнинг каналга келиши, уни ҳалок қилиши манзараларини жиндак детективнамо сюжет билан қориштирдим.

Кўп чиройли воқеалар топгандим. Ёзгани қўрқдим. У пайтларда тазйикнинг қони совумаган, нафас олиб турган пайтлари эди. Яна қамаб қўяди, деб қўрқдим.

Ниҳоят, ўн беш йиллик меҳнатим поёнига етди. Китоб ҳам ўқувчи қўлига тегди. Яхши-ёмон гаплар эшитдим.

Бироқ роман қаҳрамонлари ҳалигача тушларимга киради. Телбага ўхшаб кечалари улар билан гаплашиб чиқман. Ўн беш йил тўлғоқда тукқан фарзандларимни унутишим осонми?

Биласизми, романга сўнгги нуқтани қўйганимда кўнглим бирдан бўм-бўш бўлиб қолган. Ҳозир ўйлаб қарасам, ўша пайтдаги ҳолатим қизини узатган бева отанинг уй остонасида мунғайиб, қараб қолишига ўхшаркан...

ОТ БИЛАН СУҲБАТ

Ургутда адир тепасидаги Наврӯз байрами ўтказиладиган ялангликка чиқадиган тик сўқмоқ ёнбошида бир қабр бор. Андак тўхтаб, унга эътибор беринг. Бу жангчи, қаҳрамон отнинг қабри. У фронтда яраланган эгасини олиб кетаётган санитар вағони орқасидан югуриб поезд тезлаб кетганда етолмай, йўлда қолиб кетган. Неча ойлаб тоғ-тошлардан, дарёлардан ўтиб, чўлларда саргардон бўлиб, охири Ургутни топиб келган. Бу вафодор от эгасини кўриш илинжида ойлаб Самарқанд вокзалидаги поездларни бошдан-оёқ айланиб чиқади. Ўзига таниш санитар вағонини тополмай, келгуси поездни кутади. Ургут билан Самарқанд оралиғида қатнайвериб, туёқлари емирилиб, юришга имкон бермай қўяди. У охири кадрдон чавандозига илҳақ бўлиб жон беради.

1960 йилда кончилар тўғрисида бирон нима ёзиш ниятида Оҳангаронга бордим. Юз метрча чуқурликдаги шахтага тушганимда фаройиб воқеага дуч келдим. Бу воқеа мени ҳали-ҳали ларзага солади. Илгари бошимга қора кунлар ёғилганда Жезқозғон мис конлари шахталарида ишлаганман. Ер қаъридаги бунақа ҳаёт менга таниш эди. Боя айтганим — мени ларзага солган нарса — кўмир конида 17 йилдан бери ёруғлик кўрмай, тоза ҳаводан нафас олмай яшаётган от эди.

Бу от қирқ биринчи йили фронтга жўнатилади, икки йил жанг қилади. Яраланган отлар қатори «брак» қилиниб, кўмир конлари бошқармаси ихтиёрига юборилади. Шу тариқа у фронтдош дўстлари билан Оҳангаронга келиб қолади. Ўша пайтларда электр қувватининг етишмаслиги туфайли техникани ишлатиб бўлмасди. Электр қуввати фақат шахта ичини ёритиш ва ҳавони тозаловчи вентиляторни айлантиришга зўрға етарди. Отлар ер тағига туширилди. Кўмир ортилган вагончаларни тортиш шулар зиммасига тушди. Яраси битиб, асил холига келган от исён кўтариб, юк тортмай қўйди. Шунда ер устидан бир яхудий мол дўхтири тушиб, уни ахта қилиб қўйди. Ана

шундан кейин у юввош тортиб, итоатли бўлиб қолди. Кўп отлар ҳаво етишмаслигидан, оғир меҳнатдан бирин-кетин ўла бошладилар. Юқори қувватли электр линиялари тортиб келтирилгандан кейин отлар керак бўлмай қолди. Улар ишдан озод қилиниб, ер бетига чиқазилади. Аммо, ёруғликка чиққач, қорачиқлари кенгайиб кетгандан кучли ёруғликка чидамай, ҳаммаси кўр бўлиб, бадбўй, ифлос ҳавога ўрганган ўпқалари тоза ҳавога дош беролмай қолди. Шахтада қолган уч-тўрт от ҳам ўлиб кетди. Фақат шу биргина от ҳамон ер қаърида яшаяпти.

Бошимдаги каска чирогини отга тушираман. У жимгина тураверади. У ахта қилинганидан буён ана шунақа бефарқ, лоқайд бўлиб қолган экан.

Менга ҳамроҳ бўлган кон муҳандисига қарайман.

— Буни нима қилмоқчисизлар? Юқорига чиқазилса кўр бўлиб, ўлиб кетади. Бечора шу ерда яшайверадими?

— Бошқа илож йўқ. Худо қанча умр берган бўлса шу ерда поёнига етказади.

Ўз ўлимини сокин, итоат билан, исёнсиз кутаётган бахтсиз жониворга қараб юракларим зирқираб кетди. Қанчалар раҳмсиз бўлиб кетганмиз-а, дейман ўзимга ўзим. Динга қарши тинимсиз ташвиқотлар ўз ишини қилмаётганмикин? Дилимиздан имон кўтарилмаётганмикан? Нахотки Худони унутаездик? Йўқса, бу шафқатсизлик бизда қайдан пайдо бўлди?

Қамок лагерларида умрини ўтказаётган маҳбуслар уйини, бола-чақаларини соғиниб мушук боқишарди. Ўзлари тўймаган овқатдан юлиб мушукларга беришарди. Лагер сиёсий раҳбари шу мушукларни қопга солиб, олов гуриллаб ёнаётган нонвойхона печига ташлаганини кўрганман. У алангада жизғанак бўлиб ёнаётган мушукларни завқ билан томоша қилганди. Бу шафқатсиз одам ибодат қилаётган насронийларни, номоз ўқиётган мусулмонларни аямасдан калтакларди. Бу хил шафқатсизликлар ўшанақа имонсизлардан ўтмаганмикан?

Шундай изтиробли хаёллар билан отдан узоқлашдим.

Гоҳ эмақлаб, гоҳ букилиб, вагончаларга, электр симларига тегиб кетишдан қўрқиб минг бир хавотир билан шахта йўлларини айланиб чиқдим. Тепамда ким билсин, неча миллион тоннали ер қатлами. У тинимсиз қисирлайди. Ҳар бири уйдек-уйдек келадиған кўмир харсангларининг дарзидан қурум тўкилади. Вагончаларнинг тарақа-туруқ товушлари, тепадан ёмғирдек қуйилаётган сувларнинг шовқини, сув тортаётган насосларнинг тинимсиз гувиллаши, пармаларнинг пулемёт товушини эслатувчи

овози, улар кўчирган кўмир харсангларининг пастга қарсиллаб тушишидан ҳосил бўлган момоқалдирокдек ваҳимали товуши мени довдиратиб қўйди, кулоқларим битиб, чиқиш жойига келдим. Ҳамроҳим юқорига чиқиб кетган экан. Лифтчи чол аҳволимни кўриб, темир курсини мен томон суриб қўйди.

— Бирпас дам олинг. Анча уриниб қопсиз. Шахтага биринчи тушган одам шунақа эсанкираб қолади.

Ўтирдим. Икки кўзим отда. Унинг бадани ҳаракатсиз эди. Ер бетидаги отлар танасига қўнган пашшаларни думи билан ҳайдайди. Думи етмаган жойларига қўнганларини терисини дириллатиб учириб юборади. Бу жойда на пашша, на чивин бор. У отнинг ўзи эмас, гўё ҳайкали эди.

От ҳам ўйлармикан, дейман ўзимга ўзим. Кўрган кунларини эслармикин? Толстой ҳам, Айтматов ҳам от ўйлаш, эслаш қобилиятига эга жонивор, деган. Шундай бўлса бу от ҳам болалигини эслай олади. Шаталоқ отиб яйраган яшил яйловини, онасининг тўлиб, тирсиллаб турган елинини боши билан туртиб-туртиб ийдирганларини, илик хушбўй она сутини мириқиб эмганларини эслаётгандир. Чақмоқ чақиб, момақалдирок гумбурлаб, ёмғир қуйганда онасининг иссиқ пинжига суқилганларини хаёлидан ўтказаетгандир. Авжи ғунон бўлган пайтида рақибларини доғда қолдириб, кўнгли хушлаган сулув бияни эргаштириб уюр орасидан ғолибона олиб ўтган пайтларини наҳотки эсламаса!

От хўрсинса, кўзидан ёш оқса бир фалокат юз беради, эгаси ўлади, дейишади. Хўрсинган отни албатта сўйиб юборишади.

1952 йили шу отнинг кўзидан мўлт-мўлт ёш оққанди. Ним қоронғи шахтада буни ҳеч ким сезмаганди.

Ўша йили олис Жезқозғон конида мис харсангларини кўчирадиган махбуслар орасида бир махбус, собиқ қаҳрамон отлик аскар Эрмат чавандоз оламдан ўтди. Мис тўзонлари унинг ўпкасини чиритган эди. Эрмат чавандоз умрини ватан хоини деган «унвон» билан яқунлади.

От ўз чавандозининг оламдан ўтканини сездимикан? Унинг хўрсиниши, кўзида мўлтираган ёш балки шундандир? У жонворлик ҳиссиёти билан фожиани олисдан туриб сезган бўлиши мумкин.

Бу рухий ҳолат, бу эрк соғинчи менга таниш.

Йигит ёшим барқ урган, уйланиб, ҳаёт нашъасини сураётган, ёниб ижод қилаётган пайтимда мени зиндонга ташладилар. Ёруғ тушмайдиган, ташқаридан тик этган товуш келмайдиган якка зимистон хонада (одиначкада)

ётганимда худди шу отга ўхшаб кўрган-кечирганларимни эслаб ўтирардим. Қизиқ, негадир фақат баҳор пайтларини эслардим. Ўрик гуллаган, шаббода шафтоли гуллари ни тўзғитарди. Мажнунтолларнинг узун яшил сочлари янги уйғонган майсаларнинг бошларини силарди. Жаннатга бермагулик ўзбек боғларида баҳор бир неча ҳафталик меҳмон эди.

Йигитлик ҳам ана шундай меҳмон. Шу ғанимат, кейин ҳеч қачон қайтиб келмас дамларни қоронғу зиндонда ўтказиш нақадар аянчли, нақадар армонли...

Шу топда, ер тагида от ўйляпти, мен ўйляпман.

От яшил яйловларни кўряпти. Она бағрида яйраганларини эслапти. Мен биринчи китобим чиққан, қувончим оламга сизмас бахтиёр дамларни кўз юмиб хотирамда жонлантиряпман.

Беихтиёр отга қарайман. У ҳамон бош экканча лоқайд турарди.

— Э, биродар, не гуноҳинг бор эдики, сени шу алпозга солишди?

От тилга киргандек бўлди:

— Менда қандай гуноҳ бўлсин. Бир безабон жониворман. Одамларнинг юкини енгил қилдим, узоғини яқин қилдим. Ўзимни инсоннинг дўсти дегандим... Хайронман. Олис юртларда жангларга кирдим. Одамлар менга ўқ уздилар. Яраланиб, узоқ юртлардан ватан деб билган манзилга етиб келдим. Мана, кўриб турибсан, ўша соғиниб келган ватанда офтоб кўрмай турибман...

— Биламан, биламан, жонивор. Халқлар отаси хўлу қуруқни баробар ёндирган эди. Сендан бирон зурёд қолмадими? — деб сўрайман ундан. У бош чайқайди.

— Мени бундай бахтдан мосуво қилганлар.

Кўксимда бир дунё ғам билан ер бетига чиқиб кетдим.

Осмон кўм-кўк, уқпардек оппоқ булутлар беозор сузади.

От пастда, қуёшсиз, ойсиз, юлдузсиз маконда мунг тўла кўзларини юмганича қора тақдирини поёнига етказиш учун зимистонда қолди. Ўттиз етти йилдирки уни эслайман. Баъзан у тушларимга киради. Бирон ерда от кўрсам шу ғариб, бахти чопмаган жонивор эсимга келади. Шундай пайтларда дохий «падари бузрукворимизга» қарата: «Зулмингни, жабрингни тортмаган ким қолди? Одамларга қилган зулминг каммиди, жониворларни ҳам бахти қора қилдинг-ку!» деган бир нидо ич-ичимдан отилиб чиқади.

Ўтган йили водийга машинада кетаётганимда ёмғир

қуйиб юборди. Олмалик йўлидан Оҳангарон томон бурилишда хассага таянган бир кекса одам ёмғирда ивиб, ўтган-кетган машиналарга қўл кўтариб, олиб кетишларидан умид қилиб турарди. Унинг ёнгинасига келиб, машинани тўхтатдим. У эшикни очиб, Ангрэнгача олиб кетишимни сўради. Олиб кетдим. У менга икки-уч марта қараб олгач:

— Сизни танийман, биродар, — деди. — Эсингизда борми, ўттиз етти йил олдин сизни шахтага олиб тушгандим.

Тасодифни қаранг, шунча йилдан бери хаёлимни банд қилган одамни топдим. Ундан шошиб сўрадим. «Эсингиздами, ху, шахтадаги от? У нима бўлди?» дедим. У ички бир изтироб билан, паст овозда «ўлди» деди.

— Сиз келиб кетганингиздан бирон йил ўтиб жонивор қазо қилди. Жасадини Жигаристондаги фронтчи дўстлари дафн қилинган жойга кўмдик. Жуда бахаво жой. Баланд адир пойида. Кон ветеранлари маслахатлашиб, шу отларга ёдгорлик ўрнатмокчи бўлдик. Бироқ ўзингиз биласиз, Жигаристон воқеасини бутун дунё билиб кетди. Бемаҳал келган ёмғир селга айланиб кўприкларни бузди. Дарахларни кўпорди. Адирнинг таги нам тортиб, сурила бошлади. Охири ўпирилиб одамларнинг уйларини босди. Эҳ-хе, қанча одам тупроқ тагида қолди. Ўшанда отларнинг мозори ҳам тупроқ тагида қолиб кетди.

Бу гапдан инграб юбордим.

Тақдирни қаранг, бу бахти қора отнинг ўн етти йил ер тагида яшагани, ер тагида жон бергани камлик қилгандек қабри ҳам ер тагида қолиб кетибди. Ўзи айтгандек «ватанини топибди».

Хамроҳимни Ангрэнда қолдириб, тоғ томон кетдим. Ёмғир тинган, лекин тоғ бошида булутлар ғужғон ўйнарди.

Довонга кўтариламан. Ёнбағирларда уюр-уюр йилқилар ўтлаб юришибди. Улар орасида мен билган отнинг зурриёди йўқ. У дунёдан ном-нишонсиз кетган...

«От кишнаган оқшом» қиссасининг сўнгги сатрларини ёддан ўқийман: «Аё Тарлон, сен менинг акамсан. Ука деса дегулик мендайин уканг бор... Аё Тарлон, сен менинг қиёматлик биродаримсан, қиёматлик...»

Бу сўзлар инсоннинг энг яқин дўсти, вафоли жўраси — от шаънига айтилган мадху таронадир.

МЕНГА ЕТИБ КЕЛМАГАН ХАТ

Эллик тўртинчи йили Саидахондан бир хат олдим. Унда аввал ҳам хат юборганини айтган эди.

«Билмадим, бу юбораётганим хатми, ҳикоями ё бошимдан ўтган савдоларми? Ўқиган бўлсангиз, ўзингиз бирон нима деб номларсиз...»

Саидахон айтган ўша хат менга етиб келмаганди. «Бошимдан ўтган савдолар» деганидан хат етиб келмагани аён бўлди.

Қайтиб келдим. Саидахон билан дийдор кўришдик. Бир куни у ўша хатдан гап бошлади. Олмаганимни айтдим.

— Хатда анча гап бор эди. Нималар ёзганимни ҳозир айтиб беролмайман. Уйма-уй кўчиб юрганимдан хатнинг қораламаси ҳам йўқолиб кетган. Афсус, юрагимдаги бутун дард-ҳасратларимни қоғозга тўкиб, кўнглимни бўшатиб олган эдим...

Яқинда иш кабинетимни таъмир қилиш учун китобларни, асарларимиз босилган газета-журналларни, кўлёзмаларни айвонга олиб чиқдик. Шунда Саидахон кўпдан тополмай юрган, йўқолиб кетган деб гумон қилган хатнинг қоралама нусхаси чиқиб қолди. Бундан қирқ тўрт йил муқаддам ёзилган бу хат анча хиралашиб, қора қалам билан ёзилгани учун кўп жойлари ўчиб кетган эди. Мук тушиб ўқий бошладим.

«...Мен учун ҳамма йўллар бекилган. Радио, газета-журналлар, нашриётларга йўл йўқ. Ёзганларимни редакциялар олмайди. Радиода биттагина «Кокилинг» деган кўшиғимни баъзан эшиттириб туришарди. У ҳам тўхтади. Шу кўшиқнинг куйига Уйғун бошқа шеър ёзиб берибди. Рўзгорнинг ҳам таги кўриниб қолган. Қайнона-келин бир-биримизга қараб мунғайиб ўтираемиз. Бирор жойга иш сўраб бораё деса, Уйғун ҳамма ташкилотларга, ишга олманглар, деб хат юбориб қўйган. Нима қилишимни билмайман. Ўйлаб-ўйлаб 15 ёшга тўлганимда дадам совға қилган тилла соатимни сотиб, бир-эски ёзув машинкасини олдим.

Нашриётдаги машинисткаларга кўчиртириш учун тез-тез қўлёзмалар олиб келишади. Лекин, ўзларининг ишлари кўп бўлганидан гоҳида қайтариб беришарди. Энди келган қўлёзмаларни менга юборишяпти. Сал ишларим юришгандек бўлди. Оз бўлса ҳам қўлим пул кўрди. Бир қисмига рўзгор қилиб, яна бир қисмига у-бу олиб, сизга посылка юбораман.

Ойим сахар пайти бомдод намозини ўқишга туради. Мени уйғотиб юбормаслик учун жойнамоз устида паст товушда Қуръон тиловат қилади. Тиловатдан сўнг мени узоқ дуо қилади. Ястиқдан бош кўтариб кулоқ соламан. «Э худойим, шу мусофиргинани ўзинг қўлла! Шу фариштагинага тикилганларнинг юзини тескари қил! Бола бечора келин бўлиб нима халоват кўрди... Келин бўлиб яйраб-яшнамади. Борса келмасда банди зиндон бўлиб юрган боламнинг мушкулени осон қил! Қаҳри қаттиқ Исталиннинг кўнглига инсоф солгин! Келин бўлиб рўшнолик кўрмаган, ўйнаб-куладиган, яйраб-яшнайдиган пайтида азобларда ўртанган шу бегунох келингинамнинг йўллари-дан говларни олиб ташла! Рўшнолик кўрсин шу болагинам...»

Ойимнинг майин, хаста овоз билан қилаётган илтижоларидан ўпкам тўлиб, кўзларимга ёш қалқийди. Ойимни бағримга босиб, бақириб йиғлагим келади. Ўзимни босаман. Кўрпани бошимга тортиб, эзилиб-эзилиб йиғлайман. Кўзим тўла ёш билан ухлаб қоламан. Уйғонганимда деразадан тушган офтоб стол устидаги биллур кўзада чакмоқдек ял-ял ёнади. Унинг акси деворда нурли шакллар пайдо қилади. Ойим кириб пешонамни силайди.

— Туринг, болам, чой дамладим. Тамадди қилиб олинг, — дейди.

Андижондаги ҳовлимиз эсимга келади. Бувим худди шунақа маҳал ариқ бўйида пиёла ювади. Бармоғидаги узуги пиёлага текканда чиқ-чиқ этиб овоз чиқазарди. Кейин чой дамлаб, сочикқа ўраб қўяди. Бошимга келиб: «Тур, тура қол, Саида», деб бошимни силайди. Шу топда бувим ҳам чой дамлаб, сингилларимни уйғотяпти. Қандоқ беозор, беармон кунлар эди Андижондаги кунларим! Мени Тошкентга нима боғлаб турибди? Шу меҳрибон, шу покиза кампир билан тақдиримиз бирлашиб кетганиданми? Унга беҳад меҳр қўйганимданми? Айрилиқ доғида ўртанган шу мусичадек беозор хотинни ташлаб кетиш менга худди хиёнатдек бўлиб туйилишиданми? Шу мунглиғ, кичкинагина жуссасида тоғдек юкни инграмай, фарёд урмай кўтариб юрган жаннати хотинни ташлаб кетиш

мумкинми? Биз ойим билан иккимиз битта вужуд бўлиб кетганмиз, ахир! Отилган тошлар икковимизга баробар тегади. Овсиним ҳам, эгачиларим ҳам ойимни мендан кизганишади. Бизни Фотима-Зухралар деб пичинг қилишади.

Чарчаб, дикқат бўлиб қолган пайтларимда ойим: «Юринг, овсинингизни кига борамиз», деб қолади. Меҳмон қиладилар. Ошга унайдилар. Шунда овсинимнинг бирон гапи ойимга тегиб кетади. Анжанча гапимними, «р»ни айтолмаслигимними эрмак қилса, ойим дарров ўрнидан туриб, тугунини қўлга олади. «Туриг, Саидахон, кетдик!» дейди. Мени ҳеч кимга чўқиттириб, эрмак қилдириб қўймайди. Энг ширин таомни олдига қўйганда ҳам, «юринг, Саидахон, кетдик», дерди-да йўлга тушиб кетаверарди.

— Ойи, бекор қилдингиз, овсиним хафа бўлиб қолди, — дейман йўл-йўлакай.

— Хафа бўлса бўлар! Тилига эҳтиёт бўлсин-да! Билиб қўйинг, сизни уларга талатиб қўймайман. Сиз Андижондек шаҳарни, онангизни, бир этак укаларингизни ташлаб, ёнимда гамғузорлик қиляпсиз. Ҳар саҳар сизга худодан умр тилайман. Бу кунлар ҳам унут бўлар, болам ҳам келиб қолар. Шунда икковимиз бир-биримизнинг пинжизмига суқилиб яшаганимизни эртақдек эслаб юрамиз.

Биз уйга етиб келганимизда овсинимнинг ўғли велосипедга суяниб, кутиб турган бўлади. Овсиним ошни сузиб, бир тоғорачада бериб юборади.

— Катта ойи, бирпасдан кейин адам билан ойим келишади, — деб жиянингиз велосипедига миниб жўнаб кетади.

Ойим гиналарни унутиб, уй йириштиришга киришади.

— Сиз самоварга ўт ташланг! Пиёлаларни кул билан ювинг. Биласиз-ку, Зухурхон доғ бўлган пиёлада чой ичмайди, — дейдилар.

Зухурхон акани жуда яхши кўраман. Тўғри сўз, ҳалол, бировни ялаб-юлқашни билмайди. Бор гапни тикка бетига айтади.

Билиб турибман, Зухурхон акам бизнинг аразлаб кетганимиздан ранжиган. Эр-хотин жиндек чўқишиб олишган. Бу нохушликни тарқатиш учун эр-хотин келишяпти.

Тахминим тўғри чиқди. Шайхонтоҳур бозорчасидан майда-чуйда харид қилиб келишибди. Ҳеч нарса бўлмагандек ойим уларни хандон-хушхон кутиб олди. Аллапаллагача гаплашиб, ўтириб кетишди.

Кеч кириб, ўз хонамга кирдим. Сизнинг тўнингизни

кийиб, машинка босишга ўтирдим. Азиза опа деган яхши бир машинистка бор эди. Ўзига олган қўлёмаларнинг тенг ярмини менга берарди. Ҳақ берилса, баробар бўлишиб олардик. Яқинда у Мухтор Авезовнинг «Абай» романини қўчиришга олганди. Роман жуда катта ҳажмда бўлиб, Азиза опа: «Ҳаммасини ўзингиз босинг, қўлимда иш қўп», деган эди. Мен ичкари уйда чиқиллатиб машинка босаман. Бир томонига ип боғланган кўзойнагини тақиб, ойим Ҳувайдо ғазалларини овоз чиқариб ўқийди. Баъзан ишимни тўхтатиб кулоқ соламан. Ойим шикаста овоз билан ғазалларни жуда равон, майин ўқийди. Гоҳида олдига чиқиб, пинжига сукилиб эшитаман. Ойим Ҳувайдонини негадир аёл киши деб ўйлайди.

— Болам, биласизми, Ҳувайдо бу ғазалларни худонинг жамолига ошиқ бўлиб битган, — дерди ойим.

Ўзингиз биласиз, уйда ойимнинг тўртта китоби бор. Бири Каломи Аллоҳ. Эсингиздами, уйимизни тинтув қилган терговчи Куръонни олиб кетаётганда ойим йиғлаб-йиғлаб унинг қўлидан тортиб олганди. Фузулий, Машраб, Ҳувайдо ғазаллари ойимнинг овунчоғи.

Бир куни ишлагим келмай дангасалигим тутди. Ойимдан ғазал эшитгим келди. У Фузулий ғазалларини ўқиди. Бир жойда тўхтаб, байтни икки-уч марта қайтарди. Мағзини чакқандан кейин менга тушунтира бошлади.

— Фузулий чиройли аёлларга бағишлаб қўп ошиқона ғазаллар биткан. Манави байтни эшитинг:

«Маҳшар куни кўрам дерам ул сарви қоматин,

Гар анда ҳам кўролмасман, кел, кўр қиёматин».

Биласизми, бу нима дегани? Ёрнинг жамолини қиёматда кўраман, агар қиёматда ҳам кўролмасам қиёматнинг ҳам қиёматини чиқазаман, дегани!

Ойим Машраб ғазалларини кам ўқийди. Ўқиган тақдирда ҳам, албатта: «Э худо, ўзингга тавба!» деб қўяди.

— Нега тавба қиляпсиз? — деб сўрайман.

— Болам, шох Машраб сал девонароқ бўлган эканлар. Баъзан оғизларидан куфр сўзлар ҳам чиқиб кетади. Ҳатто Маккайи мукаррамани писанд қилмаган пайтлари бўлган. Бир ғазалларида: «Иброҳимдан қолган у эски дўконни на қилай», дейдилар. Ёки «Этагимнинг гардидан юз минг Хизр пайдо бўлур» дейдилар. Шунақа байтларни ўқисам, охиратим куймасин, иймоним сусаймасин деб, аллоҳга тавба қиламан.

Ойим тасаввуф фалсафасини билмайди. Уччала китобдаги май тўғрисида ғазаллар бор бўлган саҳифаларга хатчўп ташлаб қўйган. Шу саҳифаларни менга ҳам ўқиб

бермайди. Ўқинг, десам, қўйинг, болам, охирагимиз куймасин, дейдилар.

Бундан ташқари, ойим бу қама-қамаларни Сталин билмайди деб ўйлайди. «Сталин билса, ҳамма маҳбусларни қўйиб юборарди», деб умид қилади. Сталин ўлганда ойим ниҳоятда хафа бўлди. Сквердаги хайкали атрофидан бир неча марта айланиб ўтди.

Сталин ўлди, Берия отилди. Аммо, бирон енгиллик бўлишидан дарак йўқ. Жуда диққат бўлиб кетдим. Усмон Юсупов Министрлар Советига раис бўлиб келди, ойимнинг номидан унга ариза ёздим. Аҳволимизни тушунтирдим.

— Ойи, манави аризани Усмон Юсуповга олиб чиқиб берасиз. У киши ўғлингизни яхши танийди, — дедим.

— Вой болам, у кишини қайдан топаман?! Борсам, олдига киритишмайди. Ундан кўра, ўзингиз опчиқиб берсангиз яхши бўлармиди, — деди ойим.

Жаҳлим чиқиб кетди. Қайнона-келин ўртасида гап кочди.

— Агар опчиқиб бермасангиз, мен Андижонга кетаман! Ўғлингизни кутиш керак бўлса, Андижонда ҳам кутавераман! — деб шарт қўйдим.

Ойим мунғайиб қолди. Кўзларида ёш айланди. Унга таъсир қилиш учун янада қаттиқроқ гапирдим. Ўша гапларимга ҳалигача пушаймон қиламан. Ўзимни ўзим кечиролмайман. Хуллас, ойим рози бўлди. Эрталаб вақтли икковимиз «Қизил майдон»га бориб, дарахт тагида кимирламай ўтирдик. Соат тўққизларда Юсуповнинг машинаси узокдан кўринди.

Аризани ойимнинг қўлига бердим.

— Югуринг! Анави милиционер турган эшикка қараб югуринг! — дедим.

Ойим қўлида ариза билан ўқдек отилиб кетди. Юсупов машинасидан тушаётган пайт ойим анча берида эди.

— Ҳой, болам! Ҳой, Юсупов болам! — деб қичқирди ойим.

Ичкарига кирмоқчи бўлиб турган Юсупов орқасига ўгирилиб қаради. Бу кампир ким экан деб, бир-икки қадам ойим томон юрди..

— Келинг, ая. Келинг!

— Мен ёзувчи Саид Аҳмаднинг онасиман. Шу қоғозни сизга олиб келдим. Ҳамма гап шунда ёзилган. Адолат қилинг, болам! Сиздан бошқа ҳеч кимдан умидим йўқ.

Юсупов қоғозни олиб, бир нима деди. Ойим бошини тебратди.

— Қаерга борасиз? Ана, машина элтиб қўяди.

— Йўқ-йўқ!

Ойим шундай дедию зудлик билан орқасига қайтди. Ойим кўздан йироқлашгунча Юсупов орқасидан қараб турди.

Шу воқеадан ўн кунлар ўтиб, Навоий кўчасида Собир Абдуллани учратиб қолдим. Юсупов бир нечта атоқли ёзувчилар билан суҳбат ўтказган экан. Шунда Юсупов Уйғунни тикка турғизиб қўйиб, қаттиқ-қаттиқ гапирибди.

— Ёшларни турмага тайёрлаганмизми?! Қаёққа қараб ўтирибсан?! Агар Саид Аҳмад душман бўлса, сен билан мен ҳам душманмиз! Чунки уни биз тарбиялаганмиз.

Уйғун жавоб беролмай, лавлагидек кизариб-бўзариб, жойига ўтириб қолибди.

Бу гапларни Собир Абдулла айтиб берди.

Билмадим, Усмон Юсупов аралашдим, ҳартугул, мени Бирлашган нашриётга корректор қилиб ишга олишди. Бу нашриётда асосан сиёсий адабиётлар босилади. Пленумларда ўқилган докладлар эрталабгача босмадан чиқарилиб, тарқатилиши керак. Кечаси соат икки-учларгача ишда қолиб кетаман. Мухаррир ўринбосари Рихси Саҳиббоев, ЎзТАГ таржимони Яхё Йўлдошевлар билан қаитишим керак. Улар сизнинг уйингизда яшаётганимни билиб қолмасинлар деб, олдинроқ пиёда уйга жўнайман. Кўчалар хавфли. Ўғрилар, йўлтўсарлар кўп. Тонготарга яқин уйга яқинлашганимда катта кўчанинг бошида ойим қимирламай кутиб турган бўлади.

— Ҳа, ишингиз ҳам бор бўлсина!

У менинг соғ-омонлигимни билгач, пилдираганча олдимга тушиб кетади. Орқасидан ҳовлига кираман. Дастурхонга ўраб қўйилган илиқ овқатни олдимга қўяди. Мудраб-мудраб бир-икки қошиқ овқат ёйману ечинмасдан кўрпача устида ухлаб қоламан.

Шу ухлаганимча соат ўнларда уйғонибман. Чой ичиб ўтирган эдик, кўча томондан машина товуши эшитилди. Бир оздан кейин эшигимиз тақиллади. Ойим бориб эшикни очган эди, битта ўрис хотин ичкарига кирди.

— Зуннунова Саида шу ерда яшайдими? — деб сўради у.

— Издес, издес, — деб жавоб берди ойим.

Мен ҳовлига тушдим.

— Зуннунова мен бўламан, — дедим.

— Москвага ариза юборган эдингизми?

— Ҳа, — деб жавоб бердим.

— У ёқдан сизнинг ишингизни текширгани одам кел-

ди. Соат тўртда Марказий Комитетга боринг. Сиз билан гаплашишди.

У кетгандан кейин шошилиб кийиндиму нашриётга чопдим. Нашриёт директори Василий Фёдорович Архангельский бир ажойиб инсон эди. Унга мени юқорига чақириваётганини айтдим.

— Хабарим бор, — деди у. — Кеча кечкурун мен билан гаплашишди, сен тўғрингда билганларимни айтиб бердим. Бежиз келмаган. Яхшилик бўлишини сезиб турибман. Кўпам хаяжонланмасдан, ўзингни босиб гапиргин. Ортиқча гап аралаштирма...»

Қирқ тўрт йил муқаддам ёзилган ушбу хатнинг охири саҳифаси йўқ эди. Парткомиссия вакили нима деди, билмадим. Шуни яхши биламанки, 1954 йилнинг ўрталарида Саидахондан ҳамма айблар олиб ташланди. Ёзувчилар уюшмасининг аъзолигига тикланди. Газета-журналларда асарлари бирин-кетин чоп этила бошланди. Ўша йили «Гуллар водийси» номли шеърий тўплами ҳам босилиб чиқди.

Ойим қазо қилганда Саидахон ҳамма маросимларини бир фарзанддек адо этди. Ўзи ҳам то умрининг охирларигача, ойим ундоқ эдилар, ойим бундоқ эдилар, деб эслаб юрди.

Қирқ тўрт йил кўздан яширилган хат бугун кўлимда. Кичкинагина жуссасида шунча ғамларни филдек кўтара олган Саидахоннинг мунис чехраси кўз олдимга келди. Ичимдан аламли бир хўрсаниқ отилиб чиқди-ю бўғзимни куйдирди.

Дунёнинг ишлари шунақа экан-да, чидамай иложинг қанча, деб ўзимни ўзим овутаман.

ҲАЖВЧИНИНГ ИЗТИРОБЛАРИ

(Муаллиф билан суҳбат)

КЕКСАЛАРИ ГЎДАГУ ГЎДАКЛАРИ КЕКСА ЮРТ

— Домла, таржимаи ҳолингиз билан яхши таниш бўлмаган киши сизни қишлоқда туғилган, деб ўйлайди. Далани, қишлоқ ҳаётию одамларини шундай ишонч ва муҳаббат билан тасвирлайсизки, асарларингизни ўқиган киши муаллифнинг катта шаҳарда туғилган «оқ билак» инсон эканлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Ё ростдан ҳам қишлоқда туғилганмисиз?

— Йўқ. Мен Тошкентнинг қоқ марказида Самарқанд дарвоза маҳалласида туғилганман. Адабиётга, рассомликка жуда эрта қизиқдим. Уйимизга Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қодирий, Зиё Саид, Комил Алиевлар тез-тез келиб туришарди. Чунки шоир Элбек ташқари ҳовлимизда яшарди. Унинг исми фамилияси Мирмашриқ Юнусов бўлиб, асли Бўстонликдан эди. Дадам у киши билан Чимён тарафларга овга борганда танишиб қолган ва Тошкентда бошпанасиз қийналаётганини билиб, ташқари ҳовлимизга кўчириб келган эди. Шоиру ёзувчиларнинг адабий гурунглари бу ерда ўтарди. Мен уларга чой ташиб, бир четда ўтирганча, суҳбатларига кулоқ солардим.

Элбек ака ҳар гал қишлоғига борганда, менга курут олиб келарди. Энди менинг «қишлоқи»лигимнинг сабабларини айтай. Болалигимда расм чизишга жуда уста эдим. Ўртоқларим мени «рассом» деб қақиришарди. Ўша йиллари ўзбек алифбоси биринчи бор ўзгарган, араб алфавитидан лотин графикасига ўтиш жараёни кетаётган эди. Колхозлар, идоралар ва турли ташкилотларда пешлавлар (вивескалар) ўзгараётган эди. Айниқса, шоир ҳаддан ташқари кўп бўларди. Булардан ташқари, чойхоналарда, клубларда «Ленин бурчаги» деган жой бўлардики, у ерни ҳам безаш лозим эди. Хуллас рассомга иш ошиб-тошган замон. Отда келишиб мени шоир ёздириб учун қишлоққа олиб кетишарди.

— Демак, мактабингиз қишлоққа яқин жойда бўлган экан-да?

— Унчалик яқин бўлмаса ҳам, отда, пиёда бемалол борса бўларди. Хозирги Янги ТошМИнинг ўрни колхоз эди. Унга Ҳайитвой оқсоқол деган гўдақтабиат бир киши раис эди. У мактабимга, уйимга тўп-тўп қизил алвон ташлаб кетарди. Кечаси билан ухламай шиор ёзиб чиқардим. Кундузи эса мактабимиз деворига алвон тортиб яна ёзардим. Бошқа болалар дарсга кирмай, ҳовлида «маза қилиб» шиор ёзаётган «рассом»га ҳам ҳавас, ҳам алам билан қараб ўтиришарди.

Шиор, айниқса, байрамларда жуда кўп ёзиларди. Октябр байрами, 8 Март, 1 Май... Эҳ-хе, мен шиор ёзган алвонларни бир-бирига улаб, кўрпа қавилса, Оролга ёп-қич бўлар-ов!.. Баъзан раислар ўртасида талаш бўлиб кетардим. Уйимизга аравада картошка, сабзи-пиёз ҳам олиб келишарди.

— Демак, пул ҳам беришар экан-да?

— Дадам пул олмайсан, деб тайинлаганди. Сабзи-пиёз менинг «иш ҳақим» эди.

— Расмлар ҳам чизармидингиз?

— Ҳа-да. Ўша пайтда халқнинг ташқи сиёсатдан билгани Англия Бош министри Чемберленнинг, Хитой Бош министри Чан Кай Шининг, Италия Бош министри Муссолинининг номи эди. Улар Шўро ҳукуматиға нима ёмонлик қилган, айби нимада билишмасди. Мажлисларда гап маккажўхори экиш тўғрисидами, қисир қолган сигирларни сотиш тўғрисидами, кимни «Қизил тахта»га, кимни «Қора тахта»га ёзиш тўғрисидами, нотик, барибир, сўзини Чемберленни сўкиб тугатиши керак эди. Ҳатто мана бундай қўшиқ ҳам чиққан:

Чемберлен, Муссолини

Билмас ўнгу сўлини.

Хўп яхшилаб тузиблар

Фашистлар усулини.

Бу қўшиқни парадларда кўпчилик бўлиб айтардик.

Колхозларга борганимда деворларга ҳам Чемберленнинг сувратини чиздиришарди. Юзлаб одамлар келиб бу сувратни томоша қиларди, ҳатто Ҳайитвой оқсоқол колхоз идораси деворига ўзининг Чемберленни кетмон кўтарганча қувлаб кетаётган сувратини ҳам ишлатган эди.

Хуллас, мендаги далага, қишлоққа бўлган меҳр ўша пайтларда туғилган бўлса ажаб эмас. Гўдакфёъл Ҳайитвой оқсоқолни эса ҳалигача меҳр билан эслайман.

«КИЗЛАРНИ ЁМОН КЎРАРДИК»

Адабиётга, санъатга берилган ўспирин кўнглига муҳаббат эртароқ келади, дейишади. Сиз ҳам бундан мустасно бўлмагансиз, чоғи?

Аксинча. Қизларни жуда ёмон кўрардим. Уларни кийқиртириб қувиб юрардим. Ҳатто урардим ҳам. Ниҳоятда шўх, тизгинсиз бола бўлган эканман. Бир қарасанг, артист бўлгим, бир қарасанг, дарбоз бўлгим, бир қарасанг, масхарабоз бўлгим келарди. Қаерда бирон қизиқ одамни кўрсам, ўшанга ўхшагим келаверарди. Самарқанд дарвоза маҳалласига дор келганда бир масхарабоз қопдаги шиша синиқларини бўйрага тўкиб устида ялангоёқ ўйин тушган. Мен ҳам ўнтача шишани синдириб, устига девордан сакраганман, сўнг икки-уч ҳафтача қўлтиқтаёқда юрганим эсимда. Дор ўйнаб йиқилиб оёғим синган. Дарахтдан, томдан кулаб беш мартача қўлим чиққан. Ҳар гал қўлим чиққанида, Лабзакдаги Махсум табибга олиб бориб, қўлимни тахтакачлатиб келишарди.

— Гапларингизга қараганда, ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олиб қочадиган бевош бола бўлган экансиз. Оилада нечта фарзанд эдингизлар?

— Уч акам, уч опам бор эди. Мен кенжатой эдим.

Дарвоқе, биринчи муҳаббат тўғрисида гапираётган эдик. У пайтларда қизларда ҳам, йигитларда ҳам ибо, шарм-ҳаё баланд эди. Кўчада қиз кишининг ўғил бола билан гаплашиб туриши катта айб саналарди. Оврупонинг беҳаё одатлари ҳали биз томонларга етиб келмаганди. Ўпишиш қаёқда, қўлтиқлашиб юриш қаёқда, ҳатто қўл бериб кўришиш ҳам гуноҳ саналарди. Бечора йигитлар яхши кўрган қизлари ўтган кўчаларнинг ҳавосини ҳидлаб, ғингшиб юришарди. Худога минг қатла шукрки, мен вояга етганимда баъзи қизлар унча-мунча «беҳаё»лашиб, йигитлар билан кинога бориш, хилват боғларда сайр қилиш айб бўлмай қолганди.

Эндигина бўйга етиб, қизларга гап ташайдиган пайтим келганда, уруш бошланиб кетди. Кийим-бошим тўзиган, ранг-рўйим бир алпозда... Менда қизларнинг кўзини ўйнатадиган ҳусн ҳам йўқ. Унақа нотавонни қизлар бошига урадим. Шу алпозда ёшлигим ҳам ўтиб кетди. Бирон қизни ўпмаганман, десам, албатта ишонмайсиз. Ишонмай тўғри қиласиз. Насибамга яраша худо етказганини ўпган бўлсам, ўпгандирман. Эсимда йўқ. Хотирамнинг мазаси қочган, склероз бошланяпти, шекилли...

— Болалик чоғларингизни эслаганингизда, энтикиб кетадиган бирон воқеани айтиб бера оласизми?

— Болалигим, ёшлигим оғир йилларга тўғри келган. Катталар тортган кўргиликларни биз, болалар ҳам татиб кўрганмиз. 33-йилда уйимизни тортиб олиб, детдом қилишди. Кесак кўрғондан бир чолдевор ховли топиб кўчиб бордик. Барибир тинч қўйишмади. Уйимизни тез-тез тинтув қилишиб, қўлларига илинган нарсаларни олиб чиқиб кетаверишарди. Ана шундай кунларнинг бирида уйимиздаги ёзув столини молия идорасига керак, деб опчиқиб кетмоқчи бўлишди.

— Кимлар?

— Молиячилар-да. Онам дод солиб, столга ёпишди. Молия агенти уни туртиб юборган эди, онам бечора столга урилдию, хушидан кетди. Кейин билсак, биқини эзилиб кетибди. Сал кундан кейин бир оёғи узилиб кетган қиз туғди. Синглим жуда чиройли қиз эди. Беш ёшга етар-етмас оламдан ўтди. Эсласам, бутун вужудимга титроқ киради.

«ҚАЧОН ҚУРУЛТОЙ БЎЛАР ЭКАН?»

Бир умр йиртиқ-ямоқдан боши чиқмаган чорикорнинг уйида энди дутор, танбур каби кўнгилочар асбоблари бор. (Йўлдош Охунбобоевнинг грампластинкага ёзилган нутқидан.)

— Сиз бир суҳбатда, машҳур Дадахўжабойнинг неварасиман, деган эдингиз. Бобонгиз тўғрисида нималарни биласиз?

— Билганим шуки, бобом инқилобдан олдин Тошкентда иккита рус-гузем мактаби очган, маърифатпарвар киши бўлган. 20-йиллардаги ўзбек зиёлиларининг кўпчилиги шу мактабларда таълим олишган эди. Дадахўжабой муаллимларнинг маошини, ўқувчиларнинг стипендияларини ўз ҳисобидан бериб турган. Мактабнинг барча сарф-харажатларини ўз зиммасига олган.

Дадам, амакиларим ҳам шу мактабда таълим олишган эди. Дадам Хусанхўжа рус тилини мукамал биларди. Хатто айрим ўрислар ҳам хат ёзишса, дадамга ўқитиб, тузаттириб олишарди. Раҳматли, айникса, овни яхши кўрарди.

Яна бир бобом, онамнинг отаси Тахтапул даҳасининг қозиси экан. У кишининг хусусий тошбосмаси бўлган.

Бобомнинг номи «Мулла Фулом Расул» мухри босилган Жомий, Сўфи Оллоёр, Хувайдо китобларини кўрганман. 1913 йилда Қози бувамнинг мухри билан нашр қилинган Куръондан бир нусхаси жавонимда сақланади.

Онам Зулфихон Фуломхон кизи саводхон аёл эдилар. Кечалари Хувайдо ғазалларини ўқиб ўтирардилар, эшитиб йиғлагим келаверарди.

Катта акам Имомхон Хусанхўжаев биринчи ўзбек стенографиясини ижод қилган. Мактаб очиб, ўзбеклардан стенографлар тайёрлаган. Аҳмад Шораҳмедов, кейинчалик халқ артисти бўлиб етишган Назира Алиева ва ўртанча акам Зухурхон Хусанхўжаев шу мактабда таълим олишган. Улар йигирманчи-ўттизинчи йилларда бўлиб ўтган жами қурултойларда, пленумларда Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Йўлдош Охунбобоевнинг докладларини, нутқларини сўзма-сўз ёзиб олишган. Ўша йилларнинг тарихини ёзиб қолдиришган, десам хато бўлмайди.

Мен қачон қурултой бўларкин, деб сабрсизлик билан кутардим. Чунки акам қурултойдан конфет, печенье ва сувратли китоблар олиб келарди.

«БАҒРИ БУТУН ЁЗУВЧИМАН»

— Отангиздан Сизга қандай фазилатлар ўтган?

— Қизиқувчилик. Отам раҳматли гул «жинниси» экан. Ховлимизда, боғимизда хилма-хил гуллар бўларди. Боғимизни шаҳарликлар «Гулбоғ» деб аташарди. Дадам темир-терсакка ҳам ўч эди. Овчилик жон-дили эди. Шундан бўлса керак, чап кўзини қисиброқ қарашга одатланиб қолганди. Кейинги пайтларда у серзарда, жаҳлдор, тажанг бўла бошлаган. Дарсдан қочган пайтларимда бирикки марта калтаклаган ҳам. Ўша кезлари мол-дунёси қўлдан кетган, ўзи қатори зиёлилар бирин-кетин қамалаётган эди. Бир нохушликни кутиб, тажанг бўлаётгани билиниб турарди. Мени етаклаб кинога, паркларга олиб борганда ҳам бировга қўшилмас, салом берганда алик олиб, индамай қайтиб келарди.

Уни 1938 йилнинг эрта баҳорида олиб кетишди. Лабзак кўчасигача кўрпасини кўтариб чиққандим. Юк машинаси орқасидан кўнглим вайрон бўлиб қараб қолганман. Дадам кийноқларга чидолмай, Тошкент турмасида жон берди.

— Невараларингизга қайси фазилатларингиз ўтишини истайсиз?

Қандай фазилатим борлигини ўзим ҳам билмайман. Аммо меҳмонсиз яшай олмаслигимни биламан. Одамларга яхшилик қилгим келади. Элликка яқин ёш ёзувчига оқ фотиҳа берган, газета, журналлар орқали «оқ йўл» тилаган эканман. Китобларига сўзбоши ёзибман. Неъмат Аминов, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Хошимов, Носир Фозилов, Худойберди Тўхтабоев... Шуларсиз туролмайман. Кунда бўлмаса ҳам, кунора учрашиб тураман. Баъзан ҳазиллашиб: «Мабодо, ўлиб-нетиб қолсам, остонамда бел бойлаб турадиганларим кўп», — деб қўяман. Бағрим бутунлигидан қувонаман. Невараларимнинг ҳам атрофида шунақа вафодор дўстлари кўп бўлсин, деб ният қиламан.

ФЕЛЬЕТОНЧИНИНГ БИР ПОЙ БОШМОҒИ

— Илк ёзган асарларингизни эслай оласизми?

— Эслайман. Фельетончилар сардори Комил Алиев «Муштум»да ишларди. Унга «Ишқибоз» деган биринчи ҳикоямни олиб боргандим. Комил ака ҳикояга кўз югуртириб, бир пой туфлисини еча бошлади:

— Туфлимни Ўрдага обориб яматиб келсанг, ҳикоянгни мана шундай қилиб (у бош бармоғини кўрсатди) тузатиб бераман.

Мен хўп дедиму устознинг «табаррук бошмоғи»ни кўтарганча Ўрдага қараб кетдим. Қайтиб келсам, домла ҳикоямни таҳрир қилиб қўйишти. Ўқидим. Ниҳоятда зўр бўпти. «Биров итга, биров беданага ишқибоз...» деб ёзгандим. Хўрознинг ҳам таърифи бор эди. Комил ака уни мана бундай қилиб тузатибди: «Кал чуччи, қора томок, тепса деворни йиқитади, чўқиса, тошни узук қилиб қўяди».

Ҳикоя босилиб чиққач, Абдулла Қаҳҳордан бошқа ҳаммага ёқди...

«БАДАВЛАТ КЕЛИН»

— Бир ҳикоянгиз тўғрисида «Қизил Ўзбекистон» газетасида танқидий мақола босилган эди. Қайси ҳикоя эди, у?

— «Бадавлат келин» деган ҳикоям.

Ўзбекнинг қиз узатиши курсин. Умр бўйи йиққанинг

бир кунга етмайди. Қиз бола ўғри бўлади, деб бекорга айтишмаган. Шунинг учун ҳам қиз туғилган кундан бошлаб онаси мол йиғади. Урушдан тутдек тўкилиб чиққан оила, қандоқ қилиб қиз узатади?

Хикояда эрга теголмай юрган қизнинг заёмдан катта пул ютиб олиши-ю катта тўй қилиб, куёвга чиқиши тасвирланган. Хикоя хомгина, ночоргина, бўшгина чиққан, аммо газетага урилишнинг сабаби бошқа ёқда. Танқидчи хикоядан сиёсий хато топмоқчи бўлган: яъни, Совет оиласи тўқ, бадавлат яшайди. Заёмдан пул ютишга зор эмас. Бу совет воқелигига тухмат. Зарарли хикоя...

«Хой, инсофинг борми, уруш кеча тугади. Хали биринг икки бўлишига қанча қовун пишиғи бор. Товуқ сўйиб уйланган ўртоғимизнинг тўйига борганимиз эсингдан чиқдими? Фронтдан қайтиб келган қанча йигитлар уйланомай юрганини, қанча қизлар эрга теголмай, қари қиз бўлиб қолаётганини кўриб турибсан-ку!..»

Ана шундай изтиробли ўйларга бориб турсам, Фафур Фулом келиб қолди:

«Нима бўлди? Сал бошқачароксан?»

Мен унга газетани кўрсатдим. У елкамга қўлини қўйиб деди:

«Оббо тентаг-е, шунга хафа бўлиб ўтирибсанми? Қўй, хафа бўлма, Бу эндиғи ейдиган калтакларингнинг биринчиси. Эҳ-хе, хали қанча калтаклар сени кутиб турибди. Биласанми, ўттиз еттинчи йилда мени урмаган газета қолмаган. Хатто Ачавотдағи дўлилар ҳам газетасига «Ғапир Ғилом вираг народ» деб ёзган. Юр, пиво олиб бераман».

Қаранг, Фафур Фулом каромат қилган экан. Газета танқиди кейинги кўргиликларим олдида ҳолва бўлиб қолди.

БИРИНЧИ ҚОР

— Сталин қамоқлари, уруш, қаҳатчилик... сизни ҳам четлаб ўтмаган. «Халқ душмани» бўлиб қамалгансиз. Бундай кулфатларга шерик бўлган айрим тенгдошларингиз «қайта қуриш» деб аталган жараён бошланиши билан кечмишлари ҳақида хотиралар, хатто қиссалар ёздилар. Аммо Сиз негадир жимсиз. Ноҳақликни кўрмагандек, билмагандек юрибсиз.

— Ёзгим келмайди.

— Ҳеч бўлмаса, ўша кунлар тўғрисида гапириб беринг.

— Уйланганимга олти ой бўлганда қамашган. Одам-

лар, нимага қамаган экан, деб сўрашади. Очигини айтсам, ўзим ҳам ҳалигача билмайман. Назаримда, айбимни терговчиларнинг ўзлари ҳам билмасалар керак. Фақат ўзинг айт, ўзинг айтсанг, суд иқроор бўлганингни ҳисобга олади, дейишарди. Қанча қийнашмасин, айбим йўқ, деб туриб олганман. Охири шоир Ёнфин Мирзони гувоҳликка олиб киришди. У кўзимга қараб туриб: «1949 йилнинг 5 ноябрь куни Рамз Бобожоннинг уйида «Ўрислар яхши яшайди, айниқса ленинградликлар маза қиляпти. Ўзбеклар хор», деб айтгансан. Ўша куни биринчи қор ёққан эди», — деди.

Эсладим. Ҳақиқатан ҳам, биринчи қор бешинчи ноябр кечкурун ёққан эди. Мен ўша пайтда Ўрта Чирчиқ районига, Қахрамон пахтакор Замира Муталова тўғрисида очерк ёзгани боргандим. У билан гаплашиб ўтирганимда қор ёға бошлаган эди. Ўша кеча райком котиби Қаххор Пўлатовнинг уйида тунаб қолдим. Кечаси ўша ердан редакцияга телефон қилиб, стенограф Аҳмад Шораҳмедовга очеркни диктовка қилдим. Эрталаб нонуштадан кейин Пўлатов мени Тошкентга машинада опкелиб қўйди.

Биринчидан, 5 ноябрь куни Тошкентда эмасдим. Иккинчидан, Ленинград блокададан чиқиб, ҳали ўзини ўнгламаган, одамлари ҳам вайроналарда яшарди. Улар қандай қилиб «маза қилиб» яшашлари мумкин? Бу даъвода мутлақо мантиқ йўқ эди. «Гувоҳ» эса айтгансан, деб туриб олди. Терговчи менинг гапларимни ёзмади, фақат унинг гапларини ёзди. Терговчи ундан, Саид Аҳмад тўғрисида яна нималарни биласан, деб сўради. У оғзига келган гаплар билан мени айблаб бошлади. Терговчи мендан ҳам сўради: «Ёнфин Мирзо тўғрисида, унинг аксилинқилобий ишлари тўғрисида нималар биласан?»

Мен унга Ёнфин тўғрисида бир ёмон гап билмайман, у билан фақат Ёзувчилар союзида, редакцияларда кўришганман, деб жавоб қилдим. Шунда Ёнфин бирдан жазавга тушиб қолди. Ўзини муштлаб, додлай бошлади: «Мен сени агент, мени сотган, деб ўйлаган эдим. Шунинг учун сенга тухмат қилдим. Айтганларимнинг ҳаммаси ёлғон, ҳаммаси бўхтон», — деб бўкириб йиғлаб юборди. Бу гапларнинг биронтасини ёзиб олишмади. Ёнфинни сўкиб-сўкиб, камерасига тушириб юборишди.

— Сизни терговчилар урганми?

— Урмаган. Урганда минг марта яхши эди. Ухлатмасди. Баъзан кечаси-ю кундузи кабинетда олиб ўтираверар-

ди. Уйига жўнаётганида ёнимга соқчи қўйиб кетарди. Икки оёғим пишиб, туфлимга сифмай қоларди. Бошим фувиллаб, қандай қоғозларга имзо чекканимни ҳам билмасдим. Тўғри, бир марта урган. Пўлат линейка ўралган газета билан. Нега урасан десам, «Правда» («Хақиқат») қаттиқ тегдими, деб масхара қилган.

Мени суд қилишмаган. «Дело»мни Москвага юборишган. Тройка (Особое совещание) ўн йилга ҳукм чиқарган. Шундай қилиб судсиз, прокурорсиз, оқловчисиз, гувоҳсиз ўн йилни «бўйнимга олиб» кетганман.

ҲЕЧ КИМ АЙТМАГАН ГАП

— Ҳеч йиғлаганмисиз? Гўдаклик пайтингизни айтаётганим йўқ. Вояга етиб, эсингизни таниганингиздан кейин йиғлаганмисиз, демоқчиман. Кўп кўргуликлар бошингизга тушган, замон зарбаларига дуч келгансиз. Шундай пайтларда, хўрлигингиз келиб, йиғлаган пайтларингиз бўлганми?

— Мен ҳам инсонман. Энг азиз, энг қадрдон кишиларимни йўқотганимда ўкириб-ўкириб йиғлаганман. Аммо ҳар қандай ноҳақликка кўз ёшсиз туриб берганман. Фақат... Фақат бир марта ўксиб йиғлаганман.

1950 йили қамоқхонанинг бир кишилик камерасида тўққиз ой ўтирганимдан кейин Саидахон билан ўн минутлик учрашувга рухсат бўлган. (Сиёсий махбуслар қамоқхонада ётмас, ўтирарди. Академик Иван Павловнинг итига ўхшаб, хуштак чалганда ётиш, хуштак чалганда туриш рефлексга айланарди. Бу жойда деворга суянишнинг ҳам иложи йўқ, фақат ўтириш мумкин эди.) Кўзим қоронғига мосланиб қолганиданми, Саидахон жуда узун, новча бўлиб кўринди. Ранги бир ҳол бўлиб қолганга ўхшайди. У менинг кўнглимни кўтариш учун бўлса керак, «Сизга яхши пижама олиб қўйдим» деди. Бу гапни эшитиб, томоғимга нимадир тикилгандек бўлди-ю, овозим чиқмай қолди. Шунча уринаман, қани овозим чиқса. Бир оғиз ҳам гапиролмадим. Кўзимдан дув-дув ёш оқаверди. Учрашувга ажратилган 10 минутлик вақт ҳам тугади. Гапларим ичимда қолиб кетди. Якка жой камерада ўй ўйлаб ўтирибман. Нега йиғлаганимнинг сабабини билмоқчи бўламан, билолмайман. Саидахон менга атаб олган пижама тушимга кирибди. Ажойиб, ҳеч кимда йўқ ҳаворанг пижамани кийиб Союзга борган эмишман. Ёзувчи ўртоқларим қаердан олдинг, деб сўрашар эмиш.

Саидахон олиб берди, деяр эмишман. Ўшанда Саидахон менга ҳеч ким айтмаган гапни айтди. Эсимни таниганимдан буён бунақа илиқ гапни ҳеч кимдан эшитмаган эдим. «Халқ душмани»нинг ўғлига биров меҳрибончилик қилмаган, бошини силамаган. Болалигини боладек ўтказмаган. Болалигини тирикчилик кўйида исроф қилган киши учун бундай сўз жаҳоннинг жами хазиначидан қимматроқ, ўксик қалбга оқиб кирган шаффоф тоғ ҳавосидек кадрли эди...

Ўша замонларда қамоқхона остонасидан ҳатлаб ўтган бирон кишининг қайтиб чиққанини кўрмаганман. Энди мен ҳам қайтиб келишим гумон йўлга кетаяпман. Саидахоннинг илтифотида, бардам бўл, дийдор кўришамиз, бу кунлар ўтиб кетади, деган маъно бор эди. Бу сўзнинг йўқлик қаърига сингиб кетаётган одамга қандай таъсир қилишини биласизми? Дийдаси қаттиқ одамни ҳам йиғлатадиган сўз эди у.

МУШУК БОЛАЛАРИ

— Лагерда кечган ҳаётингизни эслаш Сизга жуда оғирлигини биламан. Шундай бўлса-да, кўрган-кечирганларингизни гапириб беришингизни илтимос қилардим.

— Жезқозғонда дунёга машҳур мис конлари бор. Маҳбуслар очиқ карьерлардан, ер остидан руда қазиб чиқарадилар. Тутқунларнинг кўпи мис гардидан ўпка касалига мубтало бўладилар. Мис самоварни кўрганмисиз? Зангдан кўкариб кетади. Коннинг атрофи ҳам баҳорда кўм-кўк бўлади. Бу кўкат эмас, занглаган тупроқ. Рассомлигим иш берди. Лагерда ким кўп, ўғри-ю каллакесар кўп. Аввалига ўшаларнинг кўкрагига, билагига игна билан ҳар хил наколкалар (суратлар) ишладим. Улар «Не забуду мать родную» (туққан онамни унутмайман) деган ёзувни яхши кўришарди. Кейин кўкракларига бир шиша ароқ, карта ва аёл суратини ишлатиб, тагига «мана шулар бизни хароб қилади», деб ёзишимни буюришарди. Рассомлигимдан хабар топган бошликлар маҳбусларнинг кийимларига номер ёзадиган қилиб қўйишди, ҳар бир маҳбуснинг ўз номери бўларди. Тутқунлар ҳам исми фамилияси билан эмас, номери айтиб чақириларди.

Хуллас, оч қолмадим. Рождество, пасха байрамларида маҳбуслар уйларига откритка жўнатишарди. Ўша открит-

каларга суратлар чизиб берардим. «Даромадим»ни ҳамшаҳар махбуслар билан баҳам кўрардим.

Бошлиқларимизнинг айримлари ҳаддан ташқари шафқатсиз кишилар эди. Кимдир мушук олиб келиб бока бошлади. Баракдаги қолган саксон махбус ҳам топган-тутганини олиб келиб шу жониворнинг оғзига тутадиган бўлди. Мушук уларга узоқда қолган, унутилаёзган оила аъзоларини, бола-чақаларини эслатарди. Бир куни мушугимиз етгита бола туғди. Улар сал кунда кўзга кўриниб қолишди. Барчага эрмак, барчанинг қувончи эди улар! Кутилмаганда, навбатчи офицер кириб, ҳаммасини халтага солиб олиб чиқиб кетди ва новвойхона ўчоғида ловуллаб ёнаётган алангага уларни навбати билан битта-битта отиб, ёнишини томоша қилди!..

Лагердаги бараклар қулфлаб қўйиларди. Бир тонг баракдан ёнғин чиқди. Олов печь ёнига қуритиш учун ёйиб қўйилган пайтавага илашиб, қатор териб қўйилган пийма (валенка)ларга ўтибди.

Мен кутубхонада янги йил плакатини ишлаётган эдим. Ёнаётган баракка югуриб келдим. Назоратчига, очмайсанми, десам, бошлиқлар буйруқ бермагунча очмайман, деди.

— Одамлар тутундан бўғилиб ўлади-ку! — дейман ялиниб.

— Ўлса ўлаверсин, менга нима. Менга санаганда тирикми, ўликми, 200 та куйган калла билан 400 та оёқ чиқса бўлди. Қолгани билан ишим йўқ.

Бундай даҳшатли манзаралар узоқ вақтгача хаёлимдан ўчмади. Эсимга тушганида сесканиб кетардим...

«МАЖРУҲЛАР ОНАСИ»

— Ана шу кўрган-кечирганларингизни китоб қилиб ёзсангиз бўлади-ку?

— Бўлади. Лекин мен ёзмоқчи эмасман. Ёзаман, деб бир-икки марта уриниб ҳам кўрдим, юрагим кўтармайдиганга ўхшайди. Биласизми, Мопассаннинг «Мажруҳлар онаси» деган машҳур ҳикояси бор. Ўқиганмисиз?

— Йўқ.

— Бир аёл ҳар гал бола туғиши олдидан қорнини чандиб, сиқиб боғлаб олади. Кейин мажруҳ бола туғади. Қийшиқ-қинғир туғилган болаларни ажойиботлар ишқибозларига сотади. Улар эса мажруҳларни ажойибхоналарда намойиш қилишади. Хотин ўз азобларини, изти-

робларини пулга сотади. Азоблардан келган даромаддан бойимоқчи бўлади.

Лагерда кўрган-кечирганларимни, тортган азобларимни ёзмоқчи бўлсам, хаёлимга мажруҳлар онаси келаверади. Мен ҳам унга ўхшаб азобу изтиробларимни пулга сотадигандек бўлавераман. Ёзишга кўлим бормайди.

...Кўксимда аламлар қалашиб ётибди. Болалигим ўқиб ўтди. Отам, акам, ўзим «халқ душмани» бўлдим. Деярли бир умр бўйнимни қисиб, ўқиб яшадим. Оқланиб, қайтиб келганимдан кейин ҳам бахтим очилмади. Ёзувчилар союзида бирон хайрли иш бўлса, рўйхатдан ўчиришарди. Мажлислардан бошимни эгиб чиқиб кетардим. Бошимдан ўтганларни ёзиш учун хаёлан бўлса-да, яна қамоққа боришим, жами изтиробларни яна руҳан тортишим керак. Буни энди юрагим кўтара олмайди, деб кўрқаман.

ЭРКАКЛАР ҲАММОМИ

— Сизни Фарғонача аскияга жуда уста дейишади... Аския халқ ижодида энг мураккаб жанр. Бу тез фикр қилиш мусобақаси. Рақиб томонидан берилган зарбага бир-икки лаҳзада ундан ўтказиб жавоб қилиш керак. Жавоб мавзудан чиқмаслиги, кишини ҳайрон қолдирадиган даражада мантиқли, сўз тагига рақибни «фош» қилувчи сўз яширинган, айни пайтда жуда ақлли, қўлгили бўлиши шарт. Жавоби қандоқ бўларкин, деб тикилиб турган юзлаб кўзлар қаршисида довдирамасдан, ўзини йўқотмасдан, рақибнинг «саломига» шундай «алик» олиш керакки, давра аҳли бомба портлагандек, гумбурлаб кулиб юборсин.

— Фарғона томонларда уста аскиячилар кўп. Мен ҳам йигитлик пайтларимда, ишқибозлик қилиб, улар билан аския айтишганман.

Аммо аския фақат эркаклар даврасида айтишга мўлжалланган жанр. Абдулла Қахҳор бир мақолачасида, «Аския гўнг устида очилган гул» деб айтган эди. Бу — жуда аниқ ва тўғри баҳо.

Аския замирида аёллар олдида айтиб бўлмайдиган уят гап ётади. Баъзан телевизорда аския мусобақаларини кўрсатишади. Унда аёлларнинг ҳам гурра-гурра кулишаётганини, баъзан уларни ҳам аскияга аралаштирилганини кўриб ҳайрон бўламан. Аския бамисли эркаклар ҳаммоми, унга аёлларнинг кириши мумкин эмас.

УМР ҲИСОБИ

Каноатда Саида
филча бўлурму хай-хай.

(Қўшиқдан)

— Домла, сеvimли адибимиз, рафиқангиз Саида Зунунова қазо қилганларига 20 йилдан ошди. Ёлғиз ўзингиз қийналиб қолмаяпсизми. Иссиқ-совуғингиздан кимлар хабар олиб турибди?

— Боя айтганимдек, уйимдан меҳмон узилмайди. Қизим, куёвим, невараларим ҳолимдан хабар олиб туришадди. Ёлғизликка қўниқиб ҳам кетдим.

— Шундай бўлса-да, уйланганингиз маъқулмиди? Ёш бир жойга борганда ётиш бор, туриш бор, дегандек, қийин-да?

— Уйланиш.... Бу гапни иккинчи оғзингизга олманг. Энди турмушга чиқиб, ўйнаб-қўламан, деган келинчакнинг навқирон умри қийноқларда ўтди. Бу азобларга у мен туфайли гирифторм бўлган. Мен қамалганимда унга газета, журналлар, нашриётлар эшиги беркитилди. Союз аъзолигидан ўчирилди. Икки дипломли бўлатуриб, ишсиз, саргардон бўлиб юрди. Эрингдан кечсанг, ҳамма йўллари очиб берамиз, дейишди...

Бунақа кўргуликларга у аёл боши билан бардош берганда, наҳотки мен — эр киши чидамасам?..

Дунёда ҳар бир ишнинг ўз ҳисоб-китоби бор. Ҳар бир айтилган сўзнинг жавоби бўлади. Дунёдан кўз юмиб кетгунча ҳисоб-китоб қилиб қўйиш керак. Айтилган гапга жавоб бериб қўйиш керак.

Бундан ташқари Худодан талаб олган биттагина қизимиз бор. Ёлғиз боламнинг дили овришини истамадим. Саидахоннинг кино ленталарига олинган қиёфаси, суратлари, грампластинка ва магнитофонга ёзилган овозлари, жавон тўла китоблари, қўлёзмалари менга қолган қимматбаҳо хазинадир.

«СУЯНАДИГАН ЧИНОРЛАРИМ БОР»

— Бир куни Сиз устозингиз Фафур Гуломдан, тенгдошларингиздан қайси бирининг асарларини яхши кўрасиз, деб сўраганингизда у киши, гапни ҳазилга буриб юборган эканлар. Энди шу саволни ўзингизга берсам, нима дейсиз?

— Қариганимда тенгдошларимнинг бири яхши, бири ёмон деб балого қолмай. Яхшиси шогирдбаччалардан сўранг.

— Майли, шогирдларингизни айтинг, бўлмаса...

— У «безобразний»ларни шогирд дейишга тилинг бормайди. Қолаверса, уларнинг ўзи энди катта устоз бўлиб қолишган. Эркиннинг қанчадан-қанча шогирдлари бор. Ўткирнинг ортидан қанча ёш талантлар эргашиб юрибди. Неъматни айтмай кўя қолай. У ҳажвчиликда ўзига хос мактаб яратяпти.

— Пенсияга чиққан кишининг бирон эрмаги бўлиши керак. Масалан, Айний домла бўш вақтларида нишолда пиширган эканлар. Сиз-чи?

— Мен эллик йилдан бери сурат оламан. Қаерга бормай, елкамда фотоаппарат осиглик. Темир-терсакни яхши кўраман, радио, магнитофон, телефон аппаратларини кавлаб-кавлаб охири бузиб кўяман. Устага тузаттириб келгандан кейин ҳам кавлайвераман. Ичида нима борлигини билгим келади-да.

— Абдулла Орипов билан девор-дармиён кўшни экансиз. Кўришиб турасизларми?

— Ҳа, албатта. Абдулла болалари каникулга чиққанда боққа кўчиб чиқади. Боғимизни гулдор панжара ажратиб туради. Униқига шоирлар, мениқига носирлар келишади. Дам олиш кунлари униқига шеърхонлик, мениқига аския, латифагўйлик бўлади.

— Ўртадан ўша панжара олиб қўйилса бўлмайдими?

— Бўлмайди. Назм билан наср ўртасида чегара бўлиши керак. Тақдир тақозоси билан Ёзувчилар союзи икки ижодий уюшмага бўлиниб қолган. Барибир ижодкорлар бир-бирларини соғиниб қолишади. Яқиндагилар тишлашади, узоқдагилар кишнашади, деганларидек, улар кишнашиб қолган пайтларда менинг боғимда учрашиб дилларини ёзиб кетишади.

— Демак, боғингиз «пом» чиққанларни яраштирадиган жой экан-да?..

— Шундай десангиз ҳам бўлади.

— Шогирдларингиз билан қандоқ тил топишасиз?

— Уларнинг феъл-атворлари менга маълум. Ўткир донолик қилиб куйдиради. Носир гапни чимчилаб-чақиб айтади. Неъмат гуноҳ қилиб қўйганда Бухоро лаҳжасида иккита латифа айтиб, кулдириб қутулади. Худойберди «пора» беради. Узоқ келмай кетса, бирон пақир шафтолими, шотут мураббосими олиб келади. Еган оғиз уялар, деганларидек уни койишга тилим бормай қолади. Дўст

сафарда билинади. Бу шогирдбаччалар кўп сафарларда синалганлар. Шундай суянсам бўладиган чинорларим борлигидан қувонаман.

МАШҲУРЛИК МАРТАБА ЭМАС

— Домла, Сиз жумҳуриятимизнинг машҳур ижодкорларидан бирисиз. Қаерга борманг, олдингиздан мухлисларингиз чиқиб келаверади. Бу Сизга ёқадими?

— Устоз Абдулла Қаҳҳор ҳазиллашиб, «Мен қилган меҳнатни маймун қилганда у ҳам ёзувчи бўлиб кетар эди», деган. Нимагаки эришган бўлсам, фақат меҳнатим орқали эришганман. Машҳурлик масаласида бир нима дейишим қийин. Ким билади, у балки масъулият деганидир. Машҳур киши халқнинг кўзида бўлади. Хар гапи, хар бир ҳаракати эл назарида туради.

Худо мени меҳнатдан жудо қилмасин.

*Қулмон ОЧИЛ суҳбатлашди.
1994 йил.*

ТАЪЗИМ

(Президентимиз Ислом Каримов кўлидан «Буюк хизматлари учун» орденини олаётганимда кўнглимдан кечган ўйлар)

Минг тўққиз юз эллагинчи йилнинг 5 март куни кўлимга кишан солиб ҳайдаб кетаётганларида баланд иморатларнинг пештоқларига, азамат теракларнинг учларига эндигина офтоб туша бошлаган тонг маҳали эди.

Туғилган юртим, она шахрим Тошкентим билан видолашмадим. Чунки қачондир қайтиб келишимга, сахар кезлари оҳиста тебранаётган шу дарахтлар тагида сайр қилишимга ишонардим.

Эҳ-хе, қанча йўллар юрдим. Қанча хўрликлар кўрдим. Она юрт соғинчи бир дам бўлсин мени тарк этмади. Олис юртларда илинж билан, умид билан меҳригиёси тинимсиз ўзига тортиб турган Ўзбекистонимга қараб талпиндим.

Ўзбекистон, менинг Ўзбекистоним! Куёшнинг ердаги яхлит бир парчаси, жаннат деса дегулик юртим, шўрлик юртим, топталган юртим, таланган юртим!

Бағрингдан мени юлқиб олиб кетяптилар. Чўлпонлар, Қодирийлар, Фитратлар кетган йўлдан олиб кетяптилар...

Минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йилнинг бешинчи декабри. Ҳукумат уйининг тантаналар, маросимлар қасрида ўтирибман. Сал фурсатдан кейин менга мукофот топширадилар. Шу ҳаяжонли дамларда хаёл қурмагур кўрган кунларимни кўз ўнгимда гавдалантиради. Атрофга қарайман. Кошонани тўлдириб ўтирган юртдошларимнинг гулгун чехраларини кўраман. Улар — истеъдодини, ҳалол меҳнатини елкасига офтоб теккан Ўзбекистонимизга бағишлаган юртдошларим. Улар — ўтган қисқагина вақт ичида хусни-жамолини, камолини жаҳонга кўрсатган мамлакатимиз учун тер тўккан, эркин меҳнати туфайли рўшнолик кўраётган, ўзи вояга етказган юртининг мукофотига сазовор бўлган ватандошларим.

Мукофот топшириш маросими бошланди. Каттиқ ҳаяжондаман.

— «Буюк хизматлари учун» ордени билан...

Бу мен. Мени қақришяпти. Ўрнимдан туриб, Президентимиз томон юра бошладим. Юряпманми, ҳавода сузаяпманми, идрок қилолмасдим. Ўзимни қўлга олишга ҳаракат қиламан. Президент мухаййир лентага бириктирилган ордени бўйнимга осиб қўяётганда мижжаларимда ёш қалқиди. Бир киприк қоқсам дув тўкилади. Чидадим. Мукофотни олиб то жойимга бориб ўтиргунимча киприк қоқмадим. Кўзим тўла ёшни юзимга томдирмадим. Нималар дедим, эсимда йўқ. Ўтирганлар гуррос кулишди. Нима деган эканман ўшанда? Ишқилиб бирон жўяли гап айтган бўлай-да! Ёнгинамда ўтирган, ҳозиргина қаҳрамонлик Олтин юлдузини олган хоразмлик пахтакор — Машарип Қувоқов қўлимни қисиб «Дим яхши сўзладингиз, гапни аппаратингиз, ёшулли», деди. Шундагина хотиржам бўлдим.

Мукофот топшириш маросими телевизор орқали кўрсатилганда нималар деганимни билдим. Гапларим маъқул бўлган экан, Президентимиз билан сувратга ҳам тушдик.

Шунда буюк Фафур Фуломнинг «Ким эдигу ким бўлолдик, не бор азиз жонингда, эй дил, бергил сарҳисоб», деган сатрлари эсимга тушди.

«Буюк хизматлари учун» орденини қўлимга олиб қарайман. «Буюк» сўзини ўқиганимда етмиш етти йиллик ғуборларим тарқаб кетгандек бўлди. Кўрган жабру жафолар тумандек ғойиб бўлди.

Жез конлари тагида мис куқунларини ютиб, ўпкаси занглаб оламдан ўтган, жасадлари занглаган тупроққа қўйилган юртдошларим ҳаққи, Сибирнинг қаҳратон совуқларида музлаб қолган, умрини ўрмонларда поёнига етказган бекиёс доно устозларимиз ҳаққи сенга таъзим қиламан, Ўзбекистоним.

Шу оғир йўллардан мени омон қайтарган сенинг меҳринг, сенинг иссиқ бағринг, менинг эътиқодим, Тангрининг беадад меҳридир.

Ўзбекистоним! Жоним, жаҳоним! Мен сенинг ўғлингман. Буюр, она бўлиб буюр, ота бўлиб буюр! Жабҳаларга йўлла! Тоғлардан ошай, дарёлардан кечай, саҳроларни кезай, Буюр, буюр!

Мана шу ёруғ кунлар учун, бу тенгсиз ҳурматлар учун халқимга, улufe йўлбошчимизга қуллуқ қиламан.

МУНДАРИЖА

ЙЎҚОТГАНЛАРИМ

Ойбек:

Шуъла	6
-----------------	---

Фафур Фулом:

Қутлуғ даргоҳ	26
Назм чоррахасидан репортаж	28
Йигитлар туғилган тонг	28
Тошкент таронаси	32
Ижодкор обрўси	36
«Шум бола»нинг давоми	43
Шоирнинг рафикаси	48
«Вақт»нинг туғилиши	54
Севинч қўзёшлари	59
Қорхат	64
«Занжирланган қуён»	67
Елқасини пайғамбар силаган шоир	71

Абдулла Қаҳҳор:

Елқасини ҳақиқат силаган ижодкор	91
Минг бир жон	126
Йўқолган китоб	131
Ижод ва жасорат дарси	136
Сабок	141

Мақсуд Шайхзода:

Дилбар шоир эди у	150
-----------------------------	-----

Миртемир:

Уйқудаги маликалар	157
------------------------------	-----

Ш у ҳ р а т:

Уч мунгли қўшиқ	167
Сўнгсиз имтиҳон	167
Рўшнолик кўрмаган шоир	171
Тилда қолган нутқ	172

Саида Зуннунова:

Шоиранинг феруза олами	176
Йўллардан терилган сагрлар	177
Биз шундай яшадик	183
Қаноатда Саида филча бўлурми, хай-хай	195

Темирчи Уста Амин бобо:

Тарихнинг тирик шохиди	207
----------------------------------	-----

Асқад Мухтор:

Асқад билан ёнма-ён	216
-------------------------------	-----

Туроб Тўла:

Етмишинчи бекат	219
---------------------------	-----

Ўлмас Умарбеков:

Ёшлик кўчаларига саёҳат	223
-----------------------------------	-----

ТО П Г А Н Л А Р И М

Ўткир Хошимов:

Ижод ва жасорат	226
---------------------------	-----

Неъмат Аминов:

3001-суварак	233
------------------------	-----

Тоғай Мурод:

Тоғай Мурод қўшиқлари	240
---------------------------------	-----

Носир Фозилов:

Икки халқ боласи	244
----------------------------	-----

Маҳсуд Қориев:

Ҳаётим битта ҳарф устида 248

Тўлан Низом:

Шеър хавоси 251

Озод Шарафиддинов:

Ёқимтой инсон, билимдон олим Озод Шарафиддиновнинг китоб-
севарлиги тўғрисида билган ва билмаганларим 252

Худойберди Тўхтабоев

Ок йўл сенга, Ҳошимжон! 257

Ҳабиб Саъдулла

Кўчангдан яна жонон ўтапти 264

Мурод Муҳаммад Дўст

Жомдан чиққан ёзувчи 272

Анвар Обиджон

Фарғонада биттагина 276

Турсуной Содиқова

Жажжи ватан суврати 282

Муродбек Низонов, Сайловбой Жумагулов

Ўмирбек лаккининг неваралари 285

Маҳмуд Тоиров

Шеър вулкондек отилса 286

БАҒРИМНИ ЎРТАГАН АЛАМЛАР

Қилмаган ишим қолмаган 290

От билан суҳбат 304

Менга етиб келмаган хат 309

Ҳажвчининг изтироблари (*Муаллиф билан суҳбат*) 316

Таъзим (*Муаллиф дил изҳори*) 331